Кб 84
Н-14


Тошкент – 2011

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011


АЛИШЕР НАВОИЙ


Тўла асарлар тўплами

Тўртинчи жилд

Хазойин ул-маоний

Фавойид ул-кибар





Газаллар

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

1

Эй, етти манзар тарҳиға меъмори сунъунгдин бино,
Маснуълар фоний, вале маслуб сониъдин фано.

Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбиҳ уни
Одам дебон қаҳринг туни ҳар дам «заламно раббано».

Ҳамдингға ҳар кўтаҳназар ҳам гунгу лол ўлғай магар
Чунким демиш Хайрул башар ул ерда «ло уҳси сано».

Жинси башар йўқ огаҳинг, хуршид хоки даргаҳинг,
Кўк маҳд аро тифли раҳинг етти атоу тўрт ано.

Фақр аҳли истаб қурбатинг, аҳли ғино ҳам тоатинг,
Етканга доғи фурқатинг не фақр нофиъ, не ғино.

Васлингда ишрат хўб эрур, айшу тараб марғуб эрур,
Сенсиз манга матлуб эрур танда алам, жонда ано.

Ишқингда бер девоналиғ, шавқингда бер фарзоналиғ,
Ағёрдин бегоналиғ айлаб ўзунгга ошно.

Журму гунаҳлардин ўтуб, келтурма юзга қўрқутуб,
Лола агар соғар тутуб, мусича гар қилмиш зино.

Бордур Навоий бекасе, ишқ ичра андоққим хасе,
Чун ўртадинг они басе, куйдурма дўзахда яно.

2

Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо,
Йўқса, не важҳ ила қамар андин топар зиё.

Ғарқи муҳити ишқинг эди жон ила кўнгул,
Ул дамки руҳ эмас эди тан бирла ошно.

Гулда юзунг латофатидин ранге кўрмаса,
Булбулға не эди бу фиғон бирла, бу наво?

Бир зарра оғзи рамзини ҳар кимки англади,
Йўли адам тариқидуру, зоди раҳ—фано.

Ул зиндадил ҳаёти абад васлдин топар,
Ким ниши ғамни нўш деру дардни — даво.

Ломеки, васл аёғиға топмиштур иттисол,
Ул ломдурки, ўртаға олмиш ани бало.

Ўздин қутул, Навоию мақсадға етки, қуш
Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало.

3

Эй, нечукким дурни махфй асрабон уммон аро,
Гавҳари ишқини пинҳон асраған инсон аро.

Чунки инсонни бу гавҳар бирла айлаб баҳраманд,
Сарфароз айлаб малойик хайли бирла жон аро.

«Алламал инсон»ға чун айлаб мушарраф ер бериб,
Тахти жоҳу ишрат узра равзаи ризвон аро.

Ўйлаким, тахт аҳлиға душмандин ўлмайдур гузир,
Ул халифа бирла душманлиғ солиб шайтон аро.

Маккадин хориж қилиб, мулкидин айлаб бенасиб,
Қарнлар саргаштаю оворалиғ даврон аро.

Ғурбату ёлғузлуғу маҳзунлуғу ҳасрат била
Ҳар замон юз минг бало ичра солиб ҳижрон аро.

Бўйла чун рад айлагандин сўнг яна айлаб қабул
Волий айлаб олам отлиғ кулбаи аҳзон аро.

Бу қабулу рад аро ҳикматни кимса англамоқ
Хайли инсон ичра сиғмас ҳаййизи имкон аро.

Эй Навоий, сен чу қулсен, қуллуғунгни яхши бил
Фикратинг рахшиға жавлон берма бу майдон аро

4

Худоё, залол аҳлиға раҳнамоё,
Юзунг жилва айларга ашъё мароё.

Ангаким атоё, тилар сендин эҳсон,
Наво истаганларга сендин атоё.

Асирeки, зикрингни айлаб ҳудий,
Берибсен халосиға юз минг ҳадоё.

Фалакда давойирки, раем этти сунъунг,
Жаҳон ганжидек анда юз минг завоё.

Сен этмай қазо, бўлмай ижроси мумкин,
Жаҳон коргоҳида ўтган қазоё.

Сенинг кибриёнг остонида яксон,
Агар худ салотин ва гар худ раоё.

Навоийни бу журму исёнда билмон,
Ки қўйғунгмудур ё чиқарғунгму оё?

Ўз илгида чун ҳеч йўқ ихтиёри,
Ўзига ани қўймағайсен, Худоё.

Гунаҳбахши сен бўлғилу журмпўши,
Шафоатгарилик хайрул бароё.

5

Эй, кўнгул ичра майи васлинг учун ком таманно,
Жонға ҳам фурқатинг ўти аро бу хом таманно.

Гарчи васлингни тилаб, жоним аро қолмамиш ором,
Лек топмиш бу ҳазин жон аро ором таманно.

Туну кун базми висолинг аро усруклар элидин
Мени лабташнаи махмурға бир жом таманно.

Гармравларға агар ҳамқадам ўлмоққа ҳадим йўқ,
Ҳам аларнинг сўнгича урғали бир гом таманно.

Кимки ул ваҳму хаёли аро зотингни киюрди,
Қилмади ғайри хаёлот ила авҳом таманно.

Мунглуғ оллингға келибмен, манга раҳм айлаки, бўлмас
Шоҳдин бўйла гадоларға жуз инъом таманно.

Тонг эмас бодияи ишқинга кирмакки, қилибмен
Боғламоқ Каъбаи кўюнг сари эҳром таманно.

Ҳолим оғозини билмон, карам эт раҳм қилибким,
Қилмишам хайр ила кўйинг сари анжом таманно.

Нуру зулматни Навоий нетар, ул юз кераку зулф,
Ким будур кўнглида гар субҳу гар шом таманно.

6

Зиҳи, тожинга гавҳари кибриё,
Бу гавҳардин офоқ топиб зиё.

Қуёш чиққач, андоққи иткай нужум
Кўрунмай, сен ўлғач аён, анбиё.

Уружунгда айнул яқин аҳлининг
Кўзига ғуборинг бўлиб тўтиё.

Қуёшнинг шиои хутутин Масиҳ,
Тўқуй олмайин ҳужранга бўрё.

Сенинг миллатингдин чу топиб шараф,
Саодат либоси кийиб ашқиё.

Қилиб тошу туфроғни олтунки, бор
Сенинг коргоҳингда бу кимё.

Санга уммат ўлмағни истаб русул,
Вале биз сарафроз ўлуб ҳолиё.

Келиб сидқинг оллида сиддиқлар,
Анингдекки, сиддиқу аҳли риё.

Навоий нетар «қоба қавсайн», агар
Топа олса қошинг киби икки ё.

7

Зиҳи, ҳилолинг ўлуб ой бошиға тиғи бало,
Бир олмасиз икки ёрғон, сену қуёш масало.

Тутуб санга чу майи лутф соқийи раҳмат,
Шафоатинг уруб икки жаҳон элига сало.

Рисолатинг дамидин шаръ кўзгусига жило,
Сиёсатинг ўтидин куфр роҳибиға жало.

Ҳам аҳли равзаға фирдавс сенсизин чаҳи вайл,
Ҳам аҳли вайл иши ҳажринг ўтида вовайло.

Хумор дофии бўлғайму соқийи Кавсар,
Бу дайр ичинда майи ишқ ичмаганга тўло.

Тилимда зикрингу кўнглумдадур хаёлинг, шукр,
Ки бори сенсиз эмас суҳбатим халоу мало.

Навоий ўлди, басе хору паст хас янглиғ,
Сенинг йўлунгда эса, бас анга бу иззу ало.

8

Кишики истасаким, етмагай малолат анга,
Керакмас аҳли жаҳон бирла завқу ҳолат анга.

Гар одами малак ўлсаки, қилмасун таъриф,
Агар киши десаким, етмагай хижолат анга.

Ёмонни демаки, излол этар экин шайтон,
Дегил: фасодда мундин етар залолат анга.

Чу дерлар инсонни муштақ ўлди нисёндин,
Ўзину аҳдин унутмоқ этар далолат анга.

Билурки, рўзи анга Ҳақ берур, ўзидекнинг
Бўлур чу бандаси, боис эрур разолат анга.

Демаки, илмда келмиш малакдин ул афзун,
Ки девдин доғи афзун эрур жаҳолат анга.

Биров амонатини асрай олмас, арчи эрур
Худой амонатини асрамоқ ҳаволат анга.

Чу бўлди нутқ ила мумтоз барча ҳайвондин,
Ҳам охир ул ҳайвондин эрур мақолат анга.

Бу зулмларки, ул айлар, не айлагай ногаҳ
Анинг ҳисобида Ҳақ айласа адолат анга.

Навоий оғзида «неъм ал-вакил» эрур зикринг,
Сўруғ куни карамингға буюр ваколат анга.

9

Неча кўнглум пора бўлса, раҳм қилмас ёр анга,
Неча бағрим бўлса қон, боқмас даме дилдор анга.

Бир югурук тифл эрур кирпикларим ичинда ёш,
Ким йиқилиб сончилибтур ҳар тарафдин хор анга.

Номам элтур қуш агар мазмунин айтиб, қилса шарҳ,
Сочқай ўт қақнус киби минг чок ўлуб минқор анга.

Лаълинг оллида чекар эл жонини олғач кўзунг,
Ваҳ, не шарбатдур лабингким, жон берур бемор анга.

Ақл уйи сори инонин бошламоқ, носиҳ, не суд,
Телбаким, дашт узра маркабдур бузуғ девор анга.

Тортасен исён юкин, хам қил қадинг тоатқаким,
Юк оғир бўлса, рукуъ ул дам бўлур ночор анга.

Умр ғафлат уйқуси бирла тиларсен кечса, оҳ,
Кўз юмуб очқунча кимнинг эътимоди бор анга.

Мен худ ўлдум, эй сабо, кўнглумни кўрсанг кўйида,
Чиқма андин, деб насиҳат қилғасен зинҳор анга.

Зор кўнглум тушкали ҳажр ўтидин ғам чангига,
Эй Навоий, ўхшашур ҳам уд анга, ҳам тор анга.

10

Лаълинг ул ўтки, кўнгул мижмар анга,
Ё кўнгул дуржу лабинг гавҳар анга.

Ғамидин айру эмонким, тутмиш
Уне бу хотири ғампарвар анга.

Зордур телба кўнгулким, кўрунур
Ҳар дам ул ҳури пари пайкар анга.

Қон кўнгулдин не ажаб турмасаким,
Кирпикинг ҳар дам урар ништар анга.

Ҳажр ўтидин таним ул навъ куяр,
Ким эрур остида кул бистар анга.

Ҳажридин ҳолим эрур андоқким,
Бўлмағай кўрмагуча бовар анга.

Даҳр хуш гулшан эрур, найлайким,
Йўқ вафо гулларидин зевар анга.

Жон олурда ғами ҳажр, эй соқий,
Чорадур бода била соғар анга.

Юзи васфиға Навоий тушмиш,
Барги гулдин ясангиз дафтар анга.

11

Ваҳ, не ҳол ўлғайки, келгач ул бути зебо манга,
Ўзга қилғай ҳол ҳар дам ул қади раъно манга.

Не ажаб, ўлсамки айлаб тоза руҳин халқнинг,
Руҳ зойил айлагай ул ҳусни руҳафзо манга.

Шукр эрур, эй кўзки, ҳар ўққим отар ул қоши ё,
Ё сангадур, ё бағирға, ё кўнгулга, ё манга.

Айлагай бир дамда юз дайри куҳан таркин Масиҳ,
Кўрса зулмеким қилур ул дилбари тарсо манга.

Эй кўнгул, иткилки ҳар девоналиғким айласанг,
Ул париваш ишқида, охир келур ғавғо манга.

Ноумид ўлсам, вале навъе уммидим доғи бор,
Барча ушшоқиға раҳм этмак ул ой, илло манга.

Икки зулфи тобу печидин бузулдум, негаким
Хонумон айлар қаро ҳар лаҳза ул савдо манга.

Соқиё, аҳбоб ҳажри қатлим айлар, бода тут,
Ким бу қотил заҳр тарёки эрур саҳбо манга.

Дема, не эркин Навоийнинг жилавдор ўлмағи,
Ваҳ, не эрким, ҳар неким ҳукм этса ул Мирзо манга.

12

Қачон отса ул ғамза новак манга,
Келур гар минг ўлса, яко-як манга.

Яқо чокидин ҳажр ташрифини
Кўрунгким, елак бўлди кўнглак манга.

Фироқ ичра, жону кўнгул, сиз кетинг,
Ки бўлмиш зарурат бу эмгак манга.

Не зулфунгни қасдимға дом айладинг,
Бас, анинг чу бир тори илмак манга.

Чу сенсиз тирик қолмишам, яхшироқ
Бу янглиғ тирикликдин ўлмак манга.

Неча бевафоларға кўпрак вафо
Қилурмен, етар жавр кўпрак манга.

Нетиб ўлмайин, эй Навоийки, зулм
Қилур барча мирзою мийрак манга.

13

Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга,
Иродат эмгагидур бу, не ихтиёр манга.

Висол давлатин ул кун ўзумга жазм эттим,
Ки ҳажр ғуссасин этти ҳавола ёр манга.

Чу ёр кўнглида бўлсам, бало манга ёвумас,
Бу важҳ илаки, темурдин бўлур ҳисор манга.

Не билсун ул кишиким, чекмамиш фироқ тунин,
Ки не сифат кечадур тийра рўзгор манга.

Қочиб адамға борай ақлу фаҳму донишдин,
Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга?!

Буюрмағил яна сабр, эй табиб, Тенгри учун,
Ки ушбу шарбат эмас эмди созвор манга.

Навоийдек қадидин қилсам ўлгали оҳанг,
Бийик мақом топибон ясанг мазор манга.

14

Чоғирға тушкали йўқтур қарору хоб манга,
Чу ўтқа туштум, эмас айб изтироб манга.

Ҳамиша маету хароб ул сифат юрурменким,
Кўруб таҳайюр этар олами хароб манга.

Боқиб табассум этар пири дайру муғбача ҳам,
Бу дайр аро кулар алқисса шайху шоб манга.

Чу маст эдим, манга таъсир қилмади, гарчи
Малул бўлдилар этмакдин эҳтисоб манга.

Дуои субҳ била бода таркин истармен,
Тилар сабуҳи хумор айлабон, азоб манга.

Нечаки майкада ичра аёғ яланг, яқо чок,
Ичарга дурди қадаҳ ҳар тараф шитоб манга.

Ичурса жоми ҳидоят, наво тузуб Жомий,
Навоий, анда магар бўлғай ижтиноб манга?!

15

Ул ой куларга эрур, юз ажаб тарона манга,
Бориси қошида макс эткали баҳона манга.

Ўқи яраларини кўксум ичра асрармен
Ки ҳар бири эрур ул шўҳдин нишона манга.

Забоналар яралардинки чиқти, ҳолимни
Демакка ҳол тили бўлди ҳар забона манга.

Бир оҳ ўти била ишқ аҳлин ўйла куйдурайин,
Ки қолмағай киши ишқи шарики ёна манга.

Кўнгулда холидин ул хат муҳаббати тушти,
Гиёҳи фитна кўкартур бу турфа дона манга.

Сипеҳр гунбади ичра нетиб қадаҳ ичмай,
Ки бўлди мужиби ҳайрат бу корхона манга.

Навоиё, мени Фарҳод дема ё Мажнун,
Нединки, ҳожат эмас боғламоқ фасона манга.

16

Тори зулф ўлғали дилбанд санга,
Бўлди жон ришташи пайванд санга.

Ҳам шакардур лабингу ҳам хандон,
Ярашур асру шакарханд санга.

Хўблар майли кўнгул қилмадиким,
Эмас эрди бири монанд санга.

Эй кўнгул, ғунчасининг ҳасратидин
Тушти парканд уза парканд санга.

Ваҳки, занжири жунун – зулфунгдин
Мубтало барча хирадманд санга.

Мен киби ҳажрға қолғай, эй васл,
Ҳар киши бўлмаса хурсанд санга.

Сен экинсенму, Навоий, телба,
Йўқса, берган кишилар панд санга?

17

Зиҳи, аҳли дин қатли ойин санга,
Не ойиндур, эй кофири Чин, санга?

Юзунг майдин ўлдиму гулгул, ваё
Сочар чарх гулбаргу насрин санга?

Эрур ғунча оғзингки, кулганда бор,
Ики барг ики лаъли рангин санга.

Лабинг жони ширин киби бўлдиким,
Фидо бўлди юз жони ширин санга.

Даминг, эй кўнгул, элни ошиқ қилур,
Магарким, берур ишқ талқин санга.

Десанг ишқ даштини қатъ айлайин,
Керакмас бўйла ақли худбин санга.

Навоий, бу ҳусни каломинг била
Эмас ҳожат эҳсону таҳсин санга.

18

Телба кўнглум ёраси ҳадсиз тани урён аро,
Ўйладурким, ер тутар девонае вайрон аро.

Буки, лаълинг нуктаси ҳар дам ўлукни тиргузур,
Кирди Руҳуллоҳ магар ул чашмаи ҳайвон аро.

Лаъл ёзилғон кибидур лаъл аро қилсанг назар,
Кўзки ҳайратдин тикибмен ул лаби хандон аро.

Қатра су ичра, дегайким, барги гулнинг аксидур,
Қатра қоним рангини ким кўрса ул пайкон аро.

Қоматинг ёдида кўнглум ичра ҳар кескан алиф,
Рост бўлмиш ул алифдекки, ёзилғай жон аро.

Жон фидонг ўлсун, ҳабибимким, ҳамоно бор эди,
Қасди махлуқот аро инсону, сен — инсон аро.

Эй Навоий, истасангким ўлмагай эл дарддин,
Дарди ҳолингни дема назм айлабон афғон аро.

19

Соқиё, нақди ҳаётим жавҳаридур жом аро,
Ким эрур жом ичра май, аксинг майи гулфом аро.

Ложуварди чарх жомида шафақдин қуйди май,
Қуй шафақгун бодасин ҳам ложуварди жом аро.

Мает ўлуб бир дам шабоб айёмини тут муғтанам,
Ким йигитлик дам-бадам ўтмакдадур айём аро.

Бир замон айрилма аҳбоби неку фаржомдин,
Ким эрур охир жудолиғ даҳри нофаржом аро.

Бўлмаса ашроф софий, нўш базми хуштурур,
Мастлиғ дайр ичра ҳам арзоли дурдошом аро.

Чун қотиқ ҳангомадур риҳлат, ичармен туну кун,
Ким ўзумни айлагаймен бехуд ул ҳангом аро.

Даҳр нўши комига бўлма, Навоий, ғарраким,
Тегмасун нокомлиғнинг неши андин ком аро.

20

Миръоти ҳуснунг тийрадур бу оҳи дардолуд аро,
Равшанлиғи мумкин эмас, чун шамъ қолди дуд аро.

Бутканга ўхшар, дегасен, ҳар ён қизил гул узра барг,
Ҳар саридин пайконларинг бу жисми хунолуд аро.

Шоми ғам оҳим дудидур, ул дуд аро ҳар ён шарар,
Билгил, нуҳусат анжуми бу шоми қирандуд аро.

Хай қатрасидин ғарқ эрур холинг саводи, ваҳ, нетар
Бир тийра кавкаб фитнаси юз ахтари масъуд аро.

Очтинг чу зулф ул икки кўз ҳарён хаданг отмоқ не тонг
Ким, қолмиш икки турки Чин ҳиндуйи номаъдуд аро.

Ул кўй қасди этмишам, эй воиз, ани манъ этиб
Ҳар дам дема жаннат сўзин, сўз солмағил мақсуд аро.

Қочса Навоий шайҳдин пири муғон сори, не айб,
Ким бор тафовутлар, басе мақбул ила мардуд аро.

21

Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро,
Магарки мўрча нисфи узулди шаккар аро.

Кўнгулда нуқтаи холинг хаёли туш-тушдин,
Ёғин асарларидур нуқта-нуқта ахгар аро.

Юзунгда қатраи хай касрати орасида хол,
Бириси мункасиф ўлмиш бу хайли ахтар аро.

Кеча не навъ юмай кирпикинг хаёлида кўз,
Мангаки, игна бутар тонгға тегру бистар аро.

Бу ўтки, мендадурур, дўзах ичра қочқай халқ,
Киюрсалар мени ошуб бирла маҳшар аро.

Қадаҳ кетурки, фалак жавридин амон ҳирзи,
Замона ёзмади жуз даври жому соғар аро.

Навоий, айла макон чарх гулшанин, яъни,
Ки чуғз бўлма бу вайронаи муҳаққар аро.

22

Ёр лаби акси тушуб жом аро,
Бодаға жон таъми берур ком аро.

Баски кўнгул оғзи хаёлидадур,
Ғунчадек ўлмишдурур андом аро.

Ҳажр аро кўргуз десам ул юзни, дер:
Меҳр қачон жилва қилур шом аро?

Дема, недин кўнглунга оромдур,
Муттасил ул зулфи дилором аро.

Ўзга кўнгуллар қушин айларга сайд,
Боғлади кўнглум қушин ул дом аро.

Мает чиқиб дайрдин ул муғбача,
Тафриқа солди яна ислом аро.

Ўтда Навоий куядур кўргали
Холин анинг орази гулфом аро.

23

Бир ой ўтти мени маҳзунға, бир ой интизоринда,
Ки не кўнглум эрур ҳушинда, не ҳушум қароринда.

Ичим фурқат балосинда, тошим ҳажр ибтилосинда,
Таним ишқ изтиробинда, ўзум шавқ изтироринда.

Юзунг ҳажрида туфроғ ўлдум ул янглиғки, ел қўпқоч,
Қуёш чиқса, падидор ўлмағай жисмим ғуборинда.

Юзунг майдинки гулгул бўлди, йўқ жаннатда ул гуллар,
Ки бир-бир очилибдур олами ҳуенунг баҳоринда.

Дегайким: бўетонафрўз ичида тухми сочилмиш,
Биравким холлар кўрса, узоринг лолазоринда.

Тишинг шавқида ғалтонлиғ аро юз гўшада қолғай,
Агар инжу ўзин солса, дури ашким қаторинда.

Майи васлинг қаниким, нашъаси жисмимға жон бергай,
Бу янглиғким, ўлум ҳолинда мен ҳажринг хуморинда.

Менинг ё дўстнинг журми дема ишқимниким, эрмас
Менинг ҳам ихтиёримда, анинг ҳам ихтиёринда.

Қуёш чиққандек ўлғай, тийра тун ичра ул ой келса,
Навоийнинг фироқ ичра қарорған рўзгоринда.

24

Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайин саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса.

Базм аро хуштур қадаҳ кавкаб, вале эрмас тамом,
Мутриби хушлаҳжаи хуршидсиймо бўлмаса.

Меҳру моҳу Муштарию Зуҳра чун қилди тулуъ,
Ҳеч наҳс ахтар тулуъи анда қатъо бўлмаса.

Мунча бўлса ҳам муяссар, жамъ эмас хотир ҳануз,
Токи муғ кўйида бир маҳфуз маъво бўлмаса.

Чун бу ерда ичкаридин руст боғланди эшик,
Одам эрмас ул кишиким, бодапаймо бўлмаса.

Хуштурур бу навъ амният, вале ақшомғача
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Ҳар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст,
То абад ғам йўқ агар бўлса яна, ё бўлмаса.

Умр базмида нашот асбоби дилкашдур басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса.

Эй Навоий, гар насибингдур абад умре, керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

25

Юзи, оллида гул, наззора қилдим, хўб эмас онча,
Қади қошиға боқтим сарвға, марғуб эмас онча.

Ҳабибим ишқида девона бўлғанда, парий доғи
Кўзумга жилва қилди борлар, маҳбуб эмас онча.

Бўлубмен ёрға толиб ва лекин ҳурға зоҳид,
Муни мен истамасменким, манга матлуб эмас онча.

Ити ўлтурса ҳам, кўпрак соғинурмен рақибидин,
Нединким, хотиримдин бу парий маслуб эмас онча.

Май ичсам беҳисоб, эскармайин кавсар суйин, йўқ айб,
Фано касбида бу оллимда чун маҳсуб эмас онча.

Жунун кўнглумга Мажнундин эрур ғолиброқ, эй оқил,
Тааққул айласанг савдоға бу мағлуб эмас анча.

Агар зуҳди риёий аҳлидин куфр аҳлини кўпроқ
Соғинсам айб эмаским, бу манга маъюб эмас анча.

Кўзум ашкини йўқ, лекин қурутмоқ баҳрни мумкин,
Ки хилқат важҳидин табъи мунунг мартуб эмас онча.

Навоийға керактур ёр, гул булбулға бўлсунким,
Юзи оллида гул, наззора қилдим, хўб эмас онча

26

Соҳиредур ул кўз, аммо холи ҳинду остида
Нуқтадур ораз уза, йўқ эрса, жоду остида.

Соиъдин кўрдик занахдон остида фикрат чоғи,
Кимки кўрмайдур булурин даста кўзгу остида.

Ичса май, жисми сафосидин кўрунур то борур,
Лаъл агар тушса, кўрунгандек сузук су остида.

Шоҳлар тожиға лойиқ тугмадур, гар берса даст,
Гўйиким кўргузди ул чобук узангу остида.

Оташин гулнинг ниҳолин сен унут, эй андалиб,
Кулдин ўзга гулхани бистар солурму остида?

Жоми мийнойи иликдин қўймаким, бу шевасиз,
Кимса хушҳол ўлмади бу тоқи мину остида.

Эй Навоий, қайғу тоғин май била дафъ айлаким,
Яхшироқ тоғ остида қолмоққи, қайғу остида.

27

Фиғонки, ҳажридин ўлди ўкуш алам бизга,
Тараҳҳум этмади ул меҳри йўқ санам бизга.

Фидоси жону кўнгул айладук, вафо ул ой
Қилиб улусқа, раво кўрди дарду ғам бизга.

Ғамидин ўлдигу ул Исавийдам айламади,
Иёдат айлагали ранжа бир қадам бизга.

Битиди ҳар сари ушшоқиға вафо битигин,
Магар ушалди етишкан замон қалам бизга.

Май эл била ичибон, бизни хокираҳ айлаб,
Фиғонки, тўкмади дурди пиёла ҳам бизга.

Фано майини агар пири дайрдин топсақ,
Синуқ сафол кўп ортуқки, жоми Жам бизга.

Навоий усрук эса субҳу шом, тонгламаким,
Азалда килки қазо чекти бу рақам бизга.

28

Ёрлардин қилибон рам гўё,
Бўлдунг ағёрға ҳамдам гўё.

Хайли ушшоққи, мардуд эттинг,
Бормен ул хайлда мен ҳам гўё.

Дуди оҳ ичра қаро киймишлар,
Бўлди ишқ аҳлиға мотам гўё.

Буки, девона кўнгул севди пари,
Бевафодур бани одам гўё.

Гирдболишт анга хуршид ўлди,
Ул эрур Исои Марям гўё.

Олам асбоби учун ғам емагил,
Арзимас бунчаға олам гўё.

Эй Навоий, буки, айланди ҳабиб,
Йўқтур ул захмға марҳам гўё.

29

Чиқмақ усрук доғи ул кофири бебок бало,
Мастлиғдин яқо ҳам айламаги чок бало.

Ўлтурур қаҳрию лутфи, бас эрур бўлғанда
Ул пари чеҳра ғазабноку тарабнок бало.

Юзу қадди гул ила сарвни ўртабки, эрур
Ҳам хади пок бало, ҳам қади чолок бало.

Меҳри рухсориға кўз солсам ўларменким, бор
Зақанидин юзу манглайиғача пок бало.

Рахш сурганда ўкуш жонлар эрур хоки раҳинг,
Кўрмади сен киби ҳаргиз курраи хок бало.

Ким балодин қоча олғайки, қилиб давр айлар
Халқ боши уза парвизани афлок бало.

Ламъаи оразидин куйса Навоий не ажаб,
Торта олғайму чоқин йўлида хошок бало.

30

Дўст бўлмас гар жамол аҳлига жон қилсанг фидо,
Душмани жондур агар жону жаҳон қилсанг фидо.

Хаста жонингға балойи жовидондур қотиле,
Ким таманносиға умри жовидон қилсанг фидо.

Эй кўнгул, кўрсанг лабу қаддин, керак шукронаға
Жавҳари жонинг била нақди равон қилсанг фидо.

Деди: келгум сўрғали, эй ишқ, жоним асрағил,
Ким керакким, киргач ул номеҳрибон, қилсанг фидо.

Умрға йўқ эътимод, эй хаста жон, ўзни керак
Ул кўнгул оромини кўрган замон қилсанг фидо.

Жилва айлар ҳар тараф бир муғбача, эй пири дайр,
Жоним олиб сен бил ани ҳар қаён қилсанг фидо.

Эй Навоий, кош юз жонинг бўлуб, жононадин
Истамай бир васл, борин ройгон қилсанг фидо.

31

Ёр дардим сўрмайин кўнглумни маҳзун қилдило,
Жоним ошубини кам қилмоқдин афзун қилдило.

Бермайин захмин жигар қониға таскингунае
Лаъли қулмак бирла ашкимни жигаргун қилдило.

Дафъи савдо истадим лаъли майидин бир йўли,
Ул пари савдозада кўнглумни мажнун қилдило.

Эй кўнгулким, сабр тоғин маскан эттинг, оқибат
Тунд сели ишқ ул тоғингни ҳомун қилдило.

Бесутунғаким сутун Фарҳод бўлди, қофи ишқ
Ул сутунни Бесутун остидағи нун қилдило.

Недур учмоқ жоҳ ила, охир фалак Намруднинг
Осмони тахту жоҳин ганжи Қорун қилдило.

Қатра хўйлуқ оразинг васфин Навоий қилғали
Лутфи табъ абёт назмин дурри макнун қилдило.

32

Ваҳки, бўлдум ишқ аро бир бевафоға мубтало,
Бўлмасун аҳли вафо мундоқ балоға мубтало.

Англағай мажнунлуғу бедиллиғимни ҳар киши,
Ким бўлуптур бир парийваш дилрабоға мубтало.

Зоҳидо, расволиғим таън айладинг, жаҳд айлаким,
Бўлмағайсен ул кўзу қоши қароға мубтало.

Бўлмайин бегона ёру ошнодин чора йўқ,
Хоҳ бўл бегонага, хоҳ ошноға мубтало.

Подшо бирла гадо ҳолиға кулса, не ажаб,
Бўлса мен янглиғ гадоу подшоға мубтало.

Бўлмиш ул кофир ғами девона кўнглумдин малул,
Ҳеч кофир бўлмасун мен мубталоға мубтало.

Соқиё, май тутки, дардининг давоси бодадур,
Ҳажрдин ким бўлса дарди бедавоға мубтало.

Кир харобот ичраю бўл риндлар вобастаси,
Хонақаҳда бўлғуча аҳли риёға мубтало.

Эй Навоий, ёна ул бадаҳддин бўлсам халос,
Аҳд қилдимким, яна бўлмай яноға мубтало.

33

Фалак нилуфаридии чашмаи меҳр ўлди гар пайдо,
Юзунгда нилдин ул чашма қилмиш нилуфар пайдо,

Ўқунг кўнглумга киргач, қатра қонлар оқти, ким кўрмиш
Ниҳол андоққи, они тиккач-ўқ бўлғай самар пайдо?

Ачиқ сўз бирла бел қатлимға боғлар, турфароқ буким,
Назарда не оғиздур зоҳир андин, не камар пайдо.

Лаби шавқи ичимда, юзда қон ёшим, ажаб эрмас,
Юзинда лаъл ютқанннг бўлур, дерлар, асар пайдо.

Кўнгулни то паришон айладинг, юз барқи ғам сочти,
Начукким, ўтни қўзғарлар, бўлур андин шарар пайдо.

Ёрутти васл шамъи аҳли ҳижрон тийра авқотин,
Менинг шомимға, ваҳким, қилмади даврон саҳар пайдо.

Ажал қасрин Ҳакими сунъ, бас, мушкил тилисм этмиш,
Ки ҳар ким анда кирди, бўлмади андин хабар пайдо.

Масиҳодин дам урмангким, ҳабибим гардиға етмас,
Агар Жибрилдек эгнидин онинг бўлса пар пайдо.

Навоий ишқин, эй зоҳид, сенинг пандинг аён қилди,
Бале, айб ўлмағунча ошкор, ўлмас ҳунар пайдо.

34

Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,
Не жонимдин асар зоҳир, не кўнглумдин нишон пайдо.

Хирад махфий, бадан фоний, кўнгул ғойиб, тараб маъдум,
Бори саҳл эрди, бўлса эрди ул номеҳрибон пайдо.

Шикебу сабру ҳуш итмиш, қарору ақлу жон кетмиш,
Не ғам, гар бўлса ул ороми руҳ, ул қути жон пайдо.

Хаёли жонда пайдодур, сўзи афғонда пайдодур,
Ўзи ҳам нетти, ваҳ, оллимда бўлса бир замон пайдо.

Ўлар ҳолатдамен онсиз, тарабдин кўрмайин ўлмай,
Деманг, таъжил ила ул умр бўлса ногаҳон пайдо.

Қиёмат эрди онсизким, юз очти, эй мусулмонлар,
Бўлунг воқифки, бўлди фитнаи охирзамон пайдо.

Кесар юз нахлни ҳар дам, қилур юз сарвни хуррам,
Таажжуб, кўрки, бу гулшанда эрмас боғбон пайдо.

Ҳазар қилмоқ қазо жаллодидин бўлмаски, йиллардур
Қилур қатл, ўйлаким, не тиғ ўлур пайдо, не қон пайдо.

Санга жон шавқидин берди Навоий, йўқ ажалдинким,
Ажал топқунча эрмас ул заифи нотавон пайдо.

35

Ул ой бу телба била ёрму экин, оё?
Замири ичра ғамим борму экин, оё?

Буким, фироқи ўзумдин хабарсиз этти мени,
Ўзи бирорта хабардорму экин, оё?

Кўзум тобониғаким шоми васл суртармен,
Уюбму эркину, бедорму экин, оё?

Мен ул тараф бора олмон, кўнгул кела олмас,
Менингдек ул доғи беморму экин, оё?

Каманди зулфи гаҳ очилғач, учти имоним,
Расанму, риштаи зуннорму экин, оё?

Чу хирқа бодаға раҳн ўлди, бўлмишам саргум,
Гаровга навбати дасторму экин, оё?

Навоий ўзлукидин кечти, доғи қўйди қадам,
Бу йўлда эмди сабукборму экин, оё?

36

Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,
Ўйладурменким, кўрунмас кўзума оқу қоро.

Ҳажр аро раъно қадинг нахлин тилармен Тенгридин,
Шомлар шамъ истагандек хайр аҳлидин гадо.

Гар фироқ айёмининг билмон ҳисобин, не ажаб,
Ким юзунг ҳажринда кундуз кеча янглиғдур манго.

Барқ эмас, оламға юз қўймишдур оҳимдин шарар,
Раъд эмас, гардунға чирманмиш фиғонимдин садо.

Бошинг ол, кет ўз пайи вақтингға, эй шайдо кўнгул,
Ким эмассен хаста жоннинг ҳеч дардиға даво.

Неча оққай кўз ёшим, еткур ғуборин, эй насим,
Фарзи айн эрур яшарур кўзга солмоқ тўтиё.

Умр елдек ўтмакин дебсен магар, эй боғбон,
Ким яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.

Жон топай, дерсен, сабуҳийдин, вале ғофилки, субҳ
Чок этиб кўнглак, сенинг ҳолингға тутмиштур азо.

Эй Навоий, хаста кўнглумға мададдур новаки,
Рост андоққим, заиф элга берур қувват асо.

37

Сориғ оғриқ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир каҳрабо?

Юзу жисмимдур сориғ барге қуруған шох уза,
Шоху баргеким, қуруб сарғарса, ким кўрмиш даво?

Не мараздур буки, бир гулрух шарори ишқидин,
Бўлди сориғ лола кўзум оқию доғи қаро.

Суд эмиш кўз тушса асфар жинси сори, ваҳ, қани
Сарвинозимким, сориғ гул баргидин киймиш қабо?

Сарғариб қолмиш ҳаводис кожиға ҳижрон туни,
Бир сариғ қушдекки, кундуз қолғай ол қушлар аро.

Шом ила субҳ ар сориғ оғриғ эмаслар, бас недур,
Тун сочин ёйиб, қуёш йиртиб юзин, тутмақ азо?

Дарди туфроққа ниҳон этти Навоий жисмини,
Топибон бир шуша олтун, дафн қилғандек гадо.

38

Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо,
Улки даврон офатидур, не тамаъ ондин вафо.

Жону умрум улдурур, гар бевафо бўлса, не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо!

Гар вафо қилсанг, эрур андинки, бордурсен пари,
Йўқса, ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо!

Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиғ келмади,
Ҳар нечаким, кўрдилар мен зори ҳайрондин вафо.

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
Бежиҳаттур кимки истар бу гулистондин вафо.

Кимса кўнглин, кимсадин истаб вафо, олдурмасун,
Ким манга худ етмади ул кўнглум олғондин вафо.

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,
Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?!

39

Зиҳи анда макон топибки, йўқ мумкин макон анда,
Етиб андаки, етмас ақлу фаҳми хурдадон анда.

Киши бу навъ хилватни начук қилғай тааққулким,
Ҳақ анда мизбон бўлғай, ҳабиби меҳмон анда.

Бу хилват розиға номаҳрам ўлмағлиқ тариқинда,
Малак бўлғай ҳамон анда, башар бўлгай ҳамон анда.

Йироқтин анбиё арвоҳи сойир посбон янглиғ,
Чу шаҳ матлуб ила бўлғай, не маҳрам посбон анда.

Начукким, меҳмонға туҳфа чекмак раем эрур, бўлғай
Улусқа раҳмати жовид осори аён анда.

Макон бирла замондин сўрмаким, йўқлуқда бор эрди
Замон янглиғ макон анда, макон янглиғ замон анда.

Нишон, эйким, тиларсен ақлдин мундоқ нишонларни,
Нишон ким айтқай, ақл ўлса беному нишон анда.

Топиб мақсуд шабгарди самовий бу уружидин,
Еридин зарра бориб, қайтибон хуршидсон анда.

Илоҳий, ул шафиъ ўлғанда эл журминки, афв эткунг,
Навоийни доғи навмид қилма ногаҳон анда.

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «ФАВОЙИД»ДИН

40

Сочса анжумдин фалак бошингға юз минг дурри ноб,
Жолаи ғам, билки, ёғдурғай бир офатлиғ саҳоб.

Не ғараз бу жолани ёғдурса андин ўзгаким,
Умр нахлин синдуруб тан кулбасин қилғай хароб.

Рўзи ортуқ бўлмағин ҳар кимки билгай чархдин,
Зол янглиғдурки, розиқ чархини қилғай хитоб.

Офариниш баҳридин гардун ҳубобе беш эмас,
Борму имкон кимсага бир қатра су бермак ҳубоб.

Бўлса эрди қудратеким лаҳзае тутғай қарор,
Туну кун тинмай бу навъ эткайму эрди изтироб.

Ул доғи ўз ҳолиға ҳайрон эрур андоққи мен,
Анда ҳам саргашталик, андоққи менда печу тоб.

Жисми онинг ҳам ҳаводис зарбасидин нилгун,
Топмайин мақсудини мендек неча айлаб шитоб.

Қудрат илгида бўлуб ул ҳам забун андоққи мен,
Олмай ул мендин ҳисоб, андоққи мен андин ҳисоб.

Эй Навоий, солик эрсанг, Ҳақ вужудин бил вужуд,
Мосиволлоҳни — адам. Валлоҳу аълам биссавоб.

41

Уйғотур субҳи баҳор элни фиғон бирла саҳоб,
Ким сабуҳий чоғидур — маст бўлунг, эй асҳоб.

Барқ ҳар дам чоқилиб ишнагач-ўқ тийра бўлур,
Яъни ушмундин олинг умр чароғиға ҳисоб.

Ёғин аҳволинга йиғларки, кўз оч уйқудин,
Ким эрур сел мамарри бу куҳан дайри хароб.

Ел эсиб тийр чекар, оҳки, бўлма ғофил,
Ким бу янглиғдурур айёми ҳаётингға шитоб.

Барча танбиҳ ангадурким, қўпу чек жоми сабуҳ,
Ҳайфдур буки, ўтар уйқу била субҳи шабоб.

Кўз юмуб очқуча тонг отмишу чиқмиш хуршид,
Тун эрур пардаи мушкин била ҳолингға ҳижоб.

Бир дам аҳбоб била базми сабуҳий тузубон
Чекингиз, дамни ғанимат билибон, бодаи ноб.

Ҳою-ҳуй айлабон ўзни нафасе хуш тутким,
«Ҳай» деганча не сен ўлғунг арода, не аҳбоб.

Бу наво кимга насиб ўлса, Навоий янглиғ,
Бу ғазал бирла ичиб бўлса керак масти хароб.

42

Бу куҳан дайрда хуштур неча кун бодаи ноб,
Хосса бир муғбача ишқида киши бўлса хароб.

Золиме, қотиле, яғмойи, торожгаре,
Ким бўлуб куфридин офоқ аро дин аҳли ябоб.

Риштаи жонни тугуб, зулфидин очқанда гириҳ,
Пардадарликлар этиб, юзига ёпқанда ниқоб.

Кўйи ул дайрки, дин аҳлини айлаб кофир,
Қоши ул дайрда бу куфр элига меҳроб.

Бўйла офат ғамидин гоҳ киши кўнглида ўт,
Андоқ ўт шуъласидин гоҳ бирав жисмида тоб.

Ногаҳон мает чиқиб дайрдин, илгида қадаҳ,
Ичибон ошиқи зориға ичурса майи ноб.

Ҳашрға тегру айилса бу май ичкан оздур,
Минг тамуғ ёлинича ўтда экан бўлса азоб.

Дайрда бутни киши топса, нетар жаннату ҳур,
Ул қадаҳ оллида Кавсар майиға худ не ҳисоб?

Бўйла бир айш Навоийға талофий айлар,
Чархдин тортса юз қарн жафо бирла итоб.

43

Ики рухсоринг эрур хўбу хаттинг ҳам марғуб,
Хўблардин неки бош урса, эрур бешак хўб.

Токи севдим сени, жаврингни доғи севмишмен,
Ҳар не маҳбуб қилур, бордурур ул ҳам маҳбуб.

Риштаи жон била номанг бошини чирмар эдим,
Ул шарар тори била қуймаса эрди мактуб.

Хаста дилларға не жон олғучи юздур улким,
Қолибин қилди тиҳи, кўргач ани аҳли қулуб.

То лабинг волиҳи бўлдум, тиламон оби ҳаёт,
Суни найлар кишиким, бодаға бўлғай мағлуб?

Аҳли ишқ ичра манга ёқма вараъ туҳматини,
Зоҳидо, қилма ҳунар аҳлиға бизни маъюб.

Истасанг мулки бақо, салб қил ўзлукни бурун,
Ки сулук ичра фано аҳлиға будур услуб.

Эй Навоий, тиласа шоҳ мушавваш рақаминг,
Ҳар не матлуб анга, бизга ҳам улдур матлуб.

44

Ўртаса ишқ мени, сўрма сабаб:
Куйса хошок ёлиндин, не ажаб?

Чоклик жон қолур ўту су аро,
Чун майолуда бўлур ул ики лаб.

Аёғинг туфроғин ўпсам басдур,
Бер аёғингни десам — тарки адаб.

Ўйла, дарду ғаминга ўргандим,
Ким унут бўлди манга айшу тараб.

Зулфида зор кўнгул ранжи не тонг,
Хастаға кўпрак ўлур кеча тааб.

Биз киму васл муроди, ҳайҳот!
Дарди ноёфт эрур бизга талаб.

Жон топиб зор Навоий қўпқай,
Туфроғи устига сурсанг маркаб.

45

Қилғали май била гулгул юзин ул нўшинлаб,
Лолагун бўлди қуёш орази кавкаб-кавкаб.

Сендин ул ком хаёл этмамишам, кўнглумаким,
Қилсам изҳор ҳам ўлғай демаки, тарки адаб.

Жон лабинг ошиқию зикри мудом оғзимда,
Рашкдин жоним агар оғзима келса, не ажаб?

Келди Ширин била Лайли санга ҳайрон, гарчи
Бу икав ҳасратида эрди Ажам бирла Араб.

Айладим тавба нединким, ғамим андоқ ғам эмас,
Ки май ичкан била бўлғай манга ҳар лаҳза тараб.

Кўйидин кетмаку ўлмак манга тенг бўлса, не тонг,
Ким жало ҳарфларидурки, ажал топти лақаб.

Даҳр аро айшу нашот истасанг, ўлғунг маҳрум,
Негаким, анда насиб ўлмади жуз ранжу тааб.

Ақлким, барча хирад аҳлиға эрди устод,
Бўлди ишқ абжади таълимида тифли мактаб.

Бил Навоийки, талаб бирла топилмас мақсуд,
Лек топқанда доғи бор эди албатта талаб.

46

Қачон мактабда ул моҳи муаддаб
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.

Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,
Чу олур илгига лавҳи музаҳҳаб.

Дегач абжад, бошиға эврулурлар
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб.

Нечукким мактаб атфоли хуруши,
Ғамидин халқ аро фарёду ё Раб.

Муаллим қуллуғиға хат берурмен,
Гар озод ўлса ул сарви шакарлаб.

Дабистони фанода шурб дарсин
Равон қилмай, эмассен аҳли машраб.

Навоий ашкидин то шом анжум
Тўкар, чиққайму деб ул саъд кавкаб.

47

Боғингга етмасун ошуб хазондин, ё Раб,
Гул била сарвунга осеб замондин, ё Раб.

Олди жон лаълию элга лаби жон бергучидир,
Барча қул бўлсун анинг оллида жондин, ё Раб.

Дардини баски ниҳон туттум — ўлармен пинҳон,
Воқиф этгил ани бу дарди ниҳондин, ё Раб.

Ёмон аҳволима кўз солмади ул ой яхши,
Яхши огоҳ қил ани бу ёмондин, ё Раб.

Юз жаҳон зулм жаҳон аҳли манга қилди, мени
Фориғ эт аҳли жаҳон бирла жаҳондин, ё Раб!

Берибон кўнглума жамъияти хотир, қутқар,
Ҳар неким андин эрур тафриқа, ондин, ё Раб.

Кўйида ҳажр фиғонинки Навоий тортар,
Ҳам мени, ҳам ани қутқар бу фиғондин, ё Раб.

48

Улки боштин то қадам бор ончаким, имкони хўб,
Садъяки бўлғай бириким, халқ дерлар они хўб.

Тўкса қон ул кофир, ўзга хўбни севгил деманг,
Эй мусулмонлар, жаҳонда бир анингдек қони хўб?

Ҳури жаннат шаклидин ҳам дилрабо ҳуснунг латиф,
Хулди ризвондин доғи кўюнг саробўстони хўб.

Жонни жонон истаса, қилмоқ тааллул хўб эмас,
Найласун жон улки, бўлғай сен киби жонони хўб.

Ҳусни офатдин эмас холи, бу дамким хўб сен,
Саъй қил, жоноки, ўтсун хўблуқ даврони хўб.

Кўз гуноҳи кўрмакинг эрдики, тўктунг қон ёшин,
Хўб эмас, жоно, тўкулмак бегунаҳлар қони хўб.

Эй Навоий, ғайр рашкидин висоли базмида
Ўйладурменким, кўрунубтур манга ҳижронн хўб.

49

Гар бўлмади бир лаҳза манга ёр мусоҳиб,
Не бўлғай эди бўлмаса ағёр мусоҳиб?

Розимен агар нақди дилу диним ўғурлар,
Гар бўлса манга ул бути айёр мусоҳиб.

Маҳжуб эди ул шўх улустин, чу май ичти,
Ҳар хайл била бўлди баякбор мусоҳиб.

Кўзлар била ул юз қиладур қатл, не бўлғай,
Дин аҳли била бўлди чу куффор мусоҳиб?

Бир гўшада май ичмаса, ўз бўйнида қони,
Гар бўлса даме кимсага дилдор мусоҳиб.

Топилмаса гар ёри вафодор, кам эрмас
Андин, киши гар топса вафодор мусоҳиб.

Яхшингни ямонлиғ била фош ар тиламассен,
Олам элидин айлама зинҳор мусоҳиб.

Дардоки, мусоҳиб манга бир тушмади ҳамдард,
Давронда тушуб илгима бисёр мусоҳиб.

Ёр этса Навоийни мусоҳиблари, хуштур,
Йўқ бахти қилурға чу ани ёр мусоҳиб.

50

Қани сенинг киби оламда дилрабо маҳбуб,
Кўз ила қотилу лаб бирла жонфизо маҳбуб?

Не зулм айласанг аҳбобқа, Худо ёринг,
Чу халқ айламамиш сен киби Худо маҳбуб.

Хумор дарди бирла ҳажр меҳнатида манга,
Илож бодадур, ой — ҳамдаму даво — маҳбуб.

Ниёзи ишқ сари, нози ҳусн жонибидур,
Агарчи шоҳ муҳиб бўлсаю гадо — маҳбуб.

Мени гадоға не ҳол ўлғай, эй мусулмонлар,
Ки солди ишқ бошим узра подшо маҳбуб.

Рафиқлар, ўтунгуз дайр кўйидинки, мени
Хароб айладн май, доғи мубтало маҳбуб.

Гар ўлса аҳли муҳаббат Навоий, эй ҳамдам,
Вафо керак анга, қилған сойи жафо маҳбуб.

51

Ваҳ, нетиб ишқин ниҳон асрарға бўлғай муртакиб,
Хаста кўнглумким, бўлур отин эшиткач, музтариб.

Даҳр аро шаҳлиққа ўз ҳолимни нисбат айламон,
Кўйида токим гадолиққа бўлубмен мунтасиб.

Кўнглум ўтға тушкали кўрмас юзумни, турфадур
Шуъладин озурда олтун ламъасидин мужтаниб.

Итти кўнглум, шодмен, тонг йўқ киши гар бўлса шод,
Тушса ёнидин жудо қалби мизожи мунқалиб.

Кечаю кундуз харобот ичра андоқ мастмен,
Ким қочарлар арбадамдин шаҳна бирла муҳтасиб.

Хонақаҳ шайхидин этканлар риё ойини касб,
Дайр пиридин бўлунг расми фаноға муктасиб.

Эй Навоий, бўлсам ул бадмеҳр ишқидин халос,
Бўлмайин ҳусн аҳлининг меҳриға ҳаргиз муртакиб.

52

Бузди кўнглум кишварин ҳижрон ғами туғён қилиб,
Оҳу ашкимдин бирин сарсар, бирин тўфои қилиб.

Дард уйин қилди бино, ишқинг бузуб кўнглум уйин,
Кимса янглиғким, бир уй тузгай, бирин вайрон қилиб.

Танда оҳинг шуъласин, дерлар, ниҳон тут, оҳким,
Бир овуч хошок аро бўлмас чоқин пинҳон қилиб.

Ҳажр кўйида яланг жисмимни кўрган соғинур,
Ким мени ўлтургали элтур жунун, урён қилиб.

Хорлар кўнглумдадур сендинки, гардун тўзмагай,
Ҳар бирин отсам, бир оҳим ўқиға пайкон қилиб.

Сўрма невчун бедил ўлдунг деб, ўзунг чун ҳажр аро
Кўздин оқиздинг кўнгулни қатра-қатра қон қилиб.

Шукрини не деб адо айлайки, айлар жилва ёр,
Элни ҳолимға, мени ўз ҳусниға ҳайрон қилиб.

Даҳр элидин жуз жафо мумкин эмас топмоқ киши,
Лек ҳар бирга вафолар ончаким имкон қилиб.

Ёр кўп қилса жафо, кам қил, Навоий, нолаким,
Гулга булбул ўргата олмас вафо, афғон қилиб.

53

Саҳвдур тўби демак, раъно ниҳолингни кўруб,
Ёки жаннат боғи гулзори жамолингни кўруб.

Равзада Кавсар қироғинда хаёл эттим Билол,
Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўруб.

Соғинур ошиқлиғингға рўбарў келмиш қуёш,
Кўзгуда машшота ҳар соат мисолингни кўруб.

Сарвдин булбул не тонг рам қилса, тўбидин малак
Жилваи қад ҳолатида эътидолингни кўруб.

Наргисинг афсуну гул баргинг такаллум айлади,
Ақли кул топти фириб, ул макру олингни кўруб.

Элга ишратдур янги ой кўрсалар, лекин манга
Юзланур ошуфталиғ, мушкин ҳилолингни кўруб.

Ўлтурур ҳижрон туни, ўлсам ҳам армон қолмағай,
Тушта ҳам бўлса бир айёми висолингни кўруб.

Неттинг, эй соқийки, ўздин бордим андоқким, зилол
Олиб ичмастин бурун, жоми зилолингни кўруб.

Судра ул ён, эй Навоий, ўзни муҳлик заъф ила,
Шояд эткай раҳм ул қотил бу ҳолингни кўруб.

54

Ул қўпуб, отланғали маркаб суруб, сархуш бориб,
Мен бошим очиб, аёғиға қўюб юз, ёлбориб.

Менда худ ҳад йўқ, вале оллинда жон айлай фидо,
Ҳар киши асҳобидин келтурса они қайториб.

Бўлди рокиб, нетти кўнглум уйида қилса нузул,
Тиғ илаким тортмиш, озурда кўксумни ёриб.

Ўз уйига тушмакин ҳам билмай ўлгум, кошки
Борса қатл айлаб мени, жон меҳнатидин қутқориб.

Ваҳ, не янглиғ саъб эмиш ғам базмида қолмоқ киши,
Кўнглида ором қолмай, жони ороми бориб.

Кимга даврон бир аёғ май бсрдиким, бўлди халос,
Сўнгра онинг юз қадаҳ бедоди заҳрин сипқориб.

Бекас ўлсам, не таажжубким, вафода жон бериб,
Топмадим аҳли вафо бори жаҳонни ахториб.

Бош оқарди — узлат авлодурки, ул кофур ила
Совутур, улким йигитлар базмида киргай қориб.

Эй Навоий, гўйиё ёринг келур, йўқса нега
Музтарибтурсен — танинг титраб, узоринг сарғориб.

55

Чун бағир захмлари бутмади пайванд қилиб,
Итларинг оллида ташлай неча парканд қилиб.

Кўнглум очилмади ҳаргиз ғами ишқ ичра, магар
Очқасен бир ани ғунчангда шакарханд қилиб.

Ишқда мен киби Мажнун ясади килки қазо,
Лайли ашколини дилдорима монанд қилиб.

Холи шавқи биладур танда кўнгул, қўймишмен
Мўрни дона хаёли била хурсанд қилиб.

Элга ошиқлиғим изҳор эта олмон, ваҳким,
Қўйди оламда мени ишқи забонбанд қилиб.

Соқиё, бода кетургилки, агар давр будур,
Носиҳи шаҳр нетар бизни хирадманд қилиб.

Ич, Навоийки, бу тун раз қизини бермак эмиш,
Пири майхона сени ўзига фарзанд қилиб.

56

Хас киби жисмимға ҳижрон шуъласи урдунг бориб,
Барқи офат бирла хошокимни куйдурдунг бориб.

Айлабон кул, ҳажр азмиға чу сурдунг бодпой,
Бўйла сарсар бирла ани кўкка совурдунг бориб.

Тийра айлаб кўкни ул кулда бу янглиғ лутф этиб,
Поям аҳли ишқ аро гардунға еткурдунг бориб.

Тинди саргардон кўнгул кўюнгда ҳар ён пўядин,
Орзуи васлдин кўнглумни тиндурдунг бориб.

Азм этарда барча ишқ аҳлиға қилдинг хайрбод,
Найладук ушшоқ ароким, бизни ёзғурдунг, бориб.

Ул кўзи кофир сари борма деб эрдим, эй кўнгул,
Панд эшитмай, нақди имонингни олдурдунг бориб?

Эйки, манъинг айлаб эрдим ишқ кўйи тавфидин,
Зорсен, гўё бало бошингға келтурдунг бориб.

Хонақаҳ зуҳди аро, эй шайх, бас ошуфтасен,
Гўйиё дайри фанода тавба синдурдунг бориб.

Ёрни истай Навоий бормиш эрди, эй рафиқ,
Билмадим, ани не афсун бирла ёндурдунг бориб.

57

Котиби сунъ чу ҳар кимга бир ишни рақам айлаб,
Сабзхатлар ғамиға бизни қазо муттаҳам айлаб.

Васл уммиди била кўнглум доғи тўймади чекардин,
Неча ул хайл малул ўлмади жавру ситам айлаб.

Ҳар қаён ул хатти мушкинки борур қилса ишорат,
Борурам хома киби мен доғи боштин қадам айлаб.

Зулфининг тобини машшотадин очмоқ эмас имкон,
Дол ё ломни ким ёзған экин, дафъи хам айлаб.

Ҳурлар келса ани кўрмак учун, хозини жаннат
Юбарур сочини гулбаргларидин дирам айлаб.

Соқиё, бодаки бу коргаҳ авзои хирадни,
Йўққи, ожиз қилибу масх, гаҳ девона ҳам айлаб.

Дайр пири қошида камлигимиз кўп эди, лекин
Мает қилди яна бир жом ила бизни, карам айлаб.

Эй хушо, кўйи хароботки, ҳар эски сафолин
Кимки дурд ичмак учун жом қилиб, ўзни Жам айлаб.

Эй кўнгул, кимки Навоий киби васл истади, они
Ишқ расволиғ ила олам ичинда алам айлаб.

58

Хуштурур бир тийра шоми ҳажр ики ёр учрашиб,
Топишиб, бир-бирларин маҳкам қучушуб, йиғлашиб.

Ҳажр дардию фироқ андуҳиға таскин бўла,
Ўлтуруб улфат била, бир-бирларига ёндашиб.

Фурқат айёмида ҳар бирнинг бошиға келганин,
Юз туман ҳамдардлиғлар бирла ҳар дам сўзлашиб.

Гоҳ васл иқболининг ишратларидин шукр деб,
Гаҳ фироқ идборининг шиддатларидин мунграшиб.

Гоҳ икки ришта янглиғким, топар бир-бирга тоб,
Иккилик фаҳм ўлмоғудек бир-бирига чирмашиб.

Гаҳ бу чирманмоғ очилғанда ҳам икки ришгадек,
Тоб очилса қайтара ҳам бир-бирига тўлғашиб.

Икки ёндин қўл ҳамойил берк-берк андоқ чекиб,
Ким яна бир-бирдин айрилмас масаллик ўрмашиб.

Айни васл ичра иши ўтса шикоят мужиби,
Икки ёндин рафъ этиб, бир-бирларини алдашиб.

Эй Навоий, бу маҳол андишаға чирмашма кўп,
Журъат айлаб бетаҳоши сўзларинг ҳаддин ошиб.

59

Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Манга титратма тушти зарра янглиғ, изтироб айлаб.

Кулуб ўлтирдию илким чекиб, ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Ки эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.

Ки эй мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг?
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб.

Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға, бориб ўздин,
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Аниким, элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

60

Бир ой фироқида ҳар тун бошимға ўт тутошиб,
Қуёшға шуъла етиб, дуди етти кўкдин ошиб.

Чу элтиб икки тарафдин бошин қулоғиға зулф,
Магарки, қатлима ҳар бир сенинг била кенгошиб.

Ўзин Масиҳча фаҳм айлабон, уётқа қолиб,
Ажал фироқинг ила ўлтурурда чун ўчошиб.

Қуёш дамин ола олмай, кириб қаро ерга,
Йиқилди, ҳуснда гўё юзунг била талошиб.

Чаманда сарвға ноз айламак ярашмайдур,
Валек ҳар не қилиб сарвнозима ярошиб.

Фироқ аро не тирикликдурур, хушо ўлган,
Висол торига уммиди риштаси улошиб.

Навоий улча қазодин келур, бўйин сунғил,
Ким улки бош чекибон, сўнгра кечкасин қошиб.

61

Чобукум тез сурар тунд саманд узра чиқиб,
Мен сўнгича ета олмай, югурурдин толиқиб.

Гарчи сабрим йўқидин ани эришиб, лекин
Ҳушу кўнглум йўқ учун, ҳар нафас андин озиқиб.

Дўстлар, бу кеча воқиф бўлингизким, чиқадур
Онсизин шефта жоним тан уйидинториқиб.

Ҳар кўзумдин оқадур ҳар бирининг хуноби,
Ҳажр ишканжаси чун бағриму кўнглумни сиқиб.

Тиғ ила бошима келдингки, бу кун қатл ишида
Хўблар ичра саромад сен ўлубсен отиқиб.

Кўп кучунг бирла қувонмаки, ажал жоми майи,
Ки тутуб Рустами Достонни ҳамул лаҳза йиқиб.

Эй Навоий, тўлар охир дами чун паймона,
Найлагунгдур бу нафас майкададин боре чиқиб.

62

Борур ул мает яна ноз айлаб,
Халқ ила арбада оғоз айлаб.

Қатл учун ғамзани жаллод қилиб,
Зулм учун кўзни фусунсоз айлаб.

Ҳар қачонким турубон бода ичиб,
Журъасин хонабарандоз айлаб.

Жавр учун аҳли вафоким айириб,
Барчасидин мени мумтоз айлаб.

Турфароқ буким, анинг кейнича-ўқ,
Жону кўнглум қуши парвоз айлаб.

Не гунаҳ кўзга назардинки, қазо
То очиб они назарбоз айлаб.

Гарчи ҳолимни Навоий ёшуруб,
Ишқ анга ашкни ғаммоз айлаб.

63

Бизни зор этти бу раъно мутриб,
Нағма бирла тарабафзо мутриб.

Нечаким нағма чекиб Довудий,
Дамда андоққи, Масиҳо мутриб.

Зуҳра то нағмасародур андоқ,
Бўлмади даврда пайдо мутриб.

Бўлса хуршид атову Зуҳра ано,
Туғмагай сен киби зебо мутриб.

Сени то кўрдум ичарда майи ноб,
Тиламас хотирим илло мутриб.

Эй хуш улким, ани бу базмда май
Қилмади бехуду шайдо мутриб.

Бўйлаким, бўлди Навоий урён,
Май бу навъ этти ани ё мутриб?

64

Борди кўнглум ҳуши ишқинг ўтидин ахгар топиб,
Бир гадо янглиғки, ўлгай, қиймати гавҳар топиб.

Сабзаи хаттинг эрур ширин лабинг атрофида,
Хайли тўтиким ҳужум айлабтурур, шаккар топиб.

Ул пари учти кўзумдин, кўнглум айлар орзу,
Ким анинг сори ҳаво қилғай, ўқидин пар топиб.

Бошима қуш ошёнидур, доғи остимда тоғ,
Шоҳмен ишқ ичра, мундоқ тахт ила афсар топиб.

Ишқ саҳроси аро оқил итурганлар мени,
Бўлдилар навмид бир девонаи абтар топиб.

Ёрни гарчи талаб қилмоқ била топмас киши,
Ҳам талаб айлаб ва лекин они талабгар топиб.

Шояд ул майхора бош кулбангға суққай бир кеча,
Эй Навоий, мунтазир бўл, бодаю соғар топиб.

65

Тошларким, ул парипайкар бу мажнунға отиб,
Ақлу дониш қушларин кўнглум уйидин бутротиб.

Тушта бошим ул санам оллидадур, эй порсо,
Кўп, намозинг вақти ўтди, деб нетарсен, уйғотиб.

Истабон Юсуф жамолинг қуллуғининг рутбасин,
Жилва кўп қилди сафо бозорида, ўзин сотиб.

Ул қуёш ҳажринда жисмим бовужуди айни заъф,
Ерга ҳар дам бош уруб андоққи, ерни титротиб.

Кўйида ўлсам, абад умрича бор ул умр, агар
Қилмаса хориж танимни, итларига судротиб.

Эйки, ҳажрингда мени юз ҳасрату армон била
Қатл қилғунг, бори бир қатла юзунгни кўрсотиб.

Журм анинг ишқидин ўзга йўққи, ҳар дам кездурур,
Ишқ мулки тўрт бозорида бўйнум боғлотиб.

Дайр аро мен масту нозук хўйидин ул муғбача,
Базмдин қовлар мени гаҳ судратиб, гаҳ қўлдотиб.

Зоҳидо, берма манга кўп пандким, ҳайвонча бор
Телба итни оқил инсон истаган ақл ўрготиб.

Кўрмаку ўлмак Навоийға не тонг, эй дўстлар,
Кирса майдон ичра ул қотил самандин ўйнотиб.

66

Кулуб чу лаълингу эл илгидин пиёла олиб,
Йиғида титрамакимдин сўнгакларим ушолиб.

Парий келиб санга қилмоққа ҳусн даъвоси,
Сени чу кўргач итиб, баски, халқдин уёлиб.

Маҳалли муҳлик ўлуб шоми фурқатим, баским,
Начукки, сунбули зулфунг қорарибу узолиб.

Кўнгул ҳалок эрур ғамзанг ўқлари бирла,
Начукки сайд йиқилғай, хаданглар қадолиб.

Қариб не ҳолға қолдимки, ёр қилмас раҳм,
Начукки тифл киби зор йиғласам, инолиб.

Висол боғини сўрмангки, мен не билгаймен,
Фироқ мулкида зиндони ҳажр аро қаболиб.

Не шўҳдурки, сурар тунд маркабин, боқмай,
Ки бедили йиқилур, лаҳза-лаҳза бағри толиб.

Аларки чиқдилар элдин, қутилдилар ғамдин,
Ким ул ароға қолиб, мен киби балоға қолиб.

Нечаки қовса Навоийни итларинг ҳар дам,
Чу ғофил айлаб аларни, ўзин ароға солиб.

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИЙВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «ФАВОЙИД»ДИН

67

Бу ақшом ҳолима шамъ ўртаниб, парвона андин кўп,
Чаманда оташин гул, булбули девона андин кўп.

Итибмен гард аро, вайроним ичра, баски бошимға
Фалак кўп ёғдурур гарди фано, вайрона андин кўп.

Эмас анжум, қазо кўк мазраъида сочти ғам тухмин,
Вале тўкти кўзум ғам шоми мундоқ дона андин кўп.

Не муфрит саъб ҳолим бори ҳижрон ичраким кўргач,
Топар андин малолат ошно, бегона андин кўп.

Не қоттиқ ҳажр эрур жонимғаким, сайру сукун вақти
Чаман гашти ҳалок айлар, бузуғ кошона андин кўп.

Агар ошиқлиғим журм эрди, ўлтур, солма ҳижронға,
Кўп ўлса журм худ эрмас раво журмона андин кўп.

Фано майхонасиға сол мени, эй ринди орифким,
Ғамимни ўксутур дайри фано, майхона андин кўп.

Жаҳонда фақр касб эт, майл кўп қилма ғино сори,
Ки мундин оз этибдур орзу, фарзона андин кўп.

Навоий оҳи тун-кун булбулу парвонани ўртар,
Ки ишқ ўтини даъво қилмағайлар ёна андин кўп.

68

Нукта кўп сурдунг, замоне лаъли жонпарварни ёп,
Куйди жонлар, бир нафас ул лаългун ахгарни ёп.

Қўзғодинг оламни очиб чеҳра, элга раҳм қил,
Шомгун зулф очиб, ул рухсори маҳпайкарни ёп.

Бохтарға солдинг ўт, эй офтоби ховари,
Истасангким бохтар тинғай, маҳи ховарни ёп.

Лаъли жонбахшинг сари майл эттилар жонлар қуши,
Ул чибинлардин амон истар эсанг, шаккарни ёп.

Фитна солди олам аҳлиға қулоғинг гавҳари,
Халқ таскини учун ул фитналик ахтарни ёп.

Анбару кофури шому субҳнинг бўлди хижил,
Оразинг кофури узра зулфдин анбарни ёп.

Соқиё, совурди оҳим сарсари даврон тўзин,
Боданўшум дам-бадамким ичса май, соғарни ёп.

Ишқ сиррин кимса таҳрир этмади, тақрир ҳам,
Эй мударрис, дема кўп афсонаю дафтарни ёп.

Эй Навоий, кўнглунг ўти олам ичра солди ўрт,
Элни куйдурдунг, даме ул шуълалиқ озарни ёп.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

69

Йигитлигингда қариларға қилмадинг хидмат,
Қарилиғингда йигитларга бермагил заҳмат.

Қарилиғ истар эсанг, қариларни ҳурмат тут,
Қаридинг эрса, йигитлардин истама суҳбат.

Қари қизарса ичиб бода бордур андоққким,
Юзига ғоза била зол истагай ҳумрат.

Қуруқ яғочқа эрур боғламоқ шукуфаю барг,
Қарики, истаса киймак қизил, ёшил хилъат.

Чу мушкин айлади кофур, кулгай оқу қаро,
Агар тилар эса кофуру мушк ила зийнат.

Қариға тавбаю тоат керак шиор ўлса,
Ўзин йигит ясаса, айлар ўзига туҳмат.

Йигитлигингда агар тоат айласанг сен-сен
Қаридинг эрса, не қилғунки, қилмағунг тоат?!

Саодат аҳли эди, ул йигитки, айламади
Юзини дуд била тийра шуълаи шаҳват.

Қарига шаҳват агар берса хориш, андоқдур,
Ки кўргузур қариған хез ҳаккаи шанъат.

Ўзунгни муғбачаю пири дайр жониби чек,
Тилар эсанг қари ёхуд йигит била улфат.

Навоий айлади умрин фасод бирлан сарф,
Агарчи берди ўзига салоҳ ила шуҳрат.

70

Эй кўнгул, ёр фироқида лаболаб май тут,
Дам-бадам лаъли хаёли била хотирни овут.

Жону кўнглумни бир ўпмоққа тиларсен, уномон,
Ортуқ айла ададин, йўқса баҳосин ўксут.

Кўзу кўнгул дема мен борғали бўлмиш тийра,
Васл шамъи била ул тийра ватанларни ёрут.

Ваҳ, неча бизни соғинмағни унуттунг, бир ҳам
Ё соғинмағни соғин, ёхуд унутмағни унут.

Кўз фироқингда оқардию сиришки қуруди,
Ёмғури бўлмас, агар айни баёз ўлди булут.

Айласа хотирингга тафриқа қушлари ҳужум,
Зикр уни доғи риёзат тоши бирла уркут.

Эй Навоий, мени зор айлади бир лўливаш,
Ким ҳам арлот унут бўлди манга, ҳам билгут.

71

Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут,
Ул қуёш бирла бу шомимни ёрут.

Ҳажридин асру малолатдур манга,
Май била бир лаҳза кўнглумни овут.

Жом даври ламъасин барқ ўйлаким,
Чиқти мағриб тоғидин мушкин булут.

Ғам туни ҳам тийра, ҳам поёни йўқ,
Оҳ ўтин чек, субҳнинг шамъин ёрут.

Ул қуёш ҳажрида андоққим шафақ,
Чарх тиғи зулмидин хуноба ют.

Олам аҳлидин етишмас ғайри захм,
Эй жароҳатлиғ кўнгул, бу сўзга бут.

Бўлди фурқатдин Навоий тийраруз,
Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут.

72

Ғам юкидин чангдек қаддим хам эттинг оқибат,
Риштаи жон ноласин зеру бам эттинг оқибат.

Яхши эрди сафҳаи афлок дардим ёзғали,
Баҳри ашким мавжидин борин нам эттинг оқибат,

Ўткариб тўққуз фалак бошидин оҳим дудини,
Ул муваллидларга они парчам эттинг оқибат.

Ғурбату ишқу балойи ҳажру заъфу хасталиғ —
Етмас эрдиким, мени мажнун ҳам эттинг оқибат.

Оҳ — гардун, ашк — анжум, нола — раъду пўя — барқ,
Хилқатимдин бир ажойиб олам эттинг оқибат.

Бу кўҳан дайр ичра жон бўлсун фидонг, эй муғбача,
Ким жаҳондин бизни маету беғам эттинг оқибат.

Эй Навоий, ишқ аро васл истадук, кулдунг басе
Бизни ушбу муддаода мулзам эттинг оқибат.

73

Демон, ул ой ўқин, эй дўст, сувур, йўқса, ушот,
Ким қоқиб тошлар ила, зор танимға ўрнот.

Буки, ул умрдин айрилдиму ўлмайдурмен,
Бер, эй инсофки, бу бордур ўлум чоғлиғ уёт.

Ғамзанг ўқики, улус жони анга келди ҳадаф,
Элга жон қолмади бир, доғи менинг жонима от.

Жон олурға биз тараф келмак эмиш ул қотил,
Солма, эй жон, ани захматқаю чиқ оллиға бот.

Эйки, ҳайвон суйи ичкунг, тилабон умри абад,
Тиласанғ умрни хуш, журъаи май ҳам анга қот.

Боғбоно, ғулу сарвинг саридин сўз дема кўп,
Бирисин сарви гуландомима боре ўхшот.

Раз қизи зарфини, зоҳид, кўп ушатма, эр эсанг,
Ўз бутунгнию менинг бут киби тавбамни ушот.

Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақға
Деса бўлмас, менинг учун яна бир халқ ярот.

Эй Навоий, чу гадосен, сену — бир лўливаш,
Шаҳға мирзою мирак, хонға — қиёту қўнғрот.

74

Гулга фархунда жамолингдин уят,
Сарвға тоза ниҳолингдин уят.

Сабзаи равзаға хаттингдин рашк,
Мардуми дийдаға холингдин уят.

Янги ой нега назардин ёшунур,
Бўлмаса анга ҳилолингдин уят?

Нега зулматқа инар Хизр суйи,
Топмаса нўши зилолингдин уят!

Эй кўнгул, ҳолинга Мажнун уялур,
Санга йўқтурму бу ҳолингдин уят?

Сабза хатлар ғамидин қилдинг манъ,
Йўқму, эй шайх, сақолингдин уят!

Эй Навоий, қиласен васл хаёл,
Билки, топқунг бу хаёлингдин уят.

75

Қайди зулфини чу ёр айлади занжири иродат,
Тушти ҳар ҳалқасидин бўйнума бир тавқи саодат.

Хасталиғ давлатидин сўрғали келдинг бошим уза,
Заъф учун жон берурам, гар сен эсанг аҳли иёдат.

Чобукум рахшини майдонға яна сурди чоқиндек,
Шаҳсувори фалак, ўрган келиб ойини жалодат.

Кирпикинг ўқи шаҳид этти мени, гар тонар ўлсанг,
Икки хунрез кўзунг бас манга исботи шаҳодат.

Ҳар замон ул санам оллида, буким, сажда қилурмен,
Қайда зоҳидқа берур даст бу шоиста ибодат?

Истасанг қилмағасен жонинга меҳнатни зиёда,
Бўлғил ўз қисминга хурсанду тамаъ қилма зиёдат.

Журмсиз ёр агар ўлтурди, Навоий, фараҳ этким,
Ҳусн хайлиға будур шеваю ишқ аҳлиға одат.

76

Ишқ таркига қилурмен туну кун кўнглума туҳмат,
Ки отин тутмағай эл тутса бу ойин била шуҳрат.

Гар сабо қилса мадад, эврулай ул бошқа қуюндек,
Кўйидин гард киби қўпқоли чун йўқ манга қувват.

Дўзах аҳлиға тамуғ шуъласи бўлғай дами Исо,
Кўрсалар шоми ғамим дуди аро шуълаи фурқат.

Ёр ағёр ила ҳамдам, не ажаб ғуссадин ўлсам,
Туфроғ ўлғай тўкилиб, тошқа юзланса бу шиддат.

Тоғни дашт қилиб, даштни тоғ айлади дардим,
Қилма ҳар даштраву кўҳкан элни манга нисбат.

Кўнгулу кўз санга муштоқу йўлуқсанг, чиройингдин
Они бехудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни — ҳайрат.

Соқиё, бодаки, даврон била аҳлига вафо йўқ,
Сен агар жонга ўт урсангки, эрур жонима миннат

Мену муғ дайрию бир муғбача ишқи, юру, эй шайх,
Ким сени масх қилибтур ҳаваси ҳур ила жаннат.

Эй Навоий, чу наво навҳа била бўлди бадал, кош
Бўлмағай эрди санга зуҳражабинлар била улфат.

77

Фироқинг аро, эй гули сарв қомат,
Не сарву не гул кўргали истиқомат.

Чу кўрди жунунум табиб айтдиким,
Бу девоналиғ ишқдиндур аломат.

Қадинг жилвасидин улус бўлди жонсиз,
Дема они қоматки, ул бор қиёмат.

Манга солим ўл, деб дуо қилмангизким,
Беганмас саломатни аҳли маломат.

Чу кўнглум била ошиқ ўлдум, гар ўлсам,
Қачон суд қилғай бу соат надомат?

Карам айлаб, эй муғ, манга бода туттунг,
Қачон шайх кўргузди мундоқ каромат?!

Навоий сенинг учун ар ўлди, жоно,
Сен онинг учун бўл, Илоҳи, саломат.

78

Бўлмишам ошиқ яна, эй ақли нофаржом, кет,
Тун-кун иш бўлмиш манга чекмак лабо-лаб жом, кет.

Бир қадаҳкаш муғбача кўнглум олибтур дайр аро,
Дину тақво жонибидин, эй хаёли хом, кет.

Дайр пири чун белумга боғлади зуннори куфр,
Ибрат ол, эй муқтадои зумраи ислом, кет.

Келдингу пандим дединг, эй шайх, сен ҳам панд эшит,
Қўпқилу дайр ичра бўлмастин бурун бадном, кет.

Мен ҳарими дайр аро туттум мақом, эй порсо,
Сен Ҳарам азмиға гар боғлаб эсанг эҳром, кет.

Масту расвомен харобот ичра кўрдунг, эй рафиқ,
Бўлмағунг бўлсанг менингдек ринди дурдошом, кет.

Келмиш эргач риндлар базмиға, кетмак истама,
Гар кетар бўлсанг ичиб, доғи тутуб бир жом, кет.

Эй кўнгул, чун бевафодур одамий, топсанг пари,
Азм этиб ул ён, бу сори қўймайин бир гом, кет.

Эй Навоий, чун бу гулшан гулларида йўқ вафо,
Анда кўнглунг булбулиға бермагил ором, кет.

79

Келмагил майхонаға, эй шайхи олийжоҳ, қайт,
Йўқса хирқанг бода раҳни бўлғуси, биллоҳ қайт.

Гар десангким, тушмасин хирқангға расволиғ ўти,
Бўлмайин ринди хароботий била ҳамроҳ, қайт.

Дайр пири илгидин зуннор белга боғлабон,
Бут қошинда қилмас эрсанг сажда, беикроҳ қайт.

Ринду раънолиғ агар кўнглунг тилар бу кўй аро,
Жуз фано йўқтур, санга топилмас ул дилхоҳ, қайт.

Сен риёға ўрганибсен, фоний ўлмоқ саъб эрур,
Дайр аро кирсанг, пушаймон бўлғасен ногоҳ, қайт.

Ҳар дам учқунлуқ тутунлар бирла кўнглум шуъласин,
Неча фош эткайсен оғзимдин чиқиб, эй оҳ, қайт.

Соқийи маҳваш элидин ичмишам жонбахш май,
Бу тараф юзланма эмди, эй ғами жонкоҳ, қайт.

Олам аҳли бевафодурлар, аларнинг майлидин,
Эй кўнгул, бўлсанг вафо ойинидин огоҳ қайт.

Не ишинга эътимод эткай Навоий, эй пари,
Ким даме юз қатла гаҳ кел дерсен они, гоҳ қайт.

80

Кўнглумни қилди шефта бир маҳжабин йигит,
Ким халқ аро анинг киби йўқ нозанин йигит.

Дониш элига солғучи торожи ақлу ҳуш,
Ислом элига қилғучи яғмойи дин йигит.

Урду сўнгинча ит киби саргаштаменки, бор
Ёрим сипоҳ офати хиргаҳнишин йигит.

Дин аҳли ичра минг қарини айладинг асир,
Куфр аҳли ичра мен киби борму экин, йигит?

Ул нотавон қариға не мумкин қарору сабр,
Ким олса дину жониға кўргузса кин йигит.

Лутф айла қариларға, десангким узун яшай,
Ким қаримас аён қилибон юзга чин, йигит.

Куйсанг, Навоиё, не ажаб, хас кибики, бор
Севган киши узори гули оташин йигит.

81

Эй кўнгул, кўйида аҳволимни жононимға айт,
Ўлмакимни меҳнати ҳижронида жонимға айт.

Оҳ дуди, ашк қони, нола мадди рифъатин
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимға айт.

Ишқининг юз минг балосинким ёшурдум халқдин,
Йиғлабон ул воқифи асрори пинҳонимға айт.

Эйки, кўрдунг кўйида кўнглумни ишқ этган хароб
Хонумонимни алохону аломонимға айт.

Телбараб тандин либоси офиятни ташлабон,
Дашт тутқан ҳолни Мажнуни урёнимға айт.

Бўлма дерсен, носиҳо, ҳусн аҳлиға ҳайрону зор,
Мендин ўткил, кўнгул отлиғ зори ҳайронимға айт.

Ваъдаси уммидидин буким Навоий берди жон,
Эй сабо, Исо нафаслик аҳди ёлғонимға айт.

82

Ул малаксиймоки, солмиш ҳуснидин оламға ўт,
Қайда қўйғай солмайин жинси бани одамға ўт.

Чарх уза хуршид эмаским, бир қуёш ҳижронидин
Шуълаи оҳим солибтур бу бийик торамға ўт.

Базм аро қўйманг мени, эй ишрат аҳли, зинҳор,
Ким ғамим барқи солур юз хотири хуррамға ўт.

Ҳар дамим бир ўтлуғ оҳ ўлса, таажжуб қилмангиз,
Ҳажр сўзидин тутошибтур бу иссиғ дамға ўт.

Зулфи соҳирдурки, ўтлуқ орази узра тушуб,
Солмади юз шуъласи ул турраи пурхамға ўт.

Кўкта ул шакли мудавварким, кўрубсен, шуълалиқ,
Тушмиш ул юз ламъасидин наййири аъзамға ўт.

Захмлиғ кўнглум ўтиға марҳам этмас нафъким,
Ёрадин момуққа, момуқдин тушар марҳамға ўт.

Дайр ичинда дурд ичар синған сафолим рашкидин,
Оташин май ламъасидин тушти жоми Жамға ўт.

Ҳажр сўзидин деган назминг, Навоий бўйлаким,
Тутти оламни, ажаб гар солмағай оламға ўт.

Кўнгулда нақш андоқ боғламиш бир нозанин сурат,
Ки мумкин эрмас андоқ тортмоқ наққоши Чин сурат.

Агар сурат будурким, сендадур, эй бут, йироқ эрмас,
Ки мундин сўнг парастиш айлагайлар аҳли дин сурат.

Эмас Лайлию Мажнун сенсену мен сафҳада кўрсанг,
Бир офатлиқ дилоро нақшу бир зори ҳазин сурат.

Агар кўзгуда сарви гулъузорим акс кўргузса,
Яна су ичра кўргузгайму сарву ёсмин сурат.

Дема, эй шамъким, кун машъали ҳам тийра бўлғай, гар
Кеча ё кундуз этса бир аён ул маҳжабин сурат.

Не маъни кўрдиларким, суратингға бўлдилар вола,
Чу маъни оламида истамас аҳли яқин сурат.

Чу кўрди суратин андоқ кўзида нақш боғлабсен,
Ки кўрди ҳар қаёнким солди кўз хилватнишин сурат.

Азал суратгари мақсуди гўёким сен эркинсен,
Чу қудрат хомасидин зоҳир этти моу тин сурат.

Эрур дайр ичра онча муғбача суратнамо, эй шайх,
Ки маъни нақшини кўнглунгда қўймас ҳар камин сурат.

Бу сурат бирла, эй жон офати, боштин аёқ жонсен,
Ки бир сендек мусаввар қилмади жонофарин сурат.

Навоий кўнгли суратхонаси чок бўлди сар-тосар,
Чу анда жилва берди ул нигори нақшбин сурат.

84

Зиҳи лаъли лабинг жонимға офат,
Сочинг зуннори имонимға офат.

Не мажнунменки, оҳимнинг самуми
Етурмиш жисми урёнимға офат.

Бузуғ кўнглумни кўз ёшим емурди,
Тегурди сели вайронимға офат.

Жунундин сирри ишқинг айладим фош,
Етишти нақди пинҳонимға офат.

Юз урди туш-тушимдин хўблар, вой,
Ки бир-бир етти ҳар ёнимға офат.

Дедим: Бир новак ўтлуқ кўнглума от.
Деди: Еткурма пайконимға офат.

Чу маҳваш соқий этти жилва, етти
Қадаҳдин аҳду паймонимға офат.

Не оҳу ашкдур, еткур, Илоҳий
Бу сарсар бирла тўфонимға офат.

Фиғоним офат ўлди, эй Навоий,
Менгаким етсун афғонимға офат.

85

Жон фиғон айлар ғами ҳажрингда, жононим, эшит,
Чиққудектур меҳнату андуҳ ила жоним, эшит.

Гар малул эрдинг фиғонимдин ва лекин заъфдин
Халқ саъй айлаб эшитмайдурлар афғоним, эшит.

Дарди ҳолимни қулоғингға, тилармен, айтсам,
Тут қулоқ бир лаҳзаю бу сирри пинҳоним эшит.

Неча саркашлик хироми, турки, бордур бир сўзум,
Индуруб бошингни, эй сарви хиромоним, эшит.

Нечаким худройлиғдин сўз эшитмассен ва лек
Ёрлар пандин гаҳи, эй шўхи нодоним, эшит.

Неча бўлғунг, эй кўнгул, ул мастқа ҳайрону зор,
Ваъдаи қатлинг қилур, эй зори ҳайроним, эшит.

Бир ҳадисингни эшиткумдур дединг, ичканда май,
Сархуш ўлдунг, маст ҳам, эй аҳди ёлғоним, эшит.

Ҳусн мулки бевафодур, манъи бедод этсалар,
Сўз эшитмакни ғанимат англа, султоним, эшит.

Қасди дин айлаб Навоийға, эшитмассен сўзин,
Бенаводур, раҳм этиб, эй номусулмоним, эшит.

86

Заъф кўргилким, танимни элтибон айларга қут,
Мўр судрар, тори бирла руст боғлаб анкабут.

Дардим айтурда демассен юз сўзумга бир жавоб,
Гўйиё холи лаб ўлди оғзинга муҳри сукут.

Ошиқ ўлтургум, десанг, юз қатла бу маъни манга,
Ишқнинг дорулқасоси ичра топмиштур субут.

Ул кўзу лаб ўлтуруб, тиргузсалар, не айбким,
Бирни қотил, бирни жонбахш этти Ҳаййи лоямут.

Ханжари тиғида кўргач оразин, оқизди қон,
Сел оққандек қуёшни манзили бўлғанда Ҳут.

Хоксор ўлким, бурутин елга берди золи чарх
Ул кишиларники, кўп кўргуздилар боди бурут.

Эй Навоий, айлади лўливаше кўнглумни қайд,
Халқни атрок асир этти, вале бизни жатут.

87

Жаҳон аруси бирла суҳбат айлама рағбат,
Нединки, рағбат ила тутмас эл била суҳбат.

Ки бўлса роғиби суҳбат ани севар элдин
Юз илда етмас мингдин бирига ҳам навбат.

Ажаб фусунгар эрурким, чу сайд қилди сени,
Қарин соғиндингу ул худ қилиб турур ғайбат.

Қуёш нигинининг остида заҳридин ҳал этар,
Кишига меҳр билаким эзиб берур шарбат.

Талоқ бер аниким, даҳр аро мусофирсен,
Ғариб элга эмас уйланур ери ғурбат.

Агар икингиз аросида воқиъ ўлмас буъд,
Яқинки, мақсади аслиға топмағунг қурбат.

Навоий, ўйла фано бўл висол учунки, санга
Чи жойи ўзгаки, ўзлукка қолмағай нисбат.

88

Эй мусаллам, санга ҳар яхши сифот,
Бу сифотинг била йўқ сен киби зот.

Хат санга Хизру лабинг — чашмаи Хизр,
Нутқунг — ул чашма аро оби ҳаёт.

Ҳаракотинг аро таскин зоҳир,
Лек таскин чоғида хуш ҳаракот.

Зулфунг овора кўнгуллардин эрур
Юз Скандарни итурган зулмот.

Сунбулунгнунг расани бўлмаса, йўқ
Зақанинг чоҳидин имкони нажот.

Хум эрур ер курраси, жом — ахтар,
Соқиё, бер мунга сайр, анга сабот.

Айш вақтини, Навоий, хуш тут,
Ким эрур асру шариф ул авқот.

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

89

Кўнгулда зулм била қилма юз бино иҳдос,
Чу қилдинг, ушбу етар, қилмағил яно иҳдос.

Жафо биносини бузғил, нединки муҳдис эрур,
Хилофи шаръ бино қилдинг аввало иҳдос.

Гар элга қасри тараб тузди ишқ меъмори,
Нетайки, қилди манга кулбаи ано иҳдос.

Фиғонки, ул бути банно басе жафо тарҳин
Кўнгулда қилди ҳануз ўлмай ошно иҳдос.

Мени чу бузди, не осиғки, халқ учун қилғай
Висол ганжи учун махзани ғино иҳдос.

Чу ёр васли тиларсен, вужуд уйини бузуб,
Кўнгул ҳаримида қил маҳрами фано иҳдос.

Навоиё, дема иҳдос қилдинг ўзлук уйин,
Мен айтган ўлсам ани, тавба Раббано иҳдос.

90

Бўлди бехудлуғума бодаи гулгун боис,
Ани нўш айлагали соқийи мавзун боис.

Буки, Лайливашим оллида фидо қилдим жон,
Бўлди бу қиссаға афсонаи Мажнун боис.

Дард тоғин қозорим тирноғ ила Ширинdур,
Лек бўлди манга Фарҳоди жигархун боис.

Ўлтурур холу хату қошу кўзу ғамзаси ҳам,
Бор анга қатлима андозадан афзун боис.

Ишқ даштида югурсам, ажаб эрмаски, эрур
Телбага пўя учун вусъати ҳомун боис.

Кўзларим ёшиниким Қулзуму Уммон этдим,
Можаросиға эди Дажлаю Жайҳун боис.

Дема: Кўйида ул ойнинг нега саргардонсен?
Бўлди бу меҳнатима гардиши гардун боис.

Нафси наҳсиятидин чиққай, ангаким бўлғай
Толиъи саъд била бахти ҳумоюн боис.

Гар Навоий эса муғ дайрида расво, тонг эмас,
Не учун бўлмасун омодадурур чун боис.

91

Бориб Юсуф, жамоли нақдиға жонон эрур ворис,
Начукким, пири Канъонға маҳи Канъон эрур ворис.

Либос эрди қуюн Мажнунға, чун ул даштдин чиқти,
Анинг тўниға бу мажнуни саргардон эрур ворис.

Чу мен ўлдум, ғамим ул ҳусн шоҳи гар еса, ғам йўқ,
Ки бекаслар ўлуб, неким қолур, султон эрур ворис.

Кўнгул фоний бўлуб, қоним дури ашким қабул этти,
Етим ар ёш эса ҳам, не қолур пинҳон, эрур ворис.

Уёқти чун қуёш, ул ойға қолди даҳр ёрутмақ,
Чу борди меҳри даврон, офати даврон эрур ворис.

Мен ўлсам, ишқ нақди худ эрур кўнглумга мавруси,
Киши фарзанди гарчи бўлса бесомон, эрур ворис.

Неким тўққуз аною тўрт атодин фитнаю офат
Бўлур воқиъ, анга ул офати фаттон эрур ворис.

Улуғлардин насиб истар эсанг, касби камол этгил,
Нединким, анбиёға илмлиқ инсои эрур ворис.

Навоий кўнглин олиб, тиғ сурган жонни ҳам олдик,
Ки жони нақдиға ҳам кўнглини олғон эрур ворис.

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

92

Зиҳи, кўк бошиға гардунхиромингнинг изидин тож,
Висолинг хилватида бир шабистон лайлатул меърож.

Шабистонинг аро суббуҳилардин юз туман товус,
Гулистонинг аро қуддусилардин юз туман дуррож.

Юзунг хуршидидин ул тун топиб хайли кавокиб нур,
Сочингнинг зулмати ул кеча тун рангини айлаб дож.

Рикобингда малойик хайлидин ҳар сори юз минг саф,
Солиб ҳар саф шаётин мулкига яғмо била торож.

Йўлунгда анбиё руҳи мушарраф айлабон ўзни
Ва лекин илтифотингға бири муштоқ, ўни муҳтож.

Буроқинг суръатидин хатти нуронийки раем айлаб,
Аён айлаб бу сайринда нубувват аҳлиға минҳож.

Ўзин ўзлукдину кавнайн мулкидин қилиб хориж,
Қаю кавнайн мулки, ломакондин ҳам топиб ихрож.

Ҳарими қурб аро матлуб васлидин бўлуб маҳзуз,
Йўқ андоққим, ҳарими Каъба ичра зумраи ҳужжож.

Тилаб уммат гуноҳин ҳар неким истаб топиб бахшиш,
Зиҳи сойил, зиҳи бозил, зиҳи рифъат, зиҳи меърож.

Зиҳи шоҳеки, тун-кун жавҳаридин Сониъи ҳикмат,
Сенинг зотинг учун тузди бу тахти обнусу ож.

Игирди риштаи наътинг Навоий кўз учи бирла,
Агар боқсанг, мутиъ ўлғай анга Нассож ила Саррож.

93

Биравки даҳр мазиқидин айлагай махраж,
Фаною фақр тариқи эрур анга минҳаж.

Не Каъба шавқида, сен дайр ичинда ёр ила бўл,
Басоки, ўғрилиғ этгай тавоф вақтида ҳаж.

Риёзат айламасун рўзгоринг ошуфта,
Адойи фарзу сунан қил, ўзунга қўйма ҳараж.

Намоз адосиға қилғил кўнгулни Тенгрига туз:
Кўнгул туз ўлса, эмас бок, бўлса қибланг каж.

Сўзунг чин ўлса, анга ҳожати далил эрмас:
Қуёшни улки ёруғ дер, не ҳожат анга ҳужаж!

Чу Ҳақ дедики, «маал уср-юср» мужда санга,
Не шиддат ўлса аён қил талаб сўнгинча фараж.

Навоий, иста мазоҳирда чеҳраи мақсуд,
Араб ва гар чиғатой, йўқса туркману халаж.

94

Ишқ бемориға йўқ элдин давоға эҳтиёж
Йўқ ўлукка жуз висоли жонфизоға эҳтиёж.

Боғи васли атри жонимдур, дам урма, эй Масиҳ,
Ким манга воқиъдурур боди сабоға эҳтиёж.

Хоки пойингким эрур куҳл ул-жавоҳир, топса кўз,
Ҳаргиз ўзга зоҳир этмас тўтиёға эҳтиёж.

Ишқ чун бегона қилди ошнолардин мени,
Йўқ манга бегона бирла ошноға эҳтиёж.

Ҳар не қилсанг кўнглума хуштур, эрур сандин манга
Ҳам вафоға эҳтиёжу ҳам жафоға эҳтиёж.

Ўйлаким йўқтур гадоға эҳтиёжи шоҳнинг,
Шоҳдин йўқ ишқ кўйида гадога эҳтиёж.

Эҳтиёжимни улусдин уз, Худоё, фақр ила
Ўйла фақрким, анга бўлмас худоға эҳтиёж.

Олам аҳлидин вафо муҳтожи бўлмаким, алар
Ҳам чекарлар бу матоъи бебаҳоға эҳтиёж.

Дедим: Эй гулрух, Навоийға наво еткур. Деди:
Ким кўрубтур кўрганин булбул навоға эҳтиёж?!

95

Сийм агар жон нақдидур айларда ҳар миқдор харж,
Ёрға харж ўлса ёхуд қилса ани ёр харж.

Нақддин бисёру оз ҳар неки киргай илгима,
Хуштурур улким мен оз, ул айлагай бисёр харж.

Ёр меҳмоним бўлур, мен ошиқу муфлис нетай,
Гар ҳаётим нақдидур, қилмақ керак ночор харж.

Ганж агар топсам мени девонаваш вайрон аро,
Айларам Лайливашимға ани Мажнунвор харж.

Кўзлари жону кўнгул нақдин олиб, сарф эттилар,
Айлагандек аҳли дин амволини куффор харж.

Ишқида бору йўқум харж ўлдию ифлосдин
Маърифат айлармен эмди, чун келур дилдор харж.

Истасанг хирқам сотиб, май олсам аввал, бода тут,
Эй ҳариф, ўлмастур они айламак ҳушёр харж.

Дайр пири гар деса: бору йўқунгни ўтқа сол,
Йўқ эса қилма йўқу боринғни беҳанжор харж.

Ишқ кўйида Навоий сочса доғидин қора,
Ўйладурким, муҳташам эл айлагай динор харж.

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «ФАВОЙИД»ДИН

96

Қовмағил кўнглумни, зулфунг ичра ором айлагач,
Қушни ким озод этибтур бастаи дом айлагач.

Ул не жондурким, гадо янглиғ қилурлар шоҳлар,
Юз дуо жониға ҳар қайсини дашном айлагач.

Лаъли шавқин ёшурурмен қон ютуб, то соғмен,
Асрай олмон ўзни, гулгун бода ошом айлагач.

Гул паришон ўлдию сарви сиҳи топти шикаст,
Боғ аро гулгашт ул сарви гуландом айлагач.

Даҳр гулзориға ўт солди жамоли барқидин,
Май ўтидин гунаи рухсори гулфом айлагач.

Соқиё, май тутки, ҳижрон шиддати туғёндадур,
Йиғламоқ таскин берур, майли маю жом айлагач.

Дайр ичинда сўрма зунноримниким, ул муғбача
Маҳкам этти зулфидин торожи ислом айлагач.

Лаҳву исён бирла ўтти умру ҳеч иш қилмадим,
Ўт тушар жонимға, зикри фаслу айём айлагач.

Гар Навоий ҳажридин ўлмиш, вале юз жон топар,
Лаъли руҳафзосидин бир бўса инъом айлагач.

97

Манга агар дегасиз: жон била жаҳондин кеч,
Кечай, валек муни демангизки, ондин кеч.

Замону аҳли замондин денгизки кеч, лекин
Деманг бу сўзниким, ул офати замондин кеч.

Ғамида қон ёшим ул навъ баҳрдурки, киши
Қолур таҳайюр аро, демасамки қондин кеч.

Сўрарға келмак эмиш ёр, эй ажал, раҳм эт,
Юзини кўргуча бу зори нотавондин кеч.

Ғам ўлтурур мени, гар бода ичмасам, эй шайх,
Агарчи пандинг эрур яхши, бу ёмондин кеч.

Десангки, ёр ила ҳамхона бўлғасен, бўлғил
Диёру мулкдин овора, хонумондин кеч.

Ики жаҳонни кўрар васл монеъи солик,
Мурод ёр эса, ҳам мундину, ҳам ондин кеч.

Камол касби қилур бўлсанг, озмундин ўт,
Гар истифода ғараз бўлса, имтиҳондин кеч.

Навоий, ўттилар аҳбоб, бўл фано била чует,
Десангки, қолмағасен йўлда корвондин кеч.

98

Тушкали ул дилрабонинг турраси торида печ,
Турра торидек тушубтур кўнглум атворида печ.

Зулфи тобидин жунунумнунг юз онча печи бор,
Ким назар солдим: жунунум дафъи туморида печ.

Ҳажр даштида мени саргаштанинг тўлғанмағи,
Айлагандектур қуюн жисми намудорида печ.

Лаълингу зулфунг хаёлидин мени дилхастани
Нотавон жонида андуҳу тани зорида печ.

Соқиё, ул шўхнинг жомин риоят айлагил,
Ким бузулмиш, май чиқиб бошиға, дасторида печ.

Ваҳки, ул кофир асирининг ишида куфрдин,
Печлардур ончаким, йўқ онча зуннорида печ.

Олам аҳлиға не тонг саргашталиғ невчунки бор,
Чарх паргорида давру давр осорида печ.

Ростравлар гўша туттиларки, даврон аҳлининг
Бордур атворида печ, андоқки гуфторида печ.

Чун Навоий, ёр зулфи васфида кўп чирмашур,
Эл таажжуб қилмасун, кўп этса ашъорида печ.

99

Кўзунг қонимға сероб этти ўзни, нақди жон олғач,
Нечукким, мает бергай майға нақди ройгон олғач.

Чу урдунг ништари ҳижрон, фироқинг сўзи кам бўлди,
Анингдекким, иситма дафъ бўлғай, кимса қон олғач.

Начукким, қиймати лаъл олибон бергай рақибиға,
Итига ташлади кўнглумни ул номеҳрибон олғач.

Санаб ушшоқини қатл айлади ул ҳусн султони,
Чирикни тарқатиб озод этар шаҳ, гарчи сон олғач.

Кўнгул журмиға бўлдум уҳдаву ғам чоҳиға солдинг,
Эмастур расм қилмоқ ҳибс, мужримдин зимон олғач.

Шикебу сабр хайли иттилар, еткач манга номанг,
Начукким, корвон боғлар сафар рахтин, нишон олғач.

Ушатма тавбам, эй соқийки, қолмас яхшилиқ расми,
Менинг ҳолимда илгимга қадаҳни мен ёмон олғач.

Баҳори ҳуснидин булбулға ҳам еткур наво, эй гул,
Бу гулшан мулкини торож этар, хайли хазон олғач.

Навоий ҳолини ул йўқ оғиздин сўрма эмдиким,
Адам йўлиға борди меҳринг ул бехонумон олғач.

100

Қайд айларга жунун аҳлини бор ул икки соч,
Ҳар бири неча тугун, ҳар тугуни неча қулоч.

Туркларнинг қулидурменки, нигоримнинг эрур
Қоши туркона, қабоғи кенгу кўзи қиймоч.

Сочингу мушк аро бор онча тафовутки, мунунг
Кисватидур янги иксунда, онинг — эски саноч.

Ташлабон доғларим марҳами бирла момуғин,
Телбадурменки, чопонин солиб ўлғай ёлангоч.

Соқиё, лаъл уза хай кўрубон бехудмен,
Майға мамзуж гулоб айлаб, ани юзума соч.

Луқма огаҳлик ила солик агар айласа нўш,
Яхшироқ арпа кўмочики, тағофилда кулоч.

Эй Навоий, тиласанг элдину ўздин махлас,
Чиққил ўзлук йўлидин чусту фано кўйига қоч.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРАМИЙЛАРИНИНГ ҲУСНОРОЙЛИҒИ «ФАВОЙИД»ДИН

101

Азалда чунки рақам топти толиҳу солиҳ,
Манга бу пандларинг бежиҳаттур, эй носиҳ.

Сен эътирозин қўйғилки, барча Ҳақдиндур,
Чу ғайб макманидин ҳар неким бўлур сониҳ.

Не ихтиёр сангаю манга, чу килки қазо,
Азалда ёзди не мажруҳдур ва гар рожиҳ.

Амал бир оят ила айламас, чу йўқ тақдир,
Биравки айласа «Кашшоф»да ўзин шориҳ.

Тили ҳуруфқа эврулмаган басо ҳинду,
Ки бўлди нуктаси кўп ғайб ҳисниға фотиҳ.

Бу корхонаға дахл айламак адаб эрмас,
Не дахл кимсага, ҳар неки меҳр этар лойиҳ.

Навоий, оллинга ёзғанни кўрмайин бўлмас,
Эрур Ҳақ оллидин ар солиҳ ўл ва гар толиҳ.

102

Зормен зулфу юзи фурқатидин шому сабоҳ,
Соқиё, бода кетур, қайда мену қайда салоҳ?

Бода дарёсиға солғил мени, эй бодафуруш,
Мен ғариқ ўлсам, эмас ғам, чун сен ўлғунг маллоҳ.

Менмену кўйи хароботу май ичмак туну кун,
Қўпқил, эй шайху салоҳимға кўп этма илҳоҳ.

Хонақаҳдин чу саҳар майкадаға юзландим,
Ҳар тарафдин юзума очти эшиклар Фаттоҳ.

Шаҳр муфтийси букун маст эди, фатво ёзди,
Ки ҳаром ўлди, ямон ичса киши, йўқса — мубоҳ.

Қачон ул руҳи мусавварки самоъ ичра кирар,
Эврулур бошиға қудс амкинасидин арвоҳ.

Эй Навоий, чу эрур золи фалак хасмға хасм,
Гар никоҳ, ўлса, талоқ эт, йўқ эса, қилма никоҳ.

103

Эй, хату лаълинг қошида мунфаил Хизру Масиҳ,
Не ёшунмоқдур, гар эрмаслар хижил Хизру Масиҳ.

Хат лабингға муттасилдур, лаб юзунгаким, эрур
Оби ҳайвону қуёшқа муттасил Хизру Масиҳ.

Ўйлаким Хизру Масиҳ оллида сабза бирла су,
Хаттингу лаълинг қошинда ўйла бил Хизру Масиҳ.

Чун Масиҳосо лабингдин Хизр умри касб ўлур,
Бўлсалар андин, ажаб йўқ, мунфаил Хизру Масиҳ.

Лабларингдиндур Масиҳу Хизрға нутқу ҳаёт,
Ким эмишлар ишларига мустақил Хизру Масиҳ.

Сабзаи хат кўргузуб, жонбахш лабдин сўз дегач,
Бўлдилар ул ҳайрат ичра музмаҳил Хизру Масиҳ.

Ўлди ҳажридин Навоий, тушсалар бу ҳажр аро,
Тонг йўқ ўлмоқ бу сародин мунтақил Хизру Масиҳ.

104

Эй, сочинг шоми аро рухсори фаррухфол субҳ,
Ой юзунгдин толиъ айлаб кавкаби иқбол субҳ.

Эй сабуҳ аҳли, ичинг майким, бағоят хуштурур,
Лаҳни нўшо-нўш бирла жоми моломол субҳ.

Тун хумори ҳажрида бадҳол эдим, юз вой, агар
Жоми васлидин мени ёр этмаса хушҳол субҳ.

Шому субҳ истаб қаро тун ичра эрдим, шукрким,
Жилва айлаб шоми зулфин айлади помол субҳ.

Васли субҳидин тилармен — андоқ эткай шоми ҳажр,
Ким юзига топмағай қўймоққа мушкин хол субҳ.

Дам-бадам тонг ёрубон олам эли ғавғосидур,
Бодадин хушвақтлиғни қилмангиз эҳмол субҳ.

Чарх даври зулмидиндур гўйиёким сарғариб,
Кўргузур йиғлаб, яқо йиртиб, ажаб ашкол субҳ.

Эй хуш улким, субҳидам жоми сабуҳ ул навъ ичиб,
Мает бўлғайким, анинг ҳолиға қолғай лол субҳ.

Эй Навоий, истасанг еидқу сафо ғам шомида,
Бўлма ғофил, токи қилғай жилва фаррухфол субҳ.

105

Зиҳи шаҳди нўшунг бағоят малиҳ,
Мусалсал сўзунг бениҳоят малиҳ.

Шакардек лабинг келди ишқ аҳлидин,
Демак шукр ширин, шикоят малиҳ.

Малоҳатдин ул лаъли кони намак,
Ажаб эрмас андин ривоят малиҳ.

Дам урма рақиб, ул десун, сўзки бор:
Малоҳатлиғ элдин ҳикоят малиҳ.

Не янглиғ такаллумдур, оёки, бор
Сариҳ этса ширин киноят малиҳ.

Очиғлан гаҳи қулларингғаки, бор
Раиятқа шаҳдин риоят малиҳ.

Навоий ярасиға кўп сепма туз,
Неча бўлса нутқунг бағоят малиҳ.

106

Бошима еткурди тиғ ул шўхи маҳпайкар сабоҳ,
Кош рўзи бўлса бу ахтар тулуъи ҳар сабоҳ.

Васл субҳи ул саодат кавкаби кўргузди юз,
Ул сифатким, жилва қилғай хисрави ховар сабоҳ.

Ёр васли хуштурур, гар зулф, агар юз кўргузар,
Васл даври айшдур, гар шом бўлсун, гар сабоҳ.

Тонг йўқ ул маҳваш муғанний тутса жоми май сабуҳ,
Не учунким Зуҳрадур толиъ бўлур ахтар сабоҳ.

Ёрутуб ҳар тун шабистонни, саҳар уйқудадур,
Не таажжуб, гар ғуруб айлар маҳи анвар сабоҳ.

Тахтаи ишқин ўқирмен мактаб ичра, чун қўяр
Лавҳи сиймин қўйниға ул шўхи сийминбар сабоҳ.

Ҳажр субҳу шоми мендек бўлмасун ишқ аҳликим,
Музтарибмен шом ўз ҳолимғаю музтар сабоҳ.

Бош кўтарма дайр пири остонидин кеча,
Гар тилар бўлсанг муғона ичкасен соғар сабоҳ.

Кўйи туфроғин Навоий оҳи совурди саҳар,
Ишрат аҳли ўйлаким рафъ этсалар бистар сабоҳ.

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «ФАВОЙИД»ДИН

107

Садқанг бўлубон урмоқ бу гунбади ахзар чарх,
Қасрингға давр урғондек бир сабз кабутар чарх.

Сен шамъ, вале гардун фонуси хаёл эрди,
Урғанда малак хайли тегрангда саросар чарх.

Чун юқори майл этти нуру азминг бўлди,
Ҳам нурда чарх ахтар, ҳам азмда ахтар чарх.

Шамъингға лаган бўлғач афлок малойикдин,
Парвоналар урдилар тегрангда мукаррар чарх.

Кўк ҳулласидин ёйиб атлас йўлунга анжум,
Анжум дуридин сочиб бошинг уза гавҳар чарх.

Йўлунг изидин ўзни равшан қилибон кавкаб,
Рахшинг нуридин кўзни ҳар дам қилиб анвар чарх.

Кўйунгда Навоийға чарх урмоқ агар етса,
Бир доираи мақсуд ўлғуси анга ҳар чарх.

108

Қон тўкуб ул бути зебо густох,
Бориб ул ён мени шайдо густох.

Бўлмаса телба, парини мендек
Ким қилур бўйла тамошо густох.

Ваҳ, не тарсодурур ул дайрдаким,
Сўз демас оллида Исо густох.

Холинг ул ҳинду эрурким, бўлмиш
Лабинг устида шакархо густох.

Соқиё, бер ики соғарки, бўлай
Нуктаи ишқ аро гўё густох.

Хатту лаъли қошида асранг адаб,
Келманг, эй Хизру Масиҳо, густох

Ёр ҳазл айлар учун бўлмишмен,
Ҳарза дердин мени расво густох.

Ишқ дайрида гадодур шаҳлар,
Киргали бизга не ёро густох?

Эй Навоий, тиласанг соғари файз,
Бўлма бу дайрда асло густох.

109

Чу қилди ишқиға кўнглумни мубтало ул шўх,
Кетурди жонима ҳар лаҳза юз бало ул шўх.

Асир қилса мусулмонни, қилмағай кофур,
Бу жавру зулмки, ҳар дам қилур манго ул шўх.

Ажаб эмаски, қилур нақди жонға кўз қоролиғ,
Эрур чу шўхлар ичра кўзи қаро ул шўх.

Улустун уркуп, ўзумдин доғи бўлубмен ёт,
Мени рамидаға то бўлди ошно ул шўх.

Замона ичрадур ошубу қўзғолон гўё,
Ки чиқти сархушу тунд отланиб яно ул шўх.

Ажаб эмаски, вафо расми айлагай бунёд,
Қилурға чунки яна топмаса жафо ул шўх.

Бу навъким манга ул шўх май берур, бир кун
Ҳалок қилғусидур ё бу тунд, ё ул шўх.

Йўқ оғзидин сурубон нукта оқибат қилди
Мени мусофири сарманзили фано ул шўх.

Буким улусқа наво берди васлидин, не осиғ,
Ки охир этти Навоийни бенаво ул шўх.

110

Ул парийваш ҳурнинг мен телбадек шайдоси чўх,
Не ажаб, гар бўлса олам мулкида ғавғоси чўх.

Эй кўнгул, мумкин эмастур васл, невчунким, эрур
Сабру ҳушум озу онинг нозу истиғноси чўх.

Мен гадо найлаб сочи мушки харидори бўлай,
Ким эрур шаҳлар димоғинда анинг савдоси чўх.

Арманидур гўйиё ул шўх кофур туркмон,
Ким етар дин мулкига кофур кўзи яғмоси чўх.

Дилраболиғнинг либоси чўхасидур гўйиё,
Ким ани кийгач, кўнгул олур қади раъноси чўх.

Қиймати ажносдин чун шадда боғлар ҳафт ранг,
Ҳусни бозори аро зоҳир бўлур колоси чўх.

Соллониб чун жилва айлар, халқни вола қилур,
Ҳам қади раъноси, ҳам андоми руҳафзоси чўх.

Лаълидин ком истарам, не чора, етса кўнглума
Кирпикининг найзасидин захм ила изоси чўх.

Бас баҳодирваш эрур, лекин мулойим ҳам эрур,
Ким Навоий кўнглига тушмиш анинг васвоси чўх.

111

Дема, бир ўпмак не эркин лаълидин жононға нарх,
Не сўрарсен, англа, бир мисқоли юз минг жонға нарх.

Ком пинҳон оғзидин топмоққа кўп сўрманг баҳо:
Кимса таъйин айламайдур жавҳари пинҳонға нарх.

Ҳар кун ул юз қиймати тағйир топса айб эмас:
Икки кун бир навъ бўлмайдур гули бўстонға нарх.

Ҳусн бозорида мен бўлдум ул ойға муштари,
Ким муқаррар айлагай оё маҳи тобонға нарх.

Худфуруш ўлди ул ой, оё, қаёндин топқамен
Ониким, қилди муайян Юсуфи Канъонға нарх.

Ким менинг кўнглум харидоридурур, бир лутф бас,
Нақд ҳожат эрмас, охир истасанг вайронға нарх.

Эй Навоий, ул қуёш қурси баҳосин сўрмағил,
Сен гадоға авло ул бўлғайки, сўрсанг нонға нарх.

112

Қадду рухсориға йўқ гулшанда бир монанд шох,
Ким сапидор узра гулдин айламиш пайванд шох.

Боғи ҳажр ашжори шохидин тутай сели сиришк,
Ким улуғ савдо керактур боғламоққа банд шох.

Тундбоди ҳажр айшим боғин андоқ буздиким,
Тушти фурқат даштида ҳар сори бир парканд шох.

Жисм аро ҳар узв тиғингни қилурлар орзу,
Ўйлаким, бўлғай яғочда суға ҳожатманд шох.

Шўхлар синдурдилар нақди ҳаётим шохини,
Ул сифатким, бўлғай атфол илгидин сарканд шох.

Нахли табъим шохидин маъни бўлур зояндаким,
Шохнинг фарзанди гулдур, нахлға фарзанд шох.

Эй Навоий, қадди тубидур, юзи жаннат гули,
Гулшани давронда йўқ ул қадға бир монанд шох.

113

Хужаста тонгки очиб ораз ул бути гулрух,
Баҳори ҳусни киби субҳим айлагай фаррух.

Санга мушобаҳати бўлғай эрди, бўлса эди
Бу гулшан ичра парий — сарвқомату гулрух.

Сўз айтса ҳам ўлубу ҳам тирилмаким не ажаб,
Ким ўлса талх такаллум, эрур шакар посух.

Сочинг қаросида юз мушки тиббату тотор,
Қадинг ҳавосида минг сарви Ўчаву Халлух.

Ичимда лаълинг эрур ўйлаким бадан аро жон,
Ўқунгда жоним эрур ўйлаким сўнгак аро мух.

Чу файз эрур мутафовут топилмағай маъруф,
Агарчи Карах киби келди сурат ичра курух.

Кўруб юзунгни Навоийға ҳуш кетса не тонг,
Ки мот ўлур бори шаҳлар, қачон сен очсанг рух.

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «ФАВОЙИД»ДИН

114

Чу солик айлар эса азми водийи тавҳид,
Керакки, минса бу сайр ичра маркаби тажрид.

Бу маркабу бу сафар кимсага муяссар эмас,
Ки ҳосил айламагай олам аҳлидин тафрид.

Бу ҳам киши ўзини бору йўқдин эткай фард,
Эмастур ўзлукидин мумкин ўлмайин таъйид.

Чу дўст лутфиға бу барча бўлди вобаста,
Недин керак кишига васл нақдидин тардид.

Азалда чун не насиб ўлди, ўзга бўлмади ул,
Саъидни не шақий қилди, не шақийни саъид.

Кетур қадаҳки, даме ўзни хуш тутай, эй муғ,
Тўла қуярға эмас ҳожат айламак таъкид.

Навоий истамас ўзни даме бу дайрда соғ,
Ҳамиша кайфиятиға анинг беринг таждид.

115

Котиби сунъки мушк айлади хаттингға мидод,
Ояти раҳмат эди қилди қуёш узра савод.

Ўйла ишқингда бўлуб маҳв, унуттум ўзни,
Ким сен ўлмишмену мен эмди сени қилмон ёд.

Кеча ноламдин уюмас эдилар олам эли,
Заъфдин эмди эшитмон ўзум, этсам фарёд.

Чарх даврониким, оҳимдин эрур, ул чу мени
Берди барбод, они мен доғи бергум барбод.

Давр бедод этар, эй соқийи гулчеҳра, мени,
Ўйла қил мастки, давронға мен айлай бедод.

Хонақаҳ шайхи агар ишқ ила май манъи қилур,
Дайр пири, нетайинким, муни айлар иршод.

Носиҳо, ишқ ила май тарки буюрдунг, лекин
Қилма таклиф Навоийғаки, бўлмиш муътод.

116

Ишқ аро нофиъ эмас оқилу фарзонаға панд,
Қайда бас нафъ етургай мени девонаға панд.

Ул қуёш ишқидин ўртанма дединг, ваҳки, киши
Шамъдин куйма дебон, бермади парвонаға панд.

Бергуча ишқу вафо таркида пандим неткай,
Берсангиз жавру жафо манъида жононаға панд.

Зоҳидо, бергуча панд, айла ўзунг тарки риё,
Панд бергил ўзунга, айтқуча ёнаға панд.

Ишқ таркигаким, иршод этарам ушшоқин,
Мает бергандек эрур волаи паймонаға панд.

Лаби жонбахшға манъ эткуча, эй сода рақиб,
Қатл манъида бер ул ғамзаи мастонаға панд.

Дайр аро муғбача чун қилди Навоийни ҳалок,
Чиқ дебон нофиъ эмас фонийи бутхонаға панд.

117

Не муроду не умид айлар ул ойдин бизни шод,
Оҳким, ишқ ичра ҳам навмидбиз, ҳам номурод.

Орази ҳажрида бўлмиш тийра кўнглум кишвари,
Муддате бўлдики, кўрмайдур ёруғлуғ бу савод.

Хол эрур ё сунъ килки сафҳаи рухсор уза
Хат рақам айлар замонда, хомадин томмиш мидод.

Гул жабинин кўзга кўп суртар эсам, айб этмангиз,
Негаким, бир гулжабинликдин берур ҳар лаҳза ёд.

Кўзума ашк эврулуб, тан дашт аро саргаштадур,
Ишқ баҳру даштида гирдоб – улу бу – гирдбод.

Тарк этиб ҳар қайдни, қўйдум қадам дайр ичра, лек
Дайр пири ҳар неким дер, чора йўқ жуз инқиёд.

Ишқида мендин асар йўқ, кимга бўлса мултафит,
Токи иснайният ўлмас, мумкин эрмас иттиҳод.

Чархдин не келса, жуз таслим йўқтур чорае,
Ким қавий оллида хўб эрмас забунлардин инод.

Эй Навоий, ғунчадек кўнглунг тутулса ҳажрдин,
Ноумид ўлма: насими васлидин еткай кушод.

118

Кўнглума тиғ урғач, оҳимдин ҳувайдо бўлди дуд,
Шуълаининг устига чун қуйдинг су — пайдо бўлди дуд.

Юзу зулфи ҳасратидин буки чектим ўтлуғ оҳ,
Шуъла хуршиду ғубори мушки соро бўлди дуд.

Хонумоним куйганин ҳажр ўтидин ғам даштида,
Билдилар оворалар, чун ошкоро бўлди дуд.

Ғам туни эрмаски, оҳимдин қаронғудур сипеҳр,
Бу кўҳан дайр ичра беҳад ваҳшатафзо бўлди дуд.

Куйдуруб кўнглум, кўзумни тийра қилди, то анга
Юз ўти барги суман, зулфи сумансо бўлди дуд.

Ҳажр ўти ул ой ҳавосида мени чун ўртади,
Ҳар тараф шабгун булутдек чархпаймо бўлди дуд.

Соқиё, оби ҳаёти май била кулбам ёрут,
Ким фироқ ўтидин анда зулматосо бўлди дуд.

Рост ул янглиғки зулмат ичра Хизр ўлғай ниҳон,
Хайли мазлум оҳидин бу тоқи хазро бўлди дуд.

Ул узору хат учун ҳар дам Навоий чеккач оҳ,
Кулбаи аҳзониға ё тушти ўт, ё бўлди дуд.

119

Эй, қилиб зулфунг каманди ваҳшийи саҳрони сайд,
Юз мену Фарҳод ила Мажнун киби шайдони сайд.

Йўқ ажаб Фарҳод ила Мажнунни худ сайд этмакинг,
Турфа будурким, қилиб Ширин била Лайлони сайд.

Ваҳ, бу не сайёдлиғдурким, биравким даҳр аро,
Ҳусн ила оламни сайд айлаб, сен айлаб они сайд.

Кўргузуб чун доми зулфу донаи хол айлабон,
Булбулу қумри демонким, пашша то анқони сайд.

Доми зулфини бир очиб, тортмоқ бирла қилиб
Юз туман қудси туюри гулшани хазрони сайд.

Билмон, эй сайёд, қайси дом ила қилмоқ бўлур,
Ул тазарви дилкаш, ул товуси базморони сайд.

Гар Навоий хўблар сайдидур, аммо қилмамиш
Сендин ўзга кимса ул ошуфтаи расвони сайд.

120

Йўқ манга юз йилда ул маҳвашқа бир сўз дерга ҳад,
Бўлса бир сўз дерга ҳад, ул ҳам бўлур юз қатла рад.

Меҳри худ йўқ, лек амдан зоҳир айлар илтифот,
Ким халойиқ жонима қасд айлагайлар еб ҳасад.

Турфароқ буким, қилиб оламни жоним душмани,
Дўстлуғ изҳори ҳар мажлисда айлар беадад.

Шак эмаским, бўлғусидур ёрлар беэътимод,
Ҳар қачан ёр оллида ағёр бўлса муътамад.

Умр янглиғ бевафодур халқ, гўё, эй Хизр,
Чекти Зулқарнайн Яъжужи жафо оллиға сад.

Эй хуш улким, гўша тутқай ўйлаким, топилмағай
Ахтариб давронни давр аҳли азалдин то абад.

Соқиё, абнойи даврон жаврининг поёни йўқ,
Ўйла соғар тутки, зойил айлагай ҳушу хирад.

То бўлай ул навъ лояъқилки, келмай ҳолима,
Қилса юз Фарҳод ила Мажнун насиҳатдин мадад.

Эй Навоий, олам аҳли жавр этарда тенгдурур,
Хоҳ шоҳи чархқадру хоҳ моҳи сарвқад.

121

Ишқ аро куймак ишим, қайда мену қайда хирад,
Бўйла ўт ичра кирарга хирад аҳлиға не ҳад.

Ишқ ўти Тури тажаллийға чу солди партав,
Хаски кул бўлди, бурунроқ йўқ эди ғайри хирад.

Зуҳд хуффоши оча олмаса кўз, кимга гунаҳ,
Ишқ хуршиди ёрутмиш чу азалдин то ба абад.

Ишқ ул бир муаллимки, онинг мактабида.
Ақл ўқиб тифл киби лавҳи фанодин абжад.

Ишқ жонбахш насими не чаманғаки эсиб,
Юз ниҳол анда бўлуб лолаузору гулхад.

Ул чаман барги гули шавқ ҳадисиға варақ,
Сунбули силсиласи ҳуш жунуниға мадад.

Асли бир зот келиб чунки маротибға ўтуб,
Бениҳоят бўлуб ижоду сифот ичра адад.

Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбиндур,
Гар адад юз туман ўлса, тузатур бирга санад.

Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни тилай
«Қулҳуваллоҳу аҳад», сўнградур «Аллоҳусамад».

122

Олиб эл кўнглинки, чектинг сарвдек озод қад,
Қайси кўнгли бирла чеккай оллинга шамшод қад.

Хўблар қадди қадинг оллида кўрсатмакча бор,
Сарви озод ўтрусида савсани озод қад.

Ғам юки остида қадим бўлди хам, имкони йўқ
Бесутуннинг остида туз асрамақ Фарҳод қад.

Хам бўлуб, кўнглум олурға келмакинг ул навъдур,
Ким қилурда сайд қушни хам қилур сайёд қад.

Эй мусулмонлар, нетиб ўрнида кўнглум тўхтасун,
Қилса ҳар дам жилва гар бир сарви ҳуризод қад.

Бўлмади тоатқа хам қаддинг йигитликда, не суд,
Ракъат эмдиким, букулмак айлади бунёд қад.

Эй Навоий, ҳусн элидин офият йўқ, то қилур
Ишвадин жавру жафо кўз, жилвадин бедод қад.

123

Жафода бор ул ой гардунға монанд,
Атоға ўйлаким хислатда фарзанд.

Тугатди қон ёшим жисм ичра қонни,
Қиличинг захми топмас эмди пайванд.

Итинг кўп, барча бағримдин тамаъкор,
Не тонг қилсам ани парканд-парканд.

Агар мен ошиқу девона эрсам,
Манга носиҳ доғи эрмас хирадманд.

Жаҳон аҳлида мутлақ чун вафо йўқ,
Хуш улким, бўлди бекасликка хурсанд.

Манга даврон оғу берди, анга нўш,
Мен этсам заҳрханд, айлар шакарханд.

Жунун бўлмиш Навоий, айланг озод,
Ки мажнунлуғда тортибдур, басе банд.

124

Лабинг лаълу хатинг, эй жон, зумуррад,
Бўлурму лаълға ҳарён зумуррад.

Эрур хаттинг хаёли кўнглунг ичра,
Начукким, тош аро пинҳон зумуррад.

Ғам эрмас не учунким ҳусни ортар,
Чиқарса сабзадин бўстон зумуррад.

Зумуррад топмақ эрди мушкил, эмди
Иликка киргуси осон зумуррад.

Зумуррад қадри бор оз эрса, лекин
Хуш эрмас беҳаду поён зумуррад.

Зумуррадқа юзунг кон бўлди, аммо
Фидо бўлсун анга юз кон зумуррад.

Магар ёқут янглиғдур муфарриҳ,
Ким айлар халқни хандон зумуррад.

Фалак юз неши заҳролуд тортар,
Ки қилмас сабзадин туғён зумуррад.

Навоий, сабза ичра ич майи лаъл,
Ки солмиш боғ аро даврон зумуррад.

125

Эй, сочинг занжирида ошуфтаю шайдо хирад,
Ул савод ичра топиб сармояи савдо хирад.

Гар жунун дафъиғадур занжир, кўргилким қилур
Ул салосил қайдида девоналиғ пайдо хирад.

Бўлди ишқ илгида андоққким, керак зору забун,
Айламак борди жунун аҳлиға истиғно хирад.

Асру расволиғларимни кўрмиш эрди ишқ аро,
Мен начук расво эдим, бўлмиш бу дам расво хирад.

Ишқ куйдурди хирадни, борди улким, дегамен,
Ким бу муҳлик варта ичра ё бўлай мен, ё хирад.

Гар хирад ҳам ишқ мағлубидурур мендек, валек
Ҳеч мушфиқ ғам емас аҳволима илло хирад.

Ишқ аро жониға етгандин, даме истаб фароғ,
Бизга тарғиб айлар эмди соғари саҳбо хирад.

Кир фано водийси ичра ишқ раъйи бирлаким,
Маету мабҳут ўлди анда зийраку доно, хирад.

Эй Навоий, ишқ аро ком истасанг, девона бўл,
Бу шарафни топмағунг, ҳамроҳинг ўлса то хирад.

126

Ваҳки, ҳам ҳушумни афзун қилмади афсуну панд,
Ҳам жунунимни кам айлай олмади занжиру банд.

Билки, сендиндур бори дардим не фикринг ҳолима,
Дардманд эл ҳолин ул билгайки, бўлғай дардманд.

Захмларким солди заҳролуд тиғинг жисмима,
Оғзин очиб ҳар бири, ҳолимға айлар заҳрханд.

Бўйнунга мушкин ипакдин, эйки, тумор осмишанг,
Қайда ҳолим билгасенким, бўйнума тақдинг каманд.

То кўнгул холинг хаёлидин бошингға эврулур,
Йўқ санга ҳожат ёмон кўз дафъиға ўту сипанд.

Чун фалак тоқидек охир бўлғусидур сарнигун,
Рифъатинг тоқин, не суд, этмак фалакча сарбаланд.

Эй Навоий, оби ҳайвондек лабидин уз умид,
Ким сочи зулмотидин ёпти анга мушкин паранд.

127

Йўлида жон бердим, ўтти кўрмайин жонон, не суд?
Кўрса ҳам, кўрмаска солиб, зоеъ ўлди жон, не суд?

Суд кўз туттум қарорған кўзга ул юз меҳридин.
Англағач, меҳри жамолин айлади пинҳон, не суд?

Бир табассумға лабидин жонни бердим суд учун,
Жоним олиб, лаъли онинг бўлмади хандон, не суд?

Зулфи савдосида нақди умр бердим, оҳким,
Етмади жонимға бу савдода жуз нуқсон, не суд?

Ўқларидин жавҳари пайкон кўнгулга суд эди,
Ҳар неким отти етишкач, ўттилар паррон, не суд?

Фоний ўл айлаб жаҳон суду зиёнин тарккким,
Не зиёндур мўътабар оламда, эй нодон, не суд?

Эй Навоий, дема жон бер, васлидин суд истасанг,
Юз туман жон берса, чунким васл эмас имкон, не суд?

128

Эй юзунг шамъию зулфунг дудидин тарки хирад,
Кўнглума субҳи азалдин қисм то шоми абад.

Дема, то жонинг жасадда бўлғуси, қилғум жафо,
Қайда қолмиш жон манга, чун заъфдин йўқтур жасад.

Мену кўюнг қайдаким, девона, балким девмен,
Ким малак хайлиға йўқ густох анинг тавфиға ҳад.

Гар бори ишқ аҳлин ўз кўнглунг учун қилдинг қабул,
Мен неча мардуд эсам, Тенгри учунким, қилма рад.

Хасталиғ кўрким, бўлур ҳар дам ҳаётим мунқатиъ,
Гар нафасқа дам-бадам чиқмаққа жон қилмас мадад.

Истасанг олам эли маҳсуди ўлмоқ, зинҳор
Ема юз оламча элга Тенгри бергандин ҳасад.

Эй Навоий, касб ойини фано қил, ўйлаким
Умрнинг миоди етканда керак бўлсанг муад.

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗАВИЛ ҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛИҒИ «ФАВОЙИД»ДИН

129

Ишқ амриға эрур кавну макон ичра нафоз,
Шоҳнинг ҳукмиға андоққи жаҳон ичра нафоз.

Ишқ аҳкоми кўзу кўнглум ародур жорий,
Ки қазо амриғадур баҳр ила кон ичра нафоз.

Ёр ҳар не деса, маъмур эрур ушшоқи,
Ки анинг сўзигадур жону жаҳон ичра нафоз.

Аҳли савдо эшитур ҳар не кўнгул десаки, бор
Шаҳна буйруғиға бозору дўкон ичра нафоз.

Қонима, амрини истарки, равон қилса рақиб,
Ки ажал ҳукмиғадур жону равон ичра нафоз.

Дайр пириға ҳақорат била кўз солмаки, бор
Амриға куфр элида яхши-ямон ичра нафоз.

Ишқ даргоҳида қул бўлди Навоийким, бор
Амру фармониға пайдову ниҳон ичра нафоз.

130

Тикибтур бошиға жонона таъвиз,
Керакким, тикса бу девона таъвиз.

Бошингға эврулуб садқанг бўлойин,
Ки бастур шамъға парвона таъвиз.

Қўп, эй роқийки, туморинг керакмас,
Нетай бўлса парий бегона, таъвиз.

Сенинг руқъангни чун бўйнумға остим,
Бу мажнунға керакмас ёна таъвиз.

Манга таъвиз ул ой қиссаси, бас,
Эрур ошиққа ул афсона таъвиз.

Жунунум дафъиға баским ёзилмиш,
Тўладур гўшаи вайрона таъвиз.

Навоий айши ҳифзиға не етмас,
Хати соғар била паймона таъвиз.

131

Бўла олса лабинг оллида Масиҳо тилмиз,
Янги бошдин яна топқай эди иҳё тилмиз.

Бўлса Фарҳод ила Мажнун, не ажаб, шогирдим,
Истасам ишқу жунунда мени шайдо тилмиз.

Шўхлуғ мактабида сендин этиб касб атфол,
Айламаслар бири устодға асло тилмиз.

Ишқ таълимгоҳидин кўнгул истар махлас,
Қилғай озодлиғ андоққи таманно тилмиз.

Кўзунг офат аро устод, вале холу хатинг
Давр уруб оллида ўргангали яғмо тилмиз.

Мактаби ишқ аро мен телбарадим, демангким,
Мисли Мажнун яна бир бўлмади пайдо тилмиз.

Ишқ зиндонида ғам шоми Навоий унидур,
Қилса кеч ўйлаки мактаб аро ғавғо тилмиз.

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТОХЕЗИ «ФАВОЙИД»ДИН

132

Қариға гарчи сабукруҳлуғ фаровондур,
Вале йигитлар аро чун кирар, гаронжондур.

Шабобнинг ҳавасидин сақолни ранг этма,
Оқорса сабза, кўкармак яна не имкондур.

Қари, йигитлар ишин чун қилур, эрур мабҳут,
Йигит қарилар ишин пеша қилса, нодондур.

Асо юрурга мададдур, вале асо аҳли
Чу найза тутти, ҳамул йўл юрурга нуқсондур.

Чу қад эгилди, асо бирла доғи бўлмас туз,
Эшитса туз, анга бир кунжи байтул аҳзондур.

Чуқурға тушти чу кўз, гўйиё қавий заъфин,
Назар қилур уятидин чуқурға пинҳондур.

Дариғким, қаридим зуҳду фақр лофи била,
Вале ишим ёшурун барча журму исёндур.

Худой учун қилинг, эй порсо йигитлар, шукр,
Ки сизга журму гунаҳдин Худо нигаҳбондур.

Йигит била қариға зуҳд бирла исёнда,
Йўқ ихтиёр мунга қаҳр, анга не эҳсондур.

Йигитлигида киши қилмаса итоати амр,
Не суд чун қариди, нечаким пушаймондур.

Навоиё, ема ғам, не учунки, баҳри карам
Чу урди мавж, бориға умиди ғуфрондур.

133

Эрур ҳамиша хазон баргидек бошимда шарор,
Сенга не ғамки, бошинг узрадур ҳамишабаҳор.

Яна нетиб киши қолғай тирикки, чиқтинг мает,
Этакни санчибу ошуфта чирмабон дастор.

Таним чуқур-чуқур ўлмиш, бори бўлуб тўла қон,
Нединки тишлаб-тишлаб қилибмен ани афгор.

Ғубор ичинда қуёш тонг эмас, бу тонгдурким,
Кўрунди юзу хатингдин қуёш ичинда ғубор.

Чу дайр хизматин ортуғроқ айларам, не ажаб
Белимга муғбача зулфайнидин ики зуннор.

Чу софи айш ила қаср ичра бордурур юз бийм,
Хушо, фароғат ила дурду кулбаи хаммор.

Навоиё, тилар эрсанг замоне осойиш,
Замона фикрига кўнглунгни қўймағин зинҳор.

134

Қонима ҳар дам кўзунгнинг ўзгача ангези бор,
Ким анинг мужгони бирла ғамзаи хунрези бор.

Лаъли ёди қонға ашким рангини айлар бадал,
Аллоҳ-Аллоҳ, не ажойиб лаъли рангомези бор!

Ишқ бошимни кесиб, йўл топқай ул ой кўйида,
Не учунким, итлари оллида дастовези бор.

Ҳажр шоми, қил тамошоким, жамолинг шавқидин
Нотавон кўнглумнинг ўтлуғ оҳидин гулрези бор.

Найлаб ул кўздин бўлай эминки, бемор эрса ҳам,
Офият аҳлиға раҳм ойинидин парҳези бор.

Боғ аро гул сочти ноз уйқусидин ул сарв уза,
Тонг насимининг магар парвезани гулбези бор.

Чарх чун бемеҳрдур, Парвездек қонинг тўкар,
Меҳрнингким, шоми сиймин наълдек Шабдези бор.

Боғи даврон гуллари чун бевафодур, тонг эмас,
Кеча гар тонг қушларининг нолаи шабхези бор.

Айб кўп қилма Навоий кўзлари шўробасин,
Кўрки, ул ойнинг не янглиғ лаъли шўрангези бор.

135

Ғариблиғда, деманким, ғаму малолати бор,
Ки сендин айру кўнгулнинг ғариб ҳолати бор.

Кўнгул иложини қил, эй қуёш, висол илаким,
Масиҳ дам ура олмас киби малолати бор.

Кўнгул жунунда тилин ақл элини фаҳм эткай,
Ки дарду шавқ каломи била мақолати бор.

Фироқинг илгида чун ўлмадим, бошим қуйидур,
Бу шева зоҳир этар, кимсаким хижолати бор.

Кўнгул жафосидин обод эрурки, бўлди тузук
Ҳарими мулк, агар шоҳнинг адолати бор.

Кетурда лаълинга жоним паёмини, эй гул,
Эшитки, пайки сабонинг ажаб рисолати бор.

Фироқ аҳли чу ғамдин халос эмас туну кун,
Мудом ичарга бу аҳволнинг далолати бор.

Висол руқъаси етмас манга, хуш ул навмид,
Ки қосиди қўлида хатти истимолати бор.

Навоий, истасанг ўзлукни рафъ, мажнун бўл,
Ки ақл пирини кўрдум — басе жаҳолати бор.

136

Гўйиё кўнглум тахайюл мулкининг султонидур,
Ким хаёл ичра қилур ҳар айшким имконидур.

Ҳуснию ишқим камол ичра яқиндурларки, бор:
Ул менинг ҳайрониму олам анинг ҳайронидур.

Тутмамиш рангин булут кўкники, оламни тутуб,
Акс кўк миръотиға солған сиришким қонидур.

Сарсару тўфон етар, эй халқ, ўлунг огоҳким,
Оҳу ашкимнинг бу оқшом ҳажрдин туғёнидур.

Чуғз бўлмиш ганжи васлинг шавқидин кўнглум қуши,
Захми кўп кўнглум уйи ул чуғзнинг вайронидур.

Ҳуснға чун йўқ вафо, бас тут вафони муғтанам,
Неча кун, эйким, санга маҳбублуғ давронидур.

Ишқ даштида Навоийдур, қуюн қилманг гумон,
Ким тани хоки била бир шўх саргардонидур.

137

Васлдин чун мултафит кўпроқ бўлур фурқатда ёр,
Тарки васл айлаб қилинг, аҳбоб, фурқат ихтиёр.

Дема, кўнглунг бўлдиму тарк айламак ёру ватан,
Не кўнгулни тарк қилмоқ, не ватан, ваҳ, қайси ёр?

Топмадим бар нечаким меҳру вафо туфроғида,
Дона сочтим ашкдин, кирпик била айлаб шиёр.

Сиймгун ашк ўлмоқ олтундек юз узра не осиғ,
Жисм ҳижрон кўрасида бўлмайин холис иёр.

Кимки, олам халқи бирла ошнолиғ қилмади,
Ани де фархунда ахтар, муни билгил бахтиёр.

Сўз диёру ёрдин сўрмонгки, ҳижрон даштида
Қолғали бекас унут бўлмиш манга ёру диёр

Ҳолини найлаб ниҳон тутсун Навоий хастаким,
Тийса ашкин оҳ урар, йиғлар агар оҳин тиёр.

138

Парвона қаноти ароким доғ ила қондур,
Ҳажр ўтию ғам ярасидин икки нишондур.

Сариғ, қизил алвон била хилъатларинг, эй гул,
Раънолиғ эрур, улки либосингда аёндур.

Ул кўз қароси ҳайъати мажруҳ кўнгулда,
Ҳижрон ўтидин икки янги доғи ниҳондур.

Кўнглумники парголалар этти ғами ҳажринг,
Лола варақидек борида доғ ила қондур.

Лаълингдин агар қатрае қон қилса тарашшух,
Туфроққа томизмоки, анинг туфроғи жондур.

Бу гулшан аро бўйи вафо етмади гулдин
Булбулғаки, минг навҳа била даъби фиғондур.

Шавқ ўтиға ёнмоққа ўзин урди Навоий,
Қовдунг, келу лутф айлабон ул телбани ёндур.

139

То бузуғ кўнглум аро зулфунг хаёли айланур,
Аждаҳоедурки, бир вайрона ичра тўлғанур.

Аҳли дард оҳу фиғонидур, эмас кўсу нафир,
Сайр учун ул хўблар шоҳи қачонким отланур.

Гар танимда доғлардур, ваҳ, не тонг тошида доғ,
Нотавонеким, ичи ҳижрон ўтидин ўртанур.

Ҳар шарарким, ўтлуғ оҳимдин борур гардун сари,
Аҳли ишқ арвоҳи ўртонмакни андин ўрганур.

Равшан этмас базмни ҳусн аҳли сендек, ким этар
Даҳр ёрутмоғни гар анжум қуёшқа ўтканур.

Чун бу гулшан бевафодур, жом давриға тўкар,
Неча пора сиймким, умрида наргис қозғанур.

Андоқ уйқуға Навоий борди ҳижрон шомиким,
Яхшидур гар ҳашр ғавғосида доғи уйғанур.

140

Тешилди хаста кўнгул, ишқ тиғи эткач зўр,
Кирар анга қаро қайғу сипоҳи ўйлаки мўр.

Юзи кўзумдаю ғойибмен андин, айлама айб,
Сиришкининг суйи рангин не навъ билсун кўр.

Лабинг хаёлида шўроба тўксам, андин эрур,
Ки бар чучук берур ул ердаким, су бўлғай шўр.

Ажаб эмас ишимиз дайр аро гадолиғ эса,
Нединки, муғбачалар қилди бизни муфлису ўр.

Агарчи маҳвашим рустойиойиндур,
Валек шаҳру вилоятқа солди ғорати ғўр.

Бу дашт сатҳида жоми Жам ичра кўп боқтим,
Қадаҳ кетурки, не Баҳром зоҳир ўлди, не гўр.

Навоий айтса абёт ул ой меҳринда,
Керакки нағмаси бўлса баётию моҳур.

141

Итларинг хайли мени ўлди гумон айладилар,
Ки бошимда кеча то субҳ фиғон айладилар.

Қатлима хат ёзиб афлоку нигин анжум ўлуб,
Юз туман ерда бу маҳзарни нишон айладилар.

Не бало эркин ул ойким, кўзу қошин афлок
Фитнаи оламу ошуби жаҳон айладилар.

Ишқ савдоси жаҳон ичра ёйилди, гарчи
Они савдозада кўнглумда ниҳон айладилар.

Махласим йўқ тирик андин, не қилай, эй асҳоб,
Дард ила ишқи чу кўнглумни макон айладилар.

Ишқ човушлари юз қофилани ҳар лаҳза,
Кўйидин мулки фано сори равон айладилар.

Кўйида эрди Навоию кўрунмас эмди,
Ишқ ила дард ани, билмонки, қаён айладилар.

142

Ваҳки, савдо даштида қилди мени девона ҳажр,
Бир пари ишқида ҳолим шаҳр аро афсона ҳажр.

Орзудинким кириб кулбамға, тутқай бир қадаҳ,
Туну кун ҳамкоса фурқатдур манга, ҳамхона ҳажр.

Ул бузуғлуғларки еткурди, бир-икисин эшит:
Қилди вайроним йиқиб, кўнглум уйи вайрона ҳажр.

Тонимасмен дема элниким, тааддий бошлағач,
Ошнолардин бурун қилди мени бегона ҳажр.

Шарт қилдим: васл топсам, келса гар юз минг бало
Тортайин, аммо қабул этмай чекарга ёна ҳажр.

Ҳажр аро ҳар неча сочтим ашки ҳасрат берди бар,
Не самар бергай, чу бир мазраъда сочқай дона ҳажр.

Эй Навоий, ҳар кишиким истагай албатта васл,
Тортибон юз минг бало, чекмак керак мардона ҳажр.

143

Ул малаксиймоки, ҳусн ичра парий монандидур,
Ҳури жаннатдурму ёхуд одамий фарзандидур?

Эйки, гаҳ-гоҳи кўрарсиз они, ношукр ўлмангиз,
Вой, ул маҳзунки ёд этмак била хурсандидур.

Зоғлар кўйида кўнглумни чўқушуб уздилар,
Тумшуғ эрмас, ҳар бири оғзида бир паркандидур.

Кўнглима жон риштаси, ё ҳажр тори чирмашиб,
Қайд солди, ё сенинг занжири зулфунг бандидур.

Ул Масиҳодин нетиб фориғ бўлайким, ҳар нафас
Ҳажр тиғидин кўнгул юз қатла ҳожатмандидур.

Раҳни хирқамким, тўшабтурлар ани майхонада,
Гўйиё ҳар ён ёпушқан дурдлар пайвандидур.

Эй Навоий, кўнглума манъи жунун кўп қилмаким,
Ани Мажнун айлаган аҳли насиҳат пандидур.

144

Васлидин навмид экан чоғда фироқи куйдурур,
Чунки бўлди васл уммиди, иштиёқи куйдурур.

Турғани бирла бир оташпорадур ул шўхким,
Йўқу боримни анинг бошдин аёқи куйдурур.

Оташин сероб лаъли жонға ўт солса, не тонг,
Ким мени ул ўт била су иттифоқи куйдурур.

Холин ул юз ўртамишким, фитнадур даврон аро,
Ким жаҳон аҳлин жаҳоннинг эҳтироқи куйдурур.

Базм аро куймакдин ўзга йўқ насибим ўзгаким,
Хоҳи гулгун бода, хоҳ ул турфа соқий куйдурур.

Ишқ бир ўтдурки, кўнглумдур анга оташкада,
Ул висоқин куйдурур, бизни висоқи куйдурур.

Солмоқ ўт барлосу тархон орази не судким,
Бизни куйган чеҳра бирла бир ясоқи куйдурур.

Куйдурурга элни ҳам гоҳе қилурлар иттифоқ,
Йўққи, ёлғуз олам аҳлининг нифоқи куйдурур.

Эй Навоий, ошиқ ўлдинг, билки, олам мулкини
Ишқ этиб торож, ҳар не қолса боқий, куйдурур.

145

Сафарда, ваҳки, мендин айру бир ғойиб мусофирдур,
Ки кўздин гарчи ғойибдур, вале кўнглумда ҳозирдур.

Тилаб мушкин ғизолимни кўнгул, девоналар янглиғ,
Ҳамиша тоғу дашт ичра кийиклар бирла сойирдур.

Агар худ барча бир кундур, не мумтад ҳажр экан, ё Раб,
Ки минг йил шиддатин шарҳ этса тил васфида қосирдур.

Фидо руҳум қуши ул чуғзғаким, эски қабримда
Эрур ҳам навҳагар андуҳ бирла, ҳам мужовирдур.

Ажал гар қатл таълимин келиб олса фироқингдин,
Не тонг бу ишда бор ул мубтади, лекин бу моҳирдур.

Хато йўқ новаки қатл отса ҳажринг жонғаким, ҳам бу
Дуо бирла тилар Ҳақдин ҳамул шастиға қодирдур.

Не тонг ҳар зарра оллинда ер ўпмак айласам зоҳир,
Ки дилбар орази хуршидиға ашё музоҳирдур.

Кетур, соқий, анингдек майки, кул қилғай вужудумни,
Ки ўзлук пардаси матлуб рухсориға сотирдур.

Ёқинг, аҳбоб, марҳам васлидин, йўқ эрса, боринғким,
Навоий ҳажр нешидин басе озурда хотирдур.

146

Войки, бағрим ёна ҳажр ўқидин ёрадур,
Ҳар нафас ул ёрадин жон ўзидин борадур.

Жонима офат лаби ҳажри бало, оҳким,
Бахтима бир ҳукми бор лаълу гар хорадур.

Дард сипеҳри таним турғону ўткан ўқунг,
Ламъаи пайкон била собиту сайёрадур.

Кўйида топмақ сени мумкин эмас, эй кўнгул,
Анда чу сен телбадек юз туман оворадур.

Чарх арусиға йўқ, гарчи ёмонлиғ шиор,
Ақдиға майл этмаким, шоҳиди бадкорадур.

Вўсмаси қавси қузаҳ, ғозаси гулгун шафақ,
Зулфу юзи туну кун, кўрки, не маккорадур.

Ишқ ажаб дард эмиш, дардқадур чора сабр,
Ваҳки, Навоий басе ошиқу бечорадур.

147

Ишқ доғидин нишон қолғандин, эл жоним олур,
Юса кетмас, тиғ ила йўнсам, нишон кўпрак қолур.

Ваҳ, не ҳолатдурки, қошу кўзини кўргач қаро,
Ақлу жоним соврулур, сабру шикибим қўзғалур.

Қоши ҳажрида янги ой заврақининг хавфи бор,
Сарсари оҳим била чун баҳри ашким чайқалур.

Кўк шабистони қизил гуллар очар, чун қон ёшим
Аксини ғам шоми анжум кўзгуси ичра солур.

Бода тут нақди ҳаётимни олиб, эй муғбача,
Жон топай бир лаҳза чун бу нақд охир сийғалур.

Фақр водийсида чун урдунг қадам, ўзлукни сол:
Йўл узундур, бу оғир юкни кўтарган товшалур.

Эй Навоий, то тириксен, тортқунг элдин жафо,
Совуғач ҳангомаи ишқинг, бу ғавғо тарқалур.

148

Биров тиғи фироқи, ваҳ, яна кўксумни чок айлар,
Ки ҳам захми, ҳам ихфоси, ҳам изҳори ҳалок айлар.

Магар истар итига туъма кўнглум бирла бағримдин
Бирин паргола-паргола, бирисин чок-чок айлар.

Не муҳлик дард эрур кўнглумдаким, афғонима ҳар ким,
Ки йиғлар, ишқ анинг ҳам фиғонин дарднок айлар.

Ажаб йўқ ишқи бебок илгида мендек асир ўлмоқ
Кишиким, ишқ кўйи азмини беваҳму бок айлар.

Ажаб йўқ васл хайли тушкали тартиб этар манзил,
Гар ашку оҳ ўти элнинг кўзу кўнглини пок айлар.

Менинг бошим кесакча ҳам кўрунмас рахши оллинда,
Бировким, тавсани тож аҳлининг бошини хок айлар.

Кўнгул боғида дарду ғам ниҳолин эккали гўё,
Қазо деҳқони ҳар ён ўқи захмидин мағок айлар.

Хушо улким, хазон фасли майи ол ичса боғ ичра,
Қадаҳ сарпўши ҳинолиғ иликдек барги ток айлар.

Бир аҳли ишқни ёри ҳалок айлаб Навоийни,
Бу янглиғ ёрсиз жон миннатин чекмак ҳалок айлар.

149

Эй кўнгул, душманлар онча макр ила фан қилдилар
Ким, вафолиғ дўстни жонимға душман қилдилар.

Дуд бошимдин чиқар, гўёки ҳижрон тошидин
Ёғдуруб ҳар ён, бу гунбад узра равзан қилдилар.

Бошима жўлида соч эрмаски, зоғ айлаб ғулу,
Захмлардин туъма истарга нишиман қилдилар.

Ҳажри шомидин осиб гардун қаро киз бўйниға,
Субҳ чок айлаб яқо ҳолимға шеван қилдилар.

Ўчмиш эрди ишқ ўти, хасдек танимни дарду шавқ
Куйдуруб, гўё бу туфроқ бирла равшан қилдилар.

Бода тутким, аҳли ҳикмат чарх бемеҳр эрканин
Жом даври хатлари бирла мубарҳан қилдилар.

Эй Навоий, Каъба тут ё дайрким, аҳли жаҳон
Журму ғамдин бу ики манзилни маъман қилдилар.

150

Қаю тарафки қуёш янглиғ ул нигор борур,
Сўнгинча соя масаллик бу хоксор борур.

Дема нужумки, кўк тирлар оҳим ўтидин,
Ки шоми ғам анга кўп шуълаю шарор борур.

Куларда риштаи дурдек тишин кўруб, ашким
Тизилган инижу масаллик тузуб қатор борур.

Фиғонни забт қилурмен, валек ул қотил
Чу жилва айлади, илгимдин ихтиёр борур.

Ичимда юз бошоғ, эй гул, не айб ингрансам,
Алам топар, тобониға анингки, хор борур.

Бу гулистон аро булбулға раҳм қил, эй гул,
Ки ҳай дегунча хазон юзланиб, баҳор борур.

Навоий ўлса, едик кўйи итлари сўнгакин,
Рақиб қилма гумонким, десангки бор борур.

151

Мену фурқат айёмию зорлиғлар,
Ҳар ақшом тонг отқунча бедорлиғлар.

Бало хайликим ёғдуруб тошу новак,
Тану жонима андин афгорлиғлар.

Ғаму дард зиндони ичра кўнгулга
Тушуб ўтлош-ўтлош гирифторлиғлар.

Гаҳи ёрсизлиғлар айлаб ҳалоким,
Гаҳи дарду ғам кўргузуб ёрлиғлар.

Мени, соқиё, ҳажр даврида мает эт,
Ки ёқмас мизожимға ҳушёрлиғлар.

Фано даштида ташла ўзлук юкинким,
Керакликтур анда сабукборлиғлар.

Навоий, баҳор ўлди, тавбангни синдур,
Ки хуштур бу фасл ичра хумморлиғлар.

152

Онча кўнглумни жунуну ишқ яғмо қилдилар,
Ким мени девонани оламға расво қилдилар.

Халқ баъзи кулди, баъзи ибрат олиб йиғлади,
Ҳар қачон муфрит жунунимни тамошо қилдилар.

Ғамзаси ҳар дамки қон тўкмакка хуни истади,
Кўзлари мен қони тўлған сори имо қилдилар.

Мен гадо ким, васли ким?! Чун кўрдилар юз тиғи қатл,
Шаҳлар ониким, хаёл ичра таманно қилдилар.

Кўйига киргач мени мунглуғ, ҳужум этти рақиб,
Ўйлаким, итлар гадо кўрганда ғавғо қилдилар.

Мен чу асрай олмадим сирримни, найлаб айб этай,
Душманойин дўстлар гар ошкоро қилдилар.

Ваҳ, не зулм эрдики, ўзга сори солдинг тиғи зулм,
Ҳар нечаким, жон била кўнглум тавалло қилдилар

Бода ичким, ғуссадин фард ўлдилар ул хайлким,
Бу кўҳан дайр ичра майли жоми саҳбо қилдилар.

Эй Навоий, бергил ўзлук нақдину касб эт фано,
Ким алар суд айладиларким, бу савдо қилдилар.

153

Ғам туни икки кўзумгаким қуёше эврулур,
Ламъасидин ҳар бирига ғусса ёши эврулур.

Ҳажр водисинда саргардонмен андоққим қуюн,
Ҳамқадам бўлса манга бир лаҳза, боши эврулур.

Истагунча бода ичдик заҳр даврон базмида,
Кимки қон ютмоқ била анинг маоши эврулур.

Шуълаи васл ичра куйса тонг йўқ улким, ёрининг
Бошиға парвона янглиғ бетаҳоши эврулур.

Расм эрур пайваста ёнинг бўлмағи қурбон аро,
Тонг эмас гар чоклик кўнглумда қоши эврулур.

Файз иродатдин етар, парвоз этиб ул ер тутар,
Чун Набии сори хаёл ичра Нажоший эврулур.

Эй Навоий, ўз қуёшим бошиға эврулмагим
Яхшироққим, бошима гардун қуёши эврулур.

154

Биров ғами яна кўнглумга қўзғолон соладур,
Биров демайки, бу ошубни фалон соладур.

Неча яқин бўладур ул оғиз йўқи, лекин
Такаллуми яна кўнглум аро гумон соладур.

Таажжуб айламангиз дафъа-дафъа фарёдим,
Ки шавқ кўнглума ёдин замон-замон соладур.

Рафиқлар, билингизким, мусофирим ёди
Бошимға ҳар нафасе тарки хонумон соладур.

Десам, шикиб била ўзни забт айлай, ишқ
Яна бу шуълани кўнглумга ногаҳон соладур.

Не навъ булбули зор этмасун фиғонки, сипеҳр
Бу гулшан ичра, баҳор ўлмайин, хазон соладур.

Навоий ўлса кўҳан пиру куйса, айб этманг,
Ки мундоқ ўт анга бир шўхи навжувон соладур.

155

Не парийдурким, хирад асҳобини мажнун этар,
Ҳусни ҳар соат кўнгул ҳолини дигаргун этар.

Майға машғул айларам ўзни, вале кўнглум яна,
Ким ул ой васлини ёд айлар, мени маҳзун этар.

Ғам юки кўнглумга ҳар соат қўяр кўҳи бало,
Гарчи ашким сели ҳар дам тоғни ҳомун этар.

Панд ила ишқимға ҳар ким, десаким, таскин берай,
Оҳким, бу ўтни дам бирла яна афзун этар.

Жоми ваҳдат нўш этар, эй шайх, муғ дайри аро,
Бодаға улким риёий хирқасин марҳун этар.

Дайр пири озу нофиъ нукта дер, воиз, не суд,
Гар даме афсона айтур, лаҳзае афсун этар.

Эй Навоий, шоҳ Ғозий гавҳари назминг билур,
Ким фидо ҳар лафзиға кўздин дурри макнун этар.

156

Не нахл қомат экинким, кўнгул хароби эрур,
Не турраким, қаро жонимда печу тоби эрур.

Деди кўзи: Сени бир ғамзада ҳалок айлай,
Ҳануз ғамзада кўнглумда изтироби эрур.

Фироқ шомики, аҳли хирад берур пандим,
Магарки, дўзах улу бу анинг азоби эрур,

Жамолдин ғараз ул чеҳрадур, бу турфа варақ
Магарки, ҳусн китобининг интихоби эрур.

Танимда юз алифу юз тугандин ўлған сифр,
Магар кўнгул аламу ранжининг ҳисоби эрур.

Сабо насими анингдек эсар чамандинким,
Дегайсен, аҳли вафо умрининг шитоби эрур.

Навоий ўлдию жон топти лаългун майдин,
Магарки, соқийи гулчеҳра лаъли ноби эрур.

157

Ҳар неча еткурса ул шўхи ситамгар интизор,
Найлагумдур тортмай мен зори музтар интизор.

Ваҳ, не тун эрди буким, келгай деб ул шамъи чигил,
Шомдин то субҳ тортармен саросар интизор.

Жон тилар бўлса, равон берай кўнгулким, бу матоъ
Арзимас тортар учун ул ҳур пайкар интизор.

Жавру лутфи ҳар не келса шодменким, йўқтурур
Ихтиёрим, ёрдин гар ком эрўр, гар интизор.

Ҳар кун ул ой интизоридин куюбмен ончаким,
Боқса, бир ҳижрон тунича бор экин ҳар интизор

Ул қуёшнинг томи даври етса хуштур субҳи васл,
Берса ҳам бир йилча тун чархи мудаввар интизор.

Соқиё, ҳижрон хумори лолу мадҳуш айламиш,
Бермагайсен бизга етса даври соғар интизор.

Ваъда қилдингким, келай қатлингға, ваҳ, лутф айлаким,
Асру кўп чекти бу жони ғуссапарвар интизор.

Эй Навоий, чун сабукашсен, қадам ур тезким,
Риндларни қилмасун ногаҳ мукаддар интизор.

158

Кўзумга ўқи гардидин зиёдур,
Магар ўқ милу гарди тўтиёдур.

Борурда кўйига йўқ ихтиёрим,
Мени ҳар нечаким кўнглум тиёдур.

Кўнгул ишқ ўти ичра бўлди холис,
Магар бу қалбға ул кимёдур.

Кўнгул сайдини маҳрум этмагайким,
Анинг мужгони новак, қоши ёдур.

Нечук шаҳни қилай меҳмон, мангаким
Гадолик кунжида бир бўрёдур.

Мену муғ дайрининг пириға қуллуқ,
Ки шайхи шаҳр иши рўю риёдур.

Сену Кавсарки дайр ичра Навоий,
Бу давлатқа мушарраф ҳолиёдур.

159

Руҳ гулзорида, ё Раб, ул не сарви ноздур,
Ким равонбахш ирнига Руҳул Қудус ҳамроздур.

Аллоҳ-Аллоҳ, не латофаттурки, кирдим боғ аро,
Сарви мингдин кўптурур, лекин бир андоқ оздур.

Ул парий ишқида ғолиб бўлди руҳониятим,
Ким анингдек ҳам анинг сори ишим парвоздур.

Эрди жон бермак Масиҳ анфоси, буким, юз Масиҳ,
Жон топар анфосидин — бас бул-ажаб эъжоздур.

Ишқини найлаб ниҳон асрайки, хуни ғамзаси
Дам-бадам хунобаи ашким киби ғаммоздур.

То не бўлғай ишқим анжомики, жоним қолмади,
Шавқидин бу дамки ишқим давриға оғоздур.

Гул висоли бир неча кун беш эмас, эй андалиб,
Йўқса андин бенавосен, қишдурур гар ёздур.

Даҳр боғининг гулида йўқ вафо, бу турфаким,
Сарзанишқа хори юз минг тил билан танноздур.

Бўлди гулшан қушлари хомуш ноланг ҳузнидин,
Эй Навоий, бу не гулбонгу ҳазин овоздур.

160

Юзунг равшан, энгинг ҳам равшан, эй ҳур,
Аларнинг шаънида нурун ало нур.

Ики қотил кўзунг бемориенким,
Эрурлар айни усруклукда махмур.

Чу бўлди жаври бемиқдор, дерлар:
Кеч андин, ваҳ, манга бу иш не мақдур.

Анинг ҳуснича ишқим тутти шуҳрат,
Ки бўлди шамъича парвона машҳур.

Не тонг бийм ўлса ишқингдин кўнгулга,
Ки бор ўтдин ҳаросон табъи маҳрур.

Хирадқа бизни тарғиб этма, эй шайх,
Бу ишдин тут жунун аҳлини маъзур.

Висол эт элга қисм, эй чарх, баским,
Навоий маҳвашидин бўлди маҳжур.

161

Сўзи ҳажринг ичра жисми зори ғамнок ўртанур,
Ўйлаким, барқи бало чоқилса, хошок ўртанур.

Ғам туни ул ҳусн шамъи бошиға парвонадек,
Эврулуб ҳар лаҳза бу жони ҳаваснок ўртанур.

Куйди кўнглум истабон ишқин фидоилиғ била,
Кимса ўт узра нечаким борса бебок, ўртанур.

Субҳидам гулгун булут ё шом ҳам гулгун шафақ,
Ё ул ой ҳижронида ҳолимға афлок ўртанур.

Ишқ кўнглумга тушуб, нобуд бўлди руҳу нафс,
Ўт чу бир кишварга тушти — поку нопок ўртанур.

Чустлуқ бирла қутулмоқ ишқидин мумкин эмас,
Неча бўлса шуълада парвона чолок, ўртанур.

Эй Навоий, ул қуёш ҳуснини фаҳм эттим дема,
Ким анинг даркида хайли ҳиссу идрок ўртанур.

162

Қайда топқай телба кўнглум ул қаро кўздин хабар,
Чун жунун ичра қарориб, топмас ул ўздин хабар.

Дайр тоқи ичра усрук бил хабарсиз кофире,
Эйки билмак истадинг ул қош ила кўздин хабар.

Кўйида кўнглумга воқиъ бўлған ишни, эй рафиқ,
Ҳам магар фаҳм айлагайсен эл аро сўздин хабар.

Фаҳм этармен ашқдин ҳижрон тариқин, ўйлаким,
Кеча озған топса йўл ҳолини юлдуздин хабар.

Ишқ дашти ичра жисмим туфроғин совурди оҳ,
Ҳеч ким бориб вале тутмади ул туздин хабар.

Водийи ҳижрон аро мен бекас иттим, сўрмади
Ҳеч ёре ул тараф бориб, бу ёлғуздин хабар.

Топмадим бурқаъда ул юздин хабар, гар пардада,
Эй Навоий, ёр топти мен киби юздин хабар.

163

Ойтмон кўзу кўнгул матлуби кўюнг боғидур,
Бу бирига хори, ул бирга ғараз туфроғидур.

Қоши ҳажринда янги ой шаклидин фурқат туни,
Кўнглум афгор эткали гўё фалак тирноғидур.

Сарвиға тортиб қабо, чеккан қуёшқа соябон,
Чобуким бўйида ширдоғ, бошида қалпоғидур.

Демаким: бўлдунг қарию, ўтти даври ишқким,
То тириктурмен менга ишқу муҳаббат чоғидур.

Билгурур парвонанинг болида ҳумрат бирла хол,
Ўйлаким, кўнглумда ҳасрат қони, фурқат доғидур.

Даҳр гулзори аро ҳасрат елидин ҳар тараф
Томди булбул кўнгли қони, дема гул яфроғидур.

Эй Навоий, кўнглум олиб итларига ташласа,
Кўнгул — онинг, барча мақсудум — кўнгул олмоғидур.

164

Назарға қайси тарафдинки бир ғубор келур,
Кўзум ёрур бу таманно билаки, ёр келур.

Чу кўчадин қулоғим дубдурун эшитса кўнгул
Дукулдар, ўйлаки ул нозанин савор келур.

Боқар ёна сари кўрмаска солибон ул шўх,
Қошида қай саридинким бу беқарор келур.

Қочинглар, аҳли саломатки, кофири масте
Чиқарғали хираду сабрдин дамор келур.

Кўруб, бўлурлар ошуфта рўзгор аҳли,
Қаю тарафки бу ошуфта рўзгор келур.

Буким бир-бирн кейнича бордилар аҳбоб,
Азолариға сиришким тузуб қатор келур.

Навоиё, қаламинг жавфи баҳр йўлимудур,
Ки турмайин ичидин дурри шоҳвор келур.

165

Белию оғзи кўрар-кўрмасда чун пинҳон эрур,
Бас муни қучмақ, ани ўпмак қачон имкон эрур?

Мен доғи дей белину оғзинки кўрдум- кўрмадим
Йўқ таманноларни топқан-топмаған яксон эрур.

Бевафолар қадду мужгонини кўп қилманг хаёл,
Ким бири туз ўқдурур, бу бир итик пайкон эрур.

Ишвагарлар лаъблари қасдиға жондин кечмангиз,
Негаким ўз қасди жони қилған эл нодон эрур.

Туну кун деб истаманг ҳар лаҳза зулфу юзларин,
Ким бу бир доми бало, ул шуълаи ҳижрон эрур.

Нўш эмасдур даҳр базмида, газакким нешдур,
Май демаким, соғари ҳижрон ичинда қон эрур.

Эй Навоий, бу ғариб ишларки, таклиф айладинг,
Бизгадур бисёр мушкил, гар санга осон эрур.

166

Ҳуш чун май базми ичра дилситонимдин кетар,
Тоб жисмимдин, ҳаёт озурда жонимдин кетар.

Базмдин усрук чиқибким, отланур олуфтавор,
Ҳуш бошимдин, хирад ваҳму гумонимдин кетар.

Тунд маркаб узра жисми ҳар тарафким бўлса хам,
Тенг бўлуб хам тоби жисми нотавонимдин кетар.

Мастлиғдин ҳар кишига чопса маркаб хайфишон,
Ғайратидин ашк чашми хунфишонимдин кетар.

Уйга еткунча етар юз қатла жоним оғзима,
Чун уюр ранжу алам руҳи равонимдин кетар.

Саъб иш эрмиш ишқ, ё Раб, ё менинг жонимни ол,
Йўқса, бу бебоклик номеҳрибонимдин кетар.

Эй Навоий, жонима еттим кўнгул афғонидин,
Ёним эткил чоку ул мажнунни ёнимдин кетар.

167

Боғ атри чу насими гулу шамшод берур,
Ёрнинг гул юзу шамшод қадин ёд берур.

Борса Парвез бори ҳашмати елга не ажаб,
Жони ширинни чекиб оҳки, Фарҳод берур.

Жилва қилди қаддингу наргису гул бўлди тонуқ,
Анга қуллуқ хатиким савсани озод берур.

Кўрмаган бўлса юзунг мусҳафини тифли чаман,
Нега гул дафтари авроқини барбод берур.

Эй ажал, сун бўюн ғамзағаким, бош чекмас
Ҳар не таълимки шогирдға устод берур.

Қилма бедод бурунроққи кетургайлар юз,
Ангаким, зулмкаш эл чекса фиғон дод берур.

Тиғи девона Навоийни не ғам қатл этса,
Чун анга жон яна ул ҳури паризод берур.

168

Шуълаи рухсориға кўнглум қуши айлонадур,
Тонг эмас, гул шамъиға булбул агар парвонадур.

Булғаниб кулга, яқосин чок этар ҳар субҳ чарх
Бир қуёш ишқида гўё мен киби девонадур.

Йиғлар аҳволимға ҳам бегонаю ҳам ошно,
То улусқа ошно, ул ой манга бегонадур.

Эйки, сўрдунг ҳажр зиндони балийят чоҳини,
Хайра мақдам, келки, сен сўрған бизинг кошонадур.

Кирпик узра қатраларким топти бу кўз мардуми,
Мазраъи дард узра гўё ул экин, бу донадур.

Зор жисмимда сўнгакким, билгурур дандонаси,
Гўйиё кўнглум уйининг фаршиға дандонадур.

Соқиё, даврон эли паймонидин ёд этмагил,
Давр аёғин тутки, матлубум менинг паймонадур.

Эрмас ул фарзонаким, тарк этти дунё ҳосилин,
Балки ҳосил қилғали майл этмаган фарзонадур.

Эй Навоий, сўзла воқиъ достоним ишқ аро,
Ким бу дам Фарҳоду Мажнун қиссаси афсонадур.

169

Ишқ ҳар дам кўнглума бир ўзга меҳнат келтурур,
Ҳажр ҳар соат бошимға ўзга шиддат келтурур.

Дўзах ўтидин ажал доғи кетурмас онча сўз,
Ким ғам ўтидин ичимга доғи фурқат келтурур.

Чарх анжумдин кетурмас онча офат селиким,
Қатра хайдин жонима ул моҳталъат келтурур.

Чеҳра ўтидин булутдек дуди оҳим чиқти, лек
Ул булут селоби дарду барқи офат келтурур.

Солмангиз кўз дафтари ҳажримға, эй аҳли нишот,
Ким анга боқмоқ кўнгулга дарду ҳасрат келтурур.

Ул парий юз дев иландур, гарчи киргач кўнглума,
Рашкдин, биллаҳ, малойик ёди ғайрат келтурур.

Бода ич, бу коргаҳ вазъиға кўп фикр этмагил,
Ким анга ҳар неча чирмашқанча ҳайрат келтурур.

Бу чаман ичра муҳаббат нахли экманг зинҳор,
Ким бериб ҳасрат гули, бори малолат келтурур.

Юз жароҳат бирла кўюнгда Навоий кўнглини
Қилған итлар туъма, эл кўнглига ибрат келтурур.

170

Тийра ҳажр айёмида билмонки, жонон қайдадур,
Кеча не билсун киши хуршиди рахшон қайдадур.

Ишқ даштида югуртурмен қуюнлар оҳдин,
Кўргали бу турфани Мажнуни ҳайрон қайдадур.

Эйки дерсен: ёр еткач бошинга, жон қил фидо,
Эй фидо жоним санга, деким манга жон қайдадур?

Бир қадаҳ тутқай деб ул кофир, киpибмен дайрға,
Айтинг, эй куфр аҳликим, ул номусулмон қайдадур?

Ишқ аро то итти кўнглум тарки хонумон қилиб,
Билмадимким, ул алохону аломон қайдадур.

Қайдадурким йўқтурур, кўксумни чок эт, доғи кўр,
Дема жоноким, ичингда доғи пинҳон қайдадур.

Эй Навоий, демаким, йўқ гулда дилдоримча ҳусн,
Айтким, булбулда доғи менча афғон қайдадур?

171

Хатинг ичра лаби хандон кўринур,
Хизр ила чашмаи ҳайвон кўринур.

Ишқ дашти аро ғамзанг ўқидин
Кўз етар ергача пайкон кўринур.

Бил, жунун бодиясида менмен,
Қайда бир телбаи урён кўринур.

Лола бутган киби қон ёшимдин,
Тоғу водий бори яксон кўринур.

Гарчи ишқ ичра, басе мушкил бор,
Васл уммидидин осон кўринур.

Кўзум ўлди яна гўё ошиқ,
Баски бир чеҳраға ҳайрон кўринур.

Лофи зуҳд урма, Навоий, ҳар дам,
Ки анинг аксари ёлғон кўринур.

172

Ҳажр аро қолмишмен, эй соқий, лаболаб жом бер,
Дам-бадам шуъламға су қуймоқ била ором бер.

Бир юзи гул фурқати ашкимни рангин айламиш,
Соғари гулранг ичинда бодаи гулфом бер.

Эй саломат аҳли, ўт майхонадин, ё мен киби,
Майға сажжоданг гарав қўй, тарки нангу ном бер.

Дайрдин сархуш чиқиб юз ноз ила, эй муғбача,
Аҳли тақво ичра ўт сол, молиши ислом бер.

Торттим йиллар хумори ҳажр аро нокомлиғ,
Раҳм этиб, бир қатла лаълинг бодасидин ком бер.

Телбаликдин билмадим, не арз қилдим, эй расул,
Тенгри ҳаққи оллида айтурда сен андом бер.

Эй Навоий, сен гадоға ўйла сийм андомдин,
Васлининг имкони йўқ, тарки хаёли хом бер.

173

Хўблар тиғи етишмасдин бурун бу зор ўлар,
Чин эмишким, бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлар.

Демаким, ҳар дам кўзидин юз киши бемор ўлур,
Кирпикидин кўз юмуб очқунча минг бемор ўлар.

Ўлмакимдин қилма ҳайрат, эйки чектинг тиғи кин,
Қотил ар сенсен, менингдек нотавон бисёр ўлар.

Дарддин ўлмон, танимдин чексалар пайконини,
Жонни ҳар кимнинг танидин чексалар, ночор ўлар.

Кўнглума бир тиғ ила ўлмакни осон айлаким,
Фурқатингдин ул заифи нотавон душвор ўлар.

Ишқ базми бодаси гар бўлса мундоқ руҳбахш,
Қони ўз бўйниғаким, бу давр аро ҳушёр ўлар.

Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ,
Ҳар кишиким фақр йўлинда Навоийвор ўлар.

174

Икки зулфунг телба кўнглумга қаронғу кечалар,
Заъфдин бехудлуғум уйқу анга бу кечалар.

То гирифтор ўлди зулфунг домиға кўнглум қуши,
Тўлғаниб жисмим, кўзумдин учмиш уйқу кечалар.

Қайда бўлсун уйқуким, оқизмиш уйқу хайлини,
Тинмайин оққан сиришким қонидин су кечалар.

Ҳар не навъ ўлса ўтар кундуз иши, лекин бўлур
Ҳажр дардидин хароб аҳволим асру кечалар.

Тийра шомим шиддатин кўргилки, чарху субҳдин,
Ҳолима гаҳ йиғлағудур, гоҳ кулгу кечалар.

Субҳдек соф истасанг кўнглунгни, андин чархдек
Тийралик чиркини сиймин ашк ила юв кечалар.

Эй Навоий, чарх янглиғ истар ўлсанг субҳи васл,
Тонгғача ашк ахтарин тўкмай бўлурму кечалар?!

175

Кеча бадмаст ўлғанимдин инфиолим бордур,
Майни эмди оғзима олмас хаёлим бордур.

Улки дер, май ич уятдин билмагай ўз ҳолини,
Билсаким базм аҳли оллинда не ҳолим бордур.

Демаким май дафъ этар, гар етса ҳар дам юз малол,
Ким ичарда они ҳар дам юз малолим бордур.

Ёр тавбам билса гарчи май берур, бермай мажол,
Ёлбориб узр айтқумдур, то мажолим бордур.

Риндлар тавбамни синдирмоққа бу тақриб эмас,
Бода нафйидинки, ҳар дам қилу қолим бордур.

Зуҳду истиғному яхши, йўқса исёну ниёз,
Шаҳр шайхидин бу янглиғ бир саволим бордур.

Эй Навоий, мен худ эттим тавба, лекин, неткамен,
Ким ажаб майхораи беэътидолим бордур.

176

Лаъли шавқидин кўзу кўнглумда ашку оҳдур,
Ё зулоли Хизр ила анфоси Руҳуллоҳдур.

Кўп шарарлиқ дуди оҳим бирла чиққан жонға боқ,
Ким минг ўтлуғ корвонға бир гадо ҳамроҳдур.

Баски, бошин ерга урған ун била уйғондилар,
Саргузаштимдин кеча ҳамсоялар огоҳдур.

Ул зақанда бўлса ҳар бир қатра хай кавкаб не тонг,
Ким қуёшнинг чашмаси ёнида бўлған чоҳдур.

Дўстлар, мумкин эмас бўлмоқ муяссар васлким,
Мен анга дилхоҳ эмон, улким манга дилхоҳдур.

То тирикдур, шаҳға кўпрактур гадодин дарди сар,
Чун ўлум вақти етар — тенгдур гадо, гар шоҳдур.

Дайр пири оллида қилсам гадолиғ, айб эмас,
Эй Навоий, билки файз аҳлиға шайаллоҳдур.

177

Бошимга кўйида ҳар дам ғулу қилур итлар,
Гар ўлмасам, бу ғулуни нағу қилур итлар.

Магарки, ғурбат аро зор ўлмакимдиндур,
Фиғонки, бир-бирига рўбарў қилур итлар.

Осиб бўйинлариға киз азо учун жулдин,
Тонг отқуча бошима навҳаму қилур итлар?

Тутарға мотамим, оё, йиғилдилар ёхуд
Қилурға тўъма таним орзу қилур итлар?

Куюб думоғлари, ғингшибон қочар ҳар ён,
Емакка жисмим этин, чунки бў қилур итлар.

Фано йўли кийикин айла сайд, шер эрсанг,
Ки даҳр жийфасини жўстужў қилур итлар.

Навоий узра ҳужум айласа рақибларинг,
Не тонг, гадоға ҳамиша ғулу қилур итлар.

178

Зулфунг устида гажак қуллоблар тақлидидур,
Йўқса, килки сунъдин ул турранинг ташдидидур.

Истадим чун васли зулфу қаддидин кўргуздилар,
Жилва такрори магар ул нафъининг таъкидидур.

Ул парий ишқида найлаб қилғамен тарки жунун,
Ким бу ишта бўйнума тушган жунун таъвизидур.

Ишқ аро Фарҳоду Мажнун қатлини қилмоқ баён,
Ёрдин гўё мени қатл айламак тамҳидидур.

Куфри зулфи ичра ҳар соат русухим ўйлаким,
Дам-бадам аҳли яқин имонининг таждидидур.

Ул қуёш васлин тиларсен, бўл мужаррад, негаким,
Кўкка Руҳуллоҳни еткурган анинг тажридидур.

Истасанг жон ё кўнгул, қилсам тараддуд, айб эмас
Ким, Навоийда аларни тонғламоқ тардйдидур.

179

Товушким уй тошидин келса, дермен бағри тошимдур,
Эшикдин соя киргач, соғинурменким қуёшимдур.

Ичинда тоғнинг қон, тошида юз минг бало тоши,
Анинг тошу ичи мутлақ дегайсен ичу тошимдур.

Эмастур гарду гўй ул шўх майдонида, гўёким
Бири фарсуда жисмимдур, бири саргашта бошимдур.

Сиришкимни жигар парголаси бил, доғи кўз нури.
Кўнгул сиррини, ваҳким, зоҳир этган ушбу ёшимдур.

Демай паст ўлди афғоним елидин нахли айшимким,
Бу нахлим арраси муҳлик фиғон ичра харошимдур.

Урармен ерга бошимни ғамингдин жон талошурда,
Фироқинг хайли бирла ул — урушум, бу талошимдур.

Ёмон ҳолимға ҳайрат қилманг, эй Фарҳод ила Мажнун,
Букун сиз меҳмонсизким, тараб бирла маошимдур.

Фалак қасри билан кун муттакосидин деманг, сўзким,
Фано дайри маконим, фақр туфроғи фирошимдур.

Дедимким: Тушта меҳроб ичра кўрдум кофири масте,
Деди: Кўргил Навоий, кўз очибким, кўзу қошимдур.

180

Қатлима тиғ ўлғаликим чарх иши озордур,
Мавжи ашким аксидин пўлоди жавҳардордур.

Кўк тегирмон тоши айландурмақ истар бошима,
Дема ою кун бошим узра буким сайёрдур.

Ишқ даштида қуюн эрмаски, мен девонаға
Дашт аро саргашталик хаттин сизар паргордур.

Дард тоғида чоқинлар дема, де ўтлуқ каманд,
Ким солурда бўйнума чарх илгидин такрордур.

Раҳм қил, гардунки, бир дилхастамен, мақдур эмас,
Чекмаки гар меҳнату бедод бу миқдордур.

Эй хушо, хумхонаким, қилғаннинг анда тарки ҳуш,
Кўк хумидин ҳар неким келгай, фароғи бордур.

Мунча дарду ғуссадин махлас топар ер истасанг,
Эй Навоий, билки, ул ер кулбаи хаммордур.

181

Ҳуреки, менинг жонима офат етилибтур,
Тўби киби қад бирла қиёмат етилибтур.

Ушшоқ кўзидин дурру гавҳар оқизурға
Бир баҳри жафо, кони малоҳат етилибтур.

Лаълинг майиким сўрғали девона бўлубмен,
Ширин кўринур, лек бағоят етилибтур.

Ишқинг чаманида не тараб шохики, эктим,
Ҳар бириси бир нахли надомат етилибтур.

Юз заррача саргашталигим бўлса не тонгким,
Юз меҳрдин ул шўх зиёдат етилибтур.

Бу боғ аро қолмайдур ажал елидин озод,
Ҳар гулгаки савсан киби қомат етилибтур.

Ҳижрон ғамидин ваҳм эту шукр айла, Навоий,
Бу лаҳзаки, васлиға саломат етилибтур.

182

Ичкали гулранг май наргис масаллиқ жоми бор,
Савсани тўн бирла улким сарвдек андоми бор.

Гулшан ичра сарви раънодек қилиб ҳар ён хиром,
Мавзиъи дилкаш аро май ичкали ороми бор.

Бодаи софи чекиб аҳбоб ила ғофил, валек,
Ким йироқтин доғи бир маҳруми хуношоми бор.

Бу жафо аҳли вафони қилди майдек талхком,
Ким қошинда кирса ҳар ноаҳли майдин коми бор.

Мен ютуб хуноба йиллар, эл чекарлар жоми айш,
Чора йўқ улким, азалдин бахти нофаржоми бор.

Чун вафо аҳлиға даврон тутмади жоми мурод,
Ким мурод андин тамаъ айлар, хаёли хоми бор.

Эй Навоий, гар фано дайри сари қилсанг гузар,
Дайр пирининг ямон-яхшиға лутфи оми бор.

183

Ҳар кишиким, бир сўз ул бадмеҳрдин тақрири бор,
Ҳолатимнинг токим ул тақрир этар тағъйири бор.

Муҳтариз бўл шуълаи оҳимдин, эй гул хирмани,
Ким чоқин хирмонға тушканнинг ажаб таъсири бор.

Кўнглума йўқ чора ўртанмакдии ўзга ишқ аро,
Ғайри куймак мўрнинг ўт ичра не тадбири бор.

Ҳиндуи зулфиким, ул юз таҳти фармонидадур,
Жодуедурким, анга гўё парий тасхири бор.

Сабзаи хаттинг эрур ҳар сори зулфунг торидин,
Хатти зангореки, мушки ноб ила таҳрири бор.

Фақр дашти не қотиқ йўлдурки, солик ҳар неча
Қилса диққат бирла Ҳақ амрин адо, тақсири бор.

Гар Навоий жон бериб, ул зулфининг ҳар торини
Олса, айб этмангки, бу савдо аро тавфири бор.

184

Гулни найлай, хотир ул рухсори гулгун соридур,
Қўй Гулафшонни, кўнгул боғи Ҳумоюн соридур.

Чекти қатлим тиғини гардуну мен ҳам оҳ ўқин,
Оҳким, қатлимға оҳим доғи гардун соридур.

Кўзларинг девона кўнглум жонибин тутти, не тонг,
Ишқ даштида кийиклар хайли Мажнун соридур.

Номасин кўргач недин кўзу кўнгулга бўлди рашк,
Ким агар ул бўлса хат сори, бу мазмун соридур.

Эл қадинг зикрин қилурда оқса ёшим тонг эмас,
Тифли софийтабъ майли сўзда мавзун соридур.

Подшоҳеким қаноат махзанин истар, эрур
Бир гадодекким, хаёли ганжи Қорун соридур.

Эй Навоий, иста маъни оламиким, келди дун,
Ҳар кишиким майли ушбу дунёи дун соридур.

185

Кўнгул ҳадиқасида бир ниҳоли наврасдур,
Ким ушбу боғда жинси шажардин ул басдур.

Наззора туҳматин айлаб кирар кўзумга рақиб,
Сиришким оқса не тонгким, кўзум аро хасдур.

Қаду юзи шажару ўт бу йўлда, эй кўнглум,
Адаб била юруким — водии муқаддасдур.

Менга не наргису не гул керакки, матлубум
Жамоли боғида гул узра икки наргисдур.

Магарки, жонима кирпикларингнинг ўқларини
Отар, таносиб учун қошларинг муқаввасдур.

Ҳақир кўрма фано аҳлини палос ароким,
Кумайти ҳимматиға жул сипеҳри атласдур.

Ҳабиб кўйида аҳбобнинг ҳимояти бор,
Навоий асру ва лекин ғарибу бекасдур.

186

Яна сенсиз оҳим ўти шуълазандур,
Ки гардунға ҳар учқун оташфикандур.

Кириб кулбам ичра кулу ўтни кўрсанг,
Бу сўзон кўнгул, ул бир озурда тандур.

Дема лолагун ҳулла ичра уюбмен,
Ки ишқинг шаҳидиға қонлиғ кафандур.

Итинг ўлса, жисмиға жонимни солғил,
Ки бу руҳға ул муносиб бадандур.

Қаён бўлса, кўнглум уйин дардинг истар,
Нединким, мусофирға майли ватандур.

Фалак шўхидин меҳр кўз тутма, невчун,
Ки жавр анга шева, жафо анга фандур.

Навоий ҳазин бўлса боғ ичра тонг йўқ,
Ки сенсиз бу маҳзунға байтул-ҳазандур.

187

Хаста кўнглум азм этар ул сориким, жонон борур,
Дам-бадам жон ҳам чиқар, гўё бу ҳам ул ён борур.

Кўнглум ичра тўқтамас лаълинг хаёли бир замон,
Не ажаб ўлсам, бу захмимдин чу ҳар дам қон борур.

Ондаким сенсен етар бешак фиғоним, эй қуёш,
Мен бора олмон, нетай, ул ердаким, афғон борур.

Қоматинг жон қасди этса, кирпикингдур раҳнамой,
Ҳар қаён ўқ борса, онинг оллида пайкон борур.

Ёд этарлар водии ишқ аҳли Мажнун сайрини,
Бехабар ҳар ён қуюндекким, бу саргардон борур.

Йўлдин охир сурма султонмен дебон дарвешни,
Ёд эт: ул йўлдинки ҳам дарвешу ҳам султон борур.

Ҳажрдин андоқ заиф ўлмиш Навоий, эй парий,
Ким қаёнким борса сендек халқдин пинҳон борур.

188

Кўнглумни фигор эттингу жонимда балодур,
Билмон яна, эй сарв, бошингда не ҳаводур.

Қошингда гириҳ, юзунгта тер, оллинга сандал,
Эл жониға ул шаклни, билмон, не балодур.

Ўз дардинг унут бўлғай агар шаммае билсанг,
Ҳажринг туни ичра бу уқубатки мангодур.

Жон эврулубон бошинга сен чирмаб ўзунгни,
Ғунча кибиким, гирдида саргашта сабодур.

Кўнглум солибон набз киби борур иликдин,
Набзинг сари кўрсамки табиб илги бородур.

Афғонки, хазон меҳнатидин қолмади солим,
Ҳар сарви гуландомки бу гулшан ародур.

Ё Рабки, Навоий ғаму дардиға даво бер,
Ким ёр саломатлиғи дардимға даводур.

189

Кўзум ёшики юрак қониға тутош кўрунур,
Берур қонимға тонуғлуқ, агарчи ёш кўрунур.

Лабини сўрғали ақлим жунунға бўлди бадал,
Май ичса тез ўлур эл, соғда гар ёвош кўрунур.

Шикаста кўнглума оз ғам бўлубтурур кулли,
Кесак қаноти синуқ қуш кўзига тош кўрунур.

Не кунки юзини кўрсам, тушумга кирса не тонг —
Қуёшқа боқсаю кўз юмса ҳам қуёш кўрунур.

Не руд оқиздинг улус қонидинки, тегрангда
Назарда сой тошидек неча боқса, бош кўрунур.

Муғ эшикин тўрадек ёп юзунгғаким, гардун,
Қуёш синони чекиб таврида савош кўрунур.

Навоийнинг бу намози не навъ экин, ё Раб,
Ки сажда вақти кўзига ул эгма қош кўрунур.

190

Бағримни тиғи ҳажр ила юз пора қилдилар,
То ёр кўйидин мени овора қилдилар.

Буткудек эрди васл ила кўнглум жароҳати,
Ҳижрон қиличи бирла яна ёра қилдилар.

Мазмуни ўлмаку оти ҳижрон ғами деган,
Юз минг жафони жонима якбора қилдилар.

Турған ёшим оқиздилар ул ой фироқида,
Собитларимни кавкаби сайёра қилдилар.

Воиз уни суруд эрур ишғоли айшиға,
Қисмат кунида аники майхора қилдилар.

Май тутки, жом даврида-ўқ топтилар илож,
Жамъики чарх даврини наззора қилдилар.

Ё Раб, не дей аларники, мискин Навоийни
Беҳушу ақлу бедилу бечора қилдилар.

191

Ҳар ниёзу ажзким, бу жони ношодимда бор,
Ваҳки, юз минг онча ноз ул сарви озодимда бор.

Ваъдаи меҳру вафоға мункир ўлма, эй парий,
Ким неча мажнуну волиҳ мен, вале ёдимда бор.

Ўтидин Мажнуннинг, эй ровий, не ҳайрат қилғамен,
Менки, юз парвона андоқ меҳнатободимда бор.

Кўнглума қўҳи ғаму мужгонларинг кирмиш, валек
Не ғам ул тоғдин, бу метинларки Фарҳодимда бор.

Кесгали ҳушу хирад нахлини билгил аррае,
Ҳар харошеким жунун шарҳида фарёдимда бор.

Дайр пири ўзлукум қайдин кетарди, ваҳ, не тонг,
Гар дуоси ҳар сабуҳи вақти авродимда бор.

Эй Навоий, телбаратмишдур мени ифрот ила,
Баски муфрит одамийлиғлар паризодимда бор.

192

Қошинг авжи малоҳатнинг янги туғқан ҳилолидур,
Қадинг нахли латофат боғининг наврас ниҳолидур.

Фидо жоним қадинг нахлиғаким, гарчи эрур наврас,
Вале андому раънолиғда ҳадди эътидолидур.

Назокат гулшанида тоза гулбун қоматинг шибҳи,
Анинг табъида музмар ғунча йўқ оғзинг мисолидур.

Чучук лафзинг Масиҳонинг туфулиятдағи нутқи,
Белинг жонбахшлиқта кўнглига кирган хаёлидур.

Не тонг кўнглум агар мажруҳ ўлуб, қон борса захмидин,
Ки узган ғунчадек бир тифлвашнинг поймолидур.

Юру, эй Хизрким, ҳайвон суйидур заҳр агар ичсам
Бу дамким, жомим ул шўх итлари синған сафолидур.

Хало мавжуд эмас, су зарфидин чиққач ҳаво тўлди,
Ҳавои ишқидин мамлудур, ўздин кимки холидур.

Навоий ашкидек ул шўх агар тинмас, ажаб эрмас,
Қилурлар пўя ёшлар то югурмак эҳтимолидур.

Фано дайрин тилармен мен, вале учмоғни зоҳидким,
Менинг комим — қадаҳ дурди, анинг — кавсар зулолидур.

193

Хаста кўнглум ўртанур, гўё севар жоним борур,
Йиғлағум келур, магар гулбарги хандоним борур.

Ул қуёш ҳажриндаким жонимни ўртар ғам туни,
Шамъ янглиғ, не ажаб, гар дурри ғалтоним борур.

Нил ила ҳар ён алиф кўксумга қозған, ваҳ, не суд,
Ким алифдек қад била сарви хиромоним борур.

Эврулуб бошиға, рухсоридин ўртан, эй кўнгул,
Куйгуча ҳажринда чун шамъи шабистоним борур.

Мен худ ўлгум шукрким, ул ҳам бора олғуси йўқ,
Тиғи ҳажри захмидин бу навъким, қоним борур.

Рози ўлдумким, ажал бўғзумни бўғқайким, недин,
Мен қолиб маҳжур анга ҳар лаҳза афғоним борур.

Не намоз ўлғайки, ўзни кўргузуб жамъ ичра жамъ,
Юз паришонлиғ сари табъи паришоним борур.

Эй Навоий, шуълалиқ жонинг овучлаб бошла йўл,
Кечқурун чун отланиб ул мает меҳмоним борур.

194

Савсани тўн бирла ул қад савсани озод эрур,
Ё бинафша баргидин зеб айлаган шамшод эрур.

Аллоҳ-Аллоҳ, билмон ул қадники савсан баргидин,
Зеблик шамшод эрур ё савсани озод эрур.

Ваҳ, не сарведурки, то хилъат кийибтур савсаний,
Чок ўлуб гул хилъати, булбул иши фарёд эрур.

Савсану сарви агар йўқтур дамимдин боғ аро,
Ўртанибон сарву савсан ҳулласи барбод эрур.

Шоми ғам кўнглум узору ҳулласин ёд айлабон,
Меҳр ўти ҳар ён бинафш этган булутдин шод эрур.

Қозғали ғам Бесутун тоғин Навоий илгида,
Ваҳки, савсан барги эрмас, тешаи Фарҳод эрур.

Юз тили бўлса, дам урмоқ шарт эмас озодадин,
Эй кўнгул, савсан тилидин бизга бу иршод эрур.

195

Барги най тўн ичида нол киби бели ниҳондур,
Қалами фўта қамиш бандидек устида аёндур.

Айладим тарҳ вафо қасрини кўксум уза кўрким,
Наъллар тарҳида айвонлардин ерда нишондур.

Зулфи ҳижронида мундоқки таним ҳар сори санчар,
Рагларим жисм аро қатлимға магар неча йилондур.

Чуғз вайрона аро англади гўёки ўлармен,
Мотамимға иши ҳар лаҳза ғарибона фиғондур.

Ўқунғ оғзида қизил туе эмас кўнглум ароким,
Тонг эмас оғзи қизил бўлса, ғизо чун анга қондур.

Ҳуллаи тоат этар дўзах ўтин даф, йўқ эрса,
Ул ҳароратқа не дафъ, кафанинг гарчи катондур.

Воизеким ўзи қилмас амалу элга берур панд,
Гар эмас уйқуда бас мунчаки дер не ҳазаёндур.

Хас киби тушти Навоий май уза, ғам нета олғай,
Хоссаким, анга ҳубоб уйи киби дорул-амондур.

196

Сочбоғингдин чиққан, оё, сунбули пурчинмудур?
Ё терисин солған икки афъийи мушкинмудур?

Иффатингдиндурмуким, меъжар юзига тушти чин,
Ёхуд анда зеб учун машшота солған чинмудур?

Нўшханд этканда, лаълингдин кўрунмишму тишинг,
Англамон, ёхуд асал ичра ёзилған синмудур?

Сунбулин кўргач, кўзум бўлди қаронғу, эй сабо,
Сочи мундоқ тийра ёхуд сочбоғи экинмудур?

Чиқса ақдингдин аруси даҳр, бергил нақди жон,
Демагилким, хун баҳодур ушбу ё кобинмудур?

Даҳр золин гар десам Фарҳодкуш, айб этмангиз,
Гар эмас Фарҳодкуш, охир денгиз, Ширинмудур?

Шавқ ўти топқач сукун дерсенки, ишқи таркин эт,
Эй Навоий, бир нафас бу шуълаға таскинмудур?

197

Боштин аёғ яланг таним узраки тоза доғ эрур,
Ҳуснунға қилғали назар ҳар бири бир қароғ эрур.

Ишқ гадолари дегай кўнглак эрур мураққаъим,
Тоза туган нишонидин ҳар сари баски доғ эрур.

Захмларим фатиласи жон ўтидин туташқали
Тийра кўнгулга дарду ғам базми учун чароғ эрур.

Кўҳи балодурур таним, чашмаси кўзки қон тўкар,
Тонг йўқ агар бу тоғ уза қон оқизур булоқ эрур.

Пардасидин ичинда ўт ғунча эмаски ёғ аро,
Ҳар сари ишқинг ўтидин бир қизиған димоғ эрур.

Зоҳиду учмоқу томуғ бийми била умидиким,
Аҳли фаноға мосиваллоҳ ғамидин фароғ эрур.

Дайрда кўр Навоийни муғбачалар ғамидаким,
Эгнида чок хирқаву илгида бир аёғ эрур.

198

Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур,
Лабларидинким, ҳусули мумкин эмастур.

Турмади тан чок-чок уйида кўнгулким,
Телба қуш — ул, бу — ушолған эски қафасдур.

Айтсам, эй шўх, бўйни боғлиғ итингмен,
Дер, ярамас қайси итки ҳирзи марасдур.

Бир нафасе, эй Масиҳ, бошима еткил,
Ким бу нафас бедилингға сўнгғи нафасдур.

Сабрим уйин йиқса ики кўз сиришки ажаб йўқ,
Ким бириси Дажладур, бириси Арасдур.

Дайри фано майли қилди ринди харобот,
Ким кеча анда не шаҳнадур, не асасдур.

Куйса Навоий, фироқ аро не ажабким,
Ул итик ўтдур, бу айни заъфда хасдур.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

199

Эй кўнгул, уммид торин гулшани даврондин уз,
Ҳам гулу шамшоддин, ҳам лаълу райҳондин уз.

Сарвқадлар лаъли бирла оғзидин ком истама,
Ҳам тамаъ гул баргидин, ҳам ғунчаи хандондин уз.

Бу чаман раъноларига йўқтурур бўйи вафо,
Савсани озоддин кеч, наргиси фаттондин уз.

Чунки не жонон қолур, не жон агарчи саъб эрур,
Кечкил аввал жондин, андин сўнг тамаъ жонондин уз.

Кир фано даштида ул бемеҳр маҳваш кўйидин,
Яъни бўл оворао уммид хонумондин уз.

Майға, эй соқий, ажал заҳри эзиб бир жом тут,
Тори уммидимни, яъни риштаи ҳижрондин уз.

Эй Навоий, гулшани даврону жону хонумон,
Барчадин кечтим дема, лекин кўнгулни ондин уз.

200

Бизни, эй ишқу жунун, расвои олам қилдингиз,
Ҳар не расволиғдин афзунроқ бўлур ҳам қилдингиз.

Жону кўнглимга малолат тошлари бирла қоқиб,
Дард ила андуҳ мисморини маҳкам қилдингиз.

Мунча бедоду ситамким, қилдингиз мен телбага,
Ишқ аро шавқу муҳаббат аҳлиға кам қилдингиз.

Чун мен ўлдум ғам туни ул тундин-ўқ айлаб либос,
Не осиғ гар чарх ишин ҳолимға мотам қилдингиз.

Ишқ дардидин ўлармен бу кеча, эй дўстлар,
Ҳажр заҳридин магар захмимға марҳам қилдингиз.

Кишвари васл ичра ҳар ким айш этар бўлсун ҳалол,
Чун манга оворалиғ мулкин мусаллам қилдингиз.

Сирри ишқим билмаган эл қолмади, гарчи манга
Номабар қуш ўрниға анқони маҳрам қилдингиз.

Гулшани даҳр ичра, эй базми тараб соқийлари,
Ҳажр хунобин недин бизга дамо-дам қилдингиз?

Охир, эй ишқу жунун, юз навъ туҳмат айлабон,
Ҳам Навоий сирри ишқин элга мубҳам қилдингиз.

201

Бизга жонон васли улдурким, жамолин кўргабиз,
Парда рухсоридин очиб, зулфу холин кўргабиз.

Бўлса майдон озими, йўлида туфроғ ўлғабиз,
Қилса гулгашти чаман, раъно ниҳолин кўргабиз.

Тийрборони бало ёғдурса жонлар қасдиға,
Новаки мужгон била мушкин ҳилолин кўргабиз.

Кўзга бир ҳам жилва бер, базми висолин, эй сипеҳр,
Ваҳ, неча кўз оллида хайли хаёлин кўргабиз.

Кўзгу ул юз жилвагоҳидур дебон қилдиқ назар,
Йўқ бу маъни бирлаким ул юз мисолин кўргабиз.

Васли базми айши чун элга насиб ўлди зарур,
Ким балият жомининг ранжу малолин кўргабиз.

Йўқ ҳазин кўнглумдин ўзга ёрдин бекому баҳр,
Неча ушшоқ ичра онинг инфиолин кўргабиз.

Ичсалар ком аҳли софи айшу биз қолсақ тирик,
Дайр аро майхонанинг синған сафолин кўргабиз.

Эй Навоий, зарраға хуршид васлидин дема,
Мунча баским жилвада гоҳи жамолин кўргабиз.

202

Қадинг туз, нахли гулзори Эрам туз,
Ки туз ашёға бўлмиш соя ҳам туз.

Магарким, зулфини чексам туз ўлғай,
Йўқ эрса бўлмас онча печу хам туз.

Сиришкимдин қадинг майл этти ҳар ён,
Ки қолмас ўқ ҳаво бўлғанда нам туз.

Не тонг гар туз чекармен шуълаи оҳ,
Керак чун ишқ жайшида алам туз.

Муқаввас чарх оҳимдин хам ўлмиш,
Ким ул ўқни отармен дам-бадам туз.

Риё йўлида гар кўп печу хам бор,
Қадам қўйким, эрур дашти адам туз.

Бу дайр ичра навое, эй муғанний,
Навоий ноласидек зеру бам туз.

203

Эй санга хунрез мужгону балоангез кўз,
Бизга мужгонинг синони захмидин хунрез кўз.

Фитна кўзлукларда йўқ эрмиш кўзунгдек солғучи,
Бир қиё боқмоқ била оламға рустохез кўз.

Эй кўзи айни бало, не раҳм сендин кўз тутай,
Ким санга хунрез кўздур, бизга хуномез кўз.

Кўз саводин айлади кирпикларинг парвезани,
Не ажаб бўлса жамолинг шавқидин гулбез кўз.

Кўрки, ҳар кирпик учиға боғлабон бир пора лаъл,
Келтирибтур лабларинг оллинда дастовез кўз.

Даҳр золи нечаким Фарҳодкушдур, турфа кўр,
Ким хатодур тутса гар андин вафо Парвез кўз.

Эй Навоий, йиғламоқдин хира бўлмиш кўзларинг,
Ишқ аро бинандалиғларға керактур тез кўз.

204

Чун анга нохуш келур, базмида отим тутмангиз,
Кимки отим билса ҳам ул базм аро ёвутмангиз.

Ҳажр ўтиға мен қилибмен хўю дўзахдин деманг,
Ҳар замон жаннат насимидин мени қўрқутмангиз.

Васл жоми ўзгалар қисмидур, эй жону кўнгул,
Саъйида беҳуда заҳмат тортибон қон ютмангиз.

Телба кўнглум бўлса бетоқат малоли ҳажр аро,
Жуз висол уммиди ҳарфидин ани овутмангиз.

Эй шабистони висол аҳли, фироқим кулбасин,
Ким деди бир кеча шамъи васл ила ёрутмангиз?

Мен куярмен ҳажр аро, ҳар дам ўтум тез эткали,
Эй танаъум аҳли, васл афсонасин чубрутмангиз.

Тойири васл айламас ҳаргиз Навоий сори майл,
Келса афғон тортиб, эй жону кўнгул, уркутмангиз.

205

Эй малоҳат шевалик ширин дудоғинг сўзга уз
Ҳикмат илги гўйиё солди шакар тангига туз.

Неча бузғайсен кўнгул мулкин жафо тарҳин солиб,
Бир бу вайрон ерни тузмакка жафо тарҳини буз.

Чеҳра очсанг ё такаллум қилсанг, ўлган жон топар,
Аллоҳ-Аллоҳ, бордур ул не лаъли жонбахш, ул не юз.

Ой санга ўхшар ва лекин ул совуғдур, сен малиҳ,
Фарқ кўптур нечаким бўлса мушобиҳ тузу муз.

Базмидин чиқти рақиб усрук, ҳазар, эй аҳли зуҳд,
Расмдур қочмоқ улус иттинким, ул бўлғай қутуз.

Кўзга солдим жон бериб олиб аёғи туфроғин,
Англамон қадрини колонинг чу олмишмен ужуз.

Не тафовут ишқ дашти қатъида иссиғ-совуқ,
Ким самандар ўтда сайр айларда тенгдур ёзу куз.

Шайхда йўқ риндлиқ, зоҳидда йўқ расми вафо,
Дайр пири ҳар сулук иршодида келди тўкуз.

Ҳажрдин ўлди Навоий, соқиё, тут жоми май,
Эй муғанний, сен наво оҳангида қўбса қубуз.

206

Дўстлар, май била жонимға жафо айламангиз,
Базм аро бўлмаса ул шўх, мени истамангиз.

Бўлубон ёр, мени истасангиз, мает ўлубон
Йиғласам, ҳолима бадмаст дебон қовламангиз.

Қўйингуз бир нафасе, жонима бедод айлай,
Тифл ё телба киби манъ этибон алдамангиз.

Раҳм агар қилеа Худо ёри ва гар тиғ чекиб,
Қатл ҳам айласа, зинҳорки манъ айламангиз.

Итлари оллиға ташлангки, ғизо қилсунлар,
Базмини барҳам уруб, мотамима йиғламангиз.

Эй вафо аҳли, дуом ушбу дурурким, ё Раб,
Бевафо моҳжабинлар қўлиға учрамангиз.

Ўюлуб тушти Навоий танининг доғлари,
Кўйида ўлган ит ўлса, терисидин ямангиз.

207

Бир кун, эй ҳушу хирад, мен телбага ёр эрдингиз,
Бехабар ҳам бўлсам ўздин, сиз хабардор эрдингиз.

Дард етканда давожў, ёлғуз эрканда рафиқ,
Fусса вақти ёру ғамгинликда ғамхор эрдингиз.

Найладим, неттимки, бир йўли чекиб мендин илик,
Эмди эрмастурсиз андоқким, бурун бор эрдингиз.

Бўлмаса ҳушу хирад ғамхорим, эй ишқу жунун,
Сиз бўлунг боқийки, ҳолимға мададкор эрдингиз.

Ишқ агар зор этти, афғон қилманг, эй жону кўнгул,
Токи сиз бор эрдингиз, ишқ илгида зор эрдингиз.

Сотмангиз оламға савдойи эсам, эй дарду ғам,
Ким менга ишқ ичра доим сиз харидор эрдингиз.

Эй замон аҳли, фусуну ғадрингиз не айбким,
Ҳам замондек доим афсунсозу ғаддор эрдингиз.

Риндлар бас тийрадур, сиз хонақаҳға тушкали,
Эй хуш ул кунким, муқими кўйи хаммор эрдингиз.

Шоми ҳажридин Навоийнинг хабар берган улус,
Гўйиёким кеча тонг отқунча бедор эрдингиз.

208

Ёр этти меҳр таркию мен ёрмен ҳануз,
Ишқи салосилиға гирифтормен ҳануз.

Ҳажрим туники йилча эди бу умид ила
Ким келгасен, йўлунг уза бедормен ҳануз.

Келгач, кўнгул яраси ёвушти ўнгалғали,
Бир лаҳза бормағилки, дилфигормен ҳануз.

Бозори ҳусн даврида ҳар неча хайли хат,
Қилди ғулу, валек харидормен ҳануз.

Эй шайхи сода, зуҳдума ҳар кун инонмаким,
Тунлар муқими кулбаи хаммормен ҳануз.

Мен ўлгали кўп ўлдию итлар фиғонидин
Қилдинг гумонки, кўюнг аро бормен ҳануз.

Айлаб фалакни жом сумурдум, Навоиё,
Қўш тут бу базм ичиндаки, ҳушёрмен ҳануз.

209

Нозанинлиқ боғида қаддинг ниҳол, эй сарвиноз,
Парвариш топиб ниёз ашки тўкарда аҳли роз.

Ишқ сўзидин нега куйдунг дебон айб айламанг,
Зулм эрур невчун чоқиндин қилмадинг деб эҳтироз.

Сарвнозим нечаким ҳар лаҳза юз минг ноз этар,
Нетгамен кўргузмайин ҳар нозиға юз минг ниёз.

Бўйлаким Ҳақ нури зоҳирдур юзунгда, бўлмағай
Филҳақиқат сирри ишқингға хаёл этмак мажоз.

Шамъ ўртар демагил парвонаниким, билдиким,
Шамъға парвона кўнгли ўтидин эрмас гудоз.

Хам бўлуб ер ўпмаким кўйида ҳар ёндин не айб,
Каъбаға жойиздурур ҳар соридин қилмоқ намоз.

Ростларнинг чун Хуросон ичра йўқтур ҳурмати,
Вақт эрур қилсанг, Навоий, эмди оҳанги Ҳижоз.

210

Не лабидин истимоъ эттим қулоқ бир қатла сўз,
Не юзига бир назар солмоқ муродин топти кўз.

Дединг элни ўлтурай бир сўз била, аммо сени
Айлайин маҳрум, ваҳ, жоно, дема бу навъ сўз.

Эйки, бир ой ишқидин ошуфтасен, васл истасанг,
Ҳар жафо қилса чида, ҳар навъ бедод этса тўз.

Ошноларни қовар, лекин севар бегонани,
Ўзни ёт айлар жафо бирла ва лекин ётни ўз.

Май учун зоҳид ридоси андин ўлмас раҳнким,
Бодапололиққа ҳам лойиқ эмас ул пора бўз.

Кимса даврон аҳлидин ҳаргиз вафое кўрмади,
Кимгаким қилсанг вафо бедод кўз тут бирга юз.

Эй Навоий, хўбларға маҳкам эрмас тори аҳд,
Риштаи уммидни эмди бу маҳвашлардин уз.

211

Бошимға захмларнинг қони турмасдин бўлуб ожиз,
Фалак чоқин ўтиға куйдурур ҳар дам булутдин киз.

Агарчи тунд тавсан эрди ақлим, келки, ишқингдин
Начукким, кўнглунг истар ҳам забундур эмди, ҳам ожиз.

Жамолинг ламъасидин гар кул ўлдум, тонг эмастурким,
Бу янглиғ барқи офат кимсага чоқилмамиш ҳаргиз.

Суруб хоки танимға рахш, агар ўлтурди ул чобуқ,
Ҳаётимға, Масиҳо, урма дамким, кетмасун ул из.

Қадаҳ хуршидин ул ой илгига олғач, ёрур олам,
Калимуллоҳнинг илгида бу янглиғ йўқ эди муъжиз.

Кўзум хунобидин офоқ ранги қирмизи бўлди,
Ҳамоноким, бу чашма суйидин ҳосил бўлур қирмиз.

Қилай хомангға жон нақдини исор, эй мусаввир, кел,
Сиришким рангидин кулбам аро ул ой мисолин сиз.

Агар биздин малоле эрди сизга, эй висол аҳли,
Сизу жоми мурод эмдики ҳажр ўтиға куйдук биз.

Навоий ўн сакиз минг олам ичра бор эса расво,
Тонг эрмас, чунки бўлмиш маҳвашинииг ёши ўн саккиз.

212

Бир париваш волиҳи бўлдум, мени мажнун денгиз,
Шоми ҳажрим тули савдосини рўзафзун денгиз.

Дуди оҳимдин шарарлар бўлса кўнглум ўтидин,
Олами ишқ ичра они анжуму гардун денгиз.

Сўрса кўнглум ҳолини ишқ аҳли лаҳни назм ила,
Они расво айлади бир қомати мавзун денгиз.

Ранжи ишқимни денгиз Фарҳоду Мажнун бирла тенг,
Дард ила ҳажрим бисотин тоғ ила ҳомун денгиз.

Бир юзи гулгун ғамидин юз тикон кўнглумдадур,
Хор–хоримнинг иложи бодаи гулгун денгиз.

Дўстлар, ишқ аҳли ғавғосин тафаҳҳус қилса ёр,
Дарди ҳажринг шиддатидин ўлди бир маҳзун денгиз.

Май тўла айлаб Навоийға тутунг, эй аҳли базм,
Ичмаса, ғам ерга арзимас бу даҳри дун, денгиз.

213

Ул юз атрофи малиҳу лаъли хандонида туз,
Тенгри ҳар ён тўкти гўё ҳуснининг хонида туз.

Хони ҳусн ул юз, намакдон оғзидур, ул хон аро
Нутқи шўрангездин пайдо намакдонида туз.

Чун фано йўлиға кирдим — оғзи кўнглумда, не тонг,
Ким сафар аҳли чу азм этти, бўлур ёнида туз.

Ҳуснининг они кўнгул ошуби бўлдиким, солур
Кулгудин захмиға ширинкорлиғ онида туз.

Тузмаса тонг йўқ кўнгулким, ул малоҳат конининг,
Ишваси тўлдурмиш онинг захми пинҳонида туз.

Новаки захмида оғриқдин ачишмоқдур фузун,
Музмар этмишлар магар су бирла пайконида туз.

Аччиғ-аччиғ йиғламай найлай ики лаълинг учун,
Ким хаёли солди кўзлар ашки ғалтонида туз.

Ул малоҳат кони ишқидин қаён борсам, келур
Дўстлар, оллимға расволиғ биёбонида туз.

Эй Навоий, не ажаб солса чучук жонимға сўз,
Чунки бор ул нўшлабнинг шаккаристонида туз.

214

Эй висол аҳли, менинг ҳолим кўруб, раҳм айлангиз,
Ёр зулми гаҳ-гаҳи етса, шикоят қилмангиз.

Эй ибодат хайли, пандим бергуча Тенгри учун,
Ёрға раҳму манга сабру таҳаммул истангиз.

Ақлу сабру зуҳду тақво, жонима қилманг ғулу,
Чиқти маст ул шўх, турмай эмди ҳар ён бутрангиз.

Кўзу кўнглумдин эди ранжим ани кўр айладим,
Бўлса бу девона пайдо ўтқа солиб ўртангиз.

Мен фано даштида туфроғ ўлсам, эй аҳли ниёз,
Ишларим достонларин олмоққа талқин асрангиз.

Эгма қаддим хам бўлуб турмоқ учун, эй шўхлар,
Яхшидур чолокликлар бирла секриб ўйнангиз.

Бир париваш ишқидин мискин Навоийдур билинг,
Дашт аро ошуфтаю мажнун сифатлиқ кўрсангиз.

215

Ишқ сирриға амин кимса хаёл айламангиз,
Қисмингиз халқдин андуҳу малол айламангиз.

Асрай олмай ўзунгуз, чунки тиларсиз ҳамроз,
Топмағи мумкин эмас, фикри маҳол айламангиз.

Хўблар турраи ошуфтасиға майл этманг,
Кўнглунгузни куч ила шифтаҳол айламангиз.

Гулда йўқ бўйи вафо, шамъда йўқ шуълаи меҳр,
Ўзни булбулвашу парвона мисол айламангиз.

Дилбарим чиққуси хуршиддек, эй маҳвашлар,
Ҳаддингизни билиб, изҳори жамол айламангиз.

Кўркабойларға гадо бўлдунгуз, эй ишқ аҳли,
Бу ғаниларға вафо нақди савол айламангиз.

Тарки ишқ этти Навоий, тутубон тақвою зуҳд,
Эй санамлар, анга кўп ғанжу далол айламангиз.

216

Сарв ким кўрди анинг устида моҳи дилнавоз?
Ой қачон қилди тулуъ — остида анинг сарвиноз?

Маъни аҳлида бу сурат зоҳир ўлди ҳар қачон,
Ким шабистон ичра қилди жилва ул шамъи тироз.

Не ғаробатлар экин ул ойдаким, ҳар дам қолур
Ҳуснининг ҳар риққати кашфида ҳайрон аҳли роз.

Беадад нози била беҳад ниёзим шарҳида,
Дафтаре ёзиб, отин қўймоқ бўлур «Нозу ниёз».

То хаёлинг кўздадур, кўз уйи гўё Каъбадур,
Ким туруб атрофидин кирпикларим айлар намоз.

Деманг, ул шўхи бало усрук етишти, қил ҳазар,
Ваҳ, нетайким, бу балодин айлайолмон эҳтироз.

Эй Навоий, қалбу жон нақдин магар пок ўйнадинг,
Ул муқомиршевағаким бўлди отинг покбоз.

217

Рози эрмасмен, кўнгул чокини пайванд этсангиз,
Қолғанин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.

Итлари оллида солибким мени, ул кўйдин
Қовмақ истарлар, даме машғулу хурсанд этсангиз.

Қайд этарда ул парий кўйида мен девонани,
Итлари занжири бирла кошки банд этсангиз.

Сўрмоғимға келса Мажнун нетти, эй аҳли жунун,
Ваъзу панд айтиб, мени бир дам хирадманд этсангиз.

Телба итни демангиз мендек, нединким ор этар,
Ақлу ҳуш аҳлини бир мажнунға монанд этсангиз.

Эйки дебсиз: пандингиздин бодани тарк эткамен,
Тарк этай, аввал мени шоистаи панд этсангиз.

Гар аччиқ йиғлар Навоий, дафъиға, эй шўхлар,
Нетти оллинда туруб бир дам шакарханд этсангиз.

218

Кўнглум олди ёр, чун юзига боқиб турди кўз,
Ваҳки, олдурди кўнгул, ҳар кимсаким олдурди кўз.

Боқғач ул қотилға, солди бошима тиғ узра тиғ,
Аллоҳ-Аллоҳ, не балолар бошима келтурди кўз.

Ҳажр шоми кўз ёшим бошимдин ошти, ўйлаким
Су йўлин ҳар сори айлаб рахналар, билгурди кўз.

Оҳ ўтидин айлади зоҳир кўнгул барқи бало,
Нечаким кўнглумга офат ёмғурин ёғдурди кўз.

Қўҳи дард ўлдум мену теграмда сабру ҳуш элин,
Ёғдуруб ёшини, сели ашк бирла сурди кўз.

Ҳажр кожидин кўзумга ҳар замон ўт чоқилур,
Бу чоқинларға таним хошокини куйдурди кўз.

Оҳ ўтидин бори қутқарди буким ашким аро,
Су кишиси янглиғ ўз мардумларин ёшурди кўз.

Наҳс юлдуздек кўзи чун тушти, барҳам бўлди базм,
Муҳтасиб майхона аҳли базмиға текурди кўз.

Эй Навоий, истама мендин кўнгулким, ёғдуруб
Жолаи ашкин, кўнгулнинг шишасин синдурди кўз.

219

Тенгри бермиш ул парипайкарга андоғ тор оғиз,
Ким киши билмаски, анда йўқмудур ё бор оғиз.

Игнаси бирла Масиҳ оғзин тикиб, урмас нафас,
Жон берурга очса ул шўхи шакаргуфтор оғиз.

Ғунчалар хандон эмас гулшандаким, ҳар соридин,
Очти гулрўюм дуосин қилғали гулзор оғиз.

Турфа кўркким, сўз била ҳам ўлтурур, ҳам тиргузур,
Чун очар муҳлик сўз айтурға Масиҳовор оғиз.

Оразинг даври эрур хуршид давридин нишон,
Қайда меҳр ичра кўрунгай нуқтаи паргор оғиз.

Оғзима еткур қулоқ, билким, сенинг зикрингдурур
Ул замонким, жон берурда тебратур бемор оғиз.

Соқиё, ратли гарон бирла мени сероб қил,
Ким қурубтур ташналаблиғдин манга бисёр оғиз.

Эйки кўнглунг сиррин истарсенки, пинҳон асрасанг,
Даҳр боғи ичра очма ғунчадек зинҳор оғиз.

Эй Навоий, ёрнинг кўнгли тутулди ноладин,
Кош ҳаргиз очмағай эрдим мени афгор оғиз.

220

Анга хайдин тоза бўлмиш оби ҳайвон бирла юз,
Ҳажридин оғушта бизга ашки ғалтон бирла юз.

Шамъи васл, эйким, кўзунг ёрутти, шод ўлким, менинг
Рўзгоримга қароpди дуди ҳижрон бирла юз.

Бир сариғ коғаздурур тим-тим қизил бўлған менга,
Қатра-қатра ашкдин нақш айлаган қон бирла юз.

Суртарим туфроққа юз ҳижронда зойиъ бўлмағай,
Суртар ўлсақ васл аро бир-бирга жонон бирла юз.

Эй ажал, қўйким, қўяй юз ёрнинг кўйигаким,
Қўйғудектурмен адам кўйига армон бирла юз.

Хонақаҳ аҳли нифоқидин қутулмоқ истабон,
Қўймишам ийнак фано дайриға афғон бирла юз.

Эй Навоий, ул қуёш ёдида андоққим шафақ,
Бизга рангин айла жоми чархи гардон бирла юз.

221

Манга ўлмаклик эрур ҳажрда осон сенсиз,
Ўлайин, лек даме бўлмайии, эй жон, сенсиз.

Жонсиз имкони нафас йўқ кишига, ваҳки, манга
Не учун тинмас экин бир нафас афғон сенсиз.

Барқ ила раъдчадур тоғ уза мен мажнунға,
Кечалар оҳ била нолаи пинҳон сенсиз.

Тушмасин кимсага бу навъ қатиқ кунки, манга
Бўйлаким, қолмишам ўз ҳолима ҳайрон сенсиз.

Қилмағай танға ажал дарду балоси жонсиз,
Жонға зулмики қилур меҳнати ҳижрон, сенсиз.

Чарх ҳажрингда яқиндур бошима емрулгай,
Кўр, нелар келтурадур бошима даврон сенсиз.

Бўлса васлингда Навоий, йўқ ажал мумкин анга,
Лек бир лаҳза ҳаёт анга не имкон сенсиз.

222

Эй санга қад рост, лекин турраи таррор кўж,
Ким кўрубтур сарв ила сунбулни бу миқдор кўж.

Ростларға ростлиғдур иш магар, ул мастнинг
Қоматиким ростдур, лекин анга рафтор кўж.

Қиблаи дин оразингдур, куфр тори сунбулунг,
Не ажаб гар қибла туз бўлса, вале зуннор кўж.

Ростлар бошини туфроғ айласа рахши не тонг,
Улки қўйди мастлиғдин бош уза дастор кўж.

Ишқ аро кўнглунг тузатким, рост солғай акс ёр,
Кўзгу эгри бўлса, солур аксини рухсор кўж.

Эгридин жуз эгрилик ҳаргиз асар бўлмас аён,
Ким солур албатта соя нахли ноҳамвор кўж.

Қолибон зулфунг аро топти Навоий жисми тоб,
Найлагай бўлмай таноб ичра узулган тор кўж.

СИН ҲАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

223

Гулшани иқбол хори меҳнатиға арзимас,
Бодаи гулгун хумори накбатиға арзимас.

Лоларухлар васлида юз йил киши қилса нишот,
Бир замонлиғ, билки, доғи фурқатиға арзимас.

Баҳру кон нақдин агар йиғдинг, вале еткач ажал
Барчани солиб кетарнинг шиддатиға арзимас.

Ҳар неча терсанг йигитликнинг баҳори гулларин,
Бир хазони шайбу оҳи ҳасратиға арзимас.

Тахти иззат узра насб этса бировни даври чарх,
Азл кўйининг ғубори зиллатиға арзимас.

Ҳар неча давлат саҳоби сочса гавҳар бошинга,
Англаким, бир қатла барқи офатиға арзимас.

Хирқам олиб раҳн, дурди дард бер, эй майфуруш,
Ким харобот аҳли софи ишратиға арзимас.

Ҳар замон ёре кетар, жонимни олғил, эй ажал,
Ким ҳаёт аҳбоб дарди фурқатиға арзимас.

Кимса бирла тутмағил улфат, Навоий, негаким,
Айрилурда манга бўлған ҳолатиға арзимас.

224

Не ҳадки айлагамен ёр дастбўси ҳавас,
Муяссар ўлса итининг аёғин ўпмак — бас.

Табиб бермади муҳлик ҳароратимға сукун,
Ки тез ўлур бу ўт, ар худ Масиҳ урса нафас.

Кўзунг кўнгулни кабоб этти, маст агар эрмас,
Танурдин киши қушқа бўлурму, қилса қафас?

Ҳаваси лабинг шакаридур чибиндек этса ҳаво,
Кўнгулдин ўлмади кам ҳеч бу ҳавою ҳавас.

Фироқ ашкидин эл ғофил ўлмасунки, қилур
Кўзум аросида ҳар қатра қилмағанни Арас.

Насими ҳусн ёрутти чу шавқ шуъласини,
Эрур тенг ўртамакида хитойию чаркас.

Навоий ўлмади ровий ҳадисидин хушҳол,
Ки бу Ҳабибу Анис айтур, ул Ҳубайбу Анас.

225

Ҳолима ёр тараҳҳум қилмас,
Йиғласам зор, табассум қилмас.

Кўнглума ваҳм эрур ҳижрондин,
Қатлдин ҳеч таваҳҳум қилмас.

Ғунча оғзинг сўзида қайси замон,
Ким ҳазин кўнглум ўзин гум қилмас.

Жаврларким қилур ул ой манга,
Етти афлок аро анжум қилмас.

Қайси бир зулмки қилмас ул шўх,
Гарчи бу зор тазаллум қилмас.

Юз калом эл била айтур ҳар дам,
Бизга бир нукта такаллум қилмас.

Эй Навоий, қия боқти демаким,
Кўнглума ёр тараҳҳум қилмас.

226

Кўз ёрутмоққа демон меҳри жамолинг боғи бас,
Ким самандинг наъли, балким йўлининг туфроғи бас.

Кўргали мақсуд рухсорини миръот истарам,
Ҳар тараф кўксумдаги ишқингнинг эски доғи бас.

Бузғали кўнглумни заҳмат чекмангиз, эй дарду ғам,
Ким бу кишварни бузарға ҳажр хайли ёғи бас.

Йўлида туфроғмен, совурма, эй гардун мени,
Ким бу ишга чобукумнинг рахшининг туйноғи бас.

Кўзни ёзғурсам, ўярға ҳожат эрмас тиғи тез,
Ким ани кўр эткали ҳажр илгининг тирноғи бас.

Қориғанда тавба хушроқдур, йигитлар ишқидин,
Беадаблиғларки кўргуздунг йигитлик чоғи — бас.

Эй Навоий, дилраболарнинг вафосин истамон,
Ким манга ўз дилбарим жавру жафо қилмоғи бас.

227

Шоми ҳижронимға, эй гардун, саҳар пайдо эмас,
Чекма заҳмат қатлимаким, ҳожати ялдо эмас.

Жоним олмоққа ажал хайлидурур кўюнг аро,
Итларингдин бошим узра ҳар тараф ғавғо эмас.

Настарандурким, юзунг ҳажрида қонлиғ кўз била,
Заъфароний юзга суртубмен, гули раъно эмас.

Ғунчадек кўнглум йўқ оғзинг ҳасратиға тушкали,
Ҳам анинг рангин ҳамоно туттиким, пайдо эмас.

Ҳар дам истиғною нози юз гунаҳсиз қон тўкар,
Бу ажаб муҳлик балодур, нозу истиғно эмас.

Чарх жомида тўлодур заҳри қотил қасдима,
Гар нашотим йўқ, ажаб йўқ, соғари саҳбо эмас.

Шоҳлардин лутфу эҳсон даъб эрур ажз аҳлиға,
Барча шаҳлар золим, ондоққим, бизинг Мирзо эмас.

Эйки, мендек телба эрмассен, жиҳат ушбу экин,
Ким нигоринг бир парийпайкар малаксиймо эмас.

Зикру тасбиҳ истама мендин, Навоийким, ишим
Тунлар ул ой ҳажрида жуз оҳу вовайло эмас.

228

Кўрмак они чун ҳадим йўқ, мени жонон тонимас,
Йўқ ажаб гар они ҳам бу зори ҳайрон тонимас.

Ошиқу маъшуқ бўлмоқ бир-бирин танишмайин,
Биз иковдин бошқа гўё аҳли даврон тонимас.

Ғамки юз йиллик рафиқимдур, нетиб мен телбаға
Кўрмайин кўксумда юз минг доғи ҳижрон тонимас.

Ваъдаи васлини ёд этгайки базми айш аро,
Мастлиғдин кимсани ул аҳди ёлғон тонимас.

Эй мусулмонлар, ажаб йўқ кофиру мает ўлмағим,
Чунки ислом аҳлини ул номусулмон тонимас.

Тонима давр аҳлиниким, улки жон қилсанг фидо,
Ҳолинга тағйир бергач даври гардон тонимас.

Эй Навоий, қил Ироқ оҳангию азм эт Ҳижоз,
Ким муҳаббат зумрасин аҳли Хуросон тонимас.

229

Бизга ишқ андуҳидин иш зорлиғларму эмас,
Ҳоли ҳажр ошубидин душворлиғларму эмас?

Ғунчадек юз пора кўнглум ҳоли бир гул ҳажридин,
Хорлиғларму эмас, афгорлиғларму эмас?

Тонг эмас ҳижрон саҳобин десалар ёғдурди қон,
Кўзларим даъби кеча хунборлиғларму эмас?

Эй ажал, ҳижронда ўлмакдин мени қўрқитмағил,
Иш манга бу сўзда миннатдорлиғларму эмас?

Эмин ўлма, меҳр кўргузган била, афлокдин,
Ким бу кажравлар иши ғаддорлиғларму эмас?

Маҳвашеким покрав ошиқни қилғай баҳравар,
Ҳуснидин ойини бархурдорлиғларму эмас?

Эй Навоий, ёр кўйи итларининг ҳолинга
Кеча тутмоқ қопмоғидин ёрлиғларму эмас?

230

Басе бу дайри куҳан маҳбасида қилма жулус,
Ки анда ҳар киши мажлис тузар, бўлур маҳбус.

Жаҳондин истама очуқ футуҳ абвобин,
Ки бу замона аро бўлмиш ул эшик мадрус.

Хавос саъйи била файз йўқ риёзатсиз,
Гар ўлса доғи бу иш бизга бўлмади махсус.

Совуғ келур кўзума хонақоҳу зуҳду риё,
Хушо, шарораи Зардушт бирла дайри мажус.

Майи муғона агар бизга тутса муғбачалар,
Гар арғанун уни йўқ эрса, басдурур ноқус.

Чу йўқ бу кишвари ислом аро вафо била меҳр,
Хушо, навоҳийи Афранжу хиттаи Тартус.

Чу умр ўтар, бу кун ўзни нишот ила хуш тут,
Ки тонгла нафъ етурмас дариғ ила афсус.

Висолдин мен агар ноумид эсам, ё Раб,
Ки ишқ зумрасидин қилма кимсани маъюс.

Навоиё, сену оворалиғда расволиғ,
Нединки дайри фано ичра нанг эрур номус.

231

Ҳар кишига даст берса ул парий янглиғ анис,
Боқа олмас, топса меҳри ховари янглиғ анис.

Меҳр этиб зоҳир, харидор ўлмас ул ой борида,
Ҳар кўнгулким топса меҳру Муштари янглиғ анис.

Минг фиғонлиқ кўнглум ул гулрух била гар топти унс,
Басдурур булбулға гул барги тари янглиғ анис.

Раҳми ортуқ бўлғуси ул номусулмондин басе,
Бўлса дин хайлиға Хайбар кофари янглиғ анис.

Ўз анисимдин кўнгул гар узмасам йўқтур ажаб,
Ким топилмас кимсага ўз дилбари янглиғ анис.

Сен манга бас, Лайлию Ширин ул икки зорға,
Ҳар кишига бўлмас ўз маҳпайкари янглиғ анис.

Ўз анисимға агар девонамен, йўқ айбким,
Йўқ ажаб девоналиғ топқан парий янглиғ анис.

Хуштур ул ой, гар анисим бўлсаким ишқ авжида,
Толиъ ўлмас ул саодат ахтари янглиғ анис.

Эй Навоий, юз туман муғ дайрида сайр айласанг,
Топмағунг ул ақлу дин ғоратгари янглиғ анис.

232

Дайр аро бизга ватан сарманзили хаммор бас,
Қибла — бут, сарриштаи фақру фано — зуннор бас.

Дам-бадам бир муғбача лаъли лаби ҳижронидин,
Лаългун соғар, қадаҳдек дидаи хунбор бас.

Девсийратлардин, эй гардун, мени оғритмаким,
Юз аларча оғритурға ул пари рухсор бас.

Ёр зулм этган сайи ағёр сўрмоқ зулм эрур,
Ваҳки, шояд қилмағай ҳаргиз жафосин ёр бас.

Жоми минойини соқий гар бас этмас, бок эмас,
Гарчи жаврин қилмағай бу тоқи минокор бас.

Чархдин не келса, хуш бўлким, сенинг кўнглунг учун,
Айламас даврини ҳаргиз гунбади даввор бас.

Эй Навоий, риштаи давронға чеккил дурри назм,
Ким замон авроқиға сендин сўз-ўқ осор бас.

233

Меҳр гўёким тулуъ этмиш, менинг моҳим эмас,
Ким юзига кўз сола олмонки, дилхоҳим эмас.

Ҳар дам оҳингдин дема миръоти ҳуснунг тийрадур,
Тийра бўлма, ишқинг ўти дудидур, оҳим эмас.

Саъб учун ишқ, ўлдилар Фарҳоду Мажнун йўлда-ўқ,
Ким бири ҳоло бу водий ичра ҳамроҳим эмас.

Оҳ, жисмимни анинг кўйига солди, юз минг оҳ,
Ким анга бир кўҳи меҳнатдур, пари коҳим эмас.

Аҳли ишқ истар висолу мен хаёлиға доғи,
Ўзни лойиқ топман, эл бу ишта огоҳим эмас.

Мен фано дайри гадойимен, недур синған сафол,
Илгима гар ҳар эшикда шайалиллоҳим эмас.

Кўйида чун туфроғ ўлдум, эсмасун ул ён сабо,
Эй Навоий, ул мақомимдур, гузаргоҳим эмас.

234

Тутмайин оламда кўнглум насли одам бирла унс,
Ваҳки, охир тутти бир ошуби олам бирла унс.

Кимга айтай ул парий дардин мени мажнун даме,
Чун тута олмон жунундин ҳеч ҳамдам бирла унс.

Жонда ҳар захм ичра чун дарди анинг матлубдур,
Бу жиҳатдиндурки, топмас ҳеч марҳам бирла унс.

Гар унуттум ваелни ҳижрон аро, ёд айламас
Шодлиғни, улки тутти меҳнату ғам бирла унс.

Вомиқу Мажнунға ҳолим демадимким, қўймади
Ваҳшати ҳижрон тутарға ҳеч маҳрам бирла унс.

Бор эса навмид ошиқлар анисим, тонг эмас,
Мотам аҳлиға, ажаб йўқ, аҳли мотам бирла унс.

Олам аҳли сустпаймондурлар, эй аҳли вафо,
Даст агар берса, тутунг бир аҳди маҳкам бирла унс.

Ул пари пайкар малакваш, мен жунундин девсор,
Тутмаса йўқ айб бу расвои олам бирла унс.

Эй Навоий, шоҳ чатри соясидин ори бор,
Тутқан эл бир лўлии ошуфта парчам бирла унс.

235

Қўп, эй боди сабо, жонон сари эс,
Масиҳ анфоси янглиғ жон сари эс.

Анинг кўйида қил арзи ниёзим,
Даме ул равзаи Ризвон сари эс.

Даме гул бирла сунбул хайлидин ўт,
Замоне лолаю райҳон сари эс.

Чу ул гулшандин ўлдунг руҳпарвар,
Ёниб бу кулбаи аҳзон сари эс.

Исидин бер танимға руҳ, яъни,
Ки бу фарсудаи ҳижрон сари эс.

Фано даштида, эй ҳижрон самуми,
Қуюн янглиғ бу саргардон сари эс.

Навоий чун ўлар, эй сарсари оҳ,
Бузуғлик қилғали даврон сари эс.

236

Манга ишрат ери — кунжи фано бас,
Янги маснад — бир эски бўрё бас.

Яланг тан ёпқали бас шоли идбор,
Бош остида яланг қўл муттако бас.

Даво дардимға гар топмон, эмас ғам,
Ки дардимға давосизлиғ — даво бас.

Майи ишратни аҳли айш чексун,
Менга хунобаи ранжу ано бас.

Мен ўлдум худ вафо йўлида туфроғ,
Вале ёр айламас жавру жафо бас.

Скандарга жаҳону азми зулмат,
Ки мулки ишқу шоми ғам манга бас.

Десам англай жаҳон ҳолини равшан,
Қадаҳ ойинайи гетинамо бас.

Ҳаводисдин паноҳ ҳар кимга бир ер,
Манга майхона кунжи мултажо бас.

Наво маъшуқдин гар кўз тутса ушшоқ,
Навоийға навосизлиғ — наво бас.

237

Эй кўнгул, ҳолимға ул ой раҳм қилғудек эмас,
Зорлиғ бирла ишим андин очилғудек эмас.

Ишқида расволиғим ул навъ бўлди фошким,
Зуҳду исмат пардаси бирла ёпилғудек эмас.

Жоми ишқидин кўнгул ул навъ эрур масти хароб,
Ким қиёмат базмиға тегру айирғудек эмас.

Ўйла ишқи даштида мажнун кўнгул оворадур,
Ким парилар истаган бирла топилғудек эмас.

Соқиё, лаълинг майидин гар иложе қилмасанг,
Бу хуморим лаъли май бирла ёзилғудек эмас.

Дард ўтин қилған ҳавас аввал кўнгулни ўртадик,
Ким ул ўт ҳар хом кўнглига ёқилғудек эмас.

Эй Навоий, ул паривашдин вафо кўз тутмағил,
Ким жунун аҳлини асло кўзга илғудек эмас.

Зулфидур кўнглумда ҳар дам, оҳ чекмак суд эмас,
Ким ҳавоға мушку анбар гарди бутрар, дуд эмас.

Ҳусни васфин демаким, ишқим киби поёни йўқ,
Меҳридин не дейким, ул сабрим киби мавжуд эмас.

Юз вафо аҳд айласанг, йўқтур вафои аҳд ҳеч,
Ким сенинг аҳдингға ойини вафо маъҳуд эмас.

Лабларинг ҳажринда жоним қасдиға кўз даврида,
Нешлардур лаългун, мужгони хунолуд эмас.

Доғи ишқин кўнглума қўйдум, қаноат қилмади,
Қалби сойилдекки, олиб бир дирам, хушнуд эмас.

Англағил нобудини юз қатла хушроқ будидин,
Соликеким, фақр аро буди анинг нобуд эмас.

Шайх агар ёпти Навоийға эшик, расво дебон,
Шукр эрурким, афву раҳмат эшики масдуд эмас.

239

Қилдинг офат барқидин жонимға ўт ёқмоқ ҳавас,
Тифл ўт ёқмоқ учун қилғандек ўт чоқмоқ ҳавас.

Телба кўнглум шуълаи ишқингни асрар жон аро,
Ўйлаким аҳли жунун айларлар ўт ёқмоқ ҳавас.

Ё мизожинг тунд экандин, ё рақибинг ваҳмидин,
Боқа олмон неча кўз истар санга боқмоқ ҳавас.

Ишқ журмин бўйнума туттум, вале бу журм учун,
Қилмадинг зулфунг танобин бўйнума тоқмоқ ҳавас.

Сели ашким истарам сурсам, вале кўюнг сари,
Истамон вайрон қилур андишадин оқмоқ ҳавас.

Базми ҳиммат ичра май ичсам, қилурмен ҳазл учун,
Чархнинг фарқи уза рад илгини қоқмоқ ҳавас.

Неча ўт ёқмақ ҳавас қилғунг Навоий жониға,
Анда бир қилсанг бўлур марҳам доғи ёқмоқ ҳавас.

240

Ғамзангни киши наззора қилмас,
Ким бағрини пора-пора қилмас.

Дардимға агарчи йўқ шумора,
Ишқинг муни ҳам шумора қилмас.

Бечора мени денгиз ғам ичра,
Ким ёр ғамимға чора қилмас.

Қилғанни жаҳонға оҳу ашким,
Чарх айламасу ситора қилмас.

Ишқ қилди кўнгулга дарди ҳажринг
Ким шишаға санги хора қилмас.

Топмас киши даҳр базмидин ком,
Ким мажмаъидин канора қилмас.

Хилват аро киргали Навоий,
Жуз махласин истихора қилмас.

241

Ул ой бўлмай манга маҳбубу маънус,
Мени васлидин этти чарх маъюс.

Не билгай ҳолатим дашт узра Мажнун,
Ки эрмас ҳажр зиндонида маҳбус.

Магар ғам шоми ҳижрон қийри бирла
Юзумга васл эшикин қилди мадрус.

Сен, эй давлат қуши, учким, мену чуғз,
Ким ул манҳусу бахтим доғи манҳус.

Вафо аҳли замондин қилма бовар,
Ки не маъқул эрур бу иш, не маҳсус.

Кетур майким, чу бўлдум ошиқу мает,
Ҳамул дам дафъ бўлди зуҳду номус.

Навоий рағмиға хуш тутсун ўзни
Ангаким, бир анисе бўлса маънус.

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «ФАВОЙИД»ДИН

242

Оқара бошлади бошу тўқула бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.

Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.

Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса
Минг ишидин бирига яхшилиқ маҳол эрмиш.

Эрур ҳаётнинг ўқ янглиғ ўтмакига далил,
Кишики, ё киби қадға асодин этти кериш.

Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.

Йигитлик ўлди баҳору куҳулат ўлди хазон,
Дегай бу сўзни — қарилиғни қишқа ўхшатмиш.

Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,
Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима — қиш.

Не турфа ишки, бирав чунториқти умридин,
Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.

Навоиё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

243

Улки бизни зору они асру зебо айламиш,
Они нопарвою бизни ношикебо айламиш.

Ишқида ҳар кимки содиқроқ, жафоси саъброқ,
Аҳли ҳусн ичра ул ой хуш раем пайдо айламиш.

Дайр аро юз муғбача таълим олурға қўйди юз,
То лабинг эҳёйи анфоси Масиҳо айламиш.

Гар итингнинг пойбўсин топмаса кўнглум, не тонг,
Не учунким, ҳаддидин ортуқ таманно айламиш.

Ишқ аро ўлмай нетайким, кўк мени айлаб гадо,
Ҳусни иқболи менинг моҳимни мирзо айламиш.

Тоғ аро Фарҳоду дашт ичра солиб Мажнунни ишқ,
Кимни мендек жумлаи оламда расво айламиш?

Йиғламиш гоҳи кавокибдин кулуб, гаҳ субҳдин,
Чархким, ҳолимни ғам шоми тамошо айламиш.

Жон бериб, даврон элидин истаманг меҳру вафо,
Ким басе топмиш зиён, ҳар ким бу савдо айламиш.

Гар Навоий, кўнгли мулки бўлса вайрон, айб эмас,
Турктози ишқи ул кишварни яғмо айламиш.

244

Юз бало бошимға ёғдурған, дедим, афлок эмиш,
Чунки таҳқиқ айладим, ул кофири бебок эмиш.

Ҳусн авжида тулуъ айлаб ёрутған даҳрни,
Мен қуёш соғиндим, ул рухсори оташнок эмиш.

Нотавон жисмимни сели ашк уза қилдим қиёс,
Олами ишқ ичра дарё узра бир хошок эмиш.

Ғам туни бемеҳр экандин йўққи кўксум чок эрур,
Субҳнинг пироҳани доғи бу ғамдин чок эмиш.

Кўнгулу кўз қонидин ориғ бўлур эрмиш юзи,
Ошиқеким, ҳар ғараздин кўзу кўнгли пок эмиш.

Йўқ шафақ, мазлум қониға қолиб эрди сипеҳр,
Они юған баҳри ашким мавжидин кўлок эмиш.

Етса муҳлик ғам, тилармен боданўше негаким,
Дофиъи ул заҳрнинг, билдимки, бу тарёк эмиш.

Хурда сочқандин чаман мулкида султон бўлди гул,
Ғунча қонлиғ кўнглига солған гириҳ имсок эмиш.

Эйки дерсенким, менинг ҳуснумму ортуқ ё қуёш,
Соғинурсенким, Навоий бўйла беидрок эмиш.

245

Қомату рафторинг ул мундин, бу андин хўб эмиш,
Жузв-жузвунг бир-биридин лутф аро марғуб эмиш.

Ҳар не қилса, ўт ёқар аҳли муҳаббат жониға,
Эй заиф аҳбоб, ул ой не бало маҳбуб эмиш.

Номасин бўйнумға осдим — дардима берди шифо,
Ул китобат ҳирзи жон эрмиш, деманг мактуб эмиш.

Гар тутуб Лайли отин Мажнун қилур эрмиш фиғон,
Андин эрмишким, жунун ойиниға мансуб эмиш.

Ёр отин жондин чиқориб, тилга мазкур айламак,
Ошиқи фарзона оллинда қачон маҳсуб эмиш!

Ҳажрдин невчун талаб водийсида қилдим фиғон,
Чунки толиб бирла эрмиш, кимсаким матлуб эмиш.

Бўлмаса ҳеч иш, ўзидин бехабарлиқ басдурур,
Ишқи ғолиб илгида ҳар кимсаким, мағлуб эмиш.

Фоний ўлсанг, кир фано дайриғаким, йўл топмамиш,
Ҳар ким анда ўзлуки айби била маъюб эмиш.

Гар висол аҳли Навоийдин танаффур этсалар,
Йўқ ажабким, ҳажр зиндони аро манкуб эмиш.

246

Кирпикинг нешдуру ғамзангу ҳажринг ҳам неш,
Не ажаб, кўксуму кўнглум била бағримдағи реш.

Сўрдунг эл кўнглини, сўрғил чу дедим кўнглумни,
Решға кимса илож айламамиш, санчиб неш.

Кўнглум андишаси васлингдурур, уммид буким,
Ҳақ муродиға текургай, чу эрур хайрандеш.

Кўзларинг кеши эрур куфр эмас ҳеч ажаб,
Аҳли ислом сени гар десалар кофиркеш.

Боғладинг зулф ила кўнглумни, халосин тиламон,
Беркрак чеккали шоядки дегайменким, еш.

Неш сўл кўзига етганда гар ўтру тутмас
Ўнг кўзин айни ризо они демайдур дарвеш.

Дўстунг деди Навоий ўзини, билмонким,
Не учун бўлди анинг душмани бегонаю хеш.

247

Эй, кўнгул гулзори васлинг субҳида ноланда қуш,
Йўққи, атфоли фироқинг илгидин парканда қуш.

Қасри узра қушму тимсол эттилар ул шаҳнинг,
Ё бошиға чатрдек очти қанот фархунда қуш.

Нутқи тўти, жилваси товусу рафтори тазарв,
Ҳусн гулзорида йўқтур бир анга монанда қуш.

Номаи шавқумни чун элтурга ожиз бўлдилар,
Ел кўрунмас кўзга, дам урмас бўлуб шарманда қуш.

Қуш бўлур, бошимға қўнғач, дуди оҳимдин қаро,
Кўр жунун жазбинки, анда қўнса, бўлғай банда қуш.

Фақр тут, гар истасанг учмоққи, бу уммид ила,
Бўйниға тасбиҳ осиб, юнгдин кийибтур жанда қуш.

Эй Навоий, ишқдин қочма, боқиб булбул сари,
Кўрки, махлас топмади бу банддин парранда қуш.

248

Ҳар нечаким жавру истиғно эрур жононға иш,
Жуз ниёзу ажз не бўлғай мени ҳайронға иш.

Шавкат аҳли ёр лаълидинки, ком этмиш тамаъ,
Эй кўнгул, ўлсам не тонг, чунким тушубтур жонға иш.

Ашку оҳимдин агар кўнглум бузулса не ажаб,
Мулку кишвар бузмайин не бўлғуси тўфонға иш?!

Ҳажр даштида қуюн бирла югурмакдур ишим,
Мундин ўзга бўлмағай мажнуни саргардонға иш.

Боданўшум тавба таркидинки, қилди тарки ҳуш,
Эй кўнгул, тушти яна мен зори бесомонға иш.

Жон олибким, ваъда побўс этти, мумкин йўқ вафо,
Чунки ёлғон ваъдадур ул ваъдаси ёлғонға иш.

Неча жон қилдим фидоси — одамийлиғ топмадим,
Тушмасун, ё Раб, парий жинси била инсонға иш.

Гар Навоий куйди ҳажр оташгаҳида, йўқ ажаб,
Ўртамакдин ўзга бўлмас шуълаи ҳижронға иш.

249

Ҳам хати хазроси хуштур, ҳам лаби гўёси хуш,
Ҳам Хизр хуш, ҳам анинг айни ҳаётафзоси хуш.

Эй муғанний, ҳажр заъфидин ҳазинмен ўйлаким,
Лаҳни Довуди била келмас Масиҳ анфоси хуш.

Бир ишорат бирла ўлтурдию хушменким, келур
Барча гар худ қатл учундур, ёрнинг имоси хуш.

Ўйлаким тожир бўлур хуш яхши савдо берса даст,
Мени савдойини асрар зулфининг савдоси хуш.

Руҳ хайли олдораб, ўз ҳолиға топмас шуур,
Чун хиром этса, равоносо қади раъноси хуш.

Ваҳ, недин ажзу ниёзим нохуш эркин оллида,
Нечаким, кўнглумга келса нозу истиғноси хуш.

Эй хирад аҳли, сизу ақлу вараъ мулкида қайд,
Ким эрур ишқ аҳли оллинда жунун саҳроси хуш.

Ичкали эски сафол ичра гадолиғ дурдини,
Бизга ўзга келмади жуз соғару саҳбоси хуш.

Эй Навоий, қуллуғин назм ичра арз этмак не суд,
Улки қилмас назм бирла қуллуғин Мирзоси хуш.

250

Ул ойдин ҳам вафо хуш, ҳам жафо хуш,
Не келса ўзгалардин — барча нохуш.

Табибо, лутф этиб, қўпқил бошимдин,
Ки келмайдур бу дардимға даво хуш.

Фароғ аҳлиға жоми васл хуштур,
Менга лекин эрур заҳри бало хуш.

Йўқ эрса васл иқболиға ҳаддим,
Вале кўнглумга бор ул муддао хуш.

Агар нўши висол, ар заҳри андуҳ,
Неким тутсанг ичарбиз, соқиё, хуш.

Бу дайр ичра ул ўзлуктин қутулди,
Ки киргач тортти жоми фано хуш.

Навоий хуштур ашку оҳи бирла,
Анга чун келди бу сую ҳаво хуш.

251

Муҳаббат шевасининг лозими ажзу ниёз эрмиш,
Вафо ойинининг хосияти сўзу гудоз эрмиш.

Дер эрдиларки, ажз аҳли ниёзи нозанинларнинг
Қилур нозини кам, ул мужиби туғёни ноз эрмиш.

Қаддининг жилваси оллинда сарвинозни кўрдум,
Бу бир асру фурутан, ул бағоят сарфароз эрмиш.

Нетиб ўлмайки, сабрим оздин-озу шавқ кўптин-кўп,
Ул ойнинг ҳусни кўптин-кўп, вафоси оздин-оз эрмиш.

Жаҳон боғида рустохез тушмиш эрди ҳар ёндин,
Жиҳат маълум қилдим, сарвинозим жилвасоз эрмиш.

Бирав базмин бу ақшом рашки жаннат дедилар, билдук,
Шабистонин мунир эткан бизинг шамъи тироз эрмиш.

Бало заҳрини чекмай зуҳдунг, эй сўфи, эрур борид,
Ҳақиқат ишқиға ҳам чошни ишқи мажоз эрмиш.

Вафосиз эрканин даҳр аҳли билмай, жон фидо қилдим,
Вафо аҳлиға бу элдин муносиб эҳтироз эрмиш.

Навоий, ўт Наҳованду Спаҳон бирла Найрездин,
Ҳусайни туйғучаким, санга оҳанги Ҳижоз эрмиш.

252

Феруза тугма бирла нигорим бўйнида киш,
Ою тунга чарх жавҳаридин зийнат айламиш.

Ул ойни ҳажр сари далолат қилур улус,
Бил, эй бузуғ кўнгулки, яна бизга тушти иш.

Келмакни тарк қилдию борурға бўлди жазм,
Бўлмай арада бир-ики қатла бориш-келиш.

Кўзни саманди наълиға қўйғанда кошки,
Анда тикарга айласа кирпикларимни шиш.

Эй ҳажр тиғи, сен доғи кесмакта қил мадад,
Ул кўй итига узгали бағримға урса тиш.

Барқ узра турки меҳр гумон айлади кўнгул,
Пўянда рахш уза бизнинг шаҳсувор эмиш.

Ғам йўқ, Навоий, этса азимат сафарға ёр,
Десанг ити ўзунгни қаёнким борур эрмиш.

253

Тўъмаким, топмас итинг урса тани зоримға тиш,
Ғуссадин мен ҳам урармен жисми афгоримға тиш.

Мен киму кулмак сўзи, чун ғунча ичра жоладек,
Эл аро иржаймади ҳаргиз чу дилдоримга тиш.

Не ажаб сориғ юзум тағйири чун қон ичкали,
Бағрима маҳкам бўлур ҳар лаҳза хунхоримға тиш.

Куфр аро тушмиш гириҳ динимғаким, очилмади
Нечаким урдум тугун очмоққа зунноримға тиш.

Танни тишлаб-тишлаб узмак истарам, ваҳ, не осиғ,
Ким очилмас бир-биридин эмди беморимға тиш.

Бул-ажаб ҳолимға гар ҳижрон туни кулмас фалак,
Нега анжумдин кўрунди хасми ғаддоримға тиш.

Эй Навоий, эрни онинг лаълдур ё юқти қон,
Беркиганда бағрима шўхи ситамгоримға тиш.

254

Гарчи атфол отти бир-бир жисми урёнимға тош,
Кўрки, хирман-хирман ўлди жамъ ҳар ёнимға тош.

Кулбам атрофида бедоду маломат тошидур,
Гўйиё ёғмиш фалакдин байтул-аҳзонимға тош.

Ҳажр тоғида лаби шавқида оқса қон ёшим,
Лаъл ўлур гўё бўялса ҳар тараф қонимға тош.

Дўстлар, бастур мазоримға маломат тошлари,
Чекмангиз меҳнат қўярға қабри вайронимға тош.

Бас қилинг, атфол, тош отмоққи, қон бўлмиш ичим,
Тегди гўё тоза қўйған доғи пинҳонимға тош.

Гарчи тошинг тутти ер жисмимда, лекин зулм эди,
Буки ўтти захм аро чун тегди пайконимға тош.

Чун тўюбтур нотавон жисмим балият тошидин,
Берма, эй гардун, ғизо янглиғ яна жонимға тош.

Вазн учун паймонани қилғил улуғ, эй майфуруш,
Ким эмас тортар учун ҳожат бу мезонимға тош.

Жомни чекмакта ғам дафъиға қолқон айладим,
Эй Навоий, чарҳдин ёғди бу қолқонимға тош.

255

Эй, гулшани ҳусн ичра хатинг сабзаи дилкаш
Ким атри этиб руҳ димоғини мушавваш.

Ул кўзга эмас ҳожати соғар, негаким бор
Қон ичмак ила масту майи ноз ила сархуш.

Оламни агар қўзғабон ўт солса, тонг эрмас,
Ул шўхки сархуш чиқибон, секретур абраш.

Руҳониятим ғолиб эрур, токи ичиб роҳ,
Жонимға солур аксини ул ҳури париваш.

Давр аҳлида йўқ софки, анинг ғаши йўқтур,
Жуз соқийи давр илгида софий майи беғаш.

Зоҳид, сену кавсар, бизу муғ дайри нединким,
Бир заҳри балокаш бизу, сен нўши риёчаш.

Ғайрингдин ориғ айлади кўнглини Навоий,
Ким бут рақами бирла бу уй эрди мунаққаш.

Шукрким, сочтим эса ғам туни анжум киби ёш,
Васли субҳида тулуъ айлади оллимға қуёш.

Захмлар устида марҳамға момуғлуқ қиладур,
Ғам саҳоби неча ёғдурди синуқ бошима тош.

Тутош эрди ғам аро навҳаларим бир-бирига,
Айшдин кулгуларим бир-бирига ўлди тутош.

Ҳажр хуноби майи васли манга берди самар,
Заҳр бўлғай эди оғушта бу хунобиға кош.

Аҳли ишқ, ўлмангиз озурда фироқ ўтларидин,
Ул томуғқа боре васл учмоғи эрмиш подош.

Ишқ аро васлни ком аҳли начукким, талашур,
Ҳажрни зумраи ноком керак қилса талош.

Ким фироқ ўтиға сабр этса Навоий янглиғ,
Оташин гуллар анга бўлғуси ул ўттин фош.

Бизга йўқтур олам аҳлидин жафодин ўзга иш,
Ҳар замон юз дарду ҳар дам юз балодин ўзга иш.

Оҳким, андин жафодин ўзга келмас ўтруда,
Гарчи мендин келмади ҳаргиз вафодин ўзга иш.

Менмену ошиқлиқ, эй носиҳки, умрум борида,
Бошима жуз ишқ келмайдур қазодин ўзга иш.

Зулфи занжири аро минг зулм кўрсам, эй кўнгул,
Жуз тазаллум истама мен мубталодин ўзга иш.

Нозу истиғно неча кўргузса ул султони ҳусн,
Жуз ниёзу ажз не келгай гадодин ўзга иш.

Хизматиға қайси юз бирла борайким, келмамиш
Тийраликдин ўзга мен юзи қародин ўзга иш.

Дўсту лутфидин умидим ончадурким, ғайри афв
Истай олмон, гарчи қилмаймен хатодин ўзга иш.

Мендин ўзга иш келмай жуз майи субҳий чекиб,
Жуз ғино келмас яна аҳли риёдин ўзга иш.

Эй Навоий, ваъдаи васлиға бўл хурсандким,
Чарх ногаҳ қилмағай зоҳир ародин ўзга иш.

258

Олур жонимни ишқу манга дам урмоқ маҳол ўлмиш,
Бировдекким, тили онинг ўлар ҳолатда лол ўлмиш.

Эрур ҳар сори кескан наъл ё рахшинг изи билмон,
Таним туфроғи то жавлонгаҳингда поймол ўлмиш.

Ичиб қонимни ул кўзким қизармиш, нотавонедур,
Ки ҳам беморлиғда май чекиб, рухсори ол ўлмиш.

Таним то риштаи зулфунг хаёли бирла чирмашди,
Биайниҳ риштаи зулфунгға чирмашқан хаёл ўлмиш.

Қошинг ҳажрида тишлар бирлаким жисмимни нақш эттим,
Назора айлаким ҳар пайкари мушкин ҳилол ўлмиш.

Кўнгул боғида оҳим ўқлари қаддинг фироқидин,
Бари ғам бергали ҳар қайси бир раъно ниҳол ўлмиш.

Фано кўйига кирким, Жам била жоми жаҳонбиндур,
Гадоким, жом анга бу дайр аро синған сафол ўлмиш.

Сен уйқу ичрасен, хуршид авжи давлатинг тушдур,
Ҳам ушбу тушда ул хуршидқа доим завол ўлмиш.

Юзунг кўргач Навоий кўнгли озди зулфдин банд эт,
Ким ул мажнун баҳори васлидин ошуфтаҳол ўлмиш.

259

Ҳусни девони уза матлаъдур ул пайваста қош,
Котиби тақдир анинг мисраъларин ёзған тутош.

Жолаи офат киби ул ой баҳори ҳуснида,
Чарх анжум жавҳаридин ёғдурур бошимға тош.

Ўтлуғ оҳимдин бўғуз оғзимғача мажруҳ эрур,
Айб қилма, эй кўнгул, ноламда фаҳм ўлса харош.

То сиришким қонға эврулди даме тинмай оқар,
Музтариб бўлмоқ ажаб йўқ, бўлса хунолуда ёш.

Ёшурун эрди ғамим, муфрит қадаҳ ўткан кеча
Йиғлатиб, беихтиёр эткан эмиш эл ичра фош.

Хилват эткан ихтиёр илгида бир ибриқи май,
Тонг эмас гар қилса бир бодом ила ҳар кун маош.

Эй Навоий, келди ёру борди кўнглунгни олиб,
Ёна бир қатла келиб, жонингни доғи олса кош.

260

Ёзуқсиз, журмсиз бедод этар фош
Манга ул сурмасиз кўз, вўсмасиз қош.

Фиғонким, бу тараф боқмай ўтарсен,
Нечаким, кўзларим юммай тўкар ёш.

Сиришким сели ҳар ён ўйла сурди,
Ки топмон кўксума урмоқ учун тош.

Илигинг ўпкали очмиш оғизлар,
Қиличингдин саросар захмлиғ бош.

Ҳамоно қолмас ўз ҳолида ранги,
Сизарда суратингни кўрса наққош.

Баҳодур нақди дин, эй дайр пири,
Карам қил майки, борбиз асру қаллош.

Демиш: келсам Навоий қатлин айлай,
Келиб, не кўнгли истар, айлагай кош.

Парийзодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушлари ул ҳалқа мўлар бирла банд этмиш.

Самандингким, ёлиндек тез эрур, юз шукрким, гардун
Анга бизни самандарваш, мунга гарди саманд этмиш.

Чекарга ишқ оташгоҳиға девона кўнглумни,
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуқ каманд этмиш.

Вафоға телбаликдин нописанд ўлсам, ани кўрким,
Жафоға кимни менча ул пари пайкар писанд этмиш.

Майи равшан тут, эй соқийки, кўнглум тийра қилмиш шайх,
Даму афсун била баским, анга изҳори панд этмиш.

Лабингда нўшу заҳри ҳажр оғзимда тонг эрмас, гар
Менга ҳар заҳрханд ўлғанда ул бир нўшханд этмиш.

Лаби лаълин малоҳат холи бирла баҳравар қилған,
Менинг жонимни доғи ишқ бирла баҳраманд этмиш.

Биравким, сарвдек озодаваш бўлди бу боғ ичра,
Қазо деҳқони ҳам сарсабз ани, ҳам сарбаланд этмиш.

Навоий, кеч висол уммидидинким, Ҳақ сени беҳад
Залилу зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.

Саҳоб эрмаски, кукраб тоғ уза ҳар сори айланмиш,
Ки дуди оҳу афғоним фалак тоқиға чирманмиш.

Анинг илгидадур кўнглумки, ондин айрила олмас,
Тамом ул қуш масалликким, киши илгига ўрганмиш.

Кеча уйқу бировда бўлмаса не тонгки, кўюнгда
Тўшанмиш хорни остидаю хорони ястанмиш.

Чоқилғач ламъаи ҳуснунг, манга қолмас асар боқий,
Бировга не асар қолғайки, барқ ўтиға ўртанмиш.

Рақибинг ҳам, итинг ҳам кўнглумга кўюнгда душмандур,
Ки тунлар то саҳаргаҳ тортмиш афғону кунгранмиш.

Жаҳон аҳлиға гар уйқу ҳаром ўлса ажаб эрмас,
Ки ноз уйқусидин ул кофири бебок уйғанмиш.

Мени ошуфтани ул туррадин қилмоқ халос ўлмас,
Ки жоним риштаси бирла анинг ҳар тори тўлғанмиш.

Замонға бовужуди бевафолиғ таън қилмангким,
Замона аҳлидин расми вафо бобинда сайланмиш.

Манга зуҳди риёи хирқасидин ул палос ортуқ,
Ки юз қатла фано дайрида май лойиға булғанмиш.

Хушо, муғ дайриким, бир дамда айлар муфлису расво
Биравким, умрлар ҳам молу ҳам номус қозғанмиш.

Навоий зуҳд ҳарфин тавба қилса, эй риё аҳли,
Анга келмас ўлум, бир ҳарзани гар айтмиш-тонмиш.

263

Дарди кўп урён танимға юз туман доғ ўлмамиш,
Токи ҳар бир дардиға бир доғ этар чоғ ўлмамиш.

То кўзунг ойини усруклукдуру беморлиғ,
Заъфлиғ сармаст кўнглум лаҳзае соғ ўлмамиш.

Ғам туни ул ойдин айру айламиш анжум харош,
Ҳар тараф кўксумни гўё ранжа тирноғ ўлмамиш.

Поя ишқ аҳлиға олийдур, йўқ эрса халқдин,
Қочқали Фарҳоднинг манзилгаҳи тоғ ўлмамиш.

Фоний ўлким, дайр пири журъасидин баҳравар
Бўлмамиш, ҳар кимки бу дайр ичра туфроғ ўлмамиш.

Не асар қилғай кўруб қонлиғ таним узра туган,
Сенки ҳаргиз май томиб, гулгун тўнунг доғ ўлмамиш.

Эй Навоий, васлиға сендин кейинрак йўқ киши,
Кимса гарчи ошиқи сендин бурунроғ ўлмамиш.

Демагил мужгонким, ул кўз қасди аҳбоб айламиш,
Ким темурдин нешлар айлаб, сияҳтоб айламиш.

Холу хатдин мусҳафи рухсориға килки қазо,
Мушк бирла нуқта, анбар бирла эъроб айламиш.

Уйқудин бош қўйғай ул кўз, сажда худ қилғуси йўқ
Кофиреким, мастлиғдин азми меҳроб айламиш.

Тўлғади жон риштасию тори зулфи хуштурур,
Гар бир ип эшмак учун ул иккини тоб айламиш.

Номабар қуш ёрдин келгач, ўлармен шавқдин,
Жон чекарга гўё ҳар тирноғни қуллоб айламиш

Эй хуш улким, бу ҳаводис дайриға кирган киши
Чиққуча, даврон ани масти майи ноб айламиш.

Эй Навоий, заврақи умрунг қутулмаским, қазо
Давриға онинг фалак баҳрини гирдоб айламиш.

265

Дарди ишқинг ўйла зор этмиш мени, эй бағри тош,
Ким қўярмен йиғлабон ҳар нотавон оллида бош.

Кўнглума кўздин кириб, ғайри хаёлин қўзғади,
Зарра хайли қўзғалур, чун кирди равзандин қуёш.

Чун мени қилди бало тоғи жунун, тош отмангиз,
Негаким ердин олиб отмас киши тоғ узра тош.

Решдур бўғзум бало заҳри ичардин, йўқ ажаб,
Ҳолима йиғларда андин ўткан ун топмоқ харош.

Ўқи еткачким, бўлуб жон бирла кўнглум музтариб,
Изтироб эрмас, бошоқ устида айларлар талош.

Дурди жоминг ҳам ғизо, ҳам бодадур, эй муғбача,
Пири дайр иқболидин шаҳларға йўқ мендек маош.

Эйки, кўрмайсен Навоий оҳи ўқи ҳайъатин,
Бир сутундек шуъла кўк сақфиғача кўргил тутош.

266

Хилъатинму қилди ул гулрўи сийминбар бинафш,
Ё бинафша айламиш гулшанни сар-тосар бинафш.

Арғувонгун юз, бинафшаранг хат жоним олур,
Хилъати бўлсун анинг гар арғувоний, гар бинафш.

Йўққи, ул санчар бинафша дастасин дасторға,
Эгнида хилъатларин доғи қилур аксар бинафш.

Савсаний бўркунг ёпар кечкангни, эй миръоти ҳусн,
Кўзгу янглиғким, учасин қилди оҳангар бинафш.

Хайли руҳоний ҳамоноким, бинафш айлар либос,
Ким ҳаririн айлар ул ҳури пари пайкар бинафш.

Бурқаъ олғач, кийди мовий хилъат узра савсаний,
Меҳрдин қилған киби мовийни нилуфар бинафш.

Не бинафшадур, не нофармон гули, не савсаний
Тўнким, ул кийголи лойиқ эмастур ҳар бинафш.

Гул киби жисмингға, эй соқий, бинафшойин тўнунг,
Ўйладурким, бодаи гулранг учун соғар бинафш.

Гар Навоий ақли мабҳут ўлса, қилманг айбким,
Ҳошия зарбафт этиб, деклай кияр дилбар бинафш.

267

Мени ишқ ичра деган оқилу фарзона эмиш,
Дегай улким, сўзин эшитсаки, девона эмиш.

Ёпса юз ҳар кеча кўнглум қушидин, тонг йўқким,
Малак ул шамъи жаҳонтобқа парвона эмиш.

Қасри ул ҳусн шаҳининг эрур андоқ олий,
Ки фалак кунгураси қасриға дандона эмиш.

Кўзларим андин эмиш қону рамад айнидаким,
Дард ҳамкоса мунга, ҳажр анга ҳамхона эмиш.

Захми кўп танда жунунлуқ кўнгул оромидин
Телбалар маскани фаҳм ўлдики, вайрона эмиш.

Жаннату кавсар умиди била ўлдунг, эй шайх,
Билки, нақд ушбу фано дайрида майхона эмиш.

Зуҳд ила, эйки Навоийни ўкарсен, кўрдук
Иши усруклук эмиш, ҳамдами паймона эмиш.

268

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Малолат даштида овора бўлмиш.

Анга баским ёғар тош устида тош,
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урарда дам-бадам хороға бошин,
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор,
Хирад синжоби хору хора бўлмиш.

Қаро қилди начукким рўзгорим,
Анинг ҳам рўзгори қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди қаниким, ғамидин
Сиришким кавкаби сайёра бўлмпш.

Навоий, чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингға чорасизлиғ чора бўлмиш.

269

Ул қадар ул кофир ислом аҳлини қатл айламиш,
Ким шаҳодат бармоғин ҳам захм айлаб боғламиш.

Гарчи дин аҳлиға онинг илгидин юзланди қатл,
Илгининг қонин доғи эмди оқизмоқ бошламиш.

Қатлига кўнглумни тўхтатсам агар йўқ, ваҳ, не суд,
Чун менингдекларни ўлтурмакка кўнгли тўқтамиш.

Нозу истиғнода ким ифрот этар, маълум ўлур,
Ким жамоли муфрит эрканни ўзи ҳам англамиш.

Ишқ зулми ҳаддин ўтти кўнглума, эй порсо,
Гўйиё бир мустажобуд-даъва они қарғамиш.

Қочмайин афтодалиғдин, арзи ихлос айлаким,
Дўст лутфи оқибат афтодаларни қўлдамиш.

Бағрию кўнгли Навоийнинг недин юз порадур,
Итларингга тўъма айларга ҳамоно тўғрамиш.

270

Ҳар парипайкарга бир девонаеким зор эмиш,
Кунда минг зулм ўлса, бир ҳам раҳм гоҳе бор эмиш.

Қайси мажнуни балокашга пари рухсоридин
То абад зулм узра зулм, озор уза озор эмиш?

Сен бу ойини жафо солдинг ароға, йўқса халқ
Кўрса шиддат, лутф бирла йўқса бархурдор эмиш.

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не сўз бўлғай мену ҳижрон туни,
Васл субҳи қай қачан беёрларға ёр эмиш.

Ҳажр шоми шиддатидин ишқ таркин ҳар кеча
Жазм этибмен, лек доим субҳ истиғфор эмиш.

Давр жоми бирла таскин топмас эрмиш, соқиё,
Кимниким саргашта қилған бу тўқуз паргор эмиш.

Деб эмишсен: Жонни бергайму Навоий истасам,
Билмагансенким, бу худ жон бирла миннатдор эмиш.

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «ФАВОЙИД»ДИН

271

Ишқинг элига ранжу ано бирла ихтисос,
Хайли ғамингға дарду бало бирла ихтисос.

Фитна агар жаҳонни қаро истамас, недин
Истар ул икки кўзи қаро бирла ихтисос.

Махсус бўлмасам санга йўқ айб, бўлмаса
Олам элида шаҳға гадо бирла ихтисос.

Топса кўнгул қадингға хусусият, этма айб,
Ким кўргузар Калим асо бнрла ихтисос.

Ул кўзга қошу кирпик ила ихтисос эса,
Не тонг қароқчиға ўқу ё бирла ихтисос.

Овораларни иста жаҳон ичраким, керак
Дайри фанода аҳли фано бирла ихтисос.

Ул гул фироқи ичра Навоий фиғон била
Булбулдурурки, топти наво бирла ихтисос.

272

Истарам фурқат аро жону жаҳондин махлас,
Истамасмен вале ул офати жондин махлас.

Ҳажрида жондин агар ўзни халос истармен,
Жонға не мумкин эрур истамак ондин махлас.

Яхши эрмас манга сендин тиламак ўзни халос,
Сен муҳиқсен, тилар эрсанг бу ёмондин махлас.

Тиламанг ному нишонимни бало дашти аро,
Берди чун ишқ манга ному нишондин махлас.

Кеча итлар унидин гарчи халос истар халқ,
Итининг коми бу фарёду фиғондин махлас.

Бир замон зулмларидин чу халос эрмасмен,
Йўқ ажаб, гар тиласам аҳли замондин махлас.

Гарчи жон меҳнатидин қилди Навоийни халос,
Қатл ила истамак ўлғайму фалондин махлас.

273

Рақиб ул навъ эрур жононға махсус,
Ки муҳлик дарди онинг жонға махсус.

Жунун тошин либос аҳлиға отманг,
Ки ул бўлмиш мени урёнға махсус.

Бузуғ жисмимда турмас зор кўнглум,
Агарчи чуғз эрур вайронға махсус.

Висол аҳлию дарду ғам, не яъни,
Ки бор ул ожизи ҳижронға махсус.

Деманг, Мажнунни ёр оллида ўлмиш,
Ким ул ишдур, бу бесомонға махсус.

Не тонг даврон элига бевафолиғ,
Чу бу ойин эрур давронға махсус.

Суруди айшу — ком аҳлики, бўлмиш
Навоий нолаю афғонға махсус.

274

Қилмади жонимни ҳижрон бандидин даврон халос,
Мен нетиб ўзни халос истай, чу бўлмас жон халос.

Ўқини чекканда пайкондин халос ўлди, вале
Бўлмади тутқан сўнгаклар ҳибсидин пайкон халос.

Жон менга, мен жонға, ўлмак истар эрдим онсизин,
Мени жондин, жонни мендин айлади ҳижрон халос.

Ул пари ишқин деманг ёшурки, ул таклифдин
Телбалик узри била бўлдум мени урён халос.

Ўйла муҳликдур ғами ҳижронки, гар васл ўлмаса,
Ё ўлум, андин киши бўлмоқ эмас имкон халос.

Жон бериб, душворлиғлар бирла даврон аҳлидин,
Кимки махлас топти, бўлған бил ани осон халос.

Ул пари шайдоларидин, эй Навоий, истарам
Ўйлаким, ҳуш аҳлидин мажнуни саргардон халос.

275

Эй, сенинг дарду ғаминг жонима хос,
Ким алардин тиламон жонни халос.

Мени ҳижрон эвази айлар, онинг
Ишқи ҳар кимга рақам сурса қасос.

Меҳмон бўлмақ эмиш жон уйида
Ёрким, кўнглум ўлубтур раққос.

Мени ишқ этти забуну ожиз,
Бу эмиш дарду муҳаббатқа хавос.

Хатинг ул Хизрики, терласа юзунг,
Оби ҳайвон аро бўлғай ғаввос.

Дўст кўйида гадолар билгил,
Бўлса Харрозу гар худ Хаввос.

Эй Навоий, тилар эрсанг махлас,
Ишқ кўйида шиор эт ихлос.

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОН-БЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «ФАВОЙИД»ДИН

276

Ваҳ, нелар бўлди менга ишқ ғамидин ориз,
Юз минг онча доғи ҳижрон ситамидин ориз.

Ишқу ҳижрон ўтидин ориз эканча юз минг,
Бўлди ағёрға ашким аламидин ориз.

Сабру оромим уйига бу йиқилмоқ бўлди,
Сар-басар кўзлар аро ашк намидин ориз.

Хирмани ҳушума куймак ҳам эрур кўнглумнинг
Ҳажр аро соиқакирдор дамидин ориз.

Кишвари хотирима мунча бузуғлуғлар эрур
Барчаси хайли муҳаббат қадамидин ориз.

Кўнглума муғбачалар ишвасидин жон хатари,
Дайр пирининг ўлубтур карамидин ориз.

Тори жисмингға, Навоий, бу қадар тоб ўлмиш,
Ул санам туррасининг печу хамидин ориз.

277

Ҳолим ким экин айлагучи ёрға маъруз,
Мени бедил ишин қилғучи дилдорға маъруз.

Ерлар ўпубон, ашк тўкуб, нолалар айлаб,
Бир хаста ғамин эткучи ғамхорға маъруз.

Эй боди сабо, жон садқанг, гар қила олсанг
Зори сўзин ул боиси озорға маъруз.

Қўпқанда сабуҳи учун этсанг бу ҳазиннинг
Бахт уйқусин ул давлати бедорға маъруз.

Ҳижрони хумори аро ранжур ўларимни,
Ким айлагай ул дилбари хамморға маъруз?

Ҳажрим тунида чархки қолди ҳаракатдин,
Эй ашк, қил ул кавкаби сайёрға маъруз.

Бу дарду фироқ ичра Навоийки, топилмас
Бир-бир ким экин айлагучи ёрға маъруз.

278

Эй, етиб лаълинг майидин руҳума осори файз,
Ламъасидин касб этиб кўнглум уйи анвори файз.

Аллоҳ-Аллоҳ, не лабу не нутқи руҳосо экин,
Ким Масиҳо бирла Хизр андин қилур изҳори файз.

Файзларким, етти ишқингдин манга, офоқни
Ғарқа айлар файз баҳри, айтсам асрори файз.

Бу жазо мункирга бас эрмасму ким фоиз деди,
Қобили файз эрмас улким, айлагай инкори файз.

Кир харобот ичраким, бир журъасидин еткурур,
Файзни юз шайхча базм аҳлиға хаммори файз.

Дайр пиридин етар юз файзу бир йўқ шайхдин,
Ким мунга етмиш яқин файзу анга пиндори файз.

Эй Навоий, муғтанамдур пири дайру муғбача,
Ким биридин етмаса, етар биридин боре файз.

279

Эй, латофатда санга лолаю насрин ораз,
Бизга анинг ғамидин қон била рангин ораз.

Мени ул кўйида бехуд кўруб эл дер: ўлмиш
Қўюбон оллида туфроққа мискин ораз.

Найлайин ул қадду ораз ғамидин боғниким,
Анда йўқ сарв сифат қадду гулойин ораз.

Ҳар бири таврида ул оразу лаб ўлтурадур,
Ким басе тузлуқ эрур ул лабу ширин ораз.

Янги гулбарглари ҳошиясидин бўлмиш,
Оразинг оллида золе анга пурчин ораз.

Демаким, боғда елдин тўкулубтур гулким,
Хўблар қўйди ул ой йўлида чандин ораз.

Чу Навоий кўрубон ёр юзин, жон берди,
Ғамза таъриз этибон, айлади таҳсин ораз.

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

280

Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.

Руҳ ул нурдурурким, Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматқа қолиб, қилмиш анга поя ҳубут.

Руҳ раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига қўшмақ эмастур машрут.

Руҳға шева Калимуллоҳ ишин қилмоқ фош,
Нафс Фиръавнлиқ асбобини айлаб марбут.

Руҳға даъб Ҳабибулло иши ойини,
Нафс Бу Жаҳллиқ асбобини айлаб мабсут.

Ё Раб, эт бизни ҳабибинг сифатиға росих,
Айла Бужаҳл тариқин ичимиздин масқут.

Қил Навоийни ҳамул хат била, ё Раб, озим,
Ким бирор ёнидин айрилди ўтуз олти хутут.

281

Қилғай ул оразни кўрмакдин мени ҳайронни забт,
Кимки қон тўкмактин эткай ул кўзи фаттонни забт.

Забт қил, дерсен, кўзунг ёшию кўнглунг оҳини,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким қилибтур сарсару тўфонни забт?

Ғайридин кўнглум қуши кўксумни мазбут асради,
Чуғзи ожиз, вақ, не қилғай, айламай вайронни забт?

Менки афғондин кўнгулни забт эта олмон, не навъ
Зулм этар бедодидин айлай кўнгул олғонни забт?

Лаъли ҳажринда фироқи нешидин ўлсам, не тонг,
Ким қила олмон кўнгулнинг ёрасидин қонни забт.

Нолани мен қайда забт эттимки, айлай олғамен,
Ҳажрдин ҳар лаҳза кўнглум айлаган афғонни забт.

Чархдин не келса, хуш тут ўзниким, қилмас қазо,
Бир сенинг раъйинг учун бу гунбади гардонни забт.

Забт қилмас давр аёғин сипқорурда, соқиё,
Шаҳки, жоми адл бирла айлагай давронни забт.

Эй Навоий, забт қилмон ўзни ҳижрон базмида,
Қилмасам тонг йўқ суруду нағмаи ҳижронни забт.

Соқиё, май тўла-тўла бермакин азм айладинг,
Усрук ўлдумким, қилодур суҳбати жононни забт.

282

Эй, хаёлингдин манга ҳар дам нишот,
Кўнглума васлинг сўзидин инбисот.

Гар санга бўлмоққа ҳад йўқ мухталит,
Ҳам тахайюл бирла хуштур ихтилот.

Хўбларни рух била қил мотким,
Шоҳ кўрмайдур сенингдек бу бисот.

Дема, рухсорим начук васф айлагунг,
Қўйки, бир дам яхши айлай эҳтиёт.

Гар парий сендек, дедим, ёзғурмаким,
Телба алфозида бўлмас иртибот.

Эски оламға кўнгул кўп боғлама,
Ким мусофирға ватан бўлмас работ.

Кўрса ҳажрингдин Навоий юз малол,
Рафъ этар, васлингдин ўлғач бир нишот.

283

Юзунг ёнидаким бош чекти ҳар ёндин муанбар хат,
Гул узра мушкдин килки қазо қилмиш муҳаррар хат.

Жамолинг сафҳасиға икки қошинг матлаедурким,
Ёзибтур котиби сунъ они ҳусн аҳли учун сархат.

Гули рухсоринга кўп зеб берди сабзаи хаттинг,
Бағоят хушнамо эрмиш қизил коғазда ахзар хат.

Юзунгнунг теграсида хатмудур ё сунъ паргори,
Қуёшнинг давриға таҳрир учун чекти мудаввар хат?

Юзунгнунг доғи бирла анжумунгдин не осиғ, эй ой,
Қуёшдек ораз узра хуштурур гар хол эрур, гар хат.

Мени махмурлуғ ранжидин озод этсанг, эй соқий,
Ёзармен, гарчи илгим титрамактин келса абтар хат.

Хатинг васфида ҳар неким савод этмиш кўнгул, ондин
Эрур бир анбарин занжири савдо аҳлиға ҳар хат.

Кўрунур гул киби оразда мушкин хат, басе дилкаш,
Варақ гар хўб эмастур, хўб эмас ёзмоқ муяссар хат.

Навоий, берма пандим, хосса хат бош чекти ул юздин,
Чиқа олмон хатидин, ҳар начукким чекса дилбар хат.

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «ФАВОЙИД»ДИН

284

Гар ёрнинг аҳволиғадур ёр мулоҳиз,
Оз ҳам хуш эрур, бўлмаса бисёр мулоҳиз.

Бу даврда ёр ўйладурур ёрға душман,
Ким тутмас ўзин ончаки ағёр мулоҳиз.

Давр аҳлиға соқий не мулоҳиз бўла олғай,
Невчунки эмас гунбади даввор мулоҳиз.

Не ёри вафодор мулоҳиз экан охир,
Ким бўлмади ул шўхи жафокор мулоҳиз.

Фарёдки, ишқим марази бўлди фузунроқ,
Ҳар нечаки, бўлдум мени бемор мулоҳиз.

Май берки, қазо топмағуси ақл ила тағъйир,
Ҳар нечаки бўлса хирадосор мулоҳиз.

Кўнглига Навоийнинг урар ишқ ниҳон ўқ,
Найлаб бўла олғай бу дилафкор мулоҳиз.

285

Эй, лабинг зоҳир этиб ширин лафз,
Хоҳ ёлғон десун, ар худ чин лафз.

Чину ёлғони анинг ширинду̀р,
Гар деса бир дам аро чандин лафз!

Оташин лаълинг эрур бас рангин,
Не ажаб, қилса аён рангин лафз.

Лаъли алфози мени тиргузди,
Қайси бир деб, не қилай таъин лафз.

Қаҳру лутфунг бори жонбахшдурур,
Бўйла ким кўрди ҳаётойин лафз?!

Англамон ғояти маъни сўзинга,
Ғояташ айлагамен таҳсин лафз.

Қил, Навоий, сўз аро маъни қасд,
Истама ўйлаки суратбин лафз.

286

Ул парий таркида ақлим деди ёлғон алфоз,
Не ажаб, айтса девона паришон алфоз.

Аҳли ишқ оллида не лафз дегай мустаҳсан,
Не дегай аҳли хирад оллида нодон алфоз.

Ҳур ҳуснини қизиқроқ деди ул юздин шайх,
Сурмагай бўйла совуғлуқ била инсон алфоз.

Сирри ишқимдин эл оллида бирор лафз дедим,
Бу эмиш қилғучи қойилни пушаймон алфоз.

Лафзи жонбахш ила ул умр магар бўлди Масиҳ,
Йўқ эса бўйла асар бирла не имкон алфоз.

Бир-ики лафз дедим ишқидин — ўлтурди мени,
Магар эмди дегамен ҳашрда қолғон алфоз.

Ул пари кулмак учун, кўрки, Навоий ғамидин,
Фош этар аҳли жунундек чекиб афғон, алфоз.

Сўз адосиндадур ул кони малоҳат лаффоз,
Ўйлаким васфи аро аҳли балоғат лаффоз.

Номасин қуш кетуруб, сайраса авсофида кўп,
Йўқ ажаб, чунки бўлур аҳли рисолат лаффоз.

Яхши алфоз ила тил гар деса ул ой қавлин,
Тонг эмастур, ким эрур аҳли мақолат лаффоз.

Васфи ҳар лафзида йиғлатди кўнгул дард аҳлин,
Қайда топти бу қадар дард ила ҳолат лаффоз.

Кўнгул оллида ғамий қилма талаффуз, тилким,
Еткурур аҳли маонийга малолат лаффоз.

Сўзда маъни била кўп лафзға майл айламаким,
Зоҳир оройишини айлади одат лаффоз.

Лафз зебида Навоийға берур маъни юз,
Қайда маънида топар мунча маҳорат лаффоз?

АЙН ҲАРФИНИНГ АЙЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

288

Менга бу нукта харобот аро бўлди масмуъ,
Ки фано жоми риё аҳлига бўлмиш мамнуъ.

Қайси риндеки риё зотида йўқтур биттаъб,
Кўрунур жоми фано тортса беҳад матбуъ.

Кимки зотида эрур шоибаи ужбу риё,
Қилғали қобил эмас фақр тариқиға шуруъ.

Дайр пири қулименким, қилибон май шойиъ,
Бергай ул ужбу риё жониби ўртарга шуюъ.

Токи бир жом била муғбачаи бодафуруш,
Хираду ақлни мажнун ясағай, бал масруъ.

Манга ул жомни гар тутса, фидосидур анинг
Илму дину хираду зуҳд ила тақво мажмуъ.

Дайр пири била то муғбача бўлмай, қилма,
Эй Навоий, йигиту қариға ҳолингни ружуъ.

289

Қилғали бегоналарга ошно жонона табъ,
Ошноларға бўлубтур, войким, бегона табъ.

Ўртанурмен токим ул эл тийра шомим ёрутур,
Бўлғали ул шамъваш, мен бўлмишам парвонатабъ.

Холи сори айласа парвоз кўнглум, тонг эмас,
Ким таажжуб айлагай гар қушқа истар дона табъ.

Ёр чун кулбамга кирмас, хонумон тарк айладим,
Йўқса бўлмоқ истамасму ёр ила ҳамхона табъ.

Мен жаҳон афсонаси, ул шўх майл этмас, нетай,
Гарчи шўх атфолиға доим тилар афсона табъ.

Ёр то азм этти, таъбимға бузуғлуғ қўйди юз,
Бўлмишам ул ҳусн ганжи ҳажридин вайронатабъ

Давлати боқий тилар кўнглунг, фано касб айлаким,
Даҳри фоний сари майл айламас фарзонатабъ.

То мени дайр ичра расво айлади ул муғбача,
Боғладим зуннору истар соғару паймона табъ.

Эй Навоий, ул вафосиздин қутулсанг, тутма унс,
Ҳар нечаким бевафолар майли қилса ёна табъ.

Масти бебоким қачон ҳолимға бўлғай мутталеъ,
Ким қулоғиға десам сиррини, бўлмас мустамеъ.

Жамъ этар чоғда кўнгул, зулфунг паришондур басе,
Лек солурда паришонлиғ, бўлур кўп мужтамеъ.

Қаҳр қилса ўлтуруб, бу турфаким, лутф этса ҳам,
Қатл ишида бўлмиш ул қотил бағоят мухтареъ.

Туфроғимни ел совурмай кўйидин соф ўлмади,
Бўлди бори, бор эса мендин ғубори муртафеъ.

Ишқ ойинида бидъатлар туз эттинг зулм аро,
Қайси бир мазҳабдасен, кофирдек ўлғай мубтадеъ.

Ишқ ўтин тарк этмасам носиҳ сўзи бирла, не тонг,
Панд ила парвона куймактин бўлурму мумтанеъ.

Дўстлар, ёзғурманг ар дафъ айлай олмон ишқ ўтин,
Чора бирла ким қазо бўлғанни қилмиш мундафеъ?

Ким фано даштиға кирди, ўзни ҳамроҳ этмасун,
Қатъ чун бўлмас бу йўл, ўзлуктин ўлмай мунқатеъ.

Кўргач ул ойни Навоий тортти бехуд фиғон,
Ким бўлур бехуд, фиғон қилмоқтин ўлмас мутталеъ.

291

Дилбар юзин кўрарға бўлди ниқоб монеъ,
Ул навъким, қуёшқа бўлғай саҳоб монеъ.

Терга узоринг андоқ ғарқ ўлдиким, кўрунмас,
Ким кўрди гул кўрарга бўлғай гулоб монеъ.

Кулгилки, зоҳир ўлсун ғунчангда жолаларким,
Дур риштасиға бўлмиш ёқути ноб монеъ.

Кўзда ёшунмиш ул ой, ашким бошимдин ўтмиш,
Дарёда ким кўрубтур дурға ҳубоб монеъ.

Ул ғамза қон қилурға, ул кўз вафо қилурға,
Бедоду зулм боис, нозу итоб монеъ.

Тан туфроғин совурмай, етмас сафо кўнгулга,
Бўлған киби сафодин суға туроб монеъ.

Ёр истасанг, Навоий, сабр истагилки, доим
Келди висол ишига жаҳду шитоб монеъ.

292

Чун шабистон ичра қилди оразин жонона шамъ,
Машъали меҳр ўлсаким, кўзга кўрунмас ёна шамъ.

Банд аёғида нединдур бошида савдо ўти,
Эй пари, ишқингда гар худ бўлмамиш девона шамъ?

Йиғлару ўртар ўзин то субҳ гўё ҳар кеча,
Ҳажр аро бўлди мени маҳзун била ҳамхона шамъ.

Дема куймак савтиким, уйқу йўқиға раҳм этиб,
Дер забона шаклидин тил тортибон афсона шамъ.

Эккали парвоналар кўнглида гўё тухми меҳр,
Ашкдин атрофида ҳам су сочар, ҳам дона шамъ.

Ё муҳаббат ўтидин парвонани куйдургали,
Ёрутур ораз ўтин ҳар лаҳза маҳбубона шамъ.

Қўймади парвонани фонус аро, мен зордин –
Ул маҳи хиргаҳнишин бўлған киби бегона шамъ.

Балки ошиқ дўстлардин дурурким ўртанур,
Токи шавқи ўти ичра ўртанур парвона шамъ.

Эй Навоий, бот ўчур оҳинг елидин шамъни,
Топти чун ул юз фуруғидин бизинг вайрона шамъ.

293

Кўзум ёшарди, аён бўлғач ул жамоли бадеъ,
Булутқа су тўлар ул дамки, бўлди фасли рабеъ.

Тасаввур этса қошинг тоқини кўнгул титрар,
Қазо муҳандиси баским чекибтур ани рафеъ.

Недин аёғинга тушкай бошингға эврулубон,
Қуёш гар ўлмаса ҳусн ичра қуллуғунгга мутеъ.

Қошинг хаёлиториқмай кўнгулда эврулсун,
Эрур чу қибланамо пўясиға ҳуққа васеъ.

Не навъ барқни дейким, Буроқи янглиғ эрур,
Ким ул батийдуру музлим, бу бир муниру сареъ.

Навоий, ўйла тирилким, уятдин ўлмагасен,
Агар Расули алайҳис-салом бўлса шафеъ.

Қилурни айла риоят, демакда асра адаб,
Ки дўст феълингу қавлингғадур басиру самеъ.

294

Қизил кўнглак енгин оразға ёпсанг, важҳи йўқ воқеъ:
Қуёш оллида кўрмайдур киши гулгун булут монеъ.

Юзидек мумкин эрмас ой, мусаввир, чекма заҳматким,
Қуёш жирмин қўшуб ҳал айласанг, ранг ўлғуси зойеъ.

Лаби ҳам ўртади жоним, ҳам очиқ сўз деди, яъни
Чучуклукдин иситқанға ачиғ шарбат эрур нофеъ.

Юзин очса, неча қилсам назар, оғзини кўрмасмен,
Назарға гарчи келмас зарра, хуршид ўлмайин толеъ.

Жамол очқан сойи мажнунлуғум ошса, ажаб эрмас:
Парининг жилваси савдоға ҳаргиз бўлмади дофеъ.

Лабинг жонимға қилса майл, дардинг хаста кўнглумга,
Тонг эрмастур, нединким, айлар ашё аслиға рожеъ.

Кўзунг фикри била тан хилватида нотавон кўнглум,
Риёзат айнидиндур кунда бир бодом ила қонеъ.

Фано йўлига ўзлуктин шуруъ этганга тор ўлди,
Гар ўлса ҳодии тавфиқ очиқдур беҳад ул шореъ.

Навоий дайр аро гар бутпарасту маст эса, тонг йўқ,
Не қилса пири дайр, ул ҳам қилур, чунким эрур тобеъ.

ҒАЙН ҲАРФИНИНГ ҒАЗОЛАЛАРИНИНГ ҒАВҒОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

295

Онча маҳзун кўнглум ўлмиш ишқдин озорлиғ,
Ким қилурмен йиғлабон, ҳар кимни кўрсам, зорлиғ.

Дўстлар, кўп зорлиғ қилсам ажаб эрмаски, бор
Зор кўнглум дўст жавридин, басе озорлиғ.

Боис эрмиш йиғламоқларға бўлуб кўнгли заиф
Ошиқеким, фурқат ичра чекса кўп беморлиғ.

Кимсага гар ғам етар, ғамхори бўлса, ғам эмас,
Ул эрур ғамким, етиб ғам, топмағай ғамхорлиғ.

Тиғдин афгор эмас, марҳамни ташлангким, илож
Васлдур, топқан кўнгулга ҳажрдин афгорлиғ.

Бўлма гулзорингға кўп машъуф, эй деҳқонки, йўқ
Тонгла рангидин бу гулларнинг чаманосорлиғ.

Чун Навоий ёридур Ширину Лайлидек, не тонг
Айласа Фарҳодвашлиғ, йўқса Мажнунворлиғ.

Оташин лаълинг ўти айлади кўнглумни исиғ,
Бўлди бағрим доғи кўнглум исиғи бирла қизиғ.

Ярақон от қўядурлар манга ҳикмат аҳли,
Ким ҳарорат юзу кўзумни доғи қилди сариғ.

Мен анга ошиқу кўз ҳам юзига ошиқдур,
Ишқ аҳлининг эрур ранги сариғ, ашки ариғ.

Мен агар йиғлар эсам талх чучук лаълинг учун,
Кўзларим доғи тўкар ашкни аччиғ-аччиғ.

Ани чун кўрдум, анинг кўйида қолдим мунг ила,
Дўстлар, сиз ўтунг, иш тушти манга асру қотиғ.

Ҳусни давриға вафо йўқ, бу қуёш бот уёқур,
Хўблардин хуш эрур яхшилиғу яхши қилиғ.

Қон тўкар кўнгли Навоийнингу ашк икки кўзи,
Ўлгуси ишқ ғамин гар емаса иссиғ-илиғ.

297

Етмай икки лабинг майидин кўнглума осиғ,
Шўроба оқти икки кўзумдин очиғ-очиғ.

Коҳи юзумга бир гули раъно ғамида боқ,
Қонларки томди — бир юзи гулгун, бири сориғ.

То оқти сели ашк, юди дўст ғайридин
Кўзни, бу важҳ ила кўзум ўлмиштурур ориғ.

Фарёдким, тушар манга чун дард ила фироқ,
Ишқ аҳли ичра қатл учун солсалар солиғ.

Дарёи шавқидин мени манъ этма, эй хирад,
Ким ўлгум ўйлаким тушар айру судин балиғ.

Кўп қовма, шайх, муғбачалар кўйидин мени,
Ким кўнглум асру юмшоқу бу иш эрур қотиғ.

Дерлар фано йўли сафарида осиғ басе,
Ўзлук била Навоий агар кирса, не осиғ.

298

Юзунг ҳажрида ким чекти фиғону зор мен янглиғ?
Ким очти юзда гулгун ашкидин гулзор мен янглиғ?

Агар ушшоқини бир тиғ ила ҳусн аҳли қатъ этти,
Киши ҳижронда қолса, ўлмади душвор мен янглиғ.

Фироқ аҳли агарчи ўлмак истар, эй ажал, келким,
Эмас сендин киши бу ишта миннатдор мен янглиғ.

Кўзунг қатл айлаб, эл қонин кўп ичти жавр ила, лекин
Асире топмади ул қотили хунхор мен янглиғ.

Мажонин бўлдилар атфол тошидин кўп озурда,
Вале бошдин-аёқ бир бўлмади афгор мен янглиғ.

Биравни, эйки, севмак орзу қилдинг ҳавосинда,
Илигдин ихтиёринг бермагил зинҳор мен янглиғ.

Киши бадхўлар ишқидин этмак эҳтироз авло,
Йўқ эрса кўргуси ҳар лаҳза юз озор мен янглиғ.

Тилар бўлсанг замона қайғуси дафъиға беҳудлуғ,
Керак бўлса мақоминг кулбаи хаммор мен янглиғ.

Агар булбул гулистон ичра кўрди хордин озор,
Ва лекин кўрмади, эй лоларух, озор мен янглиғ.

Навоий, гар хирад мулкида савдодин батанг ўлсанг,
Қадам урғил фано даштида мажнунвор мен янглиғ.

299

Агар келмаса, интизорим қўяр доғ,
Валек изтироб ўртар, ул ой келур чоғ.

Манга боғу гулзор анинг оразидур,
Гар ул бўлмаса, байтул-аҳзон эрур боғ.

Дема, шавқ ўтиға таскин берур май,
Ёнар шуълам ўтиға кўп қуймағил ёғ.

Мен ар маету беморлиғ бирла ўлдум,
Ҳамиша жаҳон ичра сен бўлғасен соғ.

Дедингким, ололмасун дилраболар,
Ки кўнглумга қўйдунг оғир ҳажрдин тоғ.

Баҳори жамолингда ноламни хуш тут,
Ки тенгдур баҳор ўтса, булбул била зоғ.

Навоий фироқингда ул навъ итти,
Ки гарди топилмас, ғаминг солса туфроғ.

300

Заҳри ҳижронинг чу айшим комини қилди очиғ,
Нўши васлинг элга еткандин манга йўқтур осиғ.

Тош ёғдурғандин атфол ўлмадим, ўлтурди ҳажр,
Ким суубатда булар андоқ эмас эрди қотиғ.

Ашк аро ўлдум, йиғиштур эмди зулфунг шастини,
Ким су узра келгуси дарё аро ўлган болиғ.

Қатра-қатра қон ёшимдин чеҳрам ўлмиш ўйлаким,
Тим-тим этгайлар қизил коғазниким, бўлғай сориғ.

Юзда ҳажрингдинки тирноғ ўрни хатлар бўлди қон,
Ҳар бирига ашкдин су очибон қилдим ориғ.

Олғали дунё арусин, эйки, соттинг нақди дин,
Умр сотиб, марг олмоқ англа, бу сотиғ-олиғ.

Истарам, лаълиға қилғаймен чучук жоним фидо,
Эй Навоий, анга дермен келмагай ногаҳ очиғ.

301

Парийни ким деса ул меҳри ховари янглиғ,
Эрур начукки, дегай девни парий янглиғ.

Бошимки, ҳажр йўлида фалакдек айланди,
Кўзум ёши эрур ул чарх ахтари янглиғ.

Фироқ шуъласида пора-пора кўнглум эрур,
Демай кабобким, ул ўтнинг ахгари янглиғ.

Кўзунг фусунгар, анинг ўти оташин лаълинг,
Лабингда хол анинг ўт узра анбари янглиғ.

Жунун эли шаҳимен, тоғ авжи тахтимдек,
Қуш ошиёнлари бошимнинг афсари янглиғ.

Ғанимат англа вафо булбулунгға, эй гулким,
Хазон ели етишур ҳажр сарсари янглиғ.

Навоий, ўзга шаҳу ўзга кишвар этма ҳавас,
Ки топмағунг шаҳи Ғозий била Ҳири янглиғ.

302

Муддаи, чун даминг эрмастур иссиғ,
Қилма совуғлуғу ҳамгомани йиғ.

Ўхшар ахлоқинга ҳуснунгки, эрур
Яхшилиқ лозимаси яхши қилиғ.

Тутти гар даштни Лайли, не ажаб,
Кишвари ҳуснунг аро тутти қириғ.

Захмлар узра магар қўйғали доғ,
Ханжаринг кўнглум аро бўлди қизиғ.

Ҳуснунга ўхшади жонбахш сўзунг,
Кимки бор ўзи силиғ, сўзи силиғ.

Пардадарлиғ чу эрур зоҳид иши,
Хирқа узра не осиғ мунча сириғ.

Кўйидин қовса, Навоий, сени ёр,
Оҳу ашкинг била чиқ иссиғ-илиғ.

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «ФАВОЙИД»ДИН

303

Улки қилгай ўзи «Кашшоф» румузин макшуф,
Кашфи йўқ айламайин ўзлуки ҳарфин маҳзуф.

Баҳра еткурмади зуҳд аҳлиға файз иксири,
Нақди умрин чу риё касбида қилди масруф.

Хирқаи фақр керак сирри ниҳон касбиғаким,
Пардаи роз анинг зайлига келди маътуф.

Айлагил нақди ҳаётингни фано аҳлиға вақф,
Луқмаи вақф емакни вале этгил мавқуф.

Дунё асбоби нажосат кибидур мазбалада,
Покравлар начук ўзни анга қилғай машъуф?

Ҳар не Ҳақ амрини дер муршиди комил, ани қил,
Гар сифотуллоҳ аро ўзни тиларсен мавсуф.

Соқиё, ҳажр хуморидин ўлармен — раҳм эт,
Чархни зарф қилу улки билурсен мазруф.

Топса ул зарф ила мазруфни, хуш сипқарғай,
Улки орифлиғ ила даҳрда бўлғай маъруф.

Эй Навоий, бору ушшоқ аёғи туфроғи бўл,
Ишқ сиррин, тиласангким, санга бўлғай макшуф.

304

Қилмадим ул сарви гулрух манзили бўстонни тавф,
Дўзах аҳли айлай олмас равзаи ризвонни тавф.

Кўнглум ичра юз бало маҳбус топқунг, айласанг
Тавф ани андоқки, шаҳлар айлагай зиндонни тавф.

Очилур кўнглум, қилур сайр эл бузулған кўнглини,
Чуғз қилғандек тараб касбиға ҳар вайронни тавф.

Дурри ашк оқизғали ҳажринг кўзум атрофида,
Тожиредектурки, қилғай соҳили Уммонни тавф.

Ул париваш манзилидаким, йиқилдим, қасд эмас,
Солди бу ҳолатқа мен мажнуни саргардонни тавф.

Поя олий истасанг, тажрид эт аввал ихтиёр,
Исо андин айлар ушбу нилгун айвонни тавф.

Бир Навоийнинг бузуғ кўнглига эврул, раҳм этиб,
Нетти гоҳи Юсуф этса кулбаи аҳзонни тавф.

305

Гарчи тоғдин оғир этти дарду озоримни заъф,
Лек хасдин ҳам енгил қилди тани зоримни заъф.

Билмагил, ҳолимни гар аҳбоб сўрмаслар, ажаб,
Ким қилибтур танимасдек жисми беморимни заъф.

Ҳажр шоми не ажаб тўлғанмоқу бошимда ўт,
Шамънинг чун торидек қилди намудоримни заъф.

Риштаи лаълинг, дегай, топмиш учуғ бирла гириҳ,
Кўрган элким, қонға солмиш жони афгоримни заъф.

Сабр мумкин йўқ, жунун ошуби доғи заъфдин,
Ваҳки, нобуд айлади охир йўқу боримни заъф.

Хатти мавҳум ўлди тан, анда кўнгул имкони йўқ,
Қўймади асрарға ер ишқ ичра асроримни заъф.

Ул қуёш ишқи қавийроқдур, Навоий, нечаким,
Заррача ҳам қўймади ҳижронда миқдоримни заъф.

306

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,
Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат,
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз
Убудият сарфу айни талаттуф.

Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Ўзин ўйла беихтиёр англабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

307

Чок кўнглумни олиб дардини қилдинг тазъиф,
Мени бедилға ани бермас эсанг, қил тансиф.

Куфри зулфини қўюб, ким деса, исломға кир,
Бордур ислом элини куфрға қилмоқ таклиф.

Юзунг оллида қуёш васфини қилмоғлиғ эрур
Шамъ нурини қуёш оллиға қилмоқ таъриф.

Ҳусн синфида, юзунг васфида мингдин бир эмас,
Ошиқинг юз минг эса, ҳар бирига минг тасниф.

Дарду ранжинг била борини қилибмен мамлу,
Ўқларинг захмики кўнглум аро солмиш тажвиф.

Ҳажр ўти бирла манга ишқ бериб тур варзиш,
Воизо, дўзах ўтидин яна қилма тахвиф.

Яна масжидда Навоийни тиларсен, эй шайх
Тиласанг ани, кетур майкада сори ташриф.

308

Жоним ичра заъфдур юзлангали жононға заъф,
Бўлмасун жононима заъф, ўлса ўлсун жонға заъф.

Оразида тобу йўқ оғзида кулгу ғўйиё,
Меҳр тобидин эрур ул ғунчаи хандонға заъф.

Айланурда бошиға заъф айлади гўё асар,
Қилди онинг заъфидин бу зори саргардонға заъф.

Ҳайратим заъфиға мундоқ айламиш бехуд мени,
Заъфиға ҳайрон қолиб, бўлмиш мени ҳайронға заъф.

Бистари гулранг уза ул навъ узалмиш заъфдин,
Ким узори узра бўлса наргиси фаттонға заъф.

Соқиё, бир журъа бирла қувватимға боис ўл,
Ким басе ғолибдурур бу хастаи ҳижронға заъф.

Эй Навоий, ёр заъфи бузди кўнглум, ўйлаким,
Мамлакат бўлғай хароб, ўлған замон султонға заъф.

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «ФАВОЙИД»ДИН

309

Бу нукта сўрди фано дайри ичра пири тариқ,
Ки бетариққа етмас ҳидояти тавфиқ.

Тариқи жодаи шаръ эрур бу дайр ичра,
Ки анда кимки сулук этти — бўлди аҳли тариқ.

Яна ҳидояти тавфиқ улки, бергай Ҳақ,
Кўнгулга дағдағаи азми кишвари таҳқиқ.

Йўл асру бўртоқ эрур, тун қоронғу, дашт узун,
Кўп асру қатъи тариқ аҳлию йўқ анда рафиқ.

Кишига бўлмаса ҳоди, падид эмас мақсад,
Ҳидоят ўлмай анинг қатъин этмагил тасдиқ.

Бу дашт қатъи ажаб саъб эрур, тут, эй соқий,
Тўла қадаҳки, ғамим баҳри янглиғ ўлса амиқ.

Ким ўйла баҳр ичига шавқ заврақин сурсам,
Ҳам ўзлукум, ҳам ўзум бўлғай анда барча ғариқ.

Эрур бу баҳри харобот ишқ жоми майи,
Тутарға муғбачалар бўлса дилпазиру шафиқ.

Навоиё, сени ул баҳрнинг ғариқи деган
Магарки мает кўруб, бўйла айлади таҳқиқ.

310

Эй, жамолинг шамъиға жон бирла кўнглум муҳтариқ,
Гаҳ мухолиф айланиб бошинға, гоҳи муттафиқ.

Икки парвонаки, бир шамъ устига айлансалар,
Гаҳ мувофиқ, гаҳ мухолиф, шак йўқ ўлмоқ муҳтариқ.

Гар закоти ҳусн улашмак истасанг, эй кўркабой,
Бил яқинким, ушбу мунглуғдек топилмас мустаҳиқ.

Дафъа-дафъа дуди оҳим ҳадсиз учқун бирла кўр,
Ғам тунидек бир-бир узра чарху анжум мунтабиқ.

Чунки сенсен руҳи поку мен начукким тийра хок,
Суҳбатимдин топса табъинг тийралик, сенсен муҳиқ.

Ҳар неким келса қазодин, шокир ўлмоқ шарт эрур,
Суди йўқ жуз ғусса, кимса ҳар неча бўлса мудиқ.

Чун Навоий риққат айлаб, назм этар шарҳи фироқ,
Фурқат аҳлига тонг эрмас бўлса ашъори муриқ.

311

Чоқин ўти қила олмас ғамим тунини ёруқ,
Саҳоб еткура олмас тугонларимға момуқ.

Чу борди хастамен онсиз, ҳар ойинаки киши,
Ки жондин ўлса йироқроқ, бўлур ўлумга ёвуқ.

Юзунг наззорасидин кўзки қолди, ёптингким,
Эмас мутолаасиз раем Мусҳаф ўлмоқ очуқ.

Манга сиёсати ҳажр ичра бир шарар басдур,
Ки мўр ўртагали эрмас эҳтиёж томуқ.

Хаёлидур мутазаррар кўнгулда оҳимдин,
Ки йўқ таҳаммули хоҳ иссиғ ўлса, хоҳ совуқ.

Басе ёруғлуғ умид ўлди ўйла равзанадин,
Тобонки дашти фано пўясидин ўлса ёруқ.

Қул ўлди манглайида доғ кўп кўруб эҳсон,
Вафоси базмида баским Навоий этти тобуқ.

312

Эй ақл, қилмағил кўп тавсанлиғу ҳарунлуқ,
Ким ишқ бизга солди ожизлиғу забунлуқ.

Мен йўққи, чархи аъзам то бир қуёш меҳрин,
Ишқ ичра қилғали фош, ўлди анга нигунлуқ.

Ким ҳажр зулматида итса, не тонгки, қилғай,
Айнул ҳаёт васлин ҳам Хизр раҳнамунлуқ.

То ишқ шиддатида тавшалмас одамизод,
Ноодамийлиқ андин кетмас йироқу дунлуқ.

Гар ишқ захмиға васл марҳам десангки қўйсун,
Ҳижронда асру қилма бесабру бесукунлуқ.

Ҳар нечаким юз ўлса ҳижронда заъфароний,
Ғам йўқ берур чу қон ёш ул юзга лолагунлуқ.

Бир жом ул парийваш то тутти, кимки кўрди
Айтур мени: Эрур бу ё маст, ё жунунлуқ.

Бу ишқи пок бирла хирқамни ҳуру ризвон
Йиртишлар, қилурға ҳуллаларин юрунлуқ.

Васл истадинг, Навоий, офат бошингға ёғди,
Бошингда қайда тушти бу толеозмунлуқ.

313

Не ҳаддим орзу қилмоқ ул ой базмида маҳрамлиқ,
Муяссар бўлса хуштур, итлари хайлиға ҳамдамлиқ.

Мени девона қилған важҳдин они парий дермен,
Яна бир важҳ буким, таврида кам кўрдум одамлиқ.

Инон, туз қоматинг ҳаққию оҳимдин ҳазар қилғил,
Ки гулшан ичра нозук нахлға елдин бўлур хамлиқ.

Қотиқ ҳолимға чарх айлаб тапонча бирла кўк юзни,
Нужум ашкидин этти нилуфар баргини шабнамлиқ.

Манга бўл ёрким, ишқ аҳли бирла ҳусн эли ичра,
Муқаррарлиғ манга етти, санга тегди мусалламлиқ.

Не ҳусну нутқ эрур, ё Рабки, зоҳир айласанг андин
Қуёшқа тийралиғ бўлғай, аён Исоға абкамлиқ.

Замон аҳлини қотиқму дейин ё сустким, йўқтур
Жафо ичра аларда сустлиғ, аҳд ичра маҳкамлиқ.

Фано дайри гадойимен, майим эски сафол ичра,
Тамошо айлаб, эй шайхлар, кўрунг ул жом ила Жамлиқ.

Навоий, дайр пири нуктасин фаҳм этмасанг, маст ўл,
Нединким асру кўп воқиъдур иш сиррида мубҳамлиқ.

314

Не ҳаддим бор итингнинг пойбўсин муддао қилмоқ,
Манга басдур муяссар бўлса ер ўпмак, дуо қилмоқ.

Аёғингдур манга ҳожатки, гом урғай менинг сари,
Санга осондурур бу ҳожатим, жоно, раво қилмоқ.

Тилу хомам жаҳонни тутти, аммо ҳуснунгу ишқим
Қалам ҳам айлай олмас нақшу тил доғи адо қилмоқ.

Кўзу қошинг кўнгулнинг рўзгоринким қаро қилди,
Керак шукр этмаса зоҳир, юзин доғи қаро қилмоқ.

Агар мужгону қошинг ҳайрати эрмас эди гардун,
Не эрди айламак оҳим ўқу гардунни ё қилмоқ?

Қилай минг саждаи шукр, улки умрум саждада ўтти,
Топа олсам қошинг меҳробида борин қазо қилмоқ.

Хато қилғач, ибодат тарки таъна урма, зоҳидким,
Убудият ишининг лозими келди хато қилмоқ.

Риёдин айлади ужбумни афзун хонақаҳ шайхи,
Хароботи фано пириға авло илтижо қилмоқ.

Навоий ишқи ул ой ҳусни бирла тавъамондурлар,
Аларни бўлмас, эй панд аҳли, бир-бирдин жудо қилмоқ.

315

Бир қатла бўлса эрди ул гулузор ошиқ,
Бўлғайму эрди мунча оллида хор ошиқ?

Ишқ ичра куйса эрди бир тун, қилур эди раҳм,
Ғам шоми оҳ ўтидин чекса шарор ошиқ.

Хоре аёғин афгор этмай не фикри бўлғай,
Гар қилса хора бирла кўнглин фигор ошиқ.

Жонни фидо қилсам таън этмангизки, бордур
Ёр оллида ўларга беихтиёр ошиқ.

Шамъи жамолин очқоч, ўртанмаким не тонгким,
Куймак аро керактур парвонавор ошиқ.

Ишқ ичра эътиборинг гар йўқ, бу муътабардур,
Бўлса керак фанодин беэътибор ошиқ.

Ошиқ эсанг, Навоий, кўп заъфдин ториқма,
Не бўлғусидур ўлмай зору низор ошиқ.

316

Ашқдин жисмим биносин қўймади обод ишқ,
Оҳдин берди вужудим туфроғин барбод ишқ.

Ҳажр аро ғурбат, яна беморлиғ бирла жунун,
Қилди жоним қисмати бу навъ юз бедод ишқ.

Шуъласидин тушти ўт оламда ул юз ҳажрида,
Ҳар қачон кўнглумни қилди ўртамак бунёд ишқ.

Ҳажру дарду сабрсизлиғ келдилар қотил бари,
Лек бу фан ичра бордур барчаға устод ишқ.

Юз фасонам бор ани кўрган замон арз этгали,
Жилва қилғач, войким, бермас бирин ҳам ёд ишқ.

Қатлини ишқ аҳли топмас жон бериб, то айлади
Ғамза тиғи бирла маҳвашлар кўзин жаллод ишқ.

Сендин ўрганган киби Лайлию Ширин зулму кин,
Мендин ўрганмак керак Мажнун билан Фарҳод ишқ.

Васл таҳсили учун, эй шайх, тақво қилма амр,
Ким фано ойинин айлабтур манга иршод ишқ.

Эй Навоий, офият кўйида сен бўл шоду хуш,
Ким мени дарду балоға айламиш муътод ишқ.

317

То мени меҳнат тунига мубтало қилди фироқ,
Рўзгоримни саводидин қаро қилди фироқ.

Қон ёшим оқмоғлиғ эрди, дард ила ғам ҳожати,
Ҳожатин ўз қавму хайлининг раво қилди фироқ.

Оқибат то найлагай нозук кўнгулга дардни,
Кўп суубат бирла ҳоло ибтидо қилди фироқ.

Жону кўнглум ҳар бири йиғларлар ўз аҳволиға,
Гўйиё кўксум уйин мотамсаро қилди фироқ.

Васлига шукр этмаган бўлсам, маҳалли таън эмас,
Чун юз ончақим керак эрди сазо, қилди фироқ.

Давр кўрким, улки ичти бир қадаҳ нўши висол,
Сўнги қатла заҳр ила жомин тўло қилди фироқ.

Ҳар дам онсиз юз ўлум эрди Навоий жониға,
Бир ўлум бирла бу дардиға даво қилди фироқ.

318

Эй, каломи жонфизойинг нақди жондин яхшироқ,
Лаъли жонбахшинг ҳаёти жовидондин яхшироқ.

Гарчи ҳажрингдин ёмон ҳолатда мен, лекин манга
Кимки андин яхшироқ йўқ, сенсен ондин яхшироқ.

Халқ тарки ишқинг айларга биравни қатл учун,
Гар тиларсен, топмағунг мен нотавондин яхшироқ.

Ишқ саҳросида ёд этма ватандин, эй хирад,
Ким бу навъ оворалиғ юз хонумондин яхшироқ.

Истасанг, эй ишқ, Мажнун ўрниға саргаштае,
Билки, топқунг йўқ бу расвои жаҳондин яхшироқ.

Дайр аро яхши-ёмон оллида бош қўйсам, не тонг,
Кимки йўқ андин ёмонроқ, мен ёмондин яхшироқ.

Эй Навоий, хурдаи назмингға ислоҳ истасанг,
Кимса қилмас они шоҳи хурдадондин яхшироқ.

319

Ул парийваш муддаиға меҳрибондур, бизга йўқ,
Филмасал оллида онинг итта сондур, бизга йўқ.

Кўйида итларга маскандур, валек қавлар мени,
Ваҳки, ҳамдамларға анда хонумондур, бизга йўқ.

Элни ҳар дам ўлтурур, бизни бу ғам ўлтурдиким,
Лутфи онинг ўзгаларга ҳар замондур, бизга йўқ.

Тонг эмас гар оҳ хоки танни барбод айласа,
Гардға чун остонида макондур, бизга йўқ.

Итлари меҳмон бўлурға йўқ ҳадим, не навъ дей,
Ким ул ой махсусларға меҳрибондур, бизга йўқ.

Ҳай дегунча чун ўтар ҳам айшу ҳам ғам, бас недур,
Гар фалакдин элга айши бегарондур, бизга йўқ.

Қисмат ар дилхоҳ ила эрмас, Навоий, шукрким,
Элга бу иш мужиби оҳу фиғондур, бизга йўқ.

320

Биров жисмиға отса ул сиймтан ўқ,
Менинг жонима санчилур юз туман ўқ.

Будур турфаким, бўйла ҳолимни англаб,
Манга отмас ул шўхи новакфикан ўқ.

Бошоқдин ёғар оби ҳайвон улусқа,
Чу ёғдурса ул қотили сафшикан ўқ.

Кўп ўқ отмаким, гул юзунг фурқатида
Эрур хаста кўнглумга ҳар бир тикан ўқ.

Қошингдин тушуб мен йироқ, ёдин ўқдек,
Манга заъфдин бўлди гўё бадан ўқ.

Қадаҳ қалқонин истаким, чарх ўқидин,
Басе ёғдурур чархи бедодфан ўқ.

Навоию – гулшанки, бир гулдин айру,
Манга басдурур кунжи байтул-ҳазан-ўқ.

321

Сенингдек парий хайли одамда йўқ,
Демай хайли одамки, оламда йўқ.

Паришон чу зулфунг хамин қилди ел,
Паришон кўнгул йўққи, ҳар хамда йўқ.

Бу лаззатки, захмингда топти кўнгул,
Яқин билдиким, ҳеч марҳамда йўқ.

Даминг хижлатидин начук қочмасун,
Бу дам чунки Исои Марямда йўқ.

Кўзунг қатлидин даҳр эли қолмади,
Агар қолди, бир йўққи, мотамда йўқ.

Ғамингдин манга онча айшу тараб,
Ки юз хотири шоду хуррамда йўқ.

Муғанний, Навоий фиғонин эшит,
Ки созинг аро зер ила бамда йўқ.

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «ФАВОЙИД»ДИН

322

Вафо тариқида улким тиларки, қилса сулук,
Керакки, тутса вафо аҳли шевасин маслук.

Бу шева мумкин эмас, негаким, вафо йўқтур
Улусқа яхши-ёмон билу гар гадою мулук.

Замона аҳли вафо таркин айламиш демангиз,
Ки бу замонда йўқ амри вафо киби матрук.

Фироқ шомики, кийди қаро, ёйиб сочин,
Жаҳонда тутти ҳамоно вафо азосиға сук.

Фалак вафоға азо тутқан ўлса аҳли вафо,
Тирик нетиб юругайлар жамоати мафлук.

Кетур қадаҳки, вафо лофини малак урса,
Менинг қошимда шак эрмаским, ул эрур машкук.

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,
Агар «Фусус»дурур, гар «Нусус»у йўқса «Фикук».

323

Васли иқболин манга тегмас таманно айламак,
Басдурур умрумда бир ҳуснин тамошо айламак.

Хат лабингдин жонфизо, ул хат лабингдин руҳбахш,
Истамон афсонаи Хизру Масиҳо айламак.

Берма ул қоматқа ҳар ён жилва, элнинг жони бор,
Ваҳ, недур ҳар дам қиёмат ошкоро айламак.

Бўлмағон бўлса аён қасриға пинҳон борғаним,
Не эди кўйида итлар кеча ғавғо айламак?

Бир пари ишқи мени бу навъ шайдо қилмаса,
Бўлмас ўзни ошиқу девона амдо айламак.

Жон бериб зулмин чу топмон жон топарға васлини,
Бас таманнойи маҳоледур таманно айламак.

Зуҳддин бадҳол эдим, хушвақт ўлинг, эй ишқу май,
Сизга етгай элни мундоқ масту расво айламак.

Олам аҳлидин таваққуъ айламак аҳду вафо,
Заҳрдин ҳайвон суйи бўлғай тавалло айламак.

324

Кўзда ёшим эврулур саргашта Мажнун ёшидек,
Айланур бошим доғи қон ичра ҳар дам бошидек.

Қўрқарамким, ташлағай ул шўх кўйидин йироқ,
Ким бошим айлондурур даврон фалохун тошидек.

Бир-бири ичраки ёлар кўргузур қавси қузаҳ,
Бўлмағай пайваста ул икки муқаввас қошидек.

Кўп дилоро шаклларким, чекти Чин суратгари,
Очмади бир чеҳра ҳаргиз суратинг наққошидек.

Кўзларинг қонимни қут айларда сиҳҳат топтилар,
Ким қилибтурлар ғизо бемор парҳез ошидек.

Ринд бўлған икки олам ўйнағай бир дав ила,
Бўлмағай лекин хароботи фано қаллошидек.

Сиймгун қушлар тонг отқунча фалакда, эй Масиҳ,
Бор экинму бири ул муғ дайрининг хаффошидек.

Қону тоза доғ ила кўнглум анингдек бўлдиким,
Ул қадаҳ тошу ичидур лола ичу тошидек.

Гар зарафшон қилса тазҳиб аҳли нўги хомасин,
Дурфишон эрмас Навоий килки гавҳарпошидек.

325

Ўз тилим чун истамас розимни ихфо айламак,
Ўзга тилдин не таажжуб бўлғай ифшо айламак.

Менки ўз сирримни пинҳон асрай олмон, турфадур
Эл анинг тутмоғини махфий таманно айламак.

Телба сиррин элга гар айтур жунундиндур, валек
Ҳазл эрур ҳар дам ани эл ошкоро айламак.

Нуктаким Мажнун дегай эрмас ажаб атфолдин,
Айламак такрор ул сўзнию ғавғо айламак.

Кўнглида юз қатла пинҳон айламак сўзни не суд,
Тилни бир қатла анинг шарҳида гўё айламак.

Кўз манга бас, тилни кесмак истарамким, хўб эмас
Роз ифшо айламак, басдур тамошо айламак.

Кош ўюлса кўз дағиким бир тамошо айлабон,
Андин ўлди минг бало жонимға пайдо айламак.

Бу балолардин замоне фориғ айлар дайр аро,
Ўзни бир дам кимса масти жоми саҳбо айламак.

Мунча куймак ишқдиндур, эй Навоий, ашқдин
Су уруб, таркин керак Ҳақдин тавалло айламак.

326

Ҳар дам истар телба кўнглум ишқ китмон айламак,
Барқи ломиъни қоронғу уйда пинҳон айламак.

Қайси қушким бу таманно зоҳир этса, истагай
Хас уйин оташгаҳ ўти бирла вайрон айламак.

Шамъ ўти фонус аро ёшунмоғи мумкин эмас,
Ҳулла ичра барқ ўтин пинҳон не имкон айламак.

Ишқ чун муҳликдурур хоҳи ниҳон, хоҳ ошкор,
Ўлгуча дам урмайин авлодур афғон айламак.

Меҳр акси гўйиё дарёға тушкандиндурур,
Каф сочиб аҳли жунундек шўру туғён айламак.

Нуҳ давринда магарким ошиқ эрди рўзгор,
Йўқса ашки селидин не эрди тўфон айламак?

Ишқ ўти гар тушмамиш дайри фаноға, бас недур,
Куп ичин қон айлаб, андин эл ичин қон айламак?!

Ишқ бас душвор эрур, билгил ғанимат, берса даст,
Бўйла мушкул ишни ўлмак бирла осон айламак.

Эй Навоий, бошинга келди жунундин юз бало,
Ул паривашқа не эрди кўзни ҳайрон айламак.

327

Кўзунгнунг оллида наргис келиб қатиқ кўзлук,
Юзунг қошида гули оташин совуқ юзлук.

Ачиқ-чучукка лабингнинг мутеименким, ул
Агарчи йиғлатур аччиқ, эрур чучук сўзлук.

Кўнгулга зулфи киби эгрилик қилур ул шўх,
Не бўлди қилса эди қомати киби тузлук.

Рақибдин ул ой афсун била фан ўрганмиш,
Париға дев не таълим қилди кўр бузлук.

Керак либоси малоҳатда маҳваш эл дилкаш,
Гар эгни ҳуллалиғ ўлсун, вагар тани бўзлук.

Биравки, дайри фано ичра чекса бодаи ишқ,
Ўзидин улки бурун маҳв ўлур, эрур ўзлук.

Навоиё, не ажаб хонумонинг ўлса қаро,
Чу ёринг ўлди қаро қошлиғу қаро кўзлук.

328

Ўзга ойлардин ҳаётим нашъаси бермас илик,
Мумкин эрмас ўзгалар жони била бўлмоқ тирик.

Ғунча оғзиға агар тобиъдур оғзинг, йўқ ажаб,
Ҳурмат асрар, не учунким ул улуғдур, бу кичик.

Сабзхатлар йўқ йигит сонида ул юз тобидин,
Сабзани оқ этти гўё ул қуёш бўлғач итик.

Киргали кўнглумга ул ой гар кўзумни тутти қон,
Бир эшик боғланса не ғам, очти тиғи юз эшик.

Айни заъф ичра кўзунгга шўхлуғ ойин эрур,
Ўйлаким беморлар ичра бўлур баъзи тетик.

Юз ёшурдунг, лек зулфунг торини ёйди сабо,
Шуъла паст ўлғанда андоққим тутун бўлғай бийик.

Ёруғ истарсен кўнгул, муфрит риёзат қил қабул,
Қайда кўзгу равшан ўлғай, бўлмаса суҳон ирик.

Дайр аро беҳушменким, бода тутқач муғбача,
Ўзни билмак расм эмастур, кимда-ким бўлғай билик.

Чеҳра чун очтинг Навоийға, тонг эрмас изтироб,
Ким парий кўргач жунун аҳли, қилурлар телбалик.

329

То елак савсани айлабсену гулгун терлик,
Ўзидин савсану гул тер аро юптурлар илик.

Солди бошиға улуғ фитналар эл қатли учун,
Гарчи шўхона сияҳпечинг кўрунур асру кичик.

Лемуйи бўркунг эрур шуълаки, синдурдунг учин,
Куйдурур халқни ул шуъла агар бўлса бийик.

Қон қилиб риштаи жонларники қилдинг такбанд,
Боғладинг белни магар қўймағали элни тирик.

Сен бу ошубу қиёмат била айлаб жилва,
Мен нетиб айламайин телбалигу шефталик.

Гарчи Каъба эшикин топмади мингдин бир очуқ,
Кир фано дайридаким, анда ёпуқ бўлмас эшик.

Оқса наъш ичра Навонй ёрасининг қони,
Чекиб, эй ишқ, кафан торин, анинг захмини тик.

330

Лабинг хаёлидаким чок эрур манга кўнглак,
Тикар эдим ани, жон риштасидин ўлса ипак.

Итинга озроқ эса туъма пора-пора бағир,
Узуб солай яна бир луқма ўрни тутса юрак.

Хатинг ғамидин ушолған қалам киби баданим,
Ичинда нол киби ҳар тараф заиф сўнгак.

Бинафша япроғидинму либос этибдур гул,
Йўқ эрса гул киби жисмингдадур бинафш елак?

Юзунга обила захмидин ўзга ҳолатдур,
Нечукки боғ топар зеб, чун очилди чечак.

Либос зийнатию ишқ лофи келди йироқ,
Ки куймас ар неча парвонадек учар кўпалак.

Навоий айлай олурму ниҳон бағир туганин,
Ки лола янглиғ очар пора-пора қонлиғ этак.

331

Ул сари тўнлуқ эрур турғанда таъзимимға тик,
Шуълаким хошокни куйдургали бўлғай бийик.

Кўнглума санчарға, эй гул, қилма мужгонингни тез,
Ким тиконнинг игнасин ҳожат эмас қилмоқ итик.

Қилмади ҳолимға ғамзанг бирла лаълинг илтифот,
Бор анингдек ҳолатимким, не ўлукмен, не тирик.

Кўз саводидин қаро, жон сафҳасин қилдим варақ,
Бу икининг рашкидиндур гар санга ёзмон битик.

Хол экинму ул кўз остида, йўқ эрса нофадин
Мушк тар бўлғач, гул узра қатра томизди кийик.

Ҳажр тоши бирла меҳнат шолини қилдим қабул,
Эй кўнгул, ишқ ичра бўлмас кўрмайин қаттиғ-ирик.

Хонақаҳни боғладинг, эй шайху, қилдинг азми дайр,
Юз эшик очилди, гар боғланди эрса бир эшик.

Ўйла фоний бўлки, домангиринг имкон бўлмағай,
Ким этак мавжуд агар йўқтур, нени тутқай илик?

Эй Навоий, чун паривашларға мумкин йўқ вафо,
Қилма мундин нори гар бор эса ақлинг телбалик.

332

Майда бўлса манга ул лаъли шакарханд газак,
Заҳр бўлсун, тилар ўлсам шаккару қанд газак.

Дайр пири керагу муғбачаи бодафуруш,
Ки ато қуйса қадаҳ оғзима, фарзанд — газак.

Ики лаълингға ажаб ҳолат эрурким, йўқтур
Не анинг ўхшаши май, не мунга монанд газак.

Ранги лаъли бўлур икки лабинга етса набот,
Ташла андин бу сари бир-ики парканд газак.

Ёпишур лаълинга чун етса газак, ваҳ, не ажаб,
Сўрсам ониким, эрур жонима пайванд газак.

Даврким, бодасинингдур газаги заҳролуд,
Оқил андин тиламас бода, хирадманд — газак.

Эй Навоий, май агар заҳрдурур, ичса бўлур,
Кимсага гар бўлур ул лаъли шакарханд газак.

333

Не осиғ оҳим ўти равшан зулолинг кунидек,
Тийра дуди чун мени ўлтурди ҳижринг тунидек.

Гарчи бўлса ҳар шарар дўзах ўтидин шуълае,
Мумкин эрмас кўнглум оташгоҳининг учқунидек.

Эйки, зарҳал қилмоқ истарсен саманди наълини,
Топмағунг давронда суртарга юзум олтунидек.

Хўблар лутф айлаб, ул қатлимға гарчи ҳукм этар,
Ҳеч ун келмас қулоғимға ул ойнинг унидек.

Ваҳ, не бўлғай етса юзу хаттинга гирён кўзум,
Ашким ўлса ул гулу бу сабзанинг шудрунидек.

Бил вафо расмин ғанимат, эй гул, ондин бурнаким,
Дай сипоҳи еткай оҳу кўз ёшим чопқунидек.

Васли кўйидин Навоий кўнгли озди, эй рафиқ,
Кўрмадук ҳаргиз ул аҳли ишқнинг озғунидек.

334

Дайр аро муғбачадин соғари мастона керак,
Нечаким тутса ани тўлдурубон, ёна керак.

Менки бир соғар ичиб, чархни барҳам урсам,
Бу кўҳан дайри фаноча манга майхона керак.

Етти дарё суйи май бўлса бу майхона аро,
Лоақал худ бириси сиғқуча паймона керак.

Дайр пири бу хароботнинг айвонинда
Ақли кулга сабоқ ўргатгуча фарзона керак.

Даврида муғбачалар ҳар бири жон олмоқда,
Юз Масиҳоға ситам қилғуча жонона керак.

Бўйла базм ичра алар ҳар бириким тутса қадаҳ,
Нақди дин бергали бир мен киби девона керак.

Ким Навоий киби бу дайр аро тутса ватан,
Ҳушу зуҳду хираду дин ила бегона керак.

335

Хароб қилмади онча мени майи гулранг,
Ки қилди орази гулранг бирла соқийи шанг.

Не соқий улки, анинг ишвасиға боқса, бўлур
Ҳавос лолу, хирад масху руҳи нотиқа данг.

Ҳалок неши анинг ғамзасиға йўқ ҳамто,
Ҳаёт жавҳари лаъли лабиға йўқ ҳамсанг.

Қиё-қиё боқиши еткуруб бағирға қилич,
Қаро-қаро мужаси еткуруб кўнгулга хаданг.

Саводи аъзами куфр ила зулфи зуннорин,
Ки топилиб шикану ҳалқасида Чину Фаранг.

Бу навъ муғбача май тутса дайр аро кишига,
Киши эмас, гар анга қолса донишу фарҳанг.

Навоий ўлди чу бу соқий илгидин сархуш,
Не айб, дайрга масжиддин айласа оҳанг.

336

Бошиға чунки алиф кескай ул бути бебок,
Эмас маҳалли таажжуб, гар ўлса бўркида чок.

Гаҳики мает эгарур бодпо, хирад хайли
Борур ҳавоға, қуюн еткач, ўйлаким, хошок.

Неким бошимда эди қўйдум, истабон қатлин,
Ки осса шаҳсуворим узилмагай фитрок.

Қоши фироқида баҳри сиришким андоқдур,
Ки янги ой кемасин чайқатур, уруб кўлок.

Тутуб пиёла фараҳнок қилғил, эй соқий,
Меники ҳажр хумори қилибтурур ғамнок.

Магар замон ғамидин қочмасун деб аҳли ано,
Иҳота айлади бир-бирининг устида афлок.

Тажалли айласа ул пок юз, десанг аввал,
Замиринг ойинасин ғайр нақшидин тут пок.

Навоий андуҳу фурқатда ўткариб умре,
Агар даме топибон васл доғи ўлса, не бок?

337

Тарки ишқ эттим, мени ишқ аҳли хайлидин сурунг,
Чиқмасам таъну жафо тоши бошимға ёғдурунг.

Балки бўйнум боғлабон, ушшоқ ибрат олғали,
Ишқ мулки тўрт бозорида судраб кездурунг.

Бўйла расволиғ била тортинг бало майдониға,
Ҳар уқубат бирлаким, имкони бўлғай, ўлтурунг.

Fусса даштидин ўтун тошиб, тамуғдин ўт олиб,
Солибон мен хомнинг жисмин ул ўтқа, куйдурунг.

Чунки кул бўлдум эсарда ҳажр дашти сарсари,
Овуч-овуч олибон, ул кулни кўкка совурунг.

Совурурда дўст жаврин навҳам ичра дарж этиб,
Дўстлар бедоду зулмин ҳам аёлғу келтурунг.

Бўйла ҳолим кўргач, эй ишқ аҳли, ҳар дам юз бало
Етса, ишқ отини тутмоғдин кўнгулни тиндурунг.

Дўстлар, мен ишқини тарк айлаган бадмеҳрни
Бир баҳона бирла мен куйган маҳалға еткурунг.

Гарчи мсн бўлдум фано, боре уятлиғ руҳума
Бодпои сайридин жаннат насими эстурунг.

Ишқ даштида наво кўптур, Навоийдек бирав,
Ким кирар анда, ани юз минг балоға топшурунг.

338

Зиҳи секрибон чарх узра раҳнавардинг,
Назар топмайин тўтиёлиққа гардинг.

Кўрунуб кавокиб раёҳини шабнам,
Чу кўк гулшаниға етиб тоза вардинг.

Ўчуб етти дўзах ўти, чунки уммат
Гуноҳин тиларда чиқиб оҳи сардинг.

Изингдин қуёш чеҳра ёрутмағандин,
Қилиб заъфарон кун узорини зардинг.

Раёҳин аро сарви озод янглиғ,
Кўрунуб русул хайлида зоти фардинг.

Русул сурмади ломакон узра маркаб,
Сен эрдинг бу майдондаким от чиқардинг.

Навоий, наби наътидин жамъ қилғил,
Паришон эса хотири ҳарзагардинг.

339

Бўлур гаҳики ғамим шуъласин аён қилсанг,
Шарарни шуъла уза нуқталар гумон қилсанг.

Кўзум ёруғ тилар эрсанг, ёшурма холингни,
Ки кўр ўлур кўз, агар нуқтасин ниҳон қилсанг.

Хаданги оҳим ила, эй фалак, хато қилмай,
Қаронғу тунда не кавкабниким нишон қилсанг.

Илож қилмаки, ботроқ куярга ансаб эрур,
Таним чунин неча ҳажрингда нотавон қилсанг.

Кўз ичра ҳалқа урубтур сиришк ўлур, эй ишқ,
Кўзум қаросини ул ёшлар ичра хон қилсанг.

Чу жавринг ўртади парвонани не суд, эй шамъ,
Кесиб сочингни, азоси учун фиғон қилсанг.

Кўзунгни кўнглума андоққи мизбон қилдинг,
Юзунгни кўзума ҳам, кош, меҳмон қилсанг.

Бу боғ гуллари баргида топмас, эй булбул,
Димоғи меҳр иси, юз қатла имтиҳон қилсанг.

Навоий, айлагасен васл кишварини ватан,
Фано йўлиға кириб, тарки хонумон қилсанг.

340

Қаро-қаро мужа ханжарларин ититмак ишинг,
Ҳаёт нахлини кескан қиё-қиё боқишинг.

Ишинг бу эрдики, жонимни олғасен, танни,
Ки судратурмен эшиктин магар тугонди ишинг.

Зулоли Хизр лабинг ул зулол қатралари,
Ки жола бўлди узоринг баҳори ичра тишинг.

Не ғунчасен, кўнгул, охирки елу су ерига,
Бўлубтур оҳу бағир қони бирла парваришинг.

Кўзумга қўйди қадам, ваҳ, ўтар хаёл айлаб,
Олай деса аёғ, эй кўз қаролари, ёпишинг.

Эрур чу даҳр бузуғ гулхан, ушбу авлоким,
Бузуғда кечса ёзинг, гулхан ичра ўтса қишинг.

Навоий, истама элдин жунун иложинким,
Бу телбалик аро йўқ ул паридин ўзга кишинг.

341

Ишва айлаб элга, оҳимдин таваҳҳум қилмадинг,
Тишлабон лаълингни, жонимға тараҳҳум қилмадинг.

Лаълинг ичра дурларинг шавқида сарғарди юзум,
Оҳким, бу заъфарон бирла табассум қилмадинг.

Орзу қилдим ҳадисинг — айладинг қатлимға ҳукм,
Ул доғи эрди ишоратким, такаллум қилмадинг.

Элга жон бермак санга душвор келса, тонг эмас,
Сенки то жон олмадинг элдин, танаъум қилмадинг.

Эй кўнгул, андинки аввал дуд эрур, андин сўнг ўт,
Ишқ аро Фарҳоду Мажнунға тақаддум қилмадинг.

Эй қазо ҳукмиға ожиз, бу сифат маҳкум ўлуб,
Фақр атворида ҳеч иш жуз таҳаккум қилмадинг.

Тушкали ул гулдин, эй булбул, Навоийдек йироқ,
Fайри дилкаш лаҳну жонпарвар тараннум қилмадинг.

342

Бу не ҳусну ноз эрурким, интиҳоси йўқ анинг,
Бир нафас йўқким, кўнгулда юз балоси йўқ анинг.

Холи ҳижронида тим-тим ерга томган қон ёшим,
Ҳар бири бир лолаедурким, қароси йўқ анинг

Кўнглум андоқ тўлди қон бирлаки, чиқмас ноласи,
Бода тўлған жом янглиғким, садоси йўқ анинг

Зоҳир этти хаста кўнглум ёраси оғзида қон;
Ким бағир хунобидин айру ғизоси йўқ анинг.

Қуллуғунг доғин қўюб, кўнглумни ғамдин сотқун ол,
Ким бу нақди қалбдин ортуқ баҳоси йўқ анинг.

Ганжи ишратдур аруси даҳр васли, оҳким,
Анбарин зулфидин ўзга аждаҳоси йўқ анинг.

Ҳажр ўқи захмин Навоий боғламиш боштин аёқ,
Йўқ эса жисмин ёпар чоғлиқ либоси йўқ анинг.

343

Тоза доғ атрофида жисмимда тим-тим қон кўрунг,
Дарду ғам тоғида, ваҳ-ваҳ, лолаи нуъмон кўрунг.

Нафй қилғанлар қуруғ жисмим ҳалоку заъфини,
Танға кўнглумдин тиралган ҳар тараф пайкон кўрунг.

Халқ йиғлаб туфроғим бошида юз ҳасрат била,
Ўқларин ҳар ён таним омочида хандон кўрунг.

Ғам туни юммас кўзум давринда кирпик хайлини
Саф чекиб, кўзнинг қарорған ҳолиға ҳайрон кўрунг.

Ишқин этканлар ҳавас, ийнак бу туҳматдин мени,
Боғланиб бўйнум фано бозорида, урён кўрунг.

Чарх баҳри нақдини қилған таманно зарралар,
Меҳр ғаввосин бу игрим ичра саргардон кўрунг.

Ўқларидиндур Навоий жисми меҳнат гулбуни,
Гуллар ийнак тоза қонлиғ доғидин ҳар ён кўрунг.

344

Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг,
Гар мени ўлтур вагар тиргузки, жоним сен менинг.

Хоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,
Хоҳ кел қошимғаким, сарви равоним сен менинг.

Кўнглум ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим сенга,
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Жилва айлаб ҳар замон, афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен-ўқ чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,
Бори бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил,
Ким пари рухсоралардин танлағоним сен менинг.

Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,
Эртаги нозук мизожи бадгумоним сен менинг.

345

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг.

То гул чу хаёл қилди тиғингни,
Ғайратдин анга ўт урди рухсоринг.

Қаддинг била сарв қилса саркашлик,
Тушкай қуйи боши, кўрса рафторинг.

Зулфунгким, эрур тугун-тугун гўё,
Эл бўлди бирин-бирин гирифторинг.

Наргис киби сарғариб асо тутқан,
Кўптур қаро кўзлар ичра беморинг.

Қил бору йўқунг фидоси, эй кўнглум,
Гарчи тенг эрур анга йўқингу боринг.

Дединг: сени ўлтурай, худ ўлтурди,
Йўқ бийми ҳалок, лутфи гуфторинг.

Эй муғбача, куфр тарки журмумға
Бўйнумға тақарға яхши зунноринг.

Гар қайтмаса Навоий, ўлтурким,
Дайр эшики чорчўбидур доринг.

346

Қайси андуҳ ўтиким, куйган танимға урмадинг?
Не бало тошики, синған бошима ёғдурмадинг?

Не ёмон умр эрдиким, келдинг чу заъфим сўрғали,
Айлагунча жон нисори мақдаминг ҳам турмадинг.

Жон киби келдинг ва лекин изтиробидин кўнгул,
Ўлтурушқунча доғи бошим уза ўлтурмадинг.

Ҳар сари мўюм забони ҳол ила ёлбордилар,
Мў-бамў англаб ўзунгни, бизга ҳам келтурмадинг.

Чунки чиқтинг — чиқти жоним, не иёдат эрди бу,
Қатлим эттинг, хаста жонимға даво еткурмадинг.

Боғ аро, эй сарв, ҳам сарсабзсен, ҳам сарфароз,
Ким нечукким, настаран ҳар хасқа бош индурмадинг.

Эй Навоий, қилмадинг холи кўнгулни ғуссадин,
То қадаҳни ўйлаким кўнглунг тилар тўлдурмадинг.

347

Ё қошингға қатл учун зийнат фаровон айладинг,
Ким ҳам эттинг ложуварди, ҳам зарафшон айладинг.

Бўйла икки ё учун соз айлабон кирпикдин ўқ,
Ғамзалар нешидин ул ўқларға пайкон айладинг.

Нақди сабрим ғунчадек оғзингда қилғандек ниҳон,
Хурдаи ишқингни кўнглум ичра пинҳон айладинг.

Аллоҳ-Аллоҳ, то не фикр эттингки, лаълу ғамзадин,
Бирни жонбахшу бирини офати жон айладинг.

Гул тўкулди, сарв ҳам елдин таҳаррук қилмади,
Боғ аро то юз очиб, қадни хиромон айладинг.

Не ажаб, эй гул, ичинг қон этса гардун лахт-лахт,
Баски, булбул кўнглини ғунчанг киби қон айладинг.

Эй Навоий, ёр агар қовдурди андин, англаким,
Кўйида ўтган кеча ҳаддин кўп афғон айладинг.

348

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Гул тўкулмиш суға, бормиш сарв ўзидин гўйиё,
Чеҳра очмиш боғ аро сарви хиромоним менинг.

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир туган,
Лолаедур гўйиё ҳар доғ ила қоним менинг.

Тилга олмиш телба кўнглумни яна хайли рақиб,
Қолмиш итлар оғзида мажнуни урёним менинг.

Мен анга ҳайрону эл минг захм урса бехабар,
Бехабар захм урғучилар доғи ҳайроним менинг.

Халқдин пинҳон мени маст айла шояд, эй рафиқ,
Сокин ўлғай шаммае бу дарди пинҳоним менинг.

Эй Навоий, бўлмаса бир пири комил ҳиммати,
Ул йигит бедодидин йўқ махлас имконим менинг.

349

Эйки, ҳусн аҳлиға нозу шева таълим айладинг,
Ишваю ноз айлабон бир-бирга тафҳим айладинг.

Ҳар киши илгига сендин бир дирамдек доғи бор
Ҳусн мулки сочиқин гўёки тақсим айладинг.

Бизни таъхир эттинг, айларда вафо ушшоқинга
Лек жавр оғоз қилған чоғда тақдим айладинг.

Чун етиштим оллинга, қўптунг вале ўлтургали,
Эй фидо жоним сангаким, яхши таъзим айладинг.

Ҳажр заҳриға мени тахсис этиб аҳбоб аро,
Васл нўшин ул жамоат ичра таъмим айладинг.

Хонақаҳ шайхию — юз минг қайд, тиндинг, эй кўнгул,
Ўзни чун дайри фано пириға таслим айладинг.

Эй Навоий, йўқ ҳарам эҳромида эмди қусур,
Ким кўнгулга ғайрнинг ёдини таҳрим айладинг.

350

Ишқ сиррин ҳажр асири нотавонлардин сўрунг,
Айш ила ишрат тариқин комронлардин сўрунг.

Бизга жуз меҳру вафо ойини бўлмайдур насиб,
Бевафолиғ расмини номеҳрибонлардин сўрунг.

Бизни даврон меҳнати ҳам ожиз этмиш, ҳам қари,
Ҳусн ила қувватни раъно навжувонлардин сўрунг.

Бедил эл дилжўйлуқ ё дилшиканлик расмини
Фаҳм қилмаслар, бу ишни дилситонлардин сўрунг.

Некном эл ишқ аро бадномлиғлар шевасин
Яхши билмаслар, ани биздек ёмонлардин сўрунг.

Фардлиқ завқини сўрманг шавкату жоҳ аҳлидин,
Ул суубат лаззатин бехонумонлардин сўрунг.

Ажз туфроғида ишқ аҳлиға ўлган ҳукми бор,
Қатл ҳукми айламакни қаҳрамонлардин сўрунг.

Билмади мақсуд ганжининг нишонин аҳли расм,
Гар сўрарсиз, они беному нишонлардин сўрунг.

Чун Навоий ишқ саҳросида итти, дўстлар,
Они ул ёндин етишган корвонлардин сўрунг.

351

Дўстлар, гулшан аро сарви равонимни тиланг,
Топибон келтурсангиз, муздиға жонимни тиланг.

Буки бедиллиғдин ўлгумдир, иложимни тилаб,
Чунки топмайсиз, бошимға дилситонимни тиланг.

Бўлғуча номеҳрибоним фурқатида меҳрибон,
Меҳрибонлиғ айлабон номеҳрибонимни тиланг.

Не тиларсиз телбараб иткан кўнгулни боғ аро,
Кўйида девонаи бехонумонимни тиланг.

Қатлим истар душманим, ҳижронидур, гар билсангиз
Ўлганимни ҳажридин, зинҳор қонимни тиланг.

Оғзи ҳажридин агар бўлсам адам, зинҳорким,
Бенишонлиғ кишвари сори нишонимни тиланг.

Эй харобот аҳли, етмайдур қадаҳдин нашъае,
Ул хароботий ҳарифи нуктадонимни тиланг.

Совуса Фарҳоду Мажнун қиссасидин кўнглунгуз,
Бас, менинг ишқ ичра ўтлуқ достонимни тиланг.

Чун Навоий ўлди ғамдин, эй ситамгарлар, не суд,
Жони зорим йўқса, жисми нотавонимни тиланг.

352

Қилмади васл ичра бедод узра бедодинг сенинг,
Улча қилди фурқатингда дам-бадам ёдинг сенинг,

Қайси соҳирким дедиким, Сомирий шогирдимен,
Деди ғамзангким, эрур шогирдим устодинг сенинг.

Англа Ширинким, не сен маъшуқлуқда онча сен,
Не бор эрди менча ошиқликда Фарҳодинг сенинг.

Соя эрмас, боғбонким, гулрухум қаддин кўруб,
Озибон ҳуши, йиқилмиш сарви озодинг сенинг.

Уйқуға итлар уни гар мониъ эрди, эй кўнгул,
Эмди қўймас уйқуға итларни фарёдинг сенинг.

Чун фано матлуб эрур соликка бил, эй шайхким,
Куфр эрур зуҳди риёйи ичра иршодинг сенинг.

Эй Навоий, меҳнату ғамдин қочар бўлсанг, керак
Бўлса майлиғ — танг, су қурси газак — зодинг сенинг.

353

Шоми ҳажрим кўрдунг, аммо зулм таркин тутмадинг,
Ваъдаи шамъи висол эттинг, вале ёрутмадинг.

Ваъдаи васлинг илиг бергай деб ашким бўлди баҳр,
Чунким ул дарё аро ғарқ ўлдум—илгим тутмадинг.

Васл нўшидин кўнгулни қилмадинг бир лаҳза хуш,
Ҳажр заҳри биймидин юз қатла то қўрқутмадинг.

Оташин гул ғунчасидек ўртадинг кўнглумни, лек
Очибон они насими васлдин, совутмадинг.

Донаи ашкимгаким ром ўлди ҳижрон қушлари,
Эй кўнгул, бир кун фиғонингдин ани уркутмадинг.

Хаста кўнглумким, ғаму хуноба қилдинг қисмати,
Бу ғизою шарбат ул бемордин ўксутмадинг.

Бодаи васлин ғанимат тут, Навоий, зинҳор,
Ким не қонларким, бу гулгун суни истаб, ютмадинг.

354

Яна ишқ ўтин хаста жонимға урдунг,
Бало барқини хонумонимға урдунг.

Фано шуъласин зор кўнглумга солдинг,
Шарорин тани нотавонимға урдунг.

Қизил ҳошия диклайингда эмаским,
Этак қатл этар чоғда қонимға урдунг.

Фатила эди анда пайкони марҳам,
Қаю ўққи, захми ниҳонимға урдунг.

Яна ёнима етти филҳол роҳат,
Агар тиғи бедод ёнимға урдунг.

Ушалсун дебон нахли уммидим, эй ашк,
Ажаб жолалар бўстонимға урдунг.

Кўруб бошта захмим деди, эй Навоий,
Магар ғам туни остонимға урдунг.

355

Жон олурда жисм зор эрканни билмасму эдинг?
Қон тўкарда жон фигор эрканни билмасму эдинг?

Нола журми бирлаким, жонимни олдинг, нолишим
Сенсизин беихтиёр эрканни билмасму эдинг?

Қилдинг эл меҳрин санад қатлимға, йўқса жон аро.
Сирри ишқинг устувор эрканни билмасму эдинг?

Туҳмати бемеҳрлиғ қилдингки, билгач ўлгамен,
Йўқса, меҳринг жонға ёр эрканни билмасму эдинг?

Васлинга еткурмаган зулм эрди, ваҳ, йўқса кўнгул
Фурқатингдин беқарор эрканни билмасму эдинг?

Ошиқ ўлдунг, эй кўнгул, қилма фиғон бедодидин,
Ишқ аро юз мунча бор эрканни билмасму эдинг?

Эй Навоий, гар кўнгул ишқингни ёйди, тонг эмас,
Нуктаси девонавор эрканни билмасму эдинг?

356

Нигор эркин буким, бармоғларингдин ошкор эттинг,
Ваё оқ килкларни зеб учун нақшу нигор эттинг.

Юзунгда хол ғавғоси аро гулгуна зебидин,
Кўзунг жайронлари ўйнарға гўё лолазор эттинг.

Шаҳ ўлдунг, эй маҳи маҳмилнишин, шаҳринг сенинг урду.
Бу маънидин саропардангни тегрангда ҳисор эттинг.

Магар қонлиғ кўнгулниинг қушларидур ёндошиб учқан,
Тўнунгда тугмаким, ёқути аҳмардин қатор эттинг.

Кўнгулларнинг қарорған рўзгори чун сочинг эрди,
Тараб они, кўнгулларни паришонрўзгор эттинг.

Юнгин юлған кабутардек бари ажзоси кўнглумнинг
Тушуклардур, магар игнанг била они фигор эттинг.

Магар гулранг майдин эрди ё гулгунадин буким,
Юзунгни гулгул айлаб, кўнглум ичра хор-хор эттинг.

Нетиб кўнгли қуши чиққай Навоийнинг сочингдинким,
Чу сен ул тўрға бўйнин-аёғин устувор эттинг.

Дуди оҳимнинг қуюндек печ ила тобин кўрунг,
Тийра ҳажрим оқшомининг баҳри гирдобин кўрунг.

Қушким ул ойдин кетурмиш нома, ҳар тирноғидин,
Чоклар бўлған кўнгул элтурга қуллобин кўрунг.

Ҳиндуйи соҳирдурур даври занахдонида хол,
Тавқи ғабғаб шаклидин бир акси меҳробин кўрунг.

Ишқ ўти туғёнидин жонимки, бўлмиш ташналаб,
Дафъиға ул ойнинг икки лаъли серобин кўрунг.

Олмаған бўлса чучук жоним лаби бирла кўзи,
Ҳам шакархандиға боқинг, ҳам шакархобин кўрунг.

Солики маҳрумким, матлубидин тўлмиш жаҳон,
Аллоҳ-Аллоҳ, жонин ўртар дарди ноёбин кўрунг.

Ёр куйин истаб, ўзлукдин Навоий бўлди фард,
Каъба эҳромиға истиъдоду асбобин кўрунг.

358

Бўлди қотил кўз била зулфи сияҳкори анинг,
Кофири мастеки, бир ён тушти зуннори анинг.

Истасанг Лайлию Мажнун ҳусну ишқидин мисол,
Мен назиримен мунунг, ёрим намудори анинг.

Кўрди ул гул ҳажридин кўнглум шикофин андалиб,
Билмон, афғон қилди ё чок ўлди минқори анинг.

Қўйма марҳам тиғи захмиға кўнгулда, эй рафиқ,
Чиқса жон ҳам, чиқмасун кўнглумдин озори анинг.

Кўксум узра доғлар бўйнумда зулфи торидур,
Токи мушкин риштаға тортилди тумори анинг.

Қўйма қасринг соясиндаким, бу оҳу ашкдин
Ҳам қаро бўлдию ҳам нам чекти девори анинг.

Дайр кўйининг гадойименки, олам шоҳидур
Мастлиғ вақтида бир ошуфта хуммори анинг.

Жом тутким, тарҳини қилған замон наққоши сунъ,
Қилди ғам нақшини хориж даври паргори анинг.

Эй Навоий, лаъли жонбахши манга бўлса насиб,
Тонг эмас, ҳар лаҳза юз жон қилсам ийсори анинг.

359

Яна, эй ишқ, гули рухсорин ошуби чаман қилдинг,
Ҳазин булбул таниға ҳар биридин бир тикан қилдинг.

Кўнгулни телба айлаб қайдиға ҳар ён оқар судин,
Чаман занжири гесусинда юз чину шикан қилдинг.

Саҳоб атфоли жола тошларин ёғдурғали, эй гул,
Парий янглиғ зуҳур айлаб, жунун булбулға фан қилдинг.

Раёҳин хайлини чекмакка ер зиндонидин гўё,
Булут айёридин ҳар қатра торин бир расан қилдинг.

Ниҳоли гул нишиман гулшан эттинг гўйи, эй булбул,
Фироқ ичра тикандин бистару хасдин ватан қилдинг.

Юзунг шамъида шабнам, йўқса тердур, соқиё, ваҳким,
Ул анжумдин шабистон ичра қатли анжуман қилдинг.

Чаманда мает елдин, ваҳки, ҳар ён хам бўлур гулдек,
Замоне жилва айлаб, бизни расвойи заман қилдинг.

Ўлук деб ужбдин зоҳид анга хилватни гўр айлаб,
Ҳамоно пардаи пиндорин, эй гардун, кафан қилдинг.

Навоий, қайда ғам сели яна кўнглунг уйин бузғай,
Ки айларда иморат анда балчиқ дурддан қилдинг.

360

Латофат ойи ул юз, шоми савдо сунбули тобинг,
Соч узра гарди яздий меъжар ул шом узра маҳтобинг.

Кўнгуллар хайлиға хуш-хуш кирарга шоҳроҳ ўлмиш,
Тароғ чеккан замон йўл-йўлки бўлди сунбули нобинг.

Безарда оразинг машшота ҳайвон чашмаси ичра,
Тушуб гулгуна гулгун қилмиш, эрмас лаъли серобинг.

Ипакларким, эшипсен жисмлар захми учун гўё,
Муқайяд қилғали жонлар қушин ҳам улдур асбобинг.

Улусни саждаға тарғиб этарга Хизри раҳ бўлди,
Демасмен вўсмалиқ қошингки, миноранг меҳробинг.

Учи хам игна бирла кўз дуосин бошқа осқандин,
Ёмон кўз тегмасун, бўлди кўнгул чекмакка қуллобинг.

Кетургил раз қизин, соқий, муғанний, нағмае тузгил,
Ки ул кўктин кетургай Зуҳрани афғонға мизробинг.

Туну кун жилва қилма, эй аруси даҳр, билмишмен,
Ки меҳнат субҳи бўлмиш қоқумунг, ғам шоми – синжобинг.

Навоий, офият истар эсанг, қўй даҳр золинким,
Ҳариф эрмастур ул маккораға бу жисми бетобинг.

361

Гулрухеким, жон ародур хор уза хори анинг,
Хор-хоридиндур озор узра озори анинг.

Ўйла зулфунгдин муқайяддур кўнгулким, дегасен,
Юз тугун солмиш бу қуш болиға ҳар тори анинг.

Кўрса вайроним қаёндин эл йиқилғай, соғинур
Ичкари емрулгудектур гарчи девори анинг.

Тарҳ қилғанда узоринг даврини наққоши сунъ,
Тенг эмиш хуршид даври бирла паргори анинг.

Дема оғзи васфида сўз деки, маҳсус ўлмамиш,
Не ўзи, не ваҳм аро ҳаргиз намудори анинг.

Васлдин улким асар истар талаб водийсида,
Топқай ар топилмағай ҳижрондин осори анинг.

Не ҳумоюн ердур, эй солик хароботи фано,
Ким бақо важҳин кўрар, жом ичра хаммори анинг.

Ким вафолиғ ёр кўрди, хуррам ўлсун ошиқи,
Ким вафо қилғай жафогарликда бир ёри анинг.

Сиҳҳат ўлғайму Навоийғаки, юз дилхастани,
Кечалар уйқуға қўймас нолаи зори анинг.

362

Дўстлар, гар дўст қатлим истар ўлса, ўлтурунг,
Сиз агар раҳм этсангиз, душманларимға топшурунг.

Истаса юз ҳажр ўти жонимға етмак, ишқида
Будурур комим дебон, арзиға онинг еткурунг.

Гулшани умрумни вайрон истаса, эй дарду ишқ,
Анда ҳар кому фароғат нахли бўлса, синдурунг.

Келмаса қасри ҳаётим кўнглига хуш, ёнчибон,
Зулм тошин ёғдуруб, гардунға гардин совурунг.

Бу жафолардин кечиб кўнгли вафоға қилса майл,
Зинҳор ул муждани жоним боринда келтурунг.

Кимсага берманг кўнгул, гар берсангиз, эй аҳли ишқ,
Ғайри гар худ жон эрур, тан мулкидин они сурунг.

Чун Навоий айлади ишқу фано даштиға азм,
Қайтиб, эй дарду бало, Тенгрига ани топшурунг.

363

Қатъ қилғунча риё дашти аро юз минг олонг,
Ташлаб ўзлукни, қадам дайри фано жониби монг.

Ишқ саргаштаси сайриға не ҳожат маркаб,
Пўя қилмасму қуюннинг аёғи бўлса ялонг.

Кулли мақсудға ул етти бу йўл сайринда,
Ким тобониға тикан бўлди яна бир ултонг.

Хонақаҳ шайхидин эл сирри фано англамади,
Дайр пири ани хуб англатур элга, англонг.

Кўп совуғлуқ керак ўлмоққа кўнгул маҳзи риё,
Баҳр муз боғламағай, су юзини тутмаса сонг.

Чунки навмид эмас раҳматидин габру жуҳуд,
Журму исён била бизга бу умид ўлса, не тонг.

Чиқ, Навоий, қаридинг, ҳурмат ила майкададин,
Судратурлар, киши чиқмаслиғ этиб бўлса қошонг.

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «ФАВОЙИД»ДИН

364

Ишқини тарк эт дединг, хуршиди рахшондурму ул,
Ҳуснидин, дерсенки тўйғил, моҳи Канъондурму ул?

Юз қуёшида берур жон элга лаъли, эй Хизр,
Истама зулмати зулфин, оби ҳайвондурму ул?

Онсиз эрмасмен замоне, лек ул пайдо эмас,
Ваҳки, билмон ё кўнгул, ё жонда пинҳондурму ул?

Кўзлари қатл айлар ислом аҳлин, эй ғофил кўнгул,
Раҳмким андин тамаъ қилдинг, мусулмондурму ул?

Баҳри ашким ичра, эй ғаввоским, йиғдинг гуҳар,
Буки қаърин истадинг, дарёйи Уммондурму ул?

Тутти бир тоғ гўшасин Фарҳод, ани мендек деманг,
Ҳажр даштида алохону аломондурму ул?

Ваҳшу тайр ўлмиш рамида мендину Мажнунға ром,
Мен киби девонаи расвои нодондурму ул?

Кўнглума онсиз бир ўтдурким, ёмон ўртар мени,
Англамон, дўзах ўти ё сўзи ҳижрондурму ул?

Чарх кўнглум гулшанида очти муҳлик ғунча кўп,
Ғунчадурму, йўқса, заҳролуд пайкондурму ул?

Даҳр базмида, дамо-дам соқийи даврон тутар,
Бода, билмон, лаългун майдурму ё қондурму ул?

Эй Навоий, дардлиғ ноланг қилур элни ҳалок,
Айтқил, сури қиёмат, йўқса афғондурму ул?

365

Ёр қутлуғ юзидин қолди чу маҳрум кўнгул,
То нелар бошима келтургусидур шум кўнгул.

Ёр борди, кўнгул андин бурун итти гўё,
Бир нима ёрдин айлаб эди маълум кўнгул.

Давр зулм айлару, давр аҳлию давр офати ҳам,
Неча золимға асир ўлғуси мазлум кўнгул.

Раҳмат ул кофири қотилғаки, бедод чоғи,
Раҳм қилмас, нечаким, бор эса марҳум кўнгул.

Ғунча оғзи аро ваҳм этса ул ойнинг оғзин,
Топқуси доираи нуқтаи мавҳум кўнгул.

Кўп вафо истадию топмади элдин гўё,
Ким вафодек ўзини айлади маъдум кўнгул.

Ёр мавзун қади васфида Навоий янглиғ,
Назм жавҳарларини қилғуси манзум кўнгул

366

Туну кун ул ой хаёли бирла мен ошуфтаҳол,
Бир хаёл айлаб мени шайдою элга юз хаёл.

Тонгдин оқшомғача ғам тоғин қозиб Фарҳодваш,
Кеча тонг отқунча дашт узра озиб Мажнун мисол.

Олам аҳли оҳу нолам истимоъидин малул,
Кўнглума олам эли бедоду зулмидин малол.

Қилмаған журмумға, тортиб чарх тиғи интиқом,
Бу балоға чора топмоққа топилмай эҳтимол.

Мен балокашмен, манга базм ичра ҳижрон заҳри бас,
Соқиё, айшу нашот аҳлиға тут жоми висол.

Меҳр расмин, эй кўнгул, даврон элидин истама,
Ул қуёшқа негаким етмай камол, ўлмиш завол.

Гар Навоий телбараб жаврингдин итти, эй пари,
Ул нечаким ишқ аро борди ёмон, сен яхши қол.

367

Куймагим кўр, ишқ ўтининг иштиолин сўрмағил,
Ўлмаким боқ, ҳажрининг дарду малолин сўрмағил.

Демагилким, ул парий ҳажринда кўнглунг ҳоли не,
Телбаким ғам даштида барқ урди, ҳолин сўрмағил.

Эйки, дерсен: ҳажр заъфида хаёлинг не экин,
Заъфдин улким, хаёл ўлди, хаёлин сўрмағил.

Ҳажр юз ўтлош бало зиндониға солмиш мени,
Бўйла маҳбасдин қутулмоқ эҳтимолин сўрмағил.

Мен ўлуб лабташнаю лаъли лабинг оби ҳаёт,
Бу гадо комин берур бўлсанг, саволин сўрмағил.

Ишқ дашти ичра иткондин хабар маълум эмас,
Ул тараф овора бўлғаннинг маолин сўрмағил.

Васл уммиди бирла юзланди Навоий кўйинга,
Қатл қилсанг — қилғил, уммиди муҳолин сўрмағил.

368

Сен эдинг кўнглум аро, ҳар неча чок эттим кўнгул,
Ғунчадекким, ҳар қаён очилди — зоҳир бўлди гул.

Кўкси ичра оташин гул гунчасининг нақшидур,
Булбули бедилға ғўёким эмас ўтлуғ кўнгул.

Бу чамандин ел учуруб гулни, булбул қолғани
Рост андоқтурки қолғай, чунки шуъла ўчса, кул.

Қон ютуб бир гул ғамидин ўлганим ёд айласун,
Гул чоғи ҳар кимки, бир гулрух элидин ичса мул.

Ой ила хуршид ато бирла ано бўлса санга,
Қул додакдин ҳосил ўлғандек турур мирзо ўғул.

Сели ашкимдин ўтарга ожиз ўлсанг кескамен
Боғи умрум шохсорин қилғали омода пул.

Эй Навоий, сен не ҳад бирла анга қул бўлғасен,
Ким беганмас айламакка Юсуфи мисрийни қул.

369

Тарки ишқин қилғали жон бўлди жонондин хижил,
Кўз кўнгулдин, бал кўнгул ҳам кўнглум олғондин хижил.

Новакинг еткач ўлук жисмимға, топтим инфиол,
Нақдсиз андоққи топқай ўзни меҳмондин хижил.

Дину имонимни торож этти, аммо бормен,
Эй мусулмонлар, ҳануз ул номусулмондин хижил.

Ҳажрида кўр ўлмаған кўзни қизартур қон ёшим,
Не қизормоқтурки, эрмас дарди ҳижрондин хижил.

Не учун Фарҳоду Мажнун тоғу дашт айлар ватан,
Гар эмаслар мен алохону аломондин хижил?!

Дўст лутфи бўлмаса, дўзах манга юз қатла ҳайф,
Бўйлаким маҳшарға киргум журму исёндин хижил.

Кундуз ул кўй ичра топилмас Навоийким, эрур,
Кеча тонг отқунча чеккан оҳу афғондин хижил.

370

Ҳам жаҳоноро жамолидин гули раъно хижил,
Ҳам гули раъносидин «Боғи жаҳоноро» хижил.

Онча бор ул кўй аро расволиғимким, бўлмишам,
Барча расволар аро мен телбаи расво хижил.

Нега итмишлар Масиҳу Хизр агар қилмайдурур,
Бирни руҳафзо лаби, бирни хати хазро хижил.

Тиғ ул қотил сурардаким тушар бошим қуйи,
Мен қиличидин хижилмен, ул эмас қатъо хижил.

Демангиз, оллида васли муддаосин, айтким,
Ё малул ўлмоқ керак бу муддаодин, ё хижил.

Бўлди Руҳуллаҳ бу эски дайрдин улвий хиром,
Не учунким, қон тўкардин бўлмас ул тарсо хижил.

Чун Навоий ўлмади сенсиз, хижолат ичрадур,
Йўқса сиҳҳатдин эмас ул бедили шайдо хижил.

371

Кирди туфроққа ҳилол, очти тўлун ойға жамол,
Ўн тўлун ойнинг қирофидин чу олдинг ўн ҳилол.

Су била шамъ учини ҳар лаҳза олдинг — ёруди,
Шуълани гарчи су бирла равшан этмакдур маҳол.

Елни тез айлабки, ўтдин су чиқардинг — турфадур,
Лек туфроғи анинг кўзларга берди иктиҳол.

Йўқдин эттинг бор ҳар дам юз Масиҳи руҳбахш,
Лек унсурдин мужаррад барчаси жавҳармисол.

Турфадурким, ўт аро эктинг ниҳолу куймади,
Турфароқким, очти гул, гарчи хаданг эрди ниҳол.

Кўз алам тўлгандаким, кўз тутмақ ўлмас жуз алам,
Они тутқилким, алам хайлини айлар поймол.

Бу ғазалнинг мақтаъин матлаъ хаёл этган киши,
Эй Навоий, шояд эткай фаҳм сен қилған хаёл.

372

Ёр ҳажри хоҳи бир кун, хоҳ юз йил, эй кўнгул,
Заҳрдин бир қатраю дарёни тенг бил, эй кўнгул.

Чунки онсиз ўлгунг, ушбу дамки айрилмоққадур,
Бори ул оразға ўлгунча назар қил, эй кўнгул.

Ҳар қаён борса, чу ул қотилдин айрилмас рақиб,
Хоҳ сен қотил анга, хоҳ андин айрил, эй кўнгул.

Ою йил девонаю маст ўлмоғингдин тўймадинг,
Йилчилай ул ой борур, бир лаҳза ойил, эй кўнгул.

Ошиқ ўлса шоҳу маъшуқи гадо лозимдурур,
Ул ниёз этмак аён, бу ноз билгил, эй кўнгул.

Аждаҳолар ишқ даштида кирардиндур забун,
Ўт тутошубтур бу водий ичра — ёнғил, эй кўнгул.

Ишқ тиғи гар Навоий кўксини чок айлади,
Ўлмайин неткунг дурур, бир лаҳза очил, эй кўнгул.

373

Ёғлиғин, эйким, тикарсен, игна мужгонимни қил,
Нақш этарда тори онинг риштаи жонимни қил.

Истасанг торин қизил ёхуд қаро қилмоққа ранг,
Кўз қаросин ҳал қилиб, кўздин оқар қонимни қил.

Гар десанг ҳар ён қизил гуллар қилай нусхат анга,
Кўксим очиб, тоза қонлиғ доғи ҳижронимни қил.

Ғунчалар гул ёнида тикмак тахайюл айласанг,
Анга нусхат кўнгул отлиғ зори ҳайронимни қил.

Гар десанг ҳар ён парий шакли намудор айлайин,
Ваҳ, не навъ айтай, вале манзур жононимни қил.

Қилсанг ул ёғлиғ аро бир шеър ҳам ёзмоқ ҳавас,
Анда ҳар ён нақш бу назми паришонимни қил.

Эй Навоий, кимки бу ёғлиқни тикса ёр учун,
Музди жоним жавҳарию нақди имонимни қил.

374

Яна фироқида ҳар кун эрур манга юз йил,
Валек ҳар кечасин неча кундин ортуқ бил.

Десангки ўлтурайин, эй фироқ, жисмимни
Чу заъфдин топа олманг, ўлук тасаввур қил.

Мен ўлдум, эй кўнгул, ул дилрабодин айрилма,
Гар андин ўзга севар жонинг ўлсаким, айрил.

Танимни гарчи ғаминг тиғи этти юз пора,
Бу шукр адосиға ҳар бирни, истарам, бир тил.

Ғамингда лола киби чок кўнглаким бўлмиш,
Фироқ дудию кўз қонидин қарою қизил.

Чу топмоғунг бу чаман ғунчаю гулида вафо,
Тўкулма ғунча киби, лек гул масаллик очил.

Навоиё, нега афлок муртафиъ бўлмиш,
Агар ғамимдин эмас, вазн каффасида енгил!

375

Эй, қадинг шамъу юзунг шамъ уза гул,
Шамънинг дуди муанбар кокул.

Дам-бадам ичмас эсанг гулгун май,
Не учун оразинг ўлмиш гулгул.

Юзда холи лабинг ул ҳинду эрур,
Ким ичар хирмани гул устида мул.

Менгаким ул қад ила зулф керак,
Нетайин савсану найлай сунбул.

Оташин гулга вафо чун йўқ эмиш,
Ўзни кўп ўртамагил, эй булбул.

Оқибат ерга кирарсен гар худ,
Бўлса кўк атласи рахшинг уза жул.

Эй Навоий, қадам урмоқ бўлмас,
Раҳнамой ўлмаса ҳодийи субул.

376

Азм ўлса хаёлингға, кўнгулдур анга маҳмил,
Осойиш агар истаса, кўз чашмаси манзил.

Эй ишқ, нетиб ул қаро кўзни кўрайинким,
Кўзнинг қаросин ҳажрида ашк айлади зойил.

То бўлди сенинг ҳуснунга ошиқ уза ошиқ,
Иш бўлди менинг кўнглума мушкил уза мушкил.

Ул кўз олур эл жонин ўғурлуқ била, ваҳким,
Боқмас бу тараф, тутсам ўзумни неча ғофил.

Ёди била беҳушлуғум дафъини қилманг,
Деворидин ул кўйнинг ар бўлмаса каҳгил.

Эй муғбача, ошиқмену дурдкаш, этиб раҳм,
Не юзунга, не жомға қил пардани ҳойил.

Ўзлукни фано ўтиға куйдурди Навоий,
Ким савмаадин хориж эрур дайрға дохил.

377

Ул шайхки, минбар уза афсунға берур тул,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук ғул.

Ғафлатдин агар ваъз ила уйғотсалар элни,
Ул айлар уютмоқ учун афсонаға машғул.

Боштин аёғи минбарининг пояси достон,
Ҳам ўзию ҳам маърифати жоҳилу мажҳул.

Кўрмай хирад асҳобида бир фардни оқил,
Топмай киши афсунида бир нуктани маъқул.

Ҳар неки ҳадис оти қўюб, барчаси мавзуъ,
Нақлики машойихдин этиб, бориси мажҳул.

Юз пора қилиб, минбари ўт ёққали авло,
Бу шарт илаким, бўлса ўзи қотилу мақтул.

Иблис сифат эл сари майл этма, Навоий,
То бўлмағасен зарқу риё қайдида мағлул.

378

Қон ёшим ичра таним тўлғанғанин наззора қил,
Лолазор ичра йилон гар кўрмадинг, ўт узра қил.

Бодадинму эркин усрук кўзларингнинг ҳумрати,
Ё узоринг ўти тобидин бўлубтурлар қизил.

Кўнглум ичра ҳар яра оғзида пайконинг учи,
Келди дардинг лаззатининг шукрини айтурға тил.

То тушубмен ул узору икки гесу ҳажриға,
Эй қуёш, раҳм айлаким, бўлмиш, бир ою икки йил.

Доғима андоза марҳамлиқ момуғдин истаган,
Кўнглум ичра бўйла ҳар ён доғи беандоза бил.

Даҳр бўстонида чун йўқтур вафое, эй кўнгул,
Лоладек гулгун қадаҳ тут, ғунчадек бир дам очил.

Илтифотинг озидин итти Навоий телбараб,
Эй парий, бир ҳам бу Мажнунға парво айлагил.

379

Ул қуёш оғзи уза мушкин хол,
Зарранинг нуқтасидин келди мисол.

Гар равондур не тонг ул қадки, эрур,
Руҳ сарчашмасида тоза ниҳол.

Рахш ҳар ёнки сурар ул чобук,
Югурур теграсида пайки хаёл.

Чобукумнинг отининг наъли эмас,
Тушти шабранги аёғиға ҳилол.

Ғунча оғзики такаллум қилмас,
Ул оғиз ғунчаси қилмиш ани лол.

Ҳажрнинг чораси бехудлуғ эмиш,
Соқиё, жом кетур моломол.

То Навоийдек ўлай они ичиб,
Масту мажнун сифату шефтаҳол.

380

Ул пари чеҳра чу кўргузса жамол мақбул,
Кўрган эмастурур ўз ақлиға қолмоқ маъқул.

Суртулуб юзга, агар етса димоғимға иси,
Мени ул зулф таноби била қилғил мақтул.

Истасанг даҳрда минг телба кўнгул саргардон,
Ҳалқа-ҳалқа расани зулфидин очғил марғул.

Хотирим икки жаҳон шуғлидин ўлмиш фориғ,
Дўст ёди била то кўнглум ўлубтур машғул.

Бодаи лаъли лабинг қонима берди таҳлил,
Қатл эмиш хосияти, лаълки бўлғай маҳлул.

Ваҳки, мақсудни маълум этайин деб умре,
Бир саримўй эмастурки, эмастур, мажҳул.

Гар Навоий деса бут васфини такфир этманг,
Дайр пиридин эрур бўйла ривоят манқул.

381

Нолани ҳар нечаким элдин ниҳон айлар кўнгул,
Сени соғинғач яна бехуд фиғон айлар кўнгул.

Ҳар нечаким ёшурурмен рози ишқинг халқ аро,
Бир маҳалсиз оҳ ила борин аён айлар кўнгул.

Май тарашшуҳ айлагандек чок бўлған шишадин,
Захмидин хунобасин ҳар дам равон айлар кўнгул.

Қасд этар кўнглумки, олғай лабларингдин коми дил,
Эмди таҳқиқ айладимким, қасди жон айлар кўнгул.

Кўз кўрар юзунгнию кўнглум мени расво қилур,
Зор этар кўнглумни кўз, бағримни қон айлар кўнгул.

Шуълаи кўкурд кўргузди қазо куйдургали,
Дарди ишқ аҳлин буким гардун гумон айлар кўнгул.

Эй Навоий, аввал ул номеҳрибонға учратур,
Кимниким мен бенаводек нотавон айлар кўнгул.

382

Юзи ойина қилди кўзгуни ул сиймбар ҳойил,
Анингдекким, қуёш рухсориға бўлғай қамар ҳойил.

Ул ўтлуқ юзни қилмоқ зарварақ пинҳон эмас мумкин,
Не имкондур кўрарга шуълани бўлмоқ шарар ҳойил.

Кўрунмас зор кўнглум жаҳд этиб пайконларинг ичра,
Магар ул қушқа бўлмиш касрати барги шажар ҳойил.

Суни андоққи ёпқай сафҳа-сафҳа, барги гул тушкач,
Ёшимға пора-пора бўлмиш ажзойи жигар ҳойил.

Сочингға гарди яздий меъжаринг ҳойил бўла олғай,
Бўла олса саводи шом уза шабнам агар ҳойил.

Сафардур мужиби ҳирмони дийдор аҳли шавқ ичра,
Ҳамоно васл хуршидиғадур гарди сафар ҳойил.

Юзунгни оч, агар худ риштаи жондиндурур бурқаъ,
Бериб жон истамас дийдорға аҳли назар ҳойил.

Дема соликка ҳойил не экин мақсуд валидин,
Эрур ақлу, ҳису дунёю уқбо сарбасар ҳойил.

Десангким, ўзлугумдин ўзга ҳойил борму жононға,
Бўлурму, эй Навоий, ишқ аро мундин батар ҳойил?

383

Эй мусаввир, дилбаримға сурате монанд қил,
Кўрмакидин хотиримни гаҳ-гаҳе хурсанд қил.

Ул ҳарир узраки тарҳ эткунгдурур тимсолини,
Сиғмаса, зайлиға жоним пардасин пайванд қил.

Бўлмасун бу туъмадин маҳрум ул кўй итлари,
Эй ажал, тақсим учун бағримни юз парканд қил.

Ул париваш чиқти усрук секретиб кўнглакча, вой,
Носиҳо, девона бўлдум, эмди тарки панд қил.

Лаъли ширинднки қилдинг айшни жонимға талх,
Неча аччиғ сўз демак, бир қатла шаккарханд қил.

Жоми Жамнинг роҳи Афридун йилони заҳридур,
Эй кўнгул, ўзни сафоли фақр ила хурсанд қил.

Ҳожати будур Навоийнинг, Худоёким, ани
Муғбача ҳуснига муғ дайрида ҳожатманд қил.

384

Захмлиқ кўксумни ғайрат тиғи бирла чок қил,
Ҳам ўшул су бирла ғайридин кўнгулни пок қил.

Ламъаи рухсоридин, эй ишқ, куймакдур ишим,
Нотавон жисмимни гар худ ҳема, гар хошок қил.

Бўйла ўтким мендадур, андин фузун имкон эмас,
Дам била тез айла ёхуд юзни оташнок қил.

Ғайрға шояд ғуборим ҳойил ўлғай кўргали,
Кўйида, эй ишқ, ҳасрат бирла жисмим хок қил.

Маст чиқмиш тиғ ила аҳли назар қатли учун,
Эй кўнгул, наззораи ул қотили бебок қил.

Ҳар не кўкдин келса бўл туфроғдек ҳомил у гар,
Нописандинг бўлса, манъи гардиши афлок қил.

Эй Навоий, ишқ ўтининг шуъласи чиқсун десанг,
Кўнглакинг чоки не осиғ, кўкрагингни чок қил.

385

Лаъли жонбахшики элга жон берур, жонимдур ул,
Улки мундоқ лаб била дер нукта, жононимдур ул.

Васл шоми ул қаду юз даврида парвонавор,
Чеврулуб куйсам не тонг, шамъи шабистонимдир ул.

Нуқтаи мавҳум эмас кўнглумда оғзинг ёдидин,
Ким бу хунин ғунча ичра доғи пинҳонимдур ул.

Итларингга туъмадур бағрим ва лекин қўлларин
Улки рангин айламиш ҳино киби — қонимдур ул.

Деб эмишсен, тарки ишқим айла, ё ўл ҳажр аро,
Мунда ўлсам ҳам ўлай, лекин не имконимдур ул?

Эйки, кўрдунг ҳажр зиндонида бир қонлиғ асир,
Нотавон кўнглум бу, лекин байтул аҳзонимдур ул.

Хусраве кўрсангки, ашъорим ўқуб ҳолат қилур,
Эй Навоий, англаким, шоҳи сухандонимдур ул.

386

Айтаолмонким, мени овора бирла ёр бўл,
Гарчи йўқ қилдинг мени ул кўйидин, сен бор бўл.

Мен агар бар топмадим сенсиз ҳаётим шохидин,
Нахли умрунгдин сен, эй бадмеҳр, бархурдор бўл.

Чун мени ғам тиғидин қатл айладинг, не суд, агар
Мотамимдин ғам егил, ё ўзгага ғамхор бўл.

Эй кўнгул, ул умр ҳажри чун бу янглиғ саъб эрур,
Гар қутулсанг жон бериб, жон бирла миннатдор бўл.

Ул қуёшнинг кўйидин, эйким, тиларсен чиқмасанг,
Хоксор анда нечукким, сояи девор бўл.

То тириксен, истасанг хушвақтлиғ, эй майпараст,
То тўлар паймона, муғ дайрида хизматкор бўл.

Эй Навоий, гар тилар ул шўх озоринг сенинг,
Ким деб эрдиким, вафосиз элга мундоқ зор бўл?

387

Ваҳки, бу бедил ғамингдин ўлди, эй дилхоҳ, кел,
Эй кўнгул, сен доғи ул дилхоҳ ила ҳамроҳ кел.

Мумкин эрмас оғзим ичра кел демакдин ўзга сўз,
Гарчи ёр оллида тенгдур хоҳи тур де, хоҳ кел.

Гарчи дардимға даво қилғунг йўқ, аммо ҳажр аро,
Асру қаттиқ ҳолатимдин бўлғали огоҳ кел.

Ўйлаким том рахнасидин ой тушар вайронаға,
Чок кўксумдин бузуғ кўнглум аро, эй моҳ, кел.

Оҳ ўтин дедингки паст айлай зулоли васл ила,
Бу нафаским шуъласин гардунға чекмиш, оҳ, кел.

Бир қадаҳ берсанг, қўярмен бутқа юз, эй пири дайр,
Иккисин олиб, бошимға ҳасбатан лиллоҳ, кел.

Гарчи келмай-келмай ўлтурдунг Навоийни валек,
Эй Масиҳ, онинг мазори бошиға гаҳ-гоҳ кел.

388

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин,
Тобдоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.

Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориғ, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.

Фақр аро бирранглик душвор эрур беҳад, валек
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил.

Эй Навоий, олтину, шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.

389

Жону кўнглум баски кўрди аҳли даврондин малол,
Жонима бўлмиш кўнгулдин, кўнглума жондин малол.

Бу иков баским малол изҳор айларлар, бўлур
Ҳам манга мундин малол, алқисса ҳам ондин малол.

Улки оламдин малул ўлғай, элидин ҳам эрур,
Кимга зиндондин малолат, аҳли зиндондин малол.

Кимса бирла ошно бўлмонки, ногаҳ, эй рафиқ,
Бир кишига бўлмағай мен зори ҳайрондин малол.

Дашт аро ҳам истамон ҳамдамки, ногаҳ бўлмағай,
Ғулларға бу алохону аломондин малол.

Ҳар неча қилдим вафо, жуз бевафолиғ кўрмадим,
Не ажаб кўнглумга бўлса навъи инсондин малол.

Соқиё, то мумкин ўлғай жомима қуй бодаким,
Даҳр элидин хотиримга ўтти имкондин малол.

То бўлай ул навъ усрукким, шуурум бўлмағай,
Меҳнати кўп кўнглума юз қўйса ҳар ёндин малол.

Гар Навоий жони куйгандин бу сўзлар дер, вале
Жон малол ўрниға кўрмас, етса жонондин малол.

390

Олғали кўнглум миниб бир барқ рафтор от, кел,
Гар менинг кўнглум керактур барқдин ҳам бот кел.

Мен киму васлинг хаёли истамак, ваҳким, манга
Барча гар бир кўрмагу ўлмактурур, ҳайҳот, кел.

Деб эдинг: Бошингға бир кун еткум андоқким қуёш,
Меҳр лофин гар тиларсен айламак исбот, кел.

Борғанингдин айру эрди бир-биридин жону тан,
Келмакингдин жону танни бир-бирига қот, кел.

Рўзгорим тийра айлаб, шоми ҳажр ўлтургуси,
Эй ҳаётим шамъи, дафъ айларга бу зулмот, кел.

Зуҳд ила жонимға еттим, эй кўнгул, гар дайр аро
Бартараф қилмоқ тиларсен тавбаю томот, кел.

Дарди ҳажрингдин Навоий телбарабтур, эй парий,
Гар эшитмак истасанг девонавор абёт, кел.

391

Тиғи ҳажрингдин эрур юз яра ношод кўнгул,
Қилса тонг йўқ ул оғизлар била фарёд кўнгул.

Эй кўнгул, ишқ аро гар ғамлиқ эсанг, бок эрмас,
Қайда ишқ аҳли аро топти бирав шод кўнгул.

Гар юзунг шуъласидин куйди доғи кул бўлди,
Лек бўлди менинг оҳим била барбод кўнгул.

Бошоғингнинг темурин теша ясаб оҳ ўтидин,
Fусса тоғини қозар ўйлаки Фарҳод кўнгул.

Не ажаб телбарасам, чунки олибтур мендин
Одамизод демон, балки паризод кўнгул.

Не вафо рангию не меҳр иси бор, эй булбул,
Бу чаман гулларига айлама муътод кўнгул.

Ёр ёдиға Навоийни берай деб эрди,
Борғали қилмади они ўзи ҳам ёд кўнгул.

392

Боғ аро эрдингмуким, бу кеча гулбез эсти ел,
Бода ичтингмуки, беҳад ишратангез эсти ел.

Юз уза зулфунгни қилдингму паришон ноз ила,
Ким гаҳи гулбору, гоҳи анбаромез эсти ел.

Юзу қаддинг шавқидин ўлдум, ҳамоно боғдин
Очилиб гул, жилва айлаб, сарви навхез эсти ел.

Елга рухсору танинг очиб, магар бердинг ҳаёт,
Ким умид аҳлиға гулпошу суманбез эсти ел.

Ғунчалар шавқунгда гўё боғлағанлардур кўнгул,
Ким нечаким, эсти ул ёндин, диловез эсти ел.

Бу чаманда бўлса ел сокин, ўчар шамъи ҳаёт,
Ёрутур андуҳу ғам ўтин, агар тез эсти ел.

Эй Навоий, ранж ила хуш бўлки, Фарҳод оҳидин
Билки, қўпти ташламоққа тожи Парвез, эсти ел.

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

393

То йигит эрдим, қариларға кўп эрди хидматим,
Қариған чоғда йигитларга оғирдур суҳбатим.

Не учун бўлдум кичик ёшлиғлар ичра кўп сақил,
Гарчи кўп зоҳирдурур син касратидин хиффатим.

Ваҳки, дамдин-дамға, мендин ёрларға ижтиноб,
Гарчи кундин-кунга ортуқтур аларға улфатим

Гар тааммул айласам воқиъ, муҳиқдурлар алар,
Не учунким ҳеч қолмайдур аларға нисбатим.

Мушк чун кофур бўлди — ёғди ўт устига қор,
Хатти мушкин бирла ўтлуқ юзга нетсун рағбатим.

Боғ аро сарви сиҳи ёнида кўрдум эски ток,
Бўлди туз бўйлуғлар ичра хам қадимдин ибратим.

Эй кўнгул, тут гўшае эмди ибодат қилғали,
Қолмоқ истар бўлсанг эллик йилғи бўлған ҳурматим.

Чунки эллик манзил ўтти умрдин, сокин бўлай,
Не учунким эмди йўқ суръат қилурға қувватим.

Неттим эллик йилда жуз исёнки, эмди неткамен,
Ёна эллик йилғача туттумки, бўлса муҳлатим.

Лутф этиб, ё Рабки, имон бойлиғи қилғил насиб,
Ким ҳалок этмиш амал муфлислиғидин хижлатим.

Эй Навоий, ғам емаким, баҳри ғуфрон урса мавж,
Тенгри лутфидин не мумкин жуз уммиди раҳматим.

Не ажаб қон йиғласам аҳли замондин дам-бадам,
Ким алардин ғам уза ғамдур, алам узра алам.

Сўз демак бўлмас аларнинг зулми ёхуд лутфидин,
Чунки ул кўптин доғи кўптур, бу камдин доғи кам.

Чарх гўёким чекар меҳнат юки давр аҳлидин,
Ким бори жисмида анжумдин тер ўлмиш, қадди хам.

Лавҳаи хилқатларида йўқ магар ҳарфи жафо,
Сафҳаи хотирларида йўқ магар нақши ситам.

Сойири афрод иши бу бўлса, улким фард эрур,
Барча элдин ҳусн аро оздур анга юз мунча ҳам.

Чун жафо тортар киши бори биравдин тортса,
Ким вафо қилса кишига, бўлмаса ул доғи ғам.

Кўзи қотил, қоши офат, оғзининг нутқи фусун,
Истарам, лекин жаҳонда йўқтурур мундоқ санам.

Топмағунг дайри фано аҳлида ёнг боштин бақо,
Қилмағунча бодаи ваҳдат вужудунгни адам.

Эй Навоий, мосиваллоҳдин кесилмак кимсани,
Лимааллоҳ манзилиға еткурур аввал қадам.

395

Урармен кўксума тошлар, ғам эткач қасди жон ҳар дам,
Қоқармен бу эшикниким, етар бир меҳмон ҳар дам.

Ўлук топти бузуғ ичра мени мажнунни, гўё чуғз
Навоҳи аҳлин огаҳ қилғали тортар фиғон ҳар дам.

Ҳамоно туфроғимни лаългун қилмоққадур буким,
Келур бағрим шикофидин лабинг шавқида қон ҳар дам.

Магар мажнун кўнгулга ҳар дам айлар ул пари жилва,
Йўқ эрса не учун ўздин борур бу нотавон ҳар дам.

Очар гўё сабо ул гул юзидин ҳар замон бурқаъ,
Буким бир фитна бирла қўзғалур аҳли замон ҳар дам.

Совуғ оҳим бурудат солди олам ичра, қиш эрмас,
Булут йўқ — дуди оҳимдин кўрунмас осмон ҳар дам.

Керак ҳар дам қадаҳким, май суйи ҳар лаҳза қайтаргай,
Буким, даврон жафосидин етар оғзимга жон ҳар дам.

Бу манзилдин манга йўл азмиға боисдурур буким,
Етар бир корвон ҳар дам, ўтар бир корвон ҳар дам.

Дамо-дам жавр ила буздунг Навоий кўнглин андоққим,
Бузулғай мулки, бир зулм этса шоҳи комрон ҳар дам.

396

Улки кўси унидин шому саҳар афғоним,
Анга етмасмен, анга етмак эмас имконим.

Чатри устидаги қуш англаки, кўнглум қушидур,
Кўнглум ўлмоқ не ажаб, андаки бўлғай жоним.

Қулоғи лаъли ҳамоноки дур эрмиш, чу мени,
Бегуноҳ айлади қатл, ани тутубдур қоним.

Меҳрига риштаи жон боғладиму кўз қаросин
Суртсам эрди анга, қолмас эди армоним.

Бу сифатлар била мавсуф ким эркин десалар,
Бўла олмас киши оламда магар султоним.

Фақр кўйида гадолиғ чу эрур султонлиғ,
Салтанат мойилидур хотири бесомоним.

Мену муғ дайри аро муғбачалар ишқики бор,
Ул гадолиғда жаҳон шаҳлариға фармоним.

Пири дайр айласа бир жоми май эҳсон, қилғай
Мает олам элини жоми майи эҳсоним.

Не урай лоф Навоий киби чун ўлса ити,
Итлари хайли аро итча доғи йўқ соним.

397

Айладим азми сафар, бўлғай дебон ишқ ўти кам,
Ул худ афзун бўлди ҳар манзил демайким, ҳар қадам.

Қайси манзилни қадам ҳар дамки, урдум йўл аро,
Ғам сипоҳи хайли кўргузди ул ўтдин бир алам.

Сайрким, дерлар кам айлар ишқни кўр, эй рафиқ,
Ким жаҳон овораси бўлдум, ғалат чиқти бу ҳам.

Ҳажр водийсиға қилманг азм ошиқларки, бор,
Ҳар хаси бир тиғи меҳнат, ҳар тоши бир кўҳи ғам.

Кўйининг девори устимга йиқилса яхшироқ,
Андин айру жилвагоҳим бўлғуча авжи Ҳарам.

Ишқ ила топтим адам саҳросидин мулки вужуд,
Ошиқ ўлдум, дард қилғунча вужудумни адам.

Кўп хирад хаттин Навоий сори чекма, эй рафиқ,
Ким анга килки қазо ошиқлиғ айлабтур рақам.

398

Тутқали ширин лабинг шохи шакардур бармоғим,
Баски, сўрмоқдин ани айрилғудектур тирноғим.

Истарам кўр айлагай наззора аҳлин рашкдин,
Гар сабо таҳрикидин кўйига борса туфроғим.

Васли байъиға тўкуб эл сийму мен ёрдим юрак,
Комима мушкилки, еткаймен бу бўлса ёрмоғим.

Барқ эмаским, ўт чоқармен даҳрни куйдиргали,
Тоғ ила бўлмиш янги ой, чунки тошу чақмоғим.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнун шерикимдур, вале
Дарду ғам чекмакка менча йўқ бу икки ўртоғим.

Дема махмур ўлсанг ўзни солмағил, эй муғбача,
Истарам, бўлғай фано дайрида ўзни солмоғим.

Эй Навоий, дема: умрунг ўтти — ишқу майдин ўт,
То тирикмен, эрмиш ушбу икки иш айлар чоғим.

399

Қаро дастор то чирмади моҳим,
Бошимға чирмашибтур дуди оҳим.

Ёғибтур наргис ичра жола, ёхуд
Кўзида ашк эрур бор иштибоҳим.

Анга ҳамранг ўлай деб мотамимен,
Қарорған рўзгорим бор гувоҳим.

Сиришким хатлари шарҳини сўрдум,
Деди, хайли балоға шоҳроҳим.

Манга худ бу азо бўлди баҳона,
Мудом оқмоққа ашки гоҳ-гоҳим.

Ема бози нужуми тийрадинким,
Эрур қалб ўйлаким, рўкаш дароҳим.

Кўзумдур тийра, яъни, эй Навоий,
Қаро тўн кийди мотам ичра шоҳим.

400

Фироқинг дўзахи ичра вужудум
Бўлубтур ўт, нафаслар анда дудум.

Келиб жон риштасию жисм тори,
Вужудум хилъатида тору пудум.

Фироқингда ютуб қон қилсам афғон,
Майи нобимдур ул, бу бир сурудум.

Қошингда эгма қад бирла ер ўптум,
Хаёл эт ул рукуъум, бу сужудум.

Белу оғзинг учун борим йўқ ўлди,
Вале тенгдур санга буду набудум.

Бериб дин нақди, бўлдум дайр аро маст,
Вале кўп бўлди бу савдода судум.

Буким кўп ашк тўктум, эй Навоий,
Кўнгулдин ғайрининг нақшини юдум.

401

Дамо-дам оташин лаълиға олур бода жононим,
Бу янглиғ ўтлар ичра найласун ўртанмайин жоним.

Эмас ой, кун ики поғундасин кўк золи беркитмиш,
Қулоққа баски ҳажрингда ани ёлқитти афғоним.

Танимда доғларни айладим кўнглак била пинҳон,
Қонаб, кўнглакда фош этти ўзин ҳар доғи пинҳоним.

Кўзумда боғланиб қон ёш, не тонг, гар очқали қўймас,
Чу ул қонимни тўкти, оқибат тутти ани қоним.

Бузуғ кўнглум аро мундоқки, пайконингни ёғдурдунг,
Не тонг, мундоқ ёғиндин ер била тенг бўлса вайроним.

Хижолатдин қизармиш гул, таҳаррук сарвдин кетмиш,
Магар боғ ичрадур гулчеҳралик сарви хиромоним.

Тасаввур бирла гаҳ мақбулмен оллида, гаҳ мардуд,
Қаю ақшомки, султони хаёлинг бўлса меҳмоним.

Вужуд иқлимидин овора гар бўлдум, умид улким
Фано дашти ғуборидин ёпилғай жисми урёним.

Навоийға демангким, тарки ишқ эт, то эрур мумкин,
Ки мен ошиқмену девона, мундоқ иш не имконим.

402

Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур комим,
Будур комимки, шояд учрағай сарви гуландомим.

Ўқунг кўп захмидин дом ўлди жисмим, захмлар эрмас,
Чиқарға жон қуши йўллар ясабтур ҳар тараф домим.

Жамолинг кўзгуси чун элга рўбарў бўлур ҳар дам,
Не тонг гар кўзгу аксидек замоне йўқтур оромим.

Хушо Мажнунки, маънуси эди бошиға қўнған қуш,
Жунун тоши ёғардин бошима ул ҳам эмас ромим.

Мангаким, ҳажри заъфидин нафас маълум эмас келмак,
Не имкон бас етишмак ул Масиҳодамға пайғомим.

Фироқим кечаси бас муҳлик ўлмиш, гар саҳар бўлмас,
Нафас урмоққа гўё субҳини қўймас қаро шомим.

Анингдек ташнамен, эй муғбачаким, қўш тутар бўлсанг,
Фалакнинг ҳуққасин бўл икки, то бўлсун ики жомим.

Баҳо бу бенаводин гар қабул айлар эсанг, бордур,
Бирига жавҳари жоним, бирига нақди исломим.

Ҳаром эттим Навоий, дунёю уқбо таманносин,
Нединким Каъбаи кўйи сори боғланди эҳромим.

Жафо кам қилмадинг – кўз ҳар неча ҳуснунгға олдурдум,
Қиё ҳам боқмадинг – ҳар нечаким, оллингда телмурдум.

Васият қилди қабри бошида Фарҳод ила Мажнун,
Жунун саҳросида ул тошларким, кўксума урдум.

Яралар анжум ўлди, қон шафақ ул ой фироқида,
Хаданги оҳким, ўтган кеча гардунға ёғдурдум.

Фироқим шоми андин тийрадурким, дуди анжумни,
Қаро қилмиш туганлардинки, ҳижронингда куйдурдум.

Лабинг ёди чекиб жон риштасин, солди яна танға,
Кўзунг бедодидин жонни неча оғзимға еткурдум.

Жунунум шуъласин афзунроқ этти ул парий отқон
Не ўққим, ҳажри туғёни аро кўксумга синдурдум.

Ажал бедодидин хоки таним, юз шукрким, тинди,
Ки ҳижрон ўртаган жонимни жононимға топшурдум.

Қазоға рози ўлким, ғусса вақти қилмади суде,
Неча кавкабни мужрим қилдиму гардунни ёзғурдум.

Хуморимдин садою сарзаниш зуҳд аҳлидин ҳар дам,
Чиқиб майхонадин, мунча бало бошимға келтурдум.

Ҳаволам қилса пири дайр бут ё муғбача зуннор,
Не чора, чун қўйиб масжид, фано дайриға юз урдум.

Навоийдек ёруғлуқ ул замон топдимки, ўзлукни
Фано ўтиға ўртаб, кулни доғи кўкка совурдум.

Баҳори васлда ўртанди рашкдин жоним,
Хаёл қилки, не бўлғай хазони ҳижроним.

Таним тугонларига марҳам, эй рафиқ, не суд,
Эрур кўнгулда чу юз мунча доғи пинҳоним.

Не навъ дейки, бузуғ кўнглум ичра гаҳ-гаҳ кел,
Тўкар чу гарди фано лаҳза-лаҳза вайроним.

Жунунум эмгагидин гарториқтинг, эй носиҳ,
Саломат ўл сену шаҳринг, мену биёбоним.

Камоли заъф кўрунгким, етар неча ерда,
Кўнгулдин оғзима еткунча хайли афғоним.

Саломат аҳли, тутунг дину офиятқа азо,
Ки маету арбадажў чиқти номусулмоним.

Қадаҳ қуёши била, соқиё, мунаввар қил,
Ки ғамдин асру эрур тийра кунжи аҳзоним.

Замон элида вафо йўқ, агарчи жон берсанг,
Бас ўлди эрса вафосиз, не айб, жононим.

Дединг, фироқида сабр айла токи мумкиндур,
Навоиё, дема бу сўзниким, йўқ имконим.

405

Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин таним,
Fусса чархи бу танимдур, анжуми ул равзаним.

Айламиш зулфунг хаёли рўзгоримни қаро,
Оҳ дудидин қорармайдур мақому масканим.

Ҳар тараф ул шўх тош урмиш, яролар қонидин,
Ким қуруқ жисмим уза бўлмиш тери пироҳаним.

Дема, жон бермак фанин ўрган, доғи васлимни топ,
Сен висолинг фикрин эткилким, эрур ул худ фаним.

Қаттиқ аҳволимға йиғлайдурған элни дема дўст,
Дўстлар ўлмиш, ўлум ҳолиға етмиш душманим.

Дайр эшикинда таним дафн айласанг, эй муғбача,
Бода лойидин гаҳе топқай иморат мадфаним.

Дашт аро сўр, эй Навоий, жону кўнглум сайдини,
Ким букун ов азми қилмиш қотили сайдафганим.

Шабистон ичра киргач, шамъларнинг нурин эттинг гум,
Кеча ёруғроқ ўлгач, тийрароқ бўлған киби анжум.

Чу сенсен айни инсоният, ўлсанг дийдадин пинҳон,
Қаронғудур жаҳон андоқки, кўзда бўлмаса мардум.

Не тунким, хору хоро устида кўюнгда ётқаймен,
Дегайменким, ёним остидадур синжоб ила қоқум.

Отанг ою онанг хуршид эди эркинки, сен туғдунг,
Вале ҳусну латофатда не аб ўхшар санга, не ум.

Агарчи ишқ баҳри ҳажр дарёсидин аъзамдур,
Ва лекин гар кичикроқдур, пур офатроқдурур Қулзум.

Қуёшдектур тўла куп оғзи давридин майи софий,
Ки гар бўлди қуёш авло буким, гардунча бўлғай хум.

Агар маъшуқи зебо бўлса, не барлосу не лўли,
Нафис ар бўлса коло, мулки не Бағдоду не Торум.

Халойиқ кулмагин ўз ҳолима кўрганда йиғлармен,
Жунун кўргилки, чун дардимға йиғларлар, келур кулгум.

Навоий, шаҳр эли ишғолидин гум бўлди мақсудунг,
Булардин истасанг махлас, фано даштида бўлғил гум.

Чарҳдин гар ҳардам эрмас бир азоға куймаким,
Нега тиккан сойи чок ўлмоқ керактур кўнглаким.

Саҳл эрур кўнглакки, ҳижрон ўқию ғам тиғидин,
Тикмаку чок айламакка мубталодур кўкраким.

Ҳар замон кўздин ёшим эмгаклаган бир ёшдек,
Майл этар туфроққа, ваҳ, ўлтургуси бу эмгаким.

Бежигар бўлсам бало тортарға, ваҳ, эмди не тонг,
Борди кўздин чун бағир парголасидин кўпраким.

Ҳар тонг эрта чекса гардун субҳ тиғин қатлима,
Тонг эмаским, бордур ул душманлар ичра эртаким.

Айшу роҳат қушларин сайд айлай олмон, гарчи бор
Кўз ёшидин донаю жон риштасидин илмаким.

Эй Навоий, буки гардун эврулур фонусдек,
Кўнглига кор этти гўё шамъ янглиғ куймаким.

Қайси тақво хирманин фисқ ўтидин куйдурмадим,
Қайси тавба нахлини нафс илгидин синдурмадим.

Турмай оқса кўздин ашким не ажабким, тавбадин
Гарчи кўп сўз дедим, аммо бир сўзумга турмадим.

Хўблар ишқида кўз бирла кўнгул бедодидин,
Не балийятларки мунглуғ бошима келтурмадим.

Жом барқидинму зуҳдум хирманин кул қилмадим,
Бода сайлидинму ақлим қасрини индурмадим?

Лоларухлардинму ҳар дам қилмадим ашкимни қон,
Сарв қадлардинму гардунға фиғон еткурмадим?

Дайр пири илгидинким, боғладим зуннорни,
Муғбача оллида Мусҳафни магар куйдурмадим?

Қайси шўхи бодапаймо базмидин сургач мени,
Нангсизликдин йироғроқ турубон телмурмадим?

Масти лояъқил яқо йиртиб, аёғу бош яланг,
Йиғламоқдин кимниким, ўз ҳолима кулдурмадим?

Ё Раб, ўз тавбамға йўқтур эътимодим, сен магар
Тавба бергайсенки, мен айтиб бажо келтурмадим.

Бермадинг тавфиқ, йўқса не учун ҳар қатлаким,
Тавба синдурдум, ўзумни ғуссадин ўлтурмадим.

Эй Навоий, истасанг тинмоқ, ишинг Тенгрига сол,
Йўқса мен сайъ айлабон, сендин кўнгул тиндурмадим.

409

Васлинг истаб ўқдек эткай эрди суръат пайкарим,
Найлайинким, ҳажр ўқи пайконларидур лангарим.

Оташин лаълинг ғамидин ўртаниб, қон йиғласам,
Гоҳ қондин, гоҳ ўтдин лаългундур пайкарим.

Кўзу мужгонингдин айру уйқу йўқ мен хастаға,
Ким момуғ янглиғ тикон бирла тўлодур бистарим.

Эй ниҳоли ноз, оҳимдин ҳазар қилким, букун
Кўп куҳанпайкар шажарни йиққудектур сарсарим.

Ул қуёш аксин май ичра кўргали ошуфтамен,
Не ажаб ошуфталиғким, суға тушмиш ахтарим.

Мен озибмен йўлдину бас тийрадур ҳижрон туни,
Толиъ ўл, эй кавкаби иқболу, бўлғил раҳбарим.

Эй Навоий, не ажаб гар назмим элни йиғлатур,
Ким ёзилмиш ҳажр ўтининг дудасидин дафтарим.

410

Еткач ул қотил, эрур бўғзумда икки бармоғим,
Тиғи ўрнин кўргузуб, сургил дебон ёлбормоғим.

Васл жомининг агар муфрит эмас кайфияти,
Сен қачон келгач, менинг недур ўзумдин бормоғим?!

Ҳажр тирноғи била кўнглумниким, қилдим фигор,
Бўлмасун ғайринг демакдиндур бу навъ ахтармоғим.

Баски шавқунг ғолиб ўлмиш телбалардек, эй пари,
Йўқтурур тун-кун хаёлинг бирла сўзлаб ҳормоғим.

Ҳажр аро йўққим, висол истаб, ўлум истаб, эрур
Фурқатингдин ўзни бир тадбир ила қутқормоғим.

Соқиё, таклиф ила ич дема, тўлдур доғи кўр,
Ким аёғнинг нақшини элтур қириб сипқормоғим.

Эй Навоий, тортайин дермен кўнгулдин интиқом,
Йўқса юз ғамни анга ҳар дам недур бошқормоғим.

411

Ёр тиғи қатл уруб, мен ҳажр майли қилмадим,
Кўнглум олиб қовди, мен кўнглум била айрилмадим.

Зулм ила овора айлар чоғда ўлтургил дебон,
Не тазаллумларким, ул қотил қошинда қилмадим.

Кўнглум олурда уммиди меҳр ила зор айлади,
Дилраболар зор этиб, бемеҳр ўлурни билмадим.

Ошиқ ўлманг дермен, эй аҳбоб, панд айланг қабул,
Мен нелар кўрдум, чу эл пандин кўзумга илмадим.

Лаҳза-лаҳза ҳажр ўти чекти алам узра алам,
Ўттиму бир лаҳзаким ул шуълаға ёқилмадим.

Ҳажридин бор эрса ранжинг, туну кун бўл мастким,
То манга бу нукта кашф ўлди, яна ойилмадим.

Оғзи ҳажридин Навоийдек адам сахросида,
Иттим андоқким, ўзум хам истабон топилмадим.

412

Ҳарир кўнглаку кўксин наззора айламадим,
Ки кўнглак ўрниға кўксумни пора айламадим.

Демаки, кўксини мен мунча пора қилмаймен,
Ки ани мен худ ўзум мунча ёра айламадим.

Фироқ шоми ўзи доғи тийрадур ёлғуз,
Духони оҳим ила ани қора айламадим.

Дема неча туганинг бор, билмон аъдодин,
Агарчи ҳаргиз аларни шумора айламадим.

Улусқа ишқим ўтин кўксум оҳи фош этти,
Мен ани ишқим ила ошкора айламадим.

Эл истихора қилур тавбаға саҳаргаҳу мен,
Бажуз сабуҳи учун истихора айламадим.

Навоиё, мени ул маст базмидин сурди,
Йўқ эрса ком ила андин канора айламадим.

413

Итингки, борди қилиб туъма бағриму юрагим,
Оқарғусидур анинг интизоридин сўнгагим.

Фироқ ўти юрагимни су айлаб оқизди,
Чекарга ҳажри ғами эмди йўқтур юрагим.

Этак-этак гуҳар оллингда сочсам эрмас айб,
Ки кўз хазонасидин дам-бадам тўлар этагим.

Майим фироқ аро хуноби ғамдурур, май эмас,
Хаёл бирла лабинг қанди чун эрур газагим.

Тикан нишониму гулдек кафингдадур, ёхуд
Етишгач анда кўзум, қолди ёпишиб нинагим.

Сипеҳр зулмиға йўқ чора бодадин ўзга,
Бу ишда ақлдин эрмас таҳаммул айламагим.

Висолин истадим — очти саҳар яди байзо,
Навоиё, ажаб ар мустажоб эмас тилагим.

414

Фироқ тиғи ҳалокидин онча эмгандим,
Ки етса доғи ажал, ўлмамакка ўргандим.

Ерим гар ўлса тамуғ, кўп кўрунмагай муҳриқ,
Фироқ шуъласиға мунчаким, мен ўртандим.

Ҳалок даштида иткан кўнгул топилмади ҳеч,
Қуюн киби нечаким, ҳар ёнида айландим.

Ўқурда руқъаи ҳижрон узулди тори ҳаёт,
Нединки, торидек азбас ўзумга тўлғандим.

Эмас бошимдин аёқ оҳ дуди бирла қаро,
Фироқ дашти самумида бўйла чуркандим.

Демангки, хум киби дайр ичра сокин ўлким, мен
Суруд унига магар ҳол этарда тебрандим.

Навоиё, ўтубон умр ғафлат ичра, дариғ,
Ки сўнғи уйқуға кўз майл этарда уйғандим.

415

Чарх айирди тез этиб ноламни ҳам, оҳимни ҳам,
Меҳрибон шоҳимни ҳам, номеҳрибон моҳимни ҳам.

Ҳар киши дилхоҳу дилжўюм эди, солди йироқ,
Шоҳи дилжўюмни доғи, моҳи дилхоҳимни ҳам.

Не фиғондурким, латофат авжида моҳимни тун,
Уйқуға қўймас хилофат тахтида шоҳимни ҳам.

Айтмон шоҳимни ё моҳимни еткур бошима,
Ҳам маҳи ғофилвашимни, шоҳи огоҳимни ҳам.

Жонда шоҳим ёди, кўнглум ичра моҳим фурқати,
Денг анга қуллуқ, бу бирга шайалиллоҳимни ҳам.

Эй фалак, шоҳу маҳим шамъи рухидин ғам туни,
Ёрутуб уй, йўлға келтур бахти гумроҳимни ҳам.

Эй Навоий, шоҳим айвони маҳим ҳуснин кўруб,
Жон тарабгоҳимни топса, кўз назаргоҳимни ҳам.

416

Баҳору боғдин ортар малолату дардим,
Ки йўқ чаман аро гулбарги нозпарвардим.

Меники, ул юзу хат дардманд этти, не тонг,
Баҳору сабзани кўрмакдин ортмоқ дардим.

Баҳори ҳусн таманноси ичра барги хазон,
Сиришк қонларидин бўлди чеҳраи зардим.

Баҳор ёмғури раҳмат саҳобидиндур агар,
Ёғарда қўймаса чиқмоққа кўйидин гардим.

Биҳиштнинг чечагу марғзоридин не осиғ,
Мангаки, ул хату юз келди сабзаю вардим.

Жаҳон хаёлидин андоққи, фард қилди мени,
Сипеҳр меҳнатини кўрмасин маҳи фардим.

Навоий айлади шабзиндадорлиғ, неткай,
Ки етса бошиға бир кеча моҳи шабгардим.

417

Хўблар ошиқларин ношод этарлар, шод ҳам,
Ваҳки, бизга ёримиздин лутф йўқ, бедод ҳам.

Турфа кўрким, жаври бирла доғи ғамнок айламас,
Гарчи раҳму илтифоти бирла қилмас шод ҳам.

Йўққи, лаъли нўшидин қилмас ҳаётим фикрини,
Ғамзаи хунрезин этмас жонима жаллод ҳам.

Маҳвашидин кимсага меҳр ўлмаса, хуштур жафо,
Меҳр бунёдин йиқиб, қилмас жафо бунёд ҳам.

Жон берибким, хора ё пўлод етмас ёрдин,
Бу жафони торта олмас хора бал пўлод ҳам.

Соқиё, бир жом ила бу ғамни ёдимдин чиқар,
Гарчи ҳолим шиддатидек чарх бермас ёд ҳам.

Илтифот этмай, Навоийни қилур ҳар дам ҳалок,
Мавти маъҳудиға гар таъйин эмас миод ҳам.

418

Ёр келгач манга душман бўлурин билмас эдим,
Йўқса тун-кун тилабон васл, дуо қилмас эдим.

Айрилиб келгуча ўлтурмакини билсам эди,
Ўлсам, андин борури вақтида айрилмас эдим.

Ойға боқтим юзи ёди била, қоним тўкти,
Билсам ул бўлса қуёш, кўзга ани илмас эдим.

Боғи ҳусни гулидин ранг йўқи фаҳм ўлса,
Боғдек соврулубон, гул киби сочилмас эдим.

Зарқни билсам эди ишқу жунун зумрасидин,
Айрилиб, зуҳду риё хайлиға қотилмас эдим.

Англасам эрдики, эл рашкидин ўлтургусидур,
Ҳажр даштида тилар халққа топилмас эдим.

Эй Навоий, нега васлида ҳазинсен демаким,
Ёр келгач манга душман бўлурин билмас эдим.

419

Шарҳи дардим ёрға ёздим — жавобе топмадим,
Номадек ул шарҳдин жуз печу тобе топмадим.

Ёзмоғида музтариб эрдим жавоб уммидиға,
Чун жавобе топмадим, жуз изтиробе топмадим.

Жаннати васл орзусидин битик қилдим рақам,
Ўтрусида ғайри дўзахдин азобе топмадим.

Васл уммиди ваъдасида макс агар кўргузди ёр,
Умрдин шавқида анинг жуз шитобе топмадим.

Жону тан уммидвор эрди, чу қатъ ўлди жавоб,
Жуз тани фарсудаю жони харобе топмадим.

Руқъаи меҳринки, гардуннинг тилар эл беҳисоб,
Мен анга маъюслуқ янглиғ ҳисобе топмадим.

Эй Навоий, ёр лутфу қаҳрининг хоҳонимен,
Ҳам эрурмен хуш, гар андин жуз итобе топмадим.

420

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.

Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ хам.

Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи,
Ки анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил,
Ки боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

421

Шоми ғам ҳажр ўтиға куймакни кўп фан айладим,
Васл шамъин ёқиб, эл базмини равшан айладим.

Элга гардундин нашот этмак учун эрмиш буким,
Оҳ ўқидин чархни юз ерда равзан айладим.

Бор эмиш гўё висол аҳли нашот айларгаким,
Ҳажр аро қон ёш ила давронни гулшан айладим.

Мен куюб, эл базми гарм ўлмоқ не, яъни гўйиё.
Они элга дўст, ўз жонимға душман айладим.

Бу балийятдин қутулмоқ топмадим, эй майфуруш,
Бехуд ўлмоққа харобот ичра маскан айладим.

Дайр эли тутти Масиҳо сўгини, эй муғбача,
Баски, Марям чархидек ҳажрингда шеван айладим.

Эй Навоий, етса юз минг ғам фалакдин не ғамим,
Хоссаким, дайри фано кунжини маъман айладим.

422

Агарчи асру кўп золимдурур номеҳрибон моҳим,
Биҳамдиллаҳки, ҳам одилдурур, ҳам меҳрибон шоҳим.

Шаҳим бордию мен қолдим, борай десам, бора олмон,
Эришиб они, моҳим бўлмаса бу йўлда ҳамроҳим.

Маҳимға ким дей олғайким, манга бу йўлда ҳамроҳ бўл,
Магар шоҳимки, моҳим дарди ишқидиндур огоҳим.

Манга дилхоҳ моҳимдур, доғи дилжўй шоҳимдур,
Ки ё Раб, тушмасун айру не дилжўюм, не дилхоҳим.

Агар шоҳим вафоси жомидиндур ишрати шомим,
Вале моҳим жафосидиндурур оҳи саҳаргоҳим.

Манга шоҳим вафоси ҳам керак, моҳим жафоси ҳам,
Ки будур мужиби шавқу тараб, ул — иззату жоҳим.

Агар моҳим Навоийдин жаҳон нақдин тамаъ қилса,
Не ғам, шоҳимға бориб зоҳир айлай шайалиллоҳим.

423

Ул қуёшқа, ваҳ, не ҳад бирла битик айлай рақам,
Нома элтур қуш малак бўлғай, магар ҳад бўлса ҳам.

Таййи арзинг бўлса, эй пайки сабо, номамни элт,
Йўқса қатъ ўлмас бу йўл урмоқ била қосид қадам.

Қосидо, жон нақдини ҳам топшурурмен, номаға,
Чун илик сунса, аёғиға нисор эт жонни ҳам.

Сен бориб келгунча, эй қосид, ўзумда бўлмағум,
Жон етиб оғзимға шавқунг шиддатидин дам-бадам.

Англамонким, ул ҳарамда бор топқунг, йўқса йўқ,
Бор топсанг ҳам, олиб номанг ўқурму ул санам?

Гар ўқур ҳам бўлса, радму бўлғуси ёхуд қабул,
Ҳам қабули тушса, ёзғайму жавоб, айлаб карам?

Эй Навоий, нома ул ён ёзғали не ҳад санга,
Тут фироқ ичра висолининг хаёлин муғтанам.

424

Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мақом,
Сураи «Вашшамс»у «Валлайл» эрди вирдим субҳу шом.

Субҳ андин хилватимға нафхаи Руҳул қудус,
Шом мундин кунжи фақрим равзаи доруссалом.

Сайд субҳам донаси бирла малойик қушлари,
Анда қўймай риштаи зуҳду риёи бирла дом.

Не бировнинг қомати раъносидин нолам бийик,
Не кишининг ғамзаи жодусидин уйқум ҳаром.

Не ичимда лоларухлар ишқидин қонлиғ туган,
Не бошимда сиймбарлар васлидин савдойи хом.

Ҳам кўнгулдйн нозанинлар суҳбати бўлған унут,
Ҳам назардин маҳжабинлар сурати бориб тамом.

Ногаҳон шаҳ базмида жонимға тушти офате,
Мен ўзумдин бордим, ул билмон қаён қилди хиром.

Ҳуш кетти, ақл итти, қолмади жону кўнгул,
Ишқ чекти зуҳд ила савдоларимға интиқом.

Тушмиш ўт жонимга ул дамдин бери ул навъким,
Жон бериб ўлмакни топмон, айлабон юз иҳтимом.

Ёр ғойиб, дард муҳлик, ҳалқ ғофил, найлайин,
Ғаврума ким еткай илло шоҳи гардун иҳтишом.

Эй Навоий, шоҳдин дардинг иложи бўлмаса,
Бош олиб кетгил, уруб оворалиғ даштиға гом.

425

Не кун келгайки, келгай нозаниним,
Не хуш бўлғайки, бўлғай ҳамнишиним.

Саодат хатлари қилмиш ҳувайдо,
Итинг чангига суртулган жабиним.

Эрур ул шўх отқан каж гуруҳа,
Кўнгул ганжи аро дурри саминим.

Недин ул кўз чекар ўқ гўшалардин,
Гар ўлтурмакка қилмайдур каминим.

Текурма оташин лаълингға бода,
Ким ул ўтдин куяр жони ҳазиним.

Кетур, эй муғбача, жоми муғона,
Эрур, олсанг, баҳоси нақди диним.

Навоий, не осиғ, жононға етмас
Наволарким чекар жони ғаминим.

426

Ҳар қизил гулким, юзунг шавқида олиб исладим,
Еткач оҳим шуъласи, они сариғ гул айладим.

Чарх варзиш айлабои Фарҳод ила Мажнунға жавр,
Сўнгра мақсуди менинг бедодим эрмиш — англадим.

Тошки отди, хаста кўнглум чокидин солиб ани,
Ёр кўнглидек мени бедил ичимда асрадим.

Кирди майдон ичра гўй ўйнарға ул чобуксувор,
Мен ҳам онинг рахши оллида бошим гўй айладим.

То йўлуқти офият кўйида ул кофир манга,
Ақлу диним борди, билмон, не балоға учрадим.

Субҳдам дайр ичра маст ўлсам мени муфлис не тонг,
Шайх дасторин кеча масжидқа киргач, сирмадим.

Эй Навоий, кўнглума ишқида қўйдум доғлар,
Ул мени гар ўртади, мен доғи они ўртадим.

427

Не тонг гар муҳлик ўлса дуди оҳим имтидоди ҳам,
Ки бир ҳижрон тунича бор анинг мадди саводи ҳам.

Лаби бирла менги васфин ёзай десам, муносибдур,
Варақ жон сафҳаси, доғим қаросидин мидоди ҳам.

Агар бир дам унутсам они, Ҳақдин истарам ўлмак,
Агарчи ўлтурур ҳар дам мени бедилни ёди ҳам.

Тутулмиш зулфунга, лекин юз очсанг, очилур кўнглум,
Сенинг оллингдадур ул телбанинг банду кушоди ҳам.

Ҳаётим нахлини ҳажрингда ашким сели чун йиқти,
Мадад қилди нигун айларда оҳим тундбоди ҳам.

Уқубатлар била ҳижронда ўлтурсанг мени, эй ишқ,
Жаҳон аҳли аро ибрат учун еткур муноди ҳам.

Керакмас ғарра бўлмоқ, шоҳиди давлат бош индурса,
Ки бир хамлиқ эрур онинг саломи хайрбоди ҳам.

Мени зуҳди риёий сори тарғиб эттинг, эй зоҳид,
Салоҳи бор эса, зоҳирдурур онинг фасоди ҳам.

Навоий, эгнинга қўйдунг сабу ичмакка дайр аҳли,
Бу эрди умрлар, эй муғбача, онинг муроди ҳам.

428

Қайғудин кўнглумториқмиштур, кўнгулдин қайғу ҳам,
Жониға етмиш бу ғамгиндин ул-у андин бу ҳам.

Фурқатингдин не тирикмен, не ўлук, ваҳ, не ажаб,
Элга ҳолимдин гаҳ ўлса йиғламоқ, гаҳ кулгу ҳам.

Ваҳки, эмди тушга ҳам кирмас висолинг, негаким,
Кўздин андоқким, учар васлинг, ўчубтур уйқу ҳам.

Ўйла оҳимдин жаҳондур тийраким, заъфим чоғи,
Оғзима қўймоққа топилмас ёруғ бир кўзгу ҳам.

Лаълу дур, тонг йўқ кўзумда, не учунким боғламиш,
Совуғ оҳим шиддатидин анда қон, балким су ҳам.

Интиҳоси ишқнинг ҳижрон эмиш, эй аҳли ишқ,
Васл даврони аро мағрур бўлманг асру ҳам.

Эй Навоий, мен киму ул ой висоли базми, лек
Басдур ул давлатки, ўлтурсам йироқтин ўтру ҳам.

429

Ёғлиғинг илгимда, ашкимни равона айларам,
Кўзга суртуб, ашк аритмоғни баҳона айларам.

Ул кўзумга чун етиб таскин топиб гирёнлиғи,
Кўздин олғач, яна ашкимни равона айларам.

Ёна еткач, кўзга ашким турса олурмен ани,
Ёна борса, чорасин бу навъ ёна айларам.

Кўзда кирпикларни тиллар айлабон ҳарториға,
Заъфи ҳолим кўз тили бирла фасона айларам.

Балки ҳарториға жоним риштасин чирмаштуруб,
Жонима касби ҳаёти жовидона айларам.

Бир қадаҳ берсангки, тутса муғбача, эй пири дайр,
Нақди дин сармояи жоми муғона айларам.

Эй, Навоий, токи бўлмишмен фано дайрида маст,
Ақлу дин ташвишидин фориғ тарона айларам.

430

Кўнглум ичра ишқ ўти ёқмоқни ангез айладим,
Куйдуруб ўзлукни, онинг шуъласин тез айладим.

Ул парий ишқида куйдурдум малойикдин қанот,
Дуди оҳимники, ҳар дам оташангез айладим.

Қадду рухсори учун оҳим ўтининг шуъласин,
Шоми ғам гоҳи ҳавойи, гоҳи гулрез айладим.

Гулбуни қаддиға эл кўнгли осилмиш ғунчадек,
Мундин ул нахли вафо васфин диловез айладим.

Остонингда бош урмоқдин агар топтим судоъ,
Ашку ул туфроғдин ани сандаломез айладим.

Соқиё, май тутким, ул айёмнинг узрин қўлай,
Ким қадаҳдин зуҳд ранжи бирла парҳез айладим.

Эй Навоий, бир парийваш туркнинг мажнунимен,
Йўқ ажаб, ҳар қайда рахшин сурди, мен хез айладим.

431

Ҳар киши ёр оллида дер чинни ҳам, ёлғонни ҳам,
Ваҳки, ул бовар қилур воқиъни ҳам, бўҳтонни ҳам.

Жонға еттим мухталиф асҳобдин, ул дилрабо,
Ўйлаким кўнглумни олди, кош олса жонни ҳам.

Муддаилар бўйла ҳамроз ўлсалар ёр оллида,
Ўзга тутмоқ фарздур ўлмакни, бал ҳижронни ҳам.

Сўз дей олурлар гаҳу бегаҳ, маҳаллу бемаҳал,
Бас маҳалдур, тарк қилсам мулку хонумонни ҳам.

Чунки бағрим қонини кўз йўлидин оқиздилар,
Дам-бадамдурким, сурубтурлар саросар қонни ҳам.

Эй кўнгул, даҳр аҳлиға йўқ ваъдаю паймон дуруст,
Неча куйгунг, сен доғи, уз ваъда, буз паймонни ҳам.

Ҳошалиллоҳким, Навоий айлагай тарки вафо,
Бевафо кофирлар олса жонни ҳам, имонни ҳам.

432

Эй мусулмонлар, келур ҳолим кўруб, кофарға раҳм,
Найлайинким, келмас ул шўхи парий пайкарға раҳм.

Раҳм этарлар телба кўнглумни кўруб аҳли жунун,
Не кўнгул бўлғайки, келмас ул пари дилбарға раҳм.

Гар жафоси бору раҳми йўқ, анга не эътироз,
Ким Худо бермайдур ул шўхи жафогустарға раҳм.

Хўблуғ расмин иликдин берма, эй бераҳмким,
Хўблар ошиқларидин қилдилар аксарға раҳм.

Йўлунг устида ётибмен хастаю зору заиф,
Бир ўтарда айлагил бу бекаси музтарға раҳм.

Бевафолар сори гар дунларға раҳм эрмас, не тонг,
Йўққи дунлар, балки йўқ гардуни дунпарварға раҳм.

Эй Навоий, сарв янглиғ дуди оҳу сийми ашк,
Не осиғ чун келмади ул сарви сийминбарға раҳм.

433

То ўюлди ханжари ҳижрон била гирён кўзум,
Ул танур ўлдики, зоҳир айлади тўфон кўзум.

Вола ул суратқа, жоно, то бўлубтурмен, эрур
Сурати бежон кўзидек, ул тараф ҳайрон кўзум.

Дедим: Эткил оразинг бирла кўзунг васфин, деди:
Оразим – даври қамар, сарфитнаи даврон – кўзум.

Ашқдин юз сори чун зоҳир қилур дурри самин,
Гўйиё кўз мардуми ғаввос эрур, Уммон кўзум.

Бўлди бир гулгун бўялған шамънинг хам шуъласи,
Қилғали рангин сиришкидин танимни қон кўзум.

Чун керактур пок кўз манзури бўлмоқ пок юз,
То юзунг бор, ўзга юз кўрмак эмас имкон кўзум.

Эй Навоий, йўқ ҳадим ул шўхни кўрмакка, лек
Ҳар қаён азм этса, асрар халқдин пинҳон кўзум.

434

Жавҳари пайконларингнинг махзани жон истадим,
Жондин ортуқ туҳфани жон ичра пинҳон истадим.

Тарки ишқ иршод қилдим кўнглума, қатл айладинг,
Бу эди журмумки, кофирни мусулмон истадим.

Эй сабо, девона кўнглумдин хабар топқилки, мен
Топмадим, чун ул парий кўйида ҳар ён истадим.

Зулф аро қошинг кўрунгач, бўлмади зоҳир ҳилол,
Шоми ийд они сипеҳр узра фаровон истадим.

Васл аро аҳбоб ила ул золим онча қўйди доғ,
Ким ул ўтқа тўзмагандин доғи ҳижрон истадим.

Хонақаҳ аҳли азобидин май эттим орзу,
Зоҳидо, ўлдум деганда, оби ҳайвон истадим.

Эй Навоий, ишқ аро ўлсанг доғи васл истама,
Ким муяссар бўлмади, мен улча имкон истадим.

435

Лабинг ҳаёт суйидин зулол эмиш — билдим,
Зулол нуқтаси устида хол эмиш — билдим.

Учуқ лабингда эмас, реза инжу лаъл узра,
Ки барги гул уза бир қатра бол эмиш — билдим.

Қадимки хам бўлуб, оғзинг хаёлидин итти,
Адам ичинда ҳамоноки, дол эмиш — билдим.

Қошингда холнинг овозасин эшитмиш эдим,
Бу Каъба тоқию ул бир Билол эмиш — билдим.

Юзунгни билмас эдим зулф аро чу қилди тулуъ,
Fариб ахтари фархундафол эмиш — билдим.

Даний тажаммулу озоданинг фалокатидин,
Замон табиати беиътидол эмиш — билдим.

Фироқ шомида сўрдум Навоий аҳволин,
Сочинг хаёлида ошуфтаҳол эмиш — билдим.

436

Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим — билмадим,
Бу ғазабким, айлади моҳим, гуноҳим — билмадим.

Ошиқ ўлдум, ёрдин топқай дебон кўнглум висол,
Ҳажр бу янглиғ бўлурни кийнахоҳим — билмадим.

Ёр кўйи ичра итти зор жисмим оҳдин,
Қайда тушканни бу елдин барги коҳим — билмадим.

Ишқ бўстониға кирганда ҳавоий қуш киби,
Сунбули зулфи бўлурни доми роҳим — билмадим.

Ақлу ҳушу сабрим итти, кўргач ул кирпик сафин,
Бир-бир ўлмоғни қаро кўргач, сипоҳим — билмадим.

Кирмагунча дайр аро тинч ўлмадим, тут бодаким,
Fуссадин бу қалъа эрканни паноҳим — билмадим.

Эй Навоий, бўйла қилған рўзгоримни қаро,
Ҳажр шоми эрди ёхуд дуди оҳим — билмадим.

437

Эй, кўнгулга юз туман бедод сендин, жонға ҳам,
Мунча бирла рашк андин мунга, мундин онға ҳам.

Мовию гулгун тўн эрмаским, кўзу кўнглум аро,
Суға доғи тушмиш ул усрук, бўялмиш қонға ҳам.

Ҳуснига ҳайронмен ул янглиғ, мени ҳайронға эл,
Ҳам анинг ҳусниға ҳайрондур, мени ҳайронға ҳам.

Эл бузуғ кўнглин сўра борған эмиш ул ганжи ҳусн,
Ранжа қилғайму қадам, ё Раб, бизинг вайронга ҳам.

Ламъаи пайконидинму кўнглум ичра тушти ўт,
Йўқса кўнглумдин ўқиға тушти ўт, пайконға ҳам.

Қил гадойингға вафо, эй хўблар султониким,
Бевафолиғдур гадоға умр иши, султонға ҳам.

Эй Навоий, давр аёғин тут ғанимат, ушбу дам,
Ким саботе йўқтурур бу даврға, давронға ҳам.

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НАМУДОРИ «ФАВОЙИД»ДИН

438

Тилаб жаннатни, ўтмон дўст кўйида гадолиғдин,
Муҳаққар боғ учун кечмак бўлурму подшолиғдин.

Бўлуб бегона, ул май доғи то хирқамдадур билдим
Ки доғи ҳажр эмиш охир натижа ошнолиғдин.

Фироқинг ичра қолғач, ўлмакимга қилма ҳайратким,
Ўлумдин ўзга иш йўқ, жисмға жондин жудолиғдин.

Ажойиб ибтилодур банди зулфунг ичра жонларға,
Ки бор ўлмакча бир соат нажот ул мубталолиғдин.

Жаҳон шўхинки, эл маҳбубидур, ақд айладинг, лекин
Тааммул қилки, не лозим келур бу кадхудолиғдин.

Ёрут май ламъасидин хилватимни бир кун, эй муғким,
Ёруғлуғ топмадим хилватда йиллар порсолиғдин.

Кўзум андоқ қарормиш тийра зуҳд ичраки, гар соқий,
Демон май тутса, заҳр ичкаймен ани кўз қаролиғдин.

Бу гулшан ғунчасида жола эрмаским, тиш иржайтиб
Кулар ошуфта булбул навҳасиға бевафолиғдин.

Навоий, бенаволиқ шевасин берма иликдинким,
Наво ҳар кимки истабтур, топибтур бенаволиғдин.

439

Еткуруб эрдим фироқинг тунлари гардунға ун,
Шукрким, васлинг куни эмди не ул ундур, не тун.

Юз ёпиб, қилдинг узун шоми ғамимни, эй қуёш,
То қуёш мағрибқа мойил, сояси кўпрак узун.

Дема: зулфум бандидин бош чекма, бўйнунг тўлғама,
Тиғ агар сурсангки, мен бош қўйдуму туттум бўюн.

Тийра оҳим элга зоҳир қилди кўнглум куймакин,
Гарчи ўт ёшунса, ани ошкор айлар тутун.

Ўртаниб жисмим, бало даштида саргардон кезар,
Шуъладин таркиб топқон бўйла ким кўрмиш қуюн?

Соқиё, тут жом, солма тонглаға май ваъдасин,
Тонгла чун маълум эмас, бори ғаниматдур букун.

Эй Навоий, қўл суроҳидек бўюнни қучқали
Етмаса, бори суроҳи бўйниға илгингни сун.

440

Юзунгким тозарокдур барги гулдин,
Учар кўздин вале чиқмас кўнгулдин.

Куюб ҳажрингда кул бўлдум ва лекин
Ёруқтур ишқ миръоти бу кулдин.

Ажаб фархунда зоте сенки, Одам
Мубоҳот айлагай сендек ўғулдин.

Қулимен ишқнингким, танламайдур
Муҳаббат шевасида шаҳни қулдин.

Сироти мустақим ўлди шариат,
Ки жаннат топмоғунг ўтмай бу пулдин.

Бағоят ҳийлагардур золи гардун,
Агар эрсен, ҳазар қилғил бу тулдин.

Тариқи ишқ ила борғил, Навоий,
Ки озди ҳар кишиким, чиқти йўлдин.

Ишқ чун берди таним шуъласиға кўкта ўрун,
Чекти бир-бирдин ани, айириб учқун-учқун.

Ишқ ўти ёққали чок этти қуруқ жисмимни,
Ёрса хушроқ туташур, неча қуруқ бўлса ўтун.

Шуълалиқ тан била ғам даштида саргардонмен,
Гўйиё ели самум ўлса, бўлур бўйла қуюн.

Дуди оҳимға етишмас, чиқибон абри баҳор,
Ўйлаким рифъат ила абри баҳориға тутун.

Чарх ёғдурса кавокибни, сиришкимча эмас,
Қайда дарё била тенг бўлғани бордур шудрун.

Тийрборони ғаминг жону танимдин ўтти,
Аллоҳ-Аллоҳ, не бало бу ёғин эрмиш ўткун.

Кўкрагим чокини тикмак била бутсун демангиз,
Субҳнинг кўнглакининг чокини ким кўрди бутун?

Зоҳидо, тонглағи кавсар майидин кўп дема сўз,
Келки, майхона аро хуш тутоли ўзни букун.

Истамас бўлсанг ишинг узра гириҳ, тузлук қил,
Ким ёғин риштасиға қатраси худ келди тугун.

Мастмен, лек уннаман тугмау тож айласа шайх,
Зуҳди кўйи аро хирқамдин агар тушса юрун.

Эй Навоий, дема зулфи аро ҳолингни, дегил,
Ким эрур асру анинг қиссаси чирмашу узун.

Риштаи жоним санга боғлиғдур, ўлтур бир замон,
Ким эрур қўпмоқ ҳамону риштани узмак ҳамон.

Фаҳм этар яхши-ёмон васлинг манга тегмасниким,
Яхшилардин яхшисен сен, мен ёмонлардин ямон.

Васли нўши лаззатин сўрдунг, жавобин не дейин,
Менки ҳижрон нешидин бир лаҳза топмасмен амон.

Ашк уза қолқир заифу зор жисмим оҳдин,
Тунд ел таҳрикидин андоққи, баҳр узра самон.

Элдин ўлмишмен рамида ани ром айлай дебон,
Лекин ул ёр элга ром, аммо эрур мендин рамон.

Бу фано дайрида ҳар дамким ўтар, тут муғтанам,
Ким яна бир дамғача мумкин эмас бўлмоқ замон.

Эй Навоий, давр агар будур, мени маст эткали
Сен тўла қуйким, мен анинг софу дурдин толғамон.

443

Ул кони малоҳатда демон бор эди бир он,
Лав танзур фи ҳусниҳил-она камо кон.

Ин иҳтариқа жисмий мин нори ҳавойиҳ,
Куймаслиги хаснинг чоқин етканда не имкон?

Ўлгум сусабон ҳажр биёбонида, раҳм эт,
Конат шафаҳак айну ҳаёти ано атшон.

Ё қуррату айни жиъ варҳам бидумуъи,
Ким қилди бу селоб кўзум уйини вайрон.

Эй қонки, кўзумдин оқасен раҳмки, ўлгум,
Мин жайри дамил-айни лано ҳосилу ийқон.

Лав лам йакунир-ройиҳатил-манзили Салмо,
Юз қатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Ҳар важҳ ила гар ўлса Навоий не ажабким,
Мин кулли вужуҳин суфи важҳика ҳайрон.

444

Эй, юзунг устида кўз андоқки, ораз узра айн,
Нун била икки қошинг ичра тафовут бину байн.

Мен киму тақво, мусулмонларки, ҳар соат солур
Кўнглума ул икки кофир кўз хаёли шўру шайн.

Анжум истар чарх тосида тугонлар ишқдин,
То кўрубтур ул муқаммирваш қўлида каъбатайн.

Йирттинг умрум сижиллин, тиғ ила бошим чопиб,
Қолмади бўйнумда ҳижрон ўлтуруб бори бу дайн.

Деди: оғзимдур сенинг умрунг, висолим истагил,
Умр агар бўлса, висолин топқамен ал умру айн.

Соқиё, кўп ваъда қилдинг, роҳ ила роҳат етур,
Йўқса қил маъюским, алъясу иҳд-ар роҳатайн.

Эй Навоий, нега маъюс ўлғай улким, шоҳидур
Хусрави Fозий муиззи мулку дин Султон Ҳусайн.

445

Ишқ аро куйсам, кулумни лутф этиб ё Зулминан,
Хайли мўри қилким, ул кўй ичра қилғайлар ватан.

Кўйида урён таним дафн айланг, ўлсам ишқ аро,
Ким шаҳид ўлғанға туфроғ пардаси басдур кафан.

Дард ўқи жисмимға ёғди, гўйиё бўлди сипеҳр,
Ҳар ҳилол андоза қавсидин манга новакфикан.

Кўйида қатлимға розимен, нечукким телба ит,
Чексалар, лекин тоқиб бўйнумға зулфидин расан.

Нозик эрмас ҳулла, жонлар риштасидин кўнглак эт,
Ким анга жисминг таҳаммул қилғай, эй нозук бадан.

Бу чаман гулзориға берма кўнгул, эй андалиб,
Ким эрур, ҳар гулки кўрсанг, теграсида юз тикан.

Эй Навоий, кўйига бордим тилаб қадду юзин,
Боғни найлай, кераклик йўқ манга сарву суман.

446

Мусаввиреки, қилур кўйи гардининг рақамин,
Қўюнгки, кўзга чекай сурма милидек қаламин.

Йилон таҳаррукин ар қуш тутарда кўрмайсен,
Кўнгул олур чоғи кўр банди зулфи печу хамин.

Ниҳон тан ичра туганлардин ўлди мунглуғ жон,
Гадоки, таъбия қилғай либос аро дирамин.

Кўнгулки, ғам сипаҳин кўрди — чекти шуълаи оҳ,
Биров кибики, тикар мўр хайлиға аламин.

Хиромин асру севармен, вале кўнгул ичра,
Аёғ чу қўйди, тилармен, кўтармагай қадамин.

Хумор муҳлик эди, дайр пири тутти қадаҳ,
Унутмоғум, агар ўлсам доғи, анинг карамин.

Навоиё, адам истар фалак вужудунгни,
Тенг онгласин доғи анинг вужуд ила адамин.

447

Нетиб тамаъ қилайин бўйнума сочинг расанин
Ким, ул қуёш юзига солди чин ила шиканин.

Бузуғ кўнгул аро ишқинг чу кирди — қочти хирад,
Бу аждаҳони кўруб, бум қўйди ўз ватанин.

Тирилди хатту юзунгдин кўнгул, магар эктинг,
Хизр суйи била бу боғ сабзаю саманин.

Қатили ишқинг агар кирса равза тавфиға ҳур —
Кетурса ҳулла, ола олмағай анинг кафанин.

Кўнгулда хори ғамидур — ўларман, эй Марям,
Масиҳ игнаси бирла чекай десанг тиканин.

Жаҳонда раз қизининг лаълидин оғиз олма,
Десангки, кўрмагасен золи чарх макру фанин.

Навоий усрук агар дайр ичинда ўртади доғ,
Магарки сузгуч ила кимса боғлағай туганин.

448

Неча кундурки хабар топмамишам сиймбаримдин,
Не асардур хабаримдин, на хабардур асаримдин.

Назарим оллида ойсиз кечадин тийрароқ ўлди,
Ҳажр кундузлари, то борди қуёшим назаримдин.

Захми қотил эканин дерга эрур ҳар бири бир тил,
Тиғи ҳажри қаю парголаки, тилди жигаримдин.

Келурам оҳ ила расволиғ ўти ҳар сари сочиб,
Офият аҳли, саломат қўпунгуз раҳгузаримдин.

Бўйлаким, ул кўзи офат ёнар ўт жонима урди,
Барқи офат чоқилур олам аро ҳар шараримдин.

Ул сифат ишқу жунун тоғ ила дашти аро иттим,
Ки на Фарҳод нишон топти, на Мажнун хабаримдин.

Даҳр боғида вафо нахли экиб, берди жафо бар,
Боғбоно, деки, не бергамен ул самаримдин.

Носиҳо, ишқу жунундур ҳунарим, тарки буюрма,
Санга ор ўлса, манга фахрдурур бу ҳунаримдин.

Эй Навоий, борибон ёр, фано даштиға туштум,
Магар ул қайтса, мен қайтқамен бу сафаримдин.

Йўқ фурқат аро баҳрам не тандину не жондин,
Биллаҳки, тўюбтурмен ҳам мундину, ҳам ондин.

Жон душману жонон худ андин манга душманроқ,
Тонг йўқ, кўп эса дардим жондин эса жонондин.

Кўксумга урар тошқа гар тегди ўқунг не суд,
Куйдурмакима, чунким ўт секреди пайкондин.

Мен хастани рашк ўртар, айларга малак сурма
Гардеки, чиқар кўкка жавлонида майдондин.

Зулфидин агар кўнглум жамъ ўлмади, айб эрмас
Ким топқуси жамият ул хайли паришондин?

Эл зарқу фирибидин воқиф киши Мажнундек,
Не айб, кўнгул узмас гар ғули биёбондин.

Заҳр ичгилу май ичма, даҳр ичра Навоийдек,
Ким нафъ хумор-ўқдур бу соғари даврондин.

Музаҳҳаб айлаган пайконларинг жисмим аро ҳар ён,
Дема бош чектиким, чекти забона шуълаи ҳижрон.

Қачон пайкон кўрунмас, ҳажр ўтининг шуъласи бўлса,
Ани тортиб чиқармоқ захм ичидин бормудур имкон.

Не тош отиб, танимни захм қилсанг, ғамға қолурмен,
Мунга не боғлай они, қайда боғлай, деб мени урён.

Бало даштида кўрган ваҳш Мажнунни, мени доғи,
Хирад аҳли қошинда телба кўргандек, қолиб ҳайрон.

Сўнгакларни танимдин бир-бир айирди ғами ҳажринг,
Маҳалдур итларингни айласам қулбам аро меҳмон.

Не мен қолғум, не сен боқий, замоне келгил, эй соқий,
Қадаҳ даврини хуш тутким, вафосиздур басе даврон.

Вафосиздур замон аҳли, замонда не вафо бўлғай,
Вафо аҳли булардин гар вафо истар, эрур нодон.

Хушо, дайр ичра майхона, тўла илгимда паймона,
Мену аҳли фано оғзида «Куллу ман алайҳо фон».

Фано дайрида сойиллиқни султонликдин ортуқ тут,
Ки ўлмакликда тенгдурлар агар сойил, агар султон.

Жаҳон ичра кишининг чун йўқию бори яксондур,
Не фаррух кимсадур кўрган жаҳон бору йўқин яксон.

Навоий, ўзни хуш тутким, кишига даҳр иши бордур,
Агар мушкул тутар — мушкул ва гар осон тутар — осон.

451

Фурқатингдин судурур кўнглум, хаёлинг ул судин
Ўйла зоҳирдурки, зоҳирдур жамолинг кўзгудин.

Ул юз оллимдин кўрунгач, қочти ҳижрон зулмати,
Соя қолғандек кейин, хуршид чиққач ўтрудин.

Ҳажр бийми ичра бўлдум паст, баским, йиғладим,
Васл умиди доғи топсам, сустаюрмен кулгудин.

Деб эдинг қатлингға келгум, чун ишим ўлмакдурур,
Келса ўлгум, келмаса ҳам, ўлгум ушбу қайғудин.

Чекмишам қотил кўзунг оллинда кўнглум сайдини,
Чун қулайдур — бир ўқ от, ўткарма они қобудин.

Дермен, айлай сурма бир соҳибназарнинг гардини,
Оҳким, уйғонмағур бахтим, кўз очмас уйқудин.

Кўргали они Навоийдек ўзумдин бормишам,
Ўзига келтурмас ул айёр ушбу бехудин.

452

Ёрутмас қуёш тийра шомим қаросин,
Ки бу шом этар тийра онинг зиёсин.

Очар шоҳ ўзи банд қилғанни, лекин,
Халос айлай олмас биров мубталосин.

Гар Айюб сабр этти турлук балода,
Вале кўрмади ҳажр шоми балосин.

Булут бўлди оҳимким, ул ойни ёпқай,
Улустин қилиб тийра ишқи ҳавосин.

Дирам ўрниға берса анжумни ташлар,
Агар имтиҳон қилсанг, ул ой гадосин.

Қани раъйи мундин савоб, эй кўнгулким,
Киши қойил ўлса, билиб ўз хатосин.

Навоий эрур булбулунг лекин, эй гул,
Унуттурди ҳажринг хазони навосин.

453

Нетиб ўпкаймен ул чобук аёғин,
Ўпа олмон чу рахшининг тувоғин.

Буларни бўлмаса ўпмак, не имкон
Тахайюл бирла ҳам ўпмак дудоғин.

Азиз андоқки кўз ичра саводи,
Кўнгулда ҳам тутармен тоза доғин.

Керак тутмоқ хатинг атрини топқан
Бинафшазордин ўтса димоғин.

Мену — соғар, фақиҳу — жоми кавсар,
Бале, ҳар кимса кўрсун ўз аёғин.

Жаҳон макрин биравким билди, бермас
Жаҳон мулкига бир дамлиғ фароғин.

Саранжом ўлмак эрмиш, эй Навоий,
Хизр умри муяссар бўлди соғин.

454

Икки гул бир кеча кулбамни гулистон айлабон,
Олдилар жонимни бедод улча имкон айлабон.

Бири бўркин синдуруб, жонлар сафин синдурғали,
Ақлу дин мулкин сафи мужгони вайрон айлабон.

Бири ҳар неча ҳилолин эгри боғлаб ноз ила,
Анжуму афлокни ҳусниға ҳайрон айлабон.

Бири хатти сабзасидин гулға боғлаб ҳошия,
Базмни ул сабзаю гул боғи ризвон айлабон.

Бири олам аҳлининг кўнгли қушин сайд эткали,
Сунбули домини гул узра паришон айлабон.

Бири қошу кирпигидек ўқ била ё илгида,
Лекин ул ё бирла ўқ жонларни қурбон айлабон.

Бири вўсма бирла сурма рангидин кўк тоқини,
Офатангизу қаро наргисни фаттон айлабон.

Бири боғлаб барги най тўн узра миноранг қур,
Нахли қаддин ғайрати сарви хиромон айлабон.

Бири гулгун тўнға сориғ астардин зеб этиб,
Сарви раъносин гули раънода пинҳон айлабон.

Мастлиғдин ул қилиб илгида доғин ошкор,
Шўхлиғдин жонға бу юз доғи пинҳон айлабон.

Зулм ила ул ўлтуруб, бу лутф бирла тиргузуб,
Гар бу қилса зулм, ул ҳам лутфу эҳсон айлабон.

Мен агар боқсам бу ён, тиғ уруб анинг ишваси,
Боқсам ул ён, ғамзадин бу тийрборон айлабон.

Эй Навоий, бу фасонанг ё туш эркин, ё хаёл,
Неча лоф урмоқ ўзунга мунча бўҳтон айлабон?

455

Эй кўнгул, гар қути жон қилмоқ тилар бўлсанг лабин,
Йўқтур имкон солмайин бўйнунгға тавқи ғабғабин.

Шоми ҳижрон ўйла муҳриқдурки, ҳар соат қурур,
Ўл қилиб дарёға ёпинсам булут чодаршабин.

Тийрадур ул навъким, қилғай қуёш нурин қаро,
Гарчи кундуз чарх толиъ қилса бахтим кавкабин.

Ўйла усрук чиқти жавлон айлаб ул ойким, қилур
Ер била тенг, кўк уза секретса ногаҳ ашҳабин.

Лаъли жон олмоқ тилар, йўқса такаллум айласа,
Руҳ ила қилғай мушарраф юз Масиҳо қолабин.

Софи май ичким, кудуратдур саросар, англадим
Ҳам замон расмини, ҳам аҳли замоннинг машрабин.

Чарх тоқидин садо эрмас, малойик зикридур,
Чун Навоий еткурур гардунға ё Раб-ё Рабин.

456

Етишти байраму рафъ этти рўза қайғусин,
Ҳилол мусайқали ёрутти бода кўзгусин.

Сипеҳр жоми ҳилолиға жилва берди, магар,
Ки бода забт эта олмас нашот кулгусин.

Магарки, қилди шабистонға азм шоҳиди ийд,
Ки тўкти фаррух аёғиға ахтар инжусин.

Далил роҳи шафақ рангу жоми минойи,
Шафақ майини кўру чарх жоми минусин.

Фароғате тилар эрсанг, куп оғзи хиштини ол,
Ушат бу хишт била зуҳд нангу номусин.

Саҳарки, халқ мусаллоға юз қўяр, хуш тут,
Борурға дайри фано сари тонг қоронғусин.

Навоий, ич қадаҳу фоний ўлки, топти бақо,
Биравки, топмадилар эл суроғу белгусин.

457

Себакедур оразим ранги бирав ҳижронидин,
Олмадек бўлмиш қизил ҳар ёни ашким қонидин.

Новаки қонлиғ кўнгулдин, эйки, дерсен ўтмамиш,
Айлагил боре назарким, қон томар пайконидин.

Мен киби мажнунни ҳам бости мазаллат гардиким,
Фаҳм бўлмас захм ила доғи тани урёнидин.

Гўй урардин йўққи, ул чобук қилур бир бошни гўй,
Буки бир ғавғо чиқар ҳар дам анинг майдонидин.

Хўблуғ даврида ёд этгил гаҳе ушшоқни,
Ким басе ёд айлагунгдур хўблуғ давронидин.

Айш базмин, эй кўнгул, майхона айвониға чек,
Ким бало тоши ёғар ҳар дам сипеҳр айвонидин.

Кўйида итлар фиғони андин эркин ҳар кеча,
Ким уюмаслар Навоий нолаю афғонидин.

458

Юзунг кўргач, илик кўксумга урмон, ишқ тобидин,
Ки кўнглумга қўярмен, секрер анинг изтиробидин.

Чиқибтур чун тишинг ҳажринда оҳим абри найсондек,
Не тонгдур, ёғса жола ўрниға анинг саҳобидин.

Кўнгулдин поралар маълум ўлурким, истар ул ойни,
Дамим ўти шарорининг фалак сори шитобидин.

Ҳавои ишқдурким, бузғай уйларни ҳубобосо,
Бузулғочким, ҳаво чиқса кўзум баҳри ҳубобидин.

Саводи ҳажр шомича тўкулгай мушк ҳар сори,
Паришон айласа ел, тоб очиб зулфунг танобидин.

Ўтукин то рикоб ўпти, анинг рашкидин истармен,
Ки тишлаб-тишлаб, ўтук наълидек узсам рикобидин.

Ажаб йўқ, тотса ҳар ит телбараб оғзидин ўт сочқай,
Жунун кўйида тушкан шуълалиқ бағрим кабобидин.

Садодин оби ҳайвон қатраси секрирму ҳар сори,
Ваё сўз дер замон, дур сочилурму лаъли нобидин.

Десанг ҳажринг хуморидин халос ўлғаймен, эй соқий,
Магар оғзимға қуйғайсен лаби лаълинг шаробидин.

Не мозидур, не мустақбал арода, сенсену бу дам,
Не шод ўлмоқдурур ҳар дам узун умрунг шитобидин.

Десанг дўзах азобин чек Навоий, тортсун минг йил,
Халос этсанг ани, ё Раб, даме ҳижрон азобидин.

Малолат буми учмас мен гадо вайрони томидин,
Музаххаб қуш киби шаҳ қасрининг мили мақомидин,

Жамолинг субҳидин сўрдунг нишоне, ваҳ не навъ айтай,
Қутулмаймен чу ҳаргиз тийра зулфунг ҳажри шомидин.

Бу янглиғким тақибсен ҳар кўнгулга зулфдин торе,
Кўнгуллар не қутулғайлар қадинг саркаш хиромидин.

Юзунгнунг ҳажрида бу кўз қаросин лола янглиғ бил,
Қораси даврида эврулган ашки лолафомидин.

Сени истарда бу мажнун хироми баркдек, тонг йўқ,
Ки пўя вақтида ўт чоқилур ҳар тез гомидин.

Лабинг оби ҳаётида эрур Исо дами музмар,
Не тонг, бўлса ўлук жонбахш анинг ширин каломидин.

Чу кўрдум оғзию зулфини, ҳушум борди яғмоға,
Ки мул кайфияти фаҳм ўлди онинг миму ломидин.

Насими зулфин истишмом қилса ақли кулл, чиқмас —
Жунун атри қиёматқа дегин анинг машомидин.

Ул ой ҳажринда маҳзунмен, керак майхона ул янглиғ,
Ки май кам бўлмағай йиллар ичиб афлок жомидин.

Манга чун дайр пири саъй қилди бутпараст ўлмоқ,
Унуттум худпараст ўлмоғни онинг эҳтимомидин.

Эрур кўнгли қушиға ҳалқаму ушшоқ отин кўргач,
Навоий отиғаким, ҳалқа чектинг ул асомидин.

Дема гулгундур либосимким, сиришким қонидин,
Ранг тутмиш, қон оқар сиқсанг, тутуб ҳар ёнидин.

Неча кўнглум боғида, эй ишқ, кирсанг топилур,
Сарв бирла ғунча онинг новаку пайконидин.

Ошкоро ганжи ҳуснидин чу баҳрам йўқтурур,
Қайда топқаймен таматтуъ хурдаи пинҳонидин?

Эл била касби ҳавою су қироғи истадинг,
Бўлма ғофил оҳу ашким сарсару тўфонидин.

Хўблуғ давронида ушшоқдин ёд эт гаҳе,
Ким басе ёд айлагунгдур хўблуқ давронидин.

Истаманг охир гиёҳи меҳр ё барги вафо,
Ким кўкармайдур булар ҳаргиз жаҳон бўстонидин.

Эй Навоий, ёқмаса ул ойға, бас қилдим наво,
Лек манъ айларга ожизмен кўнгул афғонидин.

461

Тилаб мақсад ҳарими тавфини елдек хиромимдин,
Озиққан ҳамраҳим топмас асар қум узра гомимдин.

Қиёматқа дегинча заҳр ўтидин марғзор ўлғай,
Агар бир қатра томса, фурқатинг базмида жомимдин.

Қамар даврида ёруғлуқ юзини кўрмагай кимса,
Қуёш рухсориға гар тушса холе тийра шомимдин.

Шамими зулфи васфидин эшиттим нуктае бир кун,
Эрур йилларки, мушки ноб иси кетмас машомимдин.

Сипеҳр узра эмас гулгун булут, ҳар сориким тушмиш,
Фалак миръотиға акси сиришки лаълфомимдин.

Кабобим жуз бағир йўқ, гарчи бор оҳим анингдекким,
Тушар вайроним ичра чурканиб, қуш ўтса томимдин.

Халос ўлдум ишим Тенгрига солиб, токи билдимким,
Очилмас иш менинг беҳуда саъю эҳтимомимдин.

Муғанний нағмасидин тоза бўлмас, эй Навоий, руҳ,
Агар зеб этмаса лаълиға руҳафзо каломимдин.

462

Шиоий хатлар айрилған киби хуршиди рахшондин,
Кўнгуллар йўллар этмишлар жамолинг сори ҳар ёндин.

Сиришким ёмғурию шоми ҳижронимға раҳм этким,
Бу ўтти Нуҳнинг умридин, ул бир ўтти тўфондин.

Дема, эй Хизр, жон бирла бақоси бобида кўп сўз,
Фано аҳли аро жонон боринда ким десун жондин?!

Бузуғ кўнглум аро хатту узоринг, эй баҳори ҳусн,
Эрур андоққи, буткай сабза бирла лола вайрондин.

Тўладур кўксум ичра новакинг, суртуб илик, фаҳм эт,
Танимда ҳар саримў ўрнида бир нўги пайкондин.

Чу давр аҳли жафосидин ичармен бода, эй соқий,
Унутма давр аёғидин, вале ёд этма даврондин.

Қачон ой Каҳкашонднн сойир ўлса, бўлғай ул янглиғ,
Ким ул хуршид сиймо сайр учун ўткай хиёбондин.

Чу гулда йўқ вафо ранги хазон еткунча, эй булбул,
Сабодин барги гул янглиғ учуб чиқ бу гулистондин.

Навоийға Ҳижоз оҳанги бўлди, то яна қайтиб,
Мақом этмас Ироқ, оллида ёд этманг Хуросондин.

463

Лолалар очилса вайрон марқадим ҳар ёнидин,
Доғи кўнглум ўтидиндур, ранги захмим қонидин.

Ҳар ўқунгнунг захмидин қон оқса, тонг йўқ, нов-нов,
Хосса икки нов ҳам топқай ул ўқ пайконидин.

Борғали девона кўнглум тан уйин соғинмади,
Итти Мажнун, ўйлаким, ёд этмади вайронидин.

Ҳажр шомн йиғларам ғурбатдин, эй ҳамсоялар,
Бу кеча воқиф бўлунг бу селнинг туғёнидин.

Ҳажр юз минг йилчаю ашким урар гардунға мавж,
Мен ҳам ўттум Нуҳдин, бу ашк ҳам тўфонидин.

Эйки, бу базм ичра ичтинг ком ила бир даври май,
Билки, ноком онча қон ютқунг фалак давронидин.

Эй Навоий, туш кўрарсенму ватанни, демаким,
Телба тушдек соғинур, ёд этса хонумонидин.

Юз ўтида юз қатра су, тонг йўқ, хайи ғалтонидин,
Кўнглум ўтида йўқмудур юз қатра су пайконидин.

Қилғанда рахшин гармпўй ул шаҳсувори тундхўй,
Қилғай дебон оллида гўй, олмон бошим майдонидин.

Бу дарду ғамдин лолмен, майдон аро помолмен,
Ким кўргач-ўқ беҳолмен ул ишвагар жавлонидин.

Бошим сари наззора қил, эй чарху, идборингни бил,
Доғи саодат англағил ҳар захм анинг чавгонидин.

Майдонға ул чобук суруб, бошимға чавгон еткуруб,
Саргашта жоним куйдуруб, эл пўяси ҳар ёнидин.

Кўк мазраидин хўшае касб айласанг, қил тўшае,
Ком истабон тут гўшае, гўйи фалак давронидин.

Гардун чекиб тиғин ниҳон, юз жавр бирла тўкти қон,
Охир Навоий топти жон, топқач вафо жононидин.

465

Гар мени ёд этмас ул ой зулм ила бедодидин,
Шукрким, ғофил эмасмен бир дам онинг ёдидин.

Лутф этиб, гар ёд этар, ё зулм ила бедод этар,
Мен ризосин истарам ёдидину бедодидин.

Кеча айш аҳли муғанний лаҳнидин хушҳол эмас,
Ончаким мен тонгға тегру итлари фарёдидин.

Хотирим синмоқ тилар кўнгли, тилармен мен доғи,
Ҳар не бу шишамга келгай хуштур, ул пўлодидин.

Сабр тошидин кўнгулга кўп бино тарҳ айладим,
Кўз ёшим сайили қўнгарди барчани бунёдидин.

Дайр пири деди: майдин бош кўтарма. Эй рафиқ,
Солик улдур, чекмагай бошини пир иршодидин.

Сўрма, эй ҳамдам, Навоийнинг ғаминким, оламе
Ғам била тўлғай, дам урса хотири ношодидин.

466

Ё Раб, улким васл шоми ком олур зебосидин,
Тийра қилма айши кўзгусини субҳ анфосидин.

Эл майи лаълин нетай, мамзуж эса оби ҳаёт,
Ким менинг жомим эрур мамлу фироқ алмосидин.

Ул парий ишқи агарчи айлади мажнун мени,
Шукр эрур, бореки қутқарди хирад васвосидин.

Қоши меҳри тухмини кўнглумда эктим, кўр нишон,
Ҳар сўнгак ёнимда ўрмоққа муҳаббат досидин.

Урмағайсен посбонлиғ лофи кўк қўрғонида,
Воқиф ўлсанг, эй ажал, ҳажрим туни бир посидин.

Қилмағил бу коргаҳ вазъиға фикру бода ич,
Ким хирад идроки ожиздур анинг эҳсосидин.

Эй Навоий, пири соқийвашқа андоқ мен хароб,
Ким унутмишмен жаҳон тархон ила барлосидин.

467

Эй мусулмонлар, фиғон, ишқи балоангездин,
Оҳу вовайло, балолиғ фурқати хунрездин.

Қайда фарёдим эшиткай улки, кўйи кам эмас,
Халқ афғони била ғавғои рустохездин.

Гул юзига хай тушуб, лаълиға кўнглум қилди заъф,
Бўйлаким заъф айламиш қанди гулобомездин.

Кўнглим ичра гулситони ҳуснидур, эй боғбон,
Келки, оҳим фарқи йўқтур нафҳаи гулбездин.

Аҳли дин қатлиға мундоқ чиқса маст ул муғбача,
Соқиё, май берки, кечтим тақвою парҳездин.

Ишқ ўти мазлумкушдур, билмас ани аҳли зулм,
Англағил бу нуктани Фарҳод ила Парвездин.

Эй Навоий, итларин кўрмакка борсанг, бағринг уз,
Ким гузиринг йўқтурур бу навъ дастовездин.

468

Дамеки ишқ ўтида қолмағай асар мендин,
Намуна бўлғуси учмакда ҳар шарар мендин.

Паривашим ғамидин телба итдек ўлмишмен,
Саломат аҳли, букун айлангиз ҳазар мендин.

Анингдек ашк ила оҳим солибтурур тўфон,
Ки бордурур еру кўк вазъиға хатар мендин.

Анингдек ўлди фано ишқ аро вужудумким,
Адам диёрида ҳам топмоғунг хабар мендин.

Анга етарга бошоқ сақли манъ этар гарчи,
Хаданги касратидин чиқти болу пар мендин.

Таайюнот ичида ишқ бир ҳақиқат эрур,
Гар ўлса булбулу парвонадин ва гар мендин.

Навоий, айлама тун-кун нишоту таълим ол,
Шабона оҳ била нолаи саҳар мендин

469

Ҳар киши байрам сабоҳи шоду мен ғамнокмен,
Ийдгоҳ ичра аёғ остидағи хошокмен.

Гарчи эл байрам сабоҳи шодмондурлар, валек
Соғинурмен барча ғамгиндур, чу мен ғамнокмен.

Оҳ дуди бирла тожу ашк қонидин либос,
Ул қаро, бу ол, ул янглиғким, бу бебокмен.

Қавсанг оллингдин, ёнарда демагил коҳил мени,
Қўй инонингда югурмак, кўрки, не чолокмен.

Борма маҳвашлар тамошосиға дерсен мен киби,
Зоҳидо, қилдинг гумонким, мунча беидрокмен.

Токи қилдим раз суйидин тарки ҳуш, эй боғбон,
Хам бўлуб, қўл ҳар тараф солған начукким токмен.

Эй Навоий, файздин анфосим ўлмиш руҳбахш,
То Масиҳодек алойиқ зулматидин покмен.

470

Қадни ул хуршид аёғинда агар дол эткамен,
Жилвасиға зулф янглиғ ўзни помол эткамен.

Холдек юзум қаро, гар тўйғамен рухсоридин,
Гар кўзумнунг мардумин рухсориға хол эткамен.

Ул парий пайкарга фориғбол етмак истабон,
Туну кун Тенгридин истидъо пару бол эткамен.

Ҳар кеча ҳолим хароб ўлғанда, ёлғон туш била,
Ваъдаи васл айлаб, андин ўзни хушҳол эткамен.

Гар десамким, кўйи туфроғин элай, кўз ҳалқасин
Минг тешуклук пардаи жон бирла ғарбол эткамен.

Бодани бўғзумға қуйғайсен йиқиб, эй муғбача,
Гар ичарда тавба узри бирла эҳмол эткамен.

Ришта жисмингдин, сомон сориғ юзунгдин чирмайин,
Эй Навоий, номаким ул ойға ирсол эткамен.

471

Билгасен, чекмас киши дарду бало андоқки мен,
Гар бировга мубтало бўлсанг, санго андоқки мен.

Ишқ дардиға давоким васл дебсен, эй ҳаким,
Бу балоға кимса эрмас мубтало андоқки мен.

Ўйлаким, йўқ сен киби ҳусн аҳли ичра бир парий,
Йўқтурур бир телба аҳли ишқ аро андоқки мен.

Эйки қўймайсен, танимни туъма қилғай итларинг,
Итларингга жонни ким қилди фидо андоқки мен?

Гарчи ўлтурдунг жафо бирла мени, лекин тилаб,
Топмоғунг давронда бир аҳли вафо андоқки мен.

Йўқтурур даврон жафосидин қутулмоқ, эй рафиқ,
Тутмасанг майхонанинг кунжини то андоқки мен.

Эй Навоий, гар берур ҳусни закотин йўқ киши,
Хастае зоре ғариби бенаво андоқки мен.

472

Ё Раб, англабму экин ул ойким, анинг зоримен,
Кечалар савдосидин андоққи зулфи торимен.

Сиҳҳатим бўлса, топибмен лаъли ёдидин шифо
Нотавон ҳам бўлсам, онинг кўзлари беморимен.

Йўқтурур ҳаддим демакка ёримен ёхуд ити,
Итларига ҳар киши ёр, ул кишининг ёримен.

Хўблар ушшоқиға жон берсалар, ул қилса қатл,
Ҳар сари юзланса ишқ аҳли, мен анинг соримен.

Истаса эл жонини, билмон берур-бермасларин,
Бўлса юз жон ҳам, анга борин берурмен бори мен..

Жилва айлаб маст, то кўнглумни олди муғбача,
Дайр пири итлари силкида хидматкоримен.

Ҳажрдин то нотавон жонимни қутқарди ажал,
Эй Навоий, англаким, жон бирла миннатдоримен.

473

Юз жафо, тонг йўқ, гар ул номеҳрибондин кўргамен,
Ким вафо кўрмиш биравдинким, мен ондин кўргамен?!

Кимса абнойи замондин кўрдиму ҳаргиз вафо
Ким, мен ул хунрезу ошуби замондин кўргамен?!

Қўйки, итдик телба кўнглум, неча меҳнат, эй рафиқ,
Ҳар дам ул оворайи бехонумондин кўргамен?!

Ўзгалар лутфин нетайким, жонима ором эрур,
Жавру бедодиким, ул ороми жондин кўргамен.

Нозанинлар жилвагоҳи ичра ҳар ён телмурур
Кўзларимким, ул суманбарни қаёндин кўргамен?

Еру кўкни ашку оҳим селу дуди қилди гум,
Неча ранжу меҳнат ул икки ёмондин кўргамен?

Дема ул ой оразин кўрсанг, урар бошингға тиғ,
Ҳар бало келса бошимға осмондин, кўргамен.

Хирқаю сажжодани қилсам фано дайрида раҳн,
Икки олам судини мундоқ зиёндин кўргамен.

Эй Навоий, сўрмағилким, қилмағумдур ошкор,
Юз ниҳоний дарду меҳнатким, фалондин кўргамен.

474

Телба кўнглум жавридин андоқ паришонҳолмен,
Ким анинг бедодининг шарҳин демакдин лолмен.

Ғам сипоҳи чун ҳужум айлар анинг тўш-тўшидин,
Ҳолиға раҳм айлабон, ғам хайлиға помолмен.

Гоҳи мажнунвашлиғи бирла бўлурмен музтариб,
Гоҳ беҳол ўлмағидин заъф аро беҳолмен.

Заъф ҳолингға неча раҳм айлагаймен, эй кўнгул,
Сен доғи раҳм этки, мен ҳам бас заиф аҳволмен.

Ишқ аро гоҳи бўлурмен зор мўянгдин чу мўй,
Фурқат ичра гоҳ нолангдин начукким, нолмен.

Кош итсанг, ўйлаким ному нишонинг топмасам,
То десам ишқ андуҳидин эмди фориғболмен.

Эй Навоий, неча дермен ишқ таркин айлайин,
Чун иш ишга етти, айлармен яна эҳмолмен.

475

Ҳажр шомидин қоронғуроқ тун ўлғайму экин,
Ё Раб, ул тундин халос ўлған кун ўлғайму экин?!

Барқ янглиғ олам ўртар ламъаи шоми фироқ,
Дўзахи ҳижрон чиқарған учқун ўлғайму экин?

Кўйида итлар изи рухсорима бўлди баҳо,
Мундин оё қимматироқ олтун ўлғайму экин?

Субҳи фурқат пурбало дарёси бузди халқни,
Шоми ҳижронимда ёғқон шудрун ўлғайму экин?

Гул масаллик тоза қонлиғ доғлар бирла таним,
Дард боғида очилған гулбун ўлғайму экин?

Тийрборони фироқ аҳбоб жонидин ўтар,
Ҳеч ёмғур мундин, оё, ўткун ўлғайму экин?

Боғ аро гулларга ўт солди Навоий ноласи,
Бенаво булбулға, ваҳ, мундоқ ун ўлғайму экин?!

476

Бу кеча ҳажр куни шоми қийргуниму эркин,
Йўқ эрса саъб ғамим дўзахи тутуниму эркин?

Чу шайх хирқасиға руқъа тикти, жисми туташти,
Самум ҳулласидек кўнглагим юруниму эркин?

Фироқ даштида иткан кўнгул елиб чиқа олмас,
Анинг бу води аро ғул раҳнамуниму эркин?

Кўзум уйиники сели сиришк бузди, йиқилмас.
Қадинг хаёли бу вайронанинг сутуниму эркин?

Бу ўтки телба кўнгулни парий хаёлиға солмиш,
Юзунг шиоиму ё шуълаи жунуниму эркин?

Биравки касби фано қилди, кўкка қўйди қадамни,
Буму забун анга ё ул мунунг забуниму эркин?

Навоий озди эсидин, чу кести жисмиға кўп наъл,
Талаб йўлининг алар наъли бозгуниму эркин?

477

Демангиз келмиш алам сиҳҳат кетиб, ёр илгидин,
Ким манга ҳам юз аламдур ул жафокор илгидин.

То илик бўйниға ости юз дуою ҳирз ила,
Суртубон юзни мушарраф бўлди, тумор илгидин.

Зор кўнглум илгида, озор ҳам илгидадур,
Бедаво озорини касб этти бу зор илгидин.

Кош жонимни анинг илгига қилғаймен фидо,
Жонға ҳар не бўлса бўлғай, бори дилдор илгидин.

Дардини миннат тутуб, жонимға айлармен қабул,
Англасамким, кам бўлур бир зарра озор илгидин.

Бода олғач, титратур ҳар субҳ илгимни хумор,
Ичмасам икки лаболаб жом хаммор илгидин.

Эй Навоий, кўнглум илгидин чекармен юз бало,
Туҳмат айларменки, бор ул моҳ рухсор илгидин.

478

Гарчи ул маҳваш жафо айлар тааммул қилмайин,
Чунки ошиқмен, недур чорам таҳаммул қилмайин?

Ҳажр биймин англабон айлар кўнгул васлида макс,
Қатл учун элтурда эл бормас, тааллул қилмайин.

Оғзин англарда белин кўнглумда айлармен хаёл,
Хурдадон бўлмас киши, нозук тахайюл қилмайин.

Ишқ сиррин гар баён айлар эсам, эй пири ақл,
Эътироз этма, ҳадисимни тааққул қилмайин.

Вах, неча қон ютқаменким, соқийи даврон манга
Чун етар ҳар давр аро, ўтмас тағофул қилмайин.

Фоний ўл, фақр истар эрсангким, эрур мақсад муҳол,
Йўлға чун қўйғай қадам раҳрав таваккул қилмайин.

Эй Навоий, шарт қилдимким, агар бўлсам халос –
Ишқидин, ўзга бу иш зикрини билкулл қилмайин.

479

Ўртама кўнглумни комин ҳосил этмастин бурун,
Қушни ким бирён этибтур, бисмил этмастин бурун?

Жисм аро ишқинг ватан қилмай, ҳануз олди кўнгул,
Ўт ёқар ер топти уйни манзил этмастин бурун.

Ошиқ ўлдум, жоним осонлиғ била ол, эй ажал,
Ишқ дарди жонга ишни мушкул этмастин бурун.

Эй кўнгул, ёр очти юз, ҳижронда ўлмак саъб эрур,
Жон фидо қил юзга бурқаъ ҳойил этмастин бурун.

Пандлар берди хирад кўнглумга, юз шукр, эй пари,
Телба қилдинг носиҳ ани оқил этмастин бурун.

Фоний ўлсун ким бақойи жовидои истар ани
Фоний ўлғанларға даврон дохил этмастин бурун.

Эй Навоий, ғайр нақшидин орит кўнглунгниким,
Файз мумкин эрмас, ўзни қобил этмастин бурун.

480

Ёрумас шамъи жамолинг, риштаи жон ўртабон,
Фурқатинг дарди кам ўлмас, доғи ҳижрон ўртабон.

Кўнглума ўт, бошима солдинг қилич, аммо не суд,
Ошкоро урмағинг су, уйни пинҳон ўртабон.

Барқе кулмак бирла куйдирган киби жисмим хасин,
Оҳким, кул қилди гул гулбарги хандон ўртабон.

Хайли ишқинг ҳар сўнгакни танда бир ён ўртади,
Корвон ёққондек ўт, хасларни ҳар ён ўртабон.

Ўқларин ўртаб танимда, тўкти кўнглум қонини,
Турфа сайди айлади бисмил, найистон ўртабон.

Соқиё, сол оташин лаълинг била бир ўт манга,
Ким кўнгулга шуъла солсун, жонни осон ўртабон.

То Навоийдек бўлай озод ўзлук мулкида,
Ҳар нениким ўртамаклик бўлғай имкон ўртабон.

Эл ғамимдин куймасун деб, нолаи зор айламон,
Дарди ҳолимнинг мингидин бирни изҳор айламон.

Йўқса йўқтур ҳеч соатким, фиғони зор ила,
Юз туман минг бағритошнинг кўнглин озор айламон.

Турфа буким, тортибон юз мунча дўзах шуъласи,
Ёр кўнглин бу ҳароратдин хабардор айламон.

Турфароқ буким, фиғонимдин уюмай даҳр эли,
Уйқулуқ бахтим кўзин бир лаҳза бедор айламон.

Ишқ аро мен ўзга, Фарҳод ўзгадур, эй дўстлар,
Тешаи ғам бирла мен тоғ бағрин афгор айламон.

Соқиё, андоқ сабуҳ истар кўнгулким, берса даст,
То қиёмат субҳи андин ўзни ҳушёр айламон.

Эй Навоий, судраб элтур бода бирла муғбача,
Ихтиёрим бирла азми кўйи хаммор айламон.

482

Қатра терлардин юзинда дур нишонинму дейин,
Ё такаллум вақти лаъли дурфишонинму дейин?

Оғзидин жисмим адам бўлмағлиғинму шарҳ этай,
Ғунча янглиғ таҳ-батаҳ кўнглумда қонинму дейин?

Тан фироқинму десун, жон иштиёқинму десун,
Мен хаёли тангудози жонситонинму дейин?

Эйки, дерсен нуктаи ишқу жунун аҳлидин айт,
Ўз фасонам, йўқса Мажнун достонинму дейин?

Соқиё, кўнглумда май ҳирсин кўруб, сўрдунг сабаб,
Ҳажри дардин ё хумори бегаронинму дейин?

Чарҳдин қилсам шикоят сўрманг, эй халқи замон,
Халқнинг жавринму, ошуби замонинму дейин?

Қолғали шоми фироқ ичра Навоий шамъдек,
Куймакинму айтайин, ашки равонинму дейин?

483

Ғам туни лаълинг суруди ҳажр дер мен зор учун,
Чун ажал етти — Масиҳо заҳр эзар бемор учун.

Кўзки учқан чоғда устига ёпиштурдум сомон,
Номабар қушдурки, сариғ руқъа элтур ёр учун.

Оразинг шавқидаким, ашким тўкар кўз мардуми,
Боғбон янглиғдурурким, су очар гулзор учун.

Кўйи туфроғин менинг дийдамға сол, эй тонг ели,
Ким эрур ул сурма лойиқ дийдаи бедор учун.

Чун йиқилди заъфдин жисмим уйи, найлай асо?
Ким қилибтур сарв пуштибон йиқуғ девор учун?!

Умр нақдиға иморат айланг, эй дайр аҳликим,
Вақф жон мулкин қилибмен кулбаи хаммор учун.

Гар Навоий, ҳажр даштидин ўта олмас, не тонг,
Йўл юруй олмас кафи ғам тошидин афгор учун.

484

Неча ашкимдин манга, эй ишқ, бедод эткасен,
Оҳдин жисмим хасин ҳар лаҳза барбод эткасен.

Элга дилбар илтифотидин мени айлаб ғамин,
Элни бўлғандин манга номултафит шод эткасен.

Менким ўлдум, ғамда жон бермак манга таълим этиб,
Улки қотилдур, анга ўлтурмак иршод эткасен.

Эй кўнгул, бергайсен элга сур нафхидин хабар,
Айлаб оҳингдин қиёмат, чунки фарёд эткасен.

Ҳар замон ишқинг чу юз минг қатлиға қониъ эмас,
Фурқатингдин йўқтурур ҳожатки, имдод эткасен.

Ишқдинким жонима юз гул очилмиш, эй ҳаким,
Жаҳл эрур, гар номия руҳига иснод эткасен.

Ўйла маҳв ўлмиш Навоий хотирингдин, эй парий,
Ким унутуб, шояд ул девонани ёд эткасен.

485

Ёр ҳолидин манга, ваҳким, хабар йўқтур бу кун,
Бу жиҳатдин ақлу ҳушумдин асар йўқтур бу кун.

Субҳ селоби сиришким оқти кўп, эй дўстлар,
Панд учун келмангким, ул судин гузар йўқтур бу кун.

Кеча гар бағрим бўлуб қон оқти кўздин, ғам эмас,
Ғам будурким, итларига моҳазар йўқтур бу кун.

Мен букун ўлгач, анинг кўйига тўлди халқким,
Ашку оҳим селу барқидин зарар йўқтур бу кун.

Ваъдаи васлини тонгла демагилким, умрға,
Эътимодим ҳажр шоми то саҳар йўқтур бу кун.

Ичмагум, эй дайр пири, жоми май, ул муғбача
Май тутарға базми айш ичра агар йўқтур бу кун.

Ўзлукин чун солди ўлган кун Навоий бошидин,
Бу жиҳатдиндур анга гар дардисар йўқтур бу кун.

486

Кўзларим кўр эт, кўнгулга доғи ҳижрондин бурун,
Ким бу икки куйдурубтурлар мени ондин бурун.

Гарчи кўптур ошиқинг, лекин юз очсанг, кимсанинг
Ўлмаки мумкин эмас мен зори ҳайрондин бурун.

Ашк ила дерсен бузай кўнглунгни, эй кўз, лек ишқ
Ер била тенг қилмиш ани сели мужгондин бурун.

Кел-кел, эй жону кўнгул оромиким, бўлмоқ фидонг,
Жон кўнгулдин бурнароқ истар, кўнгул жондин бурун.

Софи васлинг борида тутма десам дурди фироқ,
Дерки, заҳр ичмаклик авло оби ҳайвондин бурун.

Гар санга йўқтур вафо, ҳуснунға ҳам йўқтур вафо,
Бас ғанимат бил вафо, бўлмоқ пушаймондин бурун.

Эй Навоий, еткай ул ойға фиғоним дер эдим,
Оҳким, то очти юз — жон етти афғондин бурун.

487

Юзунг субҳида холинг нуқтаедур, субҳ аро бўлған,
Йўқ эрса кўрмадук тонг юлдузин ҳаргиз қаро бўлған.

Хато бўлмас кўнгулдин худ ўқунг, аммо тилар кўнглум,
Ки ҳам теккай анга, ҳар сари отқандин хато бўлған.

Не билгай кирпику қошинг ғамин ҳар шастиға мағрур,
Ки билгай бир менингдек оҳи новак, қадди ё бўлған.

Бировким оташин лаълинг уза холинг кўрар — англар,
Ки ўтлуғ жонима ушбу қароғимдур бало бўлған.

Давойи ишқ эрур ё васл, ё марг, ул эмас мумкин
Бу бирдур, кимса топилса, бу дардиға даво бўлған.

Тамуғ ўтин оғизға олмағайсен, воизо, бир дам,
Санга бўлса фироқим оҳидин йиллар манго бўлған.

Қадаҳ доир қил, эй соқийки, бу топмиш иложу бас,
Бу фоний дайр аро даврон ғамиға мубтало бўлған.

Буту зуннор муғаннийсин не билгай хонақаҳ аҳли,
Ки андин рамз сўргай сокини дайри фано бўлған.

Не тонг минг тил била афғонинг, эй булбулки,сендурсен
Бу гулшанда Навоийдек асиру бенаво бўлған.

488

Буки кўнглум ярасидин оқадур, қонму экин?
Ё қизариб эриган су киби пайконму экин.

Ул хату лабки берур кўзга сафо, жонға ҳаёт,
Сабзаи жаннат аро чашмаи ҳайвонму экин?

Ҳусн хони ароким, ёйди қазо юзу лабинг,
Қурси хуршид била лаъли намакдонму экин?

Ғунча оғзиғаму гулшанда ёғибтур жола,
Ё жамолинг гули ичра лаби хандонму экин?

Ёр дер: кўзни юзумдин нега бот олмассен,
Дўстлар, Тенгри учун денг: бу иш осонму экин?

Ёр жаврию улус зулми, фалак бедоди,
Манга ёлғузму экин, барчаға яксонму экин?

Эй Навоий, эл аро фитнадур, ул кофирға –
Азми майдонму экин, майли хиёбонму экин?

489

Кўз боғида гул экмишам ул юз хаёлидин,
Вожибдурур кўзумга су бермак жамолидин.

Ўптум лабин юз очқач, эрур турфа кўрмаким,
Гул бирла мева бир йўли ул қад ниҳолидин.

Рухсори кўзгусига, кўзум мардумиға акс,
Фаҳм айладим биайниҳи ул юзда холидин.

Жоним гадолиғ этти бир ўпмак, вале лабинг
Берса жавоб кошки анинг саволидин.

Рўят чоғи бийик даража бирла янги ой
Кўрди наззора аҳли қошингнинг ҳилолидин.

Зоҳидки, қилди мастлиғим айб, айилмағай,
Бир дам су ичса, майкада синған сафолидин.

Фарёд ила Навоий анинг васлин истамиш,
Фарёд, анинг бу навъ хаёли муҳолидин!

490

Бир мусофирда кўруб тимсолини, бечорамен,
Топқали они жаҳон мулки аро оворамен.

Дема, заъфингдин қачон кўз юмғасен, кел сўрғали,
Ким турубмен мунтазир, мавқуфи бир наззорамен,

Эйки сўрдунгким: «Қачондин телбасен?» Андин бери –
Ким, ниҳоний зори ул шўхи пари рухсорамен.

Мунчаким жавриға мен тўздум, эмасмен одами,
Гўйиё туфроғмен, зулмида балким хорамен.

Деб эмиш: ҳар ким анинг бошин кетурса, лутф этай,
Бошим олиб, ийнак, ул қотилни истай борамен.

Дашт ё тоғ ичра ўлган топқунгуз бир кун мени,
Бўйлаким Мажнун била Фарҳодқа ҳамкорамен.

Чун кишиликдин чиқармишдур мени ишқу жунун,
Эй Навоий, бас ажабдурким, халойиқ орамен.

Уйга келмиш, деб хабарлар айтибон жононадин,
Маст элтурлар бу навъ алдаб мени майхонадин.

Бўлмасам лояъқилу мундоқ либосот ўлмаса,
Тушмаким айру не мумкин соғару паймонадин.

Истаманг Фарҳоду Мажнун таврини мендинки, халқ
Қилмамиш аҳли хирад расмин талаб девонадин.

Ишқ мулкида улуғ ҳангома тузгай аҳли дард,
Айлаган бир достон зоҳир бизинг афсонадин.

Бўлмиш ул бегонаваш бегоналарға ошно,
Ошнолиғлар иси топсам, не тонг, бегонадин.

Оразу холинг гирифтори эса кўнглум, не айб,
Ким гузири йўқтур ул қушнинг бу обу донадин.

Бу куҳан дайр ичра ким топса рафиқу соғаре,
Одам эрмас, ташқари қўйса қадам вайронадин.

Сарв қадлар садқаси бўлғанға ўртанмакдур иш,
Равшан эт бу можарони шамъ ила парвонадин.

Хорлиғ гарди аро ботиб, ҳаводис тошининг
Ваҳмидин ҳар дам чиқа олмон бузуғ кошонадин.

Ҳимматинг бор эса, дунё шўхидин озод бўл,
Шоҳиди маккора майли хўб эмас фарзонадин.

Ким Навоийни қилур ғойиб, топар майхонада,
Гоҳ дуди оҳу гоҳи наъраи мастонадин.

492

Ишқ айнидин кўзумни қилмади ёруқ жаҳон,
Не учунким Қоф тоғи остида эрдим ниҳон.

Қоф тоғи остиға қолған ўлук туфроғни,
Не қадар айни анодин қутқара олғай жаҳон?

Ваҳки, то кирдим жаҳон боғиға махлас топмадим,
Лаҳзае юз Қофча дард остидин мен нотавон.

Душманимдин не балолар етмиш ўлғай жонима,
Дўстдин менким, жаҳонда кўрмадим жуз қасди жон.

Аниким жону жаҳоним дер эдим, жониға иш
Йўқ жаҳонда ончаким олғай менинг жоним равон.

Мунча бедод онча эрмаским, мени маҳжур этиб,
Муддаилар васлидин топқай ҳаёти жовидон.

Соқиё, жоним фидонг ўлсун, тутуб бир жоми май,
Юз туман андуҳдин жонимни қутқар бир замон.

Борибон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмағим,
Ўйладурким, ит уюб қолдию кўчти корвон.

Эй Навоий, иш қила олур чоғингда қилмадинг,
Чун қаридинг, не осиғ ҳасрат била оҳу фиғон.

493

Кўнгул, қайғурмаким, дашти фаноға борғудектурмен,
Ҳам ўзни, ҳам сени ҳажр илгидин қутқорғудектурмен.

Сиёсатгоҳи ишқ ичра фано жаллоди чеккач тиғ,
Аёғиға тушуб таъжил учун ёлборғудектурмен.

Бало базмида соқийи ажал жоми фано тутса,
Тағор ўлсунки, оғзимға қуюб сипқорғудектурмен.

Фироқ андуҳи ўти дудидин кўнглум уйи тўлмиш,
Анинг дафъи учун кўксумни ҳар дам ёрғудектурмен.

Бу янглиғким, фано даштида юзландим, тўйиб жондин,
Масиҳо бўлса йўлдошим, ани қайторғудектурмен.

Бу янглиғким, оқар ғам шоми бағримдин шафақгун қон,
Саҳарға тегру субҳи ҳажрдек сорғорғудектурмен.

Мунунгдекким, фано дайрида тутти муғбача соғар,
Навоий воқиф ўлғинким, ўзумдин борғудектурмен.

494

Бўлди шому қилди жонимға жафо бунёди тун
Ким эрур ошиқлару беморлар жаллоди тун.

Туш кўруб, бир кун қиёматни бўлуб эрди унут,
Берди ҳажрингда мени маҳзунға ул кун ёди тун.

Мен тирик қолмоқ эди ҳижрон туни беҳад муҳол,
Хоссаким, қатлим учун қилди анинг имдоди тун.

Каҳкашон домида анжум донасин сочмоқ недур,
Гар эмас ўлтургали умрум қуши сайёди тун.

Дедилар, ҳижрон тунидин сўнгра субҳи васл эрур,
Найлайинким, субҳға тегру тирик қўймоди тун.

Бу чаманда демангиз шабхез қушлар ноласи,
Ким эрур ушшоқи маҳзун оҳ ила фарёди тун.

Ҳажр шоми гар Навоий жонин олди, тонг эмас,
Ким эрур аҳли балият қатлининг муътоди тун.

495

Баҳор андоқки булбул гулузори тоза истармен,
Ки ул гулбонг ила ўзни баландовоза истармен.

Чу ул гул тоза-тоза ўт солур кўнглум аро, мен ҳам
Ул ўтдин кўкрагим доғини тоза-тоза истармен.

Чу йўқ андоза ишқим бирла шавқимға, ул ойни ҳам,
Жамолу меҳр ойинида беандоза истармен.

Эритсам гар кўнгул чоки учун пайконларинг, тонг йўқ,
Темурдин чун ҳисори дард учун дарвоза истармен.

Узори шавқи тиғидин ўлуб қонлиғ кафан бирла,
Анинг ҳар торидин ҳуро юзига ғоза истармен.

Фироқинг ичра розимен фалак жисмим уйин йиқса,
Хилофи одат уй вайрон қилурға роза истармен.

Навоий назмининг авроқи зулфунгдин паришондур,
Анинг жилдиға сунбул торидин шероза истармен.

496

Войким, душворроқдур меҳнати айёмдин,
Субҳим ўткан субҳдин, шомим ҳам ўткан шомдин.

Васлидин йўқ кому ҳижронда не умр ўлғай буким,
Бир ўлар жон миннатин чекмак керак нокомдин.

Сабрдин йўқ музтариб овора кўнглумга асар,
Ул сифатким, даштпаймо жисмима оромдин.

Тийрборони балоким, пайкаримға ёғди, руҳ
Қочти андин ўйла қушдекким, қутулғай домдин.

Ҳеч иш сарви гуландомимға беандом эмас,
Ғайри жавру зулмиким, хориждурур андомдин.

Жомдин бизга ғараз май ичра дилбар аксидур,
Йўқса ўз акси ҳам айлар жилва холи жомдин.

Эй Навоий, неча заъфинг ёзиб, ул ҳазл айлагай,
Ўлмагунча иш очилмас ишқ аро пайғомдин.

497

Не баҳор ўлғайки, нолам раъд эрур, ашким ёғин,
Барқ дер кўрган жаҳон ичра дамим ўт солмоғин.

Нотавон бошимға ёғдурмоқдин ўзга қасди йўқ,
Сарсари офат учурса ҳажр кўйи туфроғин.

Чарх уза эрмас шиҳоб, ул ҳам бир ой ҳижронида,
Реш қилди, тортибон кўксига ахтар тирноғии.

Соғиниб кўюнгда ўлгаи итлариигни сен унут,
Мен унут бўлғанни ҳам ул ўлган итлардин соғин.

Йўққи, ул хуршиддин, хуршид андин куймасун,
Дерки, бир ёндин солур чобуксуворим қолпоғин.

Ул аноким, бор эди фарзанди сендек дурри пок,
Юб эди эркин садафдек лавслардин қурсоғин.

Тавбаю тақво қариған элга бўлди лозима,
Эй йигит, билгил ғанимат ишқу мажнунлуғ чоғин.

Аршпарвоз ўлди кирган жаннати ахлоқ аро,
Эй хуш улким, топти ул хушхўйлиғнинг учмоғин.

Гар Навоий сойир эрди ҳажрдин ғам тоғида,
Тебрана олмас, чу ҳажр эгнига қўйди ғам тоғин.

498

Чу ёр кўнглаки чокин наззора айлармен,
Яқонинг ўрниға кўксумни пора айлармен.

Рақиб базмида махсус бўлди, мен – мардуд
Топиб паноҳ йироқтин наззора айлармен.

Не анжумандаки ул бўлди, эл тафарруж этиб,
Мен элга далдалаб, андин канора айлармен.

Чу хўйи нозук эрур, топманам иложин анинг,
Қошиға борғали ҳар неча чора айлармен.

Кўрунмас охири ҳолида жуз пушаймонлиғ,
Чу ишқ тарки учун истихора айлармен.

Дариғу дардки, аҳбобдин бири йўқтур,
Неча тафаккур илаким шумора айлармен.

Навоий ўлди анинг ишқини ёшурмақдин,
Не бўлса бўлсун, ани ошкора айлармен.

Биравдурур манга матлуб дилраболардин,
Ки ани жонима танлабмен ул балолардин.

Итик қаро-қаро мужгон тикилди бағримға,
Манга бу фойда етди кўзи қаролардин.

Кўзум фироқида кўнглум яролари кибидур,
Ки қон тарашшуҳ этар тинмай ул яролардин.

Сўрунг менинг доғи овора телба кўнглумни,
Киши хабар деса кўйида мубталолардин.

Яна жунун била ишқим фасонасин демангиз,
Ки мен малул бўлубмен бу можаролардин.

Қариб аносиру афлок туғмади фарзанд,
Бизинг йигит киби андоқ ато-анолардин.

Замона аҳли вафосиздур, эй замон аҳли,
Замоне хуш бўлингу ёд қилманг олардин.

Иложи заъфим эрур бир қадаҳ май, эй соқий,
Ки ноумид бўлубмен бори даволардин.

Гадолиғ этти Навоий анинг висолини, лек
Шаҳ этса ор, не тонг, бенаво гадолардин.

500

Хароб эрдим агар ёри ситамкорим жафосидин,
Ўлармен бу замон ёри вафодорим азосидин.

Бири жаври қазодур жонима, бирга қазо етти,
Халос эрмас киши ҳар ҳол ила Тенгри қазосидин.

Анинг ҳажри доғи муҳлик, мунунг дарди доғи қотил,
Нечук жон элткаймен бўйла икки иш аросидин.

Жафосидин мунунг чарх этмасун бори мени маҳрум,
Агарчи айлади маҳжур ул бирнинг вафосидин.

Мунунг жавру жафоси рўзгоримни қора қилди,
Бу маҳзунни чиқармай рўзгор анинг қаросидин.

Анинг ҳажри гар ўлтурди, бу бирнинг васли тиргузди,
Тирик бўлсам чиқа олмон мунунг шукри адосидин.

Тириклик жонима бу икки иштин бир бало бўлди,
Ажал, қутқар мени мундоқ тирикликнинг балосидин.

Кишига бўлмасун бу навъ икки ёрким, ўлгай
Бирининг иштиёқидин, бирининг ибтилосидин.

Навоий ишқ таврин ибтидо қилғанда юз минг ҳайф,
Ки бир ҳам қилмадинг андиша бу иш интиҳосидин.

501

Зулм тиғи қолмади гардун бошимға урмаған,
Ҳар туки сойи жафо тоши била синдурмаған.

Юз ўлумча бордурур ағёр ила ўлтурмағи,
Жаври тиғидек ёнимда бир замон ўлтурмаған.

Кўргач они, нотавон кўнглумни узди изтироб,
Дўстлар, мундоқ кўнгулни кимдурур олдурмаған?

Борса ашким ер қуйи, не важҳ ила истай ани,
Мен кўзумда асрабон, мундоқ ватанда турмаған.

Бир пари ишқинда мендек бўлса расво, тонг эмас,
Сиррини девоналиғдин кўнглида ёшурмаған.

Қошидин кўрсам жафо тонг йўққи, бу қавси сипеҳр
Ҳеч ким жониға эрмас жавр ёсин қурмаған.

Бу кўҳан дайр ичра тинмаслиққа қолғай туну кун,
Хотирин яхши ёмон савдосидин тиндурмаған.

Жонни жонон истаса — бергил, Навоийким, эмас
Ошиқи содиқ неким жонон тилар, топшурмаған.

502

Кош кўнглумдин чиқарғай эрдим ул ой улфатин,
Васл айёмида-ўқ хўй эткай эрдим фурқатин.

Васлини зикр этмагай эрди тилим, бал ишқини,
Билсам эрди ҳажрида бу навъ кўнглум ҳолатин.

Кўрмамиш бўлсанг ёғочким, баргин ол этмиш хазон,
Жисмим узра кўр янги қонлиғ туганлар ҳайъатин.

Танда ҳар ён ҳажр тиғи, захми чектим, қилма чок,
Жоннинг, эй тиғи ажал, юз минг ямоғлиқ кисватин.

Тиғ ила ғамгин кўнгул ўтиға таскин бермади,
Оҳким, туфроққа элтурмен ул су ҳасратин.

Демагил узр, эй муғаннийким, унум топмиш харош,
Қир ўшул суҳон ила кўнглумдин анда суратин.

Эй Навоий, истасанг касб этмак ойини фано,
Хонақаҳ шайхин қўюб, қил дайр пири хидматин.

503

Ишқ аҳли сотқун олса изинг тўтиёсидин,
Қилғил тарозу икки кўзумнинг қаросидин.

Қошингки жузв-жузвида бор қавс ҳайъати,
Ўқ ёғдурурға жонға отар барча ёсидин.

Кўрмак тилар юзунгни кўнгул, кош итларинг
Ёнимни туъма қилса сўнгаклар аросидин.

Эй ноз, шамъи кокулунг эрмаски, дуд эрур,
Ким зоҳир ўлди шуълаи ҳуснунг зиёсидин.

Гар ўлтурур ҳабиб муродимға етмайин,
Истай десам ҳаёт Масиҳо давосидин.

Мендек қул ўлған элга қўюб Тенгри қуллуғин,
Мингдин бир эрмас эмгаким анинг сазосидин.

Дам урма бу чаманда, Навоийки, бир гуле
Билмас заған фиғонини булбул навосидин.

504

Кул ўлса рахши наъли барқидин ишқ ичра бир хирман,
Вафо аҳли кўзи ул кулдин ўлғай сурмадек равшан.

Хаёлинг ҳар кўнгулга киргач, они ўртасанг тонг йўқ,
Анга невчунки ўтлуғ кўнглум оташгоҳидур маскан.

Чу кўнглум мазраида хирмани сабримға ўт солдинг,
Янги доғим эмас, қолмиш қаро ўрни куюб хирман.

Ниҳон ишқинг агар қатлимға боисдур, бўйинсундум,
Кечар жон нақдидин улким, ёшурғай шоҳ учун махзан.

Фироқинг биймидин бир ерда йўқ ғам шоми оромим,
Кеча ер кўп ювуткар кимки бор қасдида бир душман.

Бошинда савсани белбоғ ила ул сарв этар жилва,
Назар айланг очилған боғ аро озода қад савсан.

Бузуғ кўнглумда равзан бўлди тиғинг захмидин, ёхуд
Бу вайрон уй, ҳамоноким ёрилмишдур, эмас равзан.

Сипеҳр ўлса санга маркаб, шафақ анжум билан ранги,
Кўп илдам сурмаким, сен мает эрурсен, абрашинг тавсан.

Наво чек васл гулзорида гул шавқидии, эй булбул,
Ки ҳижрон боғида бўлмиш Навоий шеваси шеван.

505

Борсанг ол жонимни, то сенсиз манга жон қолмасун,
Жон қолиб, жон ичра ногаҳ доғи ҳижрон қолмасун.

Чун ўлармен — чин дейин, ишқи бузуғ кўнглумдадур,
Мен ўлуб, ул ганж бу вайронда пинҳон қолмасун.

Эй кўнгул, дей кўзга бу дамким, тирикмен, келса ёр,
Оразидин баҳра олсун, асру ҳайрон қолмасун.

Ҳажрида онча бало еткур манга, эй чархким,
Ўзгалар ишқин ҳавас қилмоққа имкон қолмасун.

Муждаи васлин тилаб, эйким, кўнгулдин ҳажр ўқин
Тортасен, ваҳ, онча воқиф бўлки, пайкон қолмасун.

Даҳр аро андоқ маош этгилки, сендин қолмаса
Тоат андоққим, керактур бори исён қолмасун.

Эй Навоий, собит ўлсун шоҳ Fозий давлати,
Оллида қул бўлмаған оламда султон қолмасун.

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВИЛОҲАТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВАҚОЕЪИ «ФАВОЙИД»ДИН

506

Тариқи ишқ аро гар ўзни фард қилса биров,
Ҳариф эмас еру кўк, неча гар эрурлар иков.

Кўнгулдин айла маволид майлини кам-кам,
Бўлурға фард мавониъдурурлар ушбу учов.

Десанг фалакка чиқай, фоний ўл аносирдин,
Нединки, руҳунгадур чормих бу тўртов.

Ҳавоси хамса ила мақсуд бўлмади мудрик,
Кўнгулни топ ики-уч узв, беш эмас бу бешов.

Фанои маҳз етар ситтаи зарурия
Нединки йўққа зарурат эмас бу навъ олтов.

Хилофи шаръ агар етти кўкка чиққунгдур,
Яқинки, етти тамуғдин батардур ул еттов.

Навоиё, секиз учмоқ ҳавосидин кечким,
Булар мавониъ эрур, ёр истар ўлса биров.

507

Ўт ёлиндек сен қачон чопсанг саманди барқрав,
Бир алам ул ўтқа бошинг устида гулгун ялав.

Тортибон тиғи жафо, бағримни юз чок айлади,
Борди улким дер эдилар эл мени бағри бутав.

Ҳуллаи кофургун ул хилъати хазро уза,
Сабзаи жаннатқа гўё тушти раҳматдин қирав.

Эл инони ихтиёри чиқти яксар илгидин,
Пўяда ҳар сари ул чобукки қайтарди жилав.

Хўблар ичра бирав кўнглумни олмишким, ани
Мендин ўзга кимса бирла қилмағил, ё Раб, икав.

Тийралар лутф айлабон тутмас сафо аҳли ерин,
Ёриған бирла учи, шамъ ўрнини тутмас кўсав.

Гап Навоий килкидек эл килки шаккаррез эмас,
Айб қилма, бирдек ўлмас найшакар бирла ғарав.

508

Ёрдин айру май ичмак қиндурур балким оғу,
Хоҳ оғизда талх су, хоҳи бурунда шўр су.

Деб эдинг, эй ҳажр, ёринг келмаса жон бергасен,
Чиқти жоним бирга, ваҳ, бу иккидин вақт ўлдиму?

Истасам ҳуснунг закотин, гар бўлур мониъ рақиб,
Не ажаб, чун ит бўлур доим гадо бирла аду.

Невчун оғзингға етар деб жоми гулгун дам-бадам,
Хаста кўнглум ғунчадек қон боғланибтур тў-батў.

Менки, ўлдум кўйида, кўнглум ўтининг дудидур,
Зоғдин қилманг гумон, қонлиғ таним узра ғулу.

Зоҳиди худбинға хирқам зайли тегди, эй рафиқ,
Олиб эгнимдин, фано дайри аро май бирла ю.

Эй Навоий, кўргач ул қотилни, қўйдунг ерга бош,
Бўйла бош қўйғач нафас ташвишидин фориғ ую.

509

Эй сабо, оввора кўнглум истаю ҳар ён бору,
Водию тоғу биёбонларни бир-бир ахтару.

Топакўр ани чу топсанг, ҳар қаён озим эса,
Бошиға эврул қуюндек, доғи алдаб қайтару.

Сайъ этиб келур менинг сари, вагар худ келмаса,
Оллида бедиллигимнинг достонин ўткару.

Айтқилким, сен худ иттинг, жон доғи чиқмоқтадур.
Бошима еткур, вагар худ келмас ўлса, ёлбару.

Олакел в-ар бўлса мажнун шеваю беихтиёр,
Қўймайин ўз ихтиёриға, бу сари бошқару.

Келтуруб, чок айлабон кўксум, ани ўрниға сол,
Мени бедиллик балою меҳнатидин қутқару.

Ушбу янглиғ истагил доим Навоий кўнглини,
Ким гар андин етмаса, Ҳақдин санга еткай қору.

510

Йиғламоқ кам қилмади бу дийдаи гирёнда су,
Икки ариғ айрилиб не ўксугай Уммонда су.

Етмай эл оғзиға лаъли обдоринг жон берур,
Бу латофат бирла йўқтур чашмаи ҳайвонда су.

Не ажаб кўргач юзунг, кўп оқса ёшимким, бўлур
Чашмалар ичра баҳор айёмида туғёнда су.

Ҳар кўзумдин гоҳ су, гаҳ қон оқар кўюнг аро,
Тўрт ариқ оққан масаллик равзаи Ризвонда су.

Бузғудектур чарх уйин ашким, ҳамоно йўқ эмиш
Нисфича оламни вайрон айлаган тўфонда су.

Жонға ширидур ўқунг, ваҳ, найшакардурму найи,
Ё магар жон ширасидин бўлди ул пайконда су.

Эйки дерсен, лаъли серобимға кўп лабташнасен,
Мундни ўзга йўқ ишим, то бўлғусидур жонда су.

Соқиё, махмурлуқ оғзим қурутмиш, раҳм этиб,
Бода ғар йўқтур, солиб бер соғари давронда су.

Шодлиғ хайли, Навоий кўнглига тушмай ўтунг,
Ким бу манзилнинг ўти кўптур вале йўқ анда су.

511

Соқиё, мен ютмаған хуноби ҳижрон қолдиму?
Бермасанг май, эмди қон ютмоққа имкон қолдиму?

Эйки, дерсен, истасанг васлимни, жон қилғил фидо,
Муни сўр аввалки, ҳажрингдин манга жон қолдиму?

Ишқ махфий қолмас охир, эй кўнгул, кўп чекма жон,
Мен ҳам аввал кўп ёшурдум, кўрки, пинҳон қолдиму?

Чектилар мажруҳ кўнглумдин хадангин куч била,
Боре, эй жон, муждае бергилки, пайкон қолдиму?

Кўргач ул ойни, жунундинким йиқилдим, эй рафиқ,
Тенгри учун айтким, ҳолимға ҳайрон қолдиму?

Эй кўнгул, бу гулшан атрофиға боққим, ғунчае,
Ким кўнгул жамъ айлади, бўлмай паришон қолдиму?

Эй Навоий, қочмағил ҳамдамлиғимдин, кўрки ёр,
Гар санга меҳрин кам этти, бизга яксон қолдиму?

512

Гарчи кўп саркашлик этти боғ аро бунёд сарв,
Қоматингға банда бўлмай, бўлмади озод сарв.

Даҳр деҳқоники, юз минг сарв қилди жилвагар,
Гулшани даврон аро бермас қадингдек ёд сарв.

Бошиға то қоматинг даъвосидин тушти ҳаво,
Кўрди кўп қушлар лагадкўби била бедод сарв.

Топмамиш елдин садо бирла таҳаррукким, кўруб
Қоматингни изтироб айлаб, қилур фарёд сарв.

Гўйиё қаддингға ошиқлиқ ҳавосин туздиким,
Сарсари оҳим етиб, берди ўзин барбод сарв.

Нахли қаддинг шавқидин бўстон аро чун тушса ўт,
Шуъла тез айлар ўтундин, ўйлаким, шамшод сарв.

Шева қил тузлукка, осибе хазондин кўрмади,
Токи бўлди ростлиғ ойинида муътод сарв.

Доимо озодларнинг сабзу хуррам бўлмоғи,
Боғ аро булбул тили бирла қилур иршод сарв.

Эй Навоий, даҳр бўстонида булбул мен киби
Бўлмағай, топсанг юруб, бир гулжабинлик зод сарв.

513

Лаълини десам чашмаи ҳайвон эрур ушбу,
Дер нуктаи жонпарвариким, жон эрур ушбу.

Жисмимни ажал деди жунун даштида гўё,
Саҳройи қиёмат доғи урён эрур ушбу.

Билмонки, эрур ғунчаи нобинг кўнгул ичра,
Ё ҳажр ўқидин қон аро пайкон эрур ушбу.

Ғам дашти аро оҳ самуминки ёйибмен,
Ким кўрса дегай: шуълаи ҳижрон эрур ушбу.

Кўз ҳайратини тонгламаким, то сени кўрмиш,
Ё ҳуснунга, ё ҳолима ҳайрон эрур ушбу.

Ғам шоми эрур тийра, гар ичсам майи равшан,
Айб этма манга, шамъи шабистон эрур ушбу.

Ишқимни Навоий қиладур тарк демишсен,
Жон таркини ким қилса, не имкон эрур ушбу.

514

Ҳажрида ошиқнинг афғондин қарори борму,
Кеча ит фарёд этарда ихтиёри борму?!

Рўбарўмен ёр ила, эй хозини жаннат, дегил:
Равзанинг мундоқ хазон бирла баҳори борму?

Меҳр ул юзча эмас десам, тонг эрмас, меҳрнинг
Кўзу қошу хатту холи мушкбори борму?

Ғунчадин ортуқдур оғзи, ғунчаға айланг назар,
Бўйла икки раста дурри шоҳвори борму?

Ёрутур парвона шомин шамъ нури васлидин,
Мен киби анинг қорарған рўзгори борму?

Адл жоми базм аро, соқий, букун инсоф эмас,
Ҳеч кимнинг менча ошуби хумори борму?

Демаким, оламни хасча кўрмамишсен муътабар,
Айт филвоқиъки, онча эътибори борму?

Эйки бизни хонақаҳ сори тиларсен дайрдин,
Шайхнинг хилватда жоми хушгувори борму?

Эй Навоий, демаким, ушшоқ сори ёрнинг
Илтифоти кўп, дегил, мен хаста сори борму?

515

Каманди зулфунг аро солма печу тоб асру,
Кўнгул шиканжасиға эшмагил таноб асру.

Биҳишти васл аро, қўйким, даме танаъум этай,
Ки ҳажр дўзахида чекмишам азоб асру.

Куюб бағир уза шўроба тўкма кўп, эй кўз,
Ки қочмағай ити, шўр ўлса бу кабоб асру.

Рақибларға тутуб жоми айшу мен мардуд,
Аларни масту мени айладинг хароб асру.

Аёғ сол икки кўзум ҳалқасиға, эй чобук,
Ки ўпмасун аёғинг ул икки рикоб асру.

Висол чеҳрасидин парда оч, бўлуб фоний,
Ки ўзлукунг тузи ўлмиш, анга ҳижоб асру.

Навоий ўлгусидур, азм истасанг, жоно,
Тилаб ҳалокин анинг қилмағил шитоб асру.

516

Булбули руҳум қилур боғи висолин орзу,
Сую дона ўрниға рухсору холин орзу.

Ҳам кўнгул гулзорида гулбарги рухсорин ҳавас,
Ҳам назар бўстонида қадди ниҳолин орзу.

Лаъли серобин гар эттим орзу, ваҳ, кимдурур
Улки, қилмас чашмаи ҳайвон зулолин орзу?

Мен киму топмоқ?! Ва лекин бир йироқ уммид учун,
Доим айлармен висолни эҳтимолин орзу.

Ишқ аро аҳволим андоқ саъбдурким, туну кун,
Айларам Мажнун била Фарҳод ҳолин орзу.

Мунтақилдур жон адам мулкига баским, бор анинг
Қилди ғурбатдин ватанга интиқолин орзу.

Шамъи гулрўюм фироқинда қилурмен учқали
Жисмима булбул парин, парвона болин орзу.

Шоҳ дарду ишқ агар қилса ҳавас, бор ўйлаким,
Сойил эткай салтанат жоҳу жалолин орзу.

Эй Навоий, гўйиё ул юз кўзум оллиндадур,
Баски айлармен тамошои жамолин орзу.

517

Ўтлуқ узоринг узра ул турфа холи жоду,
Ўтқа тушуб куюбтур оташпараст ҳинду.

Айни хумординдур ул кўзга заъф онча,
Ким ҳолин англамоққа ул юз кетурди кўзгу.

Ҳижрон куни ёшимнинг кўпрак бўлур зуҳури,
Хушроқ кўрунур анжум, чун тун бўлур қоронғу.

Раглардин ип тақайин, кўксумда доғлардин,
Дарду бало чекарга ишқ айласа тарозу.

Бу нўшханд қилди, ул заҳрханд, чунким
Оғзингда кулгу кўргач, кўргузди ғунча кулгу.

Ичгил майи шафақгун, мийнойи айлабон жом,
Ким қон тўкар шафақдин ҳар тун бу чархи мину.

Ўлгач Навоий, ул ой гар бўлса шод, тонг йўқ,
Ул қўймади чу бориб, олам тунида қайғу.

518

Ояти «Вашшамс» хуршиди узоридин ўқу,
Сураи «Валлайл» хатти мушкборидин ўқу.

Қоматинг шавқи шаҳид этканлар армонин агар
Билмасанг, ҳар қайсининг мили мазоридин ўқу.

Ул қуёш рухсорию сариғ юзумнинг шарҳини,
Сафҳаи хуршид, хатти зарнигоридин ўқу.

Ўт туташқан кўнглум аҳволин, десангким, англайин
Ул хутутеким, бўлур пайдо, шароридин ўқу.

Сабзаи хат бирла бу гулшан вафосиз эрканин,
Килки қудрат ёзди, райҳони баҳоридин ўқу.

Бода ғам дафъин қилур кайфиятин, десанг, билай,
Ол иликка жому арқоми каноридин ўқу.

Истасанг дарду жунун, очиб Навоий дафтарин,
Телбалик шарҳини топиб, ҳоли зоридин ўқу.

519

Юзига тушуб эрди уйқуда гесу,
Қуёшни ёшурғонда тун не тонг уйқу?

Ярам касратидин улус йиғлар, аммо
Келур ҳар бирисига ҳолимға кулгу.

Ики кўз жамолингдин ар баҳра топти,
Кўнгул ютти қонлар, будур қушқа қору.

Юзунг ўтрусида қуёш хуш кўрунмас,
Қуёшқа анингдекки, ой бўлса ўтру.

Юзунг ўтин оҳим ёрутур эрур, шукр,
Ки ул дам била тийра бўлмас бу кўзгу.

Манга май нашотин кўруб қайғурур шайх,
Нашот айларам мен кўруб анда қайғу.

Навоийни ишқ ўлтурур, тиргузур ҳам,
Зиҳи ишқ иши не қиёмат эрур бу!

520

Ул ойни кўрган эл дерларки, меҳри ховаридур бу,
Мени чун айламиш девона дерменким, парийдур бу.

Қулоғи дурру лаъликим қуёшқа ёндошибтурлар,
Шараф авжида ул кавкаб, саодат ахтаридур — бу.

Юзин хай тоза қилғанни наззора айладим, гўё,
Эрам гулзорида сероб гулбарги таридур бу.

Қадининг жилвасин юз ноз ила бўстон аро кўрган,
Дегай, товуси раъно ё магар кабки даридур бу.

Юзинда лаъли нутқидин чу топтим руҳ, билдимким,
Қуёш ичра Масиҳ ул, нуктаи жонпарваридур бу.

Кўнгулдин оташин лаъли хаёли бирла чексам оҳ,
Бу ўтнинг шуъласидур ул ва лекин ахгаридур бу.

Манга дайр ичра берди муғбача бир майки, жон топтим,
Бу жаннатнинг ҳамоно ҳури улдур, кавсаридур бу.

Совурма дайр туфроғини ҳар хориж нафас бирла,
Ки жон берган Масиҳ анфосларнинг пайкаридур бу.

Хиёбонда Навоий сабрини гар ҳўблар олди,
Ўзидин воқиф ўлсун, негаким шаҳри Ҳиридур бу.

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГЕЗЛИҒЛАРИ «ФАВОЙИД»ДИН

521

Фалакдин яхшилиқ еткай дебон, кўнглунгни шод этма,
Ёмонлиғким етар, ҳоло унут, ўтканни ёд этма.

Замона аҳлиға гар юз қуёшча кўргузубсен меҳр,
Вафо зинҳорким, бир зарра чоғлиғ эътиқод этма.

Нужуму чарх деб ўкма гадонинг бахъялиқ шолин,
Тутунни чарх, учқунларни анжум этиъқод этма.

Фано аҳли аёғи туфроғи шарҳин ёзар бўлсанг,
Қароғимни ҳал айла, эй рафиқ, ўзга мидод этма,

Мидод эткач қароғимни, қилибон кирпиким хома,
Кўзумнинг пардасидин ўзга коғазга савод этма.

Қилиб солиҳ амал касби шиорингни салоҳ, этгил,
Вале фосид хаёлинг бирла ҳар дам бир фасод этма.

Чу билдинг, ризқ эрур мақсум, чекма дўстдин миннат,
Қазодин хориж эрмас иш, адуға инқиёд этма.

Тиларсен фақр даштин қатъ қилғайсен эранлардек,
Бағир су қил, юрак парголасидин ўзга зод этма.

Навоий, истасанг уқбо муродин, номурод ўлғил,
Агар дунё муроди йўқтур, ўзни номурод этма.

522

Чаманда сарв ё гул чун сабодин тебранур ногаҳ,
Соғиниб сарви гулрўюм келур, афғон чекармен, ваҳ.

Бошимни олмағаймен саждаи шукр айлаю ердин,
Агар сарви хиромонимға бўлсам соядек ҳамраҳ.

Ўзум ҳам эрмон ўз ҳолимдин огаҳ, то ани кўрдум,
Йўқ улким, эрмас аҳволимдин ул номеҳрибон огаҳ.

Занахдонингда ҳай эрмаски, оби зиндагонидур,
Ки ҳайвон чашмасининг остида воқиъдурур ул чаҳ.

Юз олман сарв бирла гул аёғидинки, ваҳ, йўқтур
Анинг қадду юзига боғ аро бу иккидин ашбаҳ.

Юзунг васфини юз таҳ сафҳаға ёзсам, тамом ўлмас,
Ки бўлғай сафҳаи хуршидча ул сафҳадин ҳар таҳ.

Жунунум манъ қилдинг ул пари ишқида, эй носиҳ,
Қиши девона бўлса яхшироқ, юз қатлаким аблаҳ.

Тажаммул рахтидин, эй шаҳ, гадоға қилма истиғно,
Чу боғлар рахт бу дайри фанодин гар гадо, гар шаҳ.

Навоий, кўп дема ғам хайлидин майхона маъмандур,
Азимат қилсанг ул дорул-амонға фи амониллаҳ.

523

Не пўя урдум йўлида, не бошим ўлди хоки раҳ,
Ул шўх ишқи саъйида боштин аёғимдур гунаҳ.

То бода ичти ул санам, то майға чўмди лаъли ҳам,
Жонимда ўтдур дам-бадам, бағримда қондур таҳ-батаҳ.

Чун жилва бўлди ёрға, айш ўлди жони зорға,
Ким ул қаду рафторға жон гулшанидур жилвагаҳ.

Жон қасдиға қилса камин, хайли эрур юз нозанин
Хуршид чекса тиғи кин, анжум не тонг бўлмоқ сипаҳ.

Юз ишва бирла боқибон, жонимға ўтлар ёқибон,
Лаб тишлабон, кўз қоқибон, тиргиздию ўлтурди, ваҳ.

Очқач юзин ул нўшлаб, қилдим фиғон бирла тааб,
Булбулға тушса не ажаб, ошубу афғон субҳгаҳ.

Умр ўтмакин андиша қил, давронға йўқтур меҳр — бил,
Эй шаҳ, гадони кўзга илким, не гадо қолур, не шаҳ.

Соқий, тўла жоме кетур, дардимға ороме кетур,
Ҳолимға анжоме кетурким, ғам ани қилмиш табаҳ.

Ҳар ён, Навоий, сунма қўл, не келса Ҳақдин — рози ўл,
Сен ожизу ҳокимдур ул, ал фажру лак ал ҳукму лаҳ.

524

Сарву гул ҳусн ичра йўқ ул сарви гулрухсорча.
Ўйлаким, қумрию булбул нолада мен зорча.

Ул баҳори ҳусн учун ҳар сели рангинким, булут
Зоҳир этти, йўқ эди бу дидаи хунборча.

Гарчи даврон хоридин гул яфроғидур юз тешук,
Ҳажр нешидин эмас бу хотири афгорча.

Зулфининг ҳар тори бир мўминни чун кофир қилур,
Деса бўлғай ани дин аҳлиға минг зуннорча.

Кўйини ул ҳурнинг селоби ашким касрати
Айламиш жанноту тажри таҳтаҳол-анҳорча.

Абри раҳмат сояи сиҳҳат бошимға солмағай,
Ул қуёш кўйи қироғинда бузуғ деворча.

Бу кўҳан дайр ичра бир дам қилғали дафъи хумор,
Амн манзил топса, бўлмас қулбаи хамморча.

Олам аҳлиға вафо айлаб, жафо кўрган эрур,
Юз туман минг зор, эмас аммо бири мен зорча.

Чун Навоий кўнглини синдурдунг, энди топмағи
Мумкин эрмас, итти чун ҳар ён тушуб бир порча.

525

То қулоғингға зириҳ солдингу қошингға гириҳ,
Хаста кўнглумдадурур юз гириҳ, андоққи зириҳ.

Кўнглума ғунча киби тушти тугун узра тугун,
Кўргали сунбули зулфунгда гириҳ узра гириҳ.

Не назоҳатдурур ул гулшани рухсордаким,
Равзаи хулд анинг шабнамидин бўлди назиҳ.

Бўлди қошу кўзидин зулф саромад, не ажаб,
Ким кўнгул қайди учун иккисидин келди фириҳ.

Қоши ёсиға дедим чилла керак риштаи жон,
Бу сўзумга, не ажаб, бор эса ҳар гўшада зиҳ.

Анга ғам тиғи бу боғ ичра ҳаром ўлдиким,
Кийди пашмина сариғ юз била, андоққим биҳ.

Хонақаҳ ичра Навоийға етар кўп макруҳ,
Дайрдин ул сари бормоққа ҳам эрди кориҳ.

526

Дайр ичра яна кирдим бир журъа учун, ваҳ,
Ул бут манга миннат қўяр алминнату лиллаҳ.

Масжидқа яна кирмасу юз саждаға қўймас,
Ҳар кимки, бўлур дайр ила бут сирридин огаҳ.

Бут шоҳид эрур, дайр доғи дайри фанодур,
Куфр аҳли эрур сиррини чун билмади гумраҳ.

Дермен кечаким тонгла чиқай дайрдин, аммо
Лояъқил этар муғбача май бирла саҳаргаҳ.

Соқийға ваё аксиға май ичра боқармен,
Андин мунга, мундин анга чун топмадим ашбаҳ.

Дайр ичра бу кун кавсару ҳур ўлди насибим,
Танглаға манга ваъда берур воизи аблаҳ.

Ҳақ сиррини ҳар кимга баён этма, Навоий,
Таън айламагай, билмас улус англаса ногаҳ.

527

Тун-кунким эврулур мени бемор бошиға,
Судраб эвурса кош мени ёр бошиға.

Неткай мени ҳавоий агар ашк дурларин
Сочсам борин булут киби дилдор бошиға.

Ул нахл ноз бошида гулдур, йўқ эрса чарх
Пайванд қилди гулни сапидор бошиға.

Бошим оқарди ишқда, ё ишқ тиғидин
Момуғ ёпуштурулди бу афгор бошиға.

Раҳм этки, ишқ журми била чектилар мени,
Боғлаб таноб бўйнума, бозор бошиға.

Тун-кун ҳарири бўлди қуёшнинг амомаси,
Тун чирмади ола-була дастор бошиға.

Бошида ҳам ўтағаю ҳам бода, ҳам итоб,
Топти нелар йўл ул бути айёр бошиға.

Муҳликдурур хумор мени кош, эй рафиқ,
Еткурсанг эрди кўчаи хаммор бошиға.

Қатл айлар элни ғадр ила гардун, Навоиё,
Туфроғ ушбу қотили ғаддор бошиға.

528

Эй кўнгул, тортар эсанг сарсари оҳ,
Олам аҳлин бурун этгил огоҳ.

Буки қон этти лабинг бағримни,
Икки хунбор кўзум икки гувоҳ.

Ҳола ул юзга мудаввар кўзгу,
Юзининг аксидур ул кўзгуда моҳ.

Меҳри рухсоринг уза сабзаи хат,
Ажаб эрмас бу эса меҳригиёҳ.

Даҳрдин бўлди паноҳим ишқинг,
Ўт самандарға, не тонг, бўлса паноҳ.

Истарам мастлиғ ул янглиғким,
Ўлгуча бўлмасам ўздин огоҳ.

Соқиё, бодаки, бу ҳасрат ила
Ўлмагаймен мени маҳзун ногоҳ.

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,
Бас манга меҳру вафо мол ила жоҳ.

Гар Навоий гунаҳи ишқинг эрур,
Афв қилмоқчи ҳам эрмас бу гуноҳ.

529

Бўлур шом ул маҳи Нахшаб равона,
Каманди зулфин очиб шабравона.

Қора тун азм этарким, кўрмагай эл,
Жамолидин вале ёрур замона.

Мени манъ этмиш ўз ҳамраҳлиғидин,
Манга, ваҳким, ажаб иш тушти ёна.

Ҳаётим эмди худ мумкин эмастур,
Ки ўлмакка тилар эрдим баҳона.

Кўз очқаймен магар маҳшар сабоҳи,
Ки ичмишмен ажаб жоме шабона.

Бу гулшан гуллари чун бевафодур,
Алардин чекма, эй булбул, тарона.

Навоий ўлса, ёдин қилмағилким,
Ўлар эл ҳам, десанг андин фасона.

530

Нашъа етмас бода гулгун базмгаҳ гулзор эса,
Гар кўнгул ичра бировнинг хор-хори бор эса.

Базм аро гар ҳозиру гар ғойиб ўлсун — бок эмас,
Тенгри ёри қайда бўлса, ёри бизга ёр эса.

Васл нўшидин агар уммид марҳамдур, не тонг,
Ҳажр нешидин бағир чоку кўнгул афгор эса.

Ҳам кеча ҳожат эмастур шамъу ҳам кундуз қуёш,
Мунисим гар субҳу шом ул сарви гулрухсор эса.

Нақди имонимни ул кофир чу торож айлади,
Не ажаб оллимда бут, бўйнумда ҳам зуннор эса.

Кечалар ҳар кўчада итдек югурса, тонг эмас,
Кимки онинг дилбари бир шабрави айёр эса.

Эй харобот аҳли, биздин журъае тутманг дариғ,
Ким эрур май раҳни гар худ жубба, гар дастор эса.

Тут қадаҳ даврини хушким, йўқ бажуз саргашталик,
Даҳр даврида бу тўққуз гунбади даввор эса.

Эй Навоий, май била дафъ айла ул ой ҳажридин,
Хаста жисминг зор эса, кўнглунгда юз озор эса.

531

Меҳри рухсориға хат зоҳир этибтур дилхоҳ,
Не ажаб, сабзаи хаттини десам меҳригиёҳ.

Сурма чеккан кўзи оҳим тутуни касратидин,
Оҳким, қилди мени ҳам ўзидек хонасиёҳ.

Бир кичик ёшлиғ учун бўлмиш улуқ тинмақ ишим,
Гарчи ишқида даме тинғоли қўймас мени оҳ.

Буки қонимни тўкуб, дермен ичибсен, басдур
Ғамза тиғи била хунхора кўзунг икки гувоҳ

Хўблардин санга гар етса ғуборе, не ажаб,
Шоҳға бўлмади гард, айламайин хайлу сипоҳ.

Давр эли жавридин ўлдум, қани майхона йўли,
Ким эрур қочқали куп далдаси ҳар лаҳза паноҳ.

Фақр йўлиға агар кирмаса эл, андиндур,
Ким бу водийда хатар кўптуру оздур ҳамроҳ.

Шоҳ даргаҳиға гар бор эса ҳожиб мониъ,
Эй гадо, муждаки, беҳожиб эрур бу даргоҳ.

Хайру шар бўлмаса тақдирдин айру, эй шайх,
Бас Навоийға гунаҳ айлагонидин не гуноҳ?

532

Шамъдек қомату юз шамъи ила жонона,
Қилди ўртарга кўнгуллар қушини парвона.

Ақлнинг силсилаи зулфунга вобасталиғи,
Кўрунур ўйлаки занжир ичида девона.

Ошнодур чун санга жон била кўнглум азалий,
Не тафовут, манга бўлсанг абадий бегона.

Кўп бузуғ кўнглума ёғдурма бало ўқиниким,
Бир ёғиндин тенг ўлур ер била бу вайрона.

Ёр агар кулбаи эҳзонима кирмас, тонг эмас,
Кимса бош суққудек эрмас бу бузуғ кошона.

Хонақаҳ ичра риё аҳлидин ўлдум дилтанг,
Эй хушо, аҳли харобот била майхона.

Боғласам дайрда зуннор, не тонг, мундоққим,
Динни яғмо қиладур муғбачалар мастона.

Дема фарзона биравдурки, улустин чиқмиш,
Тенг кўрар чунки улус бору йўқин фарзона.

Эй Навоий, чу эрур боиси ғафлат кўп сўз,
Қаридинг, иш қилакўр, айтмағил афсона.

533

Фироқ неши кўнгулнинг ичию тошида,
Тикилмиш ончаки, оҳим чиқар харошида.

Намоз ботил ўлур, чунки эгридур меҳроб,
Гириҳ давр офатидин тушса ёр қошида.

Висол вақти юзунг ўртаса мени, не ажаб,
Ким ўзга тоб бўлур ёрнинг қуёшида.

Ики кўзунгки, кўнгул сайдини талашдилар,
Найлар, кесилди бу сайд ул иков талошида.

Парию ҳур ул ойға қаробат ўлмишлар,
Ва лекин онча киши йўқ уруқ-қаёшида.

Торикмасин, неча гардундин эгрилик етса,
Биравки тузлуги йўқ халқ ила маошида.

Навоий ўлди, чу бошиға етти тиғи фироқ,
Бошини айлади паст улча эрди бошида.

534

Менмудурмен кўз ёшим рангин бағир қони била,
Лек бағрим қон биравнинг тиғи ҳижрони била.

Лаъли ёдиндинки, кўнглум музтарибдур, эй рафиқ,
Панд анга кўп бермаким, дармондадур жони била.

Су ўғирлаб бўлса кўнглум захми муҳлик, не ажаб,
Ким су келтурди ўқунг захм ичра пайкони била.

Хатти кўнглумда сўнгак янглиғ танимни чирмаган,
Муҳрлуқ бир нома билгил, доғи пинҳони била.

Дардким, кўнглумни бузди, чиқмас андин, яхшидур
Чуғз янглиғким, эрур хурсанд вайрони била.

Чун бу гулшанга вафо йўқ, эй кўнгул, зинҳорким,
Кўп қувонма сунбулу сарви хиромони била.

Эй Навоий, гар муродинг давлати боқий эрур,
Унс тутмоқ бартараф қил олами фоний била.

535

Зулфи қонлиғ пайкаримни чекти печу хам била,
Ул сифатким, тортқай аждар биравни дам била.

Нола чекмакдин чу қилдинг манъ, эй лаълинг нигин,
Бир йўли оғзимни қилғил муҳр ул хотам била.

Марҳами васлин кўнгул чокидин олма, эй рафиқ,
Ким чиқар жоним доғи айрилмай ул марҳам била.

То ғаминг водийсида овора бўлдум, оҳким,
Ўзни ҳаргиз топмадим бир хотири хуррам била.

Рашкдин ишқинг тутармен жону кўнглумдин ниҳон,
Бўлмас эл сиррин дейишмак икки номаҳрам била.

Беталаб йўқ васлидин толиб, вале маҳжурмен,
Қолмишам дармонда ушбу нуктаи мубҳам била.

Эй Навоий, халқдин тут гўшаким, мен тинмадим,
Токи бўлдум ошно хайли бани одам била.

536

Тонг саҳоби уйғатур уйқулуғ элни су билан,
Ким сабуҳи вақти бўлди фавту сен уйқу била.

Су сепиб уйғотқусидурлар сени уйғонмасанг,
Ғунчаи субҳу суроҳи қулқулу кулгу била.

Умрдин бир субҳ олғил баҳраким, фасли баҳор
Лола ҳам жомин тутубтур наргиси жоду била.

Настаран ё сунбул оллида бўлунг хушҳол икав,
Гар хитое бирласен саргарму гар ҳинду била.

Хуштурур бир васл субҳи май била топмоқ нашот,
Неча ҳижрон шоми бўлмоқ қон ютуб, қайғу била.

Гоҳ афғонингни тузгил булбули худрой ила,
Гоҳ дилдорингни ёндоштур гули худрў била.

Ҳар қушунгға заҳр ила қору тутар шоми ажал,
Бир саҳар сен ҳам ҳаёте топ қушу қору била.

Не зулолу оташин гулдурки, бўстон шоҳиди,
Айлар оройиш бу энглик доғи ул кўзгу била.

Эй Навоий, субҳунг ўлди шом, тинмай йиғлаким,
Шояд ўлғай номаи журмунг ориғ ул су била.

537

Анингдек ўт яна ишқ урди хонумонимға,
Ки шуъла айрилиб андин, туташти жонимға.

Жунун дафтаридин ақлу ҳикмат эткай фаҳм,
Қачонки, Мажнун кўз солса достонимға.

Чу заъфдин сўнгак ўлдум, синар вале қонамас,
Фироқ тоши етиб жисми нотавонимға.

Қолиб ғам ичра, яна кўрмади нашот юзин,
Бировки солди қулоқ нолаи ниҳонимға.

Эмастур ашҳабининг тўрт аёғ элинда ҳино,
Ки кўнглум ичра қилиб жилва, кирди қонимға.

Менга ҳаром фано дайри пирининг қадаҳи,
Вужуд хонақаҳи гар ўтар гумонимға.

Навоиё, тутубон бода, сирри ваҳдат сўр,
Ки чекмай икки қадаҳ, кирмас ул баёнимға.

538

Уйқуни оҳим ели кўздин учурди бу кеча,
Ақлу ҳис авроқу ажзосин совурди бу кеча.

Анжум эрмас, чарх зулмин ҳолима англаб қазо,
Тийра рухсоримға минг қатла тўкурди бу кеча.

Ҳажрдин туфроғ бўлдум, гўйиё ашким суйи
Бошима чархи кўҳан тоқин емурди бу кеча.

Зулм тоши ёғдуруб, ҳижрон қиличи индуруб,
Не балолар ишқ бошимға кетурди бу кеча.

Захм кўптин мен ўлум ҳолида ўлган соғиниб,
Ит ялаб қоним, сўнгакларни кўмурди бу кеча.

Субҳ толиъ бўлмади, гарчи ул ойдин айру ҳажр,
Бошима минг қатла гардунни эвурди бу кеча.

Чарх мен саргашта ёшидин хижил бўлдики, кўп
Анжуми ашким шиҳобосо югурди бу кеча.

Тийра андиндурки, ой, кун шамъин оҳим сарсари
Чарх фонуси аро бир-бир ўчурди бу кеча.

Эй Навоий, ўлмаким англаб ул ойнинг кўйида,
Итлари бир дам улуб, бир лаҳза ҳурди бу кеча.

Ишқ раҳм этса бу саргардон тани беморға,
Қайтара айландурур тоб очқан элдек торға.

Ҳажр дардидин қулоқлашмаққа маҳрам соядур,
Такъя солмоқ шоми фурқат заъфдин деворға.

Учти ё янчилди маҳвашлар тошидин, эй рафиқ,
Ёқма мундин нори марҳам бу тани афгорға.

Ғам эмас ўлсамки, жони хоксоримдур менинг,
Гардким, ўлтурди жавлон вақти ул рухсорға.

Лаълу хаттининг Масиҳою Хизрдин ори бор,
Эй мусаввир, сунма қўл шингарф ила зангорға.

Тарк этиб савдо, анинг савдосиға тушмиш улус,
Киргали Юсуфжамолим сайр учун бозорға.

Не бадеъ авзоъ эрурким, ақл боши айланур,
Гар даме фикр айласам бу гунбади давворға.

Тузма ойини муҳаббат эл била, гар истасанг,
Ким ўзунгни солмағайсен ранж ила озорға.

Эй Навоий, ёрдин ағёр майли қилди ёр,
Ёр ким кўрди бу янглиғ зулм қилғай ёрға?

540

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға,
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулузоримға.

Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айланғай
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.

Фироқи тийрборонинки чектим, қушға ўхшатқай,
Ки юлмишлар юнгин, боққан киши жисми фигоримға.

Қуёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,
Гар ўлса юз қуёш толиъ қарорған рўзгоримға.

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам; қўймас
Йигитлик бирла ошиқ шевалик ўз ихтиёримға.

Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин,
Анга етмон, не илдам сайр экин чобуксуворимға.

Сени, эй муғбача, маҳрумлуқдин асрасун Тенгри,
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.

Фано майхонасининг майфурушиға фидо жоним,
Ки май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримға.

Вафо ўтиға мен куйдум, вале топқай Навоийдек
Муҳаббат риштаси боққан киши ҳар бир шароримға.

541

Сурати девордек ҳайронмен ул рухсорға,
Йўқса ғамзанг ўқлари тикмиш мени деворға?

Зор жисмимда бўғунлар меҳнатимнинг сонидур,
Ким санаб, ҳар ерда тугдум бир тугун ҳар торға.

Тори зулфунг ичраким, ашким тўкар кофир кўзинг,
Муҳраи тасбиҳ тортар риштаи зуннорға.

Бир-ики кун зор кўнглумдин фироқингни кетар,
Заҳрким бермиш бу кунлук-тонглалиқ беморға.

Захми кўплуктин кўнгул сиррини фаҳм этмак бўлур,
Ким тааммул бирла боқса бу тани афгорға.

Гар десанг саргашталик кўрмай, йўлунгни туз юру,
Гар инонмайсен, назар қил чархи кажрафторға.

Эй Навоий, гар десанг ҳижрон хуморин дафъ этай,
Жаҳд этиб, солғил ўзунгни кулбаи хамморға.

542

Икки юздин қадингға икки гесу бўлди пероя,
Чу шамъ ўлди ики, эл қаддиға икки бўлур соя.

Сенинг гулгун тўнунгким, нақш эрур зарриштадин ҳар ён,
Биайниҳ ўйладурким, зарварақ остидағи лоя.

Чекармен вою воям буки, жон лаълингдин олғай ком,
Менинг жонимға вой, ар ҳосил ўлмас, анга бу воя.

Лаби жонбахшинг ўлди юқори ул холи жодудин,
Ки тенг эрмастур эъжоз аҳлию сеҳр аҳлиға поя.

Ажаб йўқ, сабзаи хат соясида жонфизо лаълинг
Муносибтурки, бўлғайлар Масиҳу Хизр ҳамсоя.

Ато-ононгга раҳмат, эй ўғилким, кўрмамиш сендек
Не ул тўққуз ато, бал не бу тўрт асрағучи доя.

Манга сармоя зуҳду суд — уммиди биҳишт эрди,
Чу топтим бода бирла дайр, борди суду сармоя.

Кўнгул то ҳажр аро итти, анга бир лаҳза минг йилдур,
Манга маълум эрмас ҳоли ул чоғдин илоғоя.

Навоий, чун ҳар иш қилсанг, керак пирояю сози,
Фано йўлиға кирким, не керак созу не пироя.

543

Ёр ишқим англамай, лаъли сусабтур қонима,
Токи маълум этса, келгай не балолар жонима.

Очмай ўтлуқ чеҳра чунким ўртади кўнглум уйин,
Очса не ўтларки, тушгай кулбаи эҳзонима.

Уйқуда ул кўз манга юз фитна бедор айламиш,
Ноз ила уйғонса, неткай, англа, хонумонима.

Ичмайин май бузди кўнглумни, гар ичса, тутса ҳам,
Кўр — не офат сели юзлангай йиқуғ вайронима.

Маст ўлуб зуннори зулф очса, муҳиқдурлар агар
Ақлу зуҳду илм мотам тутсалар имонима.

Носиҳо, чун ошиқ ўлдуқ танима мундин нари,
Танимасбиз биз сени, сен доғи бизни тонима.

Гар Навоийдек бўлуб ошиқ, ўлармен панд деб,
Жонима қилманг азоб, айтинг ани жононима.

544

Ёр акси чунки айлар жилва май кўзгусида,
Май ичарменким, юзи бўлғай юзум ўтрусида.

Ул сабоҳат бирлаким, кулдунг, манга меҳр ўлди фаҳм,
Меҳр фаҳм ўлмоқ тонг эрмас субҳнинг кулгусида.

Ўйлаким, хайли ҳубоб ичра тушар хас, бормен
Ашк аро саргашта ул султони ҳусн ўрдусида.

Урди олам бузғали бир-бирга кирпик сафларин,
Фитналар бедор қилмоқ кўр ул ой уйқусида.

Не хато қилғай кўнгулларга кўзунг мужгон ўқин,
Ҳар қаён чун боқса, сайдедур анинг қобусида.

Навбаҳори даҳрға қўйманг кўнгулким, йўқ вафо
Не гули бўстонида, не лолаи худрўсида.

Шоҳлар побўсинг эткандин, Навоий, яхшироқ,
Ким бошингни хокираҳ этсанг анинг побўсида.

Мен ўлар ҳолатдаю кўйида итлар қошима
Жамъ ўлуб аҳбобдек, афғон қилурлар бошима.

Чарх кўзгусин шафақгун топқай анинг аксидин,
Ул юзу лаб ҳажридин боққан киши қон ёшима.

Ўлмишам лаъли майи шавқида, май солинг мудом,
Йўндуруб ҳар ён қадаҳлар қабр қилған тошима.

Кўйига қўйғач қадам, бошимға урди тиғи зулм,
Сарфароз этти бу хидмат айлаган подошима.

Топмаса шоҳид сабуҳ айларга май, эй тонг ели,
Элт жоним нақдини майхораи қаллошима.

Шаммае фош айла саргардонлиғимдин, эй қуюн,
Учрасанг дашт узра Мажнун исмлик қардошима.

Дур сочар кўздин Навоий, лек ул йўқтурки, ёр
Бир кеча сунғай аёғин дидаи дурпошима.

Кўргали чун тоқатим йўқтур сени бир ёр ила,
Ваҳ, не бўлғай ҳолатим кўрган замон ағёр ила?

Fусса тоғида улус кўргай очилған лолазор,
Ҳар ён этсам майл бу урён тани афгор ила.

Торами хуршид уза найлай Масиҳодин илож,
Заъф аро кўйида хушмен сояи девор ила.

Қондурур кўнглумда, ёнимда сўнгаклар қобсабон,
Ком олур ишрат майидин лаҳни мусиқор ила.

Эй фусунгар, ёзма тумор ул жунун дафъиғаким,
Шарҳи ёзилса, туганмас юз туман тумор ила.

Кўнглум ичраким, сиғишмас новакинг пайконлари,
Беркитибтурлар ўқунг шавқини юз мисмор ила.

Дема жисмимда мудаввар доғларким, даври чарх
Ўртамакка қисмат айлабтур ани паргор ила.

Қасри жаннат бирла Кавсар майли қилмон, эй фақиҳ,
Ким кўнгул улфат тутубтур кулбаи хаммор ила.

Олам аҳлиға қўшилмоққа ўзунгни қилма зор,
Чунки айрилмоқ керактур сўнгра юз озор ила.

Дайр аро бадмастлиғ журмонаси, эй муғбача,
Бўйнума осғил сабу, боғлаб ани зуннор ила.

Эй Навоий, туз бўлуб, не келса, тутқил ўзни хуш,
Ким ситез этмаклик ўлмас чархи кажрафтор ила.

547

Новакингнинг тусидин эрмас нишони бўйниға,
Ким эрур қатл айлаган аҳбоб қони бўйниға.

Бегунаҳ ишқ аҳлиға тиғи жафо сургум десанг,
Билки, мендин ўзга тутмас кимса они бўйниға.

Ҳажрдин гар юз қилич бўйнумға урдунг, эй сипеҳр,
Сарбасар қилдим қўлум еткан замони бўйниға.

Қотилимни кимса билмай, захм еб ўлдум, валек
Мен билурменким, эрур қоним фалони бўйниға.

Тавқ бил жаннат қуши бўйниға то мушкин ипак,
Тушти таъвиз эткали ҳирзи амони бўйниға.

Майға эгнимдинки, сажжодам гаровдир, қилди манъ,
Гўйиё зоҳид кўра олмас ридони бўйниға.

Гар Навоий ўлса, ул кофир диёриға чекинг,
Боғлабон судрарда зуннори фанони бўйниға.

548

Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ғанжу далол ўзгача.

Савсан ўлуб сарбаланд, ғунча қилиб нўшханд,
Элга алардин етиб дафъи малол ўзгача.

Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам,
Дуд ила ўтдин бўлуб шибҳу мисол ўзгача.

Кирди магар дилбарим, ҳури пари пайкарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Бўлса манга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсам эди мает ўлуб қолу мақол ўзгача.

Умри абад топқамен, тутса манга бир қадаҳ,
Нашъаи майдин анга ҳусну жамол ўзгача.

Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмағасен, эй кўнгил, фикри муҳол ўзгача.

Зуҳд, Навоий, санга бермади маежидда файз,
Эмди кириб дайр аро, тарҳни сол ўзгача.

549

Қаю қушким, қўнар бу пайкари Мажнун мисол узра,
Эрур тан заъфидин қушдекки, йўнғайлар хилол узра.

Бало тоши хам ўлған қаддим устидин йироқ кетмас,
Биайниҳ нуқта янглиғким, тушар ёзғанда зол узра.

Агар майгунлуғидин ранг айлар эрса машшота,
Кўзумнунг мардумин қўйғул ўюб ул турфа хол узра.

Қошингнинг тоқи устида эмастур анбарин холинг,
Зуҳал гўё очибтур орази мушкин ҳилол узра.

Не тонг, нозуклугидин гар қурайши бўрк оғир келди,
Хам айлар, чун қиров кўпрак ёғар нозук ниҳол узра.

Саводи хат била ҳам оразинг хуршиди равшандур,
Сафода не тафовут соя тушкандин зулол узра.

Белингга то сочинг чирмашти, рашкидин анинг ҳар тун
Димоғимда тонг отқунча хаёл эрмиш хаёл узра.

Кўзумни истасанг равшан, қадаҳни ёпма, эй соқий,
Керакмастур саҳоб ул ахтари фархундафол узра.

Навоий, ёр лаълида учуқтур, йўқса ёпушти
Чибиннинг парридин бир пора қўнған чоғда бол узра.

550

Ҳажр ўти доғи била кўнглумни, эй жон, ўртама,
Дўзах ўти бирла куйдур, доғи ҳижрон ўртама.

Ўртабон ҳар кимни, ўт жонимға солма рашкдин,
Халқни пайдо, мени мажнунни, пинҳон ўртама.

Ламъаи рухсор ила дин кишварига солма ўт,
Мунча ислом аҳлини, эй номусулмон, ўртама.

Оҳим ўти учқунин гардунға тортиб, эй пари,
Ул чоқинлардин малак хайлини ҳар ён ўртама.

Гар қулум, гар жисму жоним ўртадинг, қилдим биҳил,
Ўз қулунг, эй жисму жоним садқанг, осон ўртама.

Чунки сен ҳам қолмоғунг ўртанмай, эй шамъи тироз,
Ораз ўти бирла парвонангни паррон ўртама.

Чун Навоий васлдин кечти, ани ҳажр ўтида
Ўртамай, деб айлаб эрдинг аҳду паймон, ўртама.

551

Зулфиға майл, эй насими анбарафшон, айлама,
Тарқатиб юз пора кўнглумни паришон айлама.

Олам аҳли жониға раҳм айлаб, эй чобуксувор,
Отланиб усруқ, яна оҳанги майдон айлама.

Азми гашт айлаб тун ақшом, ой киби айлаб тулуъ,
Чархнинг юз минг кўзин ҳуснунга ҳайрон айлама.

Захмлиғ бағримни юз минг пора айлаб тиғ ила,
Зулмдин ҳар порасин бир қатраи қон айлама.

Деб эмишсен, айлагум ислом элинда қатли ом,
Айлама бу зулмни, эй номусулмон, айлама.

Гар десанг кўнглунгни гардун таҳ-батаҳ қон этмагай,
Хурда майлин ғунчадек кўнглунгда пинҳон айлама.

Эй Навоий, базм тузган эрмиш ул гул боғ аро,
То паришон бўлмасун, булбулдек афғон айлама.

552

Тўкулгудек эди жисмим қуруқ сўнгаклар ила
Магарки, боғлади ишқ ул сўнгакни раглар ила.

Ҳалоким айласа ул пок этаклик, эрмас айб,
Ки туфроғим тошиғай поклар этаклар ила.

Таашшуқумдин ирик пандлар халос этмас,
Ву бандни кеса олмас киши эгаклар ила.

Висол шоми дейолмон лабингни ёлқитсам,
Вале табонинга кўз суртубон мучаклар ила.

Майи висол ичиб, лабларинг ўпай дермен,
Fариб бода тилармен, ажаб газаклар ила.

Замона аҳлики, давлат чоғи қулунгдурлар,
Мулоямат яна кўп қилма ул дадаклар ила.

Навоий ўлса, халос айлай олмағай ошиқ,
Жамол аҳли анга ваъда айламаклар ила.

553

Бир кичик ёшлиғ нигоре топмишам нозуккина,
Секретурда тавсанин майдон аро чобуккина.

Гаҳ вафо, гаҳ нозу гаҳ афсун била ўзгинасин,
Кўргузуб ҳар лаҳза дилбарлиғда бир турлуккина.

Жавр ила таҳдиди бедилларға бори чинғина,
Меҳр ила ҳар ваъдаким, қилди бори ўтруккина.

Асру ёлғон ваъдасидин куймиш эрди жонғинам,
Онгдибон бир кеча тушти илгима усруккина.

Истадим бўйнин қучиб, юзгинасидин ўпкамен,
Изтироб айлаб талашти, бор эмиш кучлуккина.

Юз ўпарга қўймади, илгин дедим бори ўпай,
Ташлабон юмруққина, қилди кўзумни кўккина.

Ҳар не дединг бор эди ёлғонғина боштин аёқ,
Эй Навоий, мунча ёлғон дегуча бўл шуккина.

554

Ул яшил тўнлуқ париваш лаъли шаккарбор ила,
Руҳ тўтисин қилибтур мунфаил гуфтор ила.

Гарчи ахзар тўн била боғи латофат сарвидур,
Лек ҳайрон айламиш юз сарвни рафтор ила.

Гар сўкулди ул этак, кирпик била тикса бўлур,
Ким эрур гул хилъатин тикмак муносиб хор ила.

Англа ахзар шамъу сориғ бўрки, — онинг шуъласи,
Тийра кулбамни ёрутса, кошки, рухсор ила.

Нахли қаддурму яшил тўн ичра ёхуд нахли мум,
Боғлаған сунъ илги юз минг санъату ҳанжор ила.

Соқиё, жоми зумуррадгун аро қуй лаъли май,
Ким эрур шингарф беҳад хушнамо зангор ила.

То бўлай лаълу зумуррад орзусидин халос,
Тортибон ани Навоийдек навое зор ила.

555

Ҳар ойки ғайрима бир зарра меҳри фош ўлса,
Анинг сори боқа олмон, агар қуёш ўлса.

Кўзумда ашқдек ул тифл парвариш топмиш,
Назар ҳақини керак билса неча ёш ўлса.

Висол умидига ўзни яқин солур ошиқ,
Фироқдин неча жавринда давр бош ўлса.

Не тонг, фиғони бағридин харошлиқ чиқмоқ,
Бировки, бағрида ғам чангидин харош ўлса.

Баҳорим ўлди чу гулчеҳра шўҳлар, не ажаб,
Ёғар нима бошима жолавор тош ўлса.

Хуш улки, тоғ этагин тутса халқдин қочибон,
Узалса остида хоро анга фирош ўлса.

Деманг, Навоий, агар ёринг ўлса қатлинг этар,
Неким муродидурур ўйла қилса, кош ўлса.

556

Эйки, юз минг доғ қўйдунг жисми ғампарвардима,
Билки, бўлмиш ҳар бири охир даво бир дардима.

Ҳажр аро ҳолим гаҳи беҳушлуқ, гаҳ ғам емак,
Ишқинг иқболида қил наззора хобу хўрдима.

Тоза қонлиғ доғ иси кўнглум аро муҳликдурур,
Атри руҳафзо кўрунг ғам боғи ичра вардима.

Ўйла хоки жисм ила кетмак тилармен даҳрдин,
Ким ажал ҳам етмагай суръатлар айлаб, гардима.

Совуғ оҳим ғайрати ишқ аҳли кўнглин ўртади,
Турфа ишдур эл ичин куйдурмак оҳи сардима.

Даҳр боғининг хазони яфроғидур қон ёшим,
Обкаш янглиғки, хатлар чекти рўйи зардима.

Ел келтургач кўйи туфроғини, топтим шоҳлиғ,
Эй Навоий, қил тамошо ганжи бодовардима.

557

Қўйди усрук юзни бу хоки тани беморға,
Шамъ янглиғки таямишлар ани деворға.

Анжум ўлса меҳр уза, онча кўрунмас лутф аро,
Ким гаҳи тер қатраси ул меҳрваш рухсорға.

Ул кўз эрмаским, чекилмишдур учи зулфунг сари,
Кофиредур, олғали майл айламиш зуннорға.

Қилди оламни гулистон, улки гулгун рахш уза,
Чиқти гулгун тўн кийиб, гул санчибон дасторға.

Даҳр туфроқиға меҳнат сабзаси бош чекти боқ,
Ҳар тараф пайкон учи чиққан тани афгорға.

Ҳусн даврони ўтар, барҳам бўлур, эй сарвиноз,
Зор кўнглумни кўруб, майл этмасанг озорға.

Истади фонус аро сурат киби саргашталик,
Илки улким, давр берди гунбади давворға.

Ёр йўқ оламдаким, бир ёр сиррин асрағай,
Бас ажаб сирредурурким, эл дегай ағёрға.

Эй Навоий, хонақаҳда кўрмадинг жуз дарди сар,
Они дафъ айларга юзлан кулбаи хамморға.

558

Солурам руқъасини кўнглума урғач ёра,
Ўйлаким том шикофи аро коғазпора.

Мени Фарҳод ила Мажнун доғи истаб топмас,
Тоғу ҳомун аро то айлади ишқ овора.

Эй Масиҳ, урма нафаским, совурур гардимни,
Ишқ мақтулиға ким айлайолибтур чора?

Чарх тош ёғдурубон, ерга кўмилмиш жисмим,
Ёсағон англама қабримда ўкулган хора.

Эй мунажжим, гар ул ой сабру сукунум хабарин
Демасанг, ер қуйи ҳам собиту ҳам сайёра.

Гар вафо бўлмаса давр аҳлида, тонг йўққи, ҳануз
Қилмамиш чарх вафо соғарини инкора.

Гар Навоий ғам аро қони қуруб, бўлди ҳалок,
Не ажаб, дилбари бир қотил эрур хунхора.

559

Билгай улким манзил эткай хотири вайронима,
Ким ажаб душворлиғлардур балокаш жонима.

Ҳажр даштида ҳамоно беркитибтур бир бало,
Ҳар тиканким неш санчибтур тани урёнима.

Дарду ғам аҳли ўлум ҳоли бўлурлар чиққуча,
Кирсалар ҳолим сўрарға қулбаи аҳзонима.

Бағриму кўнглум ғаму дардиға таскин бергали,
Ўлтурубтурлар балият ўқлари ҳар ёнима.

Буки бағрим қон эди, қатлимға худ ҳажр эрди бас,
Рашк ўқи ҳам ҳожат эрмас эрди кирмак қонима.

Қилма кўп ошуфта ул зуннори зулф, эй муғбача,
Ким тугунлар тушти андин риштаи имонима.

Эй Навоий, мен худ ўлдум олғали кўнглумни ёр,
Жонни доғи олибон, еткур кўнгул олғонима.

560

Ишқ кўп солди мени дарду балият чоҳиға,
Ваҳки, эмди судратур ҳижрон сиёсатгоҳиға.

Эй хуш улким, айлай олғай ўлтурурда дарди ишқ,
Бир тазаллум шоҳиға ё бир васият моҳиға.

Ул қуёш ҳар ёнки борса, соя ҳамроҳи анинг,
Соядек беҳол ўлурмен рашкдин ҳамроҳиға.

Қўрқарамким, етмагай ҳолимға май нисёнидин,
Нечаким, бор эътимодим хотири огоҳиға.

Ё Раб, у бедилки, бир дилхоҳ анинг матлубидур,
Ани ҳам еткур мени бедил киби дилхоҳиға.

Ўйладурким, сотибон Юсуфни олғай сийми қалб,
Кимки матлубни қўюб, майл этса дунё жоҳиға.

Бир биҳиштий ҳур ҳажридин тамуғнинг дудидур,
Боқсанг ўтлуғ кўнглидин чиққан Навоий оҳиға.

561

Нетиб ўзумни тасаввур қилай висол ичра,
Далер чун боқа олмон анга хаёл ичра.

Қади латофати бор эътидолдин ортуқ,
Валек жилвасидур ҳадди эътидол ичра.

Ниҳол қаддин ики зулф сунбулида кўрунг,
Алиф кибики, қазо килки ёзди дол ичра.

Чаман аро қизарур, сарғарур гули раъно,
Магарки, қолди жамолингдин инфиол ичра.

Дегилки, холидағи нуқтаси бўлур зоҳир,
Тутарға ранг қўяр чунки нуқта хол ичра.

Қуёш ҳаёт суйинда кўрунди ё соқий,
Жамол аксини солди майи зулол ичра?

Замона аҳлида йўқтур вафо, ани тилама,
Ки қолмағайсен ани топмасанг, малол ичра.

Чу савту ҳарф ила тавҳид сирри мумкин эмас,
Не огаҳ аҳли жадал мунча қилу қол ичра.

Навоий илгини тутқилки, васлинг уммиди
Солибтурур ажаб андишаи муҳол ичра.

562

Рақиб келмаги ул нўшлаб санам бирла,
Эрур нечукки, бирав умр топса ғам бирла.

Не умрдур буки, мен ғам била кечургаймен,
Нечук ичар киши ҳайвон суйини сам бирла.

Алам чу етти, кетар ишқ лаззати жондин,
Киши не навъ қилур айшни алам бирла.

Етишса ёр рақиби, мени чекар сўз ила,
Не ганждурки, ютар аждаҳоси дам бирла.

Бу гулистон аро чун хорсиз гуле бутмас,
Ўзунгга айламагил хорлиқ ситам бирла.

Нечук қул ўлмағамен дайр пириғаки, неча,
Ки камлиғимни кўрар, ўткарур карам бирла.

Навоий оғзи хаёлиға тушти, истамангиз,
Ки тушти эмди йўли водийи адам бирла.

563

Неча қамчи тушубтур ул қади сиймин бадан узра,
Паёпай соиқа тушкан киби сарву суман узра.

Не бўлғай эрди ҳар бир ўрниға тушса эди юз минг,
Анинг ишқида мен фарсудаи дарди миҳан узра.

Кўзумга ўт чоқилган ҳажр кожидин, ҳамоноким,
Чоқиндектур, дамо-дамким тушар бу зор тан узра.

Асар кўр ишқи комилғаки, захми менда зоҳирдур,
Не қамчиким, тушубтур ул бути паймоншикан узра.

Анинг нозук танида захм тонг эрмаски гардундин,
Эрур хоро аро қон лаълу гул жисми тикан узра.

Менинг ҳолимға йиғлангким, агар Ширинға гул ёғса,
Ёғар юз сангборони балият Кўҳкан узра.

Навоий, ёрға гулбарге текса ўлгудек эрдинг,
Не айб ўлсанг, кўруб захм ул бути сийминбадан узра.

564

Ҳужуми хол эрур ул гули жамол узра,
Начукки, мушк сочилғай ҳарири ол узра.

Жунун салосили бўйнумда, заъфлиқ тан ила
Ҳунарвар ўйлаки, занжир осар хилол узра.

Қадинг таҳаммули йўқ руҳларға андоққим,
Туюр қилса ватан нозанин ниҳол узра.

Белинг хаёли таним бирла токи чирмашти,
Хаёлдур мени девонаға хаёл узра.

Мену – фироқ юки ҳамли, ўзга қавмдурур,
Ки базми айш тузар маснади висол узра.

Солур футур сафолиғ кўнгулга хориж дам,
Ел ул сифатки, тамаввуж солур зулол узра.

Навоий айлади жонин фидою васл сўзи,
Эмас яқину ўтар барча эҳтимол узра.

565

Кўрунг, ғам қатлгоҳида, бало жаллоди қошимда,
Жунун занжири бўйнумда, сиёсат тиғи бошимда.

Ичимнинг қону доғидин тошимға ҳам асар етти,
Нишондур лоладек ул гул ғамидин ичу тошимда.

Эрур ул гул ғамидин саргузаштимдин аён хатлар,
Ҳубобу мавжким, зоҳир бўлур гулранг ёшимда.

Юзимда ашки сиймин бирла ғам тузди маошимни,
Не ҳолим бор экин зоҳирдурур важҳи маошимда.

Кўнгул ҳажр илгининг тирноғидин ҳар ён харош ўлғай,
Қулоқ солсанг, эрур зоҳир фиғон ичра харошимда.

Ғамингдин жон талашмоқдур ишим, жоно, тирилгаймен
Мадад қилсанг лабингдин бир такаллум бу талошимда.

Кўнгулга бода гарчи дош янглиғ солди ўт, лекин
Пишурмак жуз қадаҳ савдоси йўқтур ушбу дошимда.

Жафо тоши мени гар айлади туфроғ, топмаслар
Назора қилсалар ҳарфи вафодин ўзга тошимда.

Навоий сеҳр эмас, гўё Калимуллоҳ асосидур,
Бу муъжизларки, зоҳир бўлди килки нуктапошимда.

566

Борғали шаҳ, ойда бир май ичмадим моҳим била,
Кошки, бир ойчилиқ борғай эдим шоҳим била.

Шоҳиму моҳимға мардуд ўлсам, эрмас айбким,
Бормадим шоҳим била, чун қолмадим моҳим била.

Тийра бахтим йўлдин озди водийи ишқим аро,
Билмон, охир неткамен бу бахти гумроҳим била.

Нечаким, дардим ёшурсам, ишқ этар бир дамда фош,
Лаългун ашким била, ё тийрафом оҳим била.

Ўлтурур шарбат, вале ранжим бўлур дафъ, эй ҳаким,
Бўлса кўнглум истагандек бода дилхоҳим била.

Дайр кўйида гадою мастменким, рашки бор
Шоҳларнинг кўрсалар бу ишрату жоҳим била.

Эй Навоий, дерсен ўзни сахла, кўрсанг ёрни,
Неткамен беихтиёр афғони ногоҳим била.

567

Ул сўюлған барги гул чоғлиқ юзунг бўстонида,
Бир қизил гул барги бутмиш гўйи оқ гул ёнида.

Йўқса ойнинг ёнида Баҳром бўлмиш жилвагар,
Жилваси Баҳромнинг, не тонг, қамар давронида.

Йўқса бир тирноғинг ўлмишдур ҳинодин лаългун,
Ояти келди яди байзо чу илгинг шонида.

Йўқса номам сафҳасин бир қатра қон этти нишон,
Қон ёшим маҳзун кўнгул дардин санга ёзғонида.

Йўқса ул юз кўзгуси бир қатра тердин тутти ранг,
Чун қуёш тоби аён бўлди сипеҳр айвонида.

Сафҳаи жонимға, эй соқий, томиз бир қатра май,
Ким ўзин топтинг, кўнгул не ҳол эса жононида.

Орази ул шўх чобукнинг сўюлған важҳидин,
Юз минг андоқ захмдур мискин Навоий жонида.

568

Ниҳоли қаддинг элдин жон олур нозук хиром ичра,
Юз ул олғанча гул баргинг берур ширин калом ичра.

Эрур урён танимда бўриёе ҳажр нақшидин,
Кўнгул бир нотавон қушким, гирифтор ўлди дом ичра.

Манга ишқ оташин лаълинг хаёли то биширмакдур,
Не ўтларким, туташти жонға бу савдои хом ичра.

Нишиман айлади кўнглум қуши кўюнгда, қайд этма,
Кабутарға киши қасд этмади Байтул-Ҳаром ичра.

Агар ҳайвон суйи томизсалар ҳажрингда оғзимға,
Берур мен хастаға заҳри ҳалоҳил таъми ком ичра.

Ажойиб тийрадур ғам шоми ё дуд ўлдиким, ўртар
Муҳаббат аҳлини меҳр ўтиға гардун бу шом ичра.

Буким, Жамшидқа даврон вафо кўргузмайин йиқти,
Ўқу кайфиятинким, ёзилибтур даври жом ичра.

Бу эски дайр чун қилмас мудом элга вафо, хуш тут
Ўзингни доим эски май била айши мудом ичра.

Дединг, кўйида бўлғумдур Навоий бирла ҳамсуҳбат,.
Рақиб охир кўп, анинг бирла бўлма бу мақом ичра.

Гар қуёштин қадрим ортуғроқдурур шоҳ оллида,
Заррадин юз қатла ўксукракмен ул моҳ оллида.

Ёнида ой оллида хуршид эрур ҳар кимсаким,
Гоҳ бўлса дилбарининг ёнида, гоҳ оллида.

Кўз юмуб очқунча гарчи кўнглум олиб ўртади,
Ваҳ, нетиб асрай кўнгулни бўйла дилхоҳ оллида.

Ой фалак хиргоҳида андин чекар юзга саҳоб,
Ким оча олмас юзин ул моҳи хиргоҳ оллида.

Ҳусн шоҳи бою мен мунглуғ гадолиғ қилмасам,
Кимни топиб айлагаймен шайалиллоҳ оллида.

Улки, ваҳдат шарҳин айлар, сирридин огоҳ эмас,
Гар фано касб этмаган бўлса бир огоҳ оллида.

Ишқ иқболи Навоийға экандур сарнавишт,
Кўрмай ўлмас улки, меҳнат бўлса ё жоҳ оллида.

Гулеким, ёр бергай мен киби урён гадоларға,
Магарким, санчқаймен ани бош узра яроларға.

Не гул, туфроғ келтурса сабо, кўзларга тортармен,
Саманди йўлидин таржиҳ айлаб тўтиёларға.

Кўзу қошини то кўрдум — кўзум қошиға ҳайрондур,
Яна ҳеч илтифотим йўқ кўзу қоши қароларға.

Чу ул бегонавашдин ошнолиғ кўрдум, айлабмен
Ўзумни бир йўли бегона барча ошноларға.

Ани Ҳақ асрасун бир ўзидекка мубталолиғдин,
Тараҳҳум айласа гоҳи ўзига мубталоларға.

Жафосин гарчи кўп тортиб, вафо қилдим, талофийдур,
Гар этса бир вафо ўтган замон қилған жафоларға.

Неча ҳусн аҳлидин ёғса бало, ушшоқ тортар, ваҳ,
Балокаш эл таҳаммул айламай неткай балоларға.

Мену май ғулғулию шўх соқий ҳукми ижроси,
Сола олмон қулоқ давр аҳли айлар можароларға.

Замона шуғли тавқи лаънатин солған бўюнлардин,
Ажаб юқдин ўзин қутқардилар, юз раҳмат оларға.

Ҳамоно ғофил ўлди подшолар подшоҳидин,
Гадоеким, ўзин муҳтож кўргай подшоларға.

Наво топти Навоий, барги гулким, ёрдин келди,
Анинг алтофи еткурди муни баргу наволарға.

571

Чунки мойилдур кўнгул ағёр сори ёрға,
Садқа жоним ёрнинг кўнгли учун ағёрға.

Истарам ағёр аёғин ўпкамен, балким кўзин,
Ким бориб кўйига етмиш давлати дийдорға.

Чун етар атри димоғимға, кирар жисмимға руҳ,
Ҳар насимиким, эсар ул сарви гулрухсорға.

Ҳар бирига жонни дермен садқа айлай жилвада,
Юз туман жон садқа бўлсун ул қаду рафторға.

Нақди жону хирмани умрумни сарф эттим, валек
Ул санам қониъ эмас бу маблағу миқдорға.

Халқдин юз дашт йўл тутсун қироқ ул зорким,
Дерки ўзни солмайин ҳар лаҳза минг озорға.

Хилватингда чун кушоде топмадим, маъзур тут,
Бўлсам, эй шайх, эмди озим кулбаи хамморға.

Эй Навоий, бесаруполиғ чу қилдинг ихтиёр,
Кир фано кўйига, боқма кафш ила дасторға.

572

Ҳиротдин агар ўт тушса Сабзаворғача,
Бўлай самандару тортай ўзумни ёрғача.

Кўнгул доғи бу ўт ичра йўлуқса ҳам хуштур,
Ки бўлса ҳамраҳим ул сарви гулузорғача.

Жунун аро эришиб гоҳу гоҳ қичқиришиб,
Етишсак иккимиз ул тунд шаҳсуворғача.

Эмас чу умр иши маълум, ҳар нечук бўлса,
Ўзумни еткурайин ёр ўлур диёрғача.

Ажал чу етти анинг кўйи сари судрансам,
Фидоси жисми низор ўлса жони зорғача.

Чу кўйи ичра мазоримға берсалар тартиб,
Қадамни қилса гаҳе ранжа, ул мазорғача.

Висол қайдаю мен қайда, соқиё, май тут,
Ки мўр сайри эмас чархи зарнигорғача.

Эрур баҳор ғанимат, май ички, билмассен,
Ки даҳр боғида бўлғунг яна баҳорғача.

Навоиё, ғамим ўлтурди, ғамзудо май бер,
Йўқ эрса бошла мени ёри ғамгусорғача.

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

573

Нигоримға бедод фан бўлдило,
Дилоро дедим, дилшикан бўлдило.

Чиқарди чу хат ҳусни гулзоридин,
Манга қисм барча тикан бўлдило.

Юзи лоласи ҳажридин кўнглаким,
Сиришк ичра қонлиғ кафан бўлдило.

Ёшим анжумин сочибон ғам туни,
Юзи шамъи ҳар анжуман бўлдило.

Хадангеки, ҳар кимга отти сипеҳр,
Нишони бизинг жону тан бўлдило.

Фалакнинг янги ғамлариға мақом,
Бизинг эски байтул-ҳазан бўлдило.

Бафо ваъда қилди, дедим қилмағунг,
Навоий, ҳамул мен деган бўлдило.

574

Соқийи ишқ чунки урди сало,
Тутмади элга ғайри жоми бало.

Элга гар журъа тутти, гар қатра,
Манга етканда давр, қуйди тўло.

Жони эркандурур анинг бу майи,
Ки бизнинг кўнглумизга берди жило.

Эмди жоми тўлаю гар холи,
Биз анга бандабиз халою мало.

Сўнгра тутти манга чу соғари май,
Пири майхона дами иззу ало.

Май била кўнглум ўлди ўйла масал,
Ки топилмас анинг киби, масало.

Гар Навоийға аввал айлади лутф
Дилбари, сўнгра зулм айладило.

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «ФАВОЙИД»ДИН

575

Эй юзунг устида тер гул барги узра шабнаме,
Лек ҳар бир қатрадин бўлуб гулистон оламе.

Қатрадин олам гулистон бўлмағи тонг йўққи, бор
Баҳри раҳмат оразинг боғиға тушкан шабнаме.

Гул недин ер тутти эл бошида солу меҳрдек,
Топмамиш бўлса риёзингнинг шамимидин шаме.

Кўкка чун элтиб малак рахшинг ғуборин топмайин,
Зуҳра андоқ сурмае, Кайвон анингдек парчаме.

Йўқ ажаб, отингға гар муҳри нубувват бўлса хатм,
Ким нубувват ҳалқасида йўқ сенингдек хотаме.

Сочқай эрди чашмаи хуршиддин ҳайвон суйи,
Ҳамдаминг бўлса эди Исои Руҳуллоҳ даме.

Чун Навоий наътинг айтурға тилар бўлғай илм,
Не ажаб гар бўлса бот олимлар ичра аъламе.

576

Чу ҳар дам ул парий бегона бўлғай,
Яқиндурким, киши девона бўлғай.

Шабистон ичра сен ул шамъсенким,
Кавокиб даврида парвона бўлғай.

Кўруб холингни билдимким, қурутқон
Шикибим мазраъин бу дона бўлғай.

Майи лаълингдин улким, бўлди ранжур,
Анга доруш-шифо майхона бўлғай.

Не ер бўлғай, дема, минг ғамға манзил?
Ки гар бўлғай — бизинг вайрона бўлғай.

Биров жону жаҳондин истагай дўст,
Ки ҳам озода, ҳам фарзона бўлғай.

Навоий сенсиз ўлмай мужрим ўлмиш,
Гар олсанг жонини, журмона бўлғай.

577

Бошимға кош гоҳе етса рахшин секретиб моҳе,
Су берсам кўзларимга хайфишон рухсоридин гоҳе.

Малоҳат авжи бирла ҳусн бўстонида йўқ равнақ,
Қани бу боғ аро сарве, қани ул авж уза моҳе.

Дема охирки, йўқтур ишқ савдосида бир бедил,
Ани кўргилки, борму ҳусн бозорида дилхоҳе.

Не тонг афсурдадил бўлсамки, то ҳусн ўти ўчмишдур,
Кўнгулдин доғи ҳаргиз чиқмамиш бир шуълалиқ оҳе.

Не бўлғайким баҳори ҳусн аро очилса бир гулким,
Тушуб бир барқи ишқ, ўртансам андоқким, пари коҳе.

Кириб ишқу муҳаббат даштиға, эйким, яна ёндинг,
Муҳиқдурсен, нединким, топмадинг бу йўлда ҳамроҳе.

Навоий бор эсанг огаҳ, саломат мулки ҳам хуштур,
Ва лекин раҳбаринг бўлса йўли қатъида огоҳе.

578

Ул пари савдоси мен девонадин айрилмади,
То мени девонаю расвои олам қилмади.

Йўқ кўнгулда, ҳар сари мўйимда бир афғон эрур,
Ким жафоси неши ёлғуз кўнглума санчилмади.

Дедим, ўлтур эмдиким, ишқим ниҳондур, оҳким,
Қилмади қатлим, бу иш оламға то ёйилмади.

Хаста ушшоқиға раҳм этти, манга йўқ, гўйиё
Заъфдин ул хайл аро бор эрканимни билмади.

Тиғи то етти, кўнгулни чок қилди, турфадур,
Етмайин ул навъ су бу ғунчаға, очилмади.

Қолди айтилмай ниҳоний ишқ сирри ончаким,
Қолмади бир сўзки, бу маъни аро айтилмади.

Неча қон ютқай Навоий бода тут, эй муғбача,
Ким хумори ҳажри ул майни ичиб ёзилмади.

579

Ҳалқаи зулфунг кўнгул чекмасму эрди, эй парий,
Ким гажакдин сончтинг қуллоблар ҳам бир сари.

Тобу печ эрмас гажакдаким, ажаб, йўқ печу тоб,
Ким юзининг ўтиға тушмиш парининг бир пари.

Ўтда бир нохуш берур ис, ваҳ, муаттар айламиш,
Ўтқа тушган парға монанд икки зулфунг анбари.

Гўйиё эрмас гажакларда бу янглиғ тобким,
Чеҳранг ўти тобидин қайтардилар юз ҳар сари.

Чашмаи хуршид ул юз, ёнида қуллоби зулф,
Солдилар гўё кажак ул чашманинг ўрдаклари.

Ўғридур ул зулф, воқиф бўлки, беҳад бийми бор,
Ҳалқаи қуллобиға тушса қулоғинг гавҳари.

Гар Навоий телба бўлса, йўқ ажаб, бу навъким,
Зулфининг занжирини қилди паришон ул пари.

580

Висолим шомича йўқ ҳажр субҳи меҳнатафзойи,
Ки равшанроқдурур онинг қуёшидин мунунг ойи.

Муносибдур кўзум суртуб, қашисам кирпиким бирла,
Қичишса май ўтининг ҳирқати бирла кафи пойи.

Кеча кулбамға келсанг, муддаи манъидин эскарма,
Тўлун ой сайр этарда ит ҳурардин қайда парвойи?

Не тонг гар субҳи айшим тийрадурким, тонг ели эсгач,
Сочар кофур уза мушки Хўтан зулфи сумансойи.

Шамол эркин дедим рахшин, чоқилғач барқдек куйдум,
Самум эрмиш ҳамоно бодпойи чархпаймойи.

Ёмон оломда эрдим шоми ҳажримдин, биҳамдиллаҳ,
Ёрутти тийра кулбамни жамоли оламоройи.

Фироқ ичра ириклик, эй кўнгул, муҳликдурур билгил,
Ки ишқ аҳлининг ул суҳон келибтур умрфарсойи.

Кетар ҳушум, қачон эслармен ул бут қасри деворин,
Магарким, йуғрулубтур бода бирла дайрнинг дойи.

Навоий ҳар мақом ичра наво кўргузса булбулдек,
Ажаб эрмас, нединким, гулдек ўлмиш ёри ҳаржойи.

Кўнгул чун сендин уздум, шодлиғ эмди маҳол ўлғай,
Очилмоғлиқ узулган ғунчаға не эҳтимол ўлғай.

Қадинг ҳам гул сочар, ҳам соя солур, ҳам хиром айлар
Ажаб гар гулшани фирдавс аро мундоқ ниҳол ўлғай.

Кўнгул бир пойбўс уммидидин зулфунгға боғланди,
Ки топқай ком чун зулфунг юрурда поймол ўлғай.

Су ҳайвон чашмасидин, ел Масиҳ анфосидин топса,
Қачон тўбиға нахли қоматингча эътидол ўлғай?

Жунунум кўйида бир тош захмиға ҳариф эрмас,
Неча Фарҳод савдо тоғида Мажнунмисол ўлғай.

Кўнгул бирла хаёлинг ўйла чирмалмишки, билмонким,
Хаёлинг кўнглум ўлғай, йўқса кўнглум ул хаёл ўлғай.

Лаби лаълинг майидин рашҳае топмиш зақан сари
Демаким, ранги майгун бу латофат бирла хол ўлғай.

Эмас майхонанинг синған сафоли дурдидек ичсам,
Агар жоми Жам ичра Хизр суйидин зилол ўлғай.

Тут, эй соқий, манга бир майки, анинг нашъаси еткач,
Кўнгул беҳол бўлғай, жонға ҳар дам ўзга ҳол ўлғай.

Хуш ул риндеки, борғай кулбадин гулшанға борғандек,
Бақо мулкига чун дорул-фанодин интиқол ўлғай.

Навоий, тийрасен, аҳли назар хоки раҳин кўз тут,
Санга бу сурмадин шояд ёруғлуқ эҳтимол ўлғай.

Бода гулгул айламиш равшан узоринг боғини,
Ўйлаким, сочқай сабо су узра гул яфроғини.

Дур тўла сандуқ дер ҳар ён темур гулмих ила,
Кўрган эл ишқинг тўла кўксумда ҳар ён доғини.

Не ажаб гулгун булут бўлсаю ондин ёғса қон,
Чун совурса ел шаҳид этканларинг туфроғини.

Холингу лаълинг қатилидинки, қилди туъма зоғ,
Лаългун айлабтурур минқор ила тирноғини.

Занбақ анда лолагун буткай, шажарлар сурхбед,
Ҳар чаманға берса су қонлиғ сиришким ёғини.

Зоеъ ўлди, эй кўнгул, ғафлатдин айёми шабоб,
Бори этма фавт исёндин инобат чоғини.

Кўр Навоий шуълаи оҳию эмгаклик танин,
Кўрмаган бўлсанг бало барқию меҳнат тоғини.

583

Бу байрамда қани шўхеки, жоним бўлса қурбони,
Ки тутса бода ранги ўйлаким, қурбонилар қони.

Анинг жоми ҳилолойин, шафақосо майи рангин,
Тутуб ул соқийи ширин, сумурсам дам-бадам они.

Бўлуб ул чобуки маҳваш, неча соғар била сархуш,
Миниб бир тавсани абраш, чу бўлди азми майдони.

Тушуб дин аҳлиға офат, солиб ислом аро ғорат,
Бўлуб халқ ичра бир ҳолат ки қолмай кимсанинг жони.

Юзи майдин бўлуб гулгул, паришон ҳар тараф кокул,
Ўзин асрарға йўқ Руҳул-аминнинг ҳадду имкони.

Қабақ хайли аро ғавғо, намоз аҳлида минг яғмо,
Дуода гунбади мийнодин ошиб халқ афғони.

Зиҳи иқбол анга ҳамдастким, ийд оқшоми пайваст,
Бу янглиғ чобуку сармаст анингки бўлса меҳмони.

Агар ийд истасанг ҳар дам, фано зайлини тут маҳкам,
Ки бир дамда ики байрамға учрар солики фоний.

Навоий зору музтардур, қатил айларга дархурдур,
Жамолинг ийди акбардур, қил охир ани қурбони.

584

Ваҳким, яна бир муғбача диним йўлин урди,
Зуҳду вараъим хирманини кўкка совурди.

Мает айлади андоққи, тушуб оллиға бошим,
Бут оллида бу макр била сажда буюрди.

Торож этибон дину тоқиб бўйнума зуннор,
Юз йиллиқ куффор ҳисобиға кивурди.

Масти абадий бўлғуси мен янглиғ азалда,
Ҳар кимки, фано дайрида бир жом сумурди.

Оҳим тутуни кўкдин улуғлуққа ошибтур,
Бу дудни ул ой ғами гардундин ошурди.

Осуда сифатлиқ тиладим, пири тариқат,
Даврон элининг улфатидин тарк буюрди.

Хуш бўлғай агар тутса Навоий сари ҳиммат,
Мақсад ҳарами бодиясин улки югурди.

585

Ул шоҳу мен гадомен, ул тифлу мен қари,
Гар боқмаса менинг сари, Ҳақ бор анинг сари.

Бир лаҳза тиргузуб мени, бир лаҳза ўлтурур,
Гоҳи бери югурса ўйин вақти, гаҳ нари.

Уйдинки, чиқти, кирмаки мумкин эмас ёниб,
Ёшдекки, кўзга кирмас, агар чиқса ташқари.

Ахтардурур, гаҳ рожиъ ўлур, гоҳ мустақим,
Чун шўхлуққа борса кейин, келса илгари.

Ою қуёшқа ўхшата олмасмен аниким,
Бордур қуёшу ой киби ҳар сори қуллари.

Эй муғбача, хумор ила дайр эшикиндамен,
Жоме юбор манга, тиламас бўлсанг ичкари.

Лайли ул ойға ўхшамади, лек ишқ аро,
Мажнунни ўтқа солди Навоийға ўхшари.

586

Бўлмиш бузуғ кўнгулда қошинг турфа сурати,
Вайрона ичра ўйлаки меҳроб ҳайъати.

Гар муддаи малак бўлубон кирса кўйига,
Болу парини ўртагай аҳбоб ғайрати.

Ҳуснунг ҳақиқатини кўнгул билмаса, не тонг,
Ҳар дам бўлур чу ҳайрати устида ҳайрати.

Доғи фироқ тоза қўюбтур ичимгаким,
Бағримни тоза куйдирадур доғи фурқати.

Ул юзга бу ҳавойи саргашта меҳрининг,
Хуршид бирла заррача бор элга шуҳрати.

Бир бул-ажаб мушаъбид эрур пири майкада,
Дайр ичра турфа муғбача ҳар сари луъбати.

Фард ўл, Навоиёки, бажуз ранж нафъ йўқ,
Ҳар кимки олам аҳли била бўлса улфати.

Оразинг кўрмакка, жоно, мунтазир эрдим бир ой,
Бир замонлиғ интизорим ул бир ойдин ўтти, вой!

Ул кўз ўқ отмоқни варзиш қилмас эрса, не учун
Боғламиш меҳроб шакли бирла мушкин икки ёй!

Субҳи иқболимға чекти шоми меҳнат пардасин,
Юз уза зулфунгки, кофур узра бўлди мушксой.

Ғунчадек кўнглумни очқан бўлса тиғинг чок этиб,
Тонг эмастурким, бўлур доим равон савдокушой.

Сенки, базми айш аро ҳар дам қилурсан қаҳ-қаҳа,
Не ғаминг андинки, йиғлармен ғамингдин ҳой-ҳой.

Софи ишрат дайр аро ичкан замон, эй муғбача,
Гоҳи эҳсон қил гадолар сари ҳам бир қатра лой.

Кўкта ойға йўқ Навоий майли зоҳир бўлғали,
Мовий ёғлиқдин юзунгнунг партави, эй кўркабой.

588

Эрур сероб андоқ оташин гулдин юзунг боғи,
Ки қилмиш жилва ўт бирла судин ҳар тоза яфроғи.

Тахайюл бирла нозук соидин гар тўлғасам, томғай
Ҳал ўлған сийм андоққим, узулса инжу қўлбоғи.

Кесак кўйида янчиб асрарам кўз пардаси ичра,
Кетургандек биров коғазға чирмаб Каъба туфроғи.

Эмас гулбунда наврас ғунча ё хамлиқ тикан ҳар ён,
Ки булбулнунг қолибтур анда тумшуғ бирла тирноғи.

Хайи рухсори ёди бирла бўлмиш музтариб кўнглум,
Балиғ янглиғки, гавҳарнинг мақоми бўлди қурсоғи.

Ажал олурда жонимни эрур ҳажринг шарик, аммо
Агар ул раҳм ҳам кўргузса, бўлмас рози ўртоғи.

Ема бозики, луъбатбоз эрур гардун фирибингға,
Бу луъбатларки, эл кўнглин олур онинг қовурчоғи.

Нетай гардун шабистонида анжумни шафақ ичра,
Шафақгун майни сузмай ичкум ўлса реза куп ёғи.

Кўзум ҳажр ўтидин бир шамъдурким, сарсари оҳим,
Ани чайқарда томиб қатра-қатра турмайин ёғи.

Қариб, эй муғбача, зуннор ила бел боғладим, май тут,
Нединким, бўлди бу дайри фанодин азм этар чоғи.

Навоий, ҳосил эт ҳиммат қанотиким, учар қушқа,
Ҳаво қилганда мақсадға не мониъ дашт бўртоғи.

589

Юборди ёр базмидин манга бир пистаи қанди,
Олиб ўптумки, бор эрди лабию оғзи монанди.

Мени бемор ўлум ҳолида қилмайму ҳаваским, бор
Масиҳу Хизр анингдек жонфизо базм орзуманди.

Кўнгул ҳам анда, жон ҳам анда, ақлу ҳуш ҳам анда,
Не суд этгай бу ҳол ичра манга аҳли хирад панди.

Висол иқболи топқанлар майи ишрат била ҳамдаст,
Нетай бўлмай фироқ идборидин хуноби хурсанди.

Эмас базми аро гулбарг, ҳам юз пора кўнглумдин,
Чу ул ён эврулур тинмай, тушубтур неча парканди.

Жаҳон боғида наргис заҳри чашмидур манга рўзи,
Хуш улким, қисматидур ғунча оғзининг шакарханди.

Тиларменким, паризоде топиб эмди кўнгул берсам,
Билинди, кимсага қилмас вафо чун кимса фарзанди.

Қилур жон риштасин сариштаи мақсуд ила пайванд,
Тааллуқ торидин ҳар кимсаким, қатъ ўлди пайванди.

Зулоли васл ила не суд агар эл қонса, жон топса
Навоий шуълаи ҳижрон аро чун куйди, ўртанди.

590

Дуди оҳимдинму ҳар сари шарарлар бутради,
Йўқса ел ўтлуғ кўнгулларни сочингда қўзғади?

Ишқ даштида уча олмас еридин ҳеч қуш,
Парларин баским, ҳавода ўтлуғ оҳим чуркади.

Ҳар тиканким, илди Мажнун кўнглакидин порае,
Ҳажр кўксумга туган қўймоққа ани чирмади.

Боғ аро хат ичра оғзингдин қизариб, сарғариб,
Гунча зангори либоси бирла бошин буркади.

Кўр жунунимники, бўлди телба кўйунг итлари,
Қайси бирким, қовғали урён танимни тишлади.

Ишқ нахлиға самар чун фурқат эрмиш, эй рафиқ,
Эй хуш улким, кўнглин аввалдин бировга бермади.

Эй Навоий, ўзгалар мақбулу сен мардуд учун,
Ёр аларни маҳрам айлаб, сени маҳрум истади.

591

Бўлса кўюнг туфроғи заъф ичра жисмим бистари,
Сўзи жисмимдин анинг ранги эрур хокистари.

Ўйладур заъфимки, одам қилмағай эрди гумон,
Гар йўлуқса эрди Мажнунға вужудум пайкари.

Дема, ашким жоласин ғам шоми дурри шабчароғ,
Ким эрур айни малолатдин нуҳусат ахтари.

Дашт аро эл англамас девонадурмен, йўқса дев,
Ўйлаким, билмон сениким — одамисен ё пари.

Оразинг узра эрур хай касрати дарёйи лутф,
Нилдин холинг латофат баҳрининг нилуфари.

Гулшани давронға мойил бўлма, зийрак қуш эсанг,
Ким тикан тори қилур ҳар тоза гулбарги тари.

Сабзаи хаттинг хаёли бирла савдо даштидин,
Гар Навоий чиқса, тонг йўқ, Хизр эрур чун раҳбари.

592

Гул эмастур оташин, булбулларин қуйдургали,
Ким либос этмиш қизил ушшоқини ўлтургали.

Кўйига инса малойик пашша янглиғ, рашкдин
Оҳ дудин зоҳир айлармен аларни сургали.

Демангиз, улким севарсен, нега қонингни тўкар,
Лутф ортуқ кўргузур ортуқсироқ севдургали.

Қатли ом эткачки, қочти ишқдин ҳар булҳавас,
Жисмима жон кирди ишқим оллида билгургали.

Эй Масиҳо, бир нафас тинғилки, бормиш дўстлар
Жонлар ўйнаб, ул қуёшни бошима келтургали.

Дайр аро борму ғаминг деб сўрмағил, эй муғбача,
Дафъ бўлмиш сен қадаҳни оғзима еткургали.

Эй Навоий, кўз юзидин олмоқ ўлмас, войким.
Ортуқ айлар ижтиноб ортуқсироқ телмургали.

593

Мени ўлтургай эди муғбачаларнинг алами,
Дайр пирининг агар бўлмаса эрди карами.

Даврнинг бору йўқидин не шикоят қилайин,
Тенгдурур чун менинг оллимда вужуду адами.

Чарх наққоши суроҳини мунаққаш қилса,
Шиша оғзи қилидин келди муносиб қалами.

Шайхнинг ўйлаки, ошиққа момуғ остида доғ,
Тевурук руқъалар остида тикилмиш дирами.

Улки бошимни хиром ичра қилибтур помол,
Ҳар қаён борса, менинг бошиму – анинг қадами.

Осмон бўлмади чун ишқ юкига ҳомил,
Таҳ-батаҳ бир-бири қаддида недин бўлди хами.

Ҳар дам, эй аҳли замон, майли ситам қилмангким,
Ҳар нечаким деса, бас бизга замоннинг ситами.

Басдур ўтлуқ кафаним, зору қуруқ жисм ичра,
Ҳашр аро қай сари ишқ аҳли юз урса алами.

Гар Навоий нафас урмас, туганиб захмида қон,
Гўйиё ўлдики, чиқмас яна ул хаста дами.

594

Муҳандисе топаю эгнима қанот ясатай,
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзумни қотай.

Муяссар ўлмаса, бу тўрт аёғланиб кечалар,
Танимни итдек этиб, итлари сари узатай.

Йўқ эрса ўтканида кўргамен дебон юзини,
Гадои хаста киби кўйи туфроғида ётай.

Муҳол эрур бу таманно, висоли ким, мен ким?!
Неча эл ичра савдо била ўзумни сотай.

Танимға ишқида бердим шикаст, яъни ул ўт,
Ёрурға ушбу қуруқ ҳемани дедим, ушатай.

Чу фақр кўйида вусламға ҳеч ўлтурмас,
Қачонға хирқам уза зарқу ҳийласин яматай?

Навоий ўйла улус хониға эрур ошиқ,
Ки турк қуллари Жўчидур анингу Чиғатой.

595

Бу шаҳсуворки гўй ўйнамоққа ичмиш май,
Саманд сурса буён бошим оллида ўйнай.

Магарки рахши аёғиндадур сабо мудғам,
Ки чопса олам-олам масофат айлар тай.

Дамо-дам урсам илик рашкдин бошимға, не тонг,
Тегар чу гўйига чавгони захми пайдарпай.

Чек эмди лутф ила сарсарвашинг инонинким,
Қилибтур ойинагун ер юзини сарсари дай.

Бу фасл аро хуш эрур оқ уй ичра бода ўти,
Бу ўт ёрурға муғанний оғзиға олмоқ най.

Нимаки, айласа, бўлғай анга шай итлоқи,
Кўзунга илма, нединким, жаҳон эрур лошай.

Навоий, айласа Лайливашинг азимати дашт,
Муносиб ўлди ўкуш ўрдуси улусиға ҳай.

596

Ишқ орзусини қилур ул навжувон сари,
Ўтқа солур ўзин яна бу нотавон қари.

Арз этсаларки, ёр керак ё ики жаҳон,
Ёр айтқумдурур бери, икки жаҳон нари.

Ул ой эшитмаса не дегаймен, вале ўтар
Афлок тоқининг хамидин бу фиғон бари.

Усрук йўл озиқиб доримақ ҳар сари не суд,
Бир, эй рамида сайд, не бўлғай, бу ён дари.

Бу хоксор танни сипеҳр этти ғадрдин,
Анжум киби итингнинг аёғи нишонлари.

Дерсенки ёр акси санга тушкай, эй кўнгул,
Аввал ғубори ғайрдин ойинасон ари.

Ул шўх юзу ашкинга боқмас, Навоиё,
Ҳар неча заъфарон юзига арғувон тари.

597

Жонға чун дермен: не эрди ўлмаким кайфияти?
Дерки: боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.

Жисмдин сўрсамки, бу заъфингға не эрди сабаб?
Дер: анга бўлди сабаб ўтлуқ бағирнинг ҳирқати.

Чун бағирдин сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга,
Ким кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати.

Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки, кўздиндур гунаҳ,
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тўҳмати.

Кўзга чун дерменки, эй тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балою ваҳшати.

Йиғлаб айтур кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр,
Ким кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш талъати.

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй
Ким санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

598

Турфа гулзор айламиш май гуллари рухсорини,
Турфароқ буким, арақ сероб этар гулзорини.

Эй кўнгул, ҳарториға юз жон муқайяддур буким,
Юз гириҳ бирла кўрарсен зулфининг ҳар торини.

Ёқмангиз захмимға марҳамким, ўлармен, қилса кам
Чоклик бағримдин ул ой тиғининг озорини.

Боғлағайлар атридин дин аҳли кофирлиққа бел,
Ел паришон этса ногаҳ зулфининг зуннорини.

Бумни зоғ эткай, оҳим дуди қилса ошён,
Дашт ичинда мен бўлур вайронанинг деворини.

Фош этар кўнглум шарори, тийра оҳим дуди ҳам,
Неча дермен, қилмайин ишқим ўти изҳорини.

Ғам ҳужумидин не ғам, азми харобот айлаким,
Қўймайин бир жом ила ул хайлнинг осорини.

Сойир айларда қадаҳ топсанг сабот, эй муғбача,
Айлайин барҳам фалакнинг собиту сайёрини.

Англағил, жоноки, кўюнгда Навоий ўлди зор,
Топмасанг итлар уни ичра фиғони зорини.

599

Букун ақшомға тегру менки кўрмаймен қуёшимни,
Не тонг, тўксам фалакдек кеча тонг отқунча ёшимни.

Балият тошидин юз пора бўлған ҳам эрур хушроқ,
Итингта етмагай захмат қилурда туъма бошимни.

Юзу холинг ғамидин бўстонафруз эрур жисмим,
Ки тутмиштур ичимни тухми ғам, хуноб тошимни.

Ўлук жисмимни кўрган тоза қонлиғ доғлар бирла,
Қаро қилған соғинғай зоғлар ғавғоси лошимни.

Вазифа кўнглума ҳар кун эрур бир доғ ишқингдин,
Қаноатдин тузубмен бир дирам бирла маошимни.

Қазо тағйир топмас, чунки зўру зорлиғ бирла
Узубмен даҳр халқидин уруш бирла талошимни.

Навоий, дегасен ғам тоғи қозмиш тешаи Фарҳод
Кўруб кўксумдаги тирноғ ила қилған харошимни.

600

Мовий ёғлиғдин қошинг, эй жонға бедод эткучи,
Кўк булутқа кирди гўё янги ойнинг бир учи.

Гар ёмон ҳолимға кўз солмас, ажаб йўққим, эрур
Ул қаро кўзлар қаро бахтим масаллик уйқучи.

Илги ашким қонин оритмоқда чектим дуди оҳ,
Ҳам қизарди, ҳам қаро бўлди ул ойнинг овучи.

Оллиға бош қўйдум, аммо тиғ ила айирмади,
Бош эмас, буким эрур бўйнумға анинг унтужи.

Тиғи ишқин мендин айлар имтиҳону васл йўқ,
Ишқнинг гўёки, мендин ўзгага етмас кучи.

Бода дурдин нўш эта олмас эсанг, эй муғбача,
Йиртибон зуҳдум ридосин, айла анинг сузгучи.

Гар аёғинг чиқти ашкингнинг суйидин тойилиб,
Эй Навоий, шукр, ул кўй ичрадур анинг мучи.

601

Ҳар бағир парголаси ғам даштининг бир лоласи,
Лек, бўлған ишқ ўтидин доғ ҳар парголаси.

Ишқ саҳросиға ҳар ким кирмак ўлмаским, эрур
Бир юракнинг доғлиғ парголаси, ҳар лоласи.

Лаъл уза ушоғроқ инжу айлагандек таъбия,
Кўргузуб ширин лабингни ҳар тараф табхоласи.

Анжум эрмаским, тушубтур чарх кўзгусига акс,
Баски, ёғди ғам туни ер узра ашким жоласи.

Гирдболишт бўлса ой бошинг қўярға, важҳи бор,
Ким анинг даври юзинг ойининг ўлғай ҳоласи.

Гул харидори чу кўптур, бўлма кўп, эй боғбон,
Зеб учун машшота ё сотмоқ учун даллоласи.

Гар Навоий ноласидин ёр ёлқибтур, вале
Ишқ йўқ деб таън этар, гоҳики йўқтур ноласи.

602

Лаб уза хатти анбаролуди
Оташин лаълининг эрур дуди.

Дарду сабрин нисоринг этти кўнгул,
Ким бўлар эрди буду нобуди.

Жон бериб, кўнглум олди нақди ғаминг,
Аҳли савдонинг ушбудур суди.

Гар ўқунг жонға қасд қилди, не бок,
Ки анинг бу-ўқ эрди мақсуди.

Тану жон риштаси ғамингға либос,
Бу бири тори, ул бири пуди.

Тенгдурур даҳрға вужуду адам,
Балки маъдум барча мавжуди.

Гар Навоий кўзи оқарди, не тонг,
Ашк анинг қаросини юди.

605

Менмудурменким, айирмиш васлидин жонон мени,
Ўлтурур онсиз туман минг дард ила ҳижрон мени.

Чарх жисмим туфроғин оҳим елидин совуруб,
Ҳажр даштида қуюндек қилди саргардон мени.

Ғам палосин жисмидин Фарҳоду Мажнун бошидин –
Ошиёнин ташлади, чун кўрдилар урён мени.

Ул пари андоққи пинҳондур кўзумдин, айламиш
Ғояти заъфу жунун эл кўзидин пинҳон мени.

Гар паридур дилбарим, мен ҳам жунундин ваҳш аро,
Ўйла мен ваҳшатдаким, бўлмас демак инсон мени.

Бир ҳам, эй Лайли, биёбон ичра Мажнунингни топ,
Кўр ани ҳайрон манга, йўқким анга ҳайрон мени.

Эй Навоий, гар яна бир қатла мумкин бўлса васл,
Солмоқ ул маҳвашдин айру ҳажр не имкон мени?

606

Чун ул ой ҳар дам боқар кўз учидин гардун сари,
Мен чу туфроқмен — қачон боққай мени маҳзун сари.

Ким мени кўрса бало тоғию савдо-даштида,
Ҳайрат айлаб боқмағай Фарҳод нла Мажнун сари.

Камлигидин ой, заволидин қуёш ўлғай хижил,
Қилсалар ногаҳ назар ул ҳусни рўзафзун сари.

Чарх даврида кўрунгандек шафақ ичра қуёш,
Тушти аксинг жом аро, боқсанг майи гулгун сари.

Меҳнатимдин тоғни ҳомун кўргасен — ҳомунни тоғ,
Гар мени истарга келсанг тоғ ила ҳомун сари.

Бода ичким, гар десанг ўзни мукаддар қилмайин,
Солма кўз дунлар сари, андоққи чархи дун сари.

Сарвни нетсун Навоий бор эканда қоматинг,
Бўлса мавзун, боқмағай табъ аҳли номавзун сари.

607

Хомаи мушкин рақам бирла мени ёр истади,
Тинмайин неттимки, ҳажридин яна зор, истади.

Не жафо эрдики, марҳам васлидин қўймай ҳануз,
Ҳажр тиғин ёғдуруб, кўнглумни афгор истади.

Гарчи кундуз ўтти, лекин ўртади ҳижрон туни,
Шамъдин ҳолимни ул маҳваш намудор истади.

Зулфи домин ҳажр шомидек ёзиб офоқ аро,
Гўйиё олам эли кўнглин гирифтор истади.

Ҳуснға чун йўқ вафое жуз надомат кўрмади,
Бевафоеким, вафо аҳлиға озор истади.

Тут фано вайрониким, акси юзин қилди сариғ,
Мунъимеким, қасри деворини заркор истади.

Эй Навоий, хўй бекасликка қилким, топмади
Қайси бекаским, кезиб оламни, бир ёр истади.

608

Хуштур ичмак ёр ёди бирла ишрат жомини,
Хоссаким, қосид кетургай ёрнинг пайғомини.

Руқъаси жисмимға жон берди, қаро ичра магар
Оби ҳайвон томизиб, чекмиш хати арқомини.

Сафҳаи гулгун уза ёзиб хати мушкинтироз,
Ёд берди хатти мушкину рухи гулфомини.

Рам еган кўнглум қушин тутмоққа гўё сафҳада,
Нуқтаю хат бирла сочиб дона, ёймиш домини.

То не афсун қилди ул соҳирки, дилкаш номаси
Олди ҳам жисмим қарори, ҳам кўнгул оромини.

Жоми ишрат тортмоқдин яхшироқ иш топмадим,
Чунки бу давр ичра топмас кимса иш анжомини.

Бу кеча қосид малолидин агар ваҳм этмасам,
Эй Навоий, ким топа олғай сўзум итмомини.

609

Ул ойким шомдин то субҳгаҳ масти хароб ўлғай,
Ажаб йўқ, субҳдин то шом ҳам гар масти хоб ўлғай.

Кўнгулларни сиёсат қилғалидур, йўқ эса невчун
Юзи суйида икки тоблиғ мушкин таноб ўлғай.

Кўнгул зулфунг аро талпинса, ҳайрат қилмаким, қушнинг
Иши чун дом аро бўлди гирифтор, изтироб ўлғай.

Юзунг меҳри шуойи бирла ашким ҳам эрур мониъ,
Эмас улким, жамолинг мониъи ёлғуз ниқоб ўлғай.

Лабинг ҳажринда ашк ўрнида қон ёғдурсам, эрмас айб,
Қизорған кўзларим чун ўйлаким рангин саҳоб ўлғай.

Қани рангин қадаҳ, чун кўнглум ўлмиш даҳрдин маҳзун,
Ки ғам дафъиға ёқути муфарриҳ лаъли ноб ўлғай.

Менинг умрум сен, эй соқий, эрур чун умр иши таъжил,
Санга ҳам ўз ишингда авло улдурким, шитоб ўлғай.

Не бўлғил тийра, не равшан замонеким, гари қилмас
Замон аҳли агар худ соя, ёхуд офтоб ўлғай.

Навоий, дайр пири бирла бўлсун муғбача бори,
Жунунунгға гаҳиким, ҳазл этар эл шайху шоб ўлғай.

610

Асрадинг куйдургали ушшоқи музтар кўнглини,
Боғбондекким, ўтун қилғай санавбар кўнглини.

Отқан ўқни, билки, қайтармақчадур пайкон била
Жаврдин қайтармақ ул сарви ситамгар кўнглини.

Гулбунунгда ғунча кўнглумдек эмас, эй боғбон,
Очилурдектур, хаёл этсанг анинг ҳар кўнглини.

Тиғ ила кўксумни ёрсанг, шуълаи оҳим не тонг,
Чун ёлин ортар, киши чок этса ахгар кўнглини.

Нетти соғардек сафо берса менинг кўнглумга ҳам,
Улки, софий май била соф этти соғар кўнглини.

Эй муғанний, бир навои дилкушо тузгилки, чанг
Риштаи нағмангға боғлабтур саросар кўнглини.

Эй Навоий, ғунчани дам бирла очқандек қилур,
Халқ панди сен киби маҳзуни абтар кўнглини.

611

Ўпмак истар чоғда лаъли жонфизосин тишлади,
Қўл занахдониға чун сундум — яқосин тишлади.

Тиш била мунглуғ кўнгулдин муддаи чекти ўқин,
Рост ит янглиғки, сойилнинг асосин тишлади.

Дарддин бағриға зори дам-бадам беркитти тиш,
Қут учун бемор янглиғким, ғизосин тишлади.

Кўрди чун Лайли юзинда нил қилди нилгун,
Баски, Мажнун жисми зори мубталосин тишлади.

Дунки, мажруҳ этти ўз ёрин хушунат бирла бор,
Итки, номардумлуғидин ошносин тишлади.

Оғзи қиллик шиша базм ичра ушатқач муҳтасиб,
Қози ани кўрдию қайтиб маҳосин тишлади.

Эй Навоий, ўлса ўлдумму дегай улким ичиб,
Ёр элидин жому лаъли жонфизосин тишлади.

612

Дайр кўйида бугун асру алоло эрди,
Чун етиштим югуруб, турфа тамошо эрди.

Пири дайр ўлтурубон сархушу оллида анинг,
Май тағори тўла ул навъики, дарё эрди.

Ер тутуб бир ёнида муғбачаи бодафуруш
Ким, иши дину хирад мулкига яғмо эрди.

Яна бир ёнида ул муғбачанинг зулфи киби,
Ўкулуб ришгаи зуннору чалипо эрди.

Дайр айвони била гунбади рифъат юзидин,
Тоқи ахзар била бу гунбади мийно эрди.

Арғанун савтию ноқус уни бирла ҳар ён,
Юз муғона амалу қавл ила гавғо эрди.

Кофири ишқ харобот эли оллинда туруб,
Сўнги сафлар бори габру муғу тарсо эрди.

Бир-бирин чорлабу айлаб янги зуннор эҳсон,
Жоми май берганидин куфрга эҳё эрди.

Ким муғона май ичиб боғлади зуннори руст,
Бут худ ул айлагали сажда муҳайё эрди.

Мен доғи солдим ўзумни ароғаким, манга ҳам
Ришгаи қурбу майи васл таманно эрди.

Риштаси ҳабли матин, бодаси миръоти сафо,
Икисидин манга мақсуд ҳувайдо эрди.

Белима боғлади зуннору қадаҳ тутти манга,
Дами жон берди ҳамоноки, Масиҳо эрди.

Ёдима келди, Навоий киби чун мает ўлдум,
Ки азалда манга муғ кулбаси маъво эрди.

613

Ҳар ўқ ул қоши ё кўксумга отса, бехато етгай,
Ва гар худ ўзгаларға отса ҳам сўйлаб, манго етгай.

Тегар сўйлаб, демай ҳар ергаким, захм айлабон ул ўқ,
Неча манзилда ором истагай кўнглумга то етгай.

Вафою меҳр истарга не ҳад, биллаҳки, розимен,
Ки бори гаҳ-гаҳе ул шўхдин жавру жафо етгай.

Чу куйдум ҳажр ўтидин, кулумни йўлидин олманг
Ки, шояд элткай кўйига, ул ёнким, сабо етгай.

Кўзи ҳажрида, тонг йўқ, бутса қабримдин қаро наргис,
Ки қўйғай кўз аёғиға, чу ул кўзи қаро етгай.

Деса мингдин бирин, ваҳ, не бало суст ўлғай, ул ошиқ
Бошиға ишқ аро ҳар лаҳза гар юз минг бало етгай.

Жунун кўр ғурбат ичраким, танишмоқ мумкин эрмастур,
Диёримдин агар сарвақтима бир ошно етгай.

Фалак бошингни кирпич муттакоси қилғуси гар худ,
Бу дам хуршид хиштидин бошингға муттако етгай.

Навоий, сенсиз этмас боғ сари майлким, шояд
Анга булбул била гулдин даме баргу наво етгай.

614

Не деб айлай жонни зулфи мушкбўюнг садқаси,
Бўлса юз жон оздурур, ҳар тори мўюнг садқаси.

Нақш этиб кўнглумга жаннат эврулурмен кўюнга,
Айларам бу навъ ила жаннатни кўюнг садқаси.

Елга ҳамроҳ оташин гул майл этар базмингғаким,
Бўлғай ушбу важҳ бирла рангу бўюнг садқаси.

Пардаи жоним либосинг бўлмоқ истар, бўлғали
Ғунчадек гулгун ҳарири тўба-тўюнг садқаси.

Овладинг кўнглум сўруб, истаб, бу не лутф эрди, ваҳ,
Ким бу саргардон била юз жусту жўюнг садқаси.

Қаҳр ила жонимни олса муғбача, эй пири дайр,
Бок эмас, юз жон бу тифли тундхўюнг садқаси.

Қадду рафторинг Навоий кўргали бўлмоқ тилар
Кўнгли рафторинг фидоси, жони бўюнг садқаси.

615

Ишқ аро тиш бағрима урсам, ичармен қон доғи,
Бал чекармен ҳажр ўқидин беркиган пайкон доғи.

Белу оғзидин нишон сўрмангки, заҳрам дерга йўқ,
Бир саримў ошкоро зарраи пинҳон доғи.

Ишқидин қоним тўлуб эрди, ани тўкмакка саъй,
Дашнаи фурқат ҳам этти, ханжари ҳижрон доғи.

Бўйнума занжир тақиб, жисмима ёғдурдунг ўқ,
Англадинг, гўёки мажнун ўлмишам, урён доғи.

Йиғламай ҳолимға найлайким, анинг васли манга
Ўйлаким, уммид йўқтур, йўқтурур имкон доғи.

Неча кун оламда чун меҳмонсен, ичкил бодаким,
Мизбон қолмас бу фоний дайр аро, меҳмон доғи.

Эй Навоий, чун алиф янглиғ ўқи жонингдадур,
Қатлинга, тонг йўққи, бир кун боис ўлғай жон доғи.

616

Ногаҳ ўлдум бир кўзи соҳир гирифтори, нетай,
Ким агар сеҳр айласам, боқмас менинг сори, нетай.

Мен чу ўлдум кирпикининг заҳрлиғ пайконидин,
Гар ўлукни тиргузур лаъли шакарбори, нетай.

Тийра зулфи субҳи айшимни чу қилди шоми ғам,
Ўзгаларга шамъи мажлис бўлса рухсори, нетай.

Мумкин эрмас чун назар оллида кўрмак суратин,
Сафҳаи хотирға нақш этмай намудори, нетай.

Эйки, дерсен зулфи чун тўлғанди урма тобу печ,
Ҳар саримўюмға боғлиқ бўлса бир тори, нетай.

Май била ғам зангига берсам жило, айб этмангиз,
Бўйла, бўлса иқтизои чархи зангори, нетай.

Дайрдин дер қоч, Навоий, жилва қилса муғбача,
Бўйнума гар маҳкам ўлған бўлса зуннори, нетай.

617

Кўрма сориғ баргу қил наззора рухсорим сари,
Қўй хазон боғин, гузар қил заъфаронзорим сари.

Боқма асфар барг уза, ҳар ён қизарған обкаш,
Заъфарони юз уза боқ, ашки хунборим сари.

Ким хазони ел қурутқан шох ҳолин кўрмамиш,
Айладик наззора урён жисми беморим сари.

Сарвиға бўлмас хазону лола ул мавсумда йўқ,
Қилма майл, эй оҳ, сарви лола рухсорим сари.

Англа бошимға туташқан шуълаи ҳажр, эй рафиқ,
Кўрма санчилған хазони барг дасторим сари.

Умр баргин то хазон тўкмайдур, этсам кош азм
Навбаҳори ҳусн аро сармаст хумморим сари.

Эй Навоий, чун бу фасл ичра қадаҳ марғуб эрур,
Тортай ўзни мажлиси шоҳи қадаҳхорим сари.

618

Келгил, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,
Чеҳра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени.

Эй ғизоли мушкбў, келким, қуюндек қолмади
Водие ахтармаған, истаб бу саргардон сени.

Сен парий пинҳон учун мен ҳам камоли заъфдин,
Ғойиб ўлдум эл кўзидин, кўргали пинҳон сени.

Қон аро гар ғарқасен, эй кўз, не тонгким, бир боқиб
Зор кўнглумни чу қатл эттинг, тутубтур қон сени.

Гарчи мумкин йўқ, вале, бир қатла кирсанг илгима,
Борса бош, элдин чиқармоқ ўзга не имкон сени.

Кўз йўлунгдин олмасам, айб этмагил, эй муғбача,
Айлай олмон дийдадин ғойиб мени ҳайрон сени.

Эй парий, гар телбараб бўлмиш Навоий дарбадар,
Бу анга мақсуд эрурким, истагай ҳар ён сени.

619

То паришон қошларинг ошуфтаҳол этмиш мени,
Нотавонлиғ ичра андоққким, ҳилол этмиш мени.

Кўзда су, кўнгулда қайғу, тан заифу жон наҳиф,
Эй мусулмонлар, кўрунг ҳижрон не ҳол этмиш мени.

Панд ила зажринг жунунум дафъи этмас, эй ҳаким,
Ким парий рухсорае Мажнунмисол этмиш мени.

Жон бериб, бир нофаи зулфидин дедим савдо қилай,
Бу сифат савдойи ул фикри муҳол этмиш мени.

Ичкали лаъли майидин ҳушу ақлим қолмамиш,
Бода маст эрди ажаб беэътидол этмиш мени.

То қадаҳ чектим, қилурлар мендин эл касби нашот,
Бўйла саъд ул ахтари фархундафол этмиш мени.

Ёшурун май тарки этмон, гарчи шайхи хонақах,
Эй Навоий, сўфию зоҳид хаёл этмиш мени.

620

Захмима марҳам ёқиб, ғамгин кўнгул шод ўлмади,
Рахнаға балчиғ суваб, вайроним обод ўлмади.

Ул муваллаҳ чархким, совурди ақлим хирманин,
Бу қуюндин қайси бир хирманки, барбод ўлмади.

Аҳли ишқ ар мен киби мажнун эмаслар, эй рафиқ,
Андин эркинким, алар ёри паризод ўлмади.

Эй ажал, қатл этмак ол ул ғамзадин таълимким,
Қилмаған шогирдлиғ ҳеч ишта устод ўлмади.

Кўнглидин бўлмас муҳаббат жавҳарин қилмоқ тамаъ,
Ҳар нечаким, юмшаса, бир йўли пўлод ўлмади.

Зоҳиди нодон ғамим ошубидин ҳар дам кулар,
Хуррам улким, ишқ атворида муътод ўлмади.

Эй Навоий, ўлсам ул тарсо учун, айб этмаким,
Дайр пиридин манга жуз бу фан иршод ўлмади.

621

Бўлмасам ошиқ, фиғоним зор бўлғайму эди?
Куймасам пинҳон, ичим афгор бўлғайму эди?

Зулфунга вобастаю кўзунгга вола бўлмасам,
Жон паришону кўнгул бемор бўлғайму эди?

Бўлмаса кофир кўзунг ошуфтаси шайдо кўнгул,
Риштаи зулфунг анга зуннор бўлғайму эди?

Истабон васлинг гулистонин ҳавойи бўлмасам,
Абри найсондек кўзум дурбор бўлғайму эди?

Бўлса эрди, эй пари, ишқинг аро кўнглумда ҳуш,
Гуфтугўюм мунча мажнунвор бўлғайму эди?

Билса эрди ишқ аро сирримни, ҳар бир лафзида
Ёрдин жуз эътироз изҳор бўлғайму эди?

Ғунча кулгусига, эй булбул, кўнгул гар бермасанг,
Бағрингга ҳар гул сою юз хор бўлғайму эди?

Эй Навоий, қилсанг эрди офият кунжин ватан,
Мунча мунглуғ жонинга озор бўлғайму эди?

622

Ишқ аро ким кўрди, оё, нотавоне мен киби,
Бекасе, оворае, бехонумоне мен киби?

Ёт ила ўздин шикаста хотири андоққи мен,
Ёр ила ағёрдин озурдажоне мен киби?

Ҳам вужуд иқлимидин юз ғам кўруб бўлған жало,
Ҳам адам даштида беному нишоне мен киби?

Теша бирла қозди тоғ Фарҳоду мен тирноғ ила,
Эй кўнгул, меҳнат чекарда дема они мен киби.

Зулм қилмоқ ичра йўқ гар сен киби офоқ аро,
Зулм чекмакликда ҳам оламда қони мен киби?

Олам аҳлидин вафо кўз тутмаким, ким тутса кўз,
Дарду меҳнатдин халос ўлмас замоне мен киби.

Эйки, бир мулк ичра чектинг жавру воя топмадинг,
Тенгри мулкидур, борур бўлсанг қаёне мен киби.

Эй Навоий, етса бир элдин балийят бошинга,
Бошинг олиб чиққил ул элдин равоне мен киби.

Мен киби юз бўлмаса, ғам йўққи, қилғач илтифот,
Шоҳ Fозий лутфи айлар ҳар гадони мен киби.

623

Хурдабинлар фаҳми идрок айламас ёр оғзини,
Хурдайи маъни адоси қилди изҳор оғзини.

Неши нўш олуд санчиб барги гул узра ари,
Фош этиб ширин лабин, қилди намудор оғзини.

Нуқтаи мавҳум аро қилсун тасаввур суқбае,
Кимки мафҳум айламак истар анинг тор оғзини.

Чун ўлибмен заъфдин, дам йўққи, топмай тийралик,
Қўйки, қўйсун чеҳра кўзгусига бу зор оғзини.

Зарра хуршид ичра кирса, ўйлаким, бўлгай ниҳон,
Халқдин ёшурди ул хуршид рухсор оғзини.

Қўйки, ўз оғзимни оғзингға қўяй, эй муғбача,
Йўқса кўп оғзиға қўй мен зори бемор оғзини.

Эй Навоий, ҳажр ўти шарҳида чун сурдунг ҳадис,
Ўртадинг такрор этарда аҳли гуфтор оғзини.

624

Ҳафтаедур кўрмамишмен ул бути чолокни,
Не ажаб, гар ўртаса оҳим ети афлокни,

Солди тиғи фурқатинг бағримға андоқ чокким,
Бағри бўлғай чок-чок, улким кўрар ул чокни.

Ҳажр ўти жонимға ортуқдур, анга бас бир шарар,
Ўртамак дўзах била яъни не бир хошокни.

Отланибтур маст кўнглокчан, чекиб тиғи жафо,
То не ўт солғай жаҳонға, кўргил ул бебокни.

Ишқ ўти бирла кўнгул су бирла кўзни қилди пок,
Пок манзилларда меҳмон қилғали ул покни.

Дайр аро даврон ғамидин қочмишам, эй муғбача,
Бир муғона жом ила шод айла бу ғамнокни.

Бода бирла юнг Навоийни, хумор этса ҳалок,
Боғлангиз тобути узра нахли барги токни.

625

Не ўқким, жисми урёнимға отти,
Танимға тортибон, жонимға отти.

Хадангеким, ниҳони отти ул кўз,
Ҳадафдек доғи пинҳонимға отти.

Тикан жонимға урди гулшан ичра
Рақиб, ул гулки, жононимға отти.

Не кўнглум қолди, не бағрим ярасиз,
Фалак тошики, ҳар ёнимға отти.

Саросар ёғди бошим узра туфроғ,
Қазо тошларки, вайронимға отти.

Сипеҳр анжумни ул янглиғки, жола,
Хароб айларга бўстонимға отти.

Навоий кўнгли ҳолин кўрди Мажнун,
Жунун таъни бу нодонимға отти.

626

Менким итимен, бўлса мени элткали ори,
Солса расанин бўйнума ўлтургали бори.

Ҳар тонг боши меҳрин юзунга ўтру тутар чарх,
Машшота киби бўлди юзунг ойинадори.

Юз мил йироқ сурса отин, сурма масаллик
Ошиқ кўзини равшан этар тийра ғубори.

Ҳар кимки, юзунг меҳрида жон берса ҳар ақшом,
Афлок нужумин ёрутур шамъи мазори.

Даврон элидин кийна етишканга не ғамким,
Ҳам гардиши даврон бас анинг кийнагузори.

Зуҳд аҳли риёсидин ўлубмен, агар, эй шайх,
Эҳё тиласанг, бошла мени майкада сори.

Гар зорлиғ ўлтурса Навоийни, дам урмас,
Чун қилмади кўнглунгга асар нолаю зори.

627

Ўлтуруб эл, базмидин ул шўх чиқмоқ не эди?
Сархуш ўлмай аҳли мажлисдинториқмоқ не эди?

Ваъда гар қилмайдур эрди ўзга мажлис аҳлиға,
Ўз уйининг йўлидин амдан озиқмоқ не эди?

Бўлса эрди шаммаи парвойи нангу номдин,
Отланиб бадмастлиғ бирла отиқмоқ не эди?

Бўлмаса эрди хаёли бир парийваш васлиға,
Телбадек вайроналар сори сириқмоқ не эди?

Истамас бўлса эди обод эл вайронини,
Сабру ҳушум қасру айвонини йиқмоқ не эди?

Май исин гар соқийи даврон раво кўрса манга,
Саъйлар бирла сабу оғзини тиқмоқ не эди?

Истамас бўлса Навоий жони чиқмоқ, эй рафиқ,
Ўлтуруб эл, базмдин ул шўх чиқмоқ не эди?

628

Деманг андин хўб кўптур, севма ул худройни,
Зуҳраға вола нетар хуршид бирла ойни.

Чун эрур парвона шамъи мажлисоро волиҳи,
Найласун ул машъали меҳри жаҳоноройни.

Чун Скандар ўлди ҳайвон суйи шавқидин, не суд,
Етти баҳр олмоқ, суруб рахши жаҳонпаймойни.

Ҳусн аро оне бўлурким, гўйиё андин солур,
Ишқ аро куйган кўнгулларга фиғону войни.

Қомати раъно аро гар эътидоли бўлса, бас,
Ҳожат эрмас истамак сарви фалакфарсойни.

Луъбати Чин гар тилар хоқон, не тонг, гар ройи ҳинд,
Севди эрса бир малоҳат шевалик гарройни.

Эй Навоий, қилмағил парво, улус кўп сўз деса,
Муғтанам тут ҳолиё ул шўхи бепарвойни.

629

Не гулшанидин атр димоғимға етишти,
Не ғунчасидин нукта қулоғимға етишти.

Бор эрди маломат тоши, занжири жунун ҳам,
Ҳажринда неким боштин аёғимға етишти.

Қон лоласитон айлади жисмимни саросар,
Ҳар ништари ғамким янги доғимға етишти.

Оҳимдин агар тийрадурур кўнглум, эмас айб,
Не таъналар андин бу чароғимға етишти.

Десам — не учун соғари майдин топар эл жон?
Дер: базмда бир қатла дудоғимға етишти.

Мумкин эмас андин гули ишрат яна бутмак,
Торожи хазон бўйлаки, боғимға етишти.

Жамъият агар топмаса йўқ айб, Навоий,
Бу тафриқаким, кунжи фароғимға етишти.

630

Кўзумдур тийра, кўнглум ношикиб, эй хотирим коми,
Даме бўлғил кўзум равшанлиғи, кўнглумнинг ороми.

Жамолинг субҳидин кулбамни равшан қилки, бошимға
Фалак ғамхонаси емрулгудектур фурқатинг шоми.

Шабистони висол ичра не жонон қадрини билгай,
Менингдек улки, жонин ўртамайдур фурқат айёми.

Назарни боғу сарву гулдин ар ёпса, ажаб эрмас,
Назар боғида улким, бўлмағай сарви гуландоми.

Абад умрича гар кўрмас, ани ўлтурмак авлодур,
Агар худ қатл учун ошиққа етса ёр пайғоми.

Хушо майхонаким, Жамшид ила жомидин афзундур,
Маломат дайрининг ҳар қайси ринди дурдошоми.

Менинг динимни солди дайр туфроғиға бир тарсо,
Ки йўқ туфроғча оллида тақво аҳли исломи.

Скандар кўзгусию жоми Жам ичра кўр, эй шаҳким,
Сени гўр оғзиға тортар каманди сайд Баҳроми.

Навоий бир қуёш ҳажрида ўзни барқрав қилмиш,
Не тонг, гар сайр вақти оламе сайр этса ҳар гоми.

631

Ҳар ўқи келса мени зор сари,
Юз дуом ўқи борур ёр сари.

Чун кўнгул ёрадур, жоним ҳам,
Кош азм айласа дилдор сари.

Ситамидин қоча олмонки, борур
Кўнглум ул шўхи ситамкор сари.

Эй Масиҳим, ўладурмен, бир дам
Қадам эт ранжа бу бемор сари.

Бодаи ҳажрдин ар етса хумор,
Азм қил кулбаи хаммор сари.

Кўзунга истамасанг гарди алам,
Боқма бу гунбади даввор сари.

Захмларнинг асари қонидин
Боқа олмон тани афгор сари.

Кўргали дайрда ул муғбачани,
Бўлмишам шифта зуннор сари.

Жонни жононға, Навоий, топшур,
Ёрни еткуракўр, ёр сари.

632

Анингдек бузмамиш гардун мени мажнуни шайдони,
Ки минг давр ўзига эврулса, топқай тўзмак имкони.

Фалак аъзам, доғи мен аққар ўлдум офаринишдин,
Менинг қаддимга золим ишқ пайдо айламиш они.

Эрур бу турфаким, ишқи балоангиз ҳар соат
Бу аъзамлиқ била айлар муаллақ чархи мийнони.

Ики бу навъ ғолиб хаем ўлумтук мўр қатлиға,
Чу жозим бўлсалар, ҳайҳот, мискин мўрнинг қони.

Мен андоқ мўрдурменким, аёқ остида қолмишмен,
Кўнгул мулкини бузғанда сипоҳи ишқ туғёни.

Чу туфроғ ичра бўлди музмаҳил мўри заиф, ўлмас
Ани топмоқу гар топилсаким, топқай Масиҳони.

Кел, эй соқию бу андишалардин бизни қутқарғил,
Вафо жомини тутким, бевафодур чарх даврони.

Иликдин бермагил май заврақин бу давр аро, эйким,
Ғариқ айларга еткурмиш сени ғам баҳри тўфони.

Навоий ишқдин не келса, дам урмаки, ошиққа
Керактур ишқи пинҳонию доғи ишқ пинҳони.

633

Бир йўли бизни унутқунг бори,
Илтифот этмайин ўттунг бори.

Ваъдалар васлғаким, айлаб эдинг,
Бежиҳат борин унуттунг бори.

Шуълаи васлни биздин ўчуруб,
Ўзгалар бирла ёруттунг бори.

Журмсиз тортиб иликни биздин,
Муддаи жониби туттунг бори.

Дўстлар ҳаққиға туҳмат қилибон,
Ҳар не душман деди, буттунг бори.

Эй кўнгул, ҳажр аро дедингки ўлай,
Ўзни май бирла овуттунг бори.

Заҳри ғам хаста Навоийға бериб,
Халқ комини чучуттунг бори.

634

Не пок Мажнунки, бир пари чеҳра пок ҳуснига зор бўлғай,
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса, не ихтиёр бўлғай.

Сиришку оҳим натижасидин узори кўнглумни чекти гўё,
Ки ишқ обу ҳавоси бирла бу навъ дилкаш баҳор бўлғай.

Юзида тер фитнасидин ўлсам ажаб эмастурки, марқадимда
Ушоқ тош ўрнида хайли анжум, ой анда шамъи мазор бўлғай.

Кўнгул чу кирпикларинг хаёлига тушти, реш ўлди барча жузви
Тикан аро тушса бир яланг телба, йўқ ажаб, гар фигор ўлғай.

Мен ул қуёшсизки заъфарон риштасидек ўлдум, ажаб эрмастур
Далили ишқ улки, ранги асфар, доғи бадан ҳам назор бўлғай.

Чу жонни бекаслик ичра ғам олди мендин, эй ишқ аҳли, ғам йўқ
Хуш улки, муҳлик ғаме етишса ёнида бир ғамгусор бўлғай.

Хумор ҳижрон судоъидин майл қилди майхона сари кўнглум
Магарки, ул сари мойил ўлғай ангаки, ранжи хумор бўлғай.

Замону аҳли замонни зинҳор кўрма хошок бирла хасча,
Ки оламда олам аҳли доно қошинда беэътибор бўлғай.

Вафо йўлинда Навоий ўлдию кўрмади ғайри бевафолиғ,
Вафошиори билурки, ёриға бевафолиғ шиор бўлғай.

635

Кўрмадим жононни ўтган кун ҳаётим йўқ эди,
Юз ҳаётафзо йўлуқса, илтифотим йўқ эди.

Кўнглума кирганда пойандоз эди жон пардаси,
Жисму жондин ўзга садқа ё закотим йўқ эди.

Хоки пойи хосиятда сурмадур деб ёзғали,
Кўз саводидек қора, кўздек давотим йўқ эди.

Ашк тўкмакдин қуруғач икки кўз, куйди кўнгул,
Дафъиға ўтнинг бу Жайҳуну Фиротим йўқ эди.

Риндликдин асру шокирменки, тақво дафтарин
Қилдилар чун шарҳ, ул хайл ичра отим йўқ эди.

Ёрни кўргач, не тонг, гар элни кўзга илмадим,
Ул замон парвойи кулли коинотим йўқ эди.

Эй Навоий, не ажаб, ҳажр этса хасдек поймол,
Ишқ аро чун тоғдек вазну саботим йўқ эди.

636

Эй ҳаётим нақди лаъли хурдадонинг садқаси,
Жавҳари жоним ақиқи дурфишонинг садқаси.

Кўзларинг гар нотавондур, садқа вожибдур анга,
Юз менингдек нотавон ҳар нотавоннинг садқаси.

Қомату қошинг алиф, нуниким, ул ҳусн онидур,
Ҳар малоҳат аҳликим, бор бўлсун онинг садқаси.

Кўзларимнинг мардуми холинг саводиға фидо,
Боғи умрум гулбуни сарви равонинг садқаси.

Қулни боштин эвуруб озод этарлар, ваҳ, мени,
Боштин эвур, лек озод этма, жонинг садқаси.

Тинғасен саргашталикдин, эй кўнгул, гар бўлғасен,
Меҳрибонлиғ бобида номеҳрибонинг садқаси.

Бўлуб ул гул садқаси, ҳолингни арз этмиш сабо,
Эй Навоий, бўлса юз жонинг, сабонинг садқаси.

637

Туну кун истама оҳимки, мукофот чоғи
Дам ила тийра бўлур шамъ доғи, кўзгу доғи.

Рост бир шамъи кибидурки, туби ол ўлғай,
Ул саҳи қад, юзи тобию ҳинолиғ аёғи.

Қош уза хол бийик ерда бўлубтур қоровул,
Ақлу ҳис хайлини урмоққа қароқчи қароғи.

Дудоғ устида анингдекки, кўрунгай нуқта,
Холи остида ҳамул навъ кўрунмиш дудоғи.

Хатти жон нақдиға арзир, анга, ваҳ, не нисбат,
Сабзаким, бир дирам эрмастур анинг бир қучоғи.

Ришта тоби санга қайд ўлса, не суд, эй зоҳид,
Гар Масиҳ игнаси бирла эса хирқанг ямоғи.

Телбараб деди Навоийки, қилиб эрди ҳалок,
Ишқ асрорини кўнглида ниҳон асрамоғи.

638

Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнглум итмиш, топқил они.

Ҳолин сўрғил, ул ҳам сўрса,
Деким, йўқтур сенсиз жони.

Истидъо айлаб ёндурғил,
Келмас бўлса, де пинҳони.

Ким ул дилбар қилмиш ваъда,
Бу тун бўлмоққа меҳмони.

Чин деб келса, ани эмди
Айлай кўксумда зиндони.

Соқий, бизни ғамдин қутқар,
Келтургил роҳи райҳони.

Ул ойсиз ун чекса Навоий,
Ўтгай гардундин афғони.

639

Фалак еткурмаса ёнимға они,
Не ғам, чун чекмишам жонимға они.

Сабо ҳам лоладин қонлиғ кафан қил,
Чу ёптинг жисми урёнимға они.

Чу ғунчанг шавқи пинҳондур кўнгулда,
Даво қил дарди пинҳонимға они.

Писанд этмас чу жаннат қасрин ул ҳур,
Фалак солғайму вайронимға они.

Тушар бағрим била кўнглума юз рашк,
Қазо еткурса ҳар ёнимға они.

Чу қилдинг нақди диним ғорат, эй ишқ,
Етургил номусулмонимға они.

Не суд, ўлмоқ лабинг ёқути сероб,
Чу айлабсен сусиз қонимға они.

Тараб васл аҳлиға майл этти, эй ишқ,
Ёвутма байтул-аҳзонимға они.

Ўлар ҳолин Навоий айлади назм,
Ёзинг албатта девонимға они.

640

Лабинг чашмаи ҳайвон, қадинг руҳи инсони,
Бу обу ҳаво бирла биринінг йўқ имкони.

Қадинг жилваси бошларға юз минг ҳаво солди,
Ҳаводин агар жилва қилур сарви бўстони.

Латофатда бир ондур сангаким, улус андин
Хароб ўлдилар, лекин киши билмади они.

Лабинг нор ёнгоқ узра топар парвариш, тонг йўқ,
Агар жавҳарий айтур ани лаъли руммони.

Таним ўтиға таскин магарким, самум ўлгай,
Танаъум била кийган неча лавн каттони.

Нетар шоҳнинг қасринким, ул зарнигор ўлғай,
Гадоеки, оҳидин топар шуълаи вайрони.

Деди жоми ҳажр ичгил, менинг бўйнума журмунг,
Бировни ким ўлтурса, эрур бўйниға қони.

Вафо ишқ аҳлиға қилур чоғда таъжил эт,
Ки таъжил била асру ўтар ҳусн даврони.

Навоий, агар кўнглунг бақойи абад истар,
Бу дайри фано ичра керак бўлғасен фоний.

641

Ажаб эмастур, агар бўлса дардим огоҳи,
Менинг шаҳимким, эрур дардмандлар шоҳи.

Кўнгулда ўқларидин оқ уй айласам, не ажаб,
Ки кўнглум ичра ватан қилди моҳи хиргоҳи.

Хаёлн кўнглума киргач, тирилдим, англамадим
Муники, жоним экандур хаёли ҳамроҳи.

Масиҳу Хизр ҳаёти абад гадолиғида,
Лабингға ҳар бирининг эрди шайалиллоҳи.

Кўнгулки, истар эди васлини биҳамдиллаҳ,
Ки ўйлаким, тилар эрди, етишти дилхоҳи.

Буким, баҳори ҳаётим хазонға юзланмиш,
Эрур далили совуғ оҳу чеҳраи коҳи.

Мени ушаттинг, аё сарв, бўлмағил ғофил,
Ки кўп шажарни ушатур шикасталар оҳи.

Ғурур ҳусн ила жоҳингға қилмаким, қолмас
Жамоли оламию олам аҳлининг жоҳи.

Замона зулми Навоий бошидин ўлмаса рафъ,
Анинг бошидуру — шоҳи замона даргоҳи.

642

Назар аҳлиға гарав хайли келди, сурма бил боре,
Не равшан сурма, эй кўз, топмишанг, наззора қил боре.

Жунундин англамассен, ҳар неким дер ул парий пайкар,
Не дейдурмен санга, эй телба кўнглум, англағил боре.

Агарчи қон ила туфроғ аро оғуштадур кўнглум,
Кўруб кўрмасга солиб ўтма, они кўзга ил боре.

Кўнгул, билмон, камоли ҳуснини найлаб хаёл эткай,
Муқассирдур жамоли васфини айларда тил боре.

Сенинг сарву гулунг ёхуд, менинг сарви гуландомим
Мулойимроқ экин, эй боғбон, бир сўз дегил боре.

Не ҳол эркин қизил, сариғ либосидин гули раъно
Кўрунур эл кўзига, чеҳраси сариғ, қизил боре.

Неча дерсенки, соқий бизни бир май бирла маст этсун,
Ғуруру жаҳл ичинда мастлиғдин бир ойил боре.

Демаким, ақлу илму зуҳд ила мақсадқа еткумдур,
Фано йўлинда қил ўзни бу юклардин енгил боре.

Навоий фақр ойинида инсоф илгари тутсанг,
Ўзунгни бил ёмон, лекин бу сўзни яхши бил боре.

643

Зор кўнглумда ниҳон, ўйлаки, жон дейму сени?!
Йўқ эса шефта жон ичра ниҳон дейму сеии?!

Сарвдин жилвада ортуқсену гулдин тоза,
Тоза гул дейму сени, сарвиравон дейму сени?!

Барчадин кўзда ниҳон бўлдингу жон ичра аён,
Ваҳ, ниҳон дейму сени, йўқса аён дейму сени?!

Яхшилиқ ёки ёмонлиқ била жоним олдинг,
Айладинг яхши булар бирла, ёмон дейму сени?!

Ҳусн миръоти сену нозу латофат шамъи,
Соддадил дейму сени, чарбзабон дейму сени?!

Фитна оламға, замон аҳлиға солдинг ошуб,
Фитнаи оламу ошуби замон дейму сени?!

Эй кўнгул, ишқ аро бир ерга етибсенки, дегил,
Ибрати даҳрму, расвойи жаҳон дейму сени?!

Ўлтуруб эрди хумор, айладинг, эй май, ани дафъ,
Қути жон дейму сени, нақди равон дейму сени?!

Қўй фано лофи, Навоийки, сўзунг тутти жаҳон,
Бу таайюн била беному нишон дейму сени?!

Жон ола келганда, саъю изтиробингға ўлай,
Олмасанг ҳам, қайтқан чоғда шитобингға ўлай.

Гул уза шабнам сочибсен, кўргузуб сунбулда печ,
Ҳусн аро бу лутф бирла обу тобингға ўлай.

Келганингга қаҳр ила қатлимға, жон айлай фидо,
Раҳм этиб, қатлим қилурдин ижтинобингға ўлай.

Лаъли май еткач дудоғингға, бўлур оби ҳаёт,
Аллоҳ-Аллоҳ, ул ики лаъли музобингға ўлай.

Деб эмишсен боғлағум бошин кесиб фитрокима,
То тирикмен жон фидо айлаб, рикобингға ўлай.

Чун тирик сендин қутулмоқ бўлмас, эй умрум хуши,
Гоҳ лутфунгға берай жон, гаҳ итобингға ўлай.

Чун дединг ўлса Навоий, жон берур лаълим анга,
Эй Масиҳим, руҳпарвар лаъли нобингға ўлай.

645

Шабистонларни, тонг йўқ, гулситон этса кўзум қони,
Эрур чун маҳвашим ҳар тун биров шамъи шабистони.

Не тонг, гар анжуман аҳли нишон кўргузса анжумдин,
Чу бўлса моҳи базм ул чеҳранинг хуршиди рахшони.

Нетай, эл қасрини қилса мунаввар, чунки ул юздин
Бузулған тийра кулбам бўлмади бир шом нурони.

Ўтуб ойларки, бир кулбамға майл эткай, кириб чиққай,
Қуёшдек йўқ анга бир лаҳза таскин тутмоқ имкони.

Бу оқшом ёрдин айру менга воқиф бўл, эй ҳамдам,
Ки кўксумни тешиб, жон қасди қилмиш доғи ҳижрони.

Қуёш юз ёшуруб, эрмас шафақким, яна бу оқшом
Сипеҳр айвониға бош чекти шавқум ўти туғёни.

Майинг мен ташналабға, соқиё, не кайфият бергай,
Бу янглиғким, ёғар устига ашким сели тўфони.

Гули аҳду вафо давр аҳлидин кўз тутмаким, ҳаргиз
Музайян бўлмамиш мундоқ чечакдин даҳр бўстони.

Навоий ул пари базмида гар девоналиқ қилса,
Эрур ҳам маст, тонг йўқ, базмдин судратсалар они.

646

Баски ноҳамвор бедод ул жафокор айлади,
Мен жафокаш пайкарин ер бирла ҳамвор айлади.

Тиғи бедоди агар кўнглумни нокор этти, лек
Элга урған тиғи беҳад кўнглума кор айлади.

Бодадин рухсорида гуллар магар қилғай илож,
Улки, кўнглумни тиканлар бирла афгор айлади.

Оби ҳайвон ёнида юз Хизр айлар парвариш,
Лаб уза то хатти зангори падидор айлади.

Қатл доғи ҳайф ангаким, ишқ даъво айлабон,
Бийми қатл ўлғач, бу даъвосидин инкор айлади.

Дайрдин чиқмон мени мажнунки, аҳли ҳуш ҳам,
Чарх зулм этканга, азми кўйи хаммор айлади.

Гар Навоийға етар минг саъб ҳол андин дурур,
Ким хабарсизларни ҳолидин хабардор айлади.

647

Кўнглум ҳарими ичра қилур жилва ул парий,
Андоққи, Каъба ичра ҳарамнинг кабутари.

Гулгун юзунда холлари гўйиё эрур,
Ҳар ён шафақда ишқ элининг тийра ахтари.

Кўнглум такаллуфи эрур ул зулфу кўз била,
Зиндоннинг ўлди банду бало зебу зевари.

Мажнун ишқ шоҳидуру тоғ— тахт анга,
Қуш ошёни ҳайъати бошида афсари.

Оҳимдин учти, сабрим агар чу қаттиқ эди,
Ғам тоғини қўнгарур эмиш ишқ сарсари.

Тонглоғи ҳуру равза нетар кимсаким, бу кун
Майхона ичра бор эса бир ҳури пайкари.

Гар дилшикаста бўлса Навоий ажаб эмас,
Невчунки, дилшикан эрур у шўх дилбари.

648

Базмдин чун чиқти ёру анжуманға кирмади,
Тандин андоқ чиқди жонимким, баданға кирмади.

Барча ҳузн аҳлин мушарраф айлабон шод этти ёр,
Не осиғ, чунким бизинг байтул-ҳазанға кирмади.

Ул ҳино ёқтию қон ютти ҳасаддин настаран,
Ранг анинг тирноғларидек настаранға кирмади.

Лоладек қонлиқ либосим бирла дафн айланг мени,
Ким шаҳиди ишқ маъҳуди кафанға кирмади.

Бўлди гум, оғзи сари мойил бўлуб кўнглум қуши,
Ваҳ, қаён бордиким, ул чоҳи зақанға кирмади.

Даҳр боғида вафосизлиғ не қушким, қилди фаҳм,
Чекти маҳзун нола, аммо бу чаманға кирмади.

Эй Навоий, зулфидин кўнглунг чиқарким, ул кўнгул,
Озмади йўлниким, ул чину шиканға кирмади.

649

Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не нисбати,
Комронларнинг балокашларга қайдин улфати?!

Улки қаҳр этса, қиличидин дамо-дам қон томар,
Бағридин қон томғучилар бирла не жинсияти?!

Васл нўши бирла жон топқонға, ваҳ, андин не ғам,
Ким тўладур заҳри қотил бирла жоми фурқати?

Даҳр қилғандин яланг бошини тенг туфроғ ила,
Не хабар улким, етар гардунға тожи рифъати.

Мўр аёғ остида ўлгандин қачон топқай вуқуф,
Арслонким, кўкка чирмашғай ғиреви шавкати.

Бир кеча тонг отқуча ҳижрон ўтиға куймаган
Қайда билсунким, недур мажруҳ кўнглум ҳолати.

Қўй бу сўзларнию бўл ҳолимдин огоҳ, эй рафиқ,
Ким бу ақшом асру саъб ўлмиш фироқим шиддати.

Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадоға имтиёз,
Ўт аро тенгдур қуруқ ё ўл йиғочнинг ҳирқати.

Ишқ жомидин, Навоий, товба қилмоқ саъб эрур,
Хоссаким, йўқ зуҳду тақво бирла кўнглум рағбати.

650

Зиҳи йўлунгда бир афтода одами хоки,
Ҳавои ишқингда саргашта меҳри афлоки.

Уруж шоми чу бот қайттинг бу армондин
Магарки, ҳар тонг ўлур субҳ жайбининг чоки.

Фалакнавардинга ҳам шохи сидра, ҳам тубо,
Бу бир аёғида хас, ул йўлинда хошоки.

Мадинанг аҳлиға ҳар йилки, азм этар ҳужжож,
Катабту қиссата шавқию мадмаъи бокий.


Не бўлди Ясрибу Батҳо аро ўқусамким,
Аё манозилу Салмо фаайна салмоки.

Сенинг мадойиҳи наътингда, ё Расулаллоҳ,
Тамом бўлди Навоий такаллуми поки.

Бу тўрт дафтарида ҳамду наът аро халали,
Гар этмиш ўлса аён табъу килки бебоки.

Вале шафоатинг имкони кўнглига киргач,
Умид ила севунур яна табъи ғамноки.

Етур анга караминг баҳридин паёпай файз,
Ки наътинг ичра дурафшонлиғ этсун идроки.



Мустазод

Бордим бу саҳар дайри фано сари уруб гом,
махмури шабона,
Тортар эди ҳар лаҳза сабуҳ аҳли ичиб жом,
ноқуси муғона,

Ким дайри харобот ароким, бор эса махмур,
қўптунг доғи бўлдик
Ичмакка сабуҳ аҳли била бодаи гулфом,
бу сари равона.


Базм ўртасида пири хароботқа маскан,
лекин анга соқий,
Бир муғбача, не муғбачаким, офати ислом,
ошуби замона.

Ҳар ёнки, боқиб, халққа ҳасрат ўти ёқиб,
оташкадаи ишқ.
Жонлардин уруб, чунки қилиб жоми
майошом юз шуъла забона.

Базм ичра неким турфа, муғанний бори дилкаш,
лекин бори тарсо,
Ҳам нағмалари олибон эл кўнглидин ором,
ҳам чангу чағона.

Мен телбани бир жом била айладилар маст,
не мастки, беҳуш,
Андин бери бўлдум бу куҳан дайрда бадном,
ишқ ичра фасона.

Иш етти чу бу ерга, Навоий, яна зинҳор
дам урма вараъдин,
Ошиқ десалар, ун беру май тутсалар ол ком,
кўп қилма баҳона.



Мухаммаслар

1

Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит,
Гул киби нозик баданлик, сарвдек раъно йигит,
Ушбу мажмаъдинки, бўлғай эрди минг зебо йигит,
Кўнглум олди бир парипайкар малак сиймо йигит,
Ким бани одамда андоқ бўлмамиш пайдо йигит.

Саркаш аблақ секретиб, даврондек ул хуршидваш,
Эгнида заркаш либоси доғи андоққким қуёш,
Хулқи ҳам хуш, ҳусни ҳам дилкаш, ўзи ҳам журъакаш,
Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, хулқи хуш,
Кўрмадук бу навъ маҳваш чобуку раъно йигит.

Ишқ ошуби балосин то қилибмен ихтиёр,
Кўз юзин кўрган замон кўнглум аро қолмас қарор,
Кўнглум ўлса васлиға мойил бўлур кўз ашкбор,
Ишқида кўзу кўнгулнинг бир-биридин рашки бор,
Аллоҳ-Аллоҳ бўлур эрмиш мунча ҳам зебо йигит.

Ўтти умр ул хўблар шоҳидин айру моҳу сол,
Мен қари қулға висоли худ эрур амри маҳол.
Дер: сени зор ўлтурурмен гар висол этсанг хаёл,
Зорлиғлар бирла ўлмай топмағумдур худ висол,
Не учунким, мен қари қулдурмен, ул мирзо йигит.

Ул паривашким, қилур сайри хиёбони Ҳирот,
Кўзга истиғноси ҳуснидин кўрунмас коинот,
Оллиға юз қўйса минг зоҳид қилур қатъи ҳаёт,
Йўлида юз минг куҳан пир ўлса қилмас илтифот,
Кимса кўрганму экин бу навъ бепарво йигит.

Ҳам кўзунгдин кўнглума ҳар лаҳза ортиб юз малол,
Ҳам хатингдин хотирим ичра паришон юз хаёл,

Кўюнг ичра дарду ранжу меҳнатим беэътидол,
Йўлунг узра ҳам гадомен, ҳам қари, ҳам хаста ҳол,
Бир боқиб ўт ҳолима ҳуснунг закоти, о йигит!

Неча шайхи хонақоҳ авродида фарёд этай,
Дермен эмди бош олиб дайри фано сори кетай,
Кофири ишқ ўлған эл побўсиға доғи етай,
Дайр пири мазҳабин тутмай, мусулмонлар, нетай,
Олған ўлса нақди имонимни бир тарсо йигит.

Ишқни афсурда жонимдин совутсам яхшироқ,
Зуҳду тақво бирла кўнглумни овутсам яхшироқ,
Қад эгилди, сарвқадларни унутсам яхшироқ.
Бош оқарди, сабзхатлар тарки тутсам яхшироқ,
Ким хуш эрмастур йигитлар базмида илло йигит.

Оҳким, ўткарди умрум хушлуғин чархи даний,
Совуғ оҳим бирла сарғарди ҳаётим гулшани,
Гарчи май ичмак эмас умрин кечирган эл фани,
Эй Навоий, қариб ўзни солмаким, айлар сени,
Бир қадаҳ май бирла ул шўхи қадаҳпаймо йигит.

2

Кўргузуб юз, кўнглума юз минг жафому қилмадинг!
Жисм уйидин хаста жонимни жалому қилмадинг!
Хотиримни ишқ ўтиға мубталому қилмадинг!
Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг!
Дуди бирла хонумонимни қарому қилмадинг!

Токи кўрдум йўл озиб, кўй ичра сен дилхоҳни,
Қайси ўтқа солмадинг ҳар дам мени гумроҳни,
Этмадингму жонима қотил ғами жонкоҳни,
Куймакимга барқи офат қилмадингму оҳни,
Ўлмакимга ашкни сели балому қилмадинг!

Қилмадингму паст жисмим ерга, эй сарви баланд,
Аччиқ-аччиқ йиғларимға этмадингму нўшханд,
Тиғ тортиб сурмадингму бошима ҳар ён саманд,
Жавр тиғидин танимни қилмадингму банд-банд,
Фурқатингдин банд-бандимни жудому қилмадинг!

Юз тазаллум айладим, ул шўхи мавзун қилди зулм,
Меҳнату дардим киби ҳар дам дигаргун қилди зулм,
Арзи ҳолим кўнглума қилдим баён, чун қилди зулм,
Эй кўнгул, ҳолимни қилдинг арзу афзун қилди зулм,
Билмадингму ё билиб яхши адому қилмадинг!

Даҳр элидин жонға ҳар дам юз бало эрмас дема,
Улки маҳваш бўлса, бемеҳру вафо эрмас дема,
Шеваси гардун киби жавру жафо эрмас дема,
Шиква қилсақ сендин, эй гардун, раво эрмас дема,
Бизни беком айлаб, эл комин равому қилмадинг!

Эй кўнгул, то дарди кўйида гадолиғ топмадинг,
Билки, аҳли дард ичинда подшолиғ топмадинг,
Кўрмадинг ҳаргиз наво, то бенаволиғ топмадинг,
Баҳри ишқ ичра, Навоий, ошнолиғ топмадинг,
То бу бир кўзни Арас, ул бирни Ому қилмадинг.



Mycaddac

Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Қорун устина,
Ганж уза соҳир кўзунг афъиға афсун устина,
Дарди ишқинг улки, қўйди жони маҳзун устина,
Деди кўргач оразинг ул қадди мавзун устина,
Эй қадинг тўбию жаннат хадди гулгун устина,
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина.

Топти жон ҳар дам ўлар ҳолатда бу жисми заиф,
Лаълидин жонбахш сўз айтурда ул шўхи зариф,
Қолди кўзум тийра, жисмим хастаю жоним наҳиф,
Зулфу кўзу лаъли ҳажрига бўла олмай ҳариф,
Бўлди сўзум нозуку кўнглум хушу табъим латиф,
Ҳар қачон солдим назар ул шакли мавзун устина.

Келса Чин суратгари бир дам жамолинг қошиға,
Жон фидо қилгай ҳамул дам суратинг наққошиға,
Лоладур ширин лабинг, Фарҳодким, қон ёшиға
Ғарқ ўлуб, тушмиш гузори ҳажр тоғу тошиға,
Сарв анингдек қоматинг ҳайронидурким, бошиға
Қилди қушлар ошиён, андоқки Мажнун устина.

Кўз йўлин, эй ишқ, ҳар соат тўла ёш айлама,
Эй кўнгул, ёшимға парголангни йўлдош айлама,
Эй кўз, ашкимни сариғ юзумга дурпош айлама,
Ёшурун ишқим сўзин машҳури авбош айлама,
Ҳар дам, эй кўз ёши, юз кўрмай, мени фош айлама,
Давлатимдин оғнадинг йиллар чу олтун устина.

Жуббаи синжобинг ичра васла-васла қоқуми,
Туғди ҳижрон шомида бир-бир саодат анжуми,
Бор қамар, ақрабда, эй, ишқинг маломат қулзуми,
Оразинг кофурида ул зулфи мушкин гаждуми,
Анбарин қошинг хамида холдек кўз мардуми,
Мушки тардин нуқтаи сулсидурур нун устина.

То кўнгул сайдиға қўйди ул ғазоли Чин кўнгул,
Бўлди шерафканлар аъзоси аро хунин кўнгул,
Баски тортар ҳар санамдин бир жафо ғамгин кўнгул,
Қилди жавридин аларнинг тарки ақлу дин кўнгул,
Неча чексун хўблар илгидин жафо мискин кўнгул,
Мунчаму офат келур бир қатраи хун устина!

Чун Навоий ашки баҳр ўлди, чекиб ранжу тааб,
Кемаликдин кўзлари ул баҳр аро топти лақаб,
Кўзида, тонг йўқ, агар туттунг мақом, эй нўшлаб,
Чун кирар эл кемага қилмоқ учун айшу тараб,
Гар ватан Лутфий кўзида тутмадинг, йўқтур ажаб,
Уй қўпормоғлиқ эрур душвор Жайҳун устина.



Мусамман

Ҳар тараф азм айлаб ул шўхи ситамкор, эй кўнгул,
Тиғи ҳажридин неча бўлғайбиз афгор, эй кўнгул,
Чун сафар айлаб эди бир қатла дилдор, эй кўнгул,
Дарди ҳажриға бўлуб эрдук гирифтор, эй кўнгул,
Бўйлаким, таъриф этиб ғурбатин бисёр, эй кўнгул,
Шаҳру кишвардин малолат айлаб изҳор, эй кўнгул,
Англадинг ё йўқмуким, айлар сафар ёр, эй кўнгул,
Ваҳки, бўлдуқ ёна ҳажри илгидин зор, эй кўнгул.

Аҳли ишқ ичра манга дарди фироқ ўлмиш насиб,
Бу эмас дардики, они дафъ эта олғай табиб,
Ёрни ғурбат сори тарғиб этар ҳар дам рақиб,
Ваҳки, ул гул фурқатидин ўлгуси бу андалиб,
Чун сафар асбобини омода айлабтур ҳабиб,
Бир тараф гўё азимат қилғудектур анқариб,
Ул худ айлар азм, мен ҳам хастадурмен, ҳам ғариб,
Гоҳ-гоҳи бўлғасен мендин хабардор, эй кўнгул.


Эй кўнгул, сен севдунг ул ойнию бўлди улфатим,
Ким тамошосиға кундин-кунга ошти ҳайратим,
Ул борур эмдию ўртар жонни доғи ҳасратим,
Шуъла гардунға чекар ҳар лаҳза сўзи фурқатим,
Гар десам ҳамраҳ борай, заъф ичра кўптур шиддатим,
Йўқ турарға тоқату муҳликтур онсиз меҳнатим,
Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим,
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул.

Ёр чун айлаб сафар, паймону аҳдин синдурур,
Минг алам юз захмлиқ жонимға ҳар дам еткурур,
Гар десам ҳамраҳ борай, табъида шиддат билгурур,
Бормасам, ҳажри бало ўқи танимға ёғдурур,
Ҳар бирида бир суубатдурки, жонни куйдурур,
Бормоғим йўқ мумкину турсам, фироқи ўлтурур,
Бора худ олмон, туруб ҳам, чун тирилгум йўқтурур,
Бас видоъинг қилдим, андин қолма зинҳор, эй кўнгул.

Ҳар қаён борса, рафиқу ҳамқадамким бўлғасен,
Шодмони айш ё ранжури ғамким бўлғасен,
Ноумид ўлма, гирифтори аламким бўлғасен,
Ўзни гум қилма, азизу муҳтарамким бўлғасен,
Бил ғанимат, итларидин неча камким бўлғасен
Сен бўлурға маҳрами рози ҳарамким бўлғасен,
Маҳраме гар бўлмасанг, хуштур бу ҳамким, бўлғасен
Итларига роздору соҳиб асрор, эй кўнгул.

Ул мусофир хайлини итдек эришсанг хору зор,
Ранждин жонинг наҳифу тошдин жисминг фигор,
Қайси мавзеъники манзил айласа ул шаҳсувор,
Кеча тонг отқунча қилсанг посбонлиқ ихтиёр,
Солсанг ўзни ичкари, гар ғойиб ўлса пардадор,
Қовса, чиқсанг — қовмаса, даргаҳ аро тутсанг қарор,
Ногаҳони гар бўлуб толиъ мусоид, бахт — ёр,
Топсанг ул ой бирла сўзлашгунча миқдор, эй кўнгул.

Ҳажру фурқат андуҳидин телбалардек чекма ун,
Мастлардек сўз адосин қилма, кўп айтиб узун,
Авло улким, оҳ ўтидин қилмасанг зоҳир тутун,
Этмасанг саргашталик дашт узра андоқким, қуюн,
Боргоҳи айшида бир гўшада тутсанг ўрун,
Жаннатойин базмиға эл маст бўлмастин бурун,
Илтимосим будурурким, барча элдин ёшурун,
Қилғасен мискин Навоий дардин изҳор, эй кўнгул.



Паржизбанд

1

То харобот аромен дурдошом,
Мастлиғ бирла ишим айш мудом.

Ким агар соқийи маҳваш тутса
Май қуёшини, тўла айлаб жом.

Мени бу куфр тариқида билиб,
Келдилар бошима аҳли ислом.

Қилдилар шайхи риёйиға залил,
Берибон савмаа кунжида мақом.

Шайхдин етмади нофиъ иршод,
Хилват ичра доғи юзланмади ком.

Риндлар хидматидин комим бу,
Ки фано касбиға қилсам иқдом.

Солса май кўзгусида орази акс,
Кўзгуни акс ила қилсам ошом.

Куч била тавба бериб майкададин
Чекдилар, зоҳир этиб зулм тамом.

Муддате ранжу риёзат чектим,
Қилиб ўзумга танаъумни ҳаром.

Хонақаҳда ёшурун бода ичиб,
Айладим дайр сари мает хиром.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

II

Куйдум ул ҳусни жаҳонородин,
Ўлдум ул нуктаи руҳафзодин.

Руҳума ҳол тағайюр топти,
Кўруб ул нахли қади раънодин.

Бўлди ошуфта димоғимға футур,
Ҳар дам ул турраи анбарсодин.

Жонға хуноби ҳалок ўлди насиб,
Ул ики лаъли қадаҳпаймодин.

Васлини ҳар нечаким, туттум умид,
Бўлмади наъраву вовайлодин.

Тоату тақво ила бўлмади кам
Ишқ ошуби мени шайдодин.

Ҳушсиз бўлди кўнгул жилва чоғи
Ул ики орази маҳсиймодин.

Дину имонима офат етди
Ул бути ишвагари тарсодин.

Зуҳд туттумки, унутқаймен ани,
Кеча-кундуз қилибон Ҳақ ёдин.

Эмдиким, зуҳд ила очилмади иш,
Чиқибон савмааи тақводин.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

III

Ишқдин кўнглум эрур дардолуд,
Ҳажрдин жоним эрур ғамфарсуд.

Ул бути ҳур сифат шавқидин
Бўлди нобуд манга буду нобуд.

Олам аҳли аро мақбул ўлмоқ
Не осиғ, гар санга бўлсам мардуд.

Кофири ишқ ўлубон, дайр сари
Айладим азму бу эрди беҳбуд.

Боғлабон руст белимга зуннор,
Айладим маст бут оллинда сужуд.

Бода, эй муғбачаким, дайр ичра
Будурур базмим аро эмди суруд.

Чарх эмастурки, ул ой ишқидин
Чиқибон эвруладур бошима дуд.

Васлинг иқболини тақво йўлидин
Тиладим, тутмади ул чунки вужуд.

Муни билгач, етибон муғбача маст,
Бода туттию бу эрди мақсуд.

Чун шуҳуд ўлди муяссар майдин,
Ёр ҳам шоҳид эди, ҳам машҳуд.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

IV

Менки, муғ дайри аро эрдим шод,
Хотирим дағдағалардин озод.

Дайр пири карамидин хушнуд,
Муғбача ишвалариға муътод.

Ким санга бу келишу кетмакдин
Айшу ишрат худ эмас эрди мурод,

Сайр бўлди бари оламда ишим,
Аёғим остида тай бўлди билод.

Ҳар тариқ аҳли сари юз қўйдум,
Бас, паришонвашу ошуфтаниҳод.

Оқибат бўйла паришонлигда,
Май била муғбачани айлаб ёд.

Бу танаъумлар аро хотирима
Тушти андишаи мабдаъю маъод.

Маърифат эрди ғараз хилқатинга,
Манга кўнглум бу сўз эткач иршод.

Кимгаким, ҳол дедим, бор эрмиш
Анга ҳам ушбу аламдин фарёд.

Ҳар неча саъйни кўпрак қилдим,
Топмади ҳеч ишим ойини кушод.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

V

Ой юзунг боғи баҳори олам,
Арақ ул юзда гул узра шабнам.

Гулдек ул чеҳраға қул боғда кўп,
Қошларингдек янги ой чархда кам.

Ул оғиз келди чу маъдум, не ком,
Жонға андин агар ўлмаса адам.

Зухду тақво элидин кўп етти
Ҳар дам ул телбага бедоду ситам.

Ул ҳарамдин деди, мен буткададин,
Бир-бирига сўз уланди маҳкам.

Чун чиқишмай арода суҳбатимиз,
Ул ҳарамға қадам урди, мен ҳам.

Етар ул юзга фуруғ оҳимдин,
Ўтни андоққи, ёруқ айлар дам.

Чунки бу дайри фано ичра кўнгул,
Олами ишқинг аро бўлди алам.

Туно кун чиқмиш эдим майкададин,
Ки йўлуқти манга бир шайхи дажам.

Мустамиъ паст эдию нукта бийик,
Тунд ўлуб, урди Ҳарам сори қадам.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

VI

Эй бути сарв қади гулрухсор,
Ғунчанг айтур чоғи ширин ғуфтор,

Майи гулгун юзунга шуъла солиб,
Ул гулунгни бу гул айлаб гулнор.

Оразинг кўнглума очти юз гул,
Кирпикинг бағрима тикти минг хор.

Ҳар нафас лаъли лабинг нукта била
Исо эъжозини айлаб изҳор.

Дайр томи уза то кўрдум ани,
Нола ноқус киби тортиб зор-зор.

Шайх Санъон киби дин тарки қилиб,
Зуҳду тақводин этиб истиғфор.

Тоби зулфингда каманд ичра шикает,
Холи хаттингда тун ичра айёр.

Ул не тарсоки, Масиҳоға эрур
Оллида дам ура олмоқ душвор.

Габрки, шол солиб эгнимга,
Бўлубон ҳушу хираддин безор.

Бути тарсо қошида сажда қилиб,
Куйдуруб Мусҳафу боғлаб зуннор.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

VII

Улки, бор ой киби рухсора анга,
Бўлмишам бедилу бечора анга.

Кўйига борди кўнгул, то неткай
Яна ул шўхи ситамкора анга.

Тиғи ҳажрингдин эрур юз пора,
Юз туман минг яра ҳар пора анга.

Хоранинг дафъи учун бўлди насиб,
Ғарқалиқ баҳри фано ора анга.

Дарду бечоралиғ ўтти ҳаддин,
Яъс зўр айлади якбора анга.

Дуди оҳим ғамидин бўлди сипеҳр,
Ашк эрур кавкаби сайёра анга.

Қайси захмини кўнгулнинг тикайин,
Чун ададдин кўп эрур ёра анга.

Бош чиқармон кўзум ашки суйидин,
Ки фалакдин ёғадур хора анга.

Топмади ёр сари йўл нечаким,
Бўлди саргашта бу овора анга.

Чунки фаҳм ўлдики, мутлақ йўқ эмиш
Жуз маю дайри фано чора анга.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

VIII

Яна муғ дайрида масту бебок
Кезарам, бош ялангу хирқам чок.

Бода гирдоби аро зор таним,
Ўйладурким, тенгиз ичра хошок.

Ваҳ, не кўлокдур ул баҳрғаким,
Мавжға тушса, юолғай афлок.

Менки, ул баҳр аро жон топмишмен,
Заҳрдур, оғзима олсам тарёк.

Топмасам жоми майи ноб даме,
Даҳр айлар мени беҳад ғамнок.

Туну кун ул сифат усрукменким,
Шомдин субҳни қилмон идрок.

Қўрқарам, ташламағай ташқари, гар
Чарх солса бу тенгизга кўлок.

Бўйла май баҳрини индурди экин,
Суда шохи уза чирмашқан ток.

Майкада баҳридоғи маст наҳанг,
Хонақаҳ ичра не топқай жуз хок.

Яқин эрдики, яна савмаада
Бўлғамен ранжи хумор ичра ҳалок.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

IX

Манга дайр ўлди чу Байтул-Маъмур,
Дайр пириға бўлубмен маъмур.

Қилма, ё Раб, аниким, бўлғаймен
Ул макону бу макиндин маҳжур.

Дайр аро мен не сабоҳу не масо,
Масти майимен не синину не шуҳур.

Англамонким, нега гардун солди
Айшим авзоиға бу навъ футур.

Дам-бадам тутмоқ ила муғбача май
Еткурур эрди замиримға сурур.

Эмдиким, ҳар ён этиб касби ҳаво,
Бўлғудек кўрдум ўзумни махмур.

Чун азалда бу май эрди қасамим,
Бода ичмакда эрурмен маъзур.

Неча кун дайри фанодин чиқибон,
Кўнгул озурдаю жондур ранжур.

Менки, муғ дайрида эрдим сокин,
Бор эди айш манга номақдур.

Дайрдин маст чиқиб, май тиладим,
Кимсадин етмади бир жоми ҳузур.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

X

Бу кеча кўзларим эрди бехоб,
Жонима ранжи хумор ичра азоб.

Ёр наргисларидек жонда хумор,
Тан аро сунбулидек печ ила тоб.

Дайр эшигида эди базми ғариб,
Риндлар барчаси масти майи ноб.

Базми маъни била дарёйи фано,
Май тағори бу тенгизга гирдоб.

Кўзи тушкач манга ҳам лутф била
Чорлаб ўлтуртуб, этиб бўйла хитоб.

Тутубон ўйлаки, гардун соғар,
Мен бўлуб ул май ила масту хароб.


Субҳидам жоми сабуҳи тилабон,
Айладим майкада азмига шитоб.

Дайр пири бўлубон хокнишин,
Лек ҳиммат йўлидин аршжаноб.

Ҳар кишигаки, тутуб бир соғар,
То абад ҳуши бўлубон ноёб.

К-эй хумор илгида ринди ожиз,
Сени махмурлуғ этмиш бетоб.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!



Сокиннома

I

Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
Қатраси лаъл, вале якдона.

Лаъл кони киби хумдин чиқибон,
Лаъли якдона узумдин чиқибон.

Ранги ўтда қизиған наъл киби,
Тоби шоҳ афсарида лаъл киби.

Руҳға ламъасидин нуру сафо,
Тобидин ҳурға йўқ сатру хафо.

Жом дарҳўр анга каъси хуршид,
Дема хуршидки, жоми Жамшид.

Бўлса чун базмда худ Жамшиди замон,
Тахти заркор уза хуршид макон.

Шоҳлар оллида човуш янглиғ,
Ақл анинг даркида беҳуш янглиғ.

Тобиъи рой ила ҳукми хонлар,
Амри маъмури бўлуб султонлар.

Тахти олий бу бийик торамдин,
Хайли кўпрак бу қалин анжумдин.

Тутса анда чу шафақгун майи ноб,
Жоми мийнойи аро лаъли музоб.

Ушбу майким, ани таъриф эттим,
Зикрин айларда-ўқ ўздин кеттим.

Шаҳ ани Хизр суйидек ютса,
Менга ҳам дурди жомин тутса.

Боданўш ўлди чу ҳамдастона,
Арз қилсам неча сўз мастона.

К-эй улус хони, шаҳи чархжаноб,
Хотиринг баҳру кафинг мисли саҳоб.

Бевафодур фалаки буқаламун,
Созу оҳангига йўқ бир қонун.

Йўқ бақо жоҳ ила шавкатқа доғи,
Йўқ вафо умр ила давлатқа доғи.

Шукр ангаким, қилибон шоҳ сени,
Қилди ҳар нуктадин огоҳ сени.

Кўрки, ҳар шаҳки, юруб олди жаҳон,
Барча бордур қаро ерда ниҳон.

Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани,
Иккига тож ила авранг қани?

Қани Жамшиду Фаридун охир,
Бирини қўйдиму гардун охир?

Не Каёни бору не Сосоний,
Не Скандар, доғи не Ашконий.

Қолмади Рустам ила Сом доғи,
Яздижурд ўттию Баҳром доғи.

Қани хонлар хони Чингизхон,
Ўкдой қаники, эрди қоон.

Қани Темур — шаҳи исломпаноҳ,
Ки жаҳон олди, чекиб хайли сипоҳ.

Жадду обо санга авлод қани?
Оға-ини санга аҳфод қани?

То фалак билди таадди фанини,
Қайсидин олмади ўз берганини?!

Кимга берди қуёш авжида нишаст
Ким яна қилмади туфроққа паст?

Кимга бир нўш ила еткурди баҳр,
Ким яна тутмади юз соғари заҳр?

Йўқ, бу иш жоҳилу доноға борур,
Баҳс бал Хизру Масиҳоға борур.

Чун бу маъни бу сифат топти адо,
Ким не шаҳ қолғуси боқий, не гадо.

Тенгри ёдини унутма бир дам,
Ўзни ғайридин овутма бир дам.

Раҳматидин доғи бўлма навмид,
Ғазабидин доғи ваҳм эт жовид.

Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла.

Тенгри ёди чу санга бўлди ҳисор,
Дод ила адл улус бирла шиор.

Чу булар бўлди, ўзингни хуш тут,
Ҳар баҳона била кўнглунгни овут.

Бир нафас айшдин ўлма ғофил,
Ки жаҳон мулки эрур беҳосил.

Бўлмағил ҳеч нафас ғафлат ила,
Адл қил, йўқ эса бўл ишрат ила.

Ҳар нафас васфини этмак бўлмас,
Чун ўтар, гардиға етмак бўлмас.

Чу фалак боиси ғамдур, хуш бўл,
Сиймпошандаю соғаркаш бўл.

Элга сендин чу етар осойиш
Тенгридин айла тамаъ бахшойиш.

Ки қилиб лутф этгай Ҳаййи Ғафур,
Дунёю охиратингни маъмур.

II

Соқиё, тут манга жоми майи ноб,
Жоми май демаки, лаъли сероб.

Ранги ёқут суйидин тимсол,
Қайси ёқутки, лаъли сайёл.

Дами Исо киби кайфият анга,
Оби ҳайвон киби хосият анга.

Ки манга берсанг ани, сипқорайин,
То даме маст ўлуб ўздин борайин.

Ки мени шоҳи замон ҳижрони
Ўйла қилмишки, дейолмон они.

Шоҳи Жамқадр замон ичра бадиъ,
Ҳар бадиъ ишта макон ичра рафиъ.

«Хамса» ичраки, анга ҳар бир ҳарф
Баҳр эрур, зимнида юз дурри шигарф.

Достонларки, нигориш қилдим,
Онинг отиға гузориш қилдим.

Айладим панд тариқида ғулу,
Юз туман фойдалардин мамлу.

Ёд тутмиш эди шаҳзода барин,
Билиб эрди шаҳи озода барин.

Онсизин панд анга ҳожат эмас,
Ақли кулл оллида эл панд демас.

Қайдаким бўлса, Худо ёри анинг,
Поклар руҳи мададкори анинг.

Кош айёми висолин кўрсам,
Яна бир қатла жамолин кўрсам.

III

Соқиё бодаи мастона кетур,
Дайрдин бодапарастона кетур.

Ўйла майким, чу кўруб бодапараст,
Ичкуча атридин ўлғай сармаст.

Нашъабахш ўйлаки оҳанги «Ироқ»,
Талх ул навъки, хуноби фироқ.

Мутрибо, сен доғи оҳанге туз
Лаҳнида ранги Ҳусайни кўргуз.

Ҳам Ҳусайний сўзидин ранги ғариб,
Ҳам Ғарибий дамидин байти ажиб.

Соз айлаб, мени ҳам шод айланг,
Бир нафас қайғудин озод айланг.

Шоҳлар нодири атвор ичра,
Нуктаю диққату ашъор ичра.

Қилди чун Тенгри мулойим ани,
Асрадик ҳифзида доим ани.

Руҳпарвар сўзи бўлсун ўзидек,
Руҳгустар ўзи бўлсун сўзидек.

IV

Соқиё, тут қадаҳи моломол,
Ранги хуноб сиришкимдек ол.

Поклар ишқи киби нашъаси тез,
Шўхлар ҳусни киби шўрангез.

Қатраси лаъл, вале руммони,
Қайси руммон, дегил ардистони.

Манга берким, чу ани қилсам нўш,
Зойил ўлсун хираду донишу ҳуш.

Сўнгра ул кони латофатқа тутай,
Қурратул-айни хилофатқа тутай.

Ул доғи ичтику хушхол ўлдик,
Ғаму меҳнат анга помол ўлдик.

Токим ул бода била топқач ком,
Ҳар тараф азм этибон қилса хиром.

Ҳар неким коми муяссар бўлсун,
Барча аъдоға музаффар бўлсун.

V

Соқиё, бода кетур ёқути,
Руҳнинг қуввати, жоннинг қути.

Таъм анга шарбати ҳижрон янглиғ,
Лавн анга лаъли Бадахшон янглиғ.

Ложувардий қадаҳ ичра ани сол,
Чархи мийнода шафақ айла хаёл.

Боқибон қуббатул ислом сари,
Ичусун ушбу ғамошом сари.

Улки Ҳайдар отидур, хулқи ҳасан,
Ҳар неким қилса, бари мустаҳсан.

То абад ҳашматидин топсун ком,
Мулки исломда аҳли ислом.

VI

Соқиё, жоми лабо-лаб тутқил,
Адаб асраю муаддаб тутқил.

Бодаеким, неча еткурса тараб,
Ортқай табъиға таъзиму адаб.

То боқиб Марв сори бош урайин,
Бошни кўк манзаридин ошурайин.

Санжари мулкига бўлған ворис,
Санжари сонию балким солис.

Ёди бирла тутай ўзни бир дам,
Бу ғамободи жаҳонда хуррам.

Шоҳи Абулмуҳсин, фаррух дийдор,
Умр ила давлатидин бархурдор.

VII

Соқиё, бодаи гулфом кетур,
Майи гулранг солиб, жом кетур.

Бодаким, руҳ деди ани ҳаким,
Руҳ қути атади табъи салим.

Ховарон лоласидек олтун жом
Ким анга тушса бу роҳи гулфом.

Ҳайъат ичра гули раъно бўлғай,
Ичса шаҳзода, муҳайё бўлғай.

Жоми то ҳашр лабо-лаб бўлсун,
Неча сипқарса, яно ҳам тўлсун.

VIII

Соқиё, тут қадаҳи шавқангез,
Су киби софию ўт янглиғ тез.

Суйи кавсар суйидек жонафрўз,
Ўти дўзах ёлинидек пурсўз.

То ичиб, арбада бобин очайин,
Ҳирманд ариғидек каф сочайин.

Нўш этай чархнинг имдоди била,
Нимрўз аҳли шаҳи ёди била.

Табъиға барча ниҳонлар маълум,
Гарчи майнўш ва лекин маъсум.

Кишвари Зобил анга арзони,
Рустами Зол тақи дарбони.

IX

Соқиё, жоми ҳилоли тутқил,
Бода хуршид мисоли тутқил.

Лавн анга лаъли Бадахшон янглиғ,
Ламъаи хуршиди дурахшон янглиғ.

Қатраси ахтари рахшанда киби,
Чун томиб барқи дурахшонда киби.

Ҳам ўшул жоми ҳилоли била тут,
Бохтар шоҳи хаёли била тут.

Ақли ҳар ишта расо, табъи салим,
Ким эрур нақди Ҳусайн Иброҳим.

Мулк анинг адлидин ўлсун бўстон,
Бир ҳади кишварининг Ҳиндистон.

X

Соқиё, тут майи фархунда асар,
Фаррух ойин қилиб олтун соғар.

Ани ичкан киши тарк айлаб ҳуш,
Нукта сургай, нечаким бўлса хамуш.

Камсухан элни суханвар қилғай,
Ҳар сўзин ўйлаки, гавҳар қилгай.

Ичса, бўлғай шаҳи фархундамаош
Илги зарпошу тили гавҳарпош.

Коми андоқки, керактур ҳосил,
Шоҳ иқболидин ўлсун юз йил.

XI

Соқиё, жоми дилоро хуштур,
Ичида роҳи гуворо хуштур.

Жоми поку майи ноб андин пок,
Қуёшу чашмаи ҳайвондин пок.

То ани ичгали кўргузса ҳавас,
Салтанат боғида сарви наврас.

Ҳам анинг базмиға лойиқ бўлғай,
Пок табъиға мувофиқ бўлғай.

Шаҳға мақбул, доғи мулкга зайн,
Сўзи матбуъ ўзидек ибн Ҳусайн.

XII

Соқиё, тут манга гулбўй қадаҳ,
Халқ кўнглидин аламшўй қадаҳ.

Ўйлаким солса кўнгул уйига нур,
Тийраликни итирур шамъи сурур.

То берай, кўнглум ўлуб гулшанвор,
Кўзга шаҳзода юзидин анвор.

Анга берсун, ё Раб, то бо абад,
Руҳ ила Қосими Анвор мадад.

Чун сўзи хуштур, ўзи хушҳаракот,
То абад бўлсун анга умру ҳаёт.

XIII

Соқиё, жоми ғарибона кетур,
Мен ғариб ичсам ани, ёна кетур

Ким келур кўнглума ул икки ғариб,
Ким ул иккини жало қилди насиб.

Айру шаҳ янглиғ атодин ҳам алар,
Юз туман комраводин ҳам алар.

Не экин ҳоллари ғурбат аро,
Бошқа ғурбатда келур шиддат аро.

Ахтари толиъ ўлуб баргашта,
Бул-ажаб қавм аро саргашта.

Ўзга мулк, ўзга диёр, ўзга даман,
Ўзга халқ, ўзга макон, ўзга ватан.

Туш кўрарларму экин шоҳни ҳеч,
Ватану маскану бунгоҳни ҳеч?

Иккиси ёди била бир қўш тут,
Ки кўнгулдин манга бўлмаслар унут.

Ҳимматин кош барон тутқай шоҳ,
Келгали ул иков иншооллоҳ.

XIV

Соқиё, қил тўла жоми заркор,
Бир ғазал бошла Фаридуносор.

Жомнинг бодаси доғи рангин,
Назмнинг нуктаси доғи ширин.

Назм адосида мувофиқ ясаб ун,
Жоми май назмнигорандаға сун.

Ул иков ёди била ичсун қўш,
Сўнгра қору санга қилдирсун нўш.

Сен доғи дурди жоминг манга тут,
Қўшдин ул доғи берсун сарқут.

XV

Соқиё, тут қадаҳи мийнойи,
Ки улус ақлин этар шайдойи.

Англа мийно қадаҳ ичра майи ноб,
Жоми фирузада ёқути музоб.

Бўлсун чун бода учун базморо
Султон Вайс ибни Бойқаро.

Анга ҳангомаи шавқимни айт,
Доғи шеъримдин ўқуғил бир байт.

Ким жаҳон бўлғуча коминг бўлсун,
Айш базмида мақоминг бўлсун.

Бўлсун учмоқ аро Ҳақдин мағфур,
Атоси Бойқаро ибн Мансур.

XVI

Соқиё, жоми жаҳонбин олғил,
Ичига бодаи рангин солғил.

Жоми Жам ҳайъатининг мазҳари ул,
Балки ойинаи Искандари ул.

Кишига қайғудин ўлса зулмот,
Журъаси бўлғай анинг оби ҳаёт.

Саъй қил, Хизр суйи тўлсун анга,
Чун ичар, оби ҳаёт ўлсун анга.

Отою оғосиға Ҳаййи Мубин,
Равзаи хулд аро берсун таскин.

XVII

Соқиё, тут қадаҳи ақлзудо,
Ким анга юз хираду ақл фидо.

Қатрае қилса куҳанпир ани нўш,
Навжувон ўлғай, этиб жўшу хурўш.

Тут ангаким, эрур иш огоҳи,
Мафхари дудаи Мироншоҳи.

Дейки, эй хисрави гардунрифъат,
Не қолур салтанату не шавкат.

Шаҳру Ҳай, мулку ҳашамни кўрдунг,
Сен доғи мулку ҳашам кўп сурдунг.

Англадинг шоҳлиғ аҳволини ҳам,
Кўрагон тахтию иқболини ҳам.

Барча шаҳларға ато ўрниғасен,
Ё жади комраво ўрниғасен.

Санга олий боридин мартаба ҳам,
Яна кўпрак баридин тажриба ҳам.

Айта олмон санга, эй донишвар,
Ким бор эрди шаҳ ила ҳар кишвар.

Айт, ул шоҳи фалакжоҳ қани?!
Йўқса Баҳмону фалон шоҳ қани?!

Лек дермен қани ул кўзунга нур,
Жисмингга қуввату кўнглунгга сурур.

Салтанат боғида сарви гулчеҳр,
Макрамат авжи уза рахшон меҳр.

Илм афлокида Биржис маҳал,
Барча ашколи улум оллида ҳал.

Назму насриға Уторуд мафтун,
Ҳар савол этса, жавобида забун.

Шаҳлиғу илму йигитлик чоғи,
Фонию сўфию солик доғи.

Васфи теъдод ила сондин ортуқ,
Ҳар неким, айтсам, ондин ортуқ.

Бўйла офоқ аҳли нодирасин,
Илму фақр аҳли шарифу сарасин.

Кўрки, афлоки тааддипеша,
Чархи бадмеҳри, хилофандеша

Қаро туфроққа начук қилди ниҳон,
Ки қарорди манга ҳажрида жаҳон.

Қани ул меҳри жаҳонтоб охир!
Қани ул гавҳари ноёб охир!

Чархдин кўп киши кўрди бедод,
Бўйла бедод киши кўрмас ёд.

Ҳар неча давр вафо этгусидур,
Анга неттики, санго этгусидур.

Чун будур давр, неча кун хуш бўл,
Бебақо даврда фонийваш бўл.

Ўзгалар пандиға бергил пайванд,
Йўқса бастур санга бу воқиа панд.

XVIII

Соқиё, май туту қўйғил сўзни,
Хон қурултойиға еткур ўзни.

Соф май жом аро гар дилкашдур,
Тўстуғон ичра қимиз ҳам хушдур.

Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,
Ётуғон бирла улуғ йирни туз.

Ётуғончию йиров тузгач ун,
Сен қадаҳ олу тўқуз қотла юкун.

Тўра бирла бош уруб тут хонға,
Сарқутин бер мени бесомонға.

Ўзни ул сарқут ила маст қилай,
Сўзни хон базмида пайваст қилай.

Ким аё тўрт улусқа ворис,
Фахр этиб зотинга руҳи Ёфас.

Аслу гавҳар била хонлар хони,
Жавҳари зот ила жонлар жони.

Шаҳға меҳмону, азизу дилбанд,
Ҳам қариндош, яна ҳам фарзанд.

Кўрки, сен кимсену қайдин келасен,
Қайси мулк ичрасену ким биласен.

Ҳеч шаҳ топмади бир хон сендек,
Бу улус кўрмади меҳмон сендек.

Будур уммидки, шаҳ давлатидин,
Эҳтимомию бийик ҳимматидин.

Улча мақсудинг эрур, еткайсен,
Комрон мулкунгга азм эткайсен.

Ато тахтида топиб истиқлол,
Қилғасен хасмларингни помол.

Лек меҳмонга керак ўйла маош,
Ким агар мулкига азм айласа фош.

Мизбонларға малолат еткай,
Хайр бирла эл ани ёд эткай.

Шукрким, беҳад эрур яхшилиғинг,
Андин ортуқ доғи яхши қилиғинг.

Ҳожат эрмас санга бу янглиғ панд
Ким санга панд элидур ҳожатманд.

Ҳам бу янглиғки, шиор айлабсен,
Халқни хулқунгга зор айлабсен.

Тенгри қилсун сенга тавфиқ рафиқ,
Ҳам қилур ишта рафиқинг тавфиқ.

Шаҳға сенсен чу рафиқи жони,
Бир-бирингизга бўлунг арзони.

XIX

Соқиё, тут қадаҳи султоний,
Ичида роҳи анинг райҳоний.

Ким ани ичса гадойи муҳтож,
Бўлғай оллида гадо соҳиби тож.

Маст оллида гар афлок ўлғай
Паст ул навъики, хошок ўлғай.

Тут ангаким, иши бўлди тамкин,
Оти Султон, ўзи дарвиш ойин.

Ҳиммати рифъати афлок сифат,
Нафсининг пастлиғи хок сифат.

Рифъат аҳлиға забардаст келиб,
Хоквашлар қошида паст келиб.

Чун анинг комиға еткай бу қадаҳ,
Нашъасидинки, аён бўлса фараҳ.

Айтким, шукрға бўлғил мойил,
Тенгридин бир нафас ўлма ғофил.

Ким сени фақрға мойил қилди,
Фақр атвориға қобил қилди.

Шоҳ дарвешваш эрса, шаҳдур,
Шоҳу дарвеш ишидин огаҳдур.

Улки, бу қоида мумтози эрур,
Шоҳлар шоҳи Абулғози эрур.

Қилди бу шоҳни тақдир санга,
Ҳам шаҳу ҳам ато, ҳам пир санга.

Отою пиринг эрур шоҳи замон,
Оғою қардошу махдуминг хон.

Иккиси хидматидин хушҳол ўл,
Тенгрига элт бу хидмат била йўл.

XX

Соқиё, жоми Каёний келтур,
Қути арбоби маоний келтур.

Бодаи ламъаси андоқ равшан,
Ки кўнгул ҳужрасида қилса ватан.

Неча ёшунса хаёл абкори,
Зоҳир ўлғай баринг рухсори.

Қайда ул шоҳваши равшанрой,
Ки бўлуб давлат ила базморой.

Ани тут хидматида ҳурмат ила,
Сўнгра арз айла бу сўз хидмат ила.

К-эй шараф авжида меҳри иқбол,
Боғи давлат аро фархунда ниҳол.

Шаҳлиғ Одамғача зотингға насаб,
Одам авлодида йўқ сенча ҳасаб.

Тенгри ончаки санга берди камол,
Айла лойиқ бу камолингға хисол.

Фазл касбиға кўп ўлғил машғул,
Топмасун йўл вале оллингда фузул.

Сени Ҳақ айлади чун гавҳари пок,
Поклар суҳбатидин айлама бок.

Поклар ҳодийи роҳинг бўлсун,
Қодири пок паноҳинг бўлсун.

Бода куфри сари бўлма мудмин,
Ҳақдин ўлди лақабинг чун Мўъмин.

XXI

Соқиё, базмда тут жоми висол,
Ким келур ёдима айёми висол.

Ўтти бир қарнки, ҳижрон аромен,
Васл айёмиға армон аромен.

Меҳрибонлар қани, аҳбоб доғи!
Ҳамнишинлар қани, асҳоб доғи!

Барча ғурбатқа хиром айладилар,
Хулд боғини мақом айладилар.

Ҳар бири ҳажрида кўп ўртандим,
Кўпга чун чекти фироқ ўргандим.

Бириким қолди, басе кўп қолсун,
Умр комини жаҳондин олсун.

Чун Вафойи била бўлди машҳур,
Айласун умри вафо бирла зуҳур.

Кўнгли чун топти вафо ичра сафо,
Деки, мундоқ дедилар аҳли вафо.

Ким вафо соғаридин олсанг ком,
Ич, вафо аҳлини ёд айлаб, жом.

Андаким, ҳажр кумайтин сурдум,
Бир-ики ёр санга топшурдум.

Бири ҳам ёр манга, ҳам фарзанд,
Жонға орому юракка пайванд.

Бири ҳамсуҳбату, ҳамдарду рафиқ,
Туққанимдин доғи юз қатла шафиқ.

Ул бири гулшани умрумда тазарв,
Бу бири боғи ҳаётим аро сарв.

Ул йигитлар сафининг зебоси,
Бу йигитлик фанининг доноси.

Ул жаҳон нодираси ҳар фанда,
Бу қилиб ҳар фан элин шарманда.

Ул бири оти чу мазкур бўлуб,
Мирзобек ила машҳур бўлуб.

Бу бири исмини айларда хитоб,
Мир Дарвеш дебон шайх ила шоб.

Ҳам анинг фурқати куйдурди мени,
Ҳам мунинг ҳасрати ўлтурди мени.

Жонға ҳижронларидин тушмиш печ,
Бу икавнинг хабарин топмай ҳеч.

Санга зоҳир эса, пайғом этгил,
Ҳар не маълумдур, эълом этгил.

Хулд аро бор эсалар базморой,
Вой ҳижронларидин, юз минг вой!

Ҳақ сени даҳрда боқий тутсун,
Шодлиғ соғари соқий тутсун.

Сен қилиб нўш тириклик жомин,
Муғтанам англа ҳаёт айёмин.

Кўрки, умр элга вафо айладиму,
Чарх жуз жавру жафо айладиму?!

Билки, оламда не шаҳ қолди, не бек,
Шоҳи мағфурдегу бекларидек.

Қани султон Саиду хайли,
Барчасин ёпти ажалнинг зайли.

Қани Қанбар Алию, қани Мазид?!
Қани Султону, қани Нури Саид?!

Ҳар бири ўзни тутуб олий шон,
Биридин қолмади оламда нишон.

Барча гар кетти, сен ўлғил жовид,
То абад умрдин ўлма навмид.

Майи мақсуд ила жоминг тўлсун,
Тенгридин оқибатинг хайр ўлсун.

XXII

Соқиё, жомға қуй майдин сел,
Майи хуршиду анинг жоми Суҳайл.

Йўқ Суҳайлеки, бўяр хорони,
Улки гулранг қилур сиймони.

Ким Суҳайлий саридур зор кўнгул,
Кўп тилар суҳбатин афгор кўнгул.

Топмасам ўзни висоли бирла,
Нўш этай ани хаёли бирла.

Очмасам шамъи жамоли била кўз,
Ҳам хаёли била айтай неча сўз.

К-эй жаҳон халқи аро зоти нафис,
Зотинга фазлу адаб икки анис.

Дурри назминг суйи ул навъ равон
Ки оқиб суфтидин оби ҳайвон.

Сенсен улким, яна йўқ сен киби зот,
Нақди маъни била фархундасифот.

Сени қилди фалаки гарданда
Даҳр аро бир гарави арзанда.

Сен эдингким, манга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг.

Зулмларким, манга бу чархи дани
Қилди, қайдин топай айтурға сани.

Ким бири бу эдиким, солди йироқ
Сени, бағримға қўюб доғи фироқ.

Манга гар дарду ғам анбуҳ ўлди,
Қисматим ғуссаю андуҳ ўлди.

Сен фалак меҳнатидин шод ўлғил,
Даҳр бедодидин озод ўлғил.

Олами ҳузн аро бўлма ғамда,
Ўзни хуш тут неча кун оламда.

Кимки, назм ичра гуҳаррез ўлди,
Нуктаси муъжизаангез ўлди.

Лафзи жонбахши нафис анфоси,
Хосият анда ўлук эҳёси.

Саъдию Хусраву Салмону Камол,
Ким эди ҳар бири бешибҳу мисол.

Гарчи чарх этти барин мутавори,
Сен алар ўрнидадурсен бори.

Қайсининг маъразидаким, кирдинг,
Жонин олдинг демайин, жон бердинг.

Ҳар неким айладинг ўтруда савод,
Айладинг ҳар бирининг руҳин шод.

Шодлиғ таркини тутма охир,
Ҳам бу ғамингни унутма охир.

Кимки келса бу тараф, ёд айла,
Тарабойин сўз ила шод айла.

XXIII

Соқиё, тут қадаҳи руҳосо,
Мавж суҳони била ғамфарсо.

Ким киши айласа ул сари майл,
Айлагай руҳини соқийға туфайл.

То Туфайлий била мажлис қурайин,
Бир неча нукта анга еткурайин.

Айтай, эй назм элида нодир,
Рақаминг сиҳру хаёлинг соҳир.

Шеър баҳри аро ғаввоси шигарф,
Дурри макнун сўзидин ҳар бир ҳарф.

Токи сурдунг варақ узра хома,
Назмға тездурур ҳангома.

Анварий бўлсину ё Хоқоний,
Форёбий ё Исфаҳоний.

Чунки сўз оби ҳаётин суздунг,
Руҳини барчасининг тиргуздунг.

Мадҳ услуби эди беравнақ,
Бал чиқиб эрди ародин мутлақ.

Ҳар қасидаки, тузатти рақаминг,
Ё саводин рақам этти қаламинг.

Бўлди маъни юзидин бир олам,
Ул савод анда саводи аъзам.

Ангаким, хома гуҳарбор ўлғай,
Ҳайфким, бухл ила бекор ўлғай.

Кам демак сўзни ҳунар келди мудом,
Санга лекин бу эрур айби тамом.

XXIV

Соқиё, тут қадаҳи ойинаранг
Ки кўнгул кўзгусидин очқай занг.

Бода гулрангу қадаҳ ойинафом,
Сую май мазжини фаҳм эткай ком.

Токим, ул жоми маоний бирла
Сурайин ҳарф баёни бирла.

Эй Баёний, бил ўз оллингда аён,
Нуктаким, айлагум оллингда баён.

Муни англаки, азалда маъбуд
Ҳеч шай қилмаганида мавжуд.

Руҳдин танға хабар йўқ эрди,
Офаринишдин асар йўқ эрди.

Етти иқлим ила тўққуз гардун,
Балки бу дабдабаи кунфаякун,

Бўлғанидин сен эдинг барча ғараз
Ким яратилмади зотингға эваз.

Ул амонатки, еру кўк била тоғ
Ҳамлиға тўзмади арз эткан чоғ.

Бу оғир юкка сен эрдинг ҳомил,
Сирру розиға амину комил.

Мунгаву буйла басе диққат аро,
Мушкил аҳволу ажаб ҳолат аро.

Ёр сендек нечалар бор эдилар,
Суҳбатимда кечалар бор эдилар.

Фалаку анжум аро солиб кўз,
Васфида кўп узалур эрди сўз.

Фалаку анжуми бемеҳру дани,
Барчасиз қилди сени, доғи мени.

Даъвии муғтанам ўзни қилмон,
Сени худ ғайри ғанимат билмон.

Мени хуш тут демак эрмас дилкаш,
Бир нафас бори ўзунгни тут хуш.

XXV

Соқиё, жом кетур дарёваш,
Ки замоне бўлайин дарёкаш.

Ки тириклик нафаси пеш эрмас,
Хизр умри ҳаваси беш эрмас.

Ким сумурган нафас ул дарёни,
Сочайин юз дурри беҳамтони.

Баҳрким, қатраси бўлғай дури пок,
Дема дур, лаъл — бори оташнок.

Оташин лаълни ахтар янглиғ,
Урай эл жониға ахгар янглиғ.

Чекайин мотамиёна ошуб,
Хаста кўнглумни қилай хорокўб.

Телбалар таври алоло айлай,
Телба итлар киби ғавғо айлай.

Чекайин оҳ юракдинки, сипеҳр
Пардаға чирмасун ойинаи меҳр.

Айб эмас, гар бу сифат мажнунмен,
Кўрки, кимнинг ғамидин маҳзунмен.

Қани улким, фалаки даҳр навард,
То эрур саъй била давронгард.

Бир анингдекни тилаб олам аро,
Топмади жинси бани одам аро.

Балки то бўлғусидур даврони,
Ҳам эмас топмоғининг имкони.

Маъни аҳлиға имоми барҳақ,
Ҳақдин ислом аро қутби мутлақ.

Тобею хайли тариқат аҳли,
Солики амри ҳақиқат аҳли.

Кўксининг вусъати юз минг олам,
Кўнглининг ончаки, арши аъзам.

Рутбаси андаки, юз пайки хаёл,
Урса юз минг қадами барқмисол.

Рифъати қатъида топмай воя,
Балки юз поясидин бир поя.

Васфида деса хирад фазлу фунун,
Ақли кул васфи дегай саръу жунун.

Арш урфонида бир паст мақом,
Маст жоми азали орифи Жом.

Мен киби заррани ул янглиғ меҳр,
Бўйла туфроғни ул андоза сипеҳр.

Юз ўзум ҳаддича эъзоз айлаб,
Васфлар бирла сарафроз айлаб.

Сиҳр тасниф аро сурмай қалами,
Ки менинг отима чекмай рақами.

Хомасин қайда қилиб нуктафишон,
Қўйибон мендин ҳам анда нишон.

Хослиғ наътини зотимға чекиб,
Ёрлиғ васфини отимға чекиб.

Чарх бу меҳрин айлаб ғориб,
Меҳрсизлиғдин ичимни ёриб.

Сабру тоқат нечаким кўргузайин,
Бўйла фурқатқа не янглиғ тузайин.

Ҳам магар ҳушни дафъ айлар жом,
Бергай ошубима бир дам ором.

XXVI

Соқиё, тут қуюбон жоми фано,
То кўрайким, недур анжоми фано.

Ул фано жомини чун сипқорайин,
Мает ўлуб, дайри фаноға борайин.

Риндлар базмиғача ком чекай,
Ул харобот элидин жом чекай.

Бўлубон жоми фанодин бебок,
Фониёна қилайин хирқани чок.

Ул фано аҳли аро болодаст
Ким фано туфроғида эрди паст.

Гарчи бор эрди тани хокнишин,
Руҳиға манзил эди иллиййин.

Фонийи мутлақ, озода ҳам ул,
Гармрў, солики афтода ҳам ул.

Йўқ фано дайрида ўздин хабаре,
Қолмайин ўзлукидин ҳам асаре.

Манга зоҳирда атову устод,
Лек маъни аро пири иршод.

Мен анинг бандалиғиға хурсанд,
Ул дебон лек рафиқу фарзанд.

Ҳар ғамеким, етибон даврондин,
Мен топиб барча нажотин ондин.

Дафъ айлаб, чу кўруб менда малол,
Мушкиле етса, доғи ул ҳаллол.

Лақаби Сайид ўлуб, оти Ҳасан,
Лақаби янглиғ оти мустаҳсан.

Ани ҳам чархи мухолифпеша,
Гардиши даври хилофандеша.

Берди йўл равзаи жаннат сари,
Мен тушуб дўзахи фурқат сари.

Сўгвор ўлмишам офоқ ичра,
Мотами чархи кўҳан тоқ ичра.

Кимга бу навъ кишилар кетгай,
Ул қолиб, ноладин ўзга неткай.

Бўлмағай меҳнату дардимға адад,
Бўлмаса руҳидин уммиди мадад.

Топа олмон мени ошуфтамизож
Бодадин ўзга бу дардимға илож.

XXVII

Соқиё, паҳлавийойин май тут,
Паҳлавий лаҳн ила кўнглумни овут.

Паҳлавонона кетур соғари жарф,
Қуюбон майдин анга баҳри шигарф.

Берки, тарки хираду ҳуш қилай,
Паҳлавон ёди била нўш қилай.

Ул тариқ аҳлиға шоҳу сархайл,
Бал тариқатда мутеъи ҳар хайл.

Меҳрваш торами тафрид ичра,
Исавий мартаба тажрид ичра.

Қувват ичра анга ўн пилча зўр,
Хоквашлиғ аро юз ончаки мўр.

Хонида чархваш афрод ғулу,
Барчаға ҳавсала андин мамлу.

Ризқ учун даъби гадоларға наво,
Тутубон барчаға лек ўзни гадо.

Неъматобод чу бунёд қилиб,
Халқни неъмати обод қилиб.

Ҳар гадо илгида бир қурси фатир,
Исиғ ул навъки, бир меҳри мунир.

Таври ҳар фанда келиб мустаҳсан,
Балки ҳар фан аро табъи якфан.

Фанни адворда сеҳр айлаб фош,
Баҳри ашъорда худ гавҳарпош.

Қувват аҳлиға ҳамовард келиб,
Лек дард аҳлиға ҳамдард келиб.

Ҳар бағир ёрасининг марҳами ул,
Қирқ йиллиқ бу гадо ҳамдами ул.

Махфий асрорда дамсоз манга,
Ҳар ниҳон розда ҳамроз манга.

Бори ҳамдамлар ичинда фардим,
Ёриму, ҳамнафасу ҳамдардим.

Они ҳам чархи тааддиойин,
Мендин ойирди, қилиб қасдима кин.

Ҳажрида сабру қарорим йўқтур,
Ғамда жуз нолаи зорим йўқтур.

Дарду ғам боисидур ҳушу хирад,
Қани майким, қилай ўзни бехуд.

XXVIII

Соқиё, кел менга тут бодаи ишқ,
Ким эрур хилқатим афтодаи ишқ.

Бодаким, оғзиға ҳар ким олғай,
Пайкари хирманиға ўт солғай.

Токим, ул ўтқа ўзумни тошлай,
Дарди ишқим ўтидин сўз бошлай.

Ким нелар қилди мени зорға ишқ,
Жони зору тани беморға ишқ.

Кўнглум олди бути шўхе ногаҳ,
Қолмадим ишқида ўздин огаҳ.

Ул пари васли чу бўлди матлуб,
Телбалик қилди кўнгулни мағлуб.

Чун жунун ишқ ила бўлди дамсоз,
Асрай олғайму киши кўнглида роз?

Ониким, маҳрами асрор дедим,
Дарддин кўнгли хабардор дедим.

Чидай олмай қатиқ аҳволимдин,
Оллида шаммае ўз ҳолимдин.

Дедиму, ваҳ, демагай эрдим кош,
Ким демас сўзни ўзум қилдим фош.

Зор жисмимға анолар келди,
Телба бошимға балолар келди.

Чарх ёғдурди манга тиғи ситам,
Балки даврон ҳаму даврон эли ҳам.

Кимки ёрим эди таври аҳсан,
Бўлди жонимға қатиқроқ душман.

Ўзу ёт неши малолат урди,
Еру кўк бошима тош ёғдурди.

Ақрабо танға уруб тиғи жафо,
Кўзума игналар урди зуафо.

Кечибон боштин, аёғдин туштум,
Ўлгали заъф ичида ёвуштум.

Дарду ранжим ҳадду ғоятдин кўп,
Маразим бўлди ниҳоятдин кўп.

Танда юз дарду суубат кўрдум,
Жонда юз онча уқубат кўрдум.

То ишим ўлмак ила тутти қарор,
Бўлди бошимдин атиббоға фирор.

Мен бўлуб умр ила жондин навмид,
Шаҳ бериб васл уммидиға навид.

Яна бу сўз била жоне топибон,
Бир дам ўлмакдин амоне топибон.

Мени бадрўзға, ваҳ, қайси висол
Ким хаёлимда висол эрди муҳол.

Мингдин ортуқ манга тобиъ била хайл,
Бири имдодима кўргузмади майл.

Улки, ишқида малолим бу бўлуб,
Шиддати ҳажрида ҳолим бу бўлуб.

Демайин бир доғеким, беморе,
Ишқим ўти аро куйган зоре.

Бир бузуғ кунжида афгор ўладур,
Дарди ҳижроним аро зор ўладур.

Борибон шефта кўнглин сўрайин,
Лутф ила жисмиға жон еткурайин.

Ўтти бу зорлиғимға икки йил,
Ҳар замонин икки йил чоғлиғ бил.

Эмдиким, юзида хат бош урмиш,
Гулиға сабза сипаҳ келтурмиш.

Гаҳ-гаҳе ҳолима парво айлар,
Саъб ҳолимни тамошо айлар.

Лек билмон анга кимдур асҳоб,
Ким била ҳар дам ичар бодаи ноб?

Ким била кундуз экин бехуду маст,
Кеча қай базмда эркин побаст?

Кимга бу навъ бало бўлса насиб,
Маст хушроқдурур ул зори ғариб.

XXIX

Соқиё, кўнглум этар бода ҳавас,
Лутф қилғилки, эрурман бекас.

Тут ғариб ун била паймона манга,
Кўргузуб хулқи ғарибона манга.

Йиғламоқ ҳолима бир дам фан этай,
Зору бекаслигима шеван этай.

Ким жаҳон ичра басе сайр эттим,
Дайру масжидқа доғи кўп еттим.

Гаҳ тушуб хайли муножот ичра,
Гаҳ қолиб аҳли харобот ичра.

Қавм-қавм ичра кўруб меҳнатлар,
Хайл-хайл ичра чекиб шиддатлар.

Юзланиб шавкату, жоҳу иқбол,
Қисматим бўлди басе мансабу мол.

Ҳар не эл қилди талаб, мен топтим,
Барчадин силкиб этак, кўз ёптим.

Улча мен топқали бор эрди ҳавас,
Ким топилмади вафо эрдию бас.

Бир вафо кимгаки, мен қилдим фош,
Юз жафо ўтруда эрди подош.

Кўз анинг йўлиғаким, еткурдум,
Кўзда юз неш балосин кўрдум.

Қайсининг оллидаким, қўйдум бош,
Ёғди бошимға жафосидин тош.

Кимки мадҳини деди неча тилим,
Тилади қилғай ани неча тилим.

Улки, авсофи манга ўлди рақам,
Истади айламак илгимни қалам.

Кўргузуб меҳр, жафо етти манга,
Жон бериб, дарду бало етти манга.

Олам аҳлида чу йўқ аҳли вафо,
Айларам мен доғи жонимға жафо.

Чун бир иш мумкин эмас оламда,
Йўқ эмиш жинси бани одамда.

Гарчи мен дард чекиб, ғусса ютай,
Ўзни не навъ ул иш аҳли тутай.

Даъвии кизб қилиб ўз сўзума,
Қиладурмен туҳмат ўз-ўзума.

Бир вафо аҳли агар даҳрда йўқ,
Дашту води элию шаҳрда йўқ.

Бу сифат соҳиби мен басдурмен,
Бевафолар киби эрмасдурмен.

Авло улдурки, бу сўздин кечсам,
Май ўзум тутсам, ўзум-ўқ ичсам.

Йўқ вафо аҳлики, бир жоми вафо,
Тутса, қилмай манга бедоду жафо.

Шоми айш ўзни ўзум маст қилай,
Субҳи маҳшарғача бехуд йиқилай.

XXX

Соқиё, дўстлуғе кўргузгил,
Дўстгона қадаҳе еткузгил.

Ким кирар дўстларим ёдимға,
Ўт солур хотири ношодимға.

Чектилар барча жамол узра ниқоб,
Ўйлаким, меҳр жамолиға саҳоб.

Бириси пири Муаммойи эди
Ким Ҳарам бодияпаймойи эди.

Яна бир нағмазани соҳиби ҳол,
Ҳам анинг ҳамқадами Хожа Камол.

Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ,
Лек кўп эрди Бадиийда нифоқ.

Ёр Танбал эди софу беғаш,
Зоти хуш, ҳайъати хуш, нуктаси хуш.

Яна бир олими Сабзаворий эди,
Ким маоний дурри гуфтори эди.

Ҳар бир ўз таврида бешибҳу назир,
Бордилар барча — не айлай тадбир.

Бўлайин ёдлари бирлан маст,
Яна то кимсага бўлмай побаст.

XXXI

Соқиё, айла тўла паймона,
Манга тутқил қадаҳи шукрона.

Бодаким, шиквани қилғай зойил,
Тилни Ҳақ шукрига эткай қойил.

Нутқнинг гарчи шикоят дери бор,
Шукрдин доғи ҳикоят ери бор.

Ким агар бордилар андоқ асҳоб,
Яна жамъи ҳам эрурлар аҳбоб.

Бириси Мир Атойи янглиғ,
Бири дарвиш Фанойи янглиғ.

Ул бири илм сипеҳри уза меҳр,
Бу бири фазл қуёшиға сипеҳр.

Ихтиёр улки, эрур нозук табъ,
Лутф майдони аро чобук табъ.

Осафий улки, не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам.

Яна бир келди Биноийки, фунун
Касбида айламади манъи жунун.

Яна бир дарду ғамим огоҳи,
Ҳамдамим, ёр Зиёратгоҳий.

Яна бир Машҳадий — ул даҳрда тоқ,
Пок таҳриру каримул ахлоқ.

Бир Шафиъийдур ул пок сифот,
Ким муаммода чиқармишдур от.

Бириси шориби жоми таҳқиқ,
Мунису раҳбару ғамхору рафиқ.

Яна девонаи Котибий, хаёл
Тушса, ҳар ғамға қилур дафъи малол.

Яна ҳам бир нечадурларки, Аллоҳ
Лутф ила барчадин ўлсун огоҳ.

Ўзгасин қилмадим андин мазкур
Ки «Мажолис»да эрурлар мастур.

Гар алар тутти эса дашти адам,
Шукр, бу хайл эрурлар ҳамдам.

Шукри, неъматқа чу ҳамдаст бўлай,
Жоми шукрона ичиб мает бўлай.

Дарди ҳижрон эса ё софи висол,
Ҳар сабаб бирла бўлайин беҳол.

XXXII

Соқиё, базм ишидин бўлди фароғ,
Тутқил эмди манга отланур аёғ.

Бода гулгунини сол майдонға,
Мени мастона кетур жавлонға.

То тутай дайри фано жониби йўл,
Йўлда гаҳ енг солайин, гоҳи қўл.

То фано дайри фазосиға кирай,
Риндлар базми аросиға кирай.

Барчанинг хидматида ер ўпайин,
Ичуруб жоми муғона, қўпайин.

Мен доғи жом чекиб моломол,
Айлабон ўзни алардек хушҳол.

То бўлуб дайри фано аҳли маст,
Мену мендек яна юз бодапараст.

Шоҳлар шоҳи сарафрози учун,
Риндлар шоҳи Абулғози учун.

Ул кўҳан дайр гадойи бошлиғ,
Яъни ошуфта Навоий бошлиғ.

Масти оҳанги навое қилоли,
Бериё барча дуое қилоли.


Ким фалак жомиға то бўлғай сайр,
Жом даврин тилагай зумраи дайр.

Умри шаҳлиқ аро боқий бўлсун,
Шоҳлар базмида соқий бўлсун.

Авжи хуршид мақом ўлсун анга,
Жоми Жамшид мудом ўлсун анга.

Токи инсонға ҳаёт имкони
Бўлғуси, бўлсун анинг даврони.

Ҳам дуогўйи анинг аҳли яқин,
Ҳам малойика дегайлар омин.



Китғалар

ФАВОЙИД УЛ-КИБАР МУҚАТТАОТИНИНГ САРСУХАНЛАРИ РАЗЗОҚИ АЛАЛ-ИТЛОҚ БАНДА РЎЗИСИН МУҚАДДАР ҚИЛИБТУР САЪЙ БИЛА ОРТМАСИДА АЙТУР

1

Ҳақ таоло бандасининг қисматин
Чун азал девонида қилмиш рақам.

Чун анинг тағъйирининг имкони йўқ,
Негаким, қилмиш ўзи жаффул-қалам.

Кимки, андин ортуқ-ўксук истагай,
Бордур онинг жаҳли ортуқ, ақли кам.

Тенгри эҳсониға шод ўлған, қилур
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.

Шокир ўлмай улки, озу ҳирсдин,
Доим этгай ўзни ғамгин, кимга ғам?!

2

ҲАЗРАТ РИСОЛАТПАНОҲНИНГ МУЪЖИЗАНАМО БАРМОҒИ ТАЪРИФИДАКИМ, ҚАМАР ШАҚҚИДА ЯДИ БАЙЗО КЎРГУЗДИ

Муҳаммади арабий бармоғи ишорат ила
Сипеҳр хонида ой қурсин ул сифат осон

Икки ойирдики, бир нонни хони ичра Халил,
Анингдек икки ушатмоқ эмастурур осон.

3

ШОҲ БИЛА БЕКЛАР ВАСФИЮ ТАЪРИФИДА, АГАРЧИ ВАСФҚА СИҒМАСЛАР

Бизинг шаҳ бирла беклар мажмаъи бор,
Агар жолистурурлар, йўқса рокиб.

Ўзидур ою равшанрой беклар —
Қамар даврида андоққим кавокиб.

4

ЎЗИГА БУ МУЛКДИН ТЕККАН БАЛОЛАР ТОШИНИНГ ОЗОРИЮ БОШ ОЛИБ ЎЗГА МУЛККА БОРУРНИНГ ИЗҲОРИ

Бу мулк ичинда яхши-ёмон таъни тошидин,
Онча етишти бандаи бечораға жафо.

Ким шоҳ мулки бандасиға чора қилмаса,
Йўқ чора эмди мулки Худо, бандаи Худо.

5

МАЖОЗДИН МАҚСУДИ ҲАҚИҚАТ ЭКАННИ ИЗҲОР ҚИЛМОҚ ВА СУРАТДИН ҒАРАЗ МАЪНИ ЭКАНИН ПАДИДОР ҚИЛМОҚ

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.

Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафй улки, беҳақиқат эрур.

6

МАЖОЗИЙ ИШҚДИН МУРОДИ ҲАҚИҚАТ ЭКАНЛАРНИНГ МОНИЪЛАРИҒА МОНИЪ БЎЛМОҚ ВА НОСИҲЛАРИҒА НОСИҲ

Кўрмаса ҳусни мажозий ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошиқеким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз.

7

БУРДБОРУ КЎҲВИҚОРЛАРИНИНГ МАЛАКВАШЛИҒИНИ КЎРГУЗМАҚ ВА ШАЙХИ АЙЁР СИФАТЛАР ШАЙТОНЛИҒИ СЎЗИН ДЕМАК

Бурдбору малакивашқа итоатдур иш,
Шўх, шайтон сифат эшитса, не сўз бош чекар.

Уй аро шайхи замон амрида эрмас сичқон,
Тева афсорини уч-тўрт яшар ёш чекар.

8

ФАРДЛИҒ БОБИДАКИМ, ФАРДНИНГ АГАРЧИ ҲАРФИ ЗАВЖДУР, АММО БАРИСИ ФАРДДУРУР ВА БУ МАЪНИНИ БИЛГАН АҲЛИ ДАРД

Эй Навоий, англаким, хуш оламедур фардлиқ,
Гар қуёш васлин тиларсен, фард бўл зарротдин.

Ул эмастур фардлиққим, жуфтдин фард ўлғасен,
Фард улдурким, мужаррад бўлғай ул ҳар зотдин.

9

ЎЗ НАФСИ КОМЛАРИДИН КЕЧКАНИН ВА НОКОМЛИҒ ЗАҲРУ ХУНОБИН ИЧКАНИН БАЁН ҚИЛУР

Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий баридин,
Қилмади неким буюрди нафси хорижрой анга.

Бу жаҳонда барча нафси воясидин чекти эл,
Ул жаҳоннинг вояси гар музд етмас, вой анга!

10

ЯРАҚОН БЎЛҒАНИДА ЎЗИНИНГ ЗАЪФАРОНИ РАНГИНУ ПАРИ ХАЁЛИНИНГ КЎЗИДА ДАРАНГИН АЙТУР

Ярақон бўлдиму деҳқони қазо,
Заъфарон экти ёшим ариғиға.

Ул парий қилди кўзум сари ватан,
Боқманг, аҳбоб, кўзум сариғиға.

11

УЛ БОБДАКИМ, ҒАЛАТ ҚИЛУР УЛКИ, ҲУСН АҲЛИДИН ВАФО ТАМАЪ ЭТКАЙКИ, ЖИНСИ БАШАРДА ВАФО ЙЎҚТУР, ТО ХЎБЛАРҒА НЕ ЕТКАЙ?

Замона ҳусн элига жон фидо қилиб, не навъ
Вафони мен киби бир бенаво тамаъ тутқай.

Замона аҳлида йўқтур вафо — не еткай анга,
Ки кимса хўбларидин вафо тамаъ тутқай.

12

САХО СЎЗИКИМ, САХИЙҒА МУЖИБИ ЗАБАРДАСТЛИК ВА СОЙИЛ ИЛГИГА МУЖИБИ ЗЕРДАСТЛИКДУР

Кишики, илгини устун тилар, сахо қилдик,
Қўлида заҳри ҳалоҳилу гар Хизр суйидур.

Ки бергучи агар ўлсун гадою олғучи шоҳ,
Берур илик юқорию олур илик қуйидур.

13

ЁМОН ЁМОНЛИҒИНИ ҚИЛМАСА, ЯХШИЛИҒЧА БОР ВА БИР ЯХШИЛИҒ ҚИЛСА ЎН ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒОНЧА БОР

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор,
Ким анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғанча бордур яхшилиғ.

14

ҚАНОАТ СИНУҚ САФОЛИН ЖОМИ ЖАМДИН ВА ФАҚР ҚУРУҚ НОНИН ҲОТАМ ЧЕККАН НИАЪМДИН ЯХШИРОҚ КЎРАР ТАНБИҲИ

Синуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.

Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма
Нишот неъматининг миннатини Ҳотамдин.

15

НОМАИ АЪМОЛИНИНГ ҚАРОЛИҒИН ДЕРКИМ, ДАРЁ СУЙИ БИЛА ОҚАРМАС, МАГАР КАРАМ ДАРЁСИ БИЛА Ё АФВ ТИҒИ СУҲУЛАТЗУДОСИ БИЛА БАЁН ЭТАР

Номаи аъмолим ул янглиғ қародур журмдин,
Ким надомат ашкидин они оритмақ ўлмағай.

Балки гар баҳри Муҳит ичра солиб, йиллар юсанг,
Ул қаро бўлғай саросар, лек бу оқ ўлмағай.

16

ҲАМУЛ МАЪНИДАКИМ ҚАЛАМНИ САФҲА-ФАРСО ДЕБТУР ВА КЎЗИГА ЁРУҒ ОЛАМНИ ҲАМУЛ НОМАДЕК ҚАРО ДЕБТУР

Номаи маъсиятим чашмаи хуршид ичра
Юсалар, кўрмагай эл ўзга ёруғлуқ юзини.

Ҳарфини бир-бир этиб солса фалак жавфи аро,
Шабҳигун қилғай ҳар нуқтаси бир юлдузини.

17

СИЁСАТЛИҒ ҲОКИМНИНГ ИҲТИСОБИДА ВА КЎП ҚОНИН ТЎКАРДИН ҚАТЛИ БЕҲИСОБИДА

Довари Жамқадри Султон Аҳмад улким, мулкдин
Ҳар қаён шоҳ айласа азм, улдурур қойим мақом.

Чун сиёсат бирла кўп тўкти ҳароми қонини,
Иҳтисоб айлаб тўкар бу лаҳза кўп қонин ҳаром.

18

УЧ КИШИНИНГ СЎЗИ НАШЪА ВА МАЪНИСИДИН ЎЗ СЎЗИДА ЧОШНИ ИСБОТ ҚИЛМОҚ ВА БУ МАЪНИДИН МУБОҲОТ ҚИЛМОҚ

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли.

Бири муъжиз баёнлиғ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.

Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи,

Бири қудси асарлик орифи Жом,
Ки жоми Жамдурур синған сафоли.

Навоий назмиға боқсанг, эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.

Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.

19

ОШНОЛИҒ БОБИДАКИМ, АВВАЛИ ВА ОХИРИ АЛАМ ВА ОФАТ ИБТИДОСИДУРУР ВА ШИН ВА НУНИ ШАЙН ИБТИДО ВА ИНТИҲОСИ

Кўрубмен анча ғаму дард ошнолардин,
Чекибмен анча алардин алам, ано бирла.

Ки тушса жоним ажал селиға, эрур хушроқ
Ғариқлиққи, халос ўлмоқ ошно бирла.

20

ДАҲР ЭЛИГА БЕГОНАВАШ ОШНОЛАР БОБИДАКИМ, ОШНОЛАРДИН БЕГОНАЛИҒ ҲАВАСДУР ВА ЙИРОҒЛИҒ МУЛТАМАС

Менки, ўлдум даҳр элига ошнолиғ ранжидин,
Қилмағаймен ошнолиғ, гар Масиҳ ўлсун яно.

Ошнолардин тилармен айласам беғоналиғ,
Қайда мумкин бўлмоғим бегоналарга ошно?!

21

ҲАЗРАТ ИМОМНИНГ РАВЗАИ ПУР АНВОРИ ИЗҲОРИДУР ВА ШАМЪЛАРИ АНВОРИКИМ КАВКАБУ СОБИТОТ НАМУДОРИ

Секкизинчи имом равзасида,
Кечалар онча шамъ собитдур.

Ки дегайсенки, секкизинчи спеҳр
Саҳнида кавкаб савобитдур.

22

СИФЛАИ ДУННИНГ БУҚАЛАМУНЛУҒИДАКИМ НАМУДОРИ ЭРУР ГУНОГУН

Дурангона сўз сифлаи наҳс деб,
Қилур турку ҳиндуға зоҳир нифоқ.

Биайниҳ анингдекки, сичқай чибин,
Оқ узра қарою қаро узра оқ.

23

ҲУНАР АҲЛИКИМ, ҲУНАРЛАРИНИ КЎРГУЗМАК АЙБДУРУР ВА ЭЛ АЙБИН ЁПМОҚ ҲУНАР

Эрур аҳли ҳунар қошинда ҳунар
Айб ёпмоқ, доғи ҳунар топмоқ.

Ҳунарин элнинг ошкор этмак,
Йўқ эса бори айбини ёпмоқ.

24

ЧЕҲРАСИ СОФ ЙИГИТ БОБИДАКИМ, САФО УЧУН ТАРОШ ҚИЛУР ВА УЛ МАҲЗИ КУДУРАТДУР

Соф чеҳранг кўзгу янглиғ пок эди,
То анга поки била бердинг тарош.

Кўзгуни гўёки суҳон айладинг,
Топқали ошиқларинг кўнгли харош.

25

ҲУСН АҲЛИНИНГ ҲАР УЗВИНИНГ ВАСФИДАКИМ, «КУЛЛИ ШАЙИН МИН АЗ-ЗАРИФ ЗАРИФ»ДИН ХАБАР БЕРУР

Юзунгда чашмаи ҳайвон киби лабинг узра
Солур чу соя сочинг, лаълинга етар воя.

Саҳоб соясидин ҳам қачон ибо қилғай,
Агарчи бўлса Масиҳо қуёшқа ҳамсоя.

26

ЎЗ ХИЛҚАТИ ДЕВНИҲОДЛИҒИН ТАВЗИҲ ҚИЛМОҚ ВА ГАБРЛАР ФИСҚИН ЎЗ ТОАТИҒА ТАРЖИҲ ҚИЛМОҚ

Хилқатимни девлар бирла агар қилсам қиёс,
Лоф бўлғай, гар десамким, ул ҳамондур, бу ҳамон.

Тоатимни габрлар фисқиға ёндаштурсалар,
Не бу андин яхшироқ бўлғай, не ул мундин ёмон.

27

НАЗМИНИНГ БАЙТЛАРИН ҒАРИБ МАЪНИЛАР БИЛА ҒАРИБХОНА ДЕБТУР, ЯЪНИ ДОР УШ-ШИФОКИ, МУЖИБИ ШИФО БЎЛҒАЙ

Назмим ичра ғариб маънилар
Ғурабо хайлидин нишонадурур.

Анда ҳар байт неча маъни ила
Байт эмаским, ғарибхонадурур.

28

СИЯҲПЎШ АЗИЗНИНГ ЖУРЖОНҒА БОРҒАНИҒА ТААЖЖУБ ҚИЛУРКИМ, АНДА СИЯҲПЎШ КЎПТУР

Не деб Журжонға борди ул сияҳбахт,
Қаро тўн бирла солиб кўнглига жўш.

Ки бор ул пеша аҳлидин анингдек,
Қаёнким кўз солурлар, юз сияҳпўш.

29

ОҒЗИГА КИРГАН СЎЗНИ АЙТМОҚ МАНЪИДАКИМ, МУЖИБИ БЕЭЪТИБОРЛИКДУР, БАЛКИ НИГУНСОРЛИҚ

Оғзинга кирган такаллум риштасин чекма узун,
Ким бу иштин сарнигунлуқ юзланиб, нуқсон келур.

Кўрки, чун оғзиға кирган риштасиға берди тул,
Анкабут ул риштадин ҳар дам нигунсор осилур.

30

ХАТНИ ҚИРҚҚОН БИЛАКИМ КАМ БЎЛМАС ТАНБИҲ ҚИЛМОҚ БАЛКИ ОРТМОҒИН ЮРУНЧҚАҒА ТАШБИҲ ҚИЛМОҚ

Хатингки, ҳар неча кўпрак тарош қилса, чиқиб
Жамолу хўблуғунг қасрини йиқар кўпрак.

Яна ани дема сабзаким, ул юрунчқадур,
Ки неча яхшироқ ўрған сайи чиқар кўпрак.

31

БУ ҚИТЪА ЎЗ ҚИТЪАЛАРИ ТАЪРИФИДАДУРҚИМ, БУ ҲАМ АЛАРДИН БИРДУР ВА ТАЪРИФ МУНГА ҲАМ СОДИҚ КЕЛУР

Мундоқ муқаттаотким, мен йиғмишам, эрур
Ҳар бир ҳадиқаи хирад айлар учун фароғ.

Мажмуин ўйла кишваре англаки, сатҳини
Ҳикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ.

32

УЛУҒ ЗАРФДА СУҒА СОЛҒАН ЖОЛАЛАР ТАЪРИФИДАКИМ, БАҲР ИЧИНДАГИ ДУРЛАР НАЗИРИДУР ВА МАҲРУРЛАР ДИЛПАЗИРИ

Жолаларким, муз ўрнида судадур,
Лутфи қилмиш ҳаёт суйини гум.

Манга бу лутф ила аён бўлмас
Фалаки обгун аро анжум.

33

ҲАВОНИНГ МУФРИТ ҲАРОРАТИ ВА ЎТДИН АЙРИЛҒАН ШАРОРАЛАРДИН ҲАР БИРИНИНГ БАРҚЧА ШАРОРАТИ

Бир навъ муфрит ўлди ҳарорат ҳаводаким,
Тебранса ел, томуғ ўтидиндур забонае.

Гар хиштхона хишт ила совуғлуғ этса касб,
Бас, дошхона доғи эрур хиштхонае.

34

БУ ДУНЁДА УМРИН РИЁЗАТ БИЛА ЎТКАРГАННИНГ ТАВБА ВА УЛ ДУНЁДА ЖАЗО ТАЛАБИ

Навоий умрин ўткарди машаққат бирла оламда,
Умиди буки, ул оламда топқай комронлиғлар.

Агарчи кофири муфлис масаллик топмади коме
Ва лекин нафси чун кофир эди, қилди ёмонлиғлар.

Гар ул оламда Ҳақ фазл этмасаю адл ила сўрса,
Анга бас бўлди зойиъ мунча чеккан нотавонлиғлар.

35

ЎЗ ТОАТИ САФҲАСИ ТАЪРИФИДАКИМ, КОФИР КЎНГЛИДИН ҚОРАРОҚ ВА НОПОКРОҚДУР ВА БУ ЖИҲАТДИН ЎЗИ ДЎЗАХИЙ КОФИРДИН ҒАМНОКРОҚ

Мангаки, сафҳаи тоат қорадуру нопок
Юзум киби ани оҳим қора қилибтур чум.

Агар суға юсалар ёхуд ўтқа ташласалар,
Судин ориғлиғу ўтдин ёруғлуғ ўлғай гум.

36

МАЖОЗИЙ ИШҚ КЎНГЛИН МАЛОЛҒА СОЛҒАНИ ВА ҲАҚИҚИЙ ИШҚ ОРЗУСИДА ТАФАККУР БАҲРИДА ҚОЛҒАНИ

Эй Навоий, кўп мажозий ишқ ила машъуфсен,
Ўткин андин, доғи ён, ишқи ҳақиқий сори бот.

Иккисидин гарчи ошиқ ўлмаки лозим келур,
Бори ул ўлмакки, бўлғай зимнида юз минг ҳаёт.

37

ҲАЙДАР ҚАЛАНДАРНИНГ БОЗОРНИ ДАВРОН УРҒОНИКИ, ФАЛАК ДАВРОНИДА МУНДОҚ САВДО КИШИГА ДАСТ БЕРМАЙДУР

Эрур даврон урарда Мирҳайдар
Жаҳон саргаштаси, гардун мисоли.

Ёпибон эгнига қоплон териси,
Тутубтур илгига кишти ҳилоли.

38

НАБАВИ ҲАДИС ТАРЖИМАСИДАКИ: «АС-СУҲБАТУ МУАССИРУН» ЯХШИ СУҲБАТ ТИЛАМАК АВЛОКИМ, ТУШКАЙ МУАССИР

Пок раҳравлар била ҳар кимки, бўлди мухталит,
Шак эмастурким, натижа топмас илло поклик.

Ҳар неча бўлса ариғсиз чун ариғлиғ су аро
Хилт бўлди, мумкин эрмас қолмоғ ул нопоклик.

39

ЙИГИТЛАРГА ДИЛБАСТАЛИҒ ЙИГИТЛИКДА ДИЛПИСАНДДУР ВА ҚАРИЛИҒДА БУ ИШ МУЖИБИ РИШХАНДДУР

Киши йигитлар ила ишқибозлиғ қилса,
Йигитлигида эрур хўбу мунда эрмас шак.

Қариға тавбаву тақво керак ва гар бу ҳираф
Ўзини йиғмаса, хуштур сақолиға кулмак.

Ки пўя қилса назар солғали йигитларга,
Валек жисми асо истаса, кўзи айнак.

40

УЙ РАВНАҚИ МУЛОЙИМ ҲАМЗОНУДИНДУР ВА РЎЗГОР ТУРФАЛИҒИ ТУРФА КАДБОНУДИН

Уйда равнақдурур, агар кишига
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону.

Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону.

41

ЎЗ ПАРИШОН КЎНГЛИ ЖАМЪИЯТИН МУМКИН ЭРМАСЛИГИ ВА БУ ЖАМЪИЯТНИ ҲЕЧ КИМ НИШОН БЕРМАСЛИГИ БОБИДА

Юз туман минг пора кўнглум диққати ҳар неча бор,
Лекин эрмастур ани жамъ айламак мумкин бу кун.

Тоғни қум айламаклик саъй ила бўлғай, валек
Шишаи соат қумининг риштаси бўлмас тугун.

42

МАСНАВИЙ ХОЖАИ НАҚШБАНД ҚУДДИСА СУРРУҲУ КАЛОМИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, АВВАЛ БОЗГАШТИ ХОТИРИ ХАСТА ВА БАЪД АЗ ОН ТАВАЖЖУҲИ ДИЛИ ШИКАСТА

Хастанинг бошиға чу қўйди қадам,
Бир шикастадили Масиҳодам.

Бозгашт айлади чу хаста кўнгул,
Неки истар, топар шикаста кўнгул.

Кўнглида чун ҳаво қилур туғён,
Умри шамъиға еткурур нуқсон.

43

ПАҲЛАВОН НЕЪМАТНИНГ СУЛТОНИЙ ХОНАҚОҲДА ХОДИМЛИҚ ТАМАННОСИ ВА ОШ ҲАВОСИДА ПИШУРГАН ХОМ САВДОСИ

Қилибтур Паҳлавон Неъмат таманно,
Ки беклик хонақаҳда қилса хидмат.

Ва лекин эл сўзи буким, керакмас
Мунунгдек хонақаҳда ўйла Неъмат.

44

МАСНАВИЙ МАШОЙИХ КАЛОМИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, НАФЙИ ВУЖУД ВА БАЗЛИ МАВЖУД ДЕБТУРЛАР

Вужудунг нафйу мавжудунгни базл эт,
Чу мавжуд ўлди бу иш, коминга ет.

Ки, фақр ичра нимаким еткурур суд,
Эрур нафйи вужуду базли мавжуд.

45

БАЪЗИНИНГ НЕШУ ЖАФОСИДИН НОЛА ҚИЛҒАНИ ВА КЕЛСАЛАР, ҚОВА ОЛМАСА, МАХЛАСНИ ЎЗ ҚОЧАРИҒА ҲАВОЛА ҚИЛҒАНИ

Манга етса минг зулм неши фалондин,
Иложида ҳолимға ҳайрон қолурмен.

Жафо қилғали қўйса вайронима юз,
Агар қавлай олмон, қоча худ олурмен.

46

ИККИ ТОЗИ БОБИДАКИМ, ПЎЯДА БИР-БИРИСИДИН ҚОЛИШМАС ЭРДИ ОХИР БИРИ АДАМ ДАШТИҒА ТЕЗТАК ҚИЛДИ ВА БИРИ ҚОЛДИ

Икки този бор эрди бекликда
Ҳар бири сайд вақти шершикор.

Бириси иттию бири қолди,
Иткани суръат айлабон изҳор.

Бот етиб, сайдни қопар эрди,
Бу бири ҳам анга ета қопа бор.

47

БИРОВ БОБИДАКИМ, БУ САРОЙИН СОТИБ, ФИСҚ АСБОБИ ТУЗДИ ВА БУ ФИСҚ АСБОБИ БИЛА УЛ САРОЙИН БУЗДИ

Фалони мардак ар сотти саройин,
Демаким, ул саройин яхши тузди.

Қилиб икки саройиға ажаб иш,
Бу бирни соттию ул бирни бузди.

48

ҲАЗРАТ НАБАВИЙ ҲАДИСИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, «КУН ФИД-ДУНЁ КААНАКА ҒАРИБУН АВ ОБИРУ САБИЛИН»

Деди ҳазрати мафхари коинот,
Анга ким эди ҳузнин ўкситгучи.

Ки дунёда бўлғил нечукким, ғариб
Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи.

49

ПОКБОЗЛАРНИНГ ПОК ҲУСНИ ВОЛИҲИ БЎЛМОҚ БИЛА РУХЛАРИҒА ШОИБАИ ОЛОЙИШ ВА НАФСЛАРИҒА ТАСАВВУРИ ОСОЙИШ ЙЎҚЛУҒИДА

Поклар Чину Чигил ҳусни аро бўлған ила,
Кимса олойиш алар жонибиға йўл бермас.

Ким неча ранг раёҳин уза эскан бирла,
Ел ҳарири, қалағай бўлмағи мумкин эрмас.

50

ЎЗ ҲОЛИНИНГ ЙИГИТЛИГИДА ФИСҚ БИЛА ТАБОҲЛИҒИ ВА ҚАРИЛИҚДА ШАРМАНДАЛИҒДИН РЎСИЁҲЛИҒИДА АЙТУР

Йигитлигимдаки, тақвою зуҳд вақти эди,
Фужуру фисқ била зоеъ айладим авқот.

Ўтуб йигитлик, уйла менга келди чун қарилиғ,
Маош одати маъҳуд ила кечурсам, уёт.

Десамки, тоат этиб, саждадин кўтармай бош,
Бошимға урғали лойиқ кўрунуб ул тоот.

Қазодин улча манга келди, зикри ҳожат эмас,
Билур чу шиддати ҳолимни Қозиюл-ҳожот.



Фафлаф

ЖАВОҲИРИ МУФРАДА

1

Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин,
Меҳр боринда ёруғлуғ кўз тутар зарротдин.

2

Наби шаръиға топмок истиқомат
Эрур соликка мушкилрок каромат.

3

Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин Ҳақ хазинасин ҳоли.

4

Етар чу ризқинг, агар хорадур ва гар ёқут,
Ўзунгга юклама андуҳ тоғин, истаб қут.

5

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

6

Такаллуф эрур танға фарсудалиқ,
Анинг таркидур жонға осудалиқ.

7

Музаввир макри бўлди мужиби қайд,
Нечукким, тулку лаъби боиси сайд.

8

Қотиқ эл жисмидин анбарлар олмай нақд эмас восил,
Ки тоғни пора-пора қилмайин, лаъл ўлмади ҳосил.

9

Кўк баҳридин яна тамаъ ком тутмайин,
Ким қатра су томизмас, эл оғзин қурутмайин.

10

Тиндурур бою жиғойни ҳокими равшан замир,
Ёрутур обод ила вайронани меҳри мунир.

11

Не сафо лофин урар ҳиндуи отащдони,
Уй ёрутмас кўсов, ўн қатла ёрутсанг они.

12

Мает муғ дайри риёйи хилватимдин яхшироқ,
Ёшурун исёни зоҳир, тоатимдин яхшироқ.

13

Ранжкаш бўлким, чу тортар чуғз вайрон ичра ранж,
Аждаҳодин бийми йўқ, аммо эрур уммиди ганж.

14

Эл ичра, эй ҳасуд, сени қилди Ҳақ залил,
Ким ноҳақ элга зидсену Ҳақ молиға бахил.

15

Холиқ ўлғон сахийдин элга бўлди икки бахшойиш,
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

16

Ёлғон демакда тажриба аввалғи субҳ бас,
Ёлғон нафас чу урди, қарорди ҳамул нафас.

17

Авлиё поясиғадур етмак,
Топмаса шукру топса базл этмак.

18

Базл ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,
Ўйладурким, орзу қилғай буғу шохида гул.

19

Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо «азза ман қанаъ» билгил.

20

Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

21

Ғофил ўлма, назардин итса аду,
Шамъ ўчурганда, ел кўринурму?

22

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,
Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро.

23

Фориғ эл давронда бори қондадур?!
Ким бу даврондадур, дармондадур.

24

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутар, бўлур ғариқ.

25

Аблаҳ они билки, оламдин бақо қилғай тамаъ,
Аҳмоқ улким, олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ.

26

Истасангким, кўрмагайсен бевафолиғ, эй рафиқ,
Қилма олам аҳли бирла ошнолиғ, эй рафиқ.

27

Жаҳон аруси учун, эйки, асру толпиндинг,
Қачон онинг бошидин кечтинг, ул замон тиндинг.

28

Улки, санга элдин эрур айбгў,
Элга доғи сендин ўлур айбжў.

44

МАСНАВИЙ МАШОЙИХ КАЛОМИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, НАФЙИ ВУЖУД ВА БАЗЛИ МАВЖУД ДЕБТУРЛАР

Вужудунг нафйу мавжудунгни базл эт,
Чу мавжуд ўлди бу иш, коминга ет.

Ки, фақр ичра нимаким еткурур суд,
Эрур нафйи вужуду базли мавжуд.

45

БАЪЗИНИНГ НЕШУ ЖАФОСИДИН НОЛА ҚИЛҒАНИ ВА КЕЛСАЛАР, ҚОВА ОЛМАСА, МАҲЛАСНИ ЎЗ ҚОЧАРИҒА ҲАВОЛА ҚИЛҒАНИ

Манга етса минг зулм неши фалондин,
Иложида ҳолимға ҳайрон қолурмен.

Жафо қилғали қўйса вайронима юз,
Агар қавлай олмон, қоча худ олурмен.

46

ИККИ ТОЗИ БОБИДАКИМ, ПЎЯДА БИР-БИРИСИДИН ҚОЛИШМАС ЭРДИ ОХИР БИРИ АДАМ ДАШТИҒА ТЕЗТАК ҚИЛДИ ВА БИРИ ҚОЛДИ

Икки този бор эрди бекликда
Ҳар бири сайд вақти шершикор.

Бириси иттию бири қолди,
Иткани суръат айлабон изҳор.

Бот етиб, сайдни қопар эрди,
Бу бири ҳам анга ета қопа бор.

47

БИРОВ БОБИДАКИМ, БУ САРОЙИН СОТИБ, ФИСҚ АСБОБИ ТУЗДИ ВА БУ ФИСҚ АСБОБИ БИЛА УЛ САРОЙИН БУЗДИ

Фалони мардак ар сотти саройин,
Демаким, ул саройин яхши тузди.

Қилиб икки саройиға ажаб иш,
Бу бирни соттию ул бирни бузди.

48

ҲАЗРАТ НАБАВИЙ ҲАДИСИ ТАРЖИМАСИДАКИМ, «КУН ФИД-ДУНЁ КААНАКА ҒАРИБУН АВ ОБИРУ САБИЛИН»

Деди ҳазрати мафхари коинот,
Анга ким эди ҳузнин ўкситгучи.

Ки дунёда бўлғил нечукким, ғариб
Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи.

49

ПОКБОЗЛАРНИНГ ПОК ҲУСНИ ВОЛИҲИ БЎЛМОҚ БИЛА РУХЛАРИҒА ШОИБАИ ОЛОЙИШ ВА НАФСЛАРИҒА ТАСАВВУРИ ОСОЙИШ ЙЎҚЛУҒИДА

Поклар Чину Чигил ҳусни аро бўлған ила,
Кимса олойиш алар жонибиға йўл бермас.

Ким неча ранг раёҳин уза эскан бирла,
Ел ҳарири, қалағай бўлмағи мумкин эрмас.

50

ЎЗ ҲОЛИНИНГ ЙИГИТЛИГИДА ФИСҚ БИЛА ТАБОҲЛИҒИ ВА ҚАРИЛИҚДА ШАРМАНДАЛИҒДИН РЎСИЁҲЛИҒИДА АЙТУР

Йигитлигимдаки, тақвою зуҳд вақти эди,
Фужуру фисқ била зоеъ айладим авқот.

Ўтуб йигитлик, уйла менга келди чун қарилиғ,
Маош одати маъҳуд ила кечурсам, уёт.

Десамки, тоат этиб, саждадин кўтармай бош,
Бошимға урғали лойиқ кўрунуб ул тоот.

Қазодин улча манга келди, зикри ҳожат эмас,
Билур чу шиддати ҳолимни Қозиюл-ҳожот.



Фардгар

ЖАВОҲИРИ МУФРАДА

1

Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин,
Меҳр боринда ёруғлуғ кўз тутар зарротдин.

2

Наби шаръиға топмок истиқомат
Эрур соликка мушкилрок каромат.

3

Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин Ҳақ хазинасин ҳоли.

4

Етар чу ризқинг, агар хорадур ва гар ёқут,
Ўзунгга юклама андуҳ тоғин, истаб қут.

5

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

6

Такаллуф эрур танға фарсудалиқ,
Анинг таркидур жонға осудалиқ.

7

Музаввир макри бўлди мужиби қайд,
Нечукким, тулку лаъби боиси сайд.

8

Қотиқ эл жисмидин анбарлар олмай нақд эмас восил,
Ки тоғни пора-пора қилмайин, лаъл ўлмади ҳосил.

9

Кўк баҳридин яна тамаъ ком тутмайин,
Ким қатра су томизмас, эл оғзин қурутмайин.

10

Тиндурур бою жиғойни ҳокими равшан замир,
Ёрутур обод ила вайронани меҳри мунир.

11

Не сафо лофин урар ҳиндуи оташдони,
Уй ёрутмас кўсов, ўн қатла ёрутсанг они.

12

Мает муғ дайри риёйи хилватимдин яхшироқ,
Ёшурун исёни зоҳир, тоатимдин яхшироқ.

13

Ранжкаш бўлким, чу тортар чуғз вайрон ичра ранж,
Аждаҳодин бийми йўқ, аммо эрур уммиди ганж.

14

Эл ичра, эй ҳасуд, сени қилди Ҳақ залил,
Ким ноҳақ элга зидсену Ҳақ молиға бахил.

15

Холиқ ўлғон сахийдин элга бўлди икки бахшойиш,
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

16

Ёлғон демакда тажриба аввалғи субҳ бас,
Ёлғон нафас чу урди, қароpди ҳамул нафас.

17

Авлиё поясиғадур етмак,
Топмаса шукру топса базл этмак.

18

Базл ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,
Ўйладурким, орзу қилғай буғу шохида гул.

19

Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо «азза ман қанаъ» билгил.

20

Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

21

Ғофил ўлма, назардин итса аду,
Шамъ ўчурганда, ел кўринурму?

22

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,
Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро.

23

Фориғ эл давронда бори қондадур?!
Ким бу даврондадур, дармондадур.

24

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутар, бўлур ғариқ.

25

Аблаҳ они билки, оламдин бақо қилғай тамаъ,
Аҳмоқ улким, олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ.

26

Истасангким, кўрмагайсен бевафолиғ, эй рафиқ,
Қилма олам аҳли бирла ошнолиғ, эй рафиқ.

27

Жаҳон аруси учун, эйки, асру толпиндинг,
Қачон онинг бошидин кечтинг, ул замон тиндинг.

28

Улки, санга элдин эрур айбгў,
Элга доғи сендин ўлур айбжў.

Мен бу вайронани ул жавоҳир нақди махзан қилған ҳайратдин мутафаккир ва бу кошонани ул машоил нури равшан этган фикратдин мутаҳаййир:

Равшан қилиб ул чароғи тобанда мени,
Масъуд этиб ул ахтари фарханда мени,
Ҳар нуктаси юз қатла қилиб банда мени,
Ҳар шафқати бандаликда шарманда мени.

Мундоқ ҳолатда:

Нидо еткурди ногаҳ мунҳийи роз,
Ки: — «Эй афсунгару афсонапардоз,

Балоғат кишварининг нуктадони,
Фасоҳат мулкининг соҳибқирони,

Равон хоманг учун айлаб мураттаб,
Аторуд кўз қаросидин мураккаб,

Маоний хайликим, маъний эмас ул,
Ҳамоно қилди хоманг жавфидин йўл.

Улус табъинг саҳоби ёмғуридин
Бўлуб сероб, бал назминг дуридин.

Сўзунг бир авж уза чекти аламни,
Ки сурдунг Арш лавҳиға қаламни.

Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок,
Ки эврулур анинг бошиға афлок.

Валекин бу қадар бикри парисон
Банотун-наъшдек бўлмиш паришон.

Тиларбиз, бу паришон бўлса мажмуъ,
Равон бўлким, эмастур узр масмуъ.

Чу олий ҳимматимиз бўлди мойил,
Сен ўлдунг мунча нодир сўзга қойил.

Бу навъ истайдур эмди ройи олий,
Ки қилғай фикратинг девон хаёли.

Жаҳонда кимга бўлса мунча фарзанд,
Ки бўлғай барча руҳафзову дилбанд.

Равомудур бизинг фаррух замонда
Аларни дарбадар қилмоқ жаҳонда?!

Барин йиғ эмди андоғким атолар,
Сурук тифлин нечукким кадхудолар.

Ки бор ул хайли саргардони сода,
Санга фарзанд, бизга хоназода.

Алар бечораву биз чорарасбиз,
Сен ар номеҳрибонсен, биз эмасбиз.

Чу бўлдинг ҳукм, бор иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сори-ўқ шуруъ эт.

Мураттаб қилмағунча тинма бир дам,
Сўз ўлди мухтасар, валлоҳу аълам».

Бу вожибул-иттибоъ амр вуқуъидин ва бу ясиҳус-сукут ҳукм судуридин дуд бошимға ошти ва ўт думоғимга тутошти, хомам тили лол ва тилим хомаси шикастамақол бўлди. Не шуруъ қилурға қувват ва не узр айтурга қудрат; ғояти изтироб, балки изтирордин ўз воқиъамға содиқ ва ўз ҳолимға мувофиқ тилим бу байтға мутакаллим ва кўнглум бу навоға мутаранним эрдиким:

Навоий ғамға қолди ўз каломи жонфизосидин,
Анингдекким, етар булбулға меҳнат ўз навосидин.

Ки ногаҳ хирад пири наҳиб урди ва ақл хабири юзумга югурди:

Ки: — «Фалон, бу не тийражонликдур?
Не бало ажзу нотавонликдур?

Ранж кўрмай киши топарму фароғ?!
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ?!

Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.

Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!

Айласанг ҳам шуруъу жон чексанг,
Саъйда юз пиёла қон чексанг.

Сенму бергунгдурур анга тазйин?
Балки шаҳ саъйи этгуси тадвин».

Чун хираддин етишти буйла навид,
Манга бўлди ўзумдин ўзга умид.

Тенгри тавфиқин иддио айлаб,
Шаҳ жанобиға илтижо айлаб,

Ҳукм мазмуниға қалам чектим,
Сафҳа тартибиға рақам чектим.

Арзимас гар йиғарға ул хошоқ,
Чун бу дурлар ниҳондур анда, не бок?

Гарчи бас тийраруудур ул зулумот,
Ғам эмас, чун бор анда оби ҳаёт.

Бу девон, иншооллоҳ, бу зобита билаким мазкур бўлур, мураттаб бўлғай ва бу робита билаким мастур бўлур, иҳё топқай. Неча навъ ишким, мунда маръий бўлубтурур, ўзга давовинда кўрулмайдурур. Аввал будурким, ҳар кишиким девон тартиб қилибдурур, ўттиз икки ҳарфдинки, халойиқ иборатида воқиъдурур ва улус китобатида шойиъ, тўрт ҳарфға таарруз қилмайдурурлар. Чун сўз аруси назм ҳариринг матбуъ кисватин ва мавзун хилъатин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳуққайи ёқути доғи ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртиға нуқсон воқиъ бўлса, муқаррардурким, жамолиға андин қусур ва каломиға андин футур воқиъ бўлғусидурур.

Шўхеки, ўқуш ҳусну жамол ўлғай анга,
Бир ҳусн яна ҳусни мақол ўлғай анга.

Лаъли аро дурларида гар бўлса қусур,
Сўз дерда керакким, инфиол ўлғай анга.

Бу жиҳатдин ул тўрт ҳарф гавҳарларин доғи ўзга ҳуруф жавоҳири силкига тортиб, ғазалиётни ўттуз икки ҳарф тартиби била мураттаб қилинди.

Яна буким, ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битилган ғазал била ўзга ғазаллар аросида услуб ҳайсиятидин тафовут риоят қилмайдурурлар. Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё Расул алайҳис-салом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмамоғлиқ авлодурур. Агар лаҳзае бу саодат муяссар бўлмаса, ҳар мутааййин амр ифтитоҳида худ не навъ тағофул ва такосул раво кўрулгай:

Гарчи эрур Тенгри таоло сўзи
Боштин-аёғиға каломи қадим.

Кўрки, эрур аввали ҳар суранинг
«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим».

Бу ишга ҳадис ҳам эрур шоҳиди ҳол,
Ким собит эрурки «Куллу амрин зи бол».

Ҳам буйла аён қилди Худойи мутаол,
Ҳам улча Расул деди, бордур анга дол.

Бу навъ хаёле хотирға келган учун ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалғи ғазалини ё Тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳис-салом наъти била муфаттаҳ, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззаҳ қилинди.

Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуди зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай. Ул жиҳатдин бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға боиси мушаввашлиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламъайи рухсори иффат бурқаъидин кўп ташқари ломиъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирмани ул барқ иҳроқидин билкул зойиъ бўлмағай, йўққим, бу ғазаллар ғазолалари жилвагарлик соз, балки пардадарлик оғоз қилсалар, бу байтларнинг насиҳатсоз воъизлари ва мавъизапардоз носиҳлари мониъ бўлғайлар.

Яъни ул гулчеҳралар ноз этсалар,
Ақлу дин яғмосин оғоз этсалар.

Ишвагарлик қилсалар ғаммоз ўлуб,
Пардадарлик этсалар танноз ўлуб.

Ламъайи оразларидин ҳар нафас,
Қилсалар оламни куйдурмак ҳавас.

Бу насойиҳ аҳли ҳикматлар била,
Юз туман панду насиҳатлар била,

Мониъ ўлғайлар аларға ҳар замон,
То замон ул фитнадин топқай омон

Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасиға намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан матлаъе махсус навъда воқиъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдурур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқиъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъғача сурат ҳайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушкай.

Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман, гулу суман бўлса керак.

Ҳар қайда хазон бўлса, тикан бўлса керак,
Ҳар қайда тикан, ранжу миҳан бўлса керак.

Зоҳид хуш эмастурур харобот ичра,
Фосиқ не тилар аҳли муножот ичра?

Ғурбатки, қотиқ тутубтур они бори халқ,
Будурки, тушар киши сурук ёт ичра.

Яна маснавий била қасойиддин бошқаким, иншоаллоҳ, алар доғи ҳар қайси бошқа мужаллад бўлғай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфид рубоиёт, барча латофатомиз; ва нофиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойидул – ҳад; ва беназир фардлар, барча лутфу равонликда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мабтунлуғи зоҳир; ва мусалсал таржиълар, барча марғуб; ва муътадил туюғлар, барча туркий услуб бу абёт зайлида мухайял ва бу ашъор хайлида музайял бўлди. Ва ғараз бу фиҳрастдинки, бу зебо узориға ёзилди, ва мақсад бу дебочадинким, бу раъно рухсориға битилди, ул эрдиким, чун салотиндин қай бириким бино қўйубдурурлар маниъ ва айвоне чекибтурурлар рафиъ, ул бино равоқида ва ул айвон тоқида ўз исмларин таҳрир ва ўз алқобларин танқир қилибдурурларким, то ул айвон тоқи бўлғай, ул исм анда боқий бўлғай:

Ким қилса иморатеки, мақдур ўлғай,
Чун исми китобасида мастур ўлғай.
Не чоққача ул биноки маъмур ўлғай,
Ул исм улус тилига мазкур ўлғай.

Чун бу қуббайи сипеҳртимсол қасредурур муалло, ул ҳазратнинг табъи латифининг меъмори бино қилғон ва бу равзайи фирдавсмисол боғедурур жаҳоноро, ул жанобнинг хаёли шарифининг боғбони тарҳ солғон ва бу қаср асосининг тоқида ул рўзафзун жанобнинг оти ёзилса, не ғариб ва бу боғ кирёсининг равоқида ул ҳумоюн алқоб битилса, не ажиб:

Ғараз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмағай, ё Раб, заволи.

Биноедурки, шаҳ бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.

Ани шаҳ иҳтимоми қилди маъмур,
Мени меъмор фарз эт, балки муздур.

Агар муздур, агар меъмори моҳир,
Ишича минг чу музди бўлди зоҳир.

Тугангач шоҳ қасри зарнигори,
Аларға қаср аро не дахл бори?

Халил ар Каъбани бунёд қилди,
Яқин бормуки, не устод қилди?!

Ҳамул садким, Сикандар қилди маъмур,
Ким айтурким, анга ким эрди муздур?

Иморат саъйида ким бўлса зарпош,
Бино онинг оти бирла бўлур фош.

Биноға гарчи ҳар ким бўлса боний,
Атарлар боний исми бирла они.

Ва лекин халқ аро бу бўлди дастур,
Ки бўлғай онда боний исми мастур.

Шаҳ отин, чунки бу маънини билдим,
Бу қаср айвони узра сабт қилдим.

Ки то бўлғай бу қасри чархкирдор,
Бу исм айвонида бўлғай намудор.

Ало, то чарх қасри сойир ўлғай,
Нужум айвони узра дойир ўлғай,

Бу шоҳ айвони умрининг биноси
Матин ўлсун, нечукким чарх асоси.

Қадар девонидин ҳар лаҳза комин,
Қазо дилхоҳидек еткурсун омин!

Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хизматида ва ҳақойиқдисор мудаққиқлар ҳазратида арзим улдурурким, бу паришон абётким, шарҳ қилғондек тартиб топти, бу зобита қайдиға кирмасдин ва бу робита силкига тортилмасдин бурун, бу жиҳатдинким, агар баъзиси васати синда айтилғон бўлса, баъзиси сиғари синда дейилиб эрди ва баъзи фикрий бўлса, баъзи бадиҳий ва баъзи соғ эрканда бўлса, баъзи усруклукда ва баъзи ҳушмандликда бўлса, баъзи девоналикда воқиъ бўлуб эрди; ораларида, шоядки, фоҳиш тафовут бўлғай деб жамъ қилмоғида далирлик қилинмас эрди, аммо халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуғроқ-ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, баҳоят машҳур бўлуб эрди. Буларнинг тартибиға ҳукм бўлғондин сўнгра баъзи абётеким, хомроқ ва баъзи ғазалиётеким,

нотамомроқ эрди, китобат шуюъидин ва шуҳрат вуқуъидин ўзгалар аросидин хориж қилмоқлиқ мутааззир, балки муҳол кўринди, ул жиҳатдин ҳар қайси ўз ерида назм силкига кирди.

Гул бўлса, тикан доғи бўлур бўстонда,
Дур бўлса, садаф доғи бўлур уммонда.
Сукр ўлса, хуммор ҳам бўлур давронда,
Айб айлама, сода байт бўлур девонда.

* * *

Юз гул аросида бир тикан бўлса, не тонг?!
Юз яхши ичинда бир ёман бўлса, не тонг?!
Минг соғар ичилса, уйлаким оби ҳаёт,
Бирининг таҳида дурди дан бўлса, не тонг?!

Сўз риштаси узолди ва мақсуд гавҳари арода қолди. Бу мазкур бўлғон маходимға ҳосилки, илтимосим будурурким, яъни:

Бу номағаким, хомам этибтур таҳрир,
Айларда наззора аҳли маъни бир-бир,
Тақсир топилса, айласунлар тағйир,
Тағйир берурда қилмасунлар тақсир.

* * *

Айб истагучики, сўзидур барча хилоф,
Ферузани хармуҳра дебон сурса газоф.
Чун жавҳарини зоҳир этар, айла маоф,
Мундоқ жавҳарийға Тенгри берсун инсоф.

* * *

Ё Раб, чекибон кўп рақам журму гуноҳ,
Номамни қаро қилдиму умрумни табоҳ.
Раҳмат суйидин юмасанг ул номани, оҳ,
Маҳшар куни неткамен мени номасиёҳ?!

* * *

Ком айла Навоийға фанони, ё Раб!
Чун бўлди сенинг йўлингда фоний, ё Раб!
Лутф айла бақойи жовидоний, ё Раб!
Ул дам сен бил, не қилсанг они, ё Раб!

РАСМИЙ ДЕВОНЛАРГА КИРМАГАН ШЕЪРЛАР

Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин менинг,
Ким куяр жон лоладек сарви равонимдин менинг.

Ногаҳон фикр айласамким, не кишидин айрумен,
Мен билурмен не кечар ул лаҳза жонимдин менинг.

Заъфдин, войким, ўзумни фаҳм қилмайдур табиб,
Гар бурун бемор эди халқе фиғонимдин менинг.

Бир насимеким келур ул соридин, сўрдум хабар,
Кўнгул отлиғ бир ғариби нотавонимдин менинг.

Носиҳо, куйган юрак исланғали қолмас ниҳон,
Худ сабо англатмиш элни достонимдин менинг.

Санчилур ҳар соридин ёнимға ҳижрон ханжари,
Ўқ киби ул қоши ё то борди ёнимдин менинг.

Эй Навоий, мақбарамдин бош чиқарған лоладек,
Доғи кўнглумдин менингдур, ранги қонимдин менинг.

* * *

Хўбларда меҳр йўқ, чун меҳр йўқ ул моҳда,
Хайли тобиъдур қаю хислатки бўлғай шоҳда.

Ҳеч ким йўқтурки ёр оллида йўқтур мансаби,
Бизки бемансаблиғ ўлмиш мансаб ул даргоҳда.

Шоми ҳижрон чарху наҳс ахтарларидиндур нишон,
Тийра кўнглум ҳар шарар кўргузса дуди оҳда.

Кўнглунг истар бўлса юз минг жонни этгаймен нисор,
Гар бу дилхоҳ истаганни фаҳм этсам ул дилхоҳда.

Мен бу вайронани ул жавоҳир нақди махзан қилған ҳайратдин мутафаккир ва бу кошонани ул машоил нури равшан этган фикратдин мутаҳаййир:

Равшан қилиб ул чароғи тобанда мени,
Масъуд этиб ул ахтари фарханда мени,
Ҳар нуктаси юз қатла қилиб банда мени,
Ҳар шафқати бандаликда шарманда мени.

Мундоқ ҳолатда:

Нидо еткурди ногаҳ мунҳийи роз,
Ки: — «Эй афсунгару афсонапардоз,

Балоғат кишварининг нуктадони,
Фасоҳат мулкининг соҳибқирони,

Равон хоманг учун айлаб мураттаб,
Аторуд кўз қаросидин мураккаб,

Маоний хайликим, маъий эмас ул,
Ҳамоно қилди хоманг жавфидин йўл.

Улус табъинг саҳоби ёмғуридин
Бўлуб сероб, бал назминг дуридин.

Сўзунг бир авж уза чекти аламни,
Ки сурдунг Арш лавҳиға қаламни.

Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок,
Ки эврулур анинг бошиға афлок.

Валекин бу қадар бикри парисон
Банотун-наъшдек бўлмиш паришон.

Тиларбиз, бу паришон бўлса мажмуъ,
Равон бўлким, эмастур узр масмуъ.

Чу олий ҳимматимиз бўлди мойил,
Сен ўлдунг мунча нодир сўзга қойил.

Бу навъ истайдур эмди ройи олий,
Ки қилғай фикратинг девон хаёли.

Жаҳонда кимга бўлса мунча фарзанд,
Ки бўлғай барча руҳафзову дилбанд.

Равомудур бизинг фаррух замонда
Аларни дарбадар қилмоқ жаҳонда?!

Барин йиғ эмди андоғким атолар,
Сурук тифлин нечукким кадхудолар.

Ки бор ул хайли саргардони сода,
Санга фарзанд, бизга хоназода.

Алар бечораву биз чорарасбиз,
Сен ар номеҳрибонсен, биз эмасбиз.

Чу бўлдинг ҳукм, бор иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сори-ўқ шуруъ эт.

Мураттаб қилмағунча тинма бир дам,
Сўз ўлди мухтасар, валлоҳу аълам».

Бу вожибул-иттибоъ амр вуқуъидин ва бу ясиҳус-сукут ҳукм судуридин дуд бошимға ошти ва ўт думоғимга тутошти, хомам тили лол ва тилим хомаси шикастамақол бўлди. Не шуруъ қилурға қувват ва не узр айтурга қудрат; ғояти изтироб, балки изтирордин ўз воқиъамға содиқ ва ўз ҳолимға мувофиқ тилим бу байтға мутакаллим ва кўнглум бу навоға мутаранним эрдиким:

Навоий ғамға қолди ўз каломи жонфизосидин,
Анингдекким, етар булбулға меҳнат ўз навосидин.

Ки ногаҳ хирад пири наҳиб урди ва ақл хабири юзумга югурди:

Ки: — «Фалон, бу не тийражонликдур?
Не бало ажзу нотавонликдур?

Ранж кўрмай киши топарму фароғ?!
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ?!

Тухм ерга кириб чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб ипак бўлди.

Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!

Айласанг ҳам шуруъу жон чексанг,
Саъйда юз пиёла қон чексанг.

Сенму бергунгдурур анга тазйин?
Балки шаҳ саъйи этгуси тадвин».

Чун хираддин етишти буйла навид,
Манга бўлди ўзумдин ўзга умид.

Тенгри тавфиқин иддио айлаб,
Шаҳ жанобиға илтижо айлаб,

Ҳукм мазмуниға қалам чектим,
Сафҳа тартибиға рақам чектим.

Арзимас гар йиғарға ул хошок,
Чун бу дурлар ниҳондур анда, не бок?

Гарчи бас тийраруўдур ул зулумот,
Ғам эмас, чун бор анда оби ҳаёт.

Бу девон, иншооллоҳ, бу зобита билаким мазкур бўлур, мураттаб бўлғай ва бу робита билаким мастур бўлур, иҳё топқай. Неча навъ ишким, мунда маъюий бўлубтурур, ўзга давовинда кўрулмайдурур. Аввал будурким, ҳар кишиким девон тартиб қилибдурур, ўттиз икки ҳарфдинки, халойиқ иборатида воқиъдурур ва улус китобатида шойиъ, тўрт ҳарфға таарруз қилмайдурурлар. Чун сўз аруси назм ҳариринииг матбуъ кисватин ва мавзун хилъатин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳуққайи ёқути доғи ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртиға нуқсон воқиъ бўлса, муқаррардурким, жамолиға андин қусур ва каломиға андин футур воқиъ бўлғусидурур.

Шўхеки, ўкуш ҳусну жамол ўлғай анга,
Бир ҳусн яна ҳусни мақол ўлғай анга.

Лаъли аро дурларида гар бўлса қусур,
Сўз дерда керакким, инфиол ўлғай анга.

Бу жиҳатдин ул тўрт ҳарф гавҳарларин доғи ўзга ҳуруф жавоҳири силкига тортиб, ғазалиётни ўттуз икки ҳарф тартиби била мураттаб қилинди.

Яна буким, ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битилган ғазал била ўзга ғазаллар аросида услуб ҳайсиятидин тафовут риоят қилмайдурурлар. Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё Расул алайҳис-салом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмамоғлиқ авлодурур. Агар лаҳзае бу саодат муяссар бўлмаса, ҳар мутааййин амр ифтитоҳида худ не навъ тағофул ва такосул раво кўрулгай:

Гарчи эрур Тенгри таоло сўзи
Боштин-аёғиға каломи қадим.

Кўрки, эрур аввали ҳар суранинг
«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим».

Бу ишга ҳадис ҳам эрур шоҳиди ҳол,
Ким собит эрурки «Куллу амрин зи бол».

Ҳам буйла аён қилди Худойи мутаол,
Ҳам улча Расул деди, бордур анга дол.

Бу навъ хаёле хотирға келган учун ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалғи ғазалини ё Тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳис-салом наъти била муфаттаҳ, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззаҳ қилинди.

Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуди зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай. Ул жиҳатдин бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға боиси мушаввашлиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламъайи рухсори иффат бурқаъидин кўп ташқари ломиъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирмани ул барқ иҳроқидин билкул зойиъ бўлмағай, йўққим, бу ғазаллар ғазолалари жилвагарлик соз, балки пардадарлик оғоз қилсалар, бу байтларнинг насиҳатсоз воъизлари ва мавъизапардоз носиҳлари мониъ бўлғайлар.

Яъни ул гулчеҳралар ноз этсалар,
Ақлу дин яғмосин оғоз этсалар.

Ишвагарлик қилсалар ғаммоз ўлуб,
Пардадарлик этсалар танноз ўлуб.

Ламъайи оразларидин ҳар нафас,
Қилсалар оламни куйдурмак ҳавас.

Бу насойиҳ аҳли ҳикматлар била,
Юз туман панду насиҳатлар била,

Мониъ ўлғайлар аларға ҳар замон,
То замон ул фитнадин топқай омон

Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасиға намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан матлаъе махсус навъда воқиъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдурур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқиъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъғача сурат ҳайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушкай.

Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман, гулу суман бўлса керак.

Ҳар қайда хазон бўлса, тикан бўлса керак,
Ҳар қайда тикан, ранжу миҳан бўлса керак.

Зоҳид хуш эмастурур харобот ичра,
Фосиқ не тилар аҳли муножот ичра?

Ғурбатки, қотиқ тутубтур они бори халқ,
Будурки, тушар киши сурук ёт ичра.

Яна маснавий била қасойиддин бошқаким, иншоаллоҳ, алар доғи ҳар қайси бошқа мужаллад бўлғай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфид рубоиёт, барча латофатомиз; ва нофиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойидул – ҳад; ва беназир фардлар, барча лутфу равонликда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мабтунлуғи зоҳир; ва мусалсал таржиълар, барча марғуб; ва муътадил туюғлар, барча туркий услуб бу абёт зайлида мухайял ва бу ашъор хайлида музайял бўлди. Ва ғараз бу фиҳрастдинки, бу зебо узориға ёзилди, ва мақсад бу дебоча-динким, бу раъно рухсориға битилди, ул эрдиким, чун салотиндин қай бириким бино қўйубдурурлар маниъ ва айвоне чекибтурурлар рафиъ, ул бино равоқида ва ул айвон тоқида ўз исмларин таҳрир ва ўз алқобларин танқир қилибдурурларким, то ул айвон тоқи бўлғай, ул исм анда боқий бўлғай:

Ким қилса иморатеки, мақдур ўлғай,
Чун исми китобасида мастур ўлғай.
Не чоққача ул биноки маъмур ўлғай,
Ул исм улус тилига мазкур ўлғай.

Чун бу қуббайи сипеҳртимсол қасредурур муалло, ул ҳазратнинг табъи латифининг меъмори бино қилғон ва бу равзайи фирдавсмисол боғедурур жаҳоноро, ул жанобнинг хаёли шарифининг боғбони тарҳ солғон ва бу қаср асосининг тоқида ул рўзафзун жанобнинг оти ёзилса, не ғариб ва бу боғ кирёсининг равоқида ул ҳумоюн алқоб битилса, не ажиб:

Ғараз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмағай, ё Раб, заволи.

Биноедурки, шаҳ бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.

Ани шаҳ иҳтимоми қилди маъмур,
Мени меъмор фарз эт, балки муздур.

Агар муздур, агар меъмори моҳир,
Ишича минг чу музди бўлди зоҳир.

Тугангач шоҳ қасри зарнигори,
Аларға қаср аро не дахл бори?

Халил ар Каъбани бунёд қилди,
Яқин бормуки, не устод қилди?!

Ҳамул садким, Сикандар қилди маъмур,
Ким айтурким, анга ким эрди муздур?

Иморат саъйида ким бўлса зарпош,
Бино онинг оти бирла бўлур фош.

Биноға гарчи ҳар ким бўлса боний,
Атарлар боний исми бирла они.

Ва лекин халқ аро бу бўлди дастур,
Ки бўлғай онда боний исми мастур.

Шаҳ отин, чунки бу маънини билдим,
Бу қаср айвони узра сабт қилдим.

Ки то бўлғай бу қасри чархкирдор,
Бу исм айвонида бўлғай намудор.

Ало, то чарх қасри сойир ўлғай,
Нужум айвони узра дойир ўлғай,

Бу шоҳ айвони умрининг биноси
Матин ўлсун, нечукким чарх асоси.

Қадар девонидин ҳар лаҳза комин,
Қазо дилхоҳидек еткурсун омин!

Яна дақойиқшиор муҳаққиқлар хизматида ва ҳақойиқдисор мудаққиқлар ҳазратида арзим улдурурким, бу паришон абётким, шарҳ қилғондек тартиб топти, бу зобита қайдиға кирмасдин ва бу робита силкиға тортилмасдин бурун, бу жиҳатдинким, агар баъзиси васати синда айтилғон бўлса, баъзиси сиғари синда дейилиб эрди ва баъзи фикрий бўлса, баъзи бадиҳий ва баъзи соғ эрканда бўлса, баъзи усруклукда ва баъзи ҳушмандликда бўлса, баъзи девоналиқда воқиъ бўлуб эрди; ораларида, шоядки, фоҳиш тафовут бўлғай деб жамъ қилмоғида далирлик қилинмас эрди, аммо халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуғроқ-ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди. Буларнинг тартибиға ҳукм бўлғондин сўнгра баъзи абётеким, хомроқ ва баъзи ғазалиётеким,

нотамомроқ эрди, китобат шуюъидин ва шуҳрат вуқуъидин ўзгалар аросидин хориж қилмоқлиқ мутааззир, балки муҳол кўринди, ул жиҳатдин ҳар қайси ўз ерида назм силкига кирди.

Гул бўлса, тикан доғи бўлур бўстонда,
Дур бўлса, садаф доғи бўлур уммонда.
Сукр ўлса, хуммор ҳам бўлур давронда,
Айб айлама, сода байт бўлур девонда.

* * *

Юз гул аросида бир тикан бўлса, не тонг?!
Юз яхши ичинда бир ёман бўлса, не тонг?!
Минг соғар ичилса, уйлаким оби ҳаёт,
Бирининг таҳида дурди дан бўлса, не тонг?!

Сўз риштаси узолди ва мақсуд гавҳари арода қолди. Бу мазкур бўлғон маходимға ҳосилки, илтимосим будурурким, яъни:

Бу номағаким, хомам этибтур таҳрир,
Айларда наззора аҳли маъни бир-бир,
Тақсир топилса, айласунлар тағйир,
Тағйир берурда қилмасунлар тақсир.

* * *

Айб истагучики, сўзидур барча хилоф,
Ферузани хармуҳра дебон сурса газоф.
Чун жавҳарини зоҳир этар, айла маоф,
Мундоқ жавҳарийға Тенгри берсун инсоф.

* * *

Ё Раб, чекибон кўп рақам журму гуноҳ,
Номамни қаро қилдиму умрумни табоҳ.
Раҳмат суйидин юмасанг ул номани, оҳ,
Маҳшар куни неткамен мени номасиёҳ?!

* * *

Ком айла Навоийға фанони, ё Раб!
Чун бўлди сенинг йўлингда фоний, ё Раб!
Лутф айла бақойи жовидоний, ё Раб!
Ул дам сен бил, не қилсанг они, ё Раб!

РАСМИЙ ДЕВОНЛАРГА КИРМАГАН ШЕЪРЛАР

Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин менинг,
Ким куяр жон лоладек сарви равонимдин менинг.

Ногаҳон фикр айласамким, не кишидин айрумен,
Мен билурмен не кечар ул лаҳза жонимдин менинг.

Заъфдин, войким, ўзумни фаҳм қилмайдур табиб,
Гар бурун бемор эди халқе фиғонимдин менинг.

Бир насимеким келур ул соридин, сўрдум хабар,
Кўнгул отлиғ бир ғариби нотавонимдин менинг.

Носиҳо, куйган юрак исланғали қолмас ниҳон,
Худ сабо англатмиш элни достонимдин менинг.

Санчилур ҳар соридин ёнимға ҳижрон ханжари,
Ўқ киби ул қоши ё то борди ёнимдин менинг.

Эй Навоий, мақбарамдин бош чиқарған лоладек,
Доғи кўнглумдин менингдур, ранги қонимдин менинг.

* * *

Хўбларда меҳр йўқ, чун меҳр йўқ ул моҳда,
Хайли тобиъдур қаю хислатки бўлғай шоҳда.

Ҳеч ким йўқтурки ёр оллида йўқтур мансаби,
Бизки бемансаблиғ ўлмиш мансаб ул даргоҳда.

Шоми ҳижрон чарху наҳс ахтарларидиндур нишон,
Тийра кўнглум ҳар шарар кўргузса дуди оҳда.

Кўнглунг истар бўлса юз минг жонни этгаймен нисор,
Гар бу дилхоҳ истаганни фаҳм этсам ул дилхоҳда.

Мужиби андуҳдур афғоним, нишот этманг тамаъ,
Жонфизолиғ ким кўруптур нолаи жонкоҳда.

Билки, йўқтур кўнглида ишқу муҳаббатдин асар
Кимки даврон ичра бўлса кўнгли молу жоҳда.

Шамъи тавфиқ ўлмайин равшан қачон йўл топқамен,
Ким эрур кўп зулмати ҳижрон мени гумроҳда.

Бор умидимким, етишгай оқибат огоҳлиғ,
Гар ерим бўлса гаҳи бир хотири огоҳда.

Эй Навоий, элга мен ҳуд қилмадим ишқимни фош,
Турфа кўркким, ҳар тараф бу сўз эмиш афвоҳда.

* * *

Асолат гавҳари Нуёни барлос,
Саховат мулкининг маснаднишини.

Чу кўрдиким, сафол ичинда солиб
Ичадур бода бу меҳнат қарини.

Деди: Чиний суроҳум бордур, олғил
Сўзе деди, вале йўқ эрди чини.

* * *

Риёйи шайхимизнинг масжидида,
Чу дерлар зикр айларлар алоло.

Аёлғую усулу лаҳн ила ул
Эмастур зикр, эрур дирно талоло.

* * *

Борур эрдим Чақарга гоҳ-гоҳи,
Шаҳимнинг сўзи кўнглумга ёқардин.

Чу Юсуф хожа чоқти, эмди бормон,
Итурди бизни охир ул чақардин.

* * *

Деди менга Боқибек, албатта сипоҳи бўл,
Озурдадур ул сўздин бу хотири ғамноким.

Мен ринди хароботи, навкарлик иши мушкул,
Келмас бу иш илгимдин, Боқибек эрур ҳоким.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ШОҲ ҒАРИБ МИРЗО ВАФОТИГА ЁЗГАН МАРСИЯСИ

Даҳр боғида ажаб тафриқадур, эй афлок,
Халқ ичи лола киби қон, яқоси гул киби чок.

Кўзга олам қорадур, кийди магар олам ҳам,
Мотамийлар тўнину айлади ўзни ғамнок.

Сарсари ҳодиса шад эсти, доғи совурди,
Айш гулзорини ҳар сори, нечукким хошок.

Ул Масиҳеки улус жон топар эрди сўзидин,
Бордию халқни ўз фурқатидан қилди ҳалок.

Тушти, яъни адам иқлимига ногоҳ Ғариб,
Шоҳлар мажмаъининг нодираси, Шоҳ Ғариб.

Шоҳнинг ҳамдаму, ҳамсуҳбату ҳам фарзанди,
Бағри паркандию, лекин юраги пайванди.

Дема пайвандки, чун очти вафо пайвандин,
Ҳар тараф қон ёш ила оқти бағир парканди.

Шоҳ дилбасталиғин англагай ул маҳзунким,
Кетмиш ўлғай бир анингдек дунёдан фарзанди.

Бу ғалатдурким, анингдек деганмен нечунким,
Йўқ эди олам эли ичра анинг монанди.

Барқдек даҳрга гар келдию бўлди нобуд,
Фурқати шуъласидии лек жаҳон ўртанди.

Барқ чун тушти анингдекки тўкар ашк саҳоб,
Ул чу борди йиғидин бўлди улус ҳоли хароб.

Маҳди улёға жаҳон бўлди қаронғу онсиз,
Кўнглида йўқ тарабу кўзида уйқу онсиз.

Юз тирноғ ила захм этканидан қонму борур
Ё эрур қонға мубаддал кўзида сув онсиз.

Кўзидин токи фироқ истади ул гавҳари пок,
Юзда ҳар дам оқизур лаъл ила инжу онсиз.

Йиғидур шевасию, кулку унут бўлди магар,
Қилур эркин қотиқ аҳволиға кулку онсиз.

Ҳам магар Тенгри анга сабр каромат қилгай,
Негаким саъб ўтадур ҳолати усру онсиз.

Беклару ичкилару чуҳралари зору ҳасир,
Сойир навкарининг ҳолида ожиз тақрир.

Тахт холи қолибон, базм паришон аҳвол,
Шоҳсиз базм била тахтқа не бўлғай ҳол.

Чатр қабри бошига соя солибу қабри
Очибон оғзини, ул воқеадин қолиб лол.

Шеъру девони бу мотамда қаро айлаб юз,
Ўйлаким сўз боши, шингарфи доғи қолмай ол.

Туғи сочин ёйибу кўсу нафир ун тортиб,
Субҳу шом аҳли азодек қилиб изҳор малол.

Шиша қон ёш оқизиб, даф била най нола қилиб,
Базмининг ҳасратидин чанг куюб уд мисол.

Барча ғамгин, баридин менда фузун ғамзадалиқ,
Рўзгоримни қилиб тийра бу мотамзадалиқ.

Шаҳр ила мулк аро ашрафу, қуззоту, уламо,
Барчаға воқеъ ўлубтур бу мусибатда азо.

Зумраи фазлу зарофатқа бўлубтур дарде,
Ким киши топмамиш ул дардқа имкони даво.

Шуаро шаҳрда барча яқолар чок айлаб,
Тош уруб кўксига, ҳар ён чекибон вовайло.

Шаҳр эли ҳокими одил ғамидин навҳа чекиб,
Додхоҳ истаб они, ҳар сори айлаб ғавғо.

Киши қолмайки, бу мотам аро маҳзун бўлмай,
Зоҳиду ринду хароботий агар шоҳу гадо.

Кавкаби саъдни гар қилди фалак афканда,
Бўлсун ою қуёш офоқ элига тобанда.

* * *

Сен қуёш янглиғ ёруб субҳи шабоб айёмида,
Бизга тундек тийралик қисмат қарилиғ шомида.

Тун саводинда магар хуффошлар парвозидур,
Музтариб жонлар қуши шабранг зулфунг домида.

Анбарин хат ичра маъно дурларин кўргил ниҳон,
Қатралар ҳар ён қуёшдин зулфи анбарфомида.

Жилваси вақти менинг синған бошимға қайда сон?!
Улки тушмиш тожварлар афсари ҳар гомида.

Лаъли етган бодадин умри абад топсам не тонг,
Майға чун ҳайвон суйи мамзуж бўлмиш жомида.

Демаким, кўрсанг ани кўнглунгга бер оромким,
Ихтиёрим йўқ анинг таҳрикию оромида.

Руҳи лавну жисми йўқ деган сўзин билгай ғалат
Боқса ул гул менгизи рангию тани андомида.

Соқиё, тут бир тўла соғарки, айлай ошкор
Сўзки махфийдур ҳақиқат сирринининг ибҳомида.

Эй Навоий, ёр лутф айлаб тилаптур, турмағил,
Гарчи кўп бедоди мумкиндур анинг пайғомида

* * *

Эрур Лайловашим хуршид маҳвашлар аросинда,
Қамар бир гулханий мажнун анинг ишқи ҳавосинда.

Эришмак ул қуёш рухсоралиғни мумкин эрмаским,
Рақиби тийраманзар соя янглиғдур қафосинда.

Қошинг ҳар лаҳза ўйнатсанг қарорған кўз ёрур гўё
Янги ойинг эрур мисқал бу кўзгунинг жилосинда.

Ниҳоятсиз ғаминг еб пайкарим андоқ азим ўлмиш,
Ки ўзга олам истар, сиғмайин олам фазосинда.

Қародин кўзга ҳосил тийраликдур, йўққи равшанлиқ,
Не қилмиш килки қудрат кўз била қошинг аросинда.

Табибо, ҳажри муҳликка даводур васлу, суд этмас
Агар жон ширасин эзгунг анинг дарди давосинда.

Ики жоду кўзунгга шарҳи ҳолимдин тараҳҳум йўқ,
Агарчи сеҳрлар қилғумдурур онинг адосинда.

Тузуб мажлис асосин, соқиё, ақлимни зойил қил,
Ки ҳайрат ожиз этмиш чархнинг олий асосинда.

* * *

Чу элга шева айлар лаълин, ул ороми жон тишлаб,
Келармен бағрима тиш беркитиб, яъники қон тишлаб.

Туганса заъфлиқ жисмим, таажжуб қилма, эй ҳамдам,
Ки ҳажр андуҳида андин узармен ҳар замон тишлаб.

Танимда захмларға мумкин эрмас яхши бўлмоқким,
Қонатурмен ўнгалмай телбаликдин мен ҳамон тишлаб.

Назора аҳлига икки янги ойдек эрур маръий,
Чу қилсам қошларинг ҳажринда жисмимни нишон тишлаб.

Анингдек заъф ила кўюнгда ўлдумким, сўнгак янглиғ
Итинг, ҳар сори элтур пайкаримни кўндалон тишлаб.

Ўз ичган соғарингнинг журъасин оғзимға чун қуйдунг,
Газак ҳам яхши бўлғай берсанг, эй жону жаҳон, тишлаб.

Сочинг қуллобидин захм ўлди кўнглум, не ажаб ўлсам,
Таажжуб қилса бўлмас гар киши ўлса йилон тишлаб.

Яқиндурким, узулгай олам аҳлининг жафосидин,
Қачонким, ҳайрат этсам бармоғимни ногаҳон тишлаб.

Навоийдек топармен жон ўюб, қонин сўруб ҳар дам,
Қўлумниким жароҳат қилди ул номеҳрибон тишлаб.

* * *

Кўнглум оғриттинг халойиққа жафо тоши уруб,
Жоним олдинг муддаийларга ситам тийғин суруб.

Қон ёшим ичра бағир парголаси ҳажринг аро,
Майда гул яфроғи тушгандек туруптур билгуруб.

Чун самум ўлмиш сабо кўнглум ўтидин, оҳким,
Еткура олмас санга номам саводин куйдуруб.

Ҳажр шоми сен қуёш янглиғ чекиб бурқаъға юз,
Мен сочиб кавкаб, қолиб кавкаб масаллик телмуруб.

Соқиё, бир жом ила икки мараз дафъ айлаким,
Заъф этибмен ҳажр ўтининг тобидин оғзим қуруб.

Зоҳидо, чун зуҳду фисқ иккисидур тақдирдин,
Ўзни найларсен ўтуб, бизни нетарсен ёзғуруб?

Эй Навоий, будур уммидимки топқаймен висол,
Тинмағур кўнглумни ҳажри шиддатидин тиндуруб.

* * *

То шаҳимға маснади давлат Ҳисор аврангидур,
Ҳам манга ваҳму фиғонимға Ҳисор оҳангидур.

Улки дардим каффасида вазн этай дер Қофни,
Бас муҳол айлар гумонким, бу анинг ҳамсангидур

Ҳажрким, бир тунни юз йил кўргузур ишқ аҳлиға,
Ву мушаъбид ишқнинг афсун ила найрангидур.

Қон ютар гулшанда ғунча гўё ул ҳам мен киби,
Эврулуб кўнглида бир гул даҳрнинг дилтангидур.

Нася Кавсарни тилаб зоҳид, бериб нақди ҳаёт,
Бу ажаб савдо — нишони донишу фарҳангидур.

Соқиё, май бирла соф эткил кўнгул кўзгусини,
Ким фазосинда риё бирла руъунат зангидур.

Кийди азрақ зоҳиду муштақдурур ул зарқдин,
Эй Навоий, гўйиё бу порсолиқ рангидур.

* * *

Менинг қатлимға ул роғиб, тушубмен захмлиқ музтар,
Менинг фарқимда қонлиғ тийғ, анинг бошида гулгун пар.

Энгингда зулфи мушкойин, гул узра сабзадин тазйин,
Юзунг узра хати мушкин, келиб кофур уза анбар.

Катон заркаш зарофатдур, чу кийдинг юз латофатдур,
Белингда, ваҳ, не офатдур, мурассаълиқ камар ханжар.

Эрур девонаю шайдо кўнгулким, бўлмиш ул раъно,
Узор ичра малаксиймо, жамол ичра парипайкар.

Хатинг ой даврида ҳола, тишинг гул баргида жола,
Икки менгзинг гулу лола, ики лаълинг гулу шаккар.

Чу чектим шуъла афғондин, ичим ўртанди ҳирмондин,
Таним кул бўлди ҳижрондин, кўнгул ул кул аро ахгар.

Кел, эй соқийки, маҳзунмен, бало даштида мажнунмен,
Висол аҳлида мағбунмен, иложимға кетур соғар.

Ким ул бўлғай нишоторо, ғамин элга нишотафзо,
Бисот ичра аламфарсо, нишот ичра тарабгустар.

Ўзунг аввал неча ютқил, Навоийға дағи тутқил,
Ани бир лаҳза овутқилки, ҳижрон ичрадур музтар.

* * *

Бодадин ширайи жон таъми агар комдадур,
Андин эркинки, лаби таъми анинг жомдадур.

Мен мену — дарду, ғами, йўқ ишим ўзга иш ила,
Фисқу тақво дема сўз куфр ила исломдадур.

Еру кўк ишқ ўтининг тоқати келтурмадилар,
Анга таскин не таҳаррукда, не оромдадур.

Менгинг ул юзда, кўнгул анда эрур мардум,
Ул ёруқ субҳда, лекин бу қора шомдадур.

Ғазаб айлабки кўзинг заҳр қилур зоҳир, бил
Ким эрур, талхлиқ ул навъки бодомдадур.

Ҳажр айёмиға тул этмангизким, не экин,
Нуҳ умри киби юз дарж бу айёмдадур.

Бир такаллум била қатлимники қилмиш пайғом,
Юз ҳаёти абад эмди бу пайғомдадур.

Гулни гулшан била бўлғандек эрур, эй соқий,
Аксинг андоқки мен ичкан майи гулфомдадур.

Ҳажрдин васлға минг йилки Навоий ченади,
Барқравлар аёғи оллида бир гомдадур.

* * *

Ҳар бағир қоники ҳажрингда кўзумга айланур,
Кўз ани тўккач бағир янглиғ ҳамулдам боғланур.

Сунбули бирториға жон риштасин боғлай десам,
Ҳар дам изҳори ҳижоб айлаб йилондек тўлғанур.

Айласа ҳусни тамошосида қатлим ҳукми ишқ,
Жон сужуд айлар баҳона бирла ҳар дам куйманур.

Жон бера олмас лабинг янглиғ ўлукка аҳли ҳусн,
Умр ар зойиъ Масиҳоға биравким ўтканур.

Қуш бўлур оҳим шарори устидин ўткач кабоб,
Балки чарх узра малойикнинг қаноти чурканур.

Бесутун тоғин кўтаргандин кўнгулга бок йўқ,
Лек Фарҳод эмгакин тортарда асру эмганур.

Вомиқу Мажнун бориб, қолди Навоий ишқ аро,
Етса ҳар ишта суубат, ул иш аҳли сойланур.

* * *

Менгинг савдоси бу қонлиғ кўмгулдин гар жудо тушмас,
Ажаб эрмас нединким, лола доғидан жудо тушмас.

Хато қилғач отарсен ғамзадин юз новак, эй қотил,
Эрур бу турфаким, новакларингдин бир хато тушмас.

Кўнгул кўюнгга то тушти, ғамингға мубтало бўлди,
Тараҳҳум андин ўксутмаки, андоқ мубтало тушмас.

Ғамингдин то кўнгул тўлди, фиғон чекмас жафо бирла,
Ки тўлған жом аро ҳар нечаким қоқсанг садо тушмас.

Чу мендин тийра бўлдунг, кўзларим ёрутмади ул кўз,
Қуёшқа ҳойил ўлди чун ғубор, андин зиё тушмас.

Кўнгулни ул мусофир ойға манзил айладим, лекин
Сипаҳдур хўблар, ул — шоҳ, бу манзил аро тушмас.

Кўнгулда ҳажрдин тушса кудурат, соф май ичким,
Кудурат муртафиъ бўлмас ароға то сафо тушмас.

Жунунум ҳайратидин бир дам эл кўз мендин олмаслар,
Валекин ноздин ҳаргиз кўзи анинг манго тушмас.

Навоий ноласидин асру ғофил бўлмағил, эй гул,
Ки даврон боғида булбул бу янглиғ хушнаво тушмас.

* * *

Улки шаккардек лабиға тўтийи жондур магас,
Не учун сўрмас мени бедилни, сўрмоқ айб эмас.

Гар ҳавас қилдинг лабини, эмди бас қил, эй кўнгул,
Тарки жон эттинг бу ғамдин гар ҳавасдур ушбу бас.

Эй Масиҳим, мен қатили ишқмен, тиргуз мени,
Чун нафаснинг жони бор, эй жон, қабул эттинг нафас.

Бир йўли буткар ишимни, гарчи хасдек хормен,
Чун бутар, эй сарвқад, гул теграсида хору хас.

Гар Навоий жони жисмидин чиқиб кўюнг тилар,
Не ажаб, булбулға бўстон яхшироқдурким, қафас.

* * *

Аллоҳ, Аллоҳ, зуҳду тақво азмига бермас фароғ,
Эски майдин эски хирқам узра янги-янги доғ.

Телбараб итган кўнгулни кўзларингдин истарам,
Айларам овора Мажнунни кийиклардин сўроғ.

Сабзайи Жаннат била хаттинг аро, эй ҳурваш
Онча зоҳирдур тафовутким чекин бирла қиёғ.

Ғам туни муҳликдурур сўзу гудоз аҳлиғаким,
Тонгғача охир бўлур мендек куюб, йиғлаб чароғ.

Гўиё асфар май сариғ гул ёғидур, эй боғбон,
Ун чекар булбулки, тар қилмиш димоғин бўйла ёғ.

Усруку девона чиқтинг ом этиб бедодни,
Лутф беҳад кўргузурсен, бўлғасен, ё Рабки, соғ.

Кўчти сабрим хайли гўёким таним саҳросидин
Доғлар ўтлар еридур, наъллар бори ўчоғ.

Соқиё, даврон ғами муҳликдурур, тут бодаким,
Бир замон жон қайғусидин топсун осойиш димоғ.

Қофи ишқ узра Навоий гулжабинларни тилар,
Дарди иқболидин ўлмишдур анга тоғ узра боғ.

* * *

Кўнгул қушиға сочинг тори ҳалқа мў янглиғ,
Озода холу юзунг дона бирла су янглиғ.

Беҳишт туфроғи гарчи муаттар этса димоғ,
Мунаввар этмагуси кўз бу хоки кў янглиг.

Қачонки дўстларим ишқ манъин айларлар,
Кўзумга ҳар биридур қон тўкар адув янглиғ.

Етишса гар малаки қатл ҳур шакли била,
Назарға келмагай ул шўхи тундхў янглиғ.

Кўнгулга пардалар ўлдунг анга чу риштайи ишқ,
Чекилди ҳар тарафдин эрур рафу янглиғ.

Сабукаш ўлғали дайр ичра маст муғбачалар
Чиқарлар эгнима уй азмиға сабу янглиғ.

Деманг салоҳ(ки) ишқдан денг, эй аҳбоб,
Ки ҳеч нукта эмас хуш бу гуфтугў янглиғ.

Соғинма Вомиқу Фарҳодни Навоийдек,
Ки ишқ асирлари эрмас эрди бу янглиғ.

* * *

Тонг эмас гар ёрдин бир дам бўла олмон йироқ,
Ким неча боқсам яқинроқдин кўрунур яхшироқ.

Жоним ичра ер тутубсен ўйлаким гар лаҳзае
Кўргузсанг майл кўнгул сари ҳалок айлар фироқ.

Гар кўнгулдин ногаҳон кўз жониби қилсанг ҳаво,
Жон таҳаммулсиз ҳавас ичра сени айлар сўроқ.

Даврайн базмингда кўргузмай ўзумни нуқтадек,
Музтарибмен соғинурменким тушубтурмен қироқ.

Бўлса мардумлуқ била мехмоним ул кўз равшани,
Кўз қорасин гирдболишт айламак қилғум яроқ.

Айтингиз шаҳ навбатдориғаким, кўси раҳил
Чолғунг охир, солма, бас, давронда мунча тумтароқ.

Эй Навоий, сўфий айтур сўз ҳамиша қурбдин,
Билки ваҳдат сирридин бечора тушмиштур йироқ.

* * *

Гарчи элга жон бағишлар ҳусни руҳафзолиғинг.
Лек жонға офат эрмиш нозу бепарволиғинг.

Сарв титраб, гул қизариб, нола айлар андалиб
Кўргали боғ ичра қаду оразу зеболиғинг.

Сабр лофин урдунг, эй кўнглум, вале кўргач ани,
Ҳеч суде қилмади ул илм ила донолиғинг.

Эй Масиҳо, хуш даминг бор, лек кўрсанг лаълини
Ул нафас маълум бўлғай эл аро гўёлиғинг.

Эй Навоий, бир кўруб бўлдинг ани расвойи халқ,
Тебрагил бот, йўқса юз мунча бўлур расволиғинг.

* * *

Эй сенинг лутфунг бериб ўлган баданға жони пок,
Лек ул жонни нишот ифротидин айлаб ҳалок.

Чок агар қилсанг танимни тиккамен, ваҳ, неткамен,
Тийғи ҳижронингни ичкардин солур кўксумга чок.

Зоҳидо, ишқ ичра дўзахдин мени қўрқутмағил,
Кимгаким, ишқ ичра чекти ҳажр, дўзахдин не бок?!

Кўнглума ишқингда ўлмакдин эмас андеша ҳеч,
Лек ҳижронингда ўлмакдин эрур андешанок.

Майдин, эй соқий, чеҳрамни гулгун айлагил,
Ким хазонда асфар ўлса, чум қизарур барги ток.

Қабр қилманг кўйида ўлсам, қўюнг, тушсун кўзи,
Итки ўлди дафн этарга расм эмас қозмоқ мағок.

Поксийрат ёр ишқида Навоий гар ўлар,
Пок су ҳожат эмас, чун қилмиш ани ишқ пок.

* * *

Кимниким ёр айладинг, бўлди гирифторинг сенинг,
Рашкдин, ваҳким, дей олмонким, Худо ёринг сенинг.

Эй қуёш, сен зулм тийғин чексанг эл саводиға,
Ҳожат эрмаским сипеҳр ўлгай мададкоринг сенинг.

Собиту сайёрға қолмайдур орому қарор,
Тушти кўк миръотиға гўё намудоринг сенинг.

Чун сенинг ишқингда жон бермакдурур умри абад,
Ўлса майл этмас Масиҳо сори беморинг сенинг.

Қилди су янглиғ кўнгул тоғин юзунгнинг ламъаси,
Аллоҳ-Аллоҳ, не тажаллий қилди рухсоринг сенинг.

Эй кўнгул, чунким эрур ишқинг аён ёр оллида,
Бас, мусовийдур гар иқроринг, гар инкоринг сенинг.

Ичкали лаълинг майидин дайр аро, эй муғбача,
Олмади кавсар майин оғзиға хумморинг сенинг.

Ул каманди зулф то бўйнунгға тушмиш, эй кўнгул,
Субҳаларториға рожиқ келди зуннорinг сенинг.

Эй Навоий, ўзни кўп эмгатмаким ёр оллида,
Сабрингу завқинг киби тенгдур йўқу боринг сенинг.

* * *

Жонима тийғи жафо ағёр урди, ёр ҳам,
Чун мен ўлдум не осиғ раҳм этса ёр, ағёр ҳам.

Қатлима ҳам ёр, ҳам ағёрнинг бир ҳукми бор,
Тийғидин ағёр қотилдур, тилидин ёр ҳам.

Ёр ила ағёр ҳар не қилсалар йўқдур ғамим,
Қилмаса имдод аларға чархи кажрафтор ҳам.

Саҳл эрур бу ҳам агар дафъи малолимға гаҳе,
Бўлмаса боғлиғ юзумга кулбайи хаммор ҳам.

Бу бори бир ёну бу бир ёнки, қотил маҳвашим,
Меҳр кўргузмак била зулм этмаса изҳор ҳам.

Ул маҳи бадмеҳр агар ёр ўлса маҳкумумдурур,
Гунбади даввор ҳам, бал собиту сайёр ҳам.

Эй Навоий, сен киму бошингда мунча муддао,
Бас буким, гар кўрмасанг кам ўлмағай озор ҳам.

* * *

Бу ёмон толиъ айирди ёрни мен зордин,
Чун табибеким айирғай руҳни бемордин.

Ёрдинким йиғламоқдин кўр бўлсанг ғам недур,
Ғам буким маҳрум ўлармен давлати дийдордин.

Ёр девоналиғим кўрса кўп айб этмагай,
Кимки, бир кун айрилиптур бир парирухсордин.

... чекма заҳматким букун безормен,
Толиъи баргаштадин, бал собиту сайёрдин.

(Борса) кўюнгдин йироқ ортар Навоий ноласи,
Гарчи булбулдек турар тушгач йироқ гулзордин.

* * *

Ҳар қачонким ўт солур оламға даврон оҳидин,
Еткурур гўё ани кўнглумнинг оташгоҳидин.

Ул чу кўнглум истади ўртарға, масрур ўлди жон,
Жонғадур миннат ери неким келур дилхоҳидин.

Гоми тоғу даштни Фарҳоду Мажнундин сўрунг,
Англамас кўнглумки, чиқмайдур мазаллат чоҳидин.

Азм этар жонон сари кўнглум, ажал, қўй жонни ҳам,
Ким бу йўлда эмганур гар қолса ул ҳамроҳидин.

Куйди гар парвонаю, кул бўлди булбул, шукрдур,
Ким Навоий кам эмас амсол ила ашбоҳидин.

* * *

Чарх бир дам эмин эрмас оҳу ашким тобидин,
Ёхуд анинг гирдбоди, ё мунунг гирдобидин.

Қатра хай ўтлуқ юзунгдинким оқар шармандадур,
Чашмайи хуршид анинг бу навъ обу тобидин.

Зулфунга боғлиғдурур халқ, ўйлаким, озод эмас
Ҳеч ким занжири ёхуд ҳалқайи қуллобидин.

Гўйиё кофир кўзунг торожи иймон қилдиким,
Нур ила зулмат бўлур зоҳир қошинг меҳробидин.

Кўзларинг аҳбобға душмандурурлар ўйлаким,
Қон тўкарлар кимки дам урса муҳаббат бобидин.

Заъфдин ўлгумдурур, эй соқий, агар еткурмасанг,
Қути жон ул ғунчайи сероб лаъли нобидин.

Эй Навоий, истама ул йўқ оғиздин комким,
Баҳра топмоқ бўлмас анинг жавҳари ноёбидин.

* * *

Сипеҳру меҳр юзунгдин нишонадур барча,
Ғараз сен-ўқсену ул бу баҳонадур барча.

Вужуд номида оғзин анинг юзи била кўр,
Ки зарра хайли қуёшдин нишонадур барча.

Юзию қадию лаълин, кўнгул, ғанимат тут,
Ки ҳуру тубою Кавсар фасонадур барча.

Ҳақир кўрма харобат дурдкашларини
Ки бу харобалар ичра хизонадур барча.

Навоий шеъриға солғил қулоққи, васфингда
Ҳазин тараннуму дилкаш таронадур барча.

* * *

Боғ аро чиқса хиромон сарви озодим яна,
Боғни куйдиргудектур оҳу фарёдим яна.

Тира олмон оёғимни хуни занжиридин,
То эмастур жилвагар ҳар ён паризодим яна.

Чиқмайин бир дарду бу юз дардким аҳбобни
Ҳамдам айлаб, ҳамнафас қилмас менинг ёдим яна.

Гар эмас афгор аёғи киприкимнинг хоридин,
Жилвагар невчун эмас нури шамшодим яна.

Ақл уйи сори нечук йўл истайинким, пири дайр,
Эй Навоий, ҳамдам айлар ишқи иршодим яна.

* * *

Таним гардиға тақсир этти гар ашким су урмағни,
Ва лекин қилмади тақсир ани оҳим совурмағни.

Кўнгуллар қушлари ул кўй гулзориға тутмиш унс,
Рақибо, қўй жафо тошин отиб бир дам учурмағни.

Чу ҳусн аҳлиға султонсен, кўнгул ҳижрон жафосидин,
Келур дод истаюки, гоҳ унутма ани сўрмағни.

Чу ўтлуғ оразингдин қоврулур ўз ёғиға кўнглум,
Ани тарк айла, жоно, ҳажр ўтиға ҳам қовурмағни.

Дема пинҳон тут оғзим сиррини невчунки, ўргатмак
Гадоға ҳожат эрмас хурдасин элдин ёшурмағни.

Агар Фарҳоду Мажнун қочтилар ишқ ўтиға тузмай,
Ксрактур мендин ўрганмак балоға ўтру турмағни.

Навоий мотаме кўрмайдур эрсанг келу мендин кўр,
Бошиға совуруб туфроғ, кўксига тош урмағни.

* * *

Фалак жафосидин ул ойға бўлмасун дарде,
Хазон насимидин ул гулга етмасун гарде.

Малолатидин ўлубмен, нечук тирик қолғай,
Кишики жонида бўлғай малолату дарде.

Не учун ўлмагамен, менки ишқ булбулимен,
Хазонға қолғуча гулбарги нозпарварде.

Тер ичра гул киби жисми иситмадин, бўлмиш
Нечунки, шабнам аро қолғай оташин варде.

Ул ой фидоси қилурға топилмади жоним,
Нечаки дард таним туфроғини ахтарди.

Тегарму ерга киюргай ҳар ақшом ар худ чарх,
Тутайки, қилди сени меҳри осмонгарде.

Навоий ул қуёш иситмағин кўруб жон бер,
Бу дам чу даҳрда сенсен Масиҳдек фарде.

* * *

Қачонки топмасангиз даҳр аро нишонимни,
Фано йўлида тиланг жисми нотавонимни.

Кўмурмас ўлса оқарған сўнгакларимни итинг,
Бас, улки қатл қилур чоғда ичти қонимни.

Қари қуёш била эски ойни ҳам гардун
Чиқармағай бир агар кўрса навжавонимни.

Унумни заъфдин эл англамас хуш ул тунлар,
Ки еткурур эдим ўз моҳима фиғонимни.

Йўқию борида оғзинг гумондадур кўнглум,
Табассуме қилу рафъ айлагил гумонимни.

Қадаҳ тўла қуёшин қил риоят, эй соқий,
Ки фош қилғамен бу ғами ниҳонимни.

Навоий, айла гул авроқи узра ҳолинг сабт,
Ки булбул-ўқ ўқусин ушбу достонимни.

* * *

Кўзум шамъин яна равшан қилур бир меҳрсиз моҳе,
Бузуқ кўнглум яна обод этар бир адли йўқ шоҳе.

Шафақ эрмаски, кўк тоси қизиб мундоқ қизариптур,
Майи лаълинг учун чектим мени бехуд магар оҳе.

Висол ичра юзин кўргач ажаб йўқ шодлиғ ашким,
Баҳор айёмида кун чиқса ҳам ёмғур ёғар гоҳе.

Санга етмакда ҳамроҳим эди афғон ила нола,
Валекин суръат ичра манга етмас эрди ҳамроҳе.

Навоийнинг сиришки ичра жисмин кўрган эл дегай,
Туман минг дона ичра гўйиё тушмиш бир коҳе.

* * *

Тўюб андуҳдин қон бирла саъб ўлмиш кўнгул ҳоли,
Магар қон йиғламоқ бирла кўнгулни қилғамен холи.

Деди жонинг олай, лекин муни тахфиф этар ҳар дам,
Ғараз жон чекмагим гар бўлмаса, бас, недур иҳмоли.

Менинг ширинлаб Лайловашимдур ҳусн аро жомиъ,
Булардин бирга қониъдур анинг ақрону амсоли.

Йўлида мушки Чин ўзни қора туфроқ тилар қилса,
Ки побўсиға қилғай фахр айлаб ўзни помоли.

Нигунлуғ бирла заъфу ашк ила жисмим эрур хома,
Қуруб қони оқарған рагларим ўрниға ҳар ноли.

Сипеҳр авроқини кўрдум, эрур тафсили кўп, лекин
Эрур ўз ҳолиға ҳайрону саргардонлиғ эҳмоли.

Навоий кўюнга киргач юзунг кўрди биҳамдиллаҳ,
Ки истиқбол этиб мақсуди, бас, фархундадур фоли.

* * *

Сунғали қўйсанг занаҳдонингға юз ўпмай ани,
Олманинг чун ўпмаги маъҳуд эмас, ислай ани.

Телба кўнглум ул парий васлин тилаб айлар фиғон,
Ваҳ, неча атфолдек уммид ила олдай ани.

Ёрдин шоду кўнгулдин тийрамен, тонг йўқ агар,
Бир замон олқай мунию бир замон қарғай ани.

Чун кабутар номасин кеч келтурурдин ўртади,
Нотавон кўнглумни мен ҳам оҳидин ўртай ани.

Кирмади жоним аросиға ўқунг ғам тунлари,
Мен дағи кўнглумга эмди киргали қўймай ани.

Ваҳ неча савдо муҳол андишасидин жонима,
Арз қилсунлар парию ҳуру мен танлай ани.

Чархким, солди совуғлуғлар била кўнглумга ўт,
Бўлмасанг кўнглумда сен бир оҳ ила ўртай ани.

Кўйига етмай Навоий борди ўздин заъф этиб,
Судрагандек ит мени ул сари, мен судрай ани.

* * *

Тонг эмастур тийра оҳимдин кўнгул қўзғолмағи,
Шуъланинг елдин, ажаб йўқ, ҳар замон чайқолмағи.

То фироқинг тортарам тобу тавоним қолмамиш,
Қоф тоғи ҳомилининг, йўқ ажаб, тавшолмағи.

Кўксум ичра тоза доғимни қонатур ҳар замон,
Сени кўргач заъфдин ошуфта кўнглум солмағи.

Тонг эмас ишқида гар кўп йиғласам кўнгли қолур,
Даҳр аро маъҳуд эрур чун су бориб, тош қолмағи.

Ҳажр даштидаки кеч етгай висол айлар ҳалок,
Бўйла водий қатъида ҳар лаҳза бағрим толмағи.

Кўнглум олдинг, доғи солдинг нега яна, эй бевафо,
Ўтқа солмағлиқ учунму эрди кўнглум олмағи.

Гулшани васл ичра еткайму Навоийға нишот,
Неча бўлғай ҳажр зиндони аро қийнолмағи.

* * *

Жам суруди бу эмиш ичса майи гулфомни,
Ким чу даврон бевафодур, тут ғанимат жомни.

Хуш сурудиким нишоти бодадин бўлғай фузун,
Ким тааммул айласа оғоз ила анжомни.

Соқиё, муғ дайрида тутқил жуҳуди бодаким,
Таъми ҳижрон заҳри янглиғ талх қилғай комни.

То бути кофиршиор илгидин андоқ сипқарай
Ким нишоти бехуд этсун зумрайи исломни.

Ул қадаҳдин масту бебок айлабон хирқамни чок,
Шаҳру кўй ичра урай бадмастлиғдин гомни.

Мотам аҳлидек чекиб, во ҳасрато, барҳам урай,
Ул жазаънинг шиддатидин даврайи айёмни.

То бу янглиғ телбалик тақриби бирла шаммае,
Элга кўнглум дардидин возиҳ қилай ибҳомни.

Дема нангу номдин афсона ҳар дам, эй рафиқ,
Қилма расво бир йўли бу нангсиз бадномни.

Эй Навоий, айламак тарғиб Кавсар не осиғ,
Сен киби мазкур бўлған ринди дурдошомни.

* * *

Кириб гулшанға мажлис ичра хирман айласам гулни,
Етишса муҳаббат гул ичра ниҳон айлайин мулни.

Ёруқ айшим қуёшин тийра меҳнат шомидин ёқмиш,
Юз узра туррадин қилган паришон гулга сунбулни.

Агар девона кўнглум заъфи мақсудунг эмас, невчун
Баногўшунгдин эттинг, эй пари, ошуфта кокулни.

Менинг кўнглум ўти бас, холу зулфунгдин нега, оё,
Яна филфил била таркиб айлабсен қаранфулни.

Қуёшдин заррадур мавжуду оғзинг сирридин ул нур,
Бўлур зоҳир ҳақиқат баски кўргай жузв аро кулни.

Талаб водийсида матлуб чун толибға ҳодийдур,
Керак ҳисни ҳасин қилғай гумон солик таваккулни.

Чу ғафлат бирла бир дам узри юз йилда эмас мумкин,
Навоий, ҳозир ўлғил салб этиб ўздин тағофулни.

* * *

Эврулур эрса бошинг, жоно, бошингға эврулай,
Қилма саркашлик бу саргаштағаким, садқанг бўлай.

Зулм тиғи бирлаким, солдинг бошим туфроқ уза,
Тур дамеким юзни ерга суртубон узрунг қўлай.

Ваҳ, неча тийғинг била ушшоқ ўлуб серобу мен,
Елқўнуб су ичмаган меҳнат гиёҳидек сўлай.

Неча ҳажринг шиддатиға тўзмагандин йиғлайин,
Ё ғаминг бедоду жаврида ёдағондин кулай.

Меҳнати ҳажринг сияҳчолида минг андуҳ аро,
Ваҳ, неча жондин тўюб ўлмак нишотин орзулай.

Ишқинг ичра нотавонларким ўлум ҳолидадур,
Эврулуб бошиға ҳар бирнинг оёғинда ўлай.

Эй Навоий, дард ўтин тиндурса ашким, бок йўқ,
Они равшан айламакка ҳар дам оҳимдин пулай.

* * *

Холи шавқи ошти носиҳ чора еткурган сайи,
Ул чибиндекким, яна ёниб қўнар сурган сайи.

Гўйиё кўнглум самандардурки, қилмас иҳтироз,
Шуълаи шавқинг ани ҳар неча куйдурган сайи.

Не балодурким, бошим саждангға мойилроқ бўлур,
Ишқи ошуби бало бошимға келтурган сайи.

Киприкинг ҳар нешича гар бўлмаса лаълингда нўш,
Бас недур мен хастани тиргузмак ўлтурган сайи.

Не қўлай узрунгки сенда лутфу эҳсон билгурур,
Журм ила исён менинг феълимда билгурган сайи.

Хосларға дайр аро туттунг қадаҳ, эй муғбача,
Жоми васлингға мени мардуд телмурган сайи.

Эй Навоий, қилди истиғною бош индурмади,
Тийғи бедоди менинг бошимни индурган сайи.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲУСАЙНИЙ ҒАЗАЛИГА ТАХМИСИ

Улки, жоним гулшанида бор эди хуррам баҳор,
Айлар эрди ғунчаи хандонидин гавҳар нисор,
Хори ҳажридин топиб эрди амон жони фигор,
Ғунчаи хандон бориб, кўнглумда қолди хор-хор,
Тинмағур жонимға онсиз дуняда бори не бор?!

Даҳр бўстонини сенсиз кўзга илмас бу кўнгул,
Боғ сайри дардининг ороми билмас бу кўнгул,
Сарв бирла лола сори майл қилмас бу кўнгул,
Сарвқадду лоларухлардин очилмас бу кўнгул,
Ваҳ, нетайки, даҳр боғи ичра йўқ ул гулузор.

Ул жигар парголаси, ваҳким, тилаб мендин фароғ,
Нотавон кўнглумга қўйди фурқати доғ узра доғ,
Лаҳза-лаҳза шавқи базмида чекар эрдим аёғ,
Васли жомидин очилур эрди кўнглум боғ-боғ,
Вой, юз минг войким, ул май бориб, қолмиш хумор.

Эйки, юз паркандлиғ бағримға бир парканд эдинг,
Балки ҳижрон чок қилғон захмима пайванд эдинг,
Кўнглума дерманки, чун васлиға ҳожатманд эдинг,
Қайдаким, кўрсанг ани кулмак била хурсанд эдинг,
Аксин айла, эй кўнгул, ҳар ерда йиғла зор-зор.

Гул киби рухсоринга ҳар дам ҳаво айлай дедим,
Шавқида ошуфта булбулдек наво айлай дедим,
Ҳажру ғам захмиға васлингдин даво айлай дедим,
Васл аро ҳар дам сенга жоним фидо айлай дедим
Невчун, эй оромижоним, айладинг мендин канор?

Мен ғанимат тутмиш эрдим ул суманбар васлини,
Айлади мендин жудо чархи ситамгар васлини,
Саъй ила мумкин эмас қилмоқ муяссар васлини,
Эй кўнгул, тутғил ғанимат шаҳ Музаффар васлини,
Ким ўтубдур дуняда мундоғ балолар бешумор.

Ваҳки, даврон зулмидин қолдим ажаб мотам аро,
Тушмаган бу навъ бир мотам бани одам аро,
Ҳажридин нолиб Навоийдек туман минг ғам аро,
Эй Ҳусайний, ёрсиз сен найлагунг олам аро?!
Қўп, адам сарманзили азмин қилиб кейнича бор!

ТУРЛИ МАНБАЛАРДА АЛИШЕР НАВОИЙГА НИСБАТ БЕРИЛГАН ҒАЗАЛ ВА БАЙТЛАР

Не кўзим ёрой ул оразни манзур айламак,
Не тилим ҳадди онинг отини мазкур айламак.

Яъни ул кўнглумда, бал жонимда дард ўти эрур,
Кўз била тилни анинг ишида маъзур айламак.

Эй Навоий, қил фидо жононғаким жон, лоф эрур, –
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак.

* * *

Чу бори сар сабук карди,
Сабук кун бори гардан ҳам.

(*Таржимаси:* Бошнинг юкини енгиллатдинг,
Бўйин юкини ҳам енгил қил).

* * *

Қабо бар қадди ту медўзад айём,
Барор аз Қоф то Қоф, эй писар, ном.

(*Таржимаси*:
Замон сенинг қадду қоматингга кийим тикибди.
Эй, ўғил, номинг Қофдан Қофга юксалаберсин.

Муаммо ечимидан Бобур исми келиб чиқади).

* * *

Ханда, ки бевақт кушояд гирех,
Гиря аз он хандаи бевақт беҳ.

Ҳар нафасе ханда задан барқвор,
Кўтаҳии умр диҳад чун шарор.

Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак?
Қайдаким, хўблар аёғин қўйса — сен бошингни қўй!

* * *

Саждагоҳ этмишди ишқ аҳли қошинг меҳробини
Қилмади хайли малойик ичра бир одам ҳануз.

Ўйнай-ўйнай ўлтурур бир-бир улусни кўзларинг,
Шўх қотилларни жонлар қасдиға ўйнатмағил!

* * *

Баҳри ашк ичра ики кўз бўлдилар заврақу сол,
Икки саф киприклар эшкаклар бўлубтур ҳар тараф.

* * *

Дер эмишсенки, Навоий ҳолини бир кун сўрай,
Мен ўшал сўзни қачон бовар қилурмен...

* * *

Неча шайхи хонақоҳ авродида фарёд этай,
Дермен эмди бош олай — пири фано сори кетай.

Кўрсаткичлар

ТАРИХИЙ, АДАБИЙ ВА АФСОНАВИЙ ШАХСЛАР НОМИНИНГ ИЗОҲЛИ КЎРСАТКИЧИ[1]

АБДУЛМУҲСИН – Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Марв ҳукмдорларидан бири. *Соқийнома VI, 6.*

АЙЮБ – пайғамбарлардан бири. Қуръони каримда Айюб исми 4 марта (4:163, 6:84, 21:83, 38:41) зикр этилган. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Айюб (а.с.) ҳақида алоҳида фасл ажратади. Унда қайд қилинишича, Аллоҳ таоло Айюб (а.с.)ни турли балолар билан имтиҳон қилади. Уйига ўт тушиб, фарзандлари ҳалок бўлади. Бутун аъзои бадани қуртлаб, одамлар ундан юз ўгиради. Шу ҳолатда ҳам Айюб (а.с.) шайтон васвасасига учмай, сабр ва ризо мақомида собитқадам туради ва Аллоҳга ҳамд айтишдан сира тўхтамайди. Бунинг эвазига Аллоҳ амри билан пайдо бўлган булоқда чўмилиб, 30 йиллик бедаво дарддан бир зумда фориғ бўлади. Айюб (а.с.) мумтоз адабиётимизда сабр тимсолидир. *Ғазал 452, 3.*

АФРИДУН, Фаридун – «Шоҳнома»да зикр этилган Пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири. Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» асарида ҳам Фаридунга бағишланган алоҳида боб мавжуд. Унда келтирилишича, Жамшид авлодидан бўлмиш Отибиннинг ўғли – Фаридун Заҳҳокка қарши бош кўтарган Кова бошчилигидаги исёнга раҳбарлик қилади. Нужум, тиб ва афсунгарлик илмлари ҳамда Меҳржон байрамига асос солган. Уч ўғли – Салм, Тур ва Эражга мамлакатини бўлиб берганидан сўнг ораларида адоват пайдо бўлиб, Рум ва Турон ҳукмдорлари – Салм ва Тур ўз укалари – Эражни ўлдиришади. Йиллар ўтиб, Фаридуннинг набираси – Манучеҳр отаси учун амакиларидан қасос олади. Шу тариқа, беш юз йил адолат билан ҳукмронлик қилган Фаридун уч ўғлини тупроққа топширади ва ҳасрат билан дунёдан ўтади. *Ғазал 383, 6: соқийнома I, 20; XIV, 1.*

БАҲРОМ – Сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Баҳром Гўр, Баҳром ибн Яздижурд номлари билан ҳам машҳур бўлган Варахрон V (421–438). Шоиртабиатлиги, ҳаётсеварлиги, овчиликка ишқибозлиги, одиллиги билан машҳур бўлган. Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири. *Ғазал 140, 6; соқийнома I, 22.*

БАҲМАН – «Шоҳнома»нинг қаҳрамонларидан бири. Исфандиёрнинг ўғли. Баҳман номи билан қадимда баҳор ойларининг бири ва гул номини аташган. *Соқийнома XVII, 10.*

БИНОИЙ – XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган шоир ва тарихчи. «Беҳруз ва Баҳром» достони муаллифи. Ғазаллардан иборат девон тартиб қилган. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ушбу шоир ҳақида маълумот берган. 1512 йили Қарши шаҳрида ўлдирилган. *Соқийнома XXXI, 9.*

БОЙҚАРО ИБН МАНСУР – темурий шаҳзодалардан. Шеърлар ҳам ёзган. «Мажолис ун-нафоис»да Бойқаро ибн Мансур ижодидан намуна берилган. *Соқийнома XV, 6.*

ВОМИҚ – Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро» достонидаги ошиқ йигит. *Ғазал 234, 5.*

ДОВУД – исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд исми Қуръони каримда 16 марта зикр этилган (2:251, 4:163, 5:78, 6:84, 17:55, 21:78, 21:79, 27:15, 27:16, 34:10,

[1] Изоҳларни Сайфиддин Рафиддинов ва Олимжон Давлатовлар тайёрлаган.

34:13, 38:17,38:22, 38:24, 38:26, 38:30). Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Довуд (а.с.) ҳақида маълумот беради. Тўрт муқаддас китобдан бири саналмиш «Забур» китоби Довуд (а.с.)га нозил бўлган. Довуд (а.с.)нинг хуш овози ва қизиб турган темирни қўлда ушлаб унга шакл бериши у кишининг мўъжизаларидан ҳисобланган. *Газал 63, 2; 304, 7.*

ЖАБРАИЛ, Жибрил, Руҳуламин – пайғамбарларга илоҳий ваҳийни етказувчи фаришта. *Газал 33, 8.*

ЖАМШИД, Жам – Пешдодийлар сулоласига мансуб учинчи подшоҳнинг исми. Баъзи манбаларда ёзилишича, етти юз йил ёки минг йилга яқин подшоҳлик қилган. Таҳмураспнинг ўғли. Ривоят қилинишича, Жамшид инсонларга зарур кўп нарсаларни ўйлаб топган, жумладан қурол-аслаҳа ясаган, бинолар ва ҳаммом қурган. Одамларга либос тикиш, кемасозлик ва табибликни ўргатган, Наврўз байрамини жорий қилган. Гавҳар ясашни ўйлаб топган ва гавҳарли тахт ясаган. Бу тахт Жамшид тахти, Жамшид маркаби, Жамшид чодири, Жамшид курсиси каби номлар билан аталган. Шунингдек, Жамшид «жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом ҳам ихтиро қилган, деб ривоят қилинади. Бу жом Кайхисравга, сўнгра Дорога ўтган экан. Саъдий Шерозий ҳам «Гулистон» асарида биринчи бўлиб тўн тиккан ва қўлига узук таққан киши Жамшид эканлигини айтган. Худолик даъвосини қилганидан сўнг таназзулга юз тутган. Заҳҳок томонидан ўлдирилган. *Газал 27, 6; 57, 8; 82, 8; 140, 6; 568, 7; 581, 8; 630, 6, 8; соқийнома I, 5, 6, 20; XVI,2; XXXII, 13; қитъа 14, 1.*

ИСКАНДАР, Сикандар – ўз даврида Ер юзининг ягона ҳукмдори бўлган машҳур шоҳ. Айрим манбаларда Қуръон тафсирлари ва «Хамса» достонларида келган Искандар Зулқарнайн билан македониялик Александрнинг бошқа-бошқа шахс эканликлари таъкидлаб ўтилган. Унинг ҳаётини Навоий «Тарихи мулуки ажам» асари ҳамда «Садди Искандарий» достонида ёритган. Ундаги талқин бўйича, Искандар ҳикмат, валийлик ва пайғамбарликни ўзида мужассам этган. *Газал 88, 4; 236, 6; 628, 3; соқийнома I, 21, 29; XVI, 2.*

ИСО, Масиҳ, Масиҳо, Руҳуллоҳ – исломиятдан олдин ўтган пайғамбарлардан бири. Насронийлик динининг асосчиси. Инжил китоби унга нозил бўлган. Қуръони каримда Исо исми 25 марта учрайди. Исо Масиҳ (а.с.) Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай касалликларни тузатиш, ўликларни тирилтириш каби мўъжизаларга эга бўлган. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида таъкидлашича, Исо (а.с.)дан илгари ўтган пайғамбарларга қирқ ёшидан сўнг пайғамбарлик мақоми берилган, Исо (а.с)да гўдакликдан пайғамбарлик нишоналари намоён бўлган. Онаси Марям Жаброил алайҳиссаломнинг нафаси билан ҳомиладор бўлади ва Исо (а.с.) дунёга келади. Исо (а.с.) халқни ҳақ динга даъват этиб, улуғ мўъжизалар кўрсатади. Аллоҳ таоло иймон келтирмаганлар зараридан асраш учун Исо (а.с.)ни осмонга чиқаради. Навоий мазкур асарида Исо (а.с.)нинг Имом Маҳдий зуҳур қилганидан сўнг осмондан тушиши, Дажжоли лаънини ўлдириши, миллатларни тўғриликка ва ҳақ динга даъват этиши, шунингдек, ўн етти ёшда пайғамбар бўлганию ўттиз уч ёшида осмонга чиқиб кетганидан хабар беради.

Мумтоз адабиётда Исо Масиҳ (а.с.) кўплаб ғоявий-бадиий вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган образлардан биридир. У поклик, гўзаллик, қаноат, тажрид, тафрид ва ҳозиқ табиб тимсоли. Маъшуқнинг ахлоқи, ҳусни, чиройи, аъзолари таъриф-тавсиф этилганда Исо Масиҳ (а.с.)га қиёсланади, баъзан ундан устун қўйилади. *Газал 28, 5; 76, 3; 81, 7; 108, 3; 304, 6; 313, 6; 321, 4; 459, 6; таржиъбанд VI, 4; соқийнома II, 3; қитъа 13, 3.*

КАЁНИЙ – Эрондаги шоҳлар сулоласи. Пешдодийлардан кейинги, Аҳмонийлардан олдинги даврни қамраб олади. Каёнийлар сулоласига мансуб шоҳларнинг исмлари одатда

«Кай» қўшимчаси билан айтилган. Масалан: Кайқубод, Кайковус, Кайхусрав... *Соқийнома I, 21; XX, 1.*

КАМОЛ ХЎЖАНДИЙ – XIV асрда яшаб ижод қилган тожик мумтоз шоири. «Насойим ул-муҳаббат»да Камол Хўжандий валийлик мартабасига эришган шоирлар қаторидан жой олган. *Соқийнома XXII, 18.*

ЛАЙЛИ, Лайло – гўзал ва латофатли маҳбубанинг исми; Мажнуннинг севикли ёри. *Ғазал 45, 4; 83, 3; 119, 2; 231, 6; 245, 4; 295, 7; 302, 3; 316, 7; 358, 2; 605, 6; 611, 4.*

ЛУТФИЙ – таниқли ўзбек шоири. 1366 йили туғилиб, 1465 йилда, 99 ёшда Ҳиротда вафот этган. Бизгача ўзбекча шеърлар девони ҳамда форс тилида ёзган шеърлари етиб келган. *Мусамман 7 банд.*

МАРЯМ – исломиятдан аввал ўтган Исо Масиҳ (а.с.)нинг онаси. Қуръони каримда «Марям» сураси мавжуд. Муқаддас китобда Марям исми 34 марта келади. Марям образи Навоий шеъриятида поклик, иффат ва аёл шаънини улуғловчи тимсол сифатида қўлланилган. *Ғазал 28, 5; 321, 4; 421, 6; 447, 5.*

МИРОНШОҲ – Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли, Султон Ҳусайн Бойқаронинг аждоди. *Соқийнома XVII, 3.*

МИРЗОБЕК – XV асрда Хуросон ва Самарқандда яшаб, ўзбекча шеърлар ёзган иқтидорли шоир. *Соқийнома XXI, 16.*

МУАММОИЙ – Мавлоно Муҳаммад Муаммоий. XV асрда Хуросонда яшаб ижод қилган шоир. Бу шоир ҳақида Навоий «Мажолис ун-нафоис»да алоҳида маълумот бериб ўтган. *Соқийнома XXX, 4.*

МУҲАММАД, Аҳмад, Аҳмади мурсал (с.а.в.) (570–632) – пайғамбарлар силсиласидаги энг сўнгги пайғамбар. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти ислом тарихига оид ишончли манбаларда ҳамда сиярларда батафсил ёритилган. Навоий девонидаги бир қатор ғазал ва қитъалар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га бағишланган. Уларда пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сифатлари, шафоат ва меърож мўъжизалари, нури муҳаммадия тўғрисидаги таълимот, ул зотнинг «макорими ахлоқ» эканлиги шоирона талқин қилинган. *Қитъа 2, 1.*

НАМРУД – пайғамбар Иброҳим (а.с.)нинг замондоши, ўз даврида бутун ер юзининг якка ҳукмдори бўлган золим подшоҳ. Унинг фармони билан Иброҳим (а.с.) ўтга ташланган (яна қар.: ХАЛИЛ). Худолик даъвосини қилган. Умрининг охирида мияси қуртлаб вафот этган. *Ғазал 31, 6.*

НУҲ – исломиятдан аввал ўтган ва узоқ умр кўрган пайғамбар. Қуръони каримда «Нуҳ» сураси мавжуд. Қуръонда Нуҳ исми 33 марта зикр этилган. Нуҳ (а.с.) замонида буюк Тўфон воқеаси содир бўлган. Нуҳ (а.с.) кема ясаб, ҳар бир ҳайвондан бир жуфтдан, барча ўсимликлардан намуна олиб, Ҳаққа имон келтирганлар билан бирга кемага чиқади ва тўфондан нажот топади. Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида берилишича, бугунги башарият асли Нуҳ (а.с.)нинг уч ўғли – Сом, Ҳом ва Ёфаснинг авлодларидир. Шу сабабдан Нуҳ (а.с.)ни «Одами соний» – Иккинчи Одам ҳам дейишади. *Ғазал 326, 6; 462, 2; 463, 5.*

РУСТАМ, Таҳамтан – афсонавий паҳлавон. Каёнийлар сулоласининг жаҳонпаҳлавони – Золи Зар ҳамда Кобул ҳукмдори – Меҳробнинг қизи бўлмиш Рудобанинг фарзанди. Туғилишида афсонавий Семурғ доялик қилган. Болалигидан унинг ҳаёти қаҳрамонликларга тўла бўлган. Тўққиз ёшида оқ филни гурзи билан уриб ўлдиради. ўн бир ёшида бобоси очолмаган Албурз тоғидаги Оқ Қалъани фатҳ этади. Оқ дев, Аждарҳо, Аквондев, икки бошли шер каби даҳшатли махлуқлар, Комус Кашоний, Ашкбўс, Ҳомоварон шоҳи, Афросиёб каби енгилмас баҳодирлар ҳам Рустамнинг куч-қуввати олдида ожиз қоладилар. Билмасдан ўз фарзанди – Суҳробни ўлдириб қўяди. Умри охирида Исфандиёр – Эрон тахтининг валиаҳдини ўз шаънини асраш йўлида ночор ўлдиради. Ўзи укаси Шағоднинг ҳийласи билан чоҳга тушиб, ҳалок бўлади. Рустам мумтоз адабиётда жасорат ва ботирлик, жисмоний қувват, қаҳрамонлик ва мардлик тимсоли бўлиб келган. *Ғазал 61, 6; соқийнома I, 22; VII, 6.*

САЛМОН, Салмон Форсий – Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири. Макка мушрикларига қарши ғазотларнинг бирида хандақ қазишни маслаҳат бериб, мусулмонларнинг ғалабасига сабабчи бўлган. Салмон разияллоҳу анҳу машҳур ҳадисга кўра, пайғамбаримиз (с.а.в.) оиласининг аъзоси ҳисобланади. Салмон Форсийдан қатор саҳиҳ ҳадислар ривоят қилинган. *Соқийнома XXII, 18.*

САЪДИЙ, Саъдий Шерозий – XII асрда яшаб ижод қилган машҳур форс-тожик шоири. Юз йилга яқин умр кўриб, баракали ижод қилган. «Гулистон», «Бўстон» номли ахлоқий асарлари, «Таййибот», «Бадоеъ», «Хавотим», «Ғазалиёти қадим» номли ғазалиёт девонлари, турли мавзудаги рисолалари, арабий ва форсий қасидалари ҳамда бошқа асарлари бизгача етиб келган. Ахлоқ муаллими ва ғазал жанрининг асосчиси сифатида адабиёт тарихида ном қолдирган. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида Саъдий Шерозий мажоз тариқида қалам тебратган шоирлар қаторида келтирилган. *Соқийнома XXII, 18.*

СОМ – афсонавий паҳлавон, Рустам Достоннинг бобоси. «Шоҳнома»да келтирилишича, Мозандарондаги аждаҳони ўлдириб, у ердаги халқни бир умрлик мусибатдан қутқарган. Шунингдек, Нуҳ (а.с.) тўнғич фарзандининг исми ҳам Сом бўлган. Сом – Араб, Ажам ва Рум аҳлининг аждодидир. *Соқийнома I, 22.*

СОМИРИЙ – Мусо (а.с.) даврида яшаган сеҳргар. Манбаларда келтирилишича, Мусо (а.с.) ўттиз кунлик узлат учун Тур тоғига кетган пайтида Сомирий яҳуд қавмининг олтинларидан бузоқ ясаб, Жабраил (а.с.) отининг изидан қолган тупроқдан олиб бузоқчага дам солади. Олтин бузоқча тирик жонзотдек овоз чиқарганда яҳуд қавмининг бир қисми ушбу бузоқчага сажда қилади. Мусо (а.с.) қайтиб келганидан сўнг Сомирийнинг сеҳри ўз кучини йўқотади. Мумтоз адабиётда Сомирий сеҳр-жоду, макр ва ҳийла, охири пушаймонлик билан тугайдиган амалларнинг тимсолидир. *Ғазал 352, 2.*

СУЛАЙМОН – исломиятдан илгари ўтган пайғамбарлардан бири. Довуд (а.с.)нинг фарзанди. Сулаймон (а.с.)нинг исми Қуръони каримда 17 марта зикр қилинган. Ўз даврида бутун ер юзининг якка ҳукмдори бўлган. Ғайб ва шаҳодат оламидаги жамийки мавжудот – инсу жин, деву парилар, наботот ва ҳайвонот бу зотга бўйсунган. Сулаймон (а.с.)нинг қушлар тилини билиши, Сулаймон ва чумоли мунозараси, Исми Аъзам нақш қилинган узук қиссаси каби унинг ҳаётига боғлиқ воқеалар мумтоз адабиётимизда турли мақсад ва йўналишларда ўз ифодасини топган. *Соқийнома XXXI, 8.*

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО – Темурий, Мовароуннаҳр ҳокими (1457–1594), ўзбекча шеърлар ёзган ва икки девон тузган. *Қитъа 17, 1.*

ФОРЁБИЙ, Заҳир Форёбий – XI асрда яшаб ижод қилган форсийзабон шоир. Салжуқийлар саройида хизмат қилган. Қасиданависликда моҳир бўлган. *Соқийнома XXIII, 7.*

ХИЗР – «оби ҳайвон» (тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичган, пайғамбарлигига эса шубҳа бўлган кишининг номи. Одамларга йўлдошлиги билан машҳур. Хизр (а.с.)нинг исми ҳақида турли фикрлар билдирилган. Баъзи манбаларда унинг исми Биқё бин Милкондир. Қуриб қолган ўт-ўлан устига ўтирганда яшил майсага айлангани учун Хизр деб аталган. *Ғазал 74, 4; 103, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7; 108, 6; 118, 8; 120, 5; 171, 1; 176, 1; 192, 6; 249, 1; 264, 2; 275, 5; 278, 2; 312,3; 323, 2; 370, 3; 447, 3; 462, 3; 539, 5; 542, 5; 589, 2; 641, 4; 646, 4; соқийнома I, 29; XXV, 2; қитъа 12,1.*

ХОЖА КАМОЛ, Хожа Камолиддин Удий – Навоийнинг замондоши, Ҳиротда яшаб ижод қилган машҳур созанда ва шоир. Навоий Хожа Камолиддин ҳақида «Мажолис ун-нафоис»да маълумот берган ва форсий шеърларидан намуна келтирган. *Соқийнома XXX, 5.*

ШАЙХ САНЪОН – ирфоний адабиётда кенг қўлланилган ва турлича талқин қилинган образлардан бири. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ҳамда Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонларида Шайх Санъоннинг ишқий можароларга тўла ўтли қиссаси батафсил келтирилади. *Таржиъбанд VI, 6.*

ШИРИН – Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги гўзал маҳбуба, Фарҳоднинг севгилиси. *Ғазал 45, 4; 105, 5; 119, 2; 196, 6; 231, 6; 295, 7; 316, 7; 352, 3; 383, 5; 363, 6.*

ШОҲ ҒОЗИЙ – қаранг: СУЛТОН ҲУСАЙН БОЙҚАРО (3-жилд). *Ғазал 155, 7; 301, 7; 444, 7; 505, 7; 622, 9; соқийнома XIX, 11; XXXII, 8.*

ЮСУФ – канъонлик Яъқуб (а.с.)нинг ўғли. Қуръонда Юсуф (а.с.)нинг қиссаси «энг гўзал қисса» дея таърифланади ва у «Юсуф» сурасида тўлиқ келтирилади. Юсуф (а.с.)нинг беқиёс ҳусни, отаси Яъқуб (а.с.)нинг унга бўлган чексиз муҳаббати, акаларининг Юсуф (а.с.)га ҳасад қилиб уни қудуққа ташлашлари ва арзимас чақа учун Миср карвонига қул қилиб сотиб юборишлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, қуллик даврида Юсуф (а.с.) ва Миср Азизининг хотини – Зулайхо ўртасидаги можаролар, туҳмат билан зиндонга тушиши, тушларни тўғри таъбир қилиш мўъжизаси, умрининг охирида сабри ва лаёқати туфайли Мисрда азиз бўлгани, Юсуф (а.с.)дан айрилгач Яъқуб (а.с.)нинг йиғлайвериб кўр бўлгани, фарзанди Юсуф (а.с.)нинг кўйлагини кўзига суртгач отанинг кўзлари очилгани каби воқеалар мумтоз шеърият вакиллари учун битмас-туганмас илҳом ва ижод манбаи бўлган. Умуман, мумтоз шеъриятда Юсуф гўзаллик тимсоли бўлса, Яъқуб маъшуқига нигорон ва интизор бўлган ошиқ тимсоли сифатида келтирилади. *Ғазал 65, 3; 91, 1; 111, 5; 368, 7; 539, 6; 560, 6.*

ЯЪЖУЖ, Яъжуж ва Маъжуж – фитна ва фасод уяси бўлган, Қуръонда ҳам номи зикр қилинган қавм номи. «Садди Искандарий»да келтирилишича, афт-ангори даҳшатли махлуққа ўхшаб кетадиган бу қавм тинч аҳолига кўп азият етказади. Искандар Чин халқининг илтимоси билан катта бир тўсиқ қуриб, шу тариқа инсониятни маълум вақтгача бу сон-саноқсиз қавмнинг зулмидан халос қилган. *Ғазал 120, 5.*

ҚАЮМАРС – Пешдодийлар сулоласининг асосчиси. Фирдавсий ва Табарий талқинига кўра, оламдаги биринчи подшоҳ. *Соқийнома I, 19.*

ҚОРУН – Мусо (а.с.) замонида яшаган хасис бой. Сеҳр-жоду туфайли жуда кўп бойликка эга бўлиб, Мусо (а.с.)га қарши фитна уюштиради. Мусо (а.с.)нинг дуоси туфайли бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Мумтоз шоирларимиз Қорун воқеасини ибратли талмеҳ сифатида келтирадилар. Бу орқали хасислик ва очкўзликни қоралайдилар. *Газал 31, 6; 184, 6.*

ҚОСИМ АНВОР – XV асрда яшаб ижод қилган форсийнавис шоир ва олим. Навоий «Мажолис ун-нафоис» ҳамда «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Шайх Қосим Анвор ҳақида маълумот берган. *Соқийнома XII, 4.*

ҲУШАНГ – Пешдодийлар сулоласига мансуб шоҳ. «Авесто»да келтирилишича, у илк марта қонунларни яратган ва амалда жорий этган муқаддас шахсдир. «Тарихи Балъамий»да эса, Ҳушанг имон-эътиқодли шоҳ ҳамда масжидларнинг бунёдкори сифатида қаламга олинади. Фирдавсий ёзишича, Ҳушанг олов кашфиётчиси, темирчилик, деҳқончилик ва ариқ қазишни одамларга ўргатган донишманд шоҳдир. *Соқинома I, 19.*

ГЕОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АДАН – Яманнинг жанубида жойлашган шаҳарнинг номи. Ўзининг қимматбаҳо дурлари билан машҳур. *Газал 99, 9; 435, 3; 468, 4.*

АЖАМ – араб бўлмаган мусулмон ўлкаларнинг умумий номи. *Газал 45, 4.*

АРАБ – Арабистон ярим оролининг қисқартмаси. *Газал 45, 4.*

АРАС -денгиз номи, Каспий. *Газал 198, 5; мухаммас 6 банд.*

АФРАНЖ – ўрта ер денгизи; Европа. *Газал 230, 6.*

БАТҲО – Маккаи мукарраманинг олдинги номи. *Газал 650, 5.*

БАҒДОД – ҳозирги Ироқ пойтахти. *Газал 406, 7.*

ДАЖЛА – Бағдод шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтадиган дарё номи. *Газал 90, 6; 198, 5.*

ЖАЙҲУН – Амударёнинг бошқа бир номи. *Газал 90, 6; 635, 4; мусаддас 7.*

ЖОМ – Афғонистондаги вилоят номи. *Газал 630, 6; қитъа 18, 4.*

ЖУРЖОН – Шимолий Эрондаги шаҳар номи. *Қитъа 28, 1.*

ИСФАҲОН – Сипоҳон, Эрондаги шаҳар ном. *Газал 251, 9, соқийнома XXIII, 7.*

ИРОҚ – мамлакат номи бўлиб, тарихий манбаларда Араб Ироқи ҳамда Форс Ироқи каби иккига бўлинган номда ҳам учрайди; «Шашмақом»даги мақомлардан бирининг номи. *Газал 228, 7; 462, 9; соқийнома III, 3.*

КАНЪОН – ҳозирги Фаластинда жойлашган минтақанинг номи. Яъқуб ва Юсуф (а.с.)ларнинг ватани. *Газал 91, 1; соқийнома III, 5.*

КАШМИР – Ҳиндистоннинг шимолидаги воҳа ва шаҳар номи. Сеҳргарлари ва гўзал аёллари билан машҳур бўлган. *Фард 74.*

КАЪБА – мусулмонларнинг Маккадаги зиёратгоҳи. *Газал 5, 7; 92, 8; 93, 2; 149, 7; 216, 5; 329, 6; 357, 7; 402, 9; 435, 4.*

МАДИНА – Саудия Арабистонидаги йирик шаҳар, мусулмонларнинг муқаддас шаҳарларидан бири. *Газал 650, 4.*

МАРВ – Хуросондаги обод ва машҳур шаҳар, ҳозирги Туркманистонда жойлашган Мари шаҳри. *Соқийнома VI, 3.*

МАШҲАД – Эрондаги шаҳар номи. *Соқийнома XXXI, 11.*

МУСАЛЛО – Шероздаги машҳур боғ. *Газал 456, 6.*

НИМРЎЗ – Сийстон (Зобулистон)нинг бошқа бир номи. *Соқийнома VIII, 4.*

ОМУ – Амударёнинг бошқа бир номи. *Мухаммас 2, 6.*

САБЗАВОР – Эрондаги шаҳар номи. *Газал 572, 1.*

ТАБРИЗ – Эрондаги шаҳар номи. *Газал 251, 9.*

УММОН – ҳозирги Арабистон денгизи. *Ғазал 510, 1.*

ФУРОТ – Бағдоддаги дарё номи, Евфрат. *Ғазал 635, 4.*

ХАЛЛУХ – ўзининг гўзал қизлари билан машҳур бўлган туркийлар шаҳри. *Ғазал 113, 4.*

ХИТОЙ – Хитой мамлакати ва унинг маркази. *Ғазал 224, 6.*

ХУРОСОН – Шарқдан Мовароуннаҳр, ғарбдан Кўҳистон билан туташган минтақа номи. *Ғазал 209, 7; 228, 7; 462, 9.*

ХЎТАН – Кошғар минтақасига кирувчи, киндигидан мушк ажратувчи жайронлари билан машҳур воҳа ва шаҳар. *Ғазал 604, 10.*

ЧИН – Хитой мамлакати ва унинг маркази. *Фард 74.*

ШЕРОЗ – Эрондаги шаҳар номи. *Қитъа 18, 3.*

ЯЗД – Эрондаги шаҳар номи. *Соқийнома I, 22*

ЯМАН – Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган мамлакат. *Ғазал 604, 3.*

ЯСРИБ – Мадинаи мунаввaранинг қадимий номи. *Ғазал 650, 5.*

ҚОФ – афсонавий тоғ номи. *Ғазал 492, 1, 2.*

ҚУЛЗУМ – денгиз номи. *Ғазал 406, 6.*

ҲИЖОЗ – Арабистон ярим оролидаги (Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган) минтақанинг номи. *Ғазал 209, 7; 228, 7; 251, 9.*

ҲИРИ, Ҳирот – Хуросоннинг маъмурий ва сиёсий маркази бўлган обод шаҳар, темурийлар пойтахти. *Ғазал 301, 7; 520, 9; 572, 1.*

ҲИНДИСТОН – шу номдаги ярим орол ва мамлакатнинг номи. *Соқийнома XI, 6.*

ЭТНИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

АРАБ – *ғазал 93, 7; қитъа 2, 1.*
АРМАН – *ғазал 110, 4.*
БАРЛОС – *ғазал 406, 7; 466, 7.*
ГАБР – *ғазал 236, 6; қитъа 26, 2.*
ЖУҲУД – *ғазал 263, 6.*
ЖЎЧИ – *ғазал 594, 7.*
ЛЎЛИ – *ғазал 73, 9; 86, 7; 234, 8; 406, 7.*
ТАРСО – *мустазод 5.*
ТАРХОН – *ғазал 144, 7; 466, 7.*
ТИББАТ – *ғазал 131, 4.*
ТОТОР – *ғазал 113, 4.*
ТУРКМАН – *ғазал 93, 7.*
ТУРК – *ғазал 100, 2; 110, 4; 243, 9; 594, 7; қитъа 22, 1.*
ХИТОЙ – *ғазал 536, 4.*
ЧАРКАС – *ғазал 224, 6.*
ЧИҒАТОЙ – *ғазал 93, 7; 594, 7.*
ҚИЁТ – *ғазал 73, 9.*
ҚЎНҒИРОТ – *ғазал 73, 9.*
ҲИНДУ – *ғазал 101, 5; 108, 4; 357, 3; 317, 1; 536, 4; 628, 6; қитъа 18, 2; 22, 1; фард 11.*

АЙРИМ СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ[1]

А

Абр (булут) – тасаввуф истилоҳида ортиқча ҳисобланган ҳижоб (парда); у бандалик ва раббонийлик пардасидир; жидду жаҳд билан мушоҳада мақомига етишишга сабаб бўлган ҳижобдир. Шунингдек, нафсоний зулмат афъоллари ва руҳоний малакалардан ҳосил бўлган қалб ҳижоби. Бу ҳижоб – зотий ва асмоий тажалли офтобини мушоҳада қилишга монелик қилади. Навоий ёзади:

Эй Навоий, чиқти чун рангин булут, рангин май ич,
Ким сен ўлмай қилғуси кўп жилва бу рангин булут.

(«Бадоеъ ул-васат», 70, 7)

Абру (қош) – Илоҳий зотни тўсиб турадиган илоҳий сифатлар. Ва вужуд олами бу сифатлардан равнақ, гўзаллик ва жамолга эга бўладилар. Навоий ёзади:

Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 117, 1)

Арш – айвон, осмон, тахт. Айрим манбаларда таъкидланишича, Арш тўққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ – кулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Арш «нафси кулл» ҳам дейилади. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, тажаллий манбаи, яъни илоҳий қудрат намунаси. Навоий ёзади:

Суфийи олами қудсий сену асҳоб русул,
Арши аъло келиб ул хайл учун хонақаҳинг.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 339, 4)

«Арши муалло», «Арши Раҳмон», «Арши илоҳий», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам» – булар Аршга қўйилган номлардир. Қалб ўзининг сир-синоати, азамати ва файз мазҳари бўлгани учун Аршга, Каъбага қиёсланади.

Асмои ҳусно – АЛЛОҲу таолонинг гўзал исмлари. Навоий орифона ғазалларида ва «Хамса» достонларининг ҳамд ва муножот қисмларида асмои ҳуснони зикр қилади, уларни турли ният ва мақсадларда қўллайди. Асмои ҳусно ҳақида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган: «АЛЛОҲнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)» (Аъроф:180). Ёки «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «АЛЛОҲ, деб чорлангиз ёки Раҳмон – Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, у Зотнинг гўзал исмлари бордир» («Исро» сураси, 110-оят). Бу исмлар, асосан, тўқсон тўққизтадан иборат дейилади.

---

[1] Биз ушбу изоҳларда сўзларнинг асосан тасаввуфий маъноларига эътибор қаратдик *(нашрга тайёрловчилар)*.

Б

Бут – маъшуқ, мақсад ва матлаб; бошқа бир талқинга кўра солик қалбида зоҳир бўлувчи нозик маънолар. Навоий ёзади:

Ул бут ғамидин кофири ишқ ўлғали кўнглум,
Жон ришталарин жамъ қилиб боғлади зуннор.

(«Наводир уш-шабоб», 182, 5)

Бутхона – лоҳут илмидан ва аҳадият зотининг мазҳаридан киноя.
Бўса – руҳнинг жисм билан лаззатланиши ва давомли муроқаба. Навоий ёзади:

Бош қўяй дедим оёғи туфроғиға деди: қўй,
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: ол.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 385, 3)

Бўса, канор ва ғамза – соликнинг мақом ва даражасига кўра воқеъ бўлувчи файз ва ботиний жазба.

В

Важд – ишқ ва муҳаббат. Ошиқ қалбида табиий бир равишда туғиладиган илҳом, сурур ва тажаллийлар. Ҳужвирий «Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф) даги аламдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ», дейди.
Васл – Маъшуқи азал ишқига тамоман ғарқ бўлмоқ; ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфийлар бир хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари АЛЛОҲ ҳар ерда ҳозир ва нозир бўлишини кўзда тутиб, васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўртадаги парда кўтарилиб, инсон Ҳақ васлига эришади, деб ишонадилар.
Воҳид – тенги, шериги йўқ ягона Зот, асмои ҳуснодан бири.
Вужуд – Ҳақ вужудига айтилади. Вужудни нафй ва исбот қилиш, яъни, бутун борлиқ абадийлигини инкор қилиб, Ҳақ вужуди боқийлигини исбот қилмоқдир. Бу зикр пайтида ўзига хос сўз ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Тариқатда буни «нафйи исбот» дейдилар.

Д

Дарвеш – нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунёвий лаззатларни тарк этиб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Сўфий, девона, қаландар каби атамалар ҳам баъзан дарвеш маъносида қўлланади. Дарвешлик, тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосида турган энг юксак ҳол, ўзига хос гўзал маслак ва ҳуррият мақомидир.
Даҳан (оғиз) – махфий сир. Инсоннинг фаҳм ва ваҳмидин пок ва муқаддас бўлган мутакаллимлик сифатидир. Калом (сўз)нинг асрор ва нозик маъноларига ишора қилиниб, оғиз тор ва кичикликда зарра ва нуқтага ташбиҳ қилинади. Навоий ёзади:

Нукта дуррию камар лаъли эрур бас турфаким,
Бел анга маълум эмас, маълум эрурки йўқ оғиз.

(«Наводир уш-шабоб», 207, 5)

Дил (қалб) – илоҳий хитобнинг, маърифат ва ирфоннинг мазҳари. Орифлар тилида илоҳий сирлар макони ва махзани бўлган жой. Ва яна «нафси нотиқа» маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги мужаррад нуроний жавҳардир. Ҳакимлар уни нафси нотиқа дейдилар.

Қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томондаги аъзоси. 2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа, раҳмоний файз ва нур нозил бўладиган, тажаллийга мазҳар жойдир.

Қалбнинг атвори, табақоти еттитадир: 1. Садр – кўкрак, ислом жавҳарининг ўчоғи. 2. Қалб – юрак, имон жавҳарининг ўчоғи. 3. Шигоф – халқни севиш, халқ учун куйиниш жойи. 4. Фуод – кўнгилнинг мушоҳада маскани. 5. Ҳаббат ул-қалб – Ҳаққа қаратилган муҳаббат макони. 6. Сувайдо – ғайбий мукошафа жойи. 7. Муҳҳат ул-қалб – илоҳий нурлар тажаллий қиладиган жой.

Ж

Жазба – банда саъй-ҳаракат қилмасдан Аллоҳнинг инояти билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишидир; Аллоҳнинг лутфи билан руҳнинг севинч, сурур ва ғайрат туфайли юксак мақомга кўтарилиши, ортиқ даражада ҳаяжонга берилиши, ўздан кечиш ҳоли.

Жазба икки турлидир: а) хафий жазба – ошиқнинг Ҳақни севиши; б) жамъий жазба – Ҳақнинг ошиқни севиши. Жазбанинг бош шарти истеъдоддирки, у АЛЛОҲ томонидан ато этилади. Соликда истеъдод ва қобилият бўлмаса, фақат риёзат ва интилиш билан Ҳаққа яқинлаша олмайди. Сайри сулукнинг бошланғичи жазбанинг ниҳояси ҳисобланади.

Жалол – улуғлик, буюклик, азамат. АЛЛОҲнинг буюклик, иззат, кибриё ва қаҳрга далолат қиладиган васфлари. Маъшуқнинг ошиққа мутлақо муҳтож эмаслигини изҳор этиш, ошиқнинг ғурурини синдириб, ўзининг қаршисида нақадар чорасизлигини исботлаш. Соликни «мен»лик даъвосидан халос этгувчи илоҳий тажаллийлар. Жалол – Ҳақнинг кўз ва назардан пинҳон ҳайбати.

Жамол – ҳусн, гўзаллик; чирой. АЛЛОҲнинг лутфига ва раҳматига сабаб бўлган сифатлари; Ҳақ тажаллийси; жамол – АЛЛОҲнинг марҳаматига далолат қиладиган васфлари. Ҳақнинг лутфу эҳсон ила қилган тажаллийси; жамол – маъшуқ ошиққа ҳожатманд эмаслигини кўрсатиш учун камолиятини зоҳир қилиши.

Жом – қадаҳ. Орифнинг маърифат бодасига тўла дили ва аҳволи. Баъзилар жом – бадан, жисм баданни тозаловчи, софловчидир, дейдилар. Зотан, комил ориф илоҳий бода жомидан ичади ва тавҳиддан сармаст бўлади. Соғар, суроҳи ва мино атамалари ҳам ориф қалбини англатади. Қалб – хумхона, майхона ва майкада иборалари билан ҳам таъбир қилинади. Мастлик деганда, ишқнинг чулғаб олиши, ботиний ва зоҳирий сифатлар, маърифат сархушлигига ғарқ бўлиш назарда тутилади. Навоий ёзади:

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

(«Гаройиб ус-сиғар», 1, 5)

З

Зикр – эслаш, хотирлаш, АЛЛОҲга яқинлик қилиш мақсадида айтиладиган вирд ва дуолар. Тариқатда бандани АЛЛОҲга яқинлаштирувчи энг осон ва самарали йўл бу зикр қилишдир. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида АЛЛОҲни зикр қилиш буюрилади. «Аҳзоб» сурасининг 41-42-оятларида шундай амр қилинади: «Эй мўъминлар, АЛЛОҲни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч у Зотни поклаб тасбеҳ айтинглар».

Икки хил зикр мавжуд: зикри хуфия – яширин, пинҳона зикр ва зикри жаҳрия – очиқ, овоз чиқариб айтиладиган зикр.

Зот – ўз, жавҳар, бирор нарсанинг асли, асоси. Сўфийлар ақидаси бўйича, АЛЛОҲ ўз зотида қоим, коинотда мавжуд ҳар қандай борлиқ Тангри сифатларининг зуҳури, сифатлари эса ул зотнинг тажаллийсидан иборат.

Зоҳид – дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Ҳожи Бектоши Валининг таърифига кўра, «зоҳидларнинг асли оташдандур ва улар тариқатга мансубдурлар». Зоҳидларнинг мақомлари ибодат, қўрқув, умид ва «Илм ал-яқийн»дир. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан бехабарлиги учун ҳам танқидга нишон бўлган. Навоий шеърларида ҳақиқий зоҳидларни эмас, риёкор, ишқсиз ва ихлоссиз зоҳидларни танқид қилган.

Зуннор – ишқ йўлида садоқатли бўлмоқ; маъшуққа хизмат ва итоат этиш учун астойдил бел боғламоқ; баъзи ўринларда дунёга кўнгил бермоқ ва «мен»лик даъвосини илгари сурмоқ маъносида ҳам келади.

Зулф – Зулфнинг тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажаллий ва тариқат мушкилотлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажаллий ва жалолий сифат; зулф – яширин моҳиятдурким, уни англаш ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг ғаройиб суратлари; йўқлик олами.

И

Имон – Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш. Қалб ва вужудни бирлаштирувчи, эзгу амалларга бошловчи илоҳий ҳол.

Диний ва тасаввуфий адабиётларда имон икки қисмга ажратилган: тақлидий имон ва таҳқиқий имон. Тақлидий имон – ота-боболари, дин вакиллари ва муҳит таъсирида юзага келган имон бўлиб, бунда тақлид қилиш, эргашиш жиҳатлари устуворлик қилади. Таҳқиқий имон – имонга оид барча масалаларни далил ва тафсилот, талаб ва қонуниятлари билан билмоқ, сўзсиз унга амал қилмоқдир. Бу имон инсонни ҳар қандай шубҳа, қўрқув, гуноҳ, фалокат ва ожизликдан муҳофаза этувчи илоҳий қудрат манбаи ҳисобланади.

Илҳом – илоҳий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳақиқатлар.

Ирфон – кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим. Маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм. Навоий ёзади:

Фақр кўйида мусаллам тут, не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 90, б)

Ишқ – Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат. Тасаввуфда Ҳусни Мутлақка бўлган шиддатли севги. Ҳақнинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллийсининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойда зоҳир эрур. Ишқ

АЛЛОҲдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос. Навоий ёзади:

Ҳавойи ишқинг аро ўзга оламим бордур,
Ки ашким анжум эрур, оҳ дуди афлоким.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 425, 4)

Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – Аллоҳга, мажозий ишқ эса АЛЛОҲ яратган нарсаларга, одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур.

К

Кашф – ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни қалб кўзи ила кўриш; парда ортидаги ғайбий хусусиятлар ва ҳақиқий нарсаларни кўриб, уларни ҳис қилиб, улар сиридан воқиф бўлмоқлик; илҳом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларидир. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурий, кашфи илоҳий, кашфи руҳоний, кашфи маънавий, кашфи мужаррад, кашфи мухайял, кашфи хавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи қубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд.

Каъс – қадаҳ. Мақсадга интилаётган соликни маст қилган ваҳдат шаробининг қадаҳи. Шароб зоҳир бўлса, коса мазҳардир. Севги қадаҳи; соликнинг сирри; ошиқнинг қалби.

Л

Лаб – мавжудотга вужудий файз етказувчи раҳмоний нафас; лабдан мақсад калом (сўз) ва раҳмоний нафасга ҳам ишора, ашёлар вужудига файз бағишлаш. Лаб жонни қувватлантирувчидир, шариат тилида «нафхи руҳ» дейилади. Шунингдек, лаб – ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш; илоҳий оламдан пайғамбарларга фаришта, валиларга илҳом орқали нозил бўлган сўзлар.

Лаби лаъл – маъшуқ каломининг ботиний маъноси, аҳволнинг софлиги ва нозиклиги ҳамда илоҳий жамол гўзаллигини зикр этувчи сўзлар.

Лаби ширин – ҳадиси қудсий ва воридоти ғайбийлар каби идрок қилинадиган ва бевосита нозил бўлган сўзлар.

Лавлок (лавлока ламо халақтул афлок) – Агар сен «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бўлмасайдинг фалакларни яратмасдим», деган ҳадиси қудсийга ишора.

Лайлат ул-меърож – Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга кўтарилган кечалари.

Лиманил-мулк – «Мулк кимга тегишли?» Қуръон оятига ишора. Яъни, «Лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор – Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрлардан) ўша кун (қиёматда) бирорта ишлар ҳам АЛЛОҲу таолодан махфий қолмайди. (Яъни, АЛЛОҲу таоло бандаларнинг барча ишларини билади ва ҳисоб-китоб қилади). Ана шу кун АЛЛОҲ: «Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?» – деб хитоб қилади! Бандалар бир овоздан: «Бу куннинг мулки ягона ва қаҳрли АЛЛОҲгагина тегишлидир», деб жавоб берадилар («Ғофир» сураси, 16-оят). Тасаввуфда бу Қуръоний ибора орқали ҳар бир нарса: мулк, қудрат, ҳусн ва шунга ўхшашларнинг Вужуди Мутлақка тегишли эканига ишора қилинади.

Лиқо (юз, чеҳра, кўриниш) – маъшуқнинг зуҳур этиши.

Лутф – Эҳсон. Бандани Ҳақ тоатига яқинлаштирадиган ва гуноҳлардан узоқлаштирадиган нарсалар. Маъшуқнинг муроса, мадад ва осойиш билан ошиқни тарбия қилиши.

М

Мазҳар – зоҳир бўлиш вақти ва макони; пайдо бўлиш, чиқиш ўрни; кўриниш. Бир нарсанинг зуҳур этадиган ери, АЛЛОҲнинг исм, сифат ва феълларининг ашё ва моддада зуҳур этиши.

Майхона – илоҳий ишқ улашиладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури; завқ, шавқ ва илоҳий маърифат тўла орифнинг ботини.

Лоҳут олами маъносида ҳам келади. Майхона – мушоҳада ила матлубга восил бўлиш иштиёқидагилар, ҳақиқий маҳбуб ишқига гирифторлар, ҳақиқат бодасидан сармаст, якдил ва сафоли дўстлар тўпланадиган жой.

Майи лаъл – ошиқлар қони, уларнинг кўз йўлидан кўксидаги жомга тўкилувчи қон.

Майл – ошиқнинг ҳушёрлик ва шуур билан ўз аслига қайтиши.

Масти хароб – ошиқнинг маҳбуб ишқига ғарқ бўлиши. Бунда дил тамоман истиғроқ – ишқ ва иштиёқ ғалабасидан ўзини билмас даражада ҳайратга чўмиш, ғарқ бўлиш ҳолатида бўлиб, шуурни ҳаётий зарурий нарсалардан халос этади ва вуслат – эришиш мартабасига етказади.

Мастлик – барча сифатлари билан ишқнинг чулғаб олиши. Масту хароб – истиғроқ ҳолатига, маету шайдо – завқ ва ҳузнга ишора.

Маърифат – инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали АЛЛОҲга яқинлашадилар. «Қалбда маърифат майдонга келгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгаргач, аъзоларнинг амаллари ҳам ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқ бўлиб қолади». «Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Мақом – манзил, марҳала, маънавий мавқе, мартаба, тўхтам. Диний ахлоқ ва феълатвор. Қушайрийнинг айтишича, мақом соликнинг такрор асосида сифат ҳолига етказган одоби ва ахлоқидир. Мақом ирода, риёзат, мужоҳада билан қўлга киритилади. Тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, таваккул, ризо – тариқат мақомларидир. Тавба мақоми талабларини бажармасдан вараъ мақомига эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, кейинги мақомларда ҳам биридан иккинчисига ўтиш айни шу тартибда давом этади.

Маҳбуб ва санам – севикли зот; тажаллийнинг сифотий суратда зоҳир бўлишидаги ҳақиқати руҳийя.

Мижа (мужгон), киприк – адабиётшуносликда найза, ўқ ва камоннинг учларига ташбиҳ қилинади ва маъшуқнинг нозу карашмаси билан ошиқ кўксига санчилади. Тасаввуф истилоҳида соликнинг валоятига, ҳол ва мартабасига ҳижоб бўлганни айтадилар; орифнинг амалларни сусткашлик билан бажариши ва унга басират кўзи билан боқмаслиги.

Мосиво – мосиваллоҳ: АЛЛОҲдан бошқа ҳар нарса, махлуқот, мумкинот, ҳодисот.

Мосиво – АЛЛОҲдан бошқа ҳамма нарса касрат демакдир. Ҳақ соликлари Худо яратган ашёларга мафтун бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлганлар ва ҳақиқий борлиқ – Аллоҳнинг ишқу ёди билан умр ўтказишни афзал деб билганлар. Навоий ёзади:

Эй Навоий, фақр аро қил мосиваллоҳ дафъиким,
Келди солик бошиға дунёву мо фиҳо бало.

(«Бадоеъ ул-васат», 29, 9)

Зеро, дунёдаги ҳамма нарса ягона борлиқ – АЛЛОҲ борлиғининг тасдиғи ва далилларидир. Тариқатчи шоирлар «ғайр», «сиво», «давъо», «ёлғон», «ағёр» каби атамаларни ҳам мосиво маъносида татбиқ қилганлар.

Мурид – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук йўлига кирган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир даражадир.

Муштоқ – орифларга кўра, Ҳақ дийдорини тўла, кучли шавқ билан кутиш.

«Муту қабла ан тамуту» – «Ўлмасдан бурун ўлинг!» Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «ўлмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис сўфий ориф, эран, абдол – яъни Ҳақ ошиқлари учун ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айланган. Шу боис Аҳмад Яссавий айрим ҳикматларида бу ҳадисни изоҳлаб, уни тарғиб қилади.

Муршид – тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо, иршод қилувчи шайх. «Саййид Амир Кулол қуддиса сирруҳнинг тилларидан кўп ўтар эдики, ҳузур (ҳозирлик) ва ғайбат (ғойиблик) да ҳам толибнинг руҳоният қуши бир соҳибдавлатнинг тарбияти орқали башарият тухумидан чиқиши зарур. Шундан сўнг бу қушнинг учиб борадиган жойини ҳазрати Илоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди». «Муршид (пир) бу – ҳозиқ табиб, муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади» («Баҳоуддин Балогардон» китобидан).

Муғбача – мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; тасаввуфда садоқатли ва самимий мурид, толиб, ошиқ,

Мусҳаф – Қуръони карим.

Муғ дайри – майхона, ичкиликхона, ўтга топинувчилар ибодатхонаси. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар мажлиси.

Муҳаббат – севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси. Ишқнинг мартабаларидан бири.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси уруғ бўлгани каби диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг асли ва асоси муҳаббатдир.

Мўй (соч) – ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ; талаб йўли ва яна орифнинг «ҳаблул матин»и – мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим.

Н

Нафс – ўзлик, руҳ, зот. Инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, гуноҳ ва ёмонликларга етакловчи майл ва истаклар нафсга нисбат берилади. Нафсга бўйсунган кишининг нафси ақлга эмас, шайтонга итоат қилади. «Нафсини таниган Раббисини танийди» ҳадиси ҳам унинг мураккаб хилқат эканини билдиради. Навоий ёзади:

Ҳар киши нафс итлигидин айласа ўзни халос,
Ваҳш хайлин айлар ул дашт узра Мажнунвор сайд.

(«Бадоеъ ул-васат», 119, 7)

Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар: 1. Нафси аммора – ёмон ва гуноҳ ишларни қилишга буюрадиган ҳайвоний нафс, «Шубҳасиз, нафс ёмонликка буюради» («Юсуф» сураси, 53-оят). 2. Нафси лаввома – маломат қиладиган, койийдиган ва ёмонлайдиган нафс. Ёмон ва гуноҳ иш қилганнинг ўша иши туфайли уни маломат қиладиган, ҳисобга тортадиган нафс, виждон азоби. Қилган ёмонлиги натижасида пушаймон бўладиган, тавба қиладиган ва узр сўрайдиган нафс («Қиёмат» сураси,

2-оят). 3. Нафси мулҳима – илҳом ва кашфга мазҳар бўлган нафс. Ниманинг яхши ва савобли, ниманинг ёмон ва гуноҳ эканлигини илҳом орқали биладиган ва ўшанга кўра ҳаракат этадиган, виждон овозини эшитадиган ва тинглайдиган нафс («Шамс» сураси, 7-8-оятлар). 4. Нафси мутмаинна – қаноатланган, ҳузур ва сукунга қовушган, фазилатларга ўралган, илоҳий феълларнинг тажаллийларига мазҳар бўлган нафс («Наҳл» сураси, 106-оят, «Фажр» сураси, 27-оят). 5. Нафси розийя – ўз шахсий иродаси ва истагидан воз кечган, жалолий ва жамолий тажаллийларни кўнгилхушлик билан кутиб оладиган, қазо ва тақдирнинг ҳар қандай кўринишини мутлақо розилик билан қаршилайдиган, ризо мақомига эришган нафс («Моида» сураси, 191-оят, «Фажр» сураси, 28-оят). 6. Нафси марзийя – АЛЛОҲ рози бўлган нафс. «Розияллоҳу анҳум». Бу мақомда АЛЛОҲ розий, банда марзийя, ўзаро ризо ҳолати («Фажр» сураси 27–30, «Баййина» сураси, 8-оят). 7. Нафси комила ёки «нафси закиййа» ёки «нафси сафиййа» – барча камол сифатларини қозониб, инсонларни иршод қилиш мақомига юксалган комил, тоза ва соф нафс, комил инсон сифати («Шамс» сураси, 9-оят).

Нур – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват. «Ан-Нур» Асмои ҳуснодан бири. АЛЛОҲнинг зоҳир исми билан тажаллийсига нур дейилган. Коинотдаги суратларда ўртага чиқадиган вужуд. Шунингдек, яширин бирор нарсанинг илми ладуний билан юзага чиқиши ва қалбдан мосивони ҳайдайдиган илоҳий воридотга ҳам нур дейилган.

О

Об (сув) – ҳаётдан мурод маърифат бўлгани каби сувдан мақсад ҳам маърифатдир.

Оби ҳайвон – Аллоҳ нурларининг порлаши ва тажаллийси.

Оби ҳаёт – зулматдаги булоқ. Ривоятларда айтилишича, унинг сувидан ичган одам абадий тирик қолади. Тасаввуфда ишқу муҳаббат чашмасидан киноя.

Огоҳ – воқиф, ориф, хабардор, уйғоқлик. Тасаввуфда ҳолни англовчи, тўғри йўлга тушган Ҳақ йўлчиси. Қалб кўзи очиқ валий.

Озод – дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай боғлиқликдан қутулиб, маънавий ҳурриятга эришган инсон. Тўла маънодаги эркин одам.

Ойна – Ҳақни мушоҳада этишга восита бўлган мавжудот. Комил инсоннинг кўнгли.

Оли Або – беш киши: Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али, набиралари Имом Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар назарда тутилади.

Ориф – ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон – туйғуларга асосланади. Ориф АЛЛОҲ томонидан бахш этилган ладуний илм воситасида унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри ёди билан умр ўтказади.

Ориф – танувчи, билувчи. АЛЛОҲни, унинг сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: маърифат ва ирфон эгаси, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно, фано мартабасига эришган, валий.

Оташ – Аллоҳ ишқининг ҳайбати.

Ошиқ – тасаввуфда Ҳақ ишқига мубтало бўлган киши. Ибн Арабийнинг фикрича, ҳақиқий ошиқ қуйидаги сифатлар соҳиби бўлиши керак: «мақтул»лик, қуш каби парвоз эта олиш, доимо бедор яшаш, ғам ва кадарларни пинҳон сақлаш, таркидунё этиш, кўп дарду изтироб чекиш, маъшуқани эслашдан тўхтамаслик, ўзидаги фазилатларга ортиқча аҳамият бермаслик, севгилига итоат этиб, унга қарши боришдан қочиш, нафсдан халос бўлиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр қилиш, қалб жунунига етишиш, маъшуқасини ҳатто ўзидан-да қизғаниш...

П

Паймона – ҳақиқат майи; ғайбий нур ва маъноларни идрок қиладиган орифнинг қалби.

Пири харобот – комил инсонлар ва йўлбошчилар, пири майхона маъносида ҳам келади.

Пири муғон, пири харобот, хаммор ва бодафурўш – майхоначи, ҳазрат пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда пири комилнинг сифатлари. Муҳаммад алайҳиссалом ва асосан муршиддан киноя.

Р

Рамз – сўз замирида яширинган ва аҳли дилдан ўзга киши англай олмайдиган маъно.

Раҳматан лил оламин – Ҳазрат пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васалламнинг «оламларга раҳмат» сифати. АЛЛОҲу таоло Қуръони каримда «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз сени барча оламларга раҳмат қилиб юбордик», деб марҳамат қилади («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур Қуръоний ибора асосан наът шеърларда кўпроқ келтирилади.

Рух – юз, бет; афсонавий йирик қуш; шахмат доналаридан бирининг номи. Тасаввуфда АЛЛОҲ ҳуснининг мазҳари; Рух – кўп исм ва сифатларга эга бўлган якка-ягона илоҳий Зотга ишора. Рух – ҳазрати Вожиб таолонинг тажаллийси, оламдаги нарсалар ва илоҳий исмлар зуҳурини вужудга келтирувчидир; илоҳий лутф; Баъзи мутасаввифларга кўра, рухдан мақсад – илоҳий жамолнинг лутф сифати билан тажаллий қилишидир. Бунда Ҳақ «Латиф», «Рауф», «Таввоб», «Муҳйий», «Ҳодий» ва «Ваҳҳоб» сифатлари билан тажаллий қилади. Рухнинг нурга, зулфнинг зулматга муносабати бор. Гоҳида мосиво (АЛЛОҲдан ўзга нарсалар) мутлақо зулфга таъбир қилинади. Чунончи, зулф – маҳбуб юзидаги парда ва ниқобдир. Коинот ва касратдаги нарсалар илоҳий Зот ҳижоби ва ҳақиқий Воҳид жамолининг ниқобидир. Рух эса – моддадаги тажаллиёт.

Рух ва рухсор – зотий ҳусн мазҳари ва жамолий тажаллийларга айтилади; Навоий ёзади:

Кимгаким бир оразу рухсору хатту зулфнинг
Шавқи бўлса, хотири майли раёҳин айламас.

(«Бадоеъ ул-васат», 225, 3)

Баъзан мавжудот олами рухсор дейилади.

Руҳ – ҳақиқатидан банда бир оз хабардор бўлган илоҳий сир. Илоҳий бир нафас ва АЛЛОҲ амрларидандир. Ҳақ тажаллийсидир. Руҳ наботий руҳ, ҳайвоний руҳ, инсоний руҳ ва изофий руҳ каби қатор турларга ажратилган. Маъшуқнинг камоли назарда тутилиб, унга «Эй руҳ!» деб мурожаат этилган.

Рўъятуллоҳ – АЛЛОҲ сирларини ва тажаллийларини қалб кўзи билан сайр айлаш, маънавий оламни томоша қилиш, Ҳақ жамолига восил бўлиш.

С

Санам – бут. Соликни Худодан тўсиб турувчи нарса.

Сийна – илоҳий илм сифати.

Соқий – маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчи. Баъзан соқийдан мурод Кавсардир, у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Навоий ёзади:

Тут, эй соқий, манга бир майки, онинг нашъаси еткач,
Кўнгул беҳол бўлғай, жонға ҳар дам ўзга ҳол ўлғай.

(«Фавойид ул-кибар», 581, 9)

Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада: «Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади» дейилади. Бу сўз (соқий) истиора йўли билан «муршиди комил«ни англатади. Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий ҳусн шаробини ичадиган маъшуқдир.

Соқий ва мутриб – маъно оламидан файз етказувчилар.

Соғар, суроҳи ва мино – орифнинг қалби. Уни хумхона, майхона ва майкада ҳам дейдилар. Шаробхона деганда, малакут, маъно ва арвоҳ оламлари ҳам тушунилади. Баъзан семурғ, анқо, иксир, жоми жаҳоннамо ва оиналардан комил инсон англашилади. Баъзи тасаввуф истилоҳларида майхона, буткада, шаробхона деганда илоҳий маърифат ва завқ-шавққа тўла комил орифнинг ботини назарда тутилади.

Соғар ва паймона – маънавий идрок ва ғайбий нурлар мушоҳада қилинадиган манба ва шу манба соҳиби.

Сулук – йўл тутиш, яхши йўлга кириш, равиш, сўфиларнинг тариқат йўли. Нафсни тузатиш ва вуслатга эришиш учун тасаввуф йўлига, унинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук: усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик деб тасаввуфда муттасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишига айтилади.

Сухан (сўз) – ғайб олами билан ошнолик ва унга ишорат.

Сўфий – тасаввуф йўлида юрган, тариқат одобу арконига риоя қиладиган, халқ орасида бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган киши. Сўфий – тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сўфий қалбини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди. Сохта сўфий эса авом, риёкор ва мунофиқдир.

Т

Тавҳид – тасаввуфда АЛЛОҲни битта (ягона) деб билиш, ёлғизлигини тан олиш, сўфийликнинг бешинчи босқичи, сўфийнинг Аллоҳга етишуви, у билан ниҳоятда яқинлашуви. АЛЛОҲнинг ягоналиги. Унинг зотини ақлий тасаввурлар ва зеҳний хаёллардан холи қилиш. Тавҳид уч хилдир: 1. Ҳақнинг ўзини ягона ва тенгсиз эканини билиши; 2. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халққа билдириши; 3. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халқнинг тил билан иқрор айлаши.

Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сўфий фақатгина Бир (АЛЛОҲ)ни кўради ва Уни билади, Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифлар муваҳҳид ва тавҳид аҳли дейилади. Халқнинг тавҳиди Худойи таолони Бир сифатида эшитиш, зиёлилар тавҳиди Бир билиш, хосларнинг тавҳиди Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан «ла машҳуда иллаллоҳ«нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди – Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажаллий этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва «ла фоъила иллаллоҳ» дейди; сифот тавҳиди – Ҳақ соликка сифатлари билан тажаллий этганда, солик АЛЛОҲни ва Унинг сифатларини кўради; Зот тавҳиди – Ҳақ соликка зоти билан тажаллий этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина АЛЛОҲни кўради ва «ла мавжуда иллаллоҳ» дейди. Ваҳдати вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш, жилоланиш, партавланиш; Ҳақ таоло лутфига муяссар бўлиш; ғайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Тажаллий – илоҳий файзнинг солик кўнглида зуҳур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол. Навоий ёзади:

Магар тажаллийи ҳуснунгға мазҳар ўлди қуёш,
Ки зоҳир айлади онча жило била ёғду.

(«Бадоеъ ул-васат», 506, 4)

Тажаллий икки қисмдир: 1. Руҳоний тажаллий 2. Раббоний тажаллий. Бу ҳам иккига ажралур: 1. Улуҳият тажаллийси. 2. Рубубият тажаллийси. Буларнинг бири ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.)га, иккинчиси ҳазрати Мусо алайҳиссаломга тегишлидир. Тажаллий – доимо ғайбдан шуҳудга, зулматдан нурга, номаълумдан маълумга ўтиш, демакдир. Тажаллий соликка баъзан жазба, баъзан сукунат беради. Тажаллий тўртга бўлинади: зотий тажаллий – илоҳий зотнинг зоти учун тажаллийси; сифот тажаллийси – илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; исм тажаллийси – Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зоҳир бўлиши; феъл тажаллийси – илоҳий феълларнинг банда қалбида юзага келиши. Ҳақ таоло ҳар лаҳза, ҳар ерда турли мартабаларда тажаллий этади, яъни ўзини ошкор қилади.

Ваҳдати вужуд аҳлига кўра икки хил тажаллий мавжуд: умумий ва раҳмоний тажаллий – бу тажаллийдан барча баробар насибасини олади; хос ва раҳимий тажаллий – бу тажаллийда мўъминлар, сиддиқлар ва орифлар тавҳид, маърифат ва ризо каби неъматларга ноил бўладилар.

Тажрид – мужаррад бўлмоқ. Мужаррад деб яланғоч ва бўйдоқ кишини айтадилар. Сўфийлар истилоҳида дунёвий ғараз ва андишалардан батамом холи бўлиш тажриддир.

Тажрид-тафрид – соликнинг зоҳиран молу мулкдан, ботинан зиддиятли фикр ва тушунчалардан ўзини халос айлаши. Тажрид молик бўлмаслик, тафрид эса мамлук бўлмасликдир. Тажрид қалбни мосиводан қутқариш, тафрид Ҳақни шаънига нолойиқ сифатлардан баланд тутиш, Уни фард, яъни қиёссиз, тенгсиз кўришдир.

Талаб – матлубдан муродни қидирган, излаган одам.

Тараб – истилоҳда Ҳақ билан унсият(яқинлик) ҳосил қилиш.

Тарсо – замима (ёмон) сифатлардан халос бўлган ва ҳамида (яхши) сифатларга эришган ҳамда нафси амморадан қутулган руҳоният одами.

Тарсобачча – ғайб оламидан солик қалбига ворид бўлган (қуйилган) ғайбий воридотлар. Тарсобачча – раббоний жозиба ва руҳоний жолиба (жалб қилувчи нарсалар)дир. Баъзилар руҳлар оламидан кишилар қалбига ғалаба қилиб файз етказган ва нафслар қутқусидан халос қилган кишини тарсобачча дейдилар.

Тариқат – луғавий маъноси йўл демакдир. Тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибат АЛЛОҲга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва таълимот йўлидир. Аммо тариқат шариатдан фарқли ўлароқ, бир талай хусусий талаб, усул ва қоидаларига эга йўлдир. Яъни тариқат аҳли шариат амрларини бажариш билан бир қаторда қўшимча нафл ибодатларни ҳам адо этади. Қаттиқ риёзатлар чекиб, суннатга жиддий эътибор қаратади. «Тариқат» сўзидаги ҳар бир ҳарф солик зиммасига талаб қилмоқ (Т), рози бўлмоқ (Р), яқин бўлмоқ (Й), қурб кўрсатмоқ (Қ) ва буткул таважжуҳ (Т) каби мажбуриятларни юклайди.

Олимларнинг аниқлашича, тасаввуфда 160 дан зиёд тариқат ва тариқат тармоқлари бўлган. Анъанага кўра, тариқат уч асосий таркибга ажратилган:

1. Тариқи ахёр – хайрли инсонлар йўли. Тариқи арбоби муомалот деб ҳам таърифланган ушбу йўлнинг асосини зуҳд, тақво ва ибодат ташкил қилган. Шу боис унга зоҳидлар ва обидлар йўли сифатида қаралган. Бу йўл – Ҳаққа етишишнинг узундан-узун йўли. Уни танлаганлар орасида мақсадга эришганлар ниҳоятда кам бўлган.

2. Тариқи аброр – яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тасфия ва мужоҳада деб ҳам юритилган. Бу йўл – нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликлардан поклаш, ахлоқий комилликка етишиш йўли ҳисобланган. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ халқ билан бўлсин, муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғриликдан чекинмаслик ушбу йўлнинг бош талаби бўлган.

3. Тариқи шуттор – ошиқлар йўли. Унинг иккинчи бир номи – тариқи соирин. Бу – ишқ, муҳаббат ва жазба билан мақсадга эришиладиган йўл. Бу йўлга кирган киши ишқ ва жазба мақомига юксалгунига қадар жуда кўп мақомлардан ўтмоғи шарт бўлган. Чунки ушбу йўлда сайри сулук асосдир.

Тариқатларнинг ибтидоси ҳазрати пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)га бориб боғланади. Тариқатлар у Зотнинг икки буюк саҳобаси – ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али томонидан давом эттирилган. Ҳазрати Абу Бакрга бориб боғланадиган тариқатлар зикри хуфияга асосланган. Зикр ва дуоси очиқ ҳамда баланд овозда, жамоат ҳолида ижро этиладиган жаҳрий тариқатлар ҳазрати Алига нисбат берилган.

Турра – жамолдан киноя.

Ф

Файзи илоҳий – Ҳақ таолодан етгувчи файз. Икки қисмга ажратилган: бири – файзи ақдас, иккинчиси – файзи муқаддас. Дастлабкисига илм мартабаси орқали, кейингисига ҳақиқат ва олий моҳият туфайли эришилади.

Фано – йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топиши. Фанонинг туб маъноси – қулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, АЛЛОҲнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Фано ҳолидаги ошиқ «мен«лигини унутиши билан тавҳид асрорига соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори даражаси эса фанофиллоҳдир. Бу эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши.

Тасаввуфда фано фил ишқ тушунчаси ҳам мавжуд. Бунга кўра кўнгил тасфияси ва руҳни даражама-даража юксалтириш орқали фано фил ишқ даражасига эришилади. Алишер Навоий «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни ҳам» сатрида фано фил ишқ мақомига ишора қилган. Фақру фано эса маънавий бойлик мақоми. Навоий ёзади:

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,
Ким Навоийға эрур фақру фано туфроғи хўб.

(«Бадоеъ ул-васат», 48, 7)

Фақр – тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми; фақирлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки, АЛЛОҲу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишдир. Фақр мосиводан халос бўлиш, таваккул туйғуси билан яшаш демакдир. Фақр шараф хирқаси, пайғамбарлар ва солиҳларнинг либосидир. Фақр тожини кийган икки жаҳонда султондир. Шу боис фақр тасаввуфнинг асоси ва манбаи ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Фақирлик фахримдир» деганлари учун ҳам ориф инсонлар фақирлик билан фахрланганлар. Бу фахрланиш халққа камбағаллигини, тиланчиларга хос ҳаётини кўрсатиш эмас, АЛЛОҲ олдида ожиз ва фақирлигини ҳис этиб ёлворишдир.

Фақр – йўқсиллик, АЛЛОҲга муҳтож бўлиш ҳолати ва шуури, сўфийлик. Фақир, дарвеш, сўфий, мурид, толиб, ўзини ҳар жиҳатдан АЛЛОҲга муҳтожлигини биладиган, ал-фақру илаллоҳ – АЛЛОҲга муҳтож бўлиш, ал-фақиру илаллоҳ – ўзини АЛЛОҲга муҳтож деб билган киши.

Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди.

Фақр – тарки дунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари фақрнинг олти одоби борлигини таъкидлайди:

1) Яхши ва ёмон муомалада бўлмаслик;
2) Пир олдида хомуш бўлмоқ ва унинг ижозатисиз сўзламаслик;
3) Ҳеч ким билан ёмон муомалада бўлмаслик;
4) «Хосу омнинг хизматини» адо этмоқ;
5) Нафсни енгмоқ;
6) Ҳавою ҳавасни тарк қилмоқ.

Машҳур сўфий Саҳл ибни Абдуллоҳ Тустарий: «Сўфи ҳар қандай ғам-ғуссадан холи, тафаккурли, Худонинг даргоҳида фисқу фасод қилишдан йироқ ва унинг кўзига тупроқ ҳам, тилло ҳам бир хил кўриниб, тафовути қолмаган кимсадир», деб фақр мақомининг сўфийлик шартларидан бири эканлигига урғу беради.

Иброҳим Бухорий Калободий фақрга таъриф бериб: «Фақр – молинг бўлмаслиги, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслиги, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир», деган экан. Шунингдек, фақирнинг АЛЛОҲдан бошқага муҳтожлиги бўлмайди ва у таваккул эътиқоди билан яшайди.

Х

Харобот – шаробхона. Сўфийлар истилоҳида башарий сифатларнинг хароб, жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир. Хароботий ундан беихтиёр илоҳий маърифатлар содир бўладиган комил инсондир. Хароб – башарият оламининг хароб бўлишига ишорадир. Навоий ёзади:

Кир харобот ичраким, бир журъасидин еткурур,
Файзни юз шайхча базм аҳлиға хаммор файз.

(«Фавойид ул-кибар», 278, 5)

Хат – кибриёлик (улуғлик, буюклик) хитоби; Муҳаммадий ҳақиқатга, баъзан, вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳ оламига ишора; маҳбуб юзига латофат, нозиклик, гўзаллик билан чизилган хат. У барча нозиклик ва ҳусну жамол нуқталарини жамловчидир. Навоий ёзади:

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.

(«Гаройиб ус-сиғар», 171, 1)

Хат ва маҳбуб юзини кўрган шак-шубҳасиз, касратни ваҳдат деб билади, маълум бўладики, ваҳдат – кундуз, касрат кечасидир; хат – ғайб олами. У вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳлар олами борлиқларига ҳам ишора, дейдилар.

Хол – ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. У касрат – кўпликнинг бошланиши ва интиҳосидир. Ағёрнинг идрок ва шууридан беркитилган ва махфий қилинган. «Барча амрлар ундан бошланади ва унга қайтади...». Хол йўқлик оламини англатиши билан бирга Мутлақ зот ягоналигига ҳам ишорадир.

Зулфиға тушеа Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.

(«Гаройиб ус-сиғар», 87, 7)

«Миръотул ушшоқ«да вужуд фалагининг маркази бўлган қалбнинг сувайдо нуқтаси бу холни жилолантирувчи ва зоҳир қилувчи жойдир, дейилган. Баъзи мутасаввифларга кўра, хол – тоат нурлари ичидаги маъсият зулматидир. Агар яхшилик оз бўлса, хол дейдилар. Холнинг қора рангга ташбиҳ қилиниши ғайбий ҳақиқатдир, идрок ва шуурдан панададир; мабдаъ ва касрат интиҳосининг ҳақиқий ваҳдат нуқтасидир. Ва яна Мутлақ Зот ваҳдатидан киноя ҳам дейдилар. Қора хол деганда, баъзан, ғайб олами тушунилади.

Хум – сир мартабаси ва руҳий латифа. «Аҳадиятул жамъ» ва мавқиф (тўхташ, тин олиш мақомлари)га ҳам айтилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида «хуми ишқ» ибораси кўп қўлланилган. Навоий ёзади:

Эй Навоий, хирқа зайлидин ариттинг дурди хум,
Бизни бу дайри фанода покдоман айладинг.

(Бадоеъ ул-васат», 348, 7)

Ч

Чашм (кўз) – ашёлар (нарсалар)да Ҳақни мушоҳада қилиш. Бу мушоҳадакорлик лаёқати басарий сифат деб таъбир қилинади. Яъни, солик назаридан бирор нарсани четда қолдирмайдиган фойдали ва зарарли нарсаларни назорат қилиб турувчи, унинг барча яхши ва ёмон аҳволига тааллуқли басарий сифатлар. Навоий ёзади:

Қотил кўзунгки ўлтурур элни боқиб туруб,
Боқмас манга, кўзум нечаким турса телмуруб.

(«Бадоеъ ул- васат», 66, 1)

Чашми пурхумор – соликнинг ўзида сайр қилиши.
Чашми жоду – илоҳий жазбалар.
Чашми маст – илоҳий сир ва унинг жазбалари.
Чашми наргис – камол аҳли пинҳон тутадиган олий мартабалар.
Чашмаи ҳайвон – маърифатнинг манбаи ва асоси, Ҳақ маърифати.
Чашм ва абру (қош) ва жамол – солик қалбига қуйилувчи ғайбий илҳомлар.
Чеҳра – бет, юз, башара, афт; тасаввуфда соликнинг кайфият ва ҳолатига кўра содир бўладиган ҳамда соликнинг ғайб ҳолатида рўй берадиган тажжалиёт.
Чеҳраи гулгун – комил орифнинг қалбида порлайдиган тажаллиёт.

Ш

Шайдо – жазба ва шавқ аҳлидан киноя.

Шамъ – АЛЛОҲнинг нури, илоҳий нур қуёши; тажаллий. Навоий ёзади:

Жон қуши ўртанмасун деб ёпма ўтлуқ чеҳраким,
Шамъ ўтин кўргач куярдин айламас парвона бок.

(«Бадойиъ ул-васат», 325, 3)

Шароб, май, бода – муҳаббат; асосан, ишқ-муҳаббат шароби. Май – илоҳий май. Нақл қилинишича, Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.) меърожда илоҳий ишқ шаробидан тотиб, беҳуш бўлган эканлар. Шу боис ишқ шароби тасаввуф адабиётида асосий тимсоллардан бўлиб келган. Шароб – ишқ, илоҳий муҳаббат; ишқнинг ғалаба қилиши. Ҳақиқий маҳбуб жилваланиб, муҳаббат ғалаба қилган пайтда, солик қалбига қуйилиб уни маету беҳуш қилувчи завқ, важд ва ҳолатдир. Бу ҳолат чулғаб олганда ақл муҳокамалари ва хаёл хоҳишлари зойил бўлади, маету муетағрақлик ҳолати юз беради. Шароб – мастликдан киноя ва Ҳақ муҳаббатининг жазбасидир. Навоий ёзади:

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 1, 7)

Пайғамбар алайҳиссалом АЛЛОҲ таолодан ҳикоя қилиб айтдилар: «Эй Аҳмад (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар мает бўладилар. Агар мает бўлсалар хуреанд бўладилар, агар хуреанд бўлсалар талаб қиладилар, агар талаб қилсалар топадилар, агар топсалар тавба қиладилар, агар тавба қилсалар халос бўладилар, агар халос бўлсалар етадилар, агар етсалар бирлашадилар, агар бирлашеалар улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди». (Муҳаййир, «Девон», «Муҳаррир», 2010, 23-б.)

Шароби хом, шароби пухта – хом шароб ҳақиқий бандаликдан йироқ бўлган гўзал ҳаёт бўлса, пухта (етилган, пишган) шароб – бандалик, ошиқликнинг мусаффо, холис ҳаётидир.

Шаробан таҳуро (тоза, соф шароб) – Қуръонда зикр қилинган ва мўъминларга жаннатда улашиладиган шароб. Шайх Акбарободийнинг «Нодир ул-меърож» асарида ёзилишича, мўъминлар жаннатда шароби таҳурдан ичсалар, АЛЛОҲ таолонинг беназир ва беқиёс дийдорига мушарраф бўлар эканлар («Инсон» сураси, 21-оят).

Шўх – нозли дилбар; илоҳий жазба ва илоҳий тажаллий.

Қ

Қад – ваҳдат оламига таважжуҳ қилиш учун қойим бўлмоқликни айтадилар.

Қаландар – дарбадар кезувчи, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрувчи, қаландарлик қиладиган, шунингдек, қаландария тариқатига мансуб киши. Тасаввуфий шеърларда асосан дарбадар кезувчи Ҳақ ошиғи сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий асарларида сохта, текинхўр қаландарларни қаттиқ танқид қилган бўлсада, шеърларида ошиқнинг турли ҳолатларини ифодалаш учун қаландар атамасидан фойдаланади.

Қаландар ва қаллош – маъно товланишларига кўра сафо аҳли, тарк аҳли ва фано аҳли назарда тутилади. Навоий ёзади:

Илгида жому кўрар май ичра олам ҳолини;
Ё Раб, ул Жамшид ё майхона қаллошимудур.

(«Бадоеъ ул-васат», 173, 6)

Қоба қавсайн – икки ёй оралиғи, яқин масофадан киноя. Бу ибора Қуръонда зикр қилинади ва меърож кечаси қурб манзилида АЛЛОҲ ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзаро яқинлашувини ёки йўлда Муҳаммад алайҳиссалом ва Жабраил фаришта ораларидаги масофа яқинлигини англатади.

Қолу бало – Ҳақ таоло Одам болаларининг пушти камарларидан қиёматга қадар дунёга келажак барча зурриётлардан: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» деб сўраганида, улар: «Ҳа, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг» («Аъроф» сураси, 172-оятдан олинган ибора).

Қомат – севикли ёр; муҳаббат манбаи; қалбнинг юқори оламга таважжуҳ қилиши, сиғинишга муносиб назарда тутилади. Зеро, Худодан бошқа сиғинишга муносиб эмас.

F

Ғамза – кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш, ноз ва дилбарона ишва билан кўз сузиш, боқиш. Тасаввуфда қўрқув ва умид (хавфу ражо); идрок қилинган ишоратлар. Навоий ёзади:

Ул ғамза қон қилурға, ул кўз вафо қилурға,
Бедоду зулм боис, нозу итоб монеъ.

(«Фавойид ул-кибар», 291, 5)

Ғариб – мусофир, кимсасиз, ажойиб, нодир, қизиқ, камёб. Солик асл ватани бўлмиш руҳлар оламидан келганини ва ўткинчи дунёда ғурбатда яшаётганини ҳис қилса, ғариб дейилади.

Ҳ

Ҳаблул варид – бўйин томири. Қуръондаги: «Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз» оятига ишора («Қоф» сураси, 16-оят).

Ҳайрат – ҳайрон қолиш, ажабланиш. Қалбда юз очган тажаллий туфайли соликнинг англаш ва муҳокамадан тўхтайдиган бир ҳолга етишиши. Навоий ёзади:

Кўнгулу кўз санга муштоқу йўлуқсанг, чиройингдин
Ани бехудлуғ этиб баҳрасиз, аммо муни ҳайрат.

(«Фавойид ул-кибар», 76, 6)

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, ҳайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳузурланиш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳокама юритишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни ёришиш, ойдинлашиш, ойдинликдир. Шиблийдан ҳайрат ҳақида сўраганларида, у: «Ҳайрат икки турлидир: бири – гуноҳ қилиш қўрқувининг шиддатидан туғилган ҳайрат, иккинчиси эса қалблардан ўрин олган таъзим туйғусидан майдонга чиққан ҳайрат», деган экан. Ҳайрат фанофиллоҳ ҳолига кўтарилиш учун восита бўладиган мақомлардан бири ҳамдир.

Ҳал мин мазид – «Яна қўшимча борми?» «Яна зиёдаси борми?» маъноларини билдирадиган Қуръоний ибора. «У Кунда Биз жаҳаннамга: «Тўлиб битдингми?» дермиз, у эса: «Яна қўшимча борми?» дер («Қоф» сураси, 30-оят). Тасаввуфий асарларда бу ибора орқали ёрнинг чексиз нозу истиғноси ва фазилатларига ишора қилинади.

Ҳақиқат – қалбнинг доимий суратда АЛЛОҲнинг ҳузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги, илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган, аммо ифода қилиб бўлмайдиган, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган маънавий ҳақиқатлар, маърифат. Тариқат сирри, яъни латоифалар нури зоҳир бўлса, ҳақиқат дейилади.

«**Таҳқиқ**» – ҳақиқат мартабасига етиш учун бутун қувватини ва тоқатини сарфлаш, «таҳаққуқ» – ҳақиқат мартабасига етишиш. «Ҳақиқати Муҳаммадийя» – ҳақиқатлар ҳақиқатидир. Илк ҳақиқат «АЛЛОҲ биринчи бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.) руҳини ва нурларини яратди, кейин ҳамма нарсани шу руҳ ва нурдан, шу руҳ ва нур учун яратди» шаклидаги ишонч, нури Муҳаммадий ва ақли куллий ақидаси.

Ҳақиқат бир неча маънода қўлланади. Жумладан, Худони таниш ва билиш; мажознинг зидди; банданинг Худо васлига интизорлик ҳолати; Ҳақ жамолини кўрсатиши; нарсалар манбаида илоҳий қудрат ва санъатни мушоҳада этиш ва ҳоказо.

Ҳақиқат шариат ва тариқат босқичларидан кейинги мақом бўлиб, Илоҳий Зот маърифатини ифодалайди. Тасаввуф буни «Шариат – соликнинг жисми, ҳақиқат – унинг руҳи», деб таърифлайди. Сўфийлар ҳақиқатга етишишни асосий мақсад деб биладилар. Сайру сулук натижасида моддий ва маънавий тўсиқлардан ўтиб, ўз нафсларининг асл жавҳаридан, яратилиш ва дунёга келиш сирларидан огоҳ бўладилар. Баъзи сўфийлар бу мақомни фанодан сўнгги бақо деганлар. Бу тушунчанинг ривожланиши асосида аста-секин «комил инсон» тушунчаси юзага келган.

Тасаввуфий манбаларда ҳақиқат атамасидан ташқари «ҳақиқати жомиъ», «ҳақиқати мутлақ», «ҳақиқатул ҳақоиқ» иборалари ҳам қўлланади.

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳақиқат истовчиларни тўрт гуруҳга: мутакаллимлар, файласуф ва ҳакимлар, исмоилия ва таълимия тарафдорлари ҳамда сўфийларга бўлади. Сўфийлар ҳақида: «Мен учун тамоман равшан бўлдики, Худойи таоло тариқатига қадам қўйганлар фақат сўфийлардир. Уларнинг ҳаёт тарзлари, тариқатлари, феъллари ҳам энг яхшидир, мақбулдир», деб таъриф беради.

Ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир. Қушайрийнинг ёзишича, шариат фиқҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир танганинг икки томони кабидир. Ҳақиқатсиз шариат мақбул эмас, шариатсиз ҳақиқат эса ботилдир.

Ҳижоб – парда, тўсиқ. Ошиқни маъшуқидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Навоий ёзади:

Ўзлугининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

(«Наводир уш-шабоб», 10, 7)

Дунё ва охиратга оид тамаъ ва ниятлар инсонни АЛЛОҲдан йироқлаштирувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам Ҳақ ва солик орасини тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади. «АЛЛОҲ ила қул орасида нурдан ва қоронғуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир», дейди Нажмиддин Кубро. Оддий ҳижоб – парда, моддий олам билан маънавий олам орасидаги нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Кишининг Ҳақ ва ҳақиқат орасидаги пардаси. Ҳижоб ва парда фақат нафсдир.

Ҳол – меҳнат орқали қўлга киритилмайдиган Ҳақ неъмати. Мақомларга эса меҳнат билан эришилади. Ҳол – сўфийнинг юксак маънодаги маънавий-руҳий ҳолати; кайфият, қувват. Ҳол ўзгарувчандир. Ҳол ўзгаришларини бошидан кечирган солик ҳол соҳибидан мақом соҳибига айланади. Ҳол – ошиққа маъшуқнинг лутфи. Ҳол эгаси ишқ туғёнида ҳолдан ҳолга юксалиб боради.

Ҳол соликнинг хоҳиш-иродасисиз АЛЛОҲдан қалбга етган маънолар, файзлардир. Илми қол – шариат, илми ҳол – тариқат. Тасаввуфда соликнинг ҳоли муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам тасаввуф баъзан илми ҳол деб юритилади. АЛЛОҲнинг розилигини топган тақводор инсонлар «ҳол соҳиби«дирлар. Шунинг учун ҳол соҳиби валий маъносида ҳам қўлланади.

Ҳол соҳиби – маънавий ҳолати яхши бўлган, тасаввуфий ҳолларни кўриб ва яшаб таниган; важд, жазба ва истиғроқ ҳолатида бўлган, сакр ва талвин соҳиби, ҳолига ҳоким инсон.

Ҳусн – гўзаллик, чирой. Илоҳий ҳусн. Энг мукаммал камолот ва сифатга эга бўлган Зот, Ҳақ. «АЛЛОҲ гўзалдир ва у гўзалликни севади» (Ҳадиси шариф). Ҳақ зотидаги барча мукаммал камолот; АЛЛОҲ жамоли, маҳбуб дийдори. Навоий ёзади:

Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

(«Бадоеъ ул-васат», 205, б)

МУНДАРИЖА

ҒАЗАЛЛАР
АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ ИБТИДОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Эй, етти манзар тарҳиға меъмори сунъунгдин бино 6
Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо 7
Эй, нечукким дурни махфй асрабон уммон аро 8
Худоё, залол аҳлиға раҳнамоё 9
Эй, кўнгул ичра майи васлинг учун ком таманно 10
Зиҳи, тожинга гавҳари кибриё 11
Зиҳи, ҳилолинг ўлуб ой бошиға тиғи бало 12
Кишики истасаким, етмагай малолат анга 13
Неча кўнглум пора бўлса, раҳм қилмас ёр анга 14
Лаълинг ул ўтки, кўнгул мижмар анга 15
Ваҳ, не ҳол ўлғайки, келгач ул бути зебо манга 16
Қачон отса ул ғамза новак манга 17
Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга 18
Чоғирға тушкали йўқтур қарору хоб манга 19
Ул ой куларга эрур, юз ажаб тарона манга 20
Тори зулф ўлғали дилбанд санга 21
Зиҳи, аҳли дин қатли ойин санга 22
Телба кўнглум ёраси ҳадсиз тани урён аро 23
Соқиё, нақди ҳаётим жавҳаридур жом аро 24
Миръоти ҳуснунг тийрадур бу оҳи дардолуд аро 25
Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро 26
Ёр лаби акси тушуб жом аро 27
Бир ой ўтти мени маҳзунға, бир ой интизоринда 28
Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса 29
Юзи, оллида гул, наззора қилдим, хўб эмас онча 30
Соҳиредур ул кўз, аммо холи ҳинду остида 31
Фиғонки, ҳажридин ўлди ўкуш алам бизга 32
Ёрлардин қилибон рам гўё 33
Чиқмақ усрук доғи ул кофири бебок бало 34
Дўст бўлмас гар жамол аҳлига жон қилсанг фидо 35
Ёр дардим сўрмайин кўнглумни маҳзун қилдило 36
Ваҳки, бўлдум ишқ аро бир бевафоға мубтало 37
Фалак нилуфаридин чашмаи меҳр ўлди гар пайдо 38
Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо 39
Ул ой бу телба била ёрму экин, оё 40
Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо 41
Сориғ оғриқ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро 42
Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо 43
Зиҳи анда макон топибки, йўқ мумкин макон анда 44

БЕ ҲАРФИНИНГ БАЛОЛАРИНИНГ БИДОЯТИ «ФАВОЙИД»ДИН

Сочса анжумдин фалак бошингға юз минг дурри ноб 45

Уйғотур субҳи баҳор элни фиғон бирла саҳоб ... 46
Бу куҳан дайрда хуштур неча кун бодаи ноб ... 47
Ики рухсоринг эрур хўбу хаттинг ҳам марғуб ... 48
Ўртаса ишқ мени, сўрма сабаб ... 49
Қилғали май била гулгул юзин ул нўшинлаб ... 50
Қачон мактабда ул моҳи муаддаб ... 51
Боғингга етмасун ошуб хазондин, ё Раб ... 52
Улки боштин то қадам бор ончаким, имкони хўб ... 53
Гар бўлмади бир лаҳза манга ёр мусоҳиб ... 54
Қани сенинг киби оламда дилрабо маҳбуб ... 55
Ваҳ, нетиб ишқин ниҳон асрарға бўлғай муртакиб ... 56
Бузди кўнглум кишварин ҳижрон ғами туғён қилиб ... 57
Саҳвдур тўби демак, раъно ниҳолингни кўруб ... 58
Ул қўпуб, отланғали маркаб суруб, сархуш бориб ... 59
Чун бағир захмлари бутмади пайванд қилиб ... 60
Хас киби жисмимға ҳижрон шуъласи урдунг бориб ... 61
Котиби сунъ чу ҳар кимга бир ишни рақам айлаб ... 62
Хуштурур бир тийра шоми ҳажр ики ёр учрашиб ... 63
Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб ... 64
Бир ой фироқида ҳар тун бошимға ўт тутошиб ... 65
Чобуқум тез сурар тунд саманд узра чиқиб ... 66
Борур ул маст яна ноз айлаб ... 67
Бизни зор этти бу раъно мутриб ... 68
Борди кўнглум ҳуши ишқинг ўтидин ахгар топиб ... 69
Тошларким, ул парипайкар бу мажнунға отиб ... 70
Кулуб чу лаълингу эл илгидин пиёла олиб ... 71

ПЕ ҲАРФИНИНГ ПАРИЙВАШЛАРИНИНГ ПАРВОЗИ «ФАВОЙИД»ДИН

Бу ақшом ҳолима шамъ ўртаниб, парвона андин кўп ... 72
Нукта кўп сурдунг, замоне лаъли жонпарварни ёп ... 73

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТОРОЖГАРЛАРИНИНГ ТАМОШОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Йигитлигингда қариларға қилмадинг хидмат ... 74
Эй кўнгул, ёр фироқида лаболаб май тут ... 75
Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут ... 76
Ғам юкидин чангдек қаддим хам эттинг оқибат ... 77
Демон, ул ой ўқин, эй дўст, сувур, йўқса, ушот ... 78
Гулга фархунда жамолингдин уят ... 79
Қайди зулфини чу ёр айлади занжири иродат ... 80
Ишқ таркига қилурмен туну кун кўнглума туҳмат ... 81
Фироқинг аро, эй гули сарв қомат ... 82
Бўлмишам ошиқ яна, эй ақли нофаржом, кет ... 83
Келмагил майхонаға, эй шайхи олийжоҳ, қайт ... 84
Кўнглумни қилди шефта бир маҳжабин йигит ... 85
Эй кўнгул, кўйида аҳволимни жононимға айт ... 86
Ул малаксиймоки, солмиш ҳуснидин оламға ўт ... 87

Кўнгулда нақш андоқ боғламиш бир нозанин сурат ... 88
Зиҳи лаъли лабинг жонимға офат ... 89
Жон фиғон айлар ғами ҳажрингда, жононим, эшит ... 90
Заъф кўргилким, танимни элтибон айларга қут ... 91
Жаҳон аруси бирла суҳбат айлама рағбат ... 92
Эй мусаллам, санга ҳар яхши сифот ... 93

СЕ ҲАРФИНИНГ САМИН ГАВҲАРЛАРИНИНГ САМАРАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Кўнгулда зулм била қилма юз бино иҳдос ... 94
Бўлди бехудлуғума бодаи гулгун боис ... 95
Бориб Юсуф, жамоли нақдиға жонон эрур ворис ... 96

ЖИМ ҲАРФИНИНГ ЖАМИЛАЛАРИНИНГ ЖИЛВАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Зиҳи, кўк бошиға гардунхиромингнинг изидин тож ... 97
Биравки даҳр мазиқидин айлагай махраж ... 98
Ишқ бемориға йўқ элдин давоға эҳтиёж ... 99
Сийм агар жон нақдидур айларда ҳар миқдор харж ... 100

ЧИМ ҲАРФИНИНГ ЧОБУКЛАРИНИНГ ЧЕҲРАКУШОЙЛИҒИ «ФАВОЙИД»ДИН

Қовмағил кўнглумни, зулфунг ичра ором айлагач ... 101
Манга агар дегасиз: жон била жаҳондин кеч ... 102
Тушкали ул дилрабонинг турраси торида печ ... 103
Кўзунг қонимға сероб этти ўзни, нақди жон олғач ... 104
Қайд айларга жунун аҳлини бор ул икки соч ... 105

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲАРАМИЙЛАРИНИНГ ҲУСНОРОЙЛИҒИ «ФАВОЙИД»ДИН

Азалда чунки рақам топти толиҳу солиҳ ... 106
Зормен зулфу юзи фурқатидин шому сабоҳ ... 107
Эй, хату лаълинг қошида мунфаил Хизру Масиҳ ... 108
Эй, сочинг шоми аро рухсори фаррухфол субҳ ... 109
Зиҳи шаҳди нўшунг бағоят малиҳ ... 110
Бошима еткурди тиғ ул шўхи маҳпайкар сабоҳ ... 111

ХЕ ҲАРФИНИНГ ХЎБЛАРИНИНГ ХИРОМИ «ФАВОЙИД»ДИН

Садқанг бўлубон урмоқ бу гунбади ахзар чарх ... 112
Қон тўкуб ул бути зебо густох ... 113
Чу қилди ишқиға кўнглумни мубтало ул шўх ... 114
Ул парийваш ҳурнинг мен телбадек шайдоси чўх ... 115
Дема, бир ўпмак не эркин лаълидин жононға нарх ... 116
Қадду рухсориға йўқ гулшанда бир монанд шох ... 117

Хужаста тонгки очиб ораз ул бути гулрух 118

ДОЛ ҲАРФИНИНГ ДИЛОРОМЛАРИНИНГ ДАВРОНИ «ФАВОЙИД»ДИН

Чу солик айлар эса азми водийи тавҳид 119
Котиби сунъки мушк айлади хаттингға мидод 120
Ишқ аро нофиъ эмас оқилу фарзонаға панд 121
Не муроду не умид айлар ул ойдин бизни шод 122
Кўнглума тиғ урғач, оҳимдин ҳувайдо бўлди дуд 123
Эй, қилиб зулфунг каманди ваҳшийи саҳрони сайд 124
Йўқ манга юз йилда ул маҳвашқа бир сўз дерга ҳад 125
Ишқ аро куймак ишим, қайда мену қайда хирад 126
Олиб эл кўнглинки, чектинг сарвдек озод қад 127
Жафода бор ул ой гардунға монанд 128
Лабинг лаълу хатинг, эй жон, зумуррад 129
Эй, сочинг занжирида ошуфтаю шайдо хирад 130
Ваҳки, ҳам ҳушумни афзун қилмади афсуну панд 131
Йўлида жон бердим, ўтти кўрмайин жонон, не суд 132
Эй юзунг шамъию зулфунг дудидин тарки хирад 133

ЗОЛ ҲАРФИНИНГ ЗАВИЛ ҲАЁТЛАРИНИНГ ЗУФУНУНЛИҒИ «ФАВОЙИД»ДИН

Ишқ амриға эрур кавну макон ичра нафоз 134
Тикибтур бошиға жонона таъвиз 135
Бўла олса лабинг оллида Масиҳо тилмиз 136

РЕ ҲАРФИНИНГ РАЪНОЛАРИНИНГ РУСТОХЕЗИ «ФАВОЙИД»ДИН

Қариға гарчи сабукруҳлуғ фаровондур 137
Эрур ҳамиша хазон баргидек бошимда шарор 138
Қонима ҳар дам кўзунгнинг ўзгача ангези бор 139
Ғариблиғда, деманким, ғаму малолати бор 140
Гўйиё кўнглум тахайюл мулкининг султонидур 141
Васлдин чун мултафит кўпроқ бўлур фурқатда ёр 142
Парвона қаноти ароким доғ ила қондур 143
То бузуғ кўнглум аро зулфунг хаёли айланур 144
Тешилди хаста кўнгул, ишқ тиғи эткач зўр 145
Итларинг хайли мени ўлди гумон айладилар 146
Ваҳки, савдо даштида қилди мени девона ҳажр 147
Ул малаксиймоки, ҳусн ичра парий монандидур 148
Васлидин навмид экан чоғда фироқи куйдурур 149
Сафарда, ваҳки, мендин айру бир ғойиб мусофирдур 150
Войки, бағрим ёна ҳажр ўқидин ёрадур 151
Ишқ доғидин нишон қолғандин, эл жоним олур 152
Биров тиғи фироқи, ваҳ, яна кўксумни чок айлар 153
Эй кўнгул, душманлар онча макр ила фан қилдилар 154
Қаю тарафки қуёш янглиғ ул нигор борур 155

Мену фурқат айёмию зорлиғлар 156
Онча кўнглумни жунуну ишқ яғмо қилдилар 157
Ғам туни икки кўзумгаким қуёше эврулур 158
Биров ғами яна кўнглумга қўзғолон соладур 159
Не парийдурким, хирад асҳобини мажнун этар 160
Не нахл қомат экинким, кўнгул хароби эрур 161
Ҳар неча еткурса ул шўхи ситамгар интизор 162
Кўзумга ўқи гардидин зиёдур 163
Руҳ гулзорида, ё Раб, ул не сарви ноздур 164
Юзунг равшан, энгинг ҳам равшан, эй ҳур 165
Сўзи ҳажринг ичра жисми зори ғамнок ўртанур 166
Қайда топқай телба кўнглум ул қаро кўздин хабар 167
Ойтмон кўзу кўнгул матлуби кўюнг боғидур 168
Назарға қайси тарафдинки бир ғубор келур 169
Белию оғзи кўрар-кўрмасда чун пинҳон эрур 170
Ҳуш чун май базми ичра дилситонимдин кетар 171
Боғ атри чу насими гулу шамшод берур 172
Шуълаи рухсориға кўнглум қуши айлонадур 173
Ишқ ҳар дам кўнглума бир ўзга меҳнат келтурур 174
Тийра ҳажр айёмида билмонки, жонон қайдадур 175
Хатинг ичра лаби хандон кўринур 176
Ҳажр аро қолмишмен, эй соқий, лаболаб жом бер 177
Хўблар тиғи етишмасдин бурун бу зор ўлар 178
Икки зулфунг телба кўнглумга қаронғу кечалар 179
Неча бадмаст ўлғанимдин инфиолим бордур 180
Лаъли шавқидин кўзу кўнглумда ашку оҳдур 181
Бошимга кўйида ҳар дам ғулу қилур итлар 182
Зулфунг устида гажак қуллоблар тақлидидур 183
Товушким уй тошидин келса, дермен бағри тошимдур 184
Қатлима тиғ ўлғаликим чарх иши озордур 185
Ҳуреки, менинг жонима офат етилибтур 186
Ичкали гулранг май наргис масаллик жоми бор 187
Ҳар кишиким, бир сўз ул бадмеҳрдин тақрири бор 188
Гулни найлай, хотир ул рухсори гулгун соридур 189
Кўнгул ҳадиқасида бир ниҳоли наврасдур 190
Яна сенсиз оҳим ўти шуълазандур 191
Хаста кўнглум азм этар ул сориким, жонон борур 192
Кўнглумни фигор эттингу жонимда балодур 193
Кўзум ёшики юрак қониға тутош кўрунур 194
Бағримни тиғи ҳажр ила юз пора қилдилар 195
Ҳар ниёзу ажзким, бу жони ношодимда бор 196
Қошинг авжи малоҳатнинг янги туғқан ҳилолидур 197
Хаста кўнглум ўртанур, гўё севар жоним борур 198
Савсани тўн бирла ул қад савсани озод эрур 199
Барги най тўн ичида нол киби бели ниҳондур 200
Сочбоғингдин чиққан, оё, сунбули пурчинмудур 201
Бошдин аёғ яланг таним узраки тоза доғ эрур 202
Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур 203

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗЕБОЛАРИНИНГ ЗИЙНАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

Эй кўнгул, уммид торин гулшани даврондин уз 204
Бизни, эй ишқу жунун, расвои олам қилдингиз 205
Бизга жонон васли улдурким, жамолин кўргабиз 206
Қадинг туз, нахли гулзори Эрам туз 207
Эй санга хунрез мужгону балоангез кўз 208
Чун анга нохуш келур, базмида отим тутмангиз 209
Эй малоҳат шевалик ширин дудоғинг сўзга уз 210
Дўстлар, май била жонимға жафо айламангиз 211
Бир кун, эй ҳушу хирад, мен телбага ёр эрдингиз 212
Ёр этти меҳр таркию мен ёрмен ҳануз 213
Нозанинлиқ боғида қаддинг ниҳол, эй сарвиноз 214
Не лабидин истимоъ эттим қулоқ бир қатла сўз 215
Бошимға захмларнинг қони турмасдин бўлуб ожиз 216
Бир париваш волиҳи бўлдум, мени мажнун денгиз 217
Ул юз атрофи малиҳу лаъли хандонида туз 218
Эй висол аҳли, менинг ҳолим кўруб, раҳм айлангиз 219
Ишқ сирриға амин кимса хаёл айламангиз 220
Сарв ким кўрди анинг устида моҳи дилнавоз 221
Рози эрмасмен, кўнгул чокини пайванд этсангиз 222
Кўнглум олди ёр, чун юзига боқиб турди кўз 223
Тенгри бермиш ул парипайкарга андоғ тор оғиз 224
Анга хайдин тоза бўлмиш оби ҳайвон бирла юз 225
Манга ўлмаклик эрур ҳажрда осон сенсиз 226
Эй санга қад рост, лекин турраи таррор кўж 227

СИН ҲАРФИНИНГ СИЙМИНБАРЛАРИНИНГ САВДОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Гулшани иқбол хори меҳнатиға арзимас 228
Не ҳадки айлагамен ёр дастбўси ҳавас 229
Ҳолима ёр тараҳҳум қилмас 230
Кўз ёрутмоққа демон меҳри жамолинг боғи бас 231
Шоми ҳижронимға, эй гардун, саҳар пайдо эмас 232
Кўрмак они чун ҳадим йўқ, мени жонон тонимас 233
Бизга ишқ андуҳидин иш зорлиғларму эмас 234
Басе бу дайри куҳан маҳбасида қилма жулус 235
Ҳар кишига даст берса ул парий янглиғ анис 236
Дайр аро бизга ватан сарманзили хаммор бас 237
Меҳр гўёким тулуъ этмиш, менинг моҳим эмас 238
Тутмайин оламда кўнглум насли одам бирла унс 239
Кўп, эй боди сабо, жонон сари эс 240
Манга ишрат ери – кунжи фано бас 241
Эй кўнгул, ҳолимға ул ой раҳм қилғудек эмас 242
Зулфидур кўнглумда ҳар дам, оҳ чекмак суд эмас 243
Қилдинг офат барқидин жонимға ўт ёқмоқ ҳавас 244
Ғамзангни киши наззора қилмас 245
Ул ой бўлмай манга маҳбубу маънус 246

ШИН ҲАРФИНИНГ ШЎХЛАРИНИНГ ШАМОЙИЛИ «ФАВОЙИД»ДИН

Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш 247
Улки бизни зору они асру зебо айламиш 248
Юз бало бошимға ёғдурған, дедим, афлоқ эмиш 249
Қомату рафторинг ул мундин, бу андин хўб эмиш 250
Кирпикинг нешдуру ғамзангу ҳажринг ҳам неш 251
Эй, кўнгул гулзори васлинг субҳида ноланда қуш 252
Ҳар нечаким жавру истиғно эрур жононға иш 253
Ҳам хати хазроси хуштур, ҳам лаби гўёси хуш 254
Ул ойдин ҳам вафо хуш, ҳам жафо хуш 255
Муҳаббат шевасининг лозими ажзу ниёз эрмиш 256
Феруза тугма бирла нигорим бўйнида киш 257
Тўъмаким, топмас итинг урса тани зоримға тиш 258
Гарчи атфол отти бир-бир жисми урёнимға тош 259
Эй, гулшани ҳусн ичра хатинг сабзаи дилкаш 260
Шукрким, сочтим эса ғам туни анжум киби ёш 261
Бизга йўқтур олам аҳлидин жафодин ўзга иш 262
Олур жонимни ишқу манга дам урмоқ маҳол ўлмиш 263
Ҳусни девони уза матлаъдур ул пайваста қош 264
Ёзуқсиз, журмсиз бедод этар фош 265
Парийзодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш 266
Саҳоб эрмаски, кукраб тоғ уза ҳар сори айланмиш 267
Дарди кўп урён танимға юз туман доғ ўлмамиш 268
Демагил мужгонким, ул кўз қасди аҳбоб айламиш 269
Дарди ишқинг ўйла зор этмиш мени, эй бағри тош 270
Хилъатинму қилди ул гулрўи сийминбар бинафш 271
Мени ишқ ичра деган оқилу фарзона эмиш 272
Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш 273
Ул қадар ул кофир ислом аҳлини қатл айламиш 274
Ҳар парипайкарга бир девонаеким зор эмиш 275

СОД ҲАРФИНИНГ САНАМЛАРИНИНГ СИЙТИ «ФАВОЙИД»ДИН

Ишқинг элига ранжу ано бирла ихтисос 276
Истарам фурқат аро жону жаҳондин махлас 277
Рақиб ул навъ эрур жононға махсус 278
Қилмади жонимни ҳижрон бандидин даврон халос 279
Эй, сенинг дарду ғаминг жонима хос 280

ЗОД ҲАРФИНИНГ ЗАМИРОНБЎЙЛАРИНИНГ ЗИЁСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Вақ, нелар бўлди менга ишқ ғамидин ориз 281
Ҳолим ким экин айлагучи ёрға маъруз 282
Эй, етиб лаълинг майидин руҳума осори файз 283
Эй, латофатда санга лолаю насрин ораз 284

ТЕ ҲАРФИНИНГ ТАННОЗЛАРИНИНГ ТАРОВАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбут 285

Қилғай ул оразни кўрмакдин мени ҳайронни забт 286
Эй, хаёлингдин манга ҳар дам нишот 287
Юзунг ёнидаким бош чекти ҳар ёндин муанбар хат 288

ЗЕ ҲАРФИНИНГ ЗАРИФЛАРИНИНГ ЗУҲУРИ «ФАВОЙИД»ДИН

Гар ёрнинг аҳволиғадур ёр мулоҳиз 289
Эй, лабинг зоҳир этиб ширин лафз 290
Ул парий таркида ақлим деди ёлғон алфоз 291
Сўз адосиндадур ул кони малоҳат лаффоз 292

АЙН ҲАРФИНИНГ АЙЁРЛАРИНИНГ АЛОМАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

Менга бу нукта харобот аро бўлди масмуъ 293
Қилғали бегоналарга ошно жонона табъ 294
Масти бебоким қачон ҳолимға бўлғай мутталеъ 295
Дилбар юзин кўрарға бўлди ниқоб монеъ 296
Чун шабистон ичра қилди оразин жонона шамъ 297
Кўзум ёшарди, аён бўлғач ул жамоли бадеъ 298
Қизил кўнглак енгин оразға ёпсанг, важҳи йўқ воқеъ 299

ҒАЙН ҲАРФИНИНГ ҒАЗОЛАЛАРИНИНГ ҒАВҒОСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Онча маҳзун кўнглум ўлмиш ишқдин озорлиғ 300
Оташин лаълинг ўти айлади кўнглумни исиғ 301
Етмай икки лабинг майидин кўнглума осиғ 302
Юзунг ҳажрида ким чекти фиғону зор мен янглиғ 303
Агар келмаса, интизорим қўяр доғ 304
Заҳри ҳижронинг чу айшим комини қилди очиғ 305
Парийни ким деса ул меҳри ховари янглиғ 306
Муддаи, чун даминг эрмастур иссиғ 307

ФЕ ҲАРФИНИНГ ФИТНАЛАРИНИНГ ФУСУНИ «ФАВОЙИД»ДИН

Улки қилгай ўзи «Кашшоф» румузин макшуф 308
Қилмадим ул сарви гулрух манзили бўстонни тавф 309
Гарчи тоғдин оғир этти дарду озоримни заъф 310
Бировга мусаллам тариқи тасаввуф 311
Чок кўнглумни олиб дардини қилдинг тазъиф 312
Жоним ичра заъфдур юзлангали жононға заъф 313

ҚОФ ҲАРФИНИНГ ҚИЁМАТЛАРИНИНГ ҚИРОНИ «ФАВОЙИД»ДИН

Бу нукта сўрди фано дайри ичра пири тариқ 314
Эй, жамолинг шамъиға жон бирла кўнглум муҳтариқ 315
Чоқин ўти қила олмас ғамим тунини ёруқ 316
Эй ақл, қилмағил кўп тавсанлиғу ҳарунлуқ 317
Не ҳаддим орзу қилмоқ ул ой базмида маҳрамлиқ 318
Не ҳаддим бор итингнинг пойбўсин муддао қилмоқ 319
Бир қатла бўлса эрди ул гулузор ошиқ 320
Ашкдин жисмим биносин қўймади обод ишқ 321

То мени меҳнат тунига мубтало қилди фироқ 322
Эй, каломи жонфизойинг нақди жондин яхшироқ 323
Ул парийваш муддаиға меҳрибондур, бизга йўқ 324
Биров жисмиға отса ул сиймтан ўқ 325
Сенингдек парий хайли одамда йўқ 326

КОФ ҲАРФИНИНГ КОФИРЛАРИНИНГ КАМОЛИ «ФАВОЙИД»ДИН

Вафо тариқида улким тиларки, қилса сулук 327
Васли иқболин манга тегмас таманно айламак 328
Кўзда ёшим эврулур саргашта Мажнун ёшидек 329
Ўз тилим чун истамас розимни ихфо айламак 330
Ҳар дам истар телба кўнглум ишқ китмон айламак 331
Кўзунгнунг оллида наргис келиб қатиқ кўзлук 332
Ўзга ойлардин ҳаётим нашъаси бермас илик 333
То елак савсани айлабсену гулгун терлик 334
Лабинг хаёлидаким чок эрур манга кўнглак 335
Ул сари тўнлуқ эрур турғанда таъзимимға тик 336
Майда бўлса манга ул лаъли шакарханд газак 337
Не осиғ оҳим ўти равшан зулолинг кунидек 338
Дайр аро муғбачадин соғари мастона керак 339
Хароб қилмади онча мени майи гулранг 340
Бошиға чунки алиф кескай ул бути бебок 341
Тарки ишқ эттим, мени ишқ аҳли хайлидин сурунг 342
Зиҳи секрибон чарх узра раҳнавардинг 343
Бўлур гаҳики ғамим шуъласин аён қилсанг 344
Қаро-қаро мужа ханжарларин ититмак ишинг 345
Ишва айлаб элга, оҳимдин таваҳҳум қилмадинг 346
Бу не ҳусну ноз эрурким, интиҳоси йўқ анинг 347
Тоза доғ атрофида жисмимда тим-тим қон кўрунг 348
Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг 349
Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг 350
Қайси андуҳ ўтиким, куйган танимға урмадинг 351
Ё қошингға қатл учун зийнат фаровон айладинг 352
Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг 353
Эйки, ҳусн аҳлиға нозу шева таълим айладинг 354
Ишқ сиррин ҳажр асири нотавонлардин сўрунг 355
Дўстлар, гулшан аро сарви равонимни тиланг 356
Қилмади васл ичра бедод узра бедодинг сенинг 357
Шоми ҳажрим кўрдунг, аммо зулм таркин тутмадинг 358
Яна ишқ ўтин хаста жонимға урдунг 359
Жон олурда жисм зор эрканни билмасму эдинг 360
Нигор эркин буким, бармоғларингдин ошкор эттинг 361
Дуди оҳимнинг қуюндек печ ила тобин кўрунг 362
Бўлди қотил кўз била зулфи сияҳкори анинг 363
Яна, эй ишқ, гули рухсорин ошуби чаман қилдинг 364
Латофат ойи ул юз, шоми савдо сунбули тобинг 365
Гулрухеким, жон ародур хор уза хори анинг 366
Дўстлар, гар дўст қатлим истар ўлса, ўлтурунг 367

Қатъ қилғунча риё дашти аро юз минг олонг 368

ЛОМ ҲАРФИНИНГ ЛУЪБАТЛАРИНИНГ ЛАТОЙИФИ «ФАВОЙИД»ДИН

Ишқини тарк эт дединг, хуршиди рахшондурму ул 369
Ёр қутлуғ юзидин қолди чу маҳрум кўнгул 370
Туну кун ул ой хаёли бирла мен ошуфтаҳол 371
Куймагим кўр, ишқ ўтининг иштиолин сўрмағил 372
Сен эдинг кўнглум аро, ҳар неча чок эттим кўнгул 373
Тарки ишқин қилғали жон бўлди жонондин хижил 374
Ҳам жаҳоноро жамолидин гули раъно хижил 375
Кирди туфроққа ҳилол, очти тўлун ойға жамол 376
Ёр ҳажри хоҳи бир кун, хоҳ юз йил, эй кўнгул 377
Ёғлиғин, эйким, тикарсен, игна мужгонимни қил 378
Яна фироқида ҳар кун эрур манга юз йил 379
Эй, қадинг шамъу юзунг шамъ уза гул 380
Азм ўлса хаёлингға, кўнгулдур анга маҳмил 381
Ул шайхки, минбар уза афсунға берур тул 382
Қон ёшим ичра таним тўлғанғанин наззора қил 383
Ул қуёш оғзи уза мушкин хол 384
Ул пари чеҳра чу кўргузса жамол мақбул 385
Нолани ҳар нечаким элдин ниҳон айлар кўнгул 386
Юзи ойина қилди кўзгуни ул сиймбар ҳойил 387
Эй мусаввир, дилбаримға сурате монанд қил 388
Захмлиқ кўксумни ғайрат тиғи бирла чок қил 389
Лаъли жонбахшики элга жон берур, жонимдур ул 390
Айтаолмонким, мени овора бирла ёр бўл 391
Ваҳки, бу бедил ғамингдин ўлди, эй дилхоҳ, кел 392
Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил 393
Жону кўнглум баски кўрди аҳли даврондин малол 394
Олғали кўнглум миниб бир барқ рафтор от, кел 395
Тиғи ҳажрингдин эрур юз яра ношод кўнгул 396
Боғ аро эрдингмуким, бу кеча гулбез эсти ел 397

МИМ ҲАРФИНИНГ МАҲБУБЛАРИНИНГ МАЛОҲАТИ «ФАВОЙИД»ДИН

То йигит эрдим, қариларға кўп эрди хидматим 398
Не ажаб қон йиғласам аҳли замондин дам-бадам 399
Урармен кўксума тошлар, ғам эткач қасди жон ҳар дам 400
Улки кўси унидин шому саҳар афғоним 401
Айладим азми сафар, бўлғай дебон ишқ ўти кам 402
Тутқали ширин лабинг шохи шакардур бармоғим 403
Қаро дастор то чирмади моҳим 404
Фироқинг дўзахи ичра вужудум 405
Дамо-дам оташин лаълиға олур бода жононим 406
Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур комим 407
Жафо кам қилмадинг — кўз ҳар неча ҳуснунгға олдурдум 408
Баҳори васлда ўртанди рашкдин жоним 409
Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин таним 410

Шабистон ичра киргач, шамъларнинг нурин эттинг гум 411
Чархдин гар ҳардам эрмас бир азоға куймаким 412
Қайси тақво хирманин фисқ ўтидин куйдурмадим 413
Васлинг истаб ўқдек эткай эрди суръат пайкарим 414
Еткач ул қотил, эрур бўғзумда икки бармоғим 415
Ёр тиғи қатл уруб, мен ҳажр майли қилмадим 416
Ҳарир кўнглаку кўксин наззора айламадим 417
Итингки, борди қилиб туъма бағриму юрагим 418
Фироқ тиғи ҳалокидин онча эмгандим 419
Чарх айирди тез этиб ноламни ҳам, оҳимни ҳам 420
Баҳору боғдин ортар малолату дардим 421
Хўблар ошиқларин ношод этарлар, шод ҳам 422
Ёр келгач манга душман бўлурин билмас эдим 423
Шарҳи дардим ёрға ёздим — жавобе топмадим 424
Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам 425
Шоми ғам ҳажр ўтиға куймакни кўп фан айладим 426
Агарчи асру кўп золимдурур номеҳрибон моҳим 427
Ул қуёшқа, ваҳ, не ҳад бирла битик айлай рақам 428
Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мақом 429
Не кун келгайки, келгай нозаниним 430
Ҳар қизил гулким, юзунг шавқида олиб исладим 431
Не тонг гар муҳлик ўлса дуди оҳим имтидоди ҳам 432
Қайғудин кўнглумториқмиштур, кўнгулдин қайғу ҳам 433
Ёғлиғинг илгимда, ашкимни равона айларам 434
Кўнглум ичра ишқ ўти ёқмоқни ангез айладим 435
Ҳар киши ёр оллида дер чинни ҳам, ёлғонни ҳам 436
Эй мусулмонлар, келур ҳолим кўруб, кофарға раҳм 437
То ўюлди ханжари ҳижрон била гирён кўзум 438
Жавҳари пайконларингнинг махзани жон истадим 439
Лабинг ҳаёт суйидин зулол эмиш — билдим 440
Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим — билмадим 441
Эй, кўнгулга юз туман бедод сендин, жонға ҳам 442

НУН ҲАРФИНИНГ НОЗАНИНЛАРИНИНГ НАМУДОРИ «ФАВОЙИД»ДИН

Тилаб жаннатни, ўтмон дўст кўйида гадолиғдин 443
Еткуруб эрдим фироқинг тунлари гардунға ун 444
Юзунгким тозароқдур барги гулдин 445
Ишқ чун берди таним шуъласиға кўкта ўрун 446
Риштаи жоним санга боғлиғдур, ўлтур бир замон 447
Ул кони малоҳатда демон бор эди бир он 448
Эй, юзунг устида кўз андоқки, ораз узра айн 449
Ишқ аро куйсам, кулумни лутф этиб ё Зулминан 450
Мусаввиреки, қилур кўйи гардининг рақамин 451
Нетиб тамаъ қилайин бўйнума сочинг расанин 452
Неча кундурки хабар топмамишам сиймбаримдин 453
Йўқ фурқат аро баҳрам не тандину не жондин 454
Музаҳҳаб айлаган пайконларинг жисмим аро ҳар ён 455
Фурқатингдин судурур кўнглум, хаёлинг ул судин 456

Ёрутмас қуёш тийра шомим қаросин 457
Нетиб ўпкаймен ул чобук аёғин 458
Икки гул бир кеча кулбамни гулистон айлабон 459
Эй кўнгул, гар қути жон қилмоқ тилар бўлсанг лабин 460
Етишти байраму рафъ этти рўза қайғусин 461
Себакедур оразим ранги бирав ҳижронидин 462
Юзунг кўргач, илик кўксумга урмон, ишқ тобидин 463
Малолат буми учмас мен гадо вайрони томидин 464
Дема гулгундур либосимким, сиришким қонидин 465
Тилаб мақсад ҳарими тавфини елдек хиромимдин 466
Шиоий хатлар айрилған киби хуршиди рахшондин 467
Лолалар очилса вайрон марқадим ҳар ёнидин 468
Юз ўтида юз қатра су, тонг йўқ, хайи ғалтонидин 469
Гар мени ёд этмас ул ой зулм ила бедодидин 470
Ё Раб, улким васл шоми ком олур зебосидин 471
Эй мусулмонлар, фиғон, ишқи балоангездин 472
Дамеки ишқ ўтида қолмағай асар мендин 473
Ҳар киши байрам сабоҳи шоду мен ғамнокмен 474
Қадни ул хуршид аёғинда агар дол эткамен 475
Билгасен, чекмас киши дарду бало андоқки мен 476
Ё Раб, англабму экин ул ойким, анинг зоримен 477
Юз жафо, тонг йўқ, гар ул номеҳрибондин кўргамен 478
Телба кўнглум жавридин андоқ паришонҳолмен 479
Ҳажр шомидин қоронғуроқ тун ўлғайму экин 480
Бу кеча ҳажр куни шоми қийргуниму эркин 481
Демангиз келмиш алам сиҳҳат кетиб, ёр илгидин 482
Гарчи ул маҳваш жафо айлар таммул қилмайин 483
Ўртама кўнглумни комин ҳосил этмастин бурун 484
Ёрумас шамъи жамолинг, риштаи жон ўртабон 485
Эл ғамимдин куймасун деб, нолаи зор айламон 486
Қатра терлардин юзинда дур нишонинму дейин 487
Ғам туни лаълинг суруди ҳажр дер мен зор учун 488
Неча ашкимдин манга, эй ишқ, бедод эткасен 489
Ёр ҳолидин манга, ваҳким, хабар йўқтур бу кун 490
Кўзларим кўр эт, кўнгулга доғи ҳижрондин бурун 491
Юзунг субҳида холинг нуқтаедур, субҳ аро бўлған 492
Буки кўнглум ярасидин оқадур, қонму экин 493
Кўз боғида гул экмишам ул юз хаёлидин 494
Бир мусофирда кўруб тимсолини, бечорамен 495
Уйга келмиш, деб хабарлар айтибон жононадин 496
Ишқ айнидин кўзумни қилмади ёруқ жаҳон 497
Кўнгул, қайғурмаким, дашти фаноға борғудектурмен 498
Бўлди шому қилди жонимға жафо бунёди тун 499
Баҳор андоқки булбул гулузори тоза истармен 500
Бойким, душворроқдур меҳнати айёмдин 501
Не баҳор ўлғайки, нолам раъд эрур, ашким ёғин 502
Чу ёр кўнглаки чокин наззора айлармен 503
Биравдурур манга матлуб дилраболардин 504

Хароб эрдим агар ёри ситамкорим жафосидин 505
Зулм тиғи қолмади гардун бошимға урмаған 506
Кош кўнглумдин чиқарғай эрдим ул ой улфатин 507
Ишқ аҳли сотқун олса изинг тўтиёсидин 508
Кул ўлса рахши наъли барқидин ишқ ичра бир хирман 509
Борсанг ол жонимни, то сенсиз манга жон қолмасун 510

ВОВ ҲАРФИНИНГ ВИЛОҲАТАФЗОЙЛАРИНИНГ ВАҚОЕЪИ «ФАВОЙИД»ДИН

Тариқи ишқ аро гар ўзни фард қилса биров 511
Ўт ёлиндек сен қачон чопсанг саманди барқрав 512
Ёрдин айру май ичмак қиндурур балким оғу 513
Эй сабо, оввора кўнглум истаю ҳар ён бору 514
Йиғламоқ кам қилмади бу дийдаи гирёнда су 515
Соқиё, мен ютмаған хуноби ҳижрон қолдиму 516
Гарчи кўп саркашлик этти боғ аро бунёд сарв 517
Лаълини десам чашмаи ҳайвон эрур ушбу 518
Ҳажрида ошиқнинг афғондин қарори борму 519
Каманди зулфунг аро солма печу тоб асру 520
Булбули руҳум қилур боғи висолин орзу 521
Ўтлуқ узоринг узра ул турфа холи жоду 522
Ояти «Вашшамс» хуршиди узоридин ўқу 523
Юзига тушиб эрди уйқуда гесу 524
Ул ойни кўрган эл дерларки, меҳри ховаридур бу 525

ҲЕ ҲАРФИНИНГ ҲУМОЮНВАШЛАРИНИНГ ҲАЛОКАНГЕЗЛИҒЛАРИ «ФАВОЙИД»ДИН

Фалакдин яхшилик еткай дебон, кўнглунгни шод этма 526
Чаманда сарв ё гул чун сабодин тебранур ногаҳ 527
Не пўя урдум йўлида, не бошим ўлди хоки раҳ 528
Сарву гул ҳусн ичра йўқ ул сарви гулрухсорча 529
То қулоғингға зириҳ солдингу қошингға гириҳ 530
Дайр ичра яна кирдим бир журъа учун, ваҳ 531
Тун-кунким эврулур мени бемор бошиға 532
Эй кўнгул, тортар эсанг сарсари оҳ 533
Бўлур шом ул маҳи Нахшаб равона 534
Нашъа етмас бода гулгун базмгаҳ гулзор эса 535
Меҳри рухсориға хат зоҳир этибтур дилхоҳ 536
Шамъдек қомату юз шамъи ила жонона 537
Фироқ неши кўнгулнинг ичию тошида 538
Менмудурмен кўз ёшим рангин бағир қони била 539
Зулфи қонлиғ пайкаримни чекти печу хам била 540
Тонг саҳоби уйғатур уйқулуғ элни су билан 541
Анингдек ўт яна ишқ урди хонумонимға 542
Уйқуни оҳим ели кўздин учурди бу кеча 543
Ишқ раҳм этса бу саргардон тани беморға 544
Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға 545

Сурати девордек ҳайронмен ул рухсорға 546
Иккн юздин қадингға икки гесу бўлди пероя 547
Ёр ишқим англамай, лаъли сусабтур қонима 548
Ёр акси чунки айлар жилва май кўзгусида 549
Мен ўлар ҳолатдаю кўйида итлар қошима 550
Кўргали чун тоқатим йўқтур сени бир ёр ила 551
Новакингнинг тусидин эрмас нишони бўйниға 552
Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача 553
Қаю қушким, қўнар бу пайкари Мажнун мисол узра 554
Ҳажр ўти доғи била кўнглумни, эй жон, ўртама 555
Зулфиға майл, эй насими анбарафшон, айлама 556
Тўкулгудек эди жисмим қуруқ сўнгаклар ила 557
Бир кичик ёшлиғ нигоре топмишам нозуккина 558
Ул яшил тўнлуқ париваш лаъли шаккарбор ила 559
Ҳар ойки ғайрима бир зарра меҳри фош ўлса 560
Эйки, юз минг доғ қўйдунг жисми ғампарвардима 561
Қўйди усрук юзни бу хоки тани беморға 562
Солурам руқъасини кўнглума урғач ёра 563
Билгай улким манзил эткай хотири вайронима 564
Ишқ кўп солди мени дарду балият чоҳиға 565
Нетиб ўзумни тасаввур қилай висол ичра 566
Рақиб келмаги ул нўшлаб санам бирла 567
Неча қамчи тушубтур ул қади сиймин бадан узра 568
Ҳужуми хол эрур ул гули жамол узра 569
Кўрунг, ғам қатлгоҳида, бало жаллоди қошимда 570
Борғали шаҳ, ойда бир май ичмадим моҳим била 571
Ул сўюлған барги гул чоғлиқ юзунг бўстонида 572
Ниҳоли қаддинг элдин жон олур нозук хиром ичра 573
Гар қуёштин қадрим ортуғроқдурур шоҳ оллида 574
Гулеким, ёр бергай мен киби урён гадоларға 575
Чунки мойилдур кўнгул ағёр сори ёрға 576
Ҳиротдин агар ўт тушса Сабзаворғача 577

ЛОМАЛИФНИНГ ЛОЛАРУХЛАРИНИНГ ЛОБАСИ «ФАВОЙИД»ДИН

Нигоримға бедод фан бўлдило 578
Соқийи ишқ чунки урди сало 579

Ё ҲАРФИНИНГ ЯҒМОЙИЛАРИНИНГ ЮЗ КЎРГУЗМАКЛАРИ «ФАВОЙИД»ДИН

Эй юзунг устида тер гул барги узра шабнаме 580
Чу ҳар дам ул парий бегона бўлғай 581
Бошимға кош гоҳе етса рахшин секретиб моҳе 582
Ул пари савдоси мен девонадин айрилмади 583
Ҳалқаи зулфунг кўнгул чекмасму эрди, эй парий 584
Висолим шомича йўқ ҳажр субҳи меҳнатафзойи 585
Кўнгул чун сендин уздум, шодлиғ эмди маҳол ўлғай 586
Бода гулгул айламиш равшан узоринг боғини 587

Бу байрамда қани шўхеки, жоним бўлса қурбони 588
Ваҳким, яна бир муғбача диним йўлин урди 589
Ул шоҳу мен гадомен, ул тифлу мен қари 590
Бўлмиш бузуғ кўнгулда қошинг турфа сурати 591
Оразинг кўрмакка, жоно, мунтазир эрдим бир ой 592
Эрур сероб андоқ оташин гулдин юзунг боғи 593
Юборди ёр базмидин манга бир пистаи қанди 594
Дуди оҳимдинму ҳар сари шарарлар бутради 595
Бўлса кўюнг туфроғи заъф ичра жисмим бистари 596
Гул эмастур оташин, булбулларин куйдургали 597
Мени ўлтургай эди муғбачаларнинг алами 598
Муҳандисе топаю эгнима қанот ясатай 599
Бу шаҳсуворки гўй ўйнамоққа ичмиш май 600
Ишқ орзусини қилур ул навжувон сари 601
Жонға чун дермен: не эрди ўлмаким кайфияти 602
Турфа гулзор айламиш май гуллари рухсорини 603
Букун ақшомға тегру менки кўрмаймен қуёшимни 604
Мовий ёғлиғдин қошинг, эй жонға бедод эткучи 605
Ҳар бағир парголаси ғам даштининг бир лоласи 606
Лаб уза хатти анбаролуди 607
Ваҳ, неча даврон жафоси айлагай маҳзун мени 608
Ўтган кеча мен эрдиму ул сиймтан эрди 609
Менмудурменким, айирмиш васлидин жонон мени 610
Чун ул ой ҳар дам боқар кўз учидин гардун сари 611
Хомаи мушкин рақам бирла мени ёр истади 612
Хуштур ичмак ёр ёди бирла ишрат жомини 613
Ул ойким шомдин то субҳгаҳ масти хароб ўлғай 614
Асрадинг куйдургали ушшоқи музтар кўнглини 615
Ўпмак истар чоғда лаъли жонфизосин тишлади 616
Дайр кўйида бугун асру алоло эрди 617
Ҳар ўқ ул қоши ё кўксумга отса, бехато еттай 619
Не деб айлай жонни зулфи мушкбўюнг садқаси 620
Ишқ аро тиш бағрима урсам, ичармен қон доғи 621
Ногаҳ ўлдум бир кўзи соҳир гирифтори, нетай 622
Кўрма сориғ баргу қил наззора рухсорим сари 623
Келгил, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени 624
То паришон қошларинг ошуфтаҳол этмиш мени 625
Захмима марҳам ёқиб, ғамгин кўнгул шод ўлмади 626
Бўлмасам ошиқ, фиғоним зор бўлғайму эди 627
Ишқ аро ким кўрди, оё, нотавоне мен киби 628
Хурдабинлар фаҳми идрок айламас ёр оғзини 629
Ҳафтаедур кўрмамишмен ул бути чолокни 630
Не ўққим, жисми урёнимға отти 631
Менким итимен, бўлса мени элткали ори 632
Ўлтуруб эл, базмидин ул шўх чиқмоқ не эди 633
Деманг андин хўб кўптур, севма ул худройни 634
Не гулшанидин атр димоғимға етишти 635
Кўзумдур тийра, кўнглум ношикиб, эй хотирим коми 636
Ҳар ўқи келса мени зор сари 637
Анингдек бузмамиш гардун мени мажнуни шайдони 638

Бир йўли бизни унутқунг бори ... 639
Не пок Мажнунки, бир пари чеҳра пок ҳусниға зор бўлғай ... 640
Кўрмадим жононни ўтган кун ҳаётим йўқ эди ... 641
Эй ҳаётим нақди лаъли хурдадонинг садқаси ... 642
Туну кун истама оҳимки, мукофот чоғи ... 643
Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни ... 644
Фалак еткурмаса ёнимға они ... 645
Лабинг чашмаи ҳайвон, қадинг руҳи инсони ... 646
Ажаб эмастур, агар бўлса дардим огоҳи ... 647
Назар аҳлиға гарав хайли келди, сурма бил боре ... 648
Зор кўнглумда ниҳон, ўйлаки, жон дейму сени ... 649
Жон ола келганда, саъю изтиробингға ўлай ... 650
Шабистонларни, тонг йўқ, гулситон этса кўзум қони ... 651
Баски ноҳамвор бедод ул жафокор айлади ... 652
Кўнглум ҳарими ичра қилур жилва ул парий ... 653
Базмдин чун чиқти ёру анжуманға кирмади ... 654
Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не нисбати ... 655
Зиҳи йўлунгда бир афтода одами хоки ... 656

МУСТАЗОД ... 658

МУХАММАСЛАР ... 660

МУСАДДАС ... 664

МУСАММАН ... 667

ТАРЖИЪБАНД ... 670

СОҚИЙНОМА ... 681

ҚИТЪАЛАР ... 722

ФАРДЛАР ... 741

«Бадойиъ ул-бидоя» девонига ёзилган дебоча ... 754

Расмий девонларга кирмаган шеърлар ... 768

Турли манбаларда Алишер Навоийга нисбат берилган ғазал ва байтлар ... 794

КЎРСАТКИЧЛАР ... 797

ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАР ... 804

УДК 821.512.133
84 (5ў)1
Н14
ББК 84 (5ў)1

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчилар:

Ҳамид Сулаймон, Иброҳим Ҳаққул

Масъул муҳаррир
Сайфиддин Рафиддинов

© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 й.

ISBN 978-9943-03-367-2

Адабий-бадиий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

Тўла асарлар тўплами

Ўн жилдлик

Тўртинчи жилд

ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ

Фавойид ул-**кибар**

Китоб безаклари ва макетини
Анатолий Бобров ва *Шуҳрат Мирфаёзов* тайёрлади

Нашр учун масъуллар: *Лазиз Тангриев, Илҳом Зойиров*
Муҳаррирлар: *Илҳом Зойиров, Ваҳоб Раҳмонов*
Бадиий муҳаррир *Акром Баҳромов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Саҳифаловчилар: *Умида Валижонова, Акмал Сулаймонов*
Мусаҳҳиҳлар: *Доно Тўйчиева, Фотима Ортиқова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 20.06.2011 й.да рухсат этилди.
Бичими 70 x100 $^{1}/_{16}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
67,72 шартли босма тобоғи. 23,0 нашр тобоғи.
Адади 3000 (1-завод 1000) нусха. 68 – 2011 рақамли шартнома.
275 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Навоий, Алишер.

Хазойин ул-маоний: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А.Навоий; нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, И.Ҳаққул; масъул муҳаррир С.Рафиддинов; ЎзР ФА, А.Навоий номидаги тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: Fафур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 840 б.

Ж.4 : Фавойид ул-кибар. – 840 б.

ББК 84 (5ў)1